

Джазыбак



АБОЙ
АХМЕДОВ

дл. 6
1928

12
A-98

БҮРИБОЙ АХМЕДОВ


4

МИРЗО УЛУГБЕК

БАДИЛ

*Тузатилган ва тўлдирилган
иккинчи нашри*

64612 - 64613



Тошкент
«Еаувчи» нашриёти

22.6 г
А 98

Мухаррилар: МУБОРАК НАЗИРОВА, АДДУВОРИС АБДУМАЖИДОВ

Рассом МИКОНЛ ИБН ИСМОИЛ

А 4702620101 — з- 732
M355(04) — 94 рез. 94

ISBN 5-648-02027-9

© Бўрибай Аҳмедов. 1994.

БИР-ИККИ ОГИЗ СҮЗ

Машхур поляк астрономи Ян Гевелийнинг (1611—1687) «Продромус астрономиа» («Астрономия даракчиши») деб номланган машхур китоби бор. Китоб бундан қарийб 300 йил муқаддам 1690 йили Гданск шаҳрида (Польша) нашр этилган. Ўша китобда диққатга сазовор иккита сурат бор. Ҳар иккаласида ҳам буюк ватандошимиз Мирзо Улугбекнинг (1394—1449) сиймоси тасвиrlанган. Биринчи расмда (IX саҳифа) Улуғбек мунажжимлар худоси Ураниянинг ёнида. Европалик беш йирик астроном: грек Птолемей (эрам. аввал таҳминан 170 йили вафот этган), немис шаҳзодаси Гасс (1532—1592), даниялик Тихо Браге (1546—1601) ва итальян Жан Бантист Риччиоли (1598—1671) ва Гевелий билан бирга тасвиrlанган. Бу расмда Улуғбек Ураниянинг ёнгинасида, унинг ўнг тарафида биринчи бўлиб ўлтирибди. Иккинчи суратда (XIII саҳифа) у яна ўша Урания ва жаҳонга донги кетган ўн бир астроном: Тимахарис (милод. аввалги III аср). Гиппарх (милод. аввалги II аср), номи юқорида зикр этилган Птолемей, ал-Баттоний (852—929), Региомонтан (1436—1476), Вольтер (1430—1504), юқорида тилга олганимиз шаҳзода Гасс, Гевелий, Николай Коперник (1473—1543) ва Тихо Браге билан бирга тасвиrlанган. Тасвиrда Улугбек Ураниянинг ўнг тарафида, учинчи бўлиб турибди. Булар грек, араб, немис, итальян, ўзбек, дания ва поляк халқларининг фарзандлари, классик асарлари билан жаҳон халқлари маданияти тарихида учмас из қолдирган буюк олимлар.

Бу гаплар XVII асрга тааллуқли, лекин Мирзо Улугбек ўз замонасидаёқ — XV асрдаёқ машҳури жаҳон бўлди. Масалан, Низомуддин Алишер Навоий ўз асарларида Мирзо Улугбекнинг илм-фан жабҳасида курсатган жасоратини улуглади, номини кўкларга кўтарди. Мутафаккир шоир «Фарҳод ва Ширин» достонида бундай дейди:

Темирхон наслидин сulton Улугбек,
Ки олам кўрмади сulton анингдек.
Анинг абнойи жинси бўлди барбод,

Ки давр аҳли биридин айламас ёд.
Ва лек ул илм сори тоити чун даст,
Қўзи олинда бўлди осмони наст.
Расадким болгамиш — зеби жаҳондур,
Жаҳон ичра яна бир осмондур.
Билиб бу наевъ илми осмоний.
Ки андин ёзди «Зижи Қўрагоний».
Қиёматга декинча аҳли айём,
Езурлар онинг аҳкомидин аҳком.

Улугбекнинг яна бир замондоши шоир Саққоий унинг
илму-камолотини мана бу мисраларда тараниум этган:

Аристолис ва Афлотун ва Битлимус ва Жолинус,
Али Сино ва Файлақус, Арасту ва Абу Маъшар,
Риёзи ҳашт ва ҳикмат расад иксир ва Иқлидус,
Бадиъю саноитни санингтек билмоди онлар,
Фалак йиллар керак сайдир этса ва келтурса илгингга
Менингтек шоирни турк ва сенингдек шоҳ донони.

Яна бошқа жойда ўқиймиз:

Салотин дунёда күп келдию кетти, сенингдек бир,
Фалакнинг гар тили бўлса ойтсунким қачон келган.

Қандай улуг ва ҳаққоний гаплар. Сирасини айтганда,
подиоҳни бир ёққа қўйиб турайлик, лекин жаҳонда олим
ҳам күп ўтган. Ўтишда ўтгану, аммо Улугбекдек буюклик
чўққисига кўтарила олганлари деярли тонилмайди.

Ўша замонда ўтган яна бир улуг зот — машҳур муаррих
Абдураззоқ Самарқандий (1413—1482) Улугбекни хусусан
ҳандаса (геометрия) илмида тенги йўқ олим бўлганлиги
ҳақида гувоҳлик беради.

Чун Улугбек Мирзо дар илми ҳандаса,
Натавон ёфт дар ҳазорон мадраса.

Яъни:

Ҳандаса илмида Улугбек Мирзодек (олим) ни,
Минглаб мадрасадан ҳам излаб тошмассан.

Дарҳақиқат шундай. Лекин риёзиёт (математика),
илми нужум (астрономия) фанларида ҳам бемонанд эди
у. Улугбек тарих илмида ҳам ўзидан арзигудек ёдгорлик

қолдирди. Хулласи калом, Улугбек подиоҳ булиб эмас, балки Мовароунинаҳр халқларининг илм-фан ва маданият тараққиёти тарихига қўшган улкан шахсий улуши билан, яъни ёзib қолдирган бебаҳо асарлари билан, илм-фан ва маданият намояндаларига кўрсатган рағбати ва хомийлиги ва уларга раҳнамо бўлгани билан тарихда қолди.

Улугбекнинг номи ва асарлари бизнинг мамлакатимиздагина эмас, балки бутун дунёга машҳур. Улугбекни олим сифатида XVI асрдан бери Оврунода ҳам, Осиё мамлакатларида ҳам, Америкада ҳам яхши билишади, зўр ҳурмат-эътибор билан тилга олишади.

«Яхши одам икки умр курди», деган нақл бор. Улугбекнинг ҳам, Урания ўз қаноти остига олган бошиқа мунахжимларнинг ҳам ҳаётдан кўз юмишганига кўн вақт ўтди — 300—500 йил вақт кечди. Шунга қарамай, улар ҳамон кўн тилларда ва қалбларда барҳаёт. Улар битган асарлар авайлаб-асралянти, синчиклаб ўрганиланти. Одамлар ҳамон уларнинг илм чашмасидан сероб бўлиб турибдилар. Имон комилки, уларнинг келажак авлодга ҳам катта фойдаси тегади. Модомики шундай экан, улар ўлмаган — тирик, ҳамиша халқ билан бирга. Шунга қараганда, бундай олимларнинг икки эмас, балки бир неча умри борга ўҳшайди. Умрбоқийлик хусусида айтилган гаплар бежиз эмас шекилли. Дарҳақиқат, бу нақлининг чуқур ҳаётий ва фалсафий маъноси бор. Бу гац, менинг фикри ожизимча, касбкорига амал қилиб ҳалол меҳнат қилган, ўзидан халқига, эл-юртига арзигулил ёдгорлик қолдирган одамга, масалац, асрлар бўйи қақраб-қақшаб ётган чўлу-биёбонга оби-ҳаёт бағишлаган бобо дехқон, ажойиб бинолар қурган меъмор, зўр санъат асари яратган наққош, одамлар учун деб яхши китоб ёзib қолдирган чин олим ва адигба тегишилдири. Бунақа одамлар умрбоқий одамлар бўлиб, абадул-абад тирикдирлар. Мирзо Улугбек ҳам шунақа одамлар жумласига киради. Алишер Навоий ҳазратларининг мана бу сўзларига ҳам қаранг-а:

Іу гудиан ичра йўқдур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била от.

Пайгамбарона айтилган қандай улуғ ган. Ҳа, дарҳақиқат, Мирзо Улугбек ўзидан яхши от қолдирди...

Улугбек ва унинг илмий фаолияти ҳақида ёзилган асарлар бир даста. Уларнинг илмийлари ҳам бор, бадиийлари ҳам анча-мунча. Олимнинг илмий ва ижтимоий-сиёсий фаолияти бизнинг мамлакатда ҳам, хорижий

мамлакатларда ҳам кўн ўрганилди. Мен бу ерда В. В. Бартольд, В. Л. Вяткин, В. А. Шишкин, Т. Н. Кориниёзов, Г. Жалолов, Н. И. Леонов ва ушбу сатрлар муаллифининг китоблари ва мақолаларини пазарда тутаётиман. Оврона ва Америка олимларидан Жон Гривс, Томас Хайд, Э. Б. Нобл, Л. А. Седийо, Э. С. Кеннеди ва Майлсларниңг бу борадаги катта хизматларини ҳам эътироф этиш зарур. Улугбек ҳақида озми-кўними бадиий асарлар ҳам яратилди. Глеб Голубевининг «Улугбек» қиссаси, Максуд Шайхзода-ниң «Мирзо Улугбек» трагедияси, Одил Ёкубовининг «Улугбек ҳазинаси» романи шулар жумласидандир.

Бундан Улугбекнинг ҳаёти ҳам, илмий фаолияти ҳам ўрганиб бўлинибди, деган хulosага келмаслик керак. Илмда бирон масалани ҳеч ким ва ҳеч қаочон бир галдаёқ узил-кесил ечмаган, ечолмайди ҳам. Чунки ҳар қандай илмий тадқиқот тадқиқотчи илмининг даражаси, унинг назарий ва амалий савиясига, ахборот берувчи маибанинг тўлалиги, сифати ва сонига ҳам боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам юз фоиз тўла, мукаммал ва тамоман хатодан ҳоли китобнинг ўзи бўлмайди. Қолаверса, Улугбек ва унинг замони ҳақида, у боли бўлган Самарқанд илмий марказининг фаолияти ҳақида ҳали айтадиган гаплар жуда-жуда кўн.

Бизнинг муҳтарам китобхонга тақдим қилаётган ушбу арзимас китобимиз буюк олим, унинг илмий ва ижтимоий-сиёсий ҳаёти хусусида айтадиган гаплардан битта-иккитаси, холос.

Китоб асоссан XV – XVI асрларда битилган тарихий ва бошқа асарлар, хусусан Шарафутдин Али Яздийнинг «Зафарнома», Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъ уссаъдайи ва мажмамъ ул-баҳрайн» («Икки саодатли юлдузнинг чиқиш жойи ва икки азим деңгизнинг тутаниш ўрни»), Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уншуаро» («Шоирларниң таржимаи ҳоли»), Али иби Ҳусайн Воиз ал-Копиғийнинг «Рашахоту айн ул-ҳаёт» («Ҳаёт чашмаларидан томчилар»), Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» («Рашидуддинхон тарихи»), Масъуд иби Үсмон Қўҳистонийнинг «Тарихи Абулҳайрихоний» («Абулҳайрхон тарихи»), шунингдек Улугбекнинг «Зижи жадиди Қўрагоний» («Қўрагонийнинг янги астрономик жадвали»), «Тарихи арбъа улус» («Тўрт улус тарихи»), Али Қўшчининг бир қатор китоблари, шунингдек, Лутфий, Навоий, Бобур ва бошқа олим ва шоирларниңг асарларига таянган ҳолда ёзилди.

Буюк мунажжим, аллома Мұхамғ
мад Тарогай Улутбек таваллудининг
600) йиллигига багишландырылган.

Мұхамғ

Биринчи боб

ТАШВИШЛАРГА ТҮЛДІ БОЛАДЫК

Хижрий 796 йилдининг раби ул-аввал (1394 йил январ) ойидан бери совуқнинг шиддатига қарамай, жаҳонгир Амир Темурнинг катта қўшини Жазира вилоятининг мустаҳкам шаҳарларидан Мординни чор тарафдан қаттиқ искаижага олиб турарди. Бу шаҳар баланд бир тогнинг тенасида жойланған бўлиб, унинг қоқ ўртасида шаҳбоз (лочин) отлиқ мустаҳкам қалъаси бор эди. Қалъа ҳимоячилари ўзларини устувор тутиб, босқинчиларнинг деярли ҳар куни эрта тоңгдан то қош қорайгунча кетма-кет қилиб турган ҳужумларига дош берар, мўру малаҳдай ёпирилиб келган душманни қалъа деворларидан туриб тошбўрон ва тирбўрон қилиб, уларгъ катта талафот етказиб турардилар. Темурнинг маниканику нафт андозларининг қаттиқ зарбидан, ўтири шибаларнинг аччиқ тишидан қалъа ичидагилар ҳам бениҳоят қийналган, ҳоли қуриган, кўп одамларидан ажralиб қолгаидилар. Ана шундай қунлардан бирида, айни жангу жадал авжига минган бир пайтда, қалъа рўбарўсидаги қояда жангни дикқат билап кузатиб турган Амир Темурга ваҳшатомуз хабар олиб келдилар. Жаҳонгирнинг қўмак учун Форс вилоятидан қўшин тортиб келаётган иккинчи ўғли мирзо Умаршайх Диёрбакр йўлида, тор бир дара ичидаги ногаҳон ўқ тегиб ҳалок бўлиди. Воқеа бундай содир бўлган эди: Умаршайх ана шудара ичидаги илон изига ўхиша сўқмоқ йўлдан келаётib кичик бир қалъа рўбарўсидан чиқиб қолди. Қалъа Хурмату деб аталаркан. Умаршайх ўша қалъани кўздан кечирмоқчи бўлиб катта бир қоятош тенасига кутарилди. Шу пайт қалъа буржида пайт пойлаб ўтирган бир қурд мерган уни аниқ нишонга олди... Бу хабарни эшитиб Темурнинг қаҳр-газаби минг чаандон бўлди, бутун вужуди бамисоли ўт бўлиб ёди. Кўзларига дувуллаб келаётган ёшни бир илож қилиб қайтариб қолди. Бунга балким ёнгинасида туриб қамал жангини тамошо қилиб турган Кастилия

қироли Генрих III (1390—1407) нинг элчилари сабаб бўлгандир, балки. Амир Темур гайридинлар олдида бундай қўлмас эди. Ҳатто ичини мушук тирнаганда ҳам буни ёнида турган кимсага билдирамасди. Қўпцунот ва туманот бошилиқларини чорлаб пима бўлса ҳам қалъани тезроқ забт этиш, уни ер билан яксон қилиш, қалъа ичидағи бирон тирик жонни омон қолдирмасликни буюрди:

— Мордин ҳам, ал-Боз ҳам шу бугундин қолмайни забт этилсун, аларнинг ичида не бўлса барчаси ёндирулсун, халқи эрға қатли омм қилунисун!

— Жёнимизни фидо қилингага ҳозирмиз, — деб қўл қовуштириди улуг амир Шайх Нуриддин.

— Ҳали-ку бир жонимиз эркан, жонимиз мингта булганда ҳам ҳазратимнинг оёқларига қурбон этурмиз, — деб қўйиди соҳибқироннинг яна бир нуфузли амири Шоҳмалик.

Саф тортиб турган бошиқа амирлар қўл қовуштириб чуқур таъзим қилиш билан икки улуг амирнинг айтганиларини тасдиқладилар.

Амир Темур амирлар тарқалиши биланоқ, атрофидагиларга бир пима демасдан чодирига қараб йўл олди, етгач чодир эшиги ёнида турган чуҳрага «олдимға ҳеч ким кирмасун!» деб амр қилди. Айиқ терисидан қилинган пустак устига ўлтирди-ю, кўзларига юмма-юмма ёш келди. Темур Жаҳонгирдан кейин Умаршайхни ҳам яхши кўради. Айниқса унинг узига ўхшашиб қайсарлиги ва довюраклиги унга кўпроқ ёқарди. Шу ерда Мўгулистон ҳукмдори Қамариддин билан курашган йиллари эсига тушди. Ўшанда мирзо Умаршайх отасининг жонига кўн оро кирган эди. Ўшанда у Қамариддиннинг нуфузли амирларидан Анқо тўранинг адабини берганди, Моваро-унихаҳр ҳудудига яқинлашиб қолган бу амирни Соброн ёнида тор-мор келтириб, то Кўкча денгиз (Балхаш кўли) гача қувиб борган эди...

Ўша куни Амир Темурнинг аскарлари жон олиб-жон бериб уришдилар, лекин қалъя ўша куни ҳам олинимади. Раби ус-соний (феврал) ҳамда жумади ал-аввал (март) нинг ярми ҳам шу тариқа кечди. Билмадим, қамал яна қанча вақт давом этар, ҳар иккала тарафдан қанчадан-қанча йигитнинг ёстуғи қуриркан... Нима бўлса ҳам Темур бу қайсар қалъани олиши ва ер билан яксон қилиши муқаррар эди. Лекин кутилмаганда, жумаъ куни (1394 йил 17 апрел) эрталаб Султониядан, соҳибқироннинг мухтарам ва нуфузли хотини Сароймулк хоним ҳузуридан чопар келиб амирзода Шоҳруҳ ўғилли, Темурбек бўлса неварали

бўлганини хабар қилди. Бу — Мирзо Улугбекнинг таваллуди ҳақидаги ҳушхабар эди. Бўлажак буюк олим ҳижрий 796 йил жумади ал-аввал ойининг 19 куни (1394 йил 23 март) дунёга келганди. Темур бу ҳушхабарни азадор бўлишига қарамай, гурур ва хотамлик билан қарши олди; чопарга бош-оёқ саруно, бир сипар олтин суюнчи берди. Яна, ўша муборак таваллуднинг шукронаси учун Мордин ҳалқининг жони ва молидан кечди, лекин яхшилик билан таслим бўлишдан бўйин товлаб, шунчайин қурбону талафотларга сабабчи бўлган амир Исони ҳокимиятдан четлатиб, шаҳар ва вилоятни унинг иниси Султон Солихнинг ион-ихтиёрига топширди. Унга Ол-томго босилган ёрлиқ ҳам тутқазди. Ўша кечаси қалъа теварагида гулханлар ёқилиб, катта тўю-томушалар бошланди. Подпоҳ, чодирига йигилган уламо, фузало, вузаро ва лашқарбошилар соҳибқиронни янги меҳмон билан қутладилар, ҳар ким ҳолига яраша пешкашлик қилди. Амир Темур ҳам уларни, ўз навбатида, қимматбаҳо саруполар билан сийлади. Мажлис охирида соҳибқирон тўплангандарга мурожаат қилди:

— Мұхтарам жамоа, подшолик бўстонининг ушбул янги ниҳолиға не исмни муносиб қўрурлар?

Аҳли мажлис бирон исмни тилга олишга журъат қилолмади. Ҳамманинг кўзи соҳибқиронга тикилди, чунки невараларига исмни кўпинча унинг ўзи қўярди. Бу сафар ҳам шундай бўлди.

— Неварамининг муборак исми Муҳаммад Торогай бўлгай.— Темур болага ўз отасининг исмини қўйди, лекин у кўпроқ Улугбек номи билан машҳур бўлди. Тахаллусни ҳам Темурнинг ўзи қўйган эди.

Улугбек онаси Гавҳаршод бегим ва катта оналари Сароймулк хоним, Тўқал хоним, Чўлонон Малик ога ва угруқ билан уч ой чамаси Султонияда турди. Темур бўлса шу вақт ичиди Ширвон ва Арманистон устига қўшин тортиди. Қун ўтмай, 796 йилнинг ражаб ойида (1394 йил май ойида), Темур ёш шаҳзодалар билан хотинларини ҳам Арманистонга чақиритиб олди... Шу-шу чақалоқни бешикда бир йил чамаси лашқар кетидан Арманистон ва Кавказ орти йўлларида олиб юрдилар. Гўдаклар билан хотин-халажга шунча азоб беришининг не даркори бор эди? Темурнинг бундан кўзлаган мақсади бор эди-да, ахир. У набираларини гўдаклигидан ўзига ўхшаган чиниқсан ҳарбий киши қилиб тарбиялаш мақсадида эди. Шунинг учун ҳам уларни гўдаклигидан суягини жангу жадалларда қотирмоқчи бўлди. Темур саройида ҳукм сурган бу

тартибдан бир қадар нимжон тугилган Улугбек ҳам четда қолмади. 797 йилда жумади ал-аввалининг 7-кунин (1395 йилининг 28 феврали) Амир Темур хотинлари ва шабираларини Шоҳрухга қўшиб Самарқандга жўнатди, ўзи эса тамом қўшини билан Олтин Үрда хони Тўхтамишга (1378–1395) қарши уруш очди... Улугбек уч йил Самарқандда турди. У кўпинча катта онаси Сароймулк хонимнинг назорати остида шаҳарнинг жанубий тарафида жойлашган ва хонимга тегишли бўлган Боги чинорда истиқомат қилди...

1398 йилнинг баҳорида Амир Темур яна урушга отланди. Бу гал у Ҳиндистон устига қўшин тортди. Улугбекнинг тинчлиги ва ҳаловати яна бузилди. Темур уни Сароймулк хоним билан узоқ Ҳиндистон юришига бирга олиб кетди. Ўшанда Улугбек бобосининг ёнида Жайхун тенасига кемалардан, уларни бир-бирига занжирлаб, қурилган кўприкдан ўтди. Ўшанда у Балх ва Бадаҳшоннинг бир талай шаҳар ва қишлоқларини томоша қилишга муссар бўлди. У Хулм, Арҳанг сарой, Саманғон ва Андаробда бўлди. Хулмда турган кунларининг бирида қушбегилар шаҳарчанинг кун чиқиши тарафидаги Шамар тогларида, ўша тарафдаги қўриқхонада, катта ов маросимини уюштирилар. Амир Темур хос овчилари билан чор атрофи бутазор текисликнинг қоқ ўртасида жойлашган баландлик тепасида ўринлашди. Овчиларга эрганиб Улуғбек ҳам шу ерга келган эди, бобосининг ёнида турди. У ҳам жангчилардек совут кийган, елкасига ўзига яраша қилиб ясалган чочий камон, белига қизил чармдан тикилган садоқ ва мурассаъ ханжар осиб олган эди. Жиргадагилар чор атрофдан сурон солиб жониворларни Темур турган ерга қувиб келишибди, мерганлар эса уларни мўлжалга олдилар. Ўша куни кўп оҳу, каркидон, қулон отилди. Овчилардан бири арслон боласини тириклайин тутиб олган экан, уни подшоҳ турган ерга олиб келиб қозиқца боғлади. Овчи Темурнинг нуғузли амирларидан Шоҳмаликнинг тўнгич ўғли Шоҳсаидбек экан.

— Арзимас тухфамизни қабул этгайсиз, мирзом. У Улугбекка икки букилиб таъзим қилди.

Улугбек елкасидан камонини олди, садоқдан бир ўқ олиб камонга тикиди ва арслон боласига қараб ўқталди. Арслон ириллаб ўзидан тўрт-беш қадам нарида турган мизрога ташлапди. Ўшанда унинг бўйнидаги арқон узилишига бир баҳя қолди; Улугбек ҳам, шер ҳам кўрқиб кетганди. Арслон ириллаб шиддат билан олдинга ташландики, қозиқ ҳам дош бермади. Улугбекнинг ёнгинасида

турган овчи энчиллик қилиб оёги билан арқонни босиб қолмаганида бу ёги нима бўлишини ким билади, дейсиз. Арслон тутиб қолинган бўлса-да, бола қаттиқ қўрқиб кетган эди, ўзини шиддат билан орқага таплади ва йиқилиб тушди. Қўрқувданми, ёки қаттиқ йиқилганданими йиглаб юборди.

— Йўқот бунингни, бадбахт! Болани ўтакасини ёрдингку! — Темур тўғрисида қўл қовуштириб титраб турган овчига ўқрайди. Овчи суюкли амирининг боласи бўлмаганда унинг ҳоли не кечишини билиш қийин эмасди. Амир Темур овчининг елкасига икки қамчи туширди, холос. Шундай бўлса ҳам Шамар қўриқхонасидаги ов Улуғбекнинг хотирасида бир умрга қолди...

Ўша йили Темур рамазон ойининг охири (1398 йил 16 июн) гача Андаробда турди, унинг катта қунини бўлса жаҳонгирга тиз чўкишдан бўйин товлаган ва Сулаймония тогларида истиқомат қилиб турган афғон қабилалари, мамлақатининг шарқий сарҳадида яшовчи катурлар ва сиёҳиўшларни итоатга келтириш, юртларини талон-тарож қилиш билан машғул бўлди.

Зулҳижжа ойининг биринчи куни (1398 йил 15 август) Темур қўшини билан Қобул марғу-зорига келиб тушди. Сафарни давом эттириш олдидан Олтин Ўрда ҳукмдорлари Темур Қуттуғ (1395—1401) ва Идику ўзбек (1352—1419) нинг элчиларини қабул қилди. Унинг эртаси куни (зулҳижжа ойининг 10-си, яъни милодий 1398 йил 24 августда) Улуғбекни Сароймулк хонимга қўшиб, элчилар карвони билан Самарқандга қайтариб юборди. Темурнинг Ҳиндистон юриши тарихини ёзган Ғиёсиддин Алининг сўзларига қараганда, Темурбек Ҳиндистоннинг иқлим шароити шаҳзоданинг саломатлигига птур етказиши эҳтимолидан чўчиб шундай қилган экан...

Темур Ҳиндистонни фатҳ этиб беҳисоб ўлжга, минг-минг асири билан қайтди. 801 йилнинг 21-ражаби (1399 йил 29 март)да у Жайҳун устига солинган қўпrikдан ўтиб Термизга келиб тушди. Бу ерда уни шаҳарнинг мұлтабар кишилари: сайдиллар, кўзга қўринган уламою-фузало ҳамда акобир зўр тантана билан кутиб олдилар. Қутувчилар орасида соҳибқироннинг хотинлари Сароймулк хоним, Тўқал хоним, Туман ога ва эндиғина беш баҳорни кўрган Мирзо Улуғбек ҳам бор эди. Тарихчи Шарафуддин Али Яздийнинг сўзларига қараганда, соҳибқиронни кутиб оловчилар ўша куни кўпrik устида Темур ва унинг ўнг ва сўл ёнида келаётган Ҳалил Султон билан мирзо Султон Ҳусайннинг бошларида шу қадар кўп дурру жавоҳир ва

олтии таңгалар сочдиларки, уидан Жайхун суви тұлиб-тошиб, қуми күрінмай кетған экан. Бу маросимни зұрдиққат билан кузатиб турған Улугбекнинг қалбіда аллақандай түйгу: ҳавасми, истакми, шу билан бирға улуғ бобосининг ёнида тұла ғуур өсіріп сурур билан келаётған мірзоларға нисбатан ҳасадми, ҳархолда қандайдыр ҳистайтүйгу пайдо бўлди. Бобосининг шон-шұхратини илгари ҳам кўрган, лекин Ҳалил Султон билан Султон Ҳусайнни шу зур тантана қаҳрамони сифатида биринчи бор кўриб туриши.

— Нечун мен аларнинг ўрнида, йўқса қаторида эрмасмен? — Улугбек сагирлигидан, жуда секин ўсаётганлигидан бир қадар афсус чекди.

Темурбек ва султонларнинг орқасидан кишинлашган асиirlар, ўлжаси сифатида қўлга тушган тўқсан фил, юзлаб от ва туюларга ортилған Ҳиндистоннинг тансиқ матолари олиб ўтилди...

Орадан кўп фурсат ўтмади. Ҳижрий 802 йил мұхаррам ойининг 8-куни (1399 йил 10 сентябрь) Темур яна ҳарбий юришга отланди. Бу сафар у Туркия султони Боязид Йилдирим (1389—1402) ва Миср хукмдори Носируддин Фаражга (1399—1412) қарши отланди. Бу юриши «Темурнинг Эрон ва Кичик Осиёга қилған етти йиллик ҳарбий юриши (1399—1404)» номи билан тарихга кирған. Ӯшанда Убулистоң, Ҳалаб, Хумс ва Димишқ Темур қўшинлари тарафидан ишғол қилинди.

804 йил зулҳижжа ойининг 10-куни (1402 йил 11 июль) Анқара ёнида ўрта асрнинг энг құдратлы иккى ҳукмдори: Темурбек билан Боязид Йилдирим ўртасида мисли курилмаган катта уруш бўлди. Жаңгда Боязид Йилдирим қўшинлари маҳв этилдилар, султоннинг ўзи эса асир олинди. Ана шу йиллари Улугбек бошқа мірзолар: Иброҳим Султон, Мұхаммад Жаҳонгир, Ижил, мірзо Бойсунғур, Суюргатмис, Саъд Баққос, катта оналари: Сароймұлк хоним, Туман оға, Чўлпон Малик оғалар билан угруқда бўлди ва Темур қайси манзилни, Авиқми, Арзиумми, Султониями, Табризми, Қорабогми, Фирузкухми, ихтиёр қиласа, улар ҳам ўша ерни ватан тутдилар.

Ҳўш, бундай шароитда тиним билмай юртма-юрт, шаҳарма-шаҳар кўчиб юрилған бир шароитда Улугбекнинг ўқиши қандай кечди? Унинг бошланғич маълумотни олиш жараёни қандай бўлди? Афсуски, тарихий китобларда бу ҳақда маълумот сақланмаган. Лекин бир нарса маълум. Улугбекка 1498 йилдан бошлиб Темурбек қиссаҳонининг жияни Ҳамза иби Али бириктириб қўйилди. У Улугбекдан

үй икки ёш катта, хат-саводи тұла чиққан ва күп нарасаларни үқиб олған зийрак бир бола эди. Ўрта асрлардан қолған китобларда баъзи бир күрсатмалар ҳам бор. Масалан, шаҳзодалар ва хонзодалар билиши зарур бўлган «Сулук ул-мулук» («Подноҳларга қўлланма») аталувчи китоблар ҳам бор. Ана шу китобларда келтирилган маълумотларга қараганда, подноҳлар, хонлар ва йирик феодалларнинг саройида амалда бўлган тартибга биноан, шаҳзода, хонзода ва бекзодалар тарбияси ёшлигидаёқ «уларни муҳофазат қилиши, аҳволини кузатиб бориш юқори остоноалик ва давлат нишонлик» амирларнинг қўлига топнирилган. Улардан бири оталиқ деб аталган. Оталиқлар, ишончли бир тарихий китобда ёзилишича, «тұла умидворлик билан шаҳзодаларнинг хизматида гайрат кўрсатиб, ҳамиша хайриҳоҳлик ва хизматкорлик камарини белларига боғлаб... уларни тарбиялаш аҳдини қўлдан бермаганлар». Ўша кезларда Улуғбекка оталиқ қилиб туркларнинг билкут қабиласидан чиққан йирик амир Шоҳмалик тайинланди. Шаҳзодалар, хонзодалар ва бекзодалар умуман 4—5 ёшидан бошлаб ўқиши ва ёзини ўргангандар, уларга махсус биркитилган қиссаҳонлар ўзлари эшитган ва билган нарасалардан, рубъи маскуннинг ажкойиботлари-ю, гаройиботларидан сўзлаб, уларнинг зехни ва хотирасини нешлагандар. Қиссаҳонлар биринчи муаллим вазифасини ўтагандар. Улуғбекнинг биринчи муалими юқорида номини тилга олганимиз, кейинча Шайх Озарий (1382—1462) номи билан шуҳрат тоңган Ҳамза иби Али бўлган. У амир Темур қиссаҳонининг жияни, Байхақ сарбадорларининг етакчиларидан Али иби Тусийнинг ўгли эди. Шайх Озарий болалигидан тогасининг тарбиясида бўлиб, ундан қиссаҳонлик ҳунарини касб этган экан. Ана шу Ҳамза иби Али бирмунча йил Улуғбек билан бирга бўлди ва унга қиссаҳонлик қилди. Шаҳзодалар савод чиқарганларидан кейин улар «гўзалликлар ва латифаларни нақл этувчи» қалам ўрнига «сувдек нақшлик ҳанжар ва олов сочувчи қиличини ишлатиш, найзабозлик ва камондан ўқ отиш санъятини ўргангандар. Чунки «чаққонлик билан бел боғлаб, олам очувчи шамшир ишга туширилмаса, билиш мумкинки, мамлакат қалам хизмати билан муҳофазат этилмайди». Бундан ташқари, шаҳзода, хонзода ва бекзодалар от чопиш, чавгон ўйнашни ҳам ўргангандар. Шундан кейин, «Сулук ул-мулук»ларда яна айтилишича, бўлажак ҳукмдор давлатни идора қилиши санъятига: турли лавозим эгаларини тайинлани, солиқ тўплаш, руҳонийлар, мансабдорлар ҳамда бошига юртлар-

дан келган әлчиларни қабул қилиш, хайру садақа бериш каби тартиб-қоидаларга ўргатилган. Ўша замоннинг таомили шунақа бўлган. Шубҳасиз, Улуғбек ҳам подшоҳлар, хоилар ва бекларнинг болалари учун мажбурий бўлган мана шундай мактабни ўтган, албатта...

Кейинги йиллари қўлга киритилган зафарлар, айниқса Ҳиндистоннинг фатҳ этилиши ва Туркия сultonи Боязид Йилдirimга берилган қаттиқ зарба амир Темурни бир қадар довдиратиб қўйди чамаси. Қексайиб қолгани ва бетоблигига қарамай (Ҳиндистон юришидан касал бўлиб қайтганди), яна бошқа мамлакатларни забт этиш пайига тушди. Бу гал унинг чекига Хитой тушди. Амир Темур аслида бу юришни 1398 йилга мўлжаллаган эди. Шу мақсадда у 1397-йилдан бошлаб мамлакатнинг шарқий-шимолий сарҳадида, хусусан Қошгар билан Хитойга олиб борадиган йўл устида, масалан, Ашпара ва Иссиқкўл теварагида қалъя ва истеҳкомлар ҳам қурдирган эди. Лекин Қундуз, Бағлон, Қобул, Газни, Қандаҳор ва уларга қарашли ерларга ҳоким этиб қўйилган набираси Пирмуҳаммад Жаҳонгир билиб-бilmасдан бобосининг режасини бузиб қўйди. Пирмуҳаммад Жаҳонгир ўша йили эрта баҳорда улуг бобосига тақлид қилиб катта қўшин тўплаб, янги-янги үлкаларни забт этиш тараддудига тушди. У ўшанда Ҳиндистон томонга қараб қўшин тортди. Йўл-йўлакай Сулаймония тоғларида истиқомат қилиб турган афғон қабилаларини талади, сўнг Синд дарёсидан ўтиб Уча шаҳрини забт этди, Мултонни қуршовга олди. Лекин унинг Ҳиндистон ҳукмдори Султон Маҳмудхон (1393—1413) га кучи етмас, охири вой бўлиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам Темурбек бебош набираси қилиб қўйган ишдан хабар топиши ҳамоно Хитой юришини орқага суриб, Ҳиндистонга қараб қўшин тортишга мажбур бўлди.

Амир Темур Хитойга юриши режасини 1399 йили ҳам амалга оширолмади. Бунга Ғарбий Эрон, Ироқ ва Озарбайжон тепасига ҳоким қилиб қўйилган учинчи ўғли Мироншоҳ баҳона-сабаб бўлди. У давлат ишларини бир чеккага йигиштириб қўйиб, айшу инратга муқкасидан кетди. Қолаверса, Туркияning ҳарбий ва сиёсий қудрати ҳам боргац сари ортиб бораётган эди. Боязид Йилдirim 1389 йили Сербияни, 1393 йили Булғория, Валахия, Македония ва Фессалияни эгаллаб, Гречия ерларига бостириб кирди. 1396 йили Венгрия, Бовария, Польша, Бургундия салибларини Никополь ёнида тор-мор келтирди. Ўша йили турклар Византия пойтахти Константинополни қуршовга олдилар. Император Мануэл II (1391—

1425) ёрдам сұраб Гарб мамлакатларига борди. Европаниң ирик давлатлари, хусусан, Франция билан Англия бундан ташвишга тушилар. Турли йүллар билан Темурни Туркияга қарни гижи-гижлай бошладилар. Бусиз ҳам Боязиддинг нималигини Темурбек яхши биларди. Боязид Йилдиirim Темур давлати учун ҳам хатарлы әди. Ана шу сабабларга кұра, у Хитойга юришни 1399 йили ҳам бошлай олмаганди. Ана әнди Боязид Йилдиirim ҳам уртадан күтариб тапланды. Туркияning қарбий-сиеый құдрати заифлағанды. Әнди Темур давлати таркибиға кирған Гарбий Әрон, Озарбайжон ва Кавказ хавфдан ҳоли бұлды.

Амир Темур етти йиллик урушдан қайтиб келини биланоқ Хитой юриши тараддуға туши. У бу қарбий юришнинг тамом режасини икир-чикирларигача құймай, дастлаб 807 йилнинг муҳаррам ойи (1404 йилнинг июл ойи) да мұтабар хотинларидан Туман оғага қарашпилк Боги бехиштда бир ҳафта чамаси бир оз тоби қочиб ётиб қолған кезлари, кейин Боги чипорда суюкли пабираси мирзо Улугбек билан турған пайтларida бир қадар пишириб олди. Ұша кунлари, айниқса касали зұрайган пайтларда, тоқ-тахт тақдирини ҳам күп үйлади. Бир чети Рұмда, иккинчи тарафи Кошгар билан тутаң бұлған улкан давлатни кимнинг инон-ихтиёрида қолдириш хусусида ҳам күн ташвиш тортди. Тұрт үгілдан иккитаси отадан аввал ҳаётдан күз юмишган: тұнгич үгіл Жақонғир мирзо 1376 йили йигирма ёшида үз ажали билан вафот тоңди, иккинчиси Умаршайх мирзо бұлса 1394 йилнинг январ ойида Рұм үруши вактида йүлда ҳалок бұлды. Униң тағсилотини юқорида айтиб үтдик. Тирик қолғанлари орасида эса Темур үзіга мunoсиб ворис тоғмади. Мироншоқ (1366-йили туғилған) отасига үхшаб жасур ва бешафқат одам әди, масалан, у 1389 йили зиёфат чогида бир вактлар Ҳирот ва унга тобеъ бұлған ерларға ҳукмдор бұлған Қартлар сулоласининг (1381 йили Темур томонидан тутатылған) сұнғы намояндаси Нирмуҳаммадни дастурхон устида шартта чопиб ташлади. Эртаси куни Темур уни итобға олғанда қаттық маest ҳолида шундай жиноятта құл урганини баҳона қилиб күрсатди. Қенжә үгіл Шоқрух үқимишли, тақводор ва вазмин одам әди, лекин қарбий ишға күп ҳам рагбати йүқ әди. Тақводорлығи шу қадар әдикі, сурайи ихлосни қуниға юз марта үқимасдан ётmasdi. Сохибқироннинг йигирма невараси бор әди. Темурбек набираларидан фақат Мұхаммад Султон, Ҳалил Султон ва Мирзо Улугбекни күнроқ сұярди. Мұхаммад Султон ақлли, мулоҳазали ва жасур йигит әди.


У бобосининг деярли ҳамма ҳарбий юрипиларида иштирок этиб, ўзини жангда кўрсата билган йигит эди. Афуски, у Рум юриши вақтида 805 йил шаъбон ойининг 18-куни (1403 йил 13 март) Қорахисор ёнида касал бўлиб вафот топди. Мироншоҳнинг беш ўғли орасида Ҳалил Султон (1384 йили туғилган) бошқача эди. У ҳам бобосининг ҳарбий юришларида фаол қатнашиб, мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган. У, айниқса, Султон Маҳмудхон билан Деҳли остоиласида 801 йил рabi ус-соний ойининг 7-куни (1598-йил 18 декабр) булган урушда тадбиркорлик ва ташаббускорлик кўрсатиб, таҳсинга муносиб иш қилди. У ўша жангда Темурбекнинг жияни амирзода Султон Ҳусайн, амир Жаҳоншоҳ, Шайх Арслон ва Ғиёсуддин тархонлар билан қўшинининг жавонгорига бошчилик қилди. Ҳали жанг бошланмасдан тасодифан илгари асло курилмаган ҳодиса юз берди. Султон Маҳмудхон ўз ихтиёридаги бир юз йигирма нафар урушига ўргатилган филни бирваракайига жангга туширди. Кўн урушларни кўриб чиниққан филлар ҳайқириб олдинга ташландилар ва Темур қўшинининг Пирмуҳаммад Жаҳонгир билан Султоншоҳ бошқариб турган баронгори олдида саф тортиб турган ниёда аскарларни тонтаб ташладилар. Темур ҳам, амирлар ҳам, лашкар ҳам авваллари бунақа аҳволга дучор булишмаган эдилар. Қисқаси, ҳаммани ваҳима ва қўрқув босди. Қўпчилик турган ўринини ташлаб боши оққан тарафга қараб қоча бошлади. Аҳвол яна бир неча дақиқа шу тариқа кечгудай бўлса, урушнинг тақдирни, балки қурашларда қураги ерга тегмай келаётган буюк жаҳонгирнинг ие-не умидлар билан қилган бу юриши нима билан тамом бўлишини билиш қийин эмас эди. Лекин уни бирдан оёқ остидан чиқиб қолган шармандаликтан ўша Ҳалил Султоннинг ақлу-фаросати ва дадиллик билан қилган ҳаракати асрар қолди. У қўшин орқасидаги эҳтиёт қисмлар ва угруқ қошидаги барча молу туяни шитоб билан ҳайдатиб келди ва ҳар бирининг устига хас-ҳашак ботлатиб ўт қалатиб юборди. Ўт азобига чидолмаган жониворлар бўкирганича олдинга, филлар устига ташландилар. Филлар бунақасини илгари кўрмаган эканлар. Улар ўтга айланиб келаётган мол ва туяларнинг шиддатли ҳамласига дош беролмадилар ва орқага тисарилиб, тум-тарақай булиб қоча бошладилар. Энди филларнинг оёғи остида Султон Маҳмудхоннинг пиёда аскари қолди. Ҳалил Султон қўшини шиддат билан ёниб бораётган моллар ва туялар кетидан бориб филлар сафини ёриб ўтди ва Султон Маҳмудхоннинг баронгорига

ташланди. Темурнинг бошқа қүшинлари буидан рухланиб ҳаммаси бирваракайига ҳужумга ташландилар...

Қисқаси кун бўйи узлуксиз давом этган уруни Темур қўшинининг тўла зафари билан тугади. Султон Махмудхоннинг ўн минг кишидан иборат отлик ва йигирма минг кишилик пиёда аскари тўла мағлубиятга учради. Жуда кўп одам асир олинди, ўлжанинг бўлса ҳад-ҳисоби йўқ эди. Тирик қолған тўқсон фил ҳам ўлжага тушиди... Ҳалил Султон Темурнинг етти йиллик урушида ҳам кўп жангларда үзини кўрсатди. Шунинг учун ҳам кейинги вақтларда соҳибқироннинг бу неварасига бўлган меҳрумұхаббати беҳад ошганди. Шу пайтдан бошлаб Темурбек Ҳалил Султонни тожу-тахтга муносиб куриб қолди. Сарой аҳли орасида ҳам, қўпинда ҳам Ҳалил Султоннинг баҳтли келажаги хусусида очиқ-ошкора ганирадиганлар кўпайди. Лекин Ҳалил Султон ўзига-ўзи қилди. Уни илгари Темурбекнинг жияни амирзода Алининг қизи Жаҳон Султон бегимга уйлантириб қўйган эдилар. Шаҳзодаси қўрмагур бўлса қонуний хотини бўлатуриб, амир Ҳожи Сайфуддиннинг чўриси соҳибжамол Шодимулкни ёқтириб қолди ва уни хожасидан тортиб олиб, яширинча никоҳлаб олди. Темурбек буни эшитиб дарғазаб бўлди, ясовулбошини чақиртириб «шаҳзодани қайда бўлса ҳам тутуб келтирулсун ва маҳд улё Боён оғо турғон қасрға қамаб қўюлсун, беҳаё Шодимулкни эрса гуломлардин бирига хотин қилуб берулсун», — деб буюрди. Ҳалил Султон маҳбубаси билан яқин дўстларидан бирининг чорбоғига япиринганди. Кўп қидирдилар, лекин тополмадилар. Орадан уч-тўрт кун ўтгач, Сароймулк хоним билан Тўқал хоним амир Шоҳмалик ва Шайх Нуриддинни ўртага қўйиб шаҳзодани жазодан асраб қолишиди. Амирлар соҳибқироннинг кайфияти дурустроқ пайтини пойлаб унинг дилини юмшатишга муваффақ бўлдилар. Темур ўзбошимча набирасининг гуноҳидан ўтди-ю, лекин энди уни валиаҳд қилиш ниятидан қайтди.

— Э, аттанг! Мироншоҳнинг бу арзандасини бир парча гўштилик пайтидан боқдим. Уни одам қилгунча бўларим бўлди. Хўш, энди-чи? Тирмизак бу кетинда отасидан ҳам утиб тушадиганга ухшайди.

Ҳазрати соҳибқирон чақалоқ Ҳалил Султонни онаси унинг қўлига топширган дамларни эслади. Бу Амир Темур катта қўшин билан Мозандарон устига юриш бошлаган ҳижрий 786 (мил. 1384) йили бўлган эди. Соҳибқирон ушанда Мурғоб дарёси буйини лашкаргоҳ қилиб турган эди. Эртаси куни бу ерга Хиротлан келини кўлди.



№ 64612

чақалоги билан келди. Амир Темур суюкли келинининг қутлуг қадамини йўқлаш катта тўй қилиб берди. Хонзода бегим қайтишида фарзанди дилбандини қайнотасига тошириб кетди.

— Дада, Ҳалилни Сизга, Сизни эса яратган эгамининг ўзига топширдим. Ўғлингизнинг аҳди-қарори ҳам шундай бўлди.

Ха, бундай қилмай илож қанча. Турк-мўгул ҳукмдорлари орасида қадим замонлардан ҳукм суреб келаётган одат шунаقا эди.

Хонзода бегим тахтиравонга чиқаётib бир бор орқасига қайрилиб, кўзи Ҳалил Султонни кўтариб турган қайнотасига тушибди. Унинг катта тимқора қўзлари жиққа-жиққа ёш эди...

Ҳалил Султонни ҳазрат соҳибқирон билан унинг нуфузли хотини маҳди жалодат маоб Туман ога тарбиялаб вояга етказдилар.

Балким, валиаҳдликка мирзо Улугбек муносибdir? Тўгри, Темур ўтқир зеҳни, ақлу фаросати билан бошқалардан ажралиб турган бу набирасини жондан севарди, уни кўпчилик олдида «қўзимнинг нури, салтанатимнинг умидли ниҳоли», деб эркалаторди. Лекин, баҳтга қарни Улугбек Мирао нозик булиб ўси, бунинг устига кўн вақтини китоб мутолаа қилиш билан ўтказар, давлат ишларига кам рағбат курсатарди. «Ушибу китоб жиниси охири девони олийга ҳам мунший бўлолмас, деб қўрқадурмен», — деди Темур бир куни Шоҳмаликка уни тошиб келиш учун юборилган хизматкор шаҳзоданинг кутубхонада эканлиги ҳақида хабар топиб келгандан кейин.

Энди валиаҳдликка бирдан-бир помзод Пирмуҳаммад Жаҳонгир эди, чунки у, биринчидан, бошқалардан ёш жиҳатдан катта. Ўша вақтда у йигирма тўққизга кирганди. Иккинчидан эса, унинг давлатни бошқаришда тажрибаси бор. Пирмуҳаммад Жаҳонгир бир вақтлар Маҳмуд Газнавий (998—1030) га тегишили улкан бир мамлакатни идора қилишдек мушкул бир вазифани анчадан бери уddeлаб келаётган эди. Шунинг учун ҳам соҳибқирон уни валиаҳд қилишни бир қадар кўнглидан ўтказиб қўйди.

Хитойга юриш бошлашдан аввал Темурбек Конигилда, Ҳиндистонга юриш бошлашдан аввал, 1397 йили, Тўқал хонимга атаб қурдирган Боги дилкушода катта тўю-томоша ва қурултой ўтказишга қарор қилди. Тўйга Мироншоҳ, Шоҳруҳ ҳамда Умаршайх мирзонинг ўғли мирзо Искандардан бошқа барча шаҳзодалар, нуёнлар, доругалар, калонтарлар, аҳли савдо, Бердивек, Ҳудайдод Ҳусайний,

Додмалик, Пирмуҳаммад Тогой Буқо, Шоҳмалик, шайх Нуриддин, Саодат Темиртош сингари иуфузли амирлар чақирилди. Тўйга Ифранж (Испания), Хитой, Ҳиндистон, Рум, Зобулистон, Ироқ, Шом (Сурия), Миср, Олтин Ўрда, Сақлаб (Россия) ва бошқа мамлакатларнинг Самарқандга келган элчилари ҳам таклиф этилди. Тўю-томушалар 807 йил рabi ул-аввал ойининг биринчи куни (1404 йилнинг 7 сентябр куни) бошланиб қирқ кун муттасил давом этди. Тўй охирида Шоҳруҳнинг фарзандлари Улугбек билан Иброҳим Султон; Мироншоҳнинг ўғли Ижил мирзо; Умаршайхнинг ўгиллари Сиди Аҳмад билан Пирмуҳаммад, шулар қатори Мирзо Бойқаро ҳам уйлантириб қўйилди. Улугбекка марҳум Муҳаммад Султоннинг қизи Ўгай бегимни олиб бердилар.

Конигилдаги тўю-томушалар поёнига етгач, Темур шаҳарга қайтди ва Сароймулк хонимнинг жомеъ масжида тўхтаб, Хитойга қилинадиган юриш ҳақида махфий кенгаш ўтказди. Кенгашда бу катта юриш икир-чикиригача муҳокамадан ўтказилди. Шундан кейин Темур улус амирлари ва доругаларга шитоб билан эл-юртларига бориб лашкар тўплаш, қурол-аслаҳа, от-улов ҳамда бир ойга етадиган озиқ-овқат жамгаришни буюрди. Умумий са-фарбарлик ҳақида битилган фармонлар билан теварак-атрофга жарчилар ва тавочилар жўнаб кетишиди. Шундан кейин шаҳзодалар, амирлар ва ҳукмфармолар, мавқеъ ва мансабларига яраша қимматбаҳо саруполар, мурассасъ шамшир ва ҳанжарлар, тилло ва кумуш камар, мурассасъ эгар-жабдуқ урилган аргумоқлар, нақдиналар билан сийланиб, юртларига қайтишга ижозат олдилар. Ўша йиғинда Улугбек билан Иброҳим Султонга улус ҳам инъом қилинди. Улугбекка Сайрам, Янги, Ашиара ва Жете, Иброҳим Султонга эса Андижон, Ахсикат, Тароз, Кошгар ва Хўтан вилоятлари тегди. Лекин бу вилоятларнинг баъзи бирлари, масалан, Мўғулистон билан Кошгар, ўша вақтларда ҳали Темурбек давлати таркибиға кирмас эди. Уларни мана шу бўлажак ҳарбий юриш пайтида забт этиш мўлжалланганди.

Темур ўша куни ҳорижий мамлакатлардан келган элчиларнинг баъзиларини қабул қилиб, уларни ҳам анвойи инъомлар билан сийлади, қўлларига олий ҳукмдорларига аталган совға-саломлар ҳамда умуман дўстона руҳда битилган мактубларни ҳам тутқизиб ва ўз элчисини қўшиб ютига кетишларига ижозат берди. Ноябрь ойининг бошларига келиб, Самарқандда Хитой, Испания, Рум ва Миср элчиларидан бошқа ҳорижий мамлакатларнинг

биронта вакили қолмади. Хитойликлар-ку тақдирга тан бериб Самарқанд ҳокимининг шаҳар четидаги чорбогида кун кечиришди. Испания, Рум ва Миср элчилари бўлса кетарини ҳам, кетмасини ҳам билмай аросатда қолишди. Улар 1504 йил ноябр ойининг биринчи ярмида, ҳар шаиба ва якшанба қунлари подшоҳ қабули илинжида шаҳарга қатнаб ҳоридилар. Бир гал подшоҳнинг Пирмуҳаммад Жаҳонгирни Газнага жўнатиш тадорики билан бандлигини сабаб қилишса, иккинчи сафар унинг оғир бетоблигини баҳона қилдилар. Ва ниҳоят, 18 ноябр куни уларни Самарқанддан жўнатиб юбордилар. Элчилар амир Темурнинг нима бўлганини билолмай юртларига жўнаб кетдилар. Лекин у сопна-сог ва Хитой юриши бошланишини кўпчиликдац, шунингдек элчилардан ҳам яширган эди. Лекин Хитой элчилари Ань-Чжидао билан Го-Цзини тутиб қолди. Амир Темур ва унинг яқинлари қаҷчалик сир тутмасинлар, барибир, катта урушга, Хитой устига юришга зўр ҳозирлик курилаётганини пайқаш қийин эмасди. Буни Хитой элчилари ҳам сезишиган, албатта. Темурбек буни ҳисобга олмасдан иложи йўқ эди...

Амир Темурнинг кенгаш ва қабул маросимларида катта хотинларидан бошқа, ўғиллари ва набиралари ҳам қатнашардилар. Масалан, ҳижрий 806 (милодий 1403) йилдан бери Самарқандда меҳмон бўлиб турган Испания қироли Генрих III нинг (1390—1407) элчиси Рьюи Гонсалес де Клавихо 1404 йил ёз кунларининг бирида Боги дилкушода бўлган қабул маросимида ҳам, Сароймулк хоним жомеъ масжидида ўтган қабул маросимида ҳам тўрт нафар ёш шаҳзода интироқ этганини айтади. Клавихо Боги дилкушода ўтган қабул маросимини бундай таъриф қиласди: «Эшик оқолар бизни икки тарафи гулзор, устига қизил қум сенилган йўлакдан багнинг қоқ ўртасида жойлашган қаср сари етаклаб бордилар. Қасрга яқинлашганимизда унинг олдида турли-туман рангда тобланиб турган фаввора ва унинг ёнгинасида барваста чинор тагидаги тевараги мармар панжарали катта сунада адрес тушак устида, парёстиққа ёнбошлиб ётган Темурбекка қўзимиз тушиди. Эгнида зарбоф яктақ, бошида лаъл ва дурру-жавоҳирлар қадалгани тоқия... Шу ерда бизни — мени ва Темурбекнинг биз келмасдан бурун Кастилияга юборган элчисини — қоровуллар тўхтатишиди. Сарой беги подшоҳга аталган совға-саломимизни шу ерда қўлимиздан олди. Шундан кейин эшик оқо имо-ишора билан бизни олдинга бошлади. Сунага ўн-ўн икки қадам қолгандага, йўлакнинг икки тарафида жойлашган қатор суналар рўбарусида қоро-

вуллар бизни яна тұхтатиши. Аста атрофға құз ташладим. Супаларда тұрт нафар ёш шаҳзода ўлтиришган экан. Эшик оқо бизни улардан ёш жиҳатдан каттарогининг олдига етаклаб борди. Кейин билсам бу Темурбекнинг жияни экан. Биз унга икки букилиб салом бердик. Супаларда ўлтирган боңқа шаҳзодаларга ҳам шу тариқа таъзим бажо келтирдик. Булар — Темурнинг набиралари эканлар. Шаҳзодалар супадан тушиб құлнимиздаги мактубини олдилар ва подшохнинг олдига әлтиб қўйдилар...» Ҳўш, әлчини қарши олган бу шаҳзодалар асли ким бўлди экан? Ҷарҳақиҷат, эски китобларда амир Темур ўтказган қабул маросимларида унинг катта хотинлари ва набиралари ҳам иштирок этганлари айтилади-ю, лекин кўпинча уларнинг номлари келтирилмайди. Менимча, бу ердаги шаҳзодаларнинг каттаси амирзода Султон Ҳусайн, қолғаилари эса Улугбек, Иброҳим Султон, Мухаммад Султоннинг ўғли Жаҳонгир мирзо эканлиги шубҳасиз. Ўша вақтда Улугбек билан Иброҳим Султон 10 ёнда, Жаҳонгир мирзо эса 8 ёнда эди. Шунга қарамай, Темурбек уларга бошқалардан кўра кўпроқ илтифот кўрсатар ва ҳамиша ёнида бирга олиб юради.

Сароймулк хоним жомеъ масжидиде ўтказилган кенгашдан кейин амир Темур арк ичида жойлашган ва Қўксарой деб шуҳрат тоңған тұрт қаватли мустаҳкам ва маҳобатли қасрга қўчиб ўтди. Деворлари түқ кўк мармар билан қопланған бу қаср амир Темур замонида ҳам, унинг ворислари даврида ҳам муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган жой бўлиб хизмат қилди. Унда давлатнинг бош хазинаси ва қурхона жойлашган эди. Қўксарой давлатнинг маҳсус қамоқхонаси ҳам ҳисобланарди ва унга кўпроқ давлат жиноятчиси деб тоңилған маҳбуслар қамалар ва ўша ерда қатл этилардилар. Қасрнинг яна бир қанотида подшохнинг хос корхоналари жойлашған бўлиб, бу ерда асосан қилич, найза, ўқ, совут, жиба, тура, зирех, ҳафтон, табарзин ва баргуствон сингари қурол-аслаҳалар ясаларди. Амир Темур дастлаб қурол-аслаҳа омборларини бирма-бир кўздан кечирди, сўнг қўрбошига бўлажак ҳарбий юриш муносабати билан керакли фармойишларни берди...

Ўша йили (1404—1405) куз ҳам, қиши ҳам анча қаттиқ келди. Ноябр ойининг бошларида Темурбек амир Бурундуқни чақиришиб, Шоҳруҳия, Тошкент, Ясси ва Сабронга тўпландиган лашкарнинг умумий сонини аниқлаши, уларнинг қандай қуролланғанини, угруқка тўпландиган отулов, қурол-аслаҳа ҳамда озиқ-овқатни тафтиши қилишни буюрди. Амир Бурундуқ қўли остидаги ҳисебчилар ва

лашкарнавислар билан бу ишни ой охиригача поёнига етказди. Ҳисоб-китобдан Мовароунинаҳр, Туркистон, Хоразм, Балх, Бадахшон, Ҳуресон, Сеистон, Мозаңдарон, Рум ҳамда Эрон заминидан күчирма қилинган қора тоторлар билан қўшилиб, 200 минг суворий ва пиёда аскар, бир неча минг харвор галла, етарли қурол-аслаҳа, ҳар бир суворийга икки бошдан от жамланганини маълум қилди. Лекин, ҳар бир сипоҳий ўзи билан бирга олиб келган озиқ-овқат ва улуфа бунга кирмас эди ва фақат ўн кунга етарди, холос. Қолганини, ўша вақтдаги таомилга кўра, қўниш қишлоши учун тўхтаган ерга теварак-атрофдаги жойлардан тўплаб келинарди. Аҳолидан лашкар эҳтиёжи учун тўпланағидиган бу фавқулодда солиқ тогор деб аталарди. Озиқ-овқат ва ем-ҳашакнинг қолган қисмини юриш давомида йўл устидаги узоқ-яқин юртларни талаш йўли билан тўпланаарди. Бу тартиб-йўсун юртовул (юрт овлаш) деб аталарди. Йўл-йўлакай вақти-вақти билан ўтказиладиган овнинг аҳамияти ҳам катта эди. Ов ўзига хос кўрик бўларди, ҳам маълум миқдорда озиқ-овқат жамғарив олишга ёрдам берарди.

Кўксаройда ўтказилган ҳарбий кенганида Хитойга юрипни 1405 йилнинг баҳорида бошланига қарор қилинди. Ўшанда ҳар бир қўшунот, туманот, ҳазоражот ва садажотнинг юриш вақтидаги ўрни ҳам аниқланиб, қишлоғ жойлар тайин қилинди. Амирзода Ҳалил Султон билан амирзода Аҳмад, баронгор амирларидаи Ҳудайдод Ҳусайнӣ, Шамсуддин Аббос ва бошқалар билан Шоҳруҳия, Тоникент ва Сайрамда, амирзода Султон Ҳусайн жавонғорнинг ўзи, певаралари Улугбек, Иброҳим Султон, Жаҳонгир мирзо ва амирлардан Бердигек, Шоҳмалик, Шайх Нуриддин, Сарибуға ва хожа Юсуфлар билан Оқсулотда қишлийдиган бўлишиди...

Ниҳоят, юриш фурсати етиб келди. 807 йил жумоди ул-аввал ойининг 23-сида наиҷашаба куни (1404 йил 27 ноябр) мунаҷжими хос мавлоно Бадриддин соҳибқирионнинг амири билан зоижа тузиб сафар вақтини белгилади. Ҳулласи қалом, 28 ноябр куни эрта билан Самарқанддан чиққилар ва Оқсулотга — қишлоғ манзили сари юзландилар. Қорабулоқ, Илон ўти ва Томлик орқали Оқсулотга келиб тушдилар. Темурбек режага кўра қишининг бир қисмини шу манзилда ўтказишга қарор қилди. Эртаси куни «қўшунотнинг баронгор ва жавонғорига тайин этилган шаҳзодалар ўз ўринларини эгалласунлар, амирлар қўшунон, туманот, ҳазоражот ва садажот аҳволидин воқиф булуб турсуилар», деган фармони олий эълон қилинди. Ўшибу

фармонга биноан Ҳалил Султон Тонкентга, амирзода Султон Ҳусайн Саброн ва Ясси тарафиға жунаб кетишиди.

Темурбек Оқсулотда эллик күн турди. Улугбек, Иброҳим Султон ва Жаҳонгир мирзо ҳам бобоси билан бирга шу ерда бўлдилар. Одатда қирчиллама қиши кезлари катталар бўш вақтини қору-совуқдан қочиб пана жойларда, ўчоқ ёки гулхан теварагида утказсалар, болалар бунинг аксини қилишади. Улар пага-наға ёғиб турган қор ва совуқнинг ачитиб туришига парво қилишмайди. Күн бўйи кўча-кўйда ўйин билан овора бўлишади. Бироқ, Оқсулотда Амир Темур ва хотин-халаждан бошقا ҳамма бирон юмуш билан банд бўлди. Ўша кезлари шаҳзодалар ҳам иш сез қолишмади. Масалан, Мирзо Улугбек теварак атрофдан олий ўрдуга муттасил келиб турган озиқ-овқат, кийим-кечак, уруп аслаҳалари ортилган араваларни, подашода от ва қўй-молни ҳисоб-китоб қилиш, уларнинг матълум қисмини соҳибқироннинг кўрсатмаси билан қанотларда турган шаҳзодалар ва лашкарга жўнатиши ишларида амир Бурундуқ барлоғса қарашиб турди, бўш вақтларида эса китоб ўқиди, одатдагидек бобосининг хос мунажжими мавлоно Бадриддин билан баъзан кечалари, қор тиниб осмон ёриниган пайтларда, совуқнинг шиддатига парво қилмай, узлари тушган Оқсулот беги уйининг томига чиқиб юлдузларнинг холати ва ҳаракатини кузатишарди...

Икки-уч йил бўлдики, Улугбек билан мавлоно Бадриддин жуда дўстлашиб қошишди. Мавлоно Улугбекка ҳисоб ва тақвимдан дарс берарди. Самарқандда бўлган кезларида мавлоно Бадриддин бир куни шаҳзодани подшоҳнинг Кўксаройдаги хос кутубхонасига бошлиб борди. Катта хитойи хон устига уюлган китобларни диққат билан кўздан кечириб ўтирган китобдор мавлоно Ориф оёқ шарпасини эшишиб китобдан кўзини олди ва шаҳзода билан унинг муаллимини таниб сапчиб ўрнидан турди ва икки қўлини кўксига қўйиб, таъзим қилди.

— Марҳабо, жаноблар, марҳабо! Қадамларига ҳасапот! — Китобдор «қайси тарафдан шамол учирди?» дегандай мавлоно Бадриддинга маъниоли қараб қўйди.

— Шаҳзода бирлан бамаслаҳат сизни зиёрат қилмоқчи бўлдик, мавлоно!

— Қуллуқ. Қани тўрга марҳамат.— Китобдор меҳмонларни хон атрофиға тақлиф этди. Фотиҳа ўқилгач, хол-аҳвол суринтиришиди, сўнг мавлоно Ориф меҳмонларга яқин орада кўчирилган ва мана шу хон устида турган китоблар ҳақида сўйлаб берди.

— Ушибул маҳтутот, малик уш-шуаро Абулқосим

Фирдавсийнинг «Шоҳномаси» эрур. Они ўзоги йили Пирмуҳаммад Жаҳонгир жаноби олийлари Ғазидин юборгон нусхадин кўчирилғон. Китобдор дастхатни мавлоно Бадриддинга узатди, у китобни бошидан ва охиридан бир-икки варагини апил-тапил кўздан кечирган бўлди-да, сўнг уни Улугбекнинг олдига қўйди. Улугбек ажойиб хаттот, мусавири, наққош ва саҳҳофнинг нозик диди ва олтин қўллари билан яратилган бу китобни зўр иштиёқ ва ҳавас билан узоқ вақт кўздан кечирди. Китобнинг қора чармдан ишланган муқовасига ҳам нафис босма нақшлар солинган экан, варакларидан эса кўз узиб бўлмас эди. Нафис шойи қоғозга сал майдароқ чиройли настаълиқ хати билан битилган эди бу китоб. Шеърлар тилло ва ҳаво ранг бўёқлар билан тўрт қатор қилиб чизилган устунлар орасига жойлаштирилган, чети олтин ва зангори чизиқлар билан ўралган, сарлавҳалари қизил ва ложувард сиёҳ билан ёзилган... Китобдор мирзога муқоваси саҳтиён қизил чармдан ишланган яна бир китобни ҳам келтириб кўрсатди. унинг нақши, безаклари «Шоҳнома»ни кидан ҳам бадиийроқ эди. Улугбек унинг ҳар бир варагини диққат билан бирма-бир қараб чиқди. Мавлоно Бадриддин билан китобдор боланинг хаёлини булиб юбормаслик учун у китобдан кўзини олмагунига қадар гап қўймай сукут сақлаб ўтиридилар.

— Қалай, мирзом, маҳтутотлар Сизга маъқулму? — Китобдор тавозеъ ва меҳрибонлик билан Улугбекка тикилди.

— Маъқул, тақсир. Аммо бундоқ зўр ва ажиб китобларни ёзган одам аниг бирон кўринатурғонроқ ериға ўз исмини ҳам битиб қўймабдур-да.

Мавлоно Бадриддин билан китобдор бир-бирларига маъноли қараб олишиди. Улар боладаги тажрибасизликдан ажабланмадилар, албатта, балки унинг шу ёшдан туриб кўп нарсаларни билиб олиш иштиёқида бўлишидан, синчковлигидан таажжубландилар. Китобдор «шогирдларининг истиқболи зўр-ку», дегандай қилиб мавлоно Бадриддинга кўз ташлаб қўйди. Кейин китобларни, хусусан уларнинг мазмунини Мирзо Улугбекка қисқа тарзда тушунтириди.

— Даастлабки кўргонингиз, мирзом, Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си эрур, кейингиси эрса озарларнинг улуғ шоирларидан Низомий Ганжавий жанобларининг қаламларига мансубдур.

Китобдор Улугбек Мирзога қўл қовушириб таъзим қилди ва унинг янги фармойишини кутди. Шу тариқа ҳар иккалалари ҳам бир нима дейишларини билмай, бир неча

дақиқа туриб қолдилар. Ноқулайликин мавлоно Бадриддин бузды.

— Мирзо жанобларининг риёзиёт ва илми пужумга ҳам рағбатлари кўндуру. Шундог китоблардин бўлса кўрсатсалар.

Китобдор нариги хонага кириб кетди ва хаял ўтмай учтўрт китобни дасталаб кутариб чиқди, хон устидаги китобларни бир четга суреб қўйиб, уларни Улугбекнинг олдига қўйди. Лекин бу китоблар Улугбекда қизиқини ўйготмади, чамаси. Безаксиз, фақат мати орасида у ер-бу ерида қандайдир чизиқлар ва белгилар ёзилган китобларни бир зумда қараб чиқди ва уларнинг тахтини текислаб «бунингиз бўлмади, бошқасини келтирингиз» деган маънида китобдорга тикилди. Китобдор буни ўзича англади ва бирмунча вақт илгари нариги хонадан олиб чиқсан китобларини миrzога тушунтира кетди:

— Мана бу китоб, — деди мавлоно Ориф китоблардан бирини қўлига олиб, — бундин валлоҳу аълам тахминан олти юз йил муқаддам жаноб Аҳмад ал-Фарғоний тарағидин битилғон «Китоб фи жавомеъ илм ан-нужум ва усул ал-ҳаракат ас-самовия» («Юлдузлар ҳақидаги илм билан осмон ёритгичлари ҳаракатининг асосини бирбирига қўшувчи китоб») дир. Юлдузлар ва бошқа осмон ёритгичларининг ҳаракатини ўргатгувчи фойдали китоб.

Бошқа китобларининг маънисини қисқа тарзда мавлоно Бадриддиннинг ўзи тушунтириди.

— Мана буниси эрса Аҳмад ибн Абдулло Марвозийнинг «Зиж ас-сағир»и, буниси мавлоно Носируддин Тусийнинг «Зижи жадиди элхоний» китобидур. — Улугбек китобни устозининг қулидан юлиб олди ва кўзларига суртди. У бу китобни илгари кўрмаган бўлса ҳам Носируддин Тусий номи унга таниш эди. Бир вақтлар Марогада бўлганида бобосининг қиссанахони Носируддин Тусий ва унинг расадхонаси ҳақида сўзлаб берган ҳикояси эсига тушди.

— Тангри таоло насиб этса биз ҳам Самарқанди фирдавсмонандда ўшандоқ расадхона қуурмиз.

Мавлоно Бадриддин ҳам, китобдор ҳам боладаги бу ишонч ва қатъиятдан аввал таажжубландилар, кейин ёшлигидан катта мақсад сари отланганини кўриб унга таҳсин ўқидилар.

— Илоҳим мирзомизнинг яхши ниятлари ўзларига йўлдош бўлгай, омин! — Мавлоно Бадриддин қулини дуога очди. Китобдор билан Улугбек ҳам қулларини дуога очдилар.

Китобдор боладаги илмга бўлган зўр ҳавас ва иштиёқни

пайқаб кутубхонада сандал дараҳтидан ясалған ва қатор-қатор қилиб қўйилган сандиқларнинг сиру-асорорини унга очди. Ҳа, ҳақиқатан ҳам Темурбекнинг кутубхонаси жуда бой эди. Кутубхонада барча фанларга; илоҳиёт, ҳадис, фиқҳ, тарих, жуғрофия, фалсафа, тиббиёт, риёзиёт ва бошқа фанларга онд китоблар кўн эди. Шу-шу булди, Улугбек китобдор Ориф ҳузурига тез-тез борадиган бўлиб қолди. Кейинги бир йил ичида бўлса у бобосининг бой кутубхонасидан чиқмай қўйди. Улугбек Ҳоразмий, Бузжоний ва Носируддин Гусейннинг китоблари билан мавлоно Бадриддиннинг ёрдамида ўша вақтларда ёқ танишиб олди. Беруний билан Умар Хайёмининг китобларини бўлса Хитой юришига ўзи билан бирга олиб кетди. Оқсулот ва Ўтрорда турган кезлари «Зижи Маликшоҳий»ни бир оз мутолаа қилди-ю, лекин Берунийга вақт мусоидат этмади...

Осмон ҳали жади буржидан оғмаган, совуқ бўш келмасдан тамом мавжудоту маҳлукотни қақшатиб турарди. Деярли ҳар куни қор ёгарди. Шунга қарамай, Амир Темур жумоди ул-охирнинг 21-куни (1404 йилининг 26 декабря) Оқсулотдан кўчиб Ўтрор сари юзланди. Оқсулотдан Узун отага, ундан Суткандга, у ердан Қамаршо отага бордилар ва ниҳоят, Султониайх ва Заринқуни босиб ўтиб, Сайхуннинг сўл қирғогига чиқиб олдилар. Бир неча кундан бери совуқ ўчакишгандай зўрайиб, қор тиним билмай ёгарди. Баъзи одамларнинг қўл-оёгини совуқ олди, чорноларнинг аинчаси йулда ҳалок бўлди. Шу қишида Сайхуннинг сатхи ҳам дурустгина яхлади. Олдиндан юборилган ғажарчилар тафтишу-текширишлардан кейин яхнинг қалинилиги икки-уч газга етганлигини аниқладилар. Бу, албатта, одамлар, от-арава ва чорноларни Сайхундай дарёйи-азимнинг нариги соҳилига олиб ўтишдек мушкул ишни бирмунча осонлашибирди. Қисқаси, ўша қишида қавс бошидан то хутнинг охиригача Жайхундан ҳам, Сайхундан ҳам одамлар ва карвон ях устидан қатнади. Олий ӯрду ях устига ташланган намат ва гиламлар устидан ўтди. Ҳарёнинг ўнг соҳилида Амир Темур ва унинг ҳамроҳлари-ни Ўтрор ҳокими Бердике бошлиқ шаҳар аъёнлари, шуинингдек Ясси ҳокими Арслонхожа тархон ва Туркистоннинг кўзга кўринган машҳуллари ва зодагонлари катта совға-саломлар билан кутиб олишиди. 807 йил ражаб ойининг 12-чоршанба куни (1405 йил 15 январ) улар Бердикенинг қасрига келиб тушидилар. Ўша куни Бердике олий мартабалик меҳмонлар шарафига катта тўй берди. Бердике ва Ўтрор ҳамда туркистолик амирлар соҳибқирион ва шаҳзодаларнинг бошидан халта-халта нисор

сочдишар, уларнинг елкасига заррин чопонлар ташладилар, улоқчи отлар ва боиқа тасиқ нарсаларни инъом қилдилар.

Темурбек Ўтрорда бир ойдан кўпроқ турди, гулдаги кўшинлари эса Ўтрор теварагидаги қишлоқларда уриналишиб, кун кечирдилар. Ўша қуилари лашкар ҳам қийналди, раъиятга ҳам осон бўлмади. Айниқса, лашкар тушган қишлоқларнинг халқига қийин бўлди. Ахир кўнеонли лашкарга қўноқ берини, уни от-улови билан боқишининг ўзи бўладими? Амир Темурнинг теварак-атрофга бирин-кетин юбориб турган чонарлари бўлса лашкарга бирон қон уни ўёқда турсин, битта куюқ кулча ҳам тониб келмасди. Уларнинг вазифаси фақат Сайрамда аҳвол қанақа, Қулонбоши девонига тушган қорнинг қалинлиги неча наизага борган, лашкарнинг умумий қайфияти қандайлигини билиб келишдан иборат эди, холос. Темур бетоблигига қарамай, амирлар ва вазирлар билан тез-тез кенгани ва йигинлар ўтказар, яқин орада бошланашак ҳарбий сафар билан боғлиқ бўлган масалаларни қайта-қайта муҳокамадан ўтказар эди. Кенгашлардан баъзиларида Темурнинг ўз одамларидан боиқа Чингизхон наслидан бўлган ўглонлар, масалан, Жўчихон авлоди Тоштемир ўглон, Тўхтамишининг ўгли Чехра ўглон, Угадай қооннинг авлоди Тойзи ўглон ва унинг қариндоши Гадойхон ҳам иштирок қилиб турардилар. Улар одатда Улугбек, Иброҳим Султон ва Мухаммад Жаҳонгир мирзодан кейин соҳибқироннинг сўл қўлидан жой олардилар. Чингизий ўглонлар ўз қўшини билан Амир Темурнинг унибу юришида иштирок қилингига сўз беринган ва қўшинининг жаҳонгирнинг ўзи бош бўлган гўлига биринтирилган эдилар. Ишининг кўзини билган жаҳонгир катта мақсадни кузлаб Чингизийларни атрофига йиққан ва уларга мулозамат кўрсатаётган эди. Бу билан у ўзини бир вақтлар бутун жаҳонни титратган Чингизхоннинг қонуний вориси қилиб кўрсатмоқчи, бир вақтлар Чингизхон ва унинг авлоди тасарруфида бўлган тамом Мугулистон, Кошгар ҳамда Хитойга ҳам даъвогар бўлаётган эди...

Лекин, бу сафар улуг жаҳонгирнинг омади келмади. Унинг Хитойга юриши бошланмасдан барбод бўлди. 807 йил шаъбон ойининг 10-куни (1405 йил 11 феврал) Амир Темур тўсатдан ўсаллаб қолди. Ўша вақтлардан қолган тарихий китобларда унинг хасталик сабаблари, касалининг номи ҳақида очиқ бир пима дейилмаган. Тарихчи Ғиёсиддин Али унинг Ҳиндистон сафари вақтида бетоб булиб қолганлиги ва қайтишида уни тахтиравонга

солиб күтариб келгандарини айтади. «Зафарнома» муаллифи «сохибқиронни ўша кезлари күп касаллик чулғаб олған эди», деб ёзади, холос. Сохибқирон кейинги йиллари тез-тез оғриб турадиган бұлғын қолди, лекин буниеси унинг учун сүнгиси бўлди. Бунга олий ўрдудагиларнинг қўпчилиги ишонч ҳосил қилдилар. Хозиқи замон мавлоно Табризий подиоҳининг муолажаси хусусида кўп саъий ҳаракат қилди, лекин нағи бўлмади. Беморнинг аҳволи кун сайин, балки соат сайин оғирлашиб бораверди. Лекин жаҳонгир асло ўлишни истамасди. Бир куни у яқин орадаги барча табибларни тўплатди, нурсиз кўзларида «не бўлса ҳам мени оёққа тургизингиз» деган ёлворин аломатлари сезиларди. Лекин бу гал унга ҳеч ким ёрдам беролмади. Ўлганнинг устига қўнгани бўлиб, табиблар bemорни кўриб кетган кечаси, ярим тунда, тасодифан, қонуниятми, билмадим, Темур ётгани хонанинг шипига мўридан ўт тутишиб ёнгин чиқди. Беморнинг ёнида миёжка қоқмай ўтирган унинг суюкли кичик хотини Чўлпон Малик дод солиб аҳли саройни оёққа тургизди. Беморни дархол бошқа хонага кўчириб олиб ўтдилар, ўтии ҳам бир илож қилиб ўчириб олдилар-у, лекин ҳамма саросима ва тараддуға тушиди, айниқса, Амир Темурнинг кайфияти бузилди. У шу пайтининг ўзидаёқ мавлоно Бадриддинини чақиртириб, имонпора билан «бу не парсага ишорат?» деб сўради. Мунажжим аввалда бир қадар ўзини йўқотди, нима деб жавоб қайтаришини билмади. Кейин, секин-аста ўзини тутиб олди. Қадимдан келган эътиқодга қўра ҳар одамнинг ўз юлдузи бўлармини, юлдузининг осмондан узилиб тушиши эса умрнинг битганлигига ишора эмиш. Буни Темур ҳам, мунажжим ҳам яхши билишарди. Бу сафар сохибқирон хос мунажжимни шунчаки бир имтиҳон қилган бўлса керак. Мунажжим ҳушёр тортди ва сохибқиронни овутишга ҳаракат қилди. «Парвардигори оламнинг қарами кенг», деб қўя қолди у. Шу пайт bemорнинг оёқ тарафида турган Улугбек Мирзо бундан узича хуласа чиқарди:

— Жади юлдузи бобом ётғон хонанинг томиға қулаб тушмадими эркан?— У сарой мунажжимларидан ҳам, бобосининг ўзидан ҳам унинг толеъ юлдузи мана шу жади юлдузи эканлигини кўп марта эшитган эди.

Бора-бора Амир Темурнинг ўзи ҳам согайиб кетишига кўзи стмай қолди. Шипга термилиб ётган кезлари бир умр от устида қилич чопиб кечирган бутун ҳаёти қўз ўнгидан бирма-бир ўтди. Мовароуннахрда феодалларнинг бошбошдоқлигига барҳам бериб, эллюртда типчлик ўриатгани ва

бу билан косибу дәхқоннинг тинч мөхнат қилишига бир қадар имкон яратгани, ҳунармандчиллик ва савдо-сотиққа ривож бергани, шаҳарлар ва күнлаб богу-рөглар барни қылгани, Мовароуниха билан Озарбайжонда қайта тиклатган шаҳарлари, қазитган ариқларини эслаганда бир оз овунгандай бўлди. Лекин ўз юртида ҳам, ўзга юртларда ҳам қылган қирғинларини, айниқса Исфаҳон билан Сабзаворда қесиляган бошлардан кўтартирган калламиюрларни эслаганда, Ҷеҳли остонасида турган вақтида минг-минг ҳинд асирини ўлимга маҳкум қылгани эсига тушганда бутун вужудини титроқ босиб, совук терга ботди, қылган ишидан бир карра пушаймон бўлди, лекин астойдил тавба қылмади... 15 феврал куни хотинлари, нақиб, қози аскар ва катта амирлари: Бердик, Сарибуго, Шайх Нуриддин, Шоҳмалик ва хожа Юсуфларни чақиририб, уларга ўзининг сўнгги иродасини эълон қилди:

«Куним битгонга ўхшайдур, жаноблар. Сизларни таңгри таолоннинг ўзига тошшурдум. Асло оби-дийда қилиб ўлтурманглар, андин не фойда? Э, аттаг! Тамом Эрону-Туронни забт этдим, батзида бечораларга озор еткурдим. Анинг учун таңгри таоло гуноҳимни кечурсун. Лекин уни раъият ва эл-юргомонлиги учун деб қилдим. Жаҳоннинг этагидин золимларни тааррузлиқ илгини юлуб ташладум, билаке дунё менга бевафолиқ қилди, у сизларга ҳам вафо қильмас. Не бўлса ҳам эл-юргомонлиги учун деб қилингон ишлар қиёмат куни кечирилур. Уlug фарзанд Ширмуҳаммад Жаҳонгирни валиахд қилдук. Самарқанд таҳтини анго тобиурдук. Эмди борчангиз ул ҳумоюн толеълик шаҳзодага тобеъдурсизлар, анго тобеълиқ ва итоаткорлиқ ҳалқасини буйинга осуб, хизматкорлиқ камарини белга маҳкам багланомингиз лозимдур. Ҳаммавақт, ҳар жойда у бирлан бир тану-бир жон бўлунигиз».

Шу гапларни айтди-ю, бир неча дақиқа сукутта кетди, сўнг яна ўзига келиб бошқа амирлар ва вазирларни ҳам чақиришини буюрди.

— Менинг васиятларимга содикмуз, деб қасам ичинглар!

Соҳибқироннинг эшитилар-эшитилмас айтган бу ганларини бош тарафида утирган Шайх Нуриддин билан Шоҳмаликдан бошқа ҳеч ким эшитмади.

Ҳамма тўплапгандан кейин, Шайх Нуриддин билан Шоҳмалик ҳаммани тиз чўқтириб қасамёд қилди. Дуо ва фотиҳадан кейин йигилганилар ўринидан қўзгалишиди. Лекин, ҳамма чиқиб кетди-ю, Шайх Нуриддин билан Шоҳмалик нимагадир остонада бир неча дақиқа туриб

қолдилар, сўнг ўғирилиб беморга назар ташладилар ва шундан кейин ташқарига чиқдилар. Амир Темур уларнинг бошқалардан сир тутган бирон гапи борлигини пайқади ва оёқ тарафида турган Улугбекка «Уларни қойтариб кел!», деб имо-ишора қилди. Лекин Улугбек уқмади. Ҳаёл қуни унинг эс-хушини аллақаёқларга учирив кетган эди. У шу вақтгача туққан ота-она меҳрини кўрмади, шу ногираш чол билан унинг саховатли кампирининг иссиқ бағрида унибўёди, улгайди. Наҳотки, энди ундан ажралиб етим бўлиб қолса. Тўғри, унинг туққан ота-онаси бор, улар ҳали ҳаёт. Онаси Гавҳаршод бегимни Улугбек бор-йўғи икки ой эмган, холос. Шухратнараст, соҳибжамол онасини яхши эслайди. Лекин дилда Сароймулк хоним билан эди. Улугбек яқин орада юз бериши мумкин бўлган фожиани пайқаб, чуқур ўй-хаёлга ботганди. Шаҳзоданинг хаёlinи Сароймулк хоним бузди:

— Улугжон, Сизни бобонгиз чорлайдурлар. Шайх Нуриддин бирлан отакангизни айтуб келингиз.

Улуғбек ўзига келди, бобоси билан унинг бош тарафида ултирган катта онасига қўл қовуштириб таъзим қилди, сўнг таниқарига чопиб чиқди. Кўн ўтмай тилга олинган амирлар кириб келишибди. Темур уларни «ултиринглар!», деб имо-ишора қилди, сўнг бўғиқ овоз билан сўради: «Тақсирларнинг яна не сўзлари бор?».

Амирлар аввалда бир-бирига қараб олишибди, сўнг Шоҳмалик тавозеъ билан арз қилди:

— Ҳалил Султон бирлан Султон Ҳусайнларни чақирирсақму эркан, аълоҳазрат? Валиаҳд хусусидаги гапларни алар ҳам подшойи оламнинг муборак оғизларидин ўзлари эшитсалар.

— Вақт ўтди, аммо Шоҳруҳни бир кўргум бор эрди.

Темур кўзларини юмиб олди. Маълумки, Конигилдаги тантаналар арафасида Бердикек, Шайх Нуриддин ва Шоҳмалик Ғазнидан Пирмуҳаммад Жаҳонгирни ва Ҳуросондан Шоҳруҳни ҳам қурултойга чақиритиришни таклиф қилганларида Темур Пирмуҳаммаднинг келишига розилик берди-ю, аммо Шоҳруҳни чақиритиришни маслаҳат курмаган эди. Ўшанда у «Ироқ бирлан Озарбайжон тинчлиги Шоҳруҳнинг Ҳуросонда бўлишилигини тақозо этадур», — деб қўя қолган эди.

16 феврал куни эрталаб амирлар, имом, нақиб, қози, аскар ва аҳли сарой соҳибқироннинг ҳузурига одатдаги саломга кирдилар. Лекин бугун, баҳтга қарши, у тамом тилдан қолганди. Фотиха ўқилгандан кейин ҳамма имомга эргашиб подиоҳни узундан-узоқ дуо қилди. Соҳибқирон

қандайdir түшкүн бир кайфиятда түпланғантарнинг ҳаммасини бирма-бир кўздан кечириб чиқди, сунг нималарнидир шивирлай бошлади. У нималарнидир айтмоқчи бўади, сунг, хеч ким уни уқмаганини фаҳмлаб чаш қўшини сал кутариб, олдин кейин аввал кўрсатгич, сунг ўрга бармогини ёзди... Саломдан чиқишгач, айвонда бу ҳолин ҳар ким ўз билганича таъбирламоқчи булди. Лекин, илми зўр, мартабаси улугроқ зотлар оғиз очишга улгурганча бўлмай, подиоҳ саройида «Вотвот мунахжим» номи билан машҳур бўлган айгоқчилар бошлиги Ҳифзулло ўзича бид-бидлаб кетди:

Подшоий олам, Рустами достон, Искандари соний, сохибқирони муаззам Амир Темур кўрагон жаноби олийлари у дунёю-бу дунёга ҳукмфармодурлар. Шу боисдан ул жанобнинг зоти шарифлари у дунёю-бу дунё боқийдурулар. Муборак икки бармоқларини ёзиб кўрсатгонлари ушибуга ишорадур.

Ином домла ҳам, бошқалар ҳам сохибқироннинг имо-иширасининг асл маънисини яхши англаган бўлсалар-дабор гапни айтишидан чўчилилар. Йўқ, таъбирларининг тўгри-потўгри чиқипидан эмас, албагта. Улар айгоқчидан ҳадик олдилар. Шу сабабдан «Вотвот мунажжим»нинг таъбирини бош иргитиб шунчаки тасдиқлаб қўя қолдилар...

Мирзо Улугбек калласи катта, олакұз бу одамни илгарилар ҳам бир неча бор күрганди ва уни күн ҳам ёқтирипас эди. Ҳамма тарқалғандан кейин устози мавлоно Бадриддиндан унинг асли ва насл-насабини суриншириди. Мавлоно Бадриддин бошда ўзини гапдан олиб қочди, лекин барибир бұлмади. Шаҳзода обек тираб туриб олды.

Шундан кейин «Вотвот мунажжим» ҳақида эшитган билгеларини қисқа қилиб сұзлаб беришга мажбур бўлди.

— Ул зотнинг алиси ва наслунасабини аниқ билмайдурмен, мирзом. Баъзилар они марвлик десалар, бошқа бирорлар Мултондик деб айтадурлар. Локин жўгий қавмидин эрканликлари маълум. Бир вақтлар Хери хукмдори Карт сулоласидин чиқғон шаҳзодаларидин Пирмуҳаммаднинг хизматида бўлғон эрканлар. Пирмуҳаммад асир олинуб, Самарқандга олуб келингач, чақимчилик қилуб, аниң ҳақида баъзи бўхтон гапларни Мироншоҳга еткуриб, Пирмуҳаммаднинг ўлимига сабабчи бўлғон эркан у. Ушбу ва бошқа хизматларини ишобатга олуб, мирзо Мироншоҳ ани узи бирлан Табризга олуб кетгои ва бош айгоқчилик вазифасига тайин қилғон эрканлар. Бора-бора ул зот Мироншоҳга ҳам хиёнат қилуб, аниңг

устидан сохибқириони муazzамга маълумотлар юбориб турғон эркан. Мироншоҳ ҳокимиятдин четлатилғон йили (1399 йили) улуг бобонгиз «Вотвот мунажжим»ни, кўп йиллик хизматлари эвазига узлариға бош айгоқчи қилуб олғон эрканлар.

— Бўйи бир қаричлигидин пакана аталиши маъқул ушбу еркиндикнинг, локин анинг мунажжим аталиши не боисдин? — деб суради Улугбек устозига тик боқиб.

Мавлоно Бадриддин бунинг маънисини ҳам шогирдига тушунириди...

— Ул зотнинг «Вотвот мунажжим» аталишига сабаб, аслида ул зотнинг илму-нужумга дохиллиги бўлмаса-да, бироз ром очишни ўрганиб олуб, мунажжимларнинг ишига ҳам бурнини суқуб юриши туфайлидиндур.

Мавлоно зукко ва синчков шогирдига яна бир қизик воқеани ҳам сўзлаб берди.

— Бундин валлоҳу аълам тахминан юз йил муқаддам Убайд Зоконий отлиғ кини ўтғон эркан. Ул зот катта шоир ва соҳиби илм эркан. Шоҳ Абу Исҳоқнинг ҳукмронлиги замонида Шерозда таҳсил қўргон эрканлар. Айтишларича, Убайд Зоконий Форс ҳукмдори бўлмиш ўшал Абу Исҳоқнинг отига маоний ҳамда баён илмиға мансуб бир рисола битгон эрканлар. Ани тақдим қилмоқ ниятида саройға борсалар, эшик оқо ани саройга киритмабдур, дебдурким «саройга масхарабоз жаноблари ташриф бу-юрганлар, подиоҳ айни шу пайтда анинг бирлан сухбат қуруб ултирубдурлар». Эшик оқонинг сўзларини эшитуб, Убайд Зоконий дебдурлар: «Наҳотки масхарабозлик бирлангина султонга яқинлашмоқ мусассар ўлса? Масхарабозлар мақбул-у, фозиллар хилватда зор-зор эркан-да ушбул замонда. Шундоқ бўлгоч, бундан буён подиоҳ ҳузурига яна бориш машаққатининг не зарурати бўлгой?!» Ўшандин кейин Убайд Зоконий шоҳ Абу Исҳоқнинг мажлисларига қадам босмай қўйғон эрканлар...

Мирзо Улугбек бу тагдор гапнинг маънисига етди шекилли, қошлиарини чимириб мавлоно Бадриддинга уқрайди.

— Узр мирзом, улуг бобонгиз масхарабозлар бирлан сухбат қурмайдурлар, алардин ҳазар қиласурлар, локин...

— Нима локин? — Улугбек устозининг гапини шартта кесди.

— Локин айгоқчиларнинг хизматидин фойдаланадурлар. Чунки аларсиз салтанатин идора қилуб бўлмас, ҳукмдор учун дўстууниман аҳволидин боҳабар бўлиш зарурдир.

Улугбек мавлоно Бадриддинга бошқа эътиroz билдири мади. Мунажжим эса шогирдининг ўйланиб қолганидан фойдаланди ва унга мана бу насиҳатомуз гапни айтди:

— Локин айгоқчилар келтургон маълумотнинг түгри ёки түгри эрмаслигини англаш бир қадар мушкул ишдур, мирзом. Аларнинг гапларини ақл тарозусида тортуб, сўнгра хукм чиқармоқ лозимдур...

Ўша куни ҷошгоҳдан то ярим кечагача Амир Темур беҳуди ётди. Хотинлар, шаҳзодалар ва амирларни тамом ваҳима босди. Эртаси куни саҳар найти соҳибқирон яна бир қадар ўзига келди, кўзлари бир қадар равшанлашиб, лаблари қимиirlаб қолди. У нималарнидир шивирлай бошлади. Атрофида ўтирганлар бутун вужуди билан қулоққа айланиб, унинг сўзларини илиб олинига интилди-лар. Баъзилар зўр диққат билан сўниб бораётган подшоҳнинг бу сўзларини илгаб олдилар:

— Мамлакат бирлан раъиятнинг рифоҳияти хусусида нималар айтилғон бўлса ёдда тутунглар, раият аҳволидин гофил бўлманглар, шамширни маҳкам тутунглар, Эрону Туронни эҳтиёт қилинглар. Мабодо орангизда ихтилоф чиқиб қолгудек бўлса, оқибати яхни булмас, улут амир бир зум оёқ тарафида йиглаб турган Улугбек мирзога тикилиб турди, сўнг кўзлари юмилиб, яна ўзидан кетди. Энди ҳамма ундан умидини узди. Сароймулк хонимнинг имо ишораси билан мавлоно Убайдуллонинг ўғли мавлоно Ҳофиз Байтулло ичкарига чақиририлди ва унга тиловат буюрилди...

Амир Темур шу буйи ўзига келмади ва 807 йил шаъбои ойининг 17-си (1405 йилнинг 18-февралида) да шом билан хуфтон оралиғида оламдан утди.

Амир Темур вафот этгандан кейин у тузган улкан давлат ўзаро феодал кураш, фитна-фасод, исёнлар исқанжасида қолди. Марҳумнинг васиятлари васиятлигича қолди. Мурда ҳали совумай туриб, соҳибқироннинг болалари тожу тахт талашиб бир-бирига қилич кутардилар.

Бердибек, Шоҳмалик ва Шайх Нуриддин эртаси куни (1405 йил 19 февраль куни) наҳорликдан кейин марҳум Амирнинг хотинлари, Улугбек, Иброҳим Султон ва Муҳаммад Жаҳонгир билан ёпиқ кенгаш утказиб, юз берган фожиани ҳозирча ошкор қилмаслик, марҳумнинг тобутини барча оғолар ва Улугбек ҳамда кичик ёшдаги шаҳзодалар билан бирга амир хожа Юсуф ҳамда Али Қавчин мутасаддийлигига, Али Ҷарвиш шиговул бошлиқ қуриқчи бўлинма ҳимоясида маҳфий суратда Самарқандга

жұнатиб юбориб, Иброҳим Султон ва Ҳалил Султон бошчилигида Хитой устига юришни бошлаб юбориши, тоғу таҳт масаласини бұлса юришдан қайтилгандан кейин Самарқандда қурултой чақириб ҳал қилишга қарор қилинди. Лекин, амалда, ҳар ким үз билганича иш тутди, амирларнинг ичган қасами қасамлигича қолди. Биринчи бўлиб қасамдан Амир Темурнинг яқинлари чиқишиди. Шайх Нуриддин билан Шоҳмалик ҳам, соҳибқироннинг бевалари ҳам, унинг васиятига хилоф равишда ҳокимиятни Шоҳруҳга тошириш пайига тушдилар. Шунинг учун ҳам улар Амир Темурнинг вафотини Ҳалил Султондан ҳам, Султон Ҳусайндан ҳам сир тутдилар. Тошкент ва Яссига борган чопарлар шаҳзодаларга гапнинг ростини айтишмади. Фақат соҳибқироннинг оғир бетоб бўлиб қолганлигини хабар қилдилар, холос. Ҳиротга юборилган Шайх Темур қавчин эса Шоҳруҳга бўлган гапни ростмони айтди. Шундан кейин Шоҳруҳ рамазон ойининг бошида (1405 йил 3 март куни) үз номига хутба ўқиттириб, танга зарб қилдирди.

«Ойни этак билан ёниб бўлмас», деганларидаи, буюк жаҳонгирнинг улимини ҳам яшириб бўлмади. Совуқ хабар тез орада Саброн билан Тошкентга ҳам етиб борди. Шу заҳотиёқ Султон Ҳусайн қўл остидаги қўшинни ташлаб, минг чоғлик сара йигити билан Самарқандга қараб от сурди. Ҳалил Султон ҳам фурсатни бой бермади. Ҳаммадан аввал Самарқанд ҳокими амир Арғуншоҳ билан алоқа ўрнатди. Унинг Самарқандга юборган вакили Арғуншоҳ билан гапни бир жойга қўйиб қайтди. Амир Арғуншоҳ шаҳарга Амир Темурнинг жасади солингап тахтиравон билан соҳибқироннинг хотинларидан бошқа бирон зотни киритмаслик ва пойтахтни Ҳалил Султон етиб келгунича эҳтиёт қилиб туришга сўз берди...

Кўп ўтмай, Хитойга юришни давом эттириш режаси ҳам чиппакка чиқди. Темурбекнинг вафотидан бир ҳафта ўтар-ўтмас, 1405 йил 24 феврал куни чошгоҳда Иброҳим Султон билан амирлар отланишиб қўшин билан Ўтрордан чиқдилар. Лекин бор-йўги бир тош йўл босдилар, холос. Улар Азуж аригигача бориб, Қулдурма кўприги ёнида чодир тикишга мажбур бўлдилар. Лашкар орасида бузилиш юз бермасин учун Амир Темурнинг туфи Иброҳим Султон чодири қуббасига тикиб қўйилди. 19 феврал куни Тошкент билан Сабронга юборилган чопарлардан ҳар учала қўшин: Иброҳим Султон, Ҳалил Султон ҳамда Султон Ҳусайн бошлиқ қўшинлар Чуқлик мавзеъида бир-бири билан қўшилиши ва у ёғига юришни биргаликда давом

эттириш зарурлиги айтиб юборилган эди. Бахтга қарши чопарлар похуш хабар билан қайтдилар: Султон Ҳусайн аллақаңчилар қүшинци ташлаб Самарқандга қараб отланыбди ва ҳаммадан илгари тожу-тахтни қўлга олиш найига тушибди. Марҳум Умаршайх мираннинг ўғли амирзода Аҳмад эса Худайдод Ҳусайнинй, Ёдгоршоҳ орлот, Шамсуддин Аббос, Бурундуқ барлос ва бошқалар билан тил бириктириб, Ҳалил Султонни подшоҳ кўтарибдилар. Бу хабар Иброҳим Султоннинг ёнидаги амирларни тамом довдиратиб қўйди. Охири улар ҳам Иброҳим Султонни олиб орқага қайтишга қарор қилдилар ва Амир Темурнинг Хитой юриши ҳаражатлари учун ўзи билан бирга Ўтрорга олиб келган ҳазинасини ҳам олиб шитоб билан Самарқандга қараб юзландилар. Уларни шу қадар тахлика босган эдики, Сайхундан утишаётганда муз ёрилиб кетиб ҳазина ортилган уч тую сувга гарқ бўлди.

Иброҳим Султон ва унинг амирлари тобут билан бораётган оғолар ва миразолар (Улугбек, Мухаммад Жаҳонгир ва бошқалар) га Оқеулотда этиб олдилар ва уларга қўшилиб Самарқанд сари юрдилар. Шоҳмаликнинг таклифи билан, ҳар эҳтимолга қарши, жиба ва совутларини кийиб олдилар ва саф тортиб, жанговар тартибда йўлга тушдилар. Қўшиннинг ўнг қанотига амирзода Улугбек билан амир Шоҳмалик, унинг сўл қанотига Иброҳим Султон ва Шайх Нуриддин бошлиқ этиб тайинландилар..

Амир Аргунишоҳ аввалда шаҳарга фақат тобут ортилган таҳтиравоннингина киритди. Чорраҳа дарвозаси олдига келган Шоҳмаликка эса соҳибиёнининг сўнгги иродаси билан Ўтрордан юборилган фармони олийни рўкач қилди ва «борлиқ шаҳзодалар иттифоқ бўлуб амирзода Нирмуҳаммад Жаҳонгирни подшоҳ кўтармагуларича бирон зот қалъага доҳил этилмайдур»; деб жавоб қилди. Шоҳмалик Алиобод қишлоғига, ҳазрати олиялари ва шаҳзодалар ҳузурига қуруқ қайтиб келди ва амир Аргунишоҳ билан бўлган гапларни бирма-бир баён қилди. Сароймулк хоним бир оз саросимага тушди, лекин Аргунишоҳ инсофга келиб қолишига умид қилди:

— Бир умр тузимизни ичгон бу зотга бирон нарса бўлғондур. Агар ани бу кун шайтон йўлдин озиқтиргон бўлса, эртаменён инсофга келиб қолур.

Бу гал Чорраҳа дарвозасига Шайх Нуриддин юборилди. Ўнга ҳам дарвозани очмадилар. Аргунишоҳ уни ҳам писацд қилимади ва у билан девор устидан туриб гапланди. Ҳар иккала амир узоқ баҳслашдилар. Шайх Нуриддин уни

силаб-сийнаб күрди, дүх-пүниса ҳам қилди, лекин уни тамом күндиролмади. Аргуншоҳ озгина ён берди, холос:

«Қалъага ҳазрати олияларидин бошقا бирон кимсани киритмайдурмиз, қолғонлар койонга борсалар инон-ихтиёrlари үzlарида».

Ҳар ҳолда оз бўлса ҳам ютуқ эди бу. Шайх Нуриддин шу хабар билан Алиободга қайтиб келди. Амирлар ҳазрати олиялари билан қисқа кенгаш ўтказдилар. Улугбек, Иброҳим Султон ва амирлар қўл остидаги аскари билан дастлаб Бухорога, у ерда туриш имкони бўлмаса Хурсонга, Шоҳруҳ мирзо ҳузурига кетадиган бўлишиди. Оғолар эса қолғонлар билан бирга Самарқандга борадиган бўлишиди.

5 март куни Улугбек билан Иброҳим Султон ҳазрати олиялари билан хайрлашдилар. Улугбек билан Иброҳим Султон Бухорога, катта оналар эса норасида шаҳзодаларни: Бойқаро, Ижил, Саъд Ваққос ва Суюргатмишини олиб уғруқ билан Самарқандга жўнаб кетдилар.

Бу видолашув, айниқса Улугбекка қаттиқ ботди. Бир умр бағрига босиб, иссиқ-совуқдан, замон ҳодисаларидан авайлаб-асраб вояга етказган бу кекса олийҳиммат аёл билан у энди қачон дийдор кўришади? Бу насиб бўлармикан, узи? Бу бевафо дунё уларни яна не кўйларга соларкин? Улугбек шу хаёлга чўмганича тахтиравон ва уғруқ то кўздан гойиб бўлгунча кўчанинг қоқ ўртасида қаққайиб турганича қолди. Бегимлар карвони кўздан гойиб бўлганидан кейин уни аллақандай оғир туйгу қуршаб олди, юрагининг бир учини кимдир чўрт узиб олгандай бўлди, кўзларидан дувуллаб ёш оқиб юз-бетини ювди... Бухорога етгуналариcha Улугбек ҳеч ким билан гаплашмади, алам ўтида ёнди, Сароймулк хоним сиймоси кўз ўнгидан кетмади, у билан Самарқандда, айниқса Султония, Қорабог, Қазвин, умуман Озарбайжон билан Арманистонда кечган кунлари бирма-бир кўз ўнгидан ўтди. Унинг бу ажойиб юртларда кўрганларини, ўша мамлакатларининг тарихи, ажойибот-таройиботи ҳақида эшитганлари бир талай. Буларнинг ҳаммасига ана шу оқила ва сахий аёл шарофати билан эришди. Сароймулк хоним невараларидан, айниқса мирзо Улугбекдан ҳеч нимани аямасди, айниқса, ўзга юртларда бўлганларида унга ҳамма нарсани кўрсатишга ҳаракат қилди. Шу ерда Улугбекнинг эсига бир воқеа тушди. Воқеа етти йиллик урушнинг учинчи қишини уғруқ Марогада ўтказган кезлари содир бўлганди. Ўша или Темур Ширвон ва Гуржистон тарафларга бораётib анча қартайиб қолган қиссанонини Марогада қолдириб

кетгән эди. Бир куни әрталаб Сароймұлқ хоним қисса хонни қақыртириб деди:

Марога обдон құхна шаҳар әрмини, жаноб, ул шаҳарда ва аниң теварак-атрофидә осору-атиқалар күн әрминш. Ҳамза бирлан Улугжонни олиб боруб аларни томоша қилдуриб келсанғиз.

Қисса хон Сароймұлқ хонимга иккі букилиб, қуллуқ қилды:

— Баш устига, бегимноша. Улугжоннинг үзлари ҳам кечадин бери қистаб қўймай турғон эрдилар.

Қисса хон жияни билан то қоронгу тушганга қадар Улугбекка Мароганинг осору атиқаларини, Урмия қули атрофидаги баъзи тарихий манзилларни томоша қилдирди. Марога шаҳари Озарбайжоннинг қадимий пойтахти эди. Шаҳар Чаготу дарёсининг Урмия кўлига қўйилишида жойлашган экан. Шаҳарни шимол тарафдан баланд тог ўраб туаркан. Тог шаҳарни Шимол тарафдан тез-тез эсиб турадиган кучли шамолдан ва бўронлардан асраркан. Бир вақтлар арабларининг Озарбайжондаги ноибининг қароргоҳи ҳам шу ерда бўлган, дейишади. Мўгул ҳукмдорларидан Ҳалокхон, Абақахон ва Ғозонхонлар ҳам қиши фаслини Марогада ўtkазишган... Кунлардан бир куни қисса хон Улугбек билан жиянини Урмия қули атрофидә жойлашган ва замон таъсири билан бирмунча гариблashiб қолган құхна бир қасрга олиб борди. Қаср Озарбайжон халқининг миллий қаҳрамони Бобакнинг сафдошлиаридан Мұхаммад иби Бoisга қарашли экан. Қаср вайронагарчиликка юз тутган бўлса-да, ҳали анча мустаҳкам, иастки қаватидаги хоналарнинг баъзилари ҳали бус-бутун эди. Қисса хон 816—837 йиллари бу ерларда араб истилочиларига қарши булиб утган қўзғолон ва унинг афсонавий қаҳрамони Бобак Ҳасан ўғли ҳақида болаларга кўн қизиқ нарсаларни сўзлаб берди:

— Ораларидин хоин чиқмагонда келгинидилар қўзғолонни бостиrolmas эрдилар. Ушбу сизу-биз кўруб турғон қасрнинг соҳиби аввалда Бобакнинг одами эди, сўнг анго хиёнат қилди. Ҳижрий 218 йили унал Мұхаммад иби Бois ва даги бир неча саркарда Исфаҳон ёнида бўлғон урушда Бобакни ташлаб араблар тарафиға утуб кетдилар. Алар кейинча қўзғолонни буткул бартараф қилинди арабларнинг бошчиси Ҳайдар иби Ковусга ҳам кўмаклашибдурлар.— Қисса хон чуқур тин олди...

Қисса хон яна бир куни болаларни олиб бориб ўша атрофидаги Дехи Харрақон, Хой, Моранд, Солмос деган шаҳар ва қишлоқларни ҳам томоша қилдирди, бу

ерларнинг тарихи билан бодлиқ ажойибу гаройиботларни уларга ҳикоя қилиб берди.

Бошқа бир куни Қиссаҳон Улугбек билан Ҳамзани олиб Мароганинг шимолий тарафидаги баланд бир тепаликка чиқдилар ва доира шаклида қурилган улкан бир бинонинг харобаларини томоша қилдилар. Қиссаҳон болаларга бинонинг тарихини сұзлаб берди:

— Ушбу мавзедә бундин тахминан 200 йил мұқаддам расадхона бўлғон. Ани ҳижрий 657 йили Ҳалокухоннинг амри бирлан қурғонлар. Расадхонада юздин ортиқ мұнажжим собита юлдузлар ва ўзга осмон ёритгичларининг ҳолати ва ҳаракатини қузатгон эрканлар. Бир китобда ўқигоним бор, расадхона ўн нафар мұкаммал танжим асбобларга эга бўлғон эркан. Ушбу асбобларни йигирма минг динорға Бағдод ва ўзга шаҳарлардин сотиб олуб ушбу манзилга келтирган эрканлар. Расадхонанинг бой қутубхонаси ҳам бўлғон. Махтутотларнинг күнини Бағдод ва Аламутдаги кутубхоналардин келтиргон эрканлар. Мұнажжимлар орасида Чинмочишилклар ҳам бўлғон деб айтадурлар. Алар эронлик ва туронлик мұнажжимларға чинликларнинг тақвимини тузишда кўмаклашгон эрканлар.

— Бобо, расадхона не важҳдии ва қачон вайрон бўлғон? — Улугбек қиссаҳонининг ҳикоясини бўлди.

— «Нузхат ул-қуулуб» китобининг муаллифи Ҳамдулоҳ Қазваний ўзининг ўшал китобида ёзишлиарича, ҳижрий 740 йили они бориб кўргон эрканлар. Ўшанда ушбу расадхона вайронлиққа юз тутгон эркан. Ушбуға Султон Абу Сайдхон фавт бўлғондин сўнг эл-юртда бошлонгон уръиқитлар сабаб бўлғон. Яна ўша йиллари тез-тез зилзила ҳам бўлиб турғон эркан. Аниң таъсири ҳам катта бўлғон, албатта. Қолғон сабабларини тангри таоло биладур, мирзом.

Қиссаҳон Марога расадхонасининг кашфиётлари, унинг бошлиги Носируддин Тусий ҳақида яна бир талай қизиқ ҳикояларни сўзлаб берди. Пировардида деди:

— Марога расадхонасида ишлағон мұнажжимларнинг ўн икки йиллик тафтиш ва қузатишлиарининг самараси «Зижи жадиди Элхоний» отлиқ ажойиб китобдур. Аниң бир нусхаси Самарқандда, бобонгизнинг кутубхонасида сақланадур. Сиз ани, мирзом, куни келиб ўқиб қолурсиз...

Улугбек шу ва бошқа таассуротлар билан Дабусия қалъасига етиб қолғанларини ҳам пайқамади. Кечқурун ётими олдидан ўзига-ўзи тасалли берди:

— Хайр, майли. Тожу-тахт энди бизга насиб бўлмайдур эмди. Улуғ әгамнинг иродаси шулдир. Балки бу хайрли иш бўлгай? Эмди илм бирлан машгул бўлурмиз. Ахир Носируддин Тусий жаноблари ҳам подшоҳ бўлмоғон, аммо шунчак вақт кечса-да исми боқий бўлиб қолибдирку?.. Шу пайт эшикнинг бир табақаси очилди. Улуғбекнинг кўзи эшик ёнида киришга ботинолмай турган эшик оқога тушди.

— Кираверинг.

Эшик оқо кирди ва одатдагидай икки қўлини қўксига қўйиб хиёл эгилиб салом берди ва деди:

— Мирзом, Самарқанддин чопар бор.

— Қақиринг, кирсун.

Қотмадан келган ўрта ёшдаги паҳмоқ соқол бир одам кириб келди. Улугбек Сароймулк хонимнинг бу содик мулозимини дарров таниди, даст ўрнидан турди ва эски қадрдонларга хос самимият билан у билан қучоқлашиб кўришди... Фотиха ўқилгандан кейин чопар ўрнидан турди ва қўйнидан муҳрланган ўрам руқъани олиб мирзога узатди:

— Бегим жаноби олияларидин.— Чопар яна бир карра Улугбекка таъзим қилди, сўнг ўрнига бориб ўтириди.

Улугбек мактубнинг муҳрини бузиб, уни икки дафъя ўқиб чиқди. Мазмунидан маълум бўлдики, илгари Арғуншоҳ гарчанд Дабусияга, бегим билан мирзолар ҳузурига одам юбориб «соҳибқироннинг васияти важҳидин шаҳар дарвозаларини сизларро очмагон эрдик, иншооллоҳ Ҳалил Султонга ҳам очмасмуз», деган мазмунда мактуб юборган бўлса-да, иккюзламачилик қилган экан. Алиободдан жўнаб кетган куннинг эртасиёқ унинг одами ўша пайтда Шерозда турган Ҳалил Султонга Самарқанд дарвозаларининг калидини олиб бориб тоширибди.

— Улуғжон, жигаргўшам! Мирзо Ҳалилнинг нияти бузук кўринадур. Ва яна анинг Бухорода ҳам одамлари борга ўхшайдур. Ҳар ҳолда ўзингизга эҳтиёт бўлинг. Менга қолса ўша ерда кўп тўхтамай, улуғ отангизнинг олдига, Ҳирига шошилғонингиз маъқул... Сароймулк хонимнинг мактубида мана шу гаплар ҳам бор эди.

Улугбек дарҳол Шоҳмаликни чақиритириди. Тун яримдан оғиб қолган эди. Шунга қарамасдан у ҳам ҳали ухламаган экан, лекин тўсатдан қилинган бу чақириқнинг сабабини билмай ҳайрон эди. Бунинг устига мирзонинг қошида ўтирган бу нотаниш одам... Шоҳмалик оetonада ҳанг-манг бўлганича қақайиб туриб қолди.

— Ҳазрати олияларининг содик қули хунук хабар олиб

келибдур, жаноби бек.— Улугбек Шоҳмаликка ёнидан жой кўрсатди. Амир ултиргач, сўзида давом этди:

— Аргуниш бизни лақиллатибдур. Алиободдин чиқишимиз ҳамоно ул харомнамак Самарқанднинг калидини Ҳалил Султонга топширибдур.— Улугбекнинг қути ўчиб, бутун вужудини титроқ босди.

Шоҳмалик уни юпатмоқчи бўлиб кўп ҳаракат қилди, лекин фойдаси бўлмади. Бора-бора ўзи ҳам шунақа кайфиятга тушиб қолди. «Яна бир нуфузли амир Ҳалил Султоннинг тарафига ўтибдур, балким султон Самарқанднинг икир-чикир юмушларидин фориг бўлгоч, қўшин бирлан аларнинг кетидин тушар? Балким, ҳақиқатан ҳам Бухоройи шарифда ҳам аниңг тарафдорлари бордур?» Шоҳмалик мана шу гапларни ҳам бир карра кўнглидан ўтказди.

— Жаноб Шайх Нуриддинни ҳам чақиртирсак, кенгашиб олмоқ зарурга ухшайдур, мирзо.

Улугбек отакасининг таклифини маъқул тоиди ва Шайх Нуриддинга одам юборди. Лекин у кечқурун дурустгина ичib олган экан, уни уйготиш, уйғотгандан кейин узига келтириш бир қадар мушкул бўлди. У айниқса кейинги пайтларда кўп ичадиган бўлиб қолди. Бир паллада уни Улугбекнинг хонасига олиб кирдилар. Шайх Нуриддин оёқда аранг турарди, кўзлари бўлса сарак-сарак. Шоҳмалик «огир кунларни кечириб тургон бир пайтимизда бу маҳлуқнинг қилғон ишига қаранг!», дегандай Улугбекка маънидор қараб қўйди. «Икки қучқорнинг боши бир қозонда қайнамас», деганларидаи, иккала амир бир-бирлари билан азалдан келишмас эдилар. Фақат соҳибқирондан қўрқанидан ўзларини эҳтиёт қиласдилар. Улугбек буни аинчадан бери пайқаб юради, шунинг учун ҳам «ўлганинг устига кўмган», қилиб, алана олай деб турган утга ёғ сепгиси келмади. У ўзини ҳеч нарсани сезмаганга олди. Аввалгидек тавозеъ билан Шайх Нуриддинга жой кўрсатди, сўнг юз берган аҳволдан уни ҳам хабардор қилди.

Қисқа кенгайндан кейин пайсалга солмай йўлга чиқин ва тезроқ бориб Бухоронинг мустаҳкам қалъасига ўрнашиб олишга қарор қиласдилар.

Улуғбек, Иброҳим Султон ва уларнинг хамроҳлари илк саҳарда Дабусиядан чиқдилар. Дабусиядан то Бухорогача, тўппатўғри Шоҳроҳ билан борганда, тахминап йигирма саккиз фарсаҳлик (168—196 км.) ёки 7—8 кунлик йўл эди. Бу йўлни улар ояти кунда босиб ўтдилар. Фақат Карманада тунадилар, холос. Бухоройи Шарифнинг остонасига илк

саҳарда етиб келдилар. Ҳазрати Имом дарвозаси ёнида уларни доруга Ҳамза барлос, Бухоронинг кўзга кўринган машоихлари, уламою-фузалоси кутиб олдилар. Ҳамза барлос Улугбекка шу ернинг ўзида шаҳар дарвозаларининг калидларини топпирди. Тўғри Чапмаи Айюбга бордилар ва зиёратдан сўнг аркка қараб йўл олдилар.

Улугбек ва амирлар эртаси куни Ҳалил Султондан чўчиб шаҳар дарвозалари ҳамда қалъанинг буржу-бораларини мустаҳкамлашга кирипдилар...

Амир Темурнинг бир қадар марказлашган ва кўпгина жаҳон ҳукмдорларини таҳлиқада тутган қучли империяси мурда ҳали чиримасдан туриб мана шу тарзда чилпарчин бўлди. Ҳалил Султон 18 март куни зўр тантана билан Самарқандга кириб борди ва ўзини Мовароуннахрнинг олий ҳукмдори деб эълон қилди. Хуросонда Шоҳруҳ, Балҳ, Газни ва Қандаҳорда Пирмуҳаммад Жаҳонгир, Гарбий Эрон ва Озарбайжонда Мирзо Мироншоҳнинг ўғиллари Мирзо Умар билан Абубакр Мирзолар ҳам ўзларини ҳокими мутлақ деб ҳисоблай бошлидилар. Сирдарёнинг нариги тарафидағи ерлар: «Туркистон, Саброн, Ўтрор, Сайрам ва бошқа ерлар амир Бердивекнинг қўлида қолди. Ўратепа билан Фарғонани амир Худайдод Ҳусайнин әгаллаб олди. Темур қўшинлари 1388 йили оғир жанглардан кейин узил-кесил итоатга келтирган Хоразмни 1406 йилнинг бошидаёқ Олтин Ўрданинг нуфузли амирларидан Идику ўзбек босиб олди.

Улуғбекка бўлса фалакнинг гардиши билан Бухоро ҳам насиб қилмади. Ҳалил Султон тез орада Бухоро доругаси Ҳамза барлос ва унинг оғаси Рустам барлосларнинг дилига ҳам йўл топди; улар билан тил бириқтириб Улугбекка қарши фитна уюштируди. Фитначилар амир Шоҳмалик жўнаб кетган (у Ҳиротга, Шоҳруҳ хузурига ёрдам сўраб юборилган эди) куннинг эртаси тунда аркка ҳужум қилдилар. Шайх Нуриддиннинг одамлари кундузиёқ доруганинг гумапиталари арк атрофида ҳам, гузарларда ҳам ғимиллаб қолишганини сезинган эдилар. Шунинг учун ҳам Улуғбек, Иброҳим Султон ва уларнинг хизматкорлари Шайх Нуриддиннинг таклифи билан ўша кечаси ечинмай ётишди, чироқларни ўчиришди-ю, лекин ухламадилар. Ахтабеги билан рикабдорга отларни эгарланган ҳолда шай тутиб туриш буюрилди. Чодирлар ва бошқа тирикчилик анжомлари араваларга ортилиб, тешасига ҳашак ташлаб сал кўздан нари қилиб қўйилди. Лекин барибир уларни олиб кетиб бўлмади. Аркка ҳужум илк саҳарда, кўнчилик гафлат уйқусига гарқ бўлган бир пайтда

бошлангани сабабидан, Улугбек ва унинг ҳамроҳлари бир амаллаб қуруқ бошларини олиб қочишга улгурдилар, холос. Хотинлари, хазина ва угруқ фитначиларнинг қулига тушиб қолди. Амир Ҳамза ва унинг гумашталари шаҳарни, шаҳзодаларнинг хотинлари ва хазинасини ҳам қўшиб, ўша пайт Бухоро остоналарида турган Ҳалил Султоннинг мулозимларига тоширидилар.

Улугбек ва унинг ҳамроҳлари Таллиноч дарвозасидан чиқиб, Қоракўл тарафга қараб қоҷдилар. Улар фақат кечалари йўл юрдилар, кундузлари эса бирон хилват жойда яшириниб ётдилар. Шу тарзда не-не азоблар чекиб ўн кун деганда Қалифга етиб келдилар. Қочоқлар бир-икки кун Қалифнинг кичик, лекин бир қадар мустаҳкам қалъаси ичидаги яшириниб ётдилар. Ҳалил Султоннинг амирлари эса уларни Қоракўлгача таъқиб қилиб, ўша ердан орқага қайтиб кетишган эдилар. Шундай бўлса ҳам Улугбек ва унинг ҳамроҳлари Мовароуннахрда ортиқча қолишдан чўидилар. Қалифга келиб тушганларининг учинчи куни қалъа кутволининг кўмаги билан Жайхуннинг нариги соҳилига ўтиб олишди...

Шоҳруҳ қарийб еtti йилдан бери дийдор кўришмаган фарзандларини кўриб беҳад суюнди. Шайх Нуриддинни эса бу катта хизмати учун қимматбаҳо сарупо билан сийлади, подиоҳ остонасида турган аргумоқлардан бирини ҳам унга тортиқ қилди. Амир Шоҳмалик ҳам қуруқ қолмади. Улугбекка қайтадан оталиқ этиб тайинланди.

Шоҳруҳ Самарқанднинг қўлдан кетганига кўп ачинди, лекин нима ҳам қила оларди ўшанда. У Мовароуннахрга қўшин тортиш ва Ҳалил Султон билан беллашиш имкониятига эга эмас эди ўша пайтда. Биринчидан, Ҳалил Султон Амир Темур кўп йиллар мобайнида Мовароуннахр ҳамда Хоразмнинг хирожи, шунингдек ўзга юртлардан олиб келинган зару-жавоҳирлар билан тўлиб-тошган хазинасининг эшикларини амирлар ва лашкарга катта қилиб очиб берди ва шу йўл билан тарафдорларини орттирди, катта қўшин тўплаб ҳам олди. «... Султонзода Ҳалилулло, -- деб ёзди Давлатшоҳ Самарқандий, -- ...Амир Темур хукмронлиги йилларида Эрону Турон хирожидин жамъ қилғон хазинасини очди. Найсон булутидин ёқсан ёмғир, балки Бадаҳшон латъл кони, Уммон денгизи каби кўп заружавоҳирни лашкар ва раиятга инъом қилди. ...Шундай қилиб, соҳибқирон уткир қилич воситасида битталаб жамлагон хазинани Султон Ҳалил қоп-қоплаб совурди». Қисқаси, кучлар нисбати ўшанда бир хил эмасди. Иккинчидан, Хуросон ўша вақтда нотинч, теварак-

атрофдан Ҳиротга деярли ҳар куни ташвиши хабарлар келиб туради: Сеистонда Шоҳ Али, Қутбиддин ва Шоҳ Жалолиддинлар исён кутаринган; Балхда жияни Пирмуҳаммад султон (Умаршайх мирзонинг ўғли) амакисига буйин товлаб, мустақиллик байрогини кутарган. Бунинг устига, айнан ўша пайтда Ҳалил Султон катта қўшин билан Термиизда турад эди. Ҳурросон ташвишиларидан фориг бўлмай туриб, Ҳалил Султонга қарни кураш бошлаб бўлмасди. Шунинг учун ҳам Шоҳруҳ Ҳалил Султон билан музокара очишга мажбур бўлди. Музокараларни Ҳалил Султон томонидан амир Шамеуддин Аббос билан амир Аргуншоҳ, Шоҳруҳ тарафидан амир Шоҳмалик ва амир Абдусамад олиб бордилар. Кўн талаш-тортишувдан кейин тарафлар қўйидаги тўхтамга келиши: Ҳалил Султон гаров тариқасида Самарқандда тутиб турган Муҳаммад Султоннинг беваси Ҳоника бегими (у 1404 йилнинг кузида Конигилда булган тўю томоналар вақтида Пирмуҳаммад Жаҳонгирнинг никоҳига ўтказилган эди) хазинаси ва хизматкорлари билан Балхга, Пирмуҳаммад Султон ҳузурига жўнатишга сўз берди. Ва яна Улугбек Мирзо билан Иброҳим Султоннинг Бухорода қўлга тушиб қолган хазинасини, бирон мисқолига ҳам тегмай, Шоҳруҳнинг Хумоюн ўрдусига жўнатишга рози бўлди. Шоҳруҳ эса «Жайхуннинг нариги тарафидаги вилоятлар Ҳалил Султоннинг ион-ихтиёридадур», деб эътироф қилишига мажбур бўлди.

Лекин, барibir, иккала тараф ҳам сулҳга риоя қилишмади. Бунинг устига Ҳалил Султон ҳам, Шоҳруҳ ҳам зўр бериб куч йига бошладилар. Бундан ташқари, Ҳалил Султоннинг Ҳурросонда ҳам нуфузли тарафдорлари йўқ эмас эди. Энг зўри отаси Мироншоҳ эди. У 1405 йил июл ойи бошларида ўғли Абубакр билан бирга Ҳалил Султонга ёрдамлашиш мақсадида Озарбайжондан чиқиб Ҳурросонга қараб юриш бошлади. Айнан шу пайтда амир Сулаймоншоҳ Қалотда исён кутарди. Шоҳруҳ ҳар не бўлса ҳам аввал Мироншоҳни Ҳурросон сарҳадига ўтказмаслик чораларини кўрди. Шу мақсадда Қалот ва Тусга қараб қўшин тортиди. Мазкур юришда Мирзо Улугбек отасининг узангисида бўлди. Жомга етганларида Улугбек ва Шоҳмалик уғруққа мутасадди этиб тайинландилар. Бироқ, Шоҳруҳ Машҳаддан нарига ўтмади. Мироншоҳга қарни амир Сайдхожани юбориб, ўзи Сулаймоншоҳ исёнини бартараф қилишига тутиниди. Шу мақсадда у билан музокара очди. Лекин бунинг фойдаси бўлмади. Сулаймоншоҳ Шоҳруҳнинг элчилари амир Абдусамад билан хожа

Сайфуддин олдига оғир шартлар қўйди. «Хоқони сайд Шайх Нуридинни саройдин йироқлаштуресун, Нуширвон барлосни бўлса ёсоқга еткурсун. Шундин сўнггина унга итоат қилурмиз», — деб жавоб қилди Сулаймоншоҳ. Шоҳруҳ унга қарши Калот устига қўшин юборди, лекин Сулаймоншоҳ Шоҳруҳнинг аскари билан очиқ жанг қилишдан бўйин товлади ва Калотни ташлаб Самарқандга қараб қочди. Мироншоҳ масаласи бўлса, аксинча, тинч йўл билан ҳал бўлди. Тусга амир Сайдхожага ёрдамга юборилган амир Ҳасан сўфи тархон, Жалолиддин Фирузшоҳ ва амир Жаҳонмулк «Мироншоҳ кўрагон Симондинни нарига ўтмабдур, даги Озарбайжонга қойтуб кетубдур», — деган хабар тошиб келдилар.

Мана энди Шоҳруҳ тамом диққат-эътиборини Ҳалил Султон билан курашга қаратса бўлади. У биринчи навбатда катта ҳарбий-сиёсий аҳамиятга молик бўлган Андҳуд билан Шибиргон қўргонларини мустаҳкамлаш учун Улугбек билан Шоҳмаликни ўша тарафга юборди. Улугбек билан Шоҳмалик Балх ҳокими Пирмуҳаммад Жаҳонгир билан биргаликда Ҳалил Султонга қарши уруш бошлиш ҳақида ҳам кўрсатма олдилар...

1405 йил мизон ойининг бошлари. Айни узум пишган найт эди. Улугбек Шибиргоннинг Ситораги деган қишлоғида туради. У бу ерга кеча қўшинга янги жалб қилинган йигитларнинг ҳарбий машқларини томоша қилгани келган эди. У машқдан кеч қайтди. Кечкурун бир вақтларгача қишлоқ оқсоқоли билан ўёқ-буёқдан гапланиб ўтириди. Пировард Улугбек ундан вилоят ҳокими амири аъзам Сулаймоншоҳ хусусида баъзи гапларни сўради. Оқсоқол деди:

— Ул жаноб одилу-олим кишидур, шул сабабдин раияту-хабиса, ятимчаю-барча мўмин-мусулмон, эртаю-кеч ул олий насабнинг дуосидадурмиз.

Улугбек оқсоқолнинг бу гаплари дилдан айтилмаганини унинг кўзлари ва умуман кайфиятидин пайқади. Нима бўлса ҳам Пирмуҳаммад Жаҳонгир билан Улугбек бир отанинг боласи, улуг амир Сулаймоншоҳ бўлса уларнинг содиқ хизматкори-да. Улугбек сўровда давом этди:

— Амири аъзам жаноблари қишлоғингизга ҳам келиб турадурларму?

— Шибиргонга етмишидан зиёд қасаба ва қария қарайдур, мирзом. Балким дигарларида бўлғондурлар, лекин бизнинг Ситорагига келгонларича йўқ.— Оқсоқол бир фурсат сукут сақлаб турди, сўнг Улугбекка ийманибигина қараб қўйди. Шаҳзодани унинг бу гаплари бирмунча

қизиқтириб қолганини сезди шекилли, «локин амири аъзамнинг закотчилари тез-тез келиб турадурлар», — деб күшиб қўйди оқсоқол.

— Одатга биноан хирожни куз охирида, хирмон кўтарилигоп пайтда йигғуч эдилар-ку?

— Шундог, мирзом, локин бундин бир ой муқаддам келгонларида кўк пули ундируб кетдилар.

Улуғбек билан оқсоқол шу зайлда бир вақтларгача гаплашиб ўтирилар...

Эртаси нонунита пайтида хос чухрашлардан бири қизиқ хабар топиб келди. У Улуғбекка кечак шом билан хуфтон орасида бу ерга Самарқанддан катта бир карвон келиб тушганини, карвон аҳли орасида қандайдир олий мартабали аёллар ҳам борлигини айтди. Улуғбек ясовулбошини чақириди ва унга шитоб билан бориб карвонни суриштириб келишини буюрди. Ясовулбоши бирмунча ҳаяллаб қайтди.

— Мирзом, карвон дарҳақиқат Самарқанддин эркан, Балх музофотига бораётган эрмиш. Саройбоннинг сўзларига қарагонда аҳли карвон орасида паранжи ёпингон икки заифа ҳам бор эрмиш. Аҳли карвон, карвонбошидин тортиб то сорбонгача, алар бирлан рӯбару бўлгонларида ўзларини зўр тавозеъда тутармишлар.

Улуғбек ясовулбошининг шу гапларини эшитди-ю, алланечук бўлиб кетди, бир нима демасдан ўрнидан сапчиб туриб, кафшни ҳам киймасдан, оёқ яланглигича кўча эшигига қараб отилди ва бозор тарафга қараб чопиб кетди. Чухра билан ясовулбоши ҳам мирзонинг кетидан чопдилар.

Ҳақиқатан ҳам чухра ҳушхабар топиб келган экан. Олий мартабали бу аёллардан бири Улуғбекнинг кўз очиб кўрган хотини Ўгай бегим бўлиб чиқди. Иккинчиси эса Кайхусравнинг қизи маҳди улё Руқия бегим бўлиб, у Ўгай бегимни кузатиб бораётган экан...

Хулласи калом, ўша мизон ойида ҳар иккала тараф ҳам — Шоҳруҳ ҳам, Ҳалил Султон ҳам, зўр бериб янги ва ҳал қилувчи курашларга ҳозирлик куриш билан банд бўлдилар. Кўп ўтмай Шоҳруҳ Ҳиротдан Сарахсга кўчиб утди ва бор кучини шу атрофга йига бошлади. Жайҳун бўйида ҳам иш қизиб кетди. Улуғбек билан Шоҳмалик бўйруққа биноан кечувда ва бошқа ерларда турган кемалардан беш юзтасини судратиб келиб бир ерга туплади ва уларни бир-бирига занжирлаб кўприк қурдилар. Шоҳруҳ тузган режага биноан Улуғбек билан Пирмуҳаммад Жаҳонгирнинг бирлашган кучлари яқин орада ўша кўприкдан утиб Ҳалил Султоннинг ишини бирёқлик

қилиши керак эди. Лекин Ҳалил Султон буидан тұла хабардор эди. Унинг катта қүшіни дарёнинг үңг соҳилида шай бұлиб пайт пойлаб турарди. У үтган ойдағы дарёни кечиб үтиб, Балх сари юрмоқчи бұлды, лекин дарё сувининг насаймаганлығы, шунинг учун ҳам ундан кечиб үтиш қийин бұлғанидан поилож турарди...

Томонлар вактдан ютиш мақсадида яна музокарага оғиз очдилар, қатор борди-келдидан кейин сұлҳа рози бұлдылар. Лекин яна үша әски келипшүв қайд этилди. Шохрух Ҳалил Султонни яна Мовароунихаρ қокими сифатида таң олди. Ҳалил Султон бұлса Амир Темур ҳаётлигіда Шохрух учун ажратған ва ҳозирда Құксаройда Шайх Умар хазиначининг құлида сақланиб турған хазинаны қайтариб беришга ваяда берди. Лекин Ҳалил Султон бу сафар ҳам аҳдида турмади. Хазина у ёқда турсын, ҳатто уни олиб келиш учун Шохрух Самарқандга юборған амир Абдусамад, Пакана Бахши ва мұхрдор Фасиҳ Ахмад Хавофийнинг жонига қасд қилишгача борди. Ҳалил Султон бошда амакисининг әлчиларини қулоч очиб самимий қарши олди, ҳаддан зиёд силаб-сийнаган бұлды, кунда уларнинг шарафига қуюқ зиёфатлар ҳам берилди. Айниқса, учинчи күнги зиёфат беҳад тұқын-сочын бұлды. Шохрухнинг әлчилари зардұзий чоюнлар, мұрассаъ шамшир ва ханжарлар, улоқчи отлар билан сийланылар. Үша куни уларнинг шарафига Регистон майдонида катта сайил ва турли-туман үйинлар ҳам үюштирилди...

Базми-жамшид қызыған, ҳамма ширакайф бұлиб қолғандан сұнг Ҳалил Султон оқистагина үрнидан туриб хилватхонаға үтди. Ҳаял үтмай унинг орқасидан Исо қовчин ҳам чиқиб кетди. Амир Абдусамад девордаги шарирұхсорлар базми тасвирланған суратта тикилиб ҳангманғ бұлиб қолған мұхрдорпинг биқинига оқистагина туртди ва унга маңынодор қараб қўйди. Мұхрдор амир Абдусамаднинг шамасини англамади, лекин Пакана Бахши құрмагур бұлаёттан воқеаларни пайқаб үтирган экан, Амир Абдусамад буни билиб бир оз хотиржам бұлды... Исо қовчин киргач, Ҳалил Султон унга «үтири» деб ишора қылды, сұнг ташни құзиб үтирмай муддаони лұнда қилиб айтиб қўяқолди.

— Шу кечадин қолдирмай аларни бир ёқлиқ қыммоқ зарур.

— Уқдим, жаноби олийлари.

Исо қовчин санчиб үрнидан турди ва қўл қовуштириб миrzога таъзим қылды.

Ҳалил Султон яна меҳмонлар ўлтирган хонага үтди ва

ҳеч нима бўлмагандай ўрнига бориб ўлтирди, сўнг икки қўлини қўксига қўйиб ҳиротлик меҳмонлардан узр сўраган бўлди.

Узр тутгайлар, жаноблар, бир зарурат юзасидан сиз азиз меҳмонларни бир дақиқа ёлғиз қолдиргон эрдик.

Ҳалил Султон энди бу ёғидан хотиржам бўлди, чунки Исо қовчин бундай ишларга устаси наранг эди.

Амир Абдусамад ва унинг ҳамроҳлари фитнани Самарқандга келган куниёқ, расмий қабул маросими шайтида пайқаган эдилар. Ҳалил Султон амакисининг мактубини ўқиганида юзида на ҳаяжон, на севинч ёки тараддуд аломати сезилмади, лекин Улугбекнинг хатини ўқиганда унинг қўллари сезилар-сезилмас титраб туради. Мактуб аччиқ сўзлар аралаш битилган бўлишига қарамай, Ҳалил Султон қизишмади, ўзини одоб доирасида тутишга ҳаракат қилди. Дарҳақиқат, Улугбекнинг мактуби аччиқроқ, унда иен ionани тириштирадиган гаплар ҳам бор эди. Айниқса, «Ҳазрати соҳибқирон» тожу тахт бирлан мамлакат хусусан Ҳалил Султонга қоладур», деб қачон айтгон?» деган гаплар Ҳалил Султоннинг дилини қаттиқ оғритди. Қаттиқ оғритди-ю, лекин, барибир, элчилар олдида иен ionасини тириштирамади, енгилгина тин олди-да, кўзини хатдан узиб элчиларга қаратма маъюс бир оҳангда: «Ҳамайли, локин амир ҳазратларига тожу-тахт ила мамлакатни берган қодири эгам ани биздин ҳам дариг тутмадилар», — деди. Султоннинг гапи ҳам ақлга ишора эди. Ўша куни кечқурун Боги майдонда берилган зиёфатда ҳам, бошқа куниги зиёфатларда ҳам Ҳалил Султон Шоҳруҳ элчиларига зўр ҳурмат-эътибор, лутфу-қарам кўрсатди. Амирлариининг тилёғламалигини айтмайсизми, хизматкорларнинг сертакаллуғлигини-чи! Амир Абдусамад ва унинг ҳамроҳлари бундан ҳам ўзларича, лекин зарур хулоса чиқариб олдилар...

Ўша тунги зиёфатдан кейин Шоҳруҳнинг элчилари ўз қароргоҳларига қайтиб бормадилар. Боги чинордан чиқишилари билан уларни кузатиб бораётган икки ясовулни йўлда гумдон қилиб, отининг жиловини Тахта қорачага қараб бурдилар. «Биз,— деб эслайди Фасиҳ Аҳмад Хавофий,— ўшанда икки кечаю-бир қундуз бирон ерда тўхтамайин от сурдик ва ниҳоят, учинчи куни тоңгда Жайхундин эсон-омон ўтуб олдик ва олий ҳазратларининг ўша вақтда Андҳуд қишлоқларидин Ҳожа дуккада турғон олий ўрдусига келиб қўшулдик».

1406 йилнинг феврал ойида ҳар икки ўртада — Ҳалил Султон билан Шоҳруҳ ўртасида уруш ҳаракатлари

бопланиб кетди. Пирмуҳаммад Жаҳонгир билан Мирзо Улугбекнинг қўшилари амир Шоҳмалик бопчилигида Жайхундан ўтиб Термизни эгалладилар, сунгра ҳеч қандай қаршиликка дуч келмай Ғузор билан Шахрисабзни ҳам олдилар ва Қарши сари олдинлаб бордилар. Ҳамма ўзига галаба яқин деб ўйларди. Бу ўзига хос тузоқ эди, холос. Ҳалил Султон атайлаб, аниқ бир мақсадни кўзлаб, бу ерда ҳийла ишлататоётганини Шоҳмаликдай тажрибали саркарда ҳам пайқамай қолди. У осон қўлга кирган галабадан эсанкираб ҳушёрликни қўлдан бой берди, чамаси. Йўл-йўлакай амирлар ҳам, лашкар ҳам кўнглига келганини қилди: бир манзилда ов ўюнтирсалар, бопқа бирида базмусафо қилдилар. Бундан Ҳалил Султон усталик билан фойдаланди. Бор кучини Қарши атрофиға тўплаб уруш хозирлигини кўрди. Жайхун қиргоқларидан эса у хотиржам эди. Дарё ёқасига тўплланган қўшин нариги қирғоқдан келиши мумкин бўлган ёрдамчи қўшичининг йўлини тўсишга қодир эди. Ҳалил Султоннинг Жайхун бўйида пистирмада қолдирган амирлари Улугбек билан Шоҳруҳ дарё устига қурдирган кўригини буздириб ташлашга ҳам қодир эдилар, лекин «кўнирк асло бузилмасун», деган буйруқ бор эди. Кўнирк эртами-кечми Ҳалил Султоннинг ўзига ҳам керак бўлиб қолишни мумкин эди. 808-йил рамазон ойининг иккинчисида (1406 йил 21 февралда) Қаршидан бир ёғоч нарида жойлашган Маймург қўригига икки ўртада қаттиқ уруш бўлди. Ҳалил Султон рақибининг гулига кучли зарба берди. Ғулнинг қок ўртасида турган орлотлар зарбага дош беролмай, жанг майдонини тапилаб қочдилар. Қисқаси, Ҳалил Султоннинг қули бу сафар ҳам баланд келди. Тез орада шаҳзодалар билан амирлар ҳам жангдан қулини тортдилар. Пирмуҳаммад Жаҳонгир тамом ўрду ва угруқини ташлаб Балхга қараб қочди. Улугбек билан Шоҳмалик эса Жайхундан ўтганларидан сўнг Андхуд қалъасининг мустаҳкам деворлари орқасига яшириндилар. Ҳалил Султоннинг амирлари уларни Жайхун устига қурилган кўниркпинг ўртасигача қувиб бордилар. Хайриятки, ўшу пайт Шоҳруҳ Сарахсда, қўшичининг катта қисми эса дарёнинг сўл соҳилида ўша кўнирк атрофида тўплапиб турган экан. Акс ҳолда Пирмуҳаммад Жаҳонгирнинг ҳам, Улугбек билан Шоҳмаликнинг ҳам ҳоли не кечишини билиш қийин эмасди.

Шоҳруҳ Ҳалил Султон билан яна сулҳ хусусида музокара очишга мажбур бўлди. Устига-устак Хурсоннинг турли тарафларида яна исён ва галаёнлар кўтарилидди: Тус ва Машҳадда вазир Саидхожа, Қирмонда қора тоторлар, Озарбайжонда Мироншоҳнинг ўғли мирзо Умар Шоҳруҳ ҳукуматига бўйсунишдан бўйин товладилар. Ғур вилоятида ҳам ур-ийқит бошланди. Шу сабабдан ҳоқони сайд (Шоҳруҳ) шитоб билан Ҳиротга қайтишига мажбур бўлди. Улугбек билан Шоҳмалик эса подшоҳнинг кўрсатмасига биноан бир ой чамаси Бодҳизни лашкаргоҳ қилиб туриб қолдилар.

Амир Саидхожага қарши юриш 808 йил зулҳижжа ойининг 23-куни (1406 йил 14 июн) бошланди. Улугбек билан Шоҳмалик бу юришда Шоҳруҳга ҳамроҳ бўлдилар. Кураш 809 йилнинг сафар ойига (1406 йил июл — август) га қадар давом этди. Охири амир Саидхожа Тус билан Машҳадни ташлаб дастлаб Астрободга қочиб борди ва у ерда Пир Подшоҳ билан бирикди. Сафарнинг 9 куни (1406 йил 26 июл) Шоҳруҳ уни таъқиб қилиб Хабушон орқали Астробод сари юзланди. Саидхожа у ерда ҳам туролмади ва қочиб бориб Калот қалъасига яширинди. Бу ерда у билан туршизлик амирлардан хожа Али Насруллоҳ Туршизий бирикди. Пировард Шоҳруҳ Саидхожани Калотдан ҳам суриб чиқарди. Лекин у Мозандаронга қочди ва яна ўша Пир Подшоҳга қўшилди. Исёнчилар билан Шоҳруҳ қўшинлари Астрободнинг Сиёҳбилод деган қишлоғи ёнида тўқнашдилар. Бу уруш исёнчи амирларнинг мағлубияти билан тугади. Бу жангда Шоҳруҳ қўшинининг ўнг қанотига Улугбек, Шоҳмалик ва амир Мусо бошчилик қилдилар. Пир Подшоҳ бутазор орасига қочиб куздан гойиб бўлди, Саидхожа эса Шероз тарафга қараб қочди. Ўшанда ҳоқони сайд Мозандаронни мирзо Умарга инъом қилди; Тус, Хабушон, Калот, Нисо, Абивард, Язир, Сабзавор ва Нипонур вилоятларини эса мирзо Улугбекка суюргол қилди. Улугбек билан Шоҳмалик ўша йили қипни Астрободда ўтказдилар.

Хулласи қалом, Шоҳруҳ билан Улугбек она юрт Мовароуиниҳни Ҳалил Султон ва унинг гумашталари қулидан озод қилиш ва Амир Темурнинг тоҷу-тахтини эгаллаиндан иборат ниятларини 1407—1409 йиллари ҳам амалга ошиrolмадилар. Буига асосан Балх ва Сиестон, Хурсон ва Озарбайжонда Темурий шаҳзодалар ва айрим иқтидорли амирларнинг бирин-кетин кўтариб турған галаёнлари сабаб бўлди. Бунинг энг даҳшатлиси Балхда содир бўлди. 809 йил рамазон ойининг 14 куни (1407 йил

22 феврал) ярим кечада вазир Пир Али тоз бошлиқ бир гурух фитиачилар Балхнинг катта аркига бостириб кирдилар ва қўриқчиларни ўлдириб Пирмуҳаммад Жаҳонгирни ухлаб ётган срида, хотинлари ва хизматкорлари билан қўшиб чопиб ташладилар. Даҳшатомуз бу воқеа ҳақидаги хабар яшин тезлигида теварак-атрофга ёйилди, ҳамма қўрқув ва тахликаға тушибди. Балх вилоятига қарашли шаҳарларнинг ҳокимлари бирин-кетин юртни ташлаб бошлари оғган тарафга қараб қоча бошладилар. Ўша вақтлари Шибиргонда турган амирзода Сиди Аҳмад ҳам улусни ташлаб Ҳиротга қочиб борди. Пир Али Тознинг сиру-асори ва асл мақсади тез орада ошкора бўлиб қолди. У аввал (март ойида) ўзига содиқ аскар билан Жайхун соҳилига қараб юрди ва соҳилни қўриқлаб турган орлот амирлари ва уларнинг ҳарбий қисмларини тор-мор келтириб, уларнинг ўринини эгаллади ва дарёнинг ўнг соҳилида қўшин билан турган Ҳалил Султоннинг амирлари билан алоқа боғлади.

Шоҳруҳ Балхда содир бўлган даҳнатли воқеадан хабар тошиши ҳамоно қўл остидаги бор қўшини билан Пир Али Тоз исёнини бостириш учун йўлга чиқди, лекин Қизил работдан нарига ўтолмади. Сабаби, чопар Ғур ва Астрободдан ноҳуш хабар олиб келган эди. Ғурда малик Исаҳбед Ғурий, Астрободда эса жияни, Мироншоҳнинг ўғли амирзода Умар исён кўтарган эканлар. Шоҳруҳ қўшинни Ғур сари буришга мажбур бўлди, лекин Исфазордан нарига ўтмади. Хурсондан хавфсираб Ҳиротга қайтишга мажбур бўлди, чунки катта хавф-хатар мирзо Умар тарафидан кутилаётган эди. Ғурга бўлса амир Ҳасан Жондор билан амир Жаҳон Малик бошчилигига қўшин юборилди.

Шоҳруҳ, қисқа тайёргарликдан сўнг, шаввол ойининг 13-куни (1407 йил 24 феврал) Жомга томон, қўшин тўпланадиган жойга қараб юрди. Юриш олдидан Мургобга, амир Музроб хузурига чопар юбориб, Жайхун бўйидаги истеҳкомларни эҳтиёт қилиш ҳамда Ҳалил Султон билан Пир Али Тознинг кирдикорларидан боҳабар бўлиб туришни буюрди. Қўрсатилган вақтда Тусдан Жомга Улугбек билан Шоҳмалик ҳам етиб келишди. Жомнинг Хусравжирд қишлоғи ёнида қисқа, лекин шиддатли уруш бўлди. Омад Шоҳруҳга боқди. Мирзо Умарнинг қўшини мағлуб бўлиб, мирзониг ўзи оғир жароҳатланди. Мулоҳимлари не-не машаққат билан уни жанг майдонидан олиб чиқдилар ва Мурғоб тарафига қараб олиб қочдилар. Улар шаҳзодани бир илож қилиб Жайхундан ўтказиб,

огаси Ҳалил Султон қўлига тонширмоқчи бўлдилар, лекин баҳтга қарши, бунга мұяссар бўлолмадилар — Мургоб дарёси бўйида уларни амир Музробнинг одамлари тутиб олдилар. Мирзо Умарнинг мулозимлари ўша ерининг ўзида тиғдан ўтказилдилар, оғир яраланган шаҳзода бўлса тахтиравонга солиниб Ҳиротга жўнатилди. Бироқ, уни белгиланган манзилга етказиб боролмадилар. Мирзо Умар йўлда вафот этди. Ушбу даҳшатомуз воқеа зулқаъда ойининг 25-куни (1407 йил 4 май) содир бўлди.

Шоҳруҳ Улугбекка, Хусравжирд Жомда бўлган урупда қўрсатган хизматини и nobatga олиб, Ҳуросонга қўшиб Мозандаронни ҳам инъом қилди.

1407 йилнинг ёзи жуда оғир келди. Озарбайжонда вабо тарқалиб, Табриз, Султония ва уларга қарашли қишлоқларда қўччиликнинг ёстуғи қуриди. Ҳуросонда эса қаттиқ қургоқчилик бўлди. Ёз ойлари осмондан бир томчи ҳам сув тушмади, бунинг устига иссиқ ҳаддан зиёд кучайди, оқибатда далада хосил мутлақо битмади, барча экин қурибқовжираб қолди. Шунинг учун ҳам Ҳирот бозорларида бирман галланинг баҳоси уч динорга қутарилиди. Бу ва бошқа қийинчиликлардан қора қуюли туркманлар фойдаланиб қолдилар. 810 йилнинг раби ул-аввалида (1407 йилнинг август ойи) да Қора Юсуф (1389—1400, 1406—1420) Озарбайжоннинг катта қисмини, Табриз билан бирга қўшиб Мироншоҳ ва мирзо Абубакрдан тортиб олди. Кун утмай Султония ҳам қўлдан кетди. Ҳалил Султон, Пир Али Тоз ва ҳамон Ғур, Сеистон ва Кирмон вилоятида давом қилиб турган исёнлар билан қўл-оёги boglaniб қолган Шоҳруҳ Озарбайжон ва Ироқдаги бу воқеаларга аралашолмади, огаси билан жиянларига ёрдамга боролмади.

1407 йилнинг қишини Шоҳруҳ яна Сарахсда ўтказди ва тамом диққат-эътиборини Ҳалил Султонни бирёқлик қилиш ҳозирлигига қаратди. Ўша қишида Термиз, Кеш, Насаф, Бухоро ва Самарқанд бозорлари ҳамда карвонсаройларини Шоҳруҳнинг қаландар ва савдогар либосига бурканган айгоқчилари босиб кетди. Улар зўр бериб ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий аҳамиятга молик бўлган маълумотларни тўпладилар, раиятнинг умумий аҳволи, кайфияти, унинг Ҳалил Султон ва унинг теваракатроғидаги амирлар ҳамда мансабдорларга бўлган муносабати билан обдон қизиқдилар. Шоҳруҳ бўлса вилоят ва улкаларга жарчилар ва тавочиларни юбориб, Бодгисга катта ҳарбий куч туплай бошлади. Лекин Шоҳруҳ 1408 йили ҳам асосий режасини амалга ошиrolмади. Ҳамон Ҳуросон потинч, Балхда эса қотил ва исёнкор Пир

Али Тоз... Шохруҳ баҳорда уни даф этишига қаед қилди. Бу хусусда у амирлар, вазирлар, машиҳ ва уламони тӯплаб катта кенгани ўтказди ва ниҳоят, 811 йил мухаррам ойининг 19-куни (1407 йил 26 июн) Балх устига юриш бошлади. Лекин бу сафар ортиқча қон тўкилмади. Хуросон қўшини Аидхудга келиб тушгани ҳақидағи хабар эшитилиши ҳамоно Пир Али Тоз Балхни ташлаб чиқди ва Бадахшонга қараб қочди. Амирзода Сиди Аҳмад, Ёдгоршоҳ орлот, Нуширвон барлос ва Шохруҳнинг бошқа амирлари уни изма-из қувладилар, лекин тутолмадилар. Пир Али Тоз худди сувга томган симобдек Бадахшон тоглари орасида гойиб бўлди. Унинг ҳарами, навкарлари ва хазинаси Шохруҳ амирларининг қўлига тушди. Подшоҳ Балх вилоятини марҳум Пирмуҳаммад Жаҳонгирнинг ўн икки яшар ўғли мирзо Қайдуга, Шибирғонни амир Саидхожага суюргол йўсинида инъом қилиб, раби ус-соний ойининг 12-си (1408 йил 6 сентябр)да нойтахтга қайтди.

Кўн ўтмай Журжонга қўшин тортишга тўғри келди. Бунга яна Пир Подшоҳ исёни сабаб бўлди. Журжоннинг эътибор қозонган амирларидан ҳисобланган бу олий мартабали зот баъзи ярим кўчманчи қабилаларга орқа қилиб, хусусан жони қурбоний ва туқалий қабилалари билан тил бириктириб, Улугбек Мирзога қарши қурол кўтарди ва унинг ноibi Шамсуддин Алини Астрободда қуршов остига олди. Бу ҳам етмагандай ўша вақт Хуросонда яна қаҳатчилик бўлди, бозорда нарх-наво, айниқса озиқ-овқатнинг нархи икки баробарга кўтарилиди. Тарихчи Абдураззоқ Самарқандий бир ботмон бугдойнинг нархи бир мисқол кенакийдан икки мисқолга кўтарилиб кетғанилигини ёзади. Бунинг устига соҳиб девон хожа Фиёсуддин солор ҳалқقا қўшимча солиқ ва жарималар солиб, уни анча қийнаб қўйди. Оқибатда ҳалқ орасида ҳам, лашқар ўртасида ҳам гала-ғовур бошланди. Ҳасан Жондор, Юсуф Ҳалил, Саодат Темиртош ҳамда вазир Жаҳон Маликка ўҳашаш Шохруҳга қарши булган бир тўда амирлар бундан фойдаланиб подшоҳга қарши фитна уюштирдилар. Тўғри, амирларининг фитнаси бошланмасданоқ фош қилиниб, Шохруҳ уни уюштирғанлардан аёвсиз ўч олдику, лекин на фақат пойтахтда, балки узоқ-яқин вилоятларда ҳам ҳар хил шов-шувларга сабаб бўлди.

Пир Подшоҳ исёни ҳамон давом қилиб турар, Улугбек ва Астробод эса хавф остида қолган эди. Ниҳоят, саройда уюштирилган фитна бостирилгандан кейин, жумоди ул-оҳирининг 18-куни (1408 йил 10 ноябр) Шохруҳ Мозандаронга қўшин тортини имкониятига эга бўлди. Унга

Машҳадда Шоҳмалик, Ҳожаён қасабасига етганда Мирзо Улугбек ўз қўшилари билан келиб қўшилдилар.

Шоҳруҳ ўни вақтда Ҳожаён ҳокимига қарашли чорбогда тўхтаган эди. Улугбек билан Шоҳмалик қўшинга жой тайин қилишгандан кейин подшоҳи зиёрат қилгани ўша чорбоққа қараб йўл олдилар. Подшоҳ бое уртасида шинамгина қурилган ва теварак-атрофи ойналанган шийлонда Фасиҳ Аҳмад Ҳавофий билан нималарни дир гаплашиб ўтиради. Пастда, зинанинг шундайгини ёнгинасида, курсида эшик оқо ўлтиради. У бутун вужуди билан қўзу қулоққа айланиб шийлонга термулиб ўлтиради ва подшоҳининг амири-фармойишларини кутар, аҳён-аҳёнда теварак-атрофга ҳам куз ташлаб қўярди. Шийлоннинг чор атрофида, упдан уч-тўрт газ нарида қоровуллар, чухралар, хизматкорлар... Бир пайт кўча эшиги очилиб боққа икки нотаниш одам кириб келди. Эшик оқо уларнинг олдига тушганича йўлка ўртасида югуриб-елиб келаётган қоровулбегига қўзи тушиши билан бирон мұътабар зот хоқони сайдга ташриф буюрганлигини англади, ўридан туриб икки қўлини қопи устига қўйиб йўлкадан келаетган одамларга тикилди. Қоровулбеги эшик оқога овози борича:

— Эшик оқо жаноблари, подшоҳи олам ҳузурига Мирзо Улугбек жаноблари оталиғи бирлан ташриф буюрадурлар,— деб қичқирди. Қоровулбенинг қўнолдан-қўнол чинқироқ овозидан мухрдорнинг ҳикоясини зур диққат-эътибор билан тинглаб ўтирган Шоҳруҳ ҳам бир қадар чўчиб тушди. Эшик оқо қоровулбегига: «Ахир кар эмасмуз, секинроқ гапирсанг ўларму эрдинг!» — дегандай ўқрайди. Подшоҳ ўглини узоқдан таниди ва даст ўридан турди. Шийлон ёнида турган чухралардан иккитаси санчиб тепага чиқдилар ва подшоҳни икки қўлтиғидан олиб зинадан пастга олиб тушдилар... Ота-бала қучоқлашиб кўришдилар, сўнг олдинма-кетин шийлонга кўтарилдилар. Уларнинг кетидан амир Шоҳмалик ҳам шийлонга чиқди. Ота-бала бирмунча вақт дастурхон устида ўлтириб сұхбатлашдилар. Ҳол-аҳвол сўрашганларидан кейин подшоҳ Пир Подшоҳ исёни натижасида Астрободда юз берган воқеаларни ўглига бирма-бир сўзлаб берди.

— Улугбек онангиз Маҳди Улё бегим жаноби олиялари Сизга қўндин-қўн дуо деб юбордилар, мирзом.

— Қуллуқ, аълоҳазрат.

Улугбек шундай деди-ю, лекин бутун хаёли яна катта онага, Сароймулк хонимга кетди. Мана, «Алиободда видолашгонимиздин буён тўрт йил ўтибдур. Ул бечоранинг

ҳоли не кечди эркан? Ҳалил Султон анга ҳам жабр-ситам
үткүзмәтибдими эркан? Үмуман, тирикму эрканлар?»

Шоҳруҳ үглидаги наришонхотирликни пайқади:

— Мирзом, кунгил-хотирингизга иелар келди, сир
бўлмаса айтингиз.

— Йўқ, шунчаки үзим, падари бузруквор.

Подиоҳ үглиниңгай кайфиятини болиқа суриштириб
ўтирамди ва унга Пир Подиоҳ исёни бартараф бўлганини
эълон қилди:

— Бу понкўр биз бирлан очиқчасига курашишга
журъат қилмади. Биз аниг Хоразм тарафларга фарор
бўлғони ҳақида хабар тоғдик. Ииндоолло, эмди бу ерларга
қайтиб келолмас.

Сунг Фасиҳ Аҳмадга мурожаат қилди:

— Тақсир, маншурни олсуналар.

Муҳрдор саллага қистирилган икки букланган қозонни
олди, ёзиб кўзларига суртди, сунг подиоҳга узатди.
Шоҳруҳ қозонни Улугбекка узатди.

— Биз сизни, мирзом, валиаҳдлик мартабаси бирлан
сафароз этдук, Мозандаронни ҳам қайтадин Сизга инъом
қилдук. — Улугбек даст ўрнидан турди, маншурни отаси-
дан олиб кўзларига суртди ва подиоҳга эгилиб қуюқ
таъзим бажо келтирди.

— Қуллуқ, аълоҳазрат. У дунёю-бу дунё сиздин
миннатдормен. Ишончининг оқламоқ учун нимарсага
қодир бўлсан қилурмен.

Улугбек тиз чўкиб отасининг қўлларидан ўнди. Шу
пайт эшик оқо подиоҳниңгашорати билан бир зар-
рин кимхоб чонон олиб чиқиб Улугбекниңгелкасига
ташлади...

Улугбек кечаси шу ерда, отасининг ёнида тунаб қолди.
Подиоҳ ҳаял ўтмай ухлаб қолди, Улугбек бўлса бир
маҳалгача мижжа қоқмай отасига термулиб ётди. Унинг
хаёлидан «во ажаб, падари бузруквор энди ўттиз бирга
кирибдурлар, ҳали ёш йигит, аммо, нега бундай қилдилар?
Наҳотки...» Шу пайт ўн беш кунлик бўлиб қолган ой булут
парчасини ёриб сузиб чиқди ва унинг шуъласи ота-бала
ётган шийлонни ён-ёруг қилди. Кечаси яхши кўрмаган,
тўғрироги эътибор бермаган экан... Падари бузруквори-
ниңг сочу-соқолларига битта-иккита оқ оралаб қолибди.

Эртаси куни бутун вилоятларга Пир Подиоҳ устидан
қозонилган галаба муносабати билан фатҳномалар юбо-
рилди. Фатҳномаларда Улугбекниңгисми биринчи бор
наввоб деб тилга олинди...

Зулқаъда ойининг 9-куни (1408 йил 7 апрел куни)

Шоҳруҳ Ҳиротга қайтди, Улугбек оталигини олиб Тусга жўнади.

Ўша йилнинг ёзи ҳам, кузи ҳам кўп ташвиши кечди Ҳалил Султоннинг галваси етмагандай, Кирмонда Султон Увайс, Сеистонда Шоҳ Қутбиддин марказий ҳукуматга қарши бош кўтардилар. Тождорлар бунақа серташвиш, гала-ғовур пайтларда тамом эътиборини ҳарб ишларига қаратадилар. Лекин Шоҳруҳ бунақалардан эмас эди. У вазмин ва иродаси кучли одам эди. Мулоҳаза билан «етти ўйлаб бир кес» қабилида иш тутарди. Қолаверса, интизомли одам эди у. У ҳарбий ишни, у хоҳ давлат иши бўлсин, хоҳ дини ислом ва шариат арконлари билан боғлиқ иш бўлсин, ўз вақтида, ўз ўрнида адо этишга одатланган эди. Ҳоқони сайд ҳар қандай шароитда ҳам беш вақт намозни узмас эди. Саройда ихчамгина масжиди хос булишига қарамай, жумъя намозини кўпчилик қатори фақат Ҳиротнинг энг катта масжидида, Фиёсуддин Муҳаммаднинг жомеъ масжидига бориб ўқирди.

Ҳоқони сайд сафар ойининг бошларида масжиддан қайтиб энди тушликка ўлтирган ҳам эди, хонага эътиимодли мулозимлардан амир Жамолуддин кириб келди. Подшоҳга икки букилиб таъзим қилди ва унинг қаршисида тиз чўқди. Подшоҳ бир қаращдаёқ мулозимнинг юзларида изтироб ва ташвиш аломатларини илғади, ўзи ҳам бир қадар тараддудга тушди.

— Хўш, не тоза ҳабар келтирдингиз, жаноби амир? Юрда не воқеалар юз беридур?

— Бошимизга оғир мусибат тушибдир, ҳазрати олийлари.

Шоҳруҳ энди чинакамига тараддудга тушди, «нима, Тусда Мирзо Улугбек билан бирон кор-хол юз бердими?» деб ўйлади у. Бир зум сукутдан кейин подшоҳ ўзини қўлга олди.

— Не кор-хол юз берди ўзи? Гапни чўзиб ўлтирмангиз, бор гапни айтинг, амир. Не бўлса ҳам тангри таолонинг иродаси ила бўлғон, на чора.

— Амирзода Муъиззуддин Мироншоҳ жаноби олийлари...

Амир Жалолуддин бошқа бир нима дея олмади. Овози гиппа бўғилди қолди, томогига шафтоли данаги кўндаланг туриб қолгандай бўлди. Қўзларидан дувиллаб ёш келиб, юзу соқолини ювди. Ҳоқони сайднинг тоқати тоқ бўлди. Санчиб ўрнидан турди ва ҳамон тиз-чўкиб ер қазиб ўлтирган мулозимини елкасидан олиб турғизди ва икки қўли билан ёқасидан олиб силкитди.

— Амирзода огамиз билан не кор-хол бўлди? Гапирсангчи, ахир!

Лекин, барибир, амир Жалолуддин бониқа бирон нима дейолмади. Охири фақат қўли билан ташқарига ишора қилди. Хоқони сайд ташқарида чопар борлигини англади, эшик оқони чақиририб уни олиб киришни буюрди. Эшик оқо хонага ўрта бўйлик, оқ-сариқдан келган серсоқол, дарвеш сифат бир одамни боiplab кирди. Подшоҳ уни бир кўришдаёқ таниди. У мана шу йили қишида ўзи Туркистонга юборган айгоқчилардан эди. Айгоқчи хоқони сайдга икки букилиб таъзим қилди, сўнг қўйнидан бир ўрам қозозни олиб подшоҳга узатди. Шоҳруҳ муҳрни синдириб, қозозни ёзди, уч-тўрт сатр ўқиди-ю бармоқлари хиёл титраб кўзларига ёш келди. Сўнг уни қайтадан ўраб қўйнига солди-ю, хонанинг ўнг бурчагидаги эшикни очиб хонайи хосга ўтиб кетди...

Кеп вилояти ҳокимининг ноиби юборган ушибу мактубда ҳақиқатан ҳам дилни вайрон қиласиган ваҳшатомуз хабар бор эди. Унда қора қуюнлу туркманлар сардори амир Қора Юсуф ҳижрий 810 йил зулқаъда ойининг 16-куни (1408 йил 13 апрел куни) 20 минг аскари билан Табризнинг Шанба Гозоний мавзеъида ўриашиб олганлиги, уша ойининг 24-куни (1408 йил 21 апрел куни) амирзода Мироншоҳ билан унинг салоҳиятли ва баходир ўғли Мирзо Абу Бакр бир тарафдан ва иккинчи тарафдан амир Қора Юсуф ораларида ўша Шанба Гозонийда қаттиқ уруш бораётганлиги, урунда амирзода Мироншоҳ ҳалок бўлганлиги, Мирзо Абу Бакр эса қолган-қутган одами билан Султонияга қочиб кетганлиги ҳақида гапирилган эди. Мактубдан яна маълум бўлишича, бир туркман йигит оғир жароҳат олиб, чала жон булиб ётган амирзода Мироншоҳни таниб қолган, бошини шартта кесиб олган ва наиззанинг учига санчиб Қора Юсуфининг олдига олиб борган. Марҳумни ўшанда ювиб-тараб Сурхобдаги қабристонга дағи этибдилар. Орадан уч-тўрт кун ўтгач, марҳумнинг дастурхонидан туз-намак тотган Шамс Ғурий исмли бир шахс тунда ўша қабристонга бориб мурдани гўрдан кавлаб олган ва сандиққа солиб дарвеш қиёфасида уни Моваро-унихаҳрга элтган. Муаррихнинг яна гувоҳлик берипшига қараганда, Муъиззуддин Мироншоҳнинг жасади зур иззатикром билан Куббатулхизро Кешда дағи этилибди.

Ха, Шоҳруҳга анча оғир бўлди, оғасини яхши қўрарди. Амирзода Мироншоҳ айрим сифатлари — қўрслиги, бир сўзлилиги, сахийлиги ва жасурлиги билан улуг отасига бир қадар ўхшаб кетарди. Эди у ўйқ. Хоқони сайд оғасининг

аянчли қисматига ачинди. Аввал хазрати сохибіцироп, Рум устига, бутун Овруони титратған Боязид Елдиримға қарши юриш арағасыда уни тамом халқ олдида сазойи қилиб, ҳокимиятдан четлаштирилди. Кейин үгиллари Мирзо Умар ва Мирзо Абу Бакр билан муросаси келипшімади. Охири империяни Қора Юсуфға үхшаган мухолифлардан қуриқлайман, деб мана шу тарзда ҳалок бұлды. Ахли Ҳирот амирзода Мироншоға уч күп аза тутди. Тұртінчи куни ҳоқони сайд амирлар, иүёnlар ва бошқа аркони давлатни мажлиста йигиб Қора Юсуф ва уннинг туркманлари устига юриш бошлап хусусида үртага маслаҳат солди. Лекин, амирларнің аксарияти: Музроб баҳодир, Едгоршоғ орлот, Таваккал барлос, Нуширвон барлос, Мұхаммад Тархон ва бошқалар подшоғыннан майлиға әзтиroz билдириб, «Хозирги пайтда Сеистон билан Кирмондаги ақвол Озарбайжондағы вазиятдан бирмунча жиғдийроқ. Аввало Шоҳ Қутбиддин билан Шайх Увайсни бир ёқлик қылайлық, Қора Юсуф қочмас», дедилар.

Подшоҳ бир оз үйлаб туриб, амирларнинг фикр-мулоҳазаларини маъқуллади.

1408 йилнинг күзіда Шоҳруҳ Сеистон ҳокими Шоҳ Қутбиддин ва уннинг олдига қочиб келган Кирмон подшоғы Султон Увайсларнинг марказий ҳукуматтағ қарши құзғолонини бостириш билан банд бұлды. Құзғолончилар билан кураптуч ой давом этди ва ниҳоят, катта қурбонлар әвазига Фарах, Үқ, Лопи ва Зарах шаҳарлари әгалланған. Сеистонда тұла осойишталық үрнатылғандай кейин Шоҳруҳ шағын ойиннинг сұнгги куни (1409 йил 17 январ) яна Ҳиротта қайтиб келди.

Ҳалил Султонға қарши юриш 811 йил зулқаъда ойиннинг бешинчи куни (1409 йил 22 март) да бошланған. Шоҳруҳ Ҳиротда Иброҳим Султон билан амир Жалолиддин Фирузшоғни қолдириб, үзи Бодхиз сары жұнаб кетди. Жаннат мақон бу мансизлда у бир ой чамаси турди, құшин түпласпаш ва бұлажак юриш билан боглиқ бұлған ишлар билан машгул бұлды. Ұша күплари Тусдан Улугбек ҳам чақыртирилди ва Шоҳруҳ уни Мовароунахрга бирға олиб кетди. Шу вақтдан бошлаб Мирзо Улугбекнинг ҳаёти Мовароунахр билан боглиқ бұлды.

Хоқони сайд Бодхизда турған кезлари уннинг Самарқандга юборған айгоқчилари икки мұхым хабар олиб келдилар. Хабарларнинг биридан маълум бұлишича, Ҳалил Султон давлат юмушлари билан кам машғул бўлиб, күп вақтни Зубайдай сөнни Шодимулк оға билан ўтказармиш, суйгилиснинг амри-фармонидан чиқмас-

миш, ҳатто унинг маслаҳати билан Бобо Турмуш деган наслу насаби бетайин бир кимсани вазири аъзамлик қурсисига ўтқизганмиш, қун вақтлардан бери султоннинг қиличини чопган амир Оллоҳдод, Худайдод Ҳусайнинй, Самарқанд дарвозалари қалидини унга олиб бориб топширган амир Аргуншоҳ сингари муътабар зотлар энди кам эътибор бўлиб қолиниганмиш. Ҷаҳнатлиси шулким, Ҳалил Султон ўша Шодимулкунинг қистови билан Темурнинг катта хотинлари Сароймулк хоним билан Тўқал хонимини мажбуран эрга бериб юборганимиш, хазинада бўлса бир чақа ҳам оқча қолмаганимиш. Кейинча бу гаплар шунчаки «миниши» эмас, балки аччиқ ҳақиқатлиги тўғри бўлиб чиқди. Ҳалил Султон ҳақиқатан ҳам мамлакатни жар ёқасига олиб бориб қўйган экан. Ҳазинанинг бўм-бўш бўлиб қолганлиги ҳам тўғри чиқди. Давлатшоҳ Самарқандийнинг ўша замонларда ёзилган «Тазкират уш-шуаро» деган китобида мана бу қизиқ ҳикоятни ўқиймиш: «Шоҳруҳ султон Самарқанд таҳтига ўлтиргондин кейин Амир Темурнинг шаҳар арқида, Кўксаройда яширинғон ҳазина-сига дохил бўлдилар. Аблаҳлар димоги ақлдин, жоҳиллар қалби билимдин ҳоли бўлғондек (Шоҳруҳ мирзо ҳам) ўшал ҳазинани ғанждин ҳоли тонди. Тасодифан Мирзо асоси-нинг учи (тупроқ бирлан қорилиб ётган) бир дирҳамга бориб тегди. Уни олиб артиб тоза қилуб хамёнига солди, сўнг хамроҳларига ўгирилиб дедилар: «Биз ушбу дирҳам ҳақи отамиздин қолғон ҳазина ва меросдин баҳраманд бўлдик». Зулқаъда ойининг 21-да (1409 йил 8 апрел) Бодхизга Самарқанддан яна бир даҳшатомуз хабар келди. Маълум бўлишича, Самарқанд ёнида амир Худайдод Ҳусайнинй билан Ҳалил Султон орасида уруш бўлган ва Султон енгилиб, Худайдод Ҳусайнининг қўлига асир тушиб қолган.

— Зўравонлиғ, эл-юртни ўз ҳолиға ташлаб қўюш, раият ва черикни ўзидан йироқлаштириб қўйишнинг жазоси шу!

Шоҳруҳнинг аччиқ, лекин тўғри гапларини шу пайт унинг чодирида ўлтирган Улугбек билан Шоҳмалик ҳам бош иргаб тасдиқладилар. Раият ва черикдан ташқари, кейинги вақтда мусулмон руҳонийларининг кўпчилиги, ҳатто Нақшбандия тариқатининг кўзга кулинган намояндаларидан хожа Муҳаммад Порсо ва Мир Абдулаввал сингари ўша даврнинг олий мартабали зотлари ҳам айшу ишратга тамом муққасидан кетган Ҳалил Султонни ёқтиримай қўйган эдилар. Ҳалил Султон билан аразлашиб қолиб Мўгулистон тарафларга кетиб қолган амир Худайдод

Хусайнин бундан усталик билан фойдаланиб қолди. У Сайхун теварагида жойлашган Ўратена ва Шоҳруҳия қалъаларини осонгина қўлга киритиб олди. Сўнг суръат билан Самарқандга қараб юрди. Шаҳарнинг шарқий-шимолий тарафида, Кўҳак сойининг буйида жойлашган Шероз шаҳарчаси атрофида ҳар иккала тараф бир-бiriининг ёқасидан олди, лекин урупда амир Худайдод Ҳусайнининг қули баланд келди. Ҳалил Султоннинг қўшини енгилиб, Султоннинг ўзи асир олиниди. Шу тариқа Самарқанд амир Худайдоднинг қўлига ўтиб қолди. Бу воқеа .811 йил зулқаъда ойининг 13-куни (1409 йил 30 март) содир бўлди.

Шоҳруҳ амирлар ва олий ўрдунинг барча муътабар одамларини йигиб кентгаш ўтказди, сўнг сафар тайёргарлигини жадаллаштириб зулҳижжа ойининг 6-куни (1409 йил 22 апрел) Бодхизга тўпланган мўру-малаҳ каби кўп аскар билан Жайхун қирғогига келиб туниди. Қўшинни дарёдан утказиш вақтида Худайдод Ҳусайнининг элчиси келиб қолди. Амир Худайдод Ҳусайний йўллаган мактубда Шоҳруҳ мана бу жумлаларни ҳам ўқиди: «Башарти хоқони саид Самарқандни амирзода Муҳаммад Жаҳонгирнинг илгига тобшуришга рози-ризолик берсалар, биз бетўхтов амирзода Ҳалил Султон баҳодир бирлан анинг (суюкли) хотини Шодимулкни аълоҳазратнинг олий ўрдусига олиб боруб тобшуришга сўз берурмиз». Маккор Худайдод узоқни кўзлаб шу ишга қўл урди. Мирзо Муҳаммад Жаҳонгир ҳали балогатга етмаган — эди ўн икки ёшга кирган эди. Шундай бўлгач, ўша замоннинг таомилига кура, бунақа пайтда ҳукумат ишилари унинг оталиги қўлида, яъни ўша Худайдоднинг қўлида бўларди-да! Шоҳруҳ амир Худайдоднинг элчисига ҳуширўйлик кўрсатмади. Охири «айнан уибу дамда бу хусусда бирон не нарса деб бўлмайдур, Самарқандга борайлик, сўнг не раво бўлса шуни қилурмиз», деб қўя қолди. Элчига эса қайтишга ижозат бермади, уни олий ўрдуда тутиб қолди. Зулҳижжанинг 8-да (1409 йил 25 апрел) Шоҳруҳ Жайхундан ўтиб Самарқанд сари юзланди. Ҷарёнинг ўиг соҳилида илгари Хисори шодмон тарафига юборилган мирзо Мирак Аҳмад олий ўрдуга келиб қўшилди.

Қўхитангга етганларида Шоҳруҳ ҳузурига Худайдод Ҳусайнининг яна бир элчиси Абдуллаҳожа келди. Элчи подшоҳга Шодимулк бегимни, канизаклари ва хизматчилари билан қўшиб олиб келиб топширди. Шоҳруҳ бу сафар ҳам амир Худайдоднинг Мовароунаҳри Муҳаммад Жаҳонгирга хат қилиб бериш ҳақидаги талабини рад қилди.

Худайдод Ҳусайнин барибир Самарқандни қўлда тутиб қоломади. Шоҳруҳ ва Үлугбек Ҳузорга келганларида унинг шаҳарни ташлаб Андижон тарафга қочганлиги, Ҳалил Султонни эса ўзи билан бирга олиб кетганлиги ҳақида ҳабар топдилар. Шоҳруҳ амир Саид Али тархон ва Алоуддин Алайка кўкалтош бошлиқ илғор қисмларни Самарқандга отлантириб, бир-икки кундан кейин ўзи ҳам Ҳузордан кўчди. Работи ёмда Шоҳруҳ билан Үлугбекни Самарқанднинг казо-казолари катта совға-салом билан кутиб олишди. Булар орасида амир Оллоҳдод, Аргунишоҳ ва Мир Абдулаввал ҳам бор эдилар. Амир Аргунишоҳ кутиб оловчилик тудасидан ажралиб олдинга чиқди ва отдан тушиб турган подшоҳ билан шаҳзоданинг олдига қараб юрди. Унинг қулида тепасига қирмизий кимхоб дастурхон ташланган синар, устида эса шаҳар дарвозаларининг калиди. Аргунишоҳ ота-бала олдига сал ҳадик олиброй бораради, қўл-оёғини эса титроқ босиб келаётган эди. Ўзини тутишга қанчалик ҳаракат қиласин, барибир, бўлмади. Қоқилиб йиқилишига бир баҳя қолди. У икки букилиб таъзим қилиб синарни подшоҳга тутди. Шоҳруҳ уни олиб орқасида турган амир Ҳасан Жондорга узатди. Аргунишоҳ тиз чўкиб подноҳнинг этакларини юзига суртмоқчи бўлганди, Шоҳруҳ унинг қулидан пешини шартта тортиб олди. Аргунишоҳ ўрнидан турди ва подшоҳга яна бир марта таъзим қилди. Шу пайт мулозим яна бир сипар тўла олтинни келтириб Аргунишоҳнинг қўлига тутқазди. Аргунишоҳ уни Мирзо Үлугбекнинг бошидан сочмоқчи бўлди, лекин Мирзо ўзини олиб қочди. Олтинлар унинг оёқ остига тўклиди. Аргунишоҳ бўшаган синари мулозимга узатиб Мирзоининг оёғига йиқилди, Мирзо ҳам отасига ўхшаб ундан оёқларини олиб қочди. Қанақасига унга илтифот қиласин, бундан тўрт йил муқаддам уни шаҳарга киритмасдан сарсон-саргардон қилган шу иккюзламачи эмасмиди? Энди эса оёқларини ўпинига тайёр. Қандай мунофиқлик бу! Бунақаларни нега еру-замин ютиб юбормай, аксинча кўтариб туради. Шоҳруҳ ўғлини синчиклаб кузатиб турган экан, унинг хаёлидан кечган фикрни уқиб олди, уни юнатиб деди:

— Хафа бўлмангиз мирзом, бунақа иккюзламачи маҳлуқлар аввалги замонларда ҳам бўлғон, ҳозир ҳам бор, келгусида ҳам бўлгай албат, чунки дунё аслида шундог яратилго...

Тафтишу-текширишлардан сўнг амир Оллоҳдод, Аргунишоҳ ва Шодимулкунинг вазири атъзами Бобо Турмуши катл этилдилар.

Шу тариқа Шоҳруҳ мирзо Самарқандда ҳам ўз ҳокими-
ятини ўрнатди.

Худайдод Ҳусайнин ўшанда Ҳалил Султонни Анди-
жонга олиб қочди ва ўғли амир Абдухолиқнинг қўлига
топшириб, ўзи кўмак сўраб Муҳаммадхон (1408–
1416) нинг олдига Мўгулистонга борди. Муҳаммадхоннинг
Амир Темур вафотидан кейин бўлган воқеалардан хабари
бор эди. Боз устига Худайдод Ҳусайнини ҳам яхни
биларди. Шундай бўлса ҳам бошда ўзини ҳеч нимани
бilmaganга солди, амир Худайдодни ҳурмат-эҳтиром билан
қарини олди. Ўнта бия ва йигирма бош кўй сўйиб зиёфат
қилди, кечаси эса, ҳамма уйқуга кетгандан кейин, ясовул
Худайдод Ҳусайнин ётган хонага бостириб кириб, уни
тигдан ўтказди. Муҳаммадхон амир Худайдод Ҳусайнин-
нинг бошини элчи билан Шоҳруҳга юборди.

Шоҳруҳ Самарқанд олингандан кейин, кўп вақт ўтмай,
амир Худайдод Ҳусайнининг гумашталарини бартараф
қилиш ва Ҳалил Султонни тутиш мақсадида Сайхун
бўйларига қараб қўшин тортди. Мирзо Улугбек эса
Самарқандни бошқариш учун қолдирилди. Йўлда қўшин
уч қисмга бўлинди: амирзода Рустам, амир Али тархон,
Шоҳмалик ҳамда Нуширвон барлос илғор қисм билан
Шоҳруҳияга, амирзода Аҳмад биродари мирзо Бойқаро
ҳамда амирлардан Султониоҳ барлос ва Ҳасан Сўфи
тархон бир қисм қўшин билан Тошкентга жўнатилди.
Шоҳруҳнинг ўзи ёзинг иссиқ кунларини Ӯратепанинг
Шахристонида ўтказадиган бўлди.

Лекин иш урушгача бориб етмади. Ҳалил Султон
Худайдод Ҳусайнин ўлдирилгандан кейин банддан халос
бўлди ва Ҳўжандининг Аъло деган кичик бир қалъасига
қочиб келиб яширинди. Қўп ўтмай, Ўтрорга қочиб борди,
лекин у ерда ҳам атрофига одам тўплолмади. Охири Узун
Отани лашкаргоҳ қилиб турган Шоҳруҳ ҳузурига тавба-
тазарруъ билан келди...

Ўша йили, шаърон ойи (1409 йил декабр) да Шоҳруҳ
Ҳалил Султонни ўзи билан бирга Ҳиротга олиб кетди ва
бир-икки кундан кейин уни Рай вилоятига ҳоким қилиб
жўнатди. Лекин уни ўша ерда ҳам тинч қўймади. Зулқаъда
ойининг 7-куни (1410 йил 14 март) Райга Шоҳруҳнинг
чопари борди. Чопар Ҳалил Султонга подшоҳнинг
фармонини топшириди. «Шаҳзодай олий нажоднинг
равшан райларига маълум ва равшан бўлсунким, айни
замонда Қора Юсуфнинг фитнаю-фасоди туфайли Ироқ ва
Озарбайжонда раиит аҳволи оғирлашиди. Фитначиларнинг
золим илгини мусулмонларнинг пок этакларидин юлиб

ташлап айни савоб кўринадур. Таңгри таолонинг иродаси бирлан бу ишни Сизнинг иқтидорлиқ илгингизга тобни-рурмиз. Ҳумоюн фармонни олишингиз бирлан черик ва ланикарни тўнлаб зафар тугини баланд кўтаришга ўшал коғирни орадин кўтариб ташлаб, элу-юртга эмну-омонлиқ баҳшида этинг», — дейилган эди ўша фармонда. Фармонда Ҳалил Султон тўнлаши зарур бўлган кўнининг умумий миқдори ҳам аниқ кўрсатилганди — у 10.000 кишидан кам бўлмаслиги зарур эди. Ҳалил Султон подшохнинг амр-фармонини бажардими-йўқми бу ҳақда бизга маълум бўлган тарихий китобларда бир пима дейилмаган. Абдураззоқ Самарқандий ва Фасиҳ Аҳмад Ҳавофий Ҳалил Султоннинг 814 йил ражаб ойининг 18-куни (1411 йил 6 ноябр куни) Райда вафот топганини хабар қиласидилар...

Шоҳруҳ Ҳиротга қайтиш олдидан мирзо Улугбекни Мовароунинаҳр билан Туркистоңга ҳоким этиб тайинлади, лекин улуснинг тамом илон-иҳтиёрини шаҳзода балогатга еткунга қадар «улуг иүён Муборизуддин Шоҳмаликнинг иқтидорли илғига» тошириди. Ўшанда Хисори шодмон вилояти мирзо Муҳаммад Жаҳонгирга инъом этилди. Балх билан Бадахшон вилоятларига Иброҳим Султон, Қобул ва Қаңдаҳорга мирзо Қайду, Фарғонага Умаршайхнинг ўғли мирзо Амирак Аҳмад ҳоким этиб тайинландилар. Шоҳруҳ кейинча мамлакатнинг бошقا қисмларини ҳам ўғил ва неваралари ҳамда қариндошлирига улус қилиб бўлиб берди. Хуросоннинг бир қисмини, Хабушон, Нисо, Абивард вилоятлари билан қўниб Бойсунгур мирзога, Эроннинг гарбий ўлкалари ҳамда Ироқи Ажамнинг бир қисмини Султон Муҳаммадга, Форс вилоятини Абдулла мирзога суюргол тариқида инъом қилди. Шу йўл билан мамлакатни бошқариш енгил булади, деб уйлади у.

Иккинчи боб

ТАХТ ҲАВАСИ ВА ИЛМ ЗИЁСИ

Мирзо Улугбек қарийб қирқ йил (1409—1449) Мовароунахрда подшоҳлик қилди. Аммо, тўғрисини айтганда, у шунчаки ионб эди, холос. Қарийб уч йил, у ҳали балогатга етмагани учун, мамлакат жилови амир Шоҳмаликнинг қулида бўлди. 1411 йили, ниҳоят, Шоҳруҳ Шоҳмаликни Мовароунахрдан чақириб олди ва шу вақтдан бошлаб элортнинг ионн-ихтиёри Улугбек Мирзонинг қўлига ўтди. Лекин, барибир, унинг ҳақ-ҳуқуқи кўп жиҳатдан чеклаб қўйилганди.

Шундай бўлса-да, Шоҳруҳ унинг шаҳар қурилиши билан боғлиқ фаолиятига ва илмий изланишларига арадашмади. Бу ишларни унинг ихтиёрига қўйди. Хорижий мамлакатлар билан бўладиган борди-келди, улус ҳокимлари билан бўладиган ишларни Шоҳруҳ ўз қулида сақлаб қолди. Улугбек Мовароунахрнинг ички ва ташки сиёсати билан боғлиқ бўлган барча ишларни отаси билан келишмай, унинг рози-ризолигисиз қилолмасди, акс ҳолда бунинг оқибати яхши бўлмасди. Шунинг учун самарқандликлар ҳам, ҳиротликлар ҳам Улугбекни Шоҳруҳнинг Мовароунахрдаги сояси деб аташарди. Ҳа, бу ҳақиқат, аччиқ ҳақиқат эди. Улугбек том маъноси билан шунчаки соя эди, холос. Тўғри, Шоҳмалик Ҳиротга чақириб олингандан кейин унинг қўли бир оз узайгандай бўлди. Лекин Самарқанд саройида унинг бутун фаолиятини кузатиб юрувчилар, балким босган ҳар бир қадамини ўлчаб юрувчилар бор эди. Улар Шоҳруҳ ва унинг нуфузли хотини Гавҳаршод бегимнинг одамлари эдилар. Қолаверса, Улугбек вақти-вақти билан Ҳиротга бориб отасига ҳисоб беришга, хирожнинг бир қисмини унинг хазинасига жўнатиб туришга, Шоҳруҳ Ироқ ёки Озарбайжонга, Фур, ё бўлмаса Сеистонга ҳарбий юриши қилган пайтларда унга Мовароунахрдан маълум миқдорда аскар, от-улов, озиқовқат ва қурол-аслаҳа юборишга мажбур эди.

Яна бир мұхым ган. Улугбек гарчанд 812 йилнинг жумоди ал-охир ойи (1409 йилнинг октябр ойи) да тамом Мовароунахр ва Туркистонға ҳоким деб әтълон қилинган бұлса ҳам, бопда унинг ҳокимиюти фақат Самарқанд, Бухоро ва Насаф вилоятлари билангина чекланди. Фарғонани, то Ўзғангача Амирак Аҳмадга, Хисори шодмони мирзо Мұхаммад Жаҳонгирга беріб, Улугбекни Шоҳруҳнинг ўзи чеклаб қўйди. Туркистон бұлса ҳамон Шайх Нуриддин ва унинг тарафдорлари қўлида эди. Улар уша йиллари Улугбек у ёқда турсии, Шоҳруҳни ҳам тан олмасидилар.

Бунинг устига мамлакат ҳали потинч эди. Бунга асосий сабабчи Шайх Нуриддин бўлди. У Туркистон билан ҳам қаноатланмади. Шайх Нуриддин Хисори шодмон ҳокими мирзо Мұхаммад Жаҳонгир, марҳум Ҳудайдод Ҳусайнининг ўғли, Йиги ва Сайрам вилоятларининг ҳокими амир Абдулхолик ҳамда Оқ урдалик хонзодалардан Чингиз ўғлон билан иттифоқ тузиб Темурийларга қарши исён кўтарди. Улугбекка қарши Абдулхолик ва Чингиз ўғлон Ўтрордан, мирзо Мұхаммад Жаҳонгирнинг амирлари Ҳамза билан Мубашшир Хисори шодмондан бир вақтнинг узида — 812 йил зулҳижжа ойининг ўрталари (1410 йил 20 апрел) да Самарқандга қараб от сурдилар. Зулҳижжанинг 15-куни (1410 йил 21 апрел) Самарқанднинг гарбий томонида жойлашган Қизил работ мавзеида ҳар икки ўртада қаттиқ уруп бўлди. Жангда Шайх Нуриддин ва иттифоқчиларининг қули баланд келди. Мирзо Улугбек билан амир Шоҳмаликнинг қүшини маглубиятга учради. Улугбек Жайҳун тарафга, Калиф кечувига қараб қочди, Шоҳмалик бўлса аввал Қоратепага қочиб борди, лекин у ерда ҳам туролмай, Самарқанднинг кун чиқин тарафидаги Олақарог тоглари орасига бориб яширинди. Шайх Нуриддин амир Шайх Ҳасанин сараланған отлиқ қисем билан Улугбекнинг кетидан юборди. Тоғай Бугони Бухорога жўнатди, ўзи, Чингиз ўғлон билан бирга, Самарқанд устига отланди. Улар шаҳар дарвозаларининг калиди чунтакда деб фараз қилдилар, шунинг учун ҳам тўла умид ва ишонч билан Шайхзода дарвозаси олдига бордилар. Лекин бирон зот уларни қутлаб шаҳардан чиқмади. Шайхзода дарвозасигина эмас, балки шаҳарнинг бошқа дарвозалари ҳам маҳкам қилиб ичидан беркитиб олинигган эди. Шайх Нуриддин ва Чингиз ўғлон Феруза, Оҳанин, Чорроҳа дарвозаларига ҳам боришиди. Лекин улар ҳам берк, ичидан маҳкам қилиб тамбаланған. Ҳуш, нима қилиш керак? Қамал жанглари олиб боришга аскар

етмайды, қайтиб кетиш шармандалик. Бунинг устига Чингиз ўглонга нима дейди? Ахир у катта улжы илинжида келган эди-ку бу ерларга. Шаҳар олинимагандан кейин мұмай ўлжаның қаердан олиб беради. Ўша вайтларда амалда бұлған тартиб-қоидага күра, истило қилингандың шаҳар лашкарға уч күнің шундағы ишонтирган эди. Хүш, әнді нима қилади? Шайх Нуриддин Чингиз ўглонниң шундағы ишонтирган эди. Хүш, әнді нима қилади? Шайх Нуриддиннинг бопиң қотди. Охири Чингиз ўглонга маслағат солди.

— Жаңоби олийлари, агар маъқул күрсанғыз бу ерда бир тадбир ишлатсак.

— Қаңдоқ әркап сизнинг бу сафарға тадбириңгиз, жаңоби амир?

Чингиз ўглон шиддат билан Шайх Нуриддиннеге қараб үкрайди.

— Шаҳар акобирлари бирлан музокара очсоқ, балким алар шаҳарни урушсиз тобшуришға рози бұлурмиканлар?

— Ихтиёриңгиз.

Чингиз ўглон Шайх Нуриддиннеге құл силтади.

Шу тариқа Феруза, Оҳанин, Гозиристон, Чорраха дарвозалари қаршиисида аскар қолдириб, Шайх Нуриддин билан Чингиз ўглон Конигилға бориб, Дилқүшө боги ўртасидаги мұхташам қасрға ўринлаштылар, шаҳарға эса әлчи юбордилар. Лекин, баҳтга қарши әлчи ноумид қайтди. Шаҳар мудофаасини ўз құлиға олған шайхулислом хожа Камолиддин Абдулаввал бөшлиқ рұхонийлар ва зиёлилар: хожа Исомиддин, мавлоно Салоҳиддин қози, мавлоно Қутбиддин, Мирак донишманд, хожа Фазлуллоҳ Абуллай-сий ва бошқалар Шайх Нуриддиннинг талабларини рад қылдилар. Чингиз ўглоннинг қистови билан Шайх Нуриддиннинг ўзи бир неча бор Шайхзода дарвозаси қаршиисига бориб Мир Абдулаввал билан музокара олиб борди, лекин бунинг ҳам фойдаси бўлмади.

Шундай бўлса да, Самарқанд таслим бўлмагани билан Термиз ва Калифдан ташқари ҳамма ерлар Шайх Нуриддин ва унинг иттифоқчилари құлиға ўтиб қолган эди.

Самарқанд остонасида содир бўлган воқеа ва Моваро-униваҳрнинг оғир аҳволи ҳақида хүнук хабар Ҳиротга ўн беш кундан кейин, зулхижжа ойининг сұнгги куни (1410 йил 5 май) етиб борди. Шоҳруҳ шошилипч равишда Термиз билан Калифга амирлардан Музроб, Таваккал барлос, Ёдгоршоҳ орлот ва бошқалар құл остида ёрдамчи күч юборди. Шоҳруҳнинг ўзи бошда Ҳиротда қолди, чупки у ўша кунлари Ироқ ва Озарбайжонга, амир Қора Юсуфга

қарши юриш тараддуудида эди. Чуқур үйлаб ва мuloҳаза қилиб кўриб бу ишни энди орқага сурди ва Мовароуннахрга жўнаш ҳозирлигига тутинди.

Шайх Нуриддин Чингиз углон, амир Абдулкарим ҳамда Султон Боязид бошлилигига Термиз билан Калиф устига, Улугбекка қарши қўшин юборди. Лекин амир Музроб Термизни, Улугбек эса Калифни мустаҳкамлаб олинга улгуришган экан. Чингиз углон ва Шайх Нуриддиннинг амирлари бу қалъаларни қаттиқ қамал остига олдилар, ҳар куни бир неча бор унинг устига чигирткадек ёнирилиб бордилар, лекин қалъани ололмадилар, ҳар сафар катта талафот кўриб, чекинишга мажбур бўлдилар. Шунга қарамай, қамал жангларини давом эттиравердилар.

Шоҳруҳ 813 йилнинг 4 муҳаррамида (1410 йил 9 май) Ҳиротдан чиқди ва Жайхун соҳилларига қараб йўл олди. Лекин унинг қўшини шоҳилмай, секишлик билан ҳаракат қилди ва фақат сафар ойининг 17 (1410 йил 21 июн) да қарийб бир ярим ойдан кейин, Калифга келиб тушибди ва дарёнинг ўнг соҳилига кечиб ўтди. Шайх Нуриддиннинг шу ерда турган аскари урушга ботинолмади ва тартибсизлик билан чекина бошилади. Шоҳруҳ Улугбек билан амир Музробни Мовароуннахр халқини Шайх Нуриддинга қарши курашга отлантириш учун Кеш билан Насаф тарафларига жўнатди.

Жайхун бўйида Мирак Аҳмад ва Шоҳмалик ҳам Шоҳруҳнинг олий ўрдусига келиб қўшилдилар. Шоҳмаликининг ўн-үн беш павкаридан бопиқа ҳеч кими йўқ, Мирак Аҳмад бўлса бундан бир ой муқаддам унга Андижон ва Ахсининг тамом аскарини йигиб келиш буюрилганига қарамасдан, тамом Фарғонадан атиги беш юз аскар олиб келиби, холос.

Шайх Нуриддин ва унинг иттифоқчилари билан Шоҳруҳ ўртасида раби ул-аввал ойининг тўққизинчиси (1410 йил 12 июл) да юқорида тилга олинган Қизил работ ёнида қаттиқ уруш бўлди. Урушда Шайх Нуриддин билан мирзо Муҳаммад Жаҳонгир маглуб бўлдилар. Шайх Нуриддин қолган қутган одами билан Сабронга, амир Ҳамза билан амир Мубашиир бўлса қурол-яроги ва кўч-кўронини ташлаб Хисори шодмонга қараб қочдилар.

Орадан икки кун ўтгач, 14 июл куни Шоҳруҳ Самарқандга кирди, лекин бу сафар кўнга қололмади. 30 июл куни шитоб билан Самарқанддан жўнаб кетди. Бунга Форсда юз берган воқеалар сабаб бўлди — Умаршайх мирзонинг ўгиллари мирзо Рустам билан ми

Искандар Исфахон билан Шерозни талашиб ўзаро урун бошлаган әдилар.

Шоҳруҳ Самарқанддан жұнаб кетин олдидаи амир Шоҳмаликни Сабронга, амир Шайх Нуриддинга қарни, амир Музробни эса Хисори шодмон устига, миран Мұхаммад Ісақонғир ва Ҳамза сүлдүзгә қарни юборди.

Миран Мұхаммад Ісақонғир амир Музроб билан урушмади ва бундан бүйі подшоҳнинг амру-фармонидан чиқмасликка ахд қылды. Бу сафар у сўзининг устидан чиқди ва Шоҳруҳ номидан Хисори шодмонни идора қылды. Аммо Шайх Нуриддин билан куран осон бўлмади, у узоқ вақтга чўзилди.

Шайх Нуриддинга қарни юрин 813 йил рамазон ойининг 13 куни (1411 йил 10 январ) бошланди. Самарқанд қўшинининг маңглайига амирлардан Мусо ака билан Ҳамза тархон тайинландилар. Шайх Нуриддин бўлса Шоҳмаликнинг қўшини Саброн остонасида иайдо бўлмасдан туриб, қалъани ташлаб Мўгулистон тарафларга қочиб кетди. Лекин Шоҳмалик нима сабабданdir рақибини таъзиб остига олмади, бунинг устига Саброн билан Ясенини Амир Абдулхолиқга топшириб, ўзи Самарқандга қайтиб кетди. Қайтиш олдидаи у Абдулхолиқга буюрди:

«Лашкаримиз Саброндин қойтгач, Шайх Нуриддин ҳар қалай ўзини эркин сезуб Сабронга қойтиб келгай. Сен ареанг ўзуинги шистирмага ол, Шундай қилинса ани қўлга тушуруни онсон бўлгай. Худо сенга ёр бўлсун!»

Абдулхолиқ Шоҳмалик айтгандаи қылды. Шайх Нуриддин ҳақиқатан ҳам бир куни туда Саброн атрофида иайдо бўлди, лекин шистирмага дуч келиб қўшинидан ажралди, ўзи эса ўттиз чөглиқ йигити билан зўрга қочиб қутулди. У яна Мўгулистон тарафга қараб қочди. Тарихчи Абдураззоқ Самарқандий амир Абдулхолиқ бу ерда шиллатган бир сиёсатнинг сирини очиб берган. У бундай дейди: «Амир Абдулхолиқ ўшанда Шайх Нуриддинни тутуб олини ҳам мумкин эрди, лекин «мен они бартараф қилигундай бўлсам, амир Шоҳмалик (кейинча) менин ҳам бу ерда тинч қолдирмае», деган андишага борди».

Орадан ўн етти кун ўтга, амир Абдулхолиқ қандайдир оғир бир дардга ҷалиниб тўсатдан вафот тоиди. Улугбек унинг ўрнига амир Ҷулдойнинг ўтии Темир Маликни Туркистонга ҳоким этиб тайин қылади. Шайх Нуриддин амир Ҷулдой эл-юртда ўз мавзенини мустаҳкамлаб олмасдан туриб Сабронни қулга киритиб олининга ҳаракат қылди. Шумаксадда у Мўгулистон хони Мұхаммадхон (1408—1416) ҳузурига борди ва уидан ёрдам суради. Шайх

Нуриддин билан айни бир вақтда Мұхаммадхоннинг хузурига Улугбек билан амир Шоҳмаликнинг элчиси ҳам келган әдилар. Мұхаммадхон Шайх Нуриддиннинг илтимосини инобатга олди, Улугбек билан Шоҳмаликнинг элчисини әса зинданбанд қилди. Сүнг ўғли Шамъи Жаҳонни ўн беш минг отлиқ аскар билан Шайх Нуриддинга қушди. Шайх Нуриддин билан Шамъи Жаҳон Сайрамни қамал қилдилар, уларнинг илгор қисмлари эса Ўтрорнинг Қорасамон қинилогигача бориб етдилар. Қўнгурнинг кетидан қўшин билан Мұхаммадхоннинг ўзи ҳам Туркистонга бостириб кирди.

Шу тариқа Мовароунинар билан Туркистон осмонида яна қора булут қуюқлаша бошлади. Улугбек Ҳиротга чонар юбориб, бўлган воқеадан отасини хабардор қилди, Шоҳмаликни бўлса Самарқанддаги бор қўшин билан Туркистонга отлантириди.

Мовароунинар ва Туркистондаги потинчлик сабабидан Шоҳруҳ бошқа ишларини йигиштириб қўйишга мажбур бўлди ва 814 йил раби ул-аввал ойининг сўнгги куни (1411 йил 22 июл) катта қўшин билан Ҳиротдан чиқди ва Мургоб дарёсининг бўйига келиб чодир тикди. Отларга бир оз дам берилгандан кейин у ердан кўчиб Чечактуга келди. Лекин шу ерда қўшинни ҳаракатдан тўхтатди, чунки юришин давом эттиришга эҳтиёж қолмаганди — Улугбекнинг чопари келиб «Мұхаммадхон Шоҳмалик бирлан битим тузиб, Қулоношибидин қойтиб кетибдур», деган хабар олиб келган эди. Мазкур битим ҳақида мўътабар китобларда эътиборга молик маълумотлар бор. Масалан, Абдураззоқ Самарқандийнинг китобида мана буларни ўқиймиз: «Мұхаммадхон аркои давлат бирлан кенгаш қилди. Қўнгурнинг куриб, тажриба орттиргон кишилар «биз Шайх Нуриддинни деб кучли бир қавм ва шавкатли бир гуруҳ бирлан ёвлашувимизга не ҳожат бўлгай? Урушнинг нима бирлан тамом бўлиши эрса маълум эрмас», деб туриб олдилар. Амирларни йўлга солининг иложи бўлмагач, Мұхаммадхон Ҳофиз исмли элчисини амир Шоҳмаликнинг хузурига юборди ва мана бу гапларни айтишини тайинлади: «Аввалда орамизда бирон-бир адоват бўлмағон, юз бергон низо эрса гаразгўйларнинг рагбати бирлан воқеъ бўлди. Буёгига дўст бўлмогимиз маъқул кўринадур. Агар Шайх Нуриддин бирлан ораларингизда бирон низо чиққундай бўлса, Шайх Нуриддинни эмди асло ҳимоя қилмайдурмиз».

Шунга қарамай, Шайх Нуриддин курашни давом эттираверди ва ҳатто, хийла ва тадбир ишилатиб, беш юз отлиқ аскари билан Саброн қалъасига кириб ҳам олди. Улуғбек унга қарни катта кўнин билан яна амир Шоҳмаликни жўнатди. Улуғбекнинг қўшини Сайхун устига кўпприк солаётганида Шайх Нуриддиннинг элчиси Рамазон ўзбек келиб сулҳ хусусида сўз очди:

— Амир жаноблари ортиқча қон түкилмаслигини истайдурлар ва сулҳ тузиб, дўстлик ила итифоқлик риштасини узилгон жойидин боглашни таклиф этадурлар.

Рамазон ўзбек Шоҳмаликка Шайх Нуриддиннинг мактубини узатди. Шоҳмалик мактубни диққат билан ўқиб чиқди, сўнг уни яна ўраб ёнида турган лашкариависга берди. Рамазон ўзбек кўл қовуштирганча жавоб кутиб турарди. Шоҳмалик буладиган гапни айтиб қўя қолди:

— Агарчи Шайх Нуриддин чиндан ҳам сулҳни ихтиёр қилғон бўлсалар, бирламчи Тумон ого бирлан онинг ииниси Шайх Ҳасанини ҳамда ўғли Маҳмудлоҳни кечиктурмайин бизнинг илгимизга топширесун, шундан кейин ул жанобнинг сўзлари чин эканлигига ишонч ҳосил қилурмиз ва музокара хусусида сўз очурмиз.

Лекин Шайх Нуриддин ишни пайсалга солди, ана-мана деб вақт ўтказди. Оқибатда Шоҳмалик Сабронни қуршов остига олди, лекин барибир уни ололмади. Вақт утиб қамал қилувчилар ҳам қийналishiди, қамалдагиларнинг аҳволи ҳам тант бўлди. Евлашувчи томонилар яна музокара очишга мажбур бўлдилар. Бу сафар амирларнинг ўzlари, ёнига фақат икки павкар олиб, шахсан учрападиган бўлишиди.

— Бир вақтлар, хусусан сохибқирон тирик пайтларда, уларнинг ораларида қил ҳам ўтмасди-ку, ахир? Ўни нега бу қадар ит-мушук бўлиб қолишдилар?

Шоҳмалик билан Шайх Нуриддиннинг атрофидаги одамларнинг гапи шунаقا эди. Аслида Амир Темур тирик вақтида ҳам бир-бири билан мой тортишиб юришардилар. Ахир, «икки қўчқорнинг бопи бир қозонда қайнамас», деб бежиз айтишмаган-да. Мол-давлат, маина бу шухрат ҳар қандай одамии ҳам шунаقا кўйга солиб қўяркан ўзи. Лекин, улар дилдагини сездирмай юрадилар.

Сиртдан қараганда ҳар қалай Шоҳмалик билан Шайх Нуриддин инсоғга келганга ушшаб туюларди. Аслини олганда бу қандай яхши, ўзи. Лекин аҳвол сиртдан қараганда, биз ўйлагандай тарзда эди, аслида эса ўша «эски ҳаммом, эски тос» лигича қолганди. Амирлар пайт нойлапашётган эдилар, улар бири-иккинчисини маҳв қилиб юборишининг қулай йўлларини ахтаришаётган эдилар. Лекин,

Шоҳмалик устасиқ қилди. У режасини, куиглидагини Хирқадоқ иемли навкарининг қўзи билан амалга ошириди. Абдураззоқ Самарқандий воқеанинг бундан дикор қиласи: «Хирқадоқ Шоҳмаликиниң амри бирлан Шайх Нуриддинни етаклаб келини баҳонаси бирлан қалъа дарвозаси рӯбарасига борди. Шайх Нуриддин эрса дарвозанинг ташқарисида эрди. Хирқадоқга қўзи тушгач, ташқарига чиқди ва они овоз бериб ҳузурига чақирди. Хирқадоқ борди ва бир неча марта чўқ тушди (татъам қилди). Шайх Нуриддин отдин эгилуб қучоқ очди ва они багрига боемоқчи бўлди, локин маккор Хирқадоқининг қўйлари амиранинг белидан тутгоч, они бор кучи бирлан настга тортиди ва у отдин йиқилди. Шу найтиниң ўзида Хирқадоқ анинг кукрагига тиззасини қўйуб қиличини гилофдин сугурди. Шайх Нуриддинининг қалъа ташқарисида тургон икки навкари чонуб келиб Хирқадоқиң ташланди. Алардин бири Хирқадоқининг қўлига қилич урди. Хирқадоқ эрса Шайх Нуриддинни босиб тургони ҳолда, навкарининг отини қилич бирлан чунон урдики, отининг лабларини кесиб тушди. Навкарларининг отлари чўчуб аларни олуб қочди. Сўнгра Хирқадоқ Шайх Нуриддинининг юзига зарб билан қилич урди. Шайх Нуриддин қиличини тутуб олмоқчи бўлди, локин қилич онини бармоқларини ва бош косасининг ярмини, бурни бирлан қўншуб, узуб тушди. Шоҳмалик нарироқда, баландлик тенасида туруб аларни кузатиб тургон эрди. Хирқадоқ қўйларини кўтариб анга ишора қилди. У икки юзга яқин мукаммал қуролланғон отлиқ аскари бирлан чонуб қалъа дарвозасига етуб келди. Хирқадоқ ҳануз Шайх Нуриддинни босиб ўлтиргон эрди. Мадад етиб келгондин сўнг ўринидин турди ва Шайх Нуриддинининг бошини кесиб олиб хорлиқ тупрогига улоқтириди».

Шу билан, Шайх Нуриддин фитнаси ҳам таскин тоиди. Туркистон ҳам Улугбекининг ихтиёрига ўтди.

Лекин, ўша йиллари Улугбек билан Шоҳмаликиниң оралари бир қадар бузилиб қолди. Бунга оталиқининг ўта шуҳратиаастлиги ва мутакаббирлиги ҳам сабаб бўлди. Сирасини олганда Улугбек энди катта йигит бўлиб қолган, рошина-роса ўн еттига тўлганди. Амир Шоҳмалик бўлса буни исанд қилмас, шаҳзоданинг ҳақ-хуқуқлари билан мутлақо ҳисобланимас, уни давлат ишларига яқин йўлатмас эди. Шоҳмалик ҳатто Мўгулистон хони Мухаммадхон билан Шайх Нуриддин хусусида музокара олиб борган кезларда ҳам бирон марта бўлса-да, Улугбекининг номини тилга олмади, музокараларни ҳар сафар ўз номиданг олиб

борди. Гапнинг қисқаси, Шоҳмалик узини подшоҳлардай тутди. Бу аҳвол ёш ҳукмдорнинг иззат-нафсига тегди, албатта. Бу мутакаббир ва шуҳратнараст амирни Самарқанднинг катта-кичиғиги ҳам ёқтиримай қолди. Улуғбек унинг устидан отасига тез-тез шикоят билан чопар юбора бошилади. Шайх Нуриддин исёни ва Мўгулистан ҳукмдорларининг Туркистонга бостириб киргани натижасида Шоҳруҳ қўшин билан Чечактуга келиб турган вақтда ҳам Улуғбек отасининг олдига навқари Малик ясовулни юборди. Малик ясовул Мирзо Улуғбек билан Шоҳмалик ўртасида кина-кудурат ортиб кетганилигини Шоҳруҳга арз қилди. Авваллари шундай ҳолларда Шоҳруҳ насиҳатомуз гаплар билан жавоб қилиб қўя қоларди. Бу сафар бунақа йўл тутолмади, чамаси. Чунки, шикоят кўпайиб кетди, бу галгиси эса ташвишлироқ эди. Шунинг учун ҳам Шоҳруҳ ўғлининг шикоятини тафтиш қилиш учун амир Сайд Али тархонни Самарқандга жўнатди. Сайд Али тархон Самарқандда икки ҳафта турди ва «Амир Шоҳмалик Моваро-униаҳр мулкига соҳиб ихтиёр этуб тайинланғондин бери мулку миллатнинг тамом ишларини кўпчиликнинг раъйига мувофиқ тўғри фикр ва мулоҳаза бирлан низомга солғон, Мирзо Улуғбекга эрса панд-насиҳат қилиш ва давлатхоҳлиқ мақомида турадур. Аммо, кўбчиликнинг табиатига, айниқеа подшоҳларга насиҳат аччиқ ботадур, чунки алар ҳамиша тириклиқ таомини ширин ва тотлик бўлишини истайдурлар, бутун борлиқни эса ўзларидан тубан тутадурлар. Шу боисдан борди-ю, амир (Шоҳмалик) бирон иш юзасидин шаҳзоданинг раъйига хилоф иш тутгудек бўлса, ғаразгўйлар ани тартибсизлик ва мулоҳазасизлиқга йўюб, бўлғон ишни бошиқа суратда кўргузадурлар», деган хулоса чиқариб қайтди. Шоҳруҳ аҳволни мулоҳаза қилиб кўриб, бир оз хавотирга тушибди. Нима қилиш керак? Ҳақиқатан ҳам Шоҳмалик ўзига берилган ваколатни бир қадар орттириб юбораётганга ўхшайди. Бунинг устига унинг Сабронда қилған ёвузлиги подиоҳга ҳам маъқул бўлмади. Нима, Шайх Нуриддиндан қутулишнинг бошиқачароқ чораси йўқмиди? Ахир унинг, айниқса Туркистонда тарафдорлари кўп-ку! Бунинг устига Сайром билан Яниги шаҳарлари унинг ииниси Шайх Ҳасанинг қўлида-ку! Нега Шоҳмалик буни эътиборга олмади, ўйламай-нетмай бунақа иш қилиб қўйди! Энди нима қилиш керак? Нима бўлса ҳам Шайх Нуриддиннинг фарзандлари, қариндошлари ва яқинларининг ранжиган кўнглини юмшатишига тўғри келади. Бунинг эса фақат

битта чораси бор, у ҳам бўлса Шоҳмаликни Мовароунахрдаги лавозимларидан озод этиш лозим.

Хоқони сайд 1411 йилининг кузида Мовароунахрда бўлганида, ота-бона Конигилда, Боги дилкушода ёлгиз қолган кезлари Улугбек Шоҳмалик масаласини отасига кўн бор эслатди. Шоҳруҳ бу сафар ўғлини истак ва талабларига қулоқ осишга мажбур бўлди. У бу билан бир ўқ воситаси ила икки қўёни отмоқчи бўлди. Биринчидан, Улугбек билан унинг аркон давлатини тинчтади, иккинчидан эса Шайх Нуриддиннинг авлоди ва яқинларининг кунглини овлайди.

— Агар сизнинг истагингиз шул эркан, мирзом, унда Шоҳмалик исанбларини бошқа хизматга таъйин этурмиз.

— Юксак илтифотингиз учун қуллуқ, отажон, бу бирлан Мовароунахрга ҳам, Туркистонга ҳам эмиу омонлиқ багишладингиз.

Улугбек ўридан туриб отасига қуллуқ қилди.

Шоҳруҳ эшик оқони чақиритиб амр қилди:

— Ясовулбошига айт, амир Шоҳмаликни зудлик бирлан чақириб айтуб келсун!

Эшик оқо икки қўли кўксига, эгилагон ҳолда орқаси билан юриб ташқарига чиқди.

Шоҳмалик Конигилга етиб келиши билан Шоҳруҳ уни хонайи хосга таклиф қилди. Улугбек отасидан ижозат олиб ташқарига чиқди ва олма тагидаги сўрига бориб ўтириди...

Шоҳруҳ билан Шоҳмаликнинг сухбати кўнга чўзилмади. Ҳаял ўтмай Шоҳруҳ унга кетишига ижозат берди. Шоҳмалик подноҳ олдидан бир аҳволда чиқди. Раңги учган, қовоғи солиқ эди. Шоҳмалик шу қадар хафа эдикни, ҳатто Улугбекнинг олдидан ўтиб кетаётисб у билан шунчаки боп иргитиб, шунчаки сўрашди. У Улугбекдан хафа эди. Шунча қилган хизматларини билмади, она юритдан бадарга қилдираётиди.

Хоқони сайд Самарқанддан қайтишида амир Шоҳмаликни узи билан бирга Хурросонга олиб кетди. Амир Шоҳмалик икки йил чамаси Ҳиротда истиқомат қилди ва Шоҳруҳнинг хос мулозимлари қаторида саройнинг катта-кичик юмушиларини бажарди. Охири, 1413 йили Хоразмга ҳоким қилиб тайинланди ва умришиниг охиритгача (1426 йил январ) ўша улкан ўлкани идора қилди. Шоҳмаликнинг авлоди ҳам хонлар ва подшолар саройида катта-катта мансабларда турдилар. Масалан, ўғли Нурсаидбек Улугбек, ундан кейин Султон Абу Сайднинг (1451–1469) хизматида, невараси атоқли шоир Муҳаммад Солих

эса Султон Ҳусайн Бойқаро (1470 – 1506) ва Шайбонийхон (1500 – 1510) саройида хизмат қилдилар.

Шоҳруҳ Мовароунаҳрдан қайтатганида илгари Ҳалил Султон Шайх Нуриддинга никоҳдаб берган Тумон оқони ҳам ўзи билан бирга Ҳурросонга олиб кетди ва унга Жом вилоятига қарашли Қавсия булукини суюргөл қилиб берди.

Шундай қилиб, 1411 йилга келиб Сайхунинг ўғ соҳилида жойлашган шаҳарлар: Тошкент, Ясси, Саброн, Сайрам, Янига яна Темурийлар давлати таркибига қўшиб олиниди ва бу ўлкаларни идора қилиш ҳам Улугбекининг зиммасига юклатилди. Фарғона билан Хисори шодмон эса яна бирмунча вақт мустақиллигини сақлаб қолдилар. Лекин Улугбек бу ўлкаларни ҳам буйсундириш пайига тушибди. Фарғона учун қураш оғир бўлди. Бу бой ва ҳарбий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган ўлка 1409 йилдан бери Амирак Аҳмаднинг қўлида эди. Улугбек Амирак Аҳмадни бир ёқлик қилмай туриб Фарғона устидан ҳам ўз ҳукмронлигини ўрнатолмасди. Аксига олиб амирак Аҳмад Улугбекка итоат қилишдан бош тортди. Улугбек аввалда инни хамирдан қил сугургандек осонгина ҳал қилмоқчи бўлди. Шу мақсад билан Андижонга элчи юбориб, шаҳзодани «муҳим бир кенгаш» баҳонаси билан Самарқандга таклиф қилди. Лекин Амирак Аҳмад анойилардан эмасди, ҳар хил баҳоналарни рўкач қилиб чопарни қуруқ қайтариб юборди. У Улугбекининг тўсатдан қилган бу таклифидан чўчиidi, «яна бу усталик билан қўйилган тузоқ бўлмасин», деб қўрқди. Орадан бир ой ўтар-ўтмас Самарқанддан айнаш шундай таклиф билан яна элчи келди. Шундан кейин Улугбекининг асл мақсадини пайқаш қийин бўлмади. Шунинг учун ҳам Амирак Аҳмад Улугбекининг элчисига бўладиган гапни айтиб қўя қолди: «Мен Мирзо Улугбекининг мизожидан қўрқамен, шул боисдан анинг ҳузурига боролмайдурмен, локин ул жанобга давлатҳоҳ эрканимни қасам бирлан эътироф қилурмен». Улугбек яна Андижонга одам юборди. Бу сафар Самарқандининг бообрӯ ва нуфузли кишиларидаи Боязид парвоначи элчи бўлиб борди. Улугбекининг элчиси Амирак Аҳмадга Улугбекининг дўстлик ва садоқат руҳида битилган мактубини катта совга-саломлар билан қўшиб тошириди. Мактуб сўнггида мана бу иборалар бор эди: «Анинг (Боязид парвоначининг) сўзи бизнинг сўзумиздур, мирзонинг қандай шартлари бўлса инобатга олинур, сулҳга розилик билдирасалар ани аҳду паймон бирлан мустаҳкамлагаймиз». Амирак Аҳмад Боязид парвоначига «подшойи оламдин (Шоҳруҳдин)

ижозат бўлмагунча Фарғонани ташлаб кетолмайдурмиз», дебжавоб қилди. Шу тариқа Боязид парвоначанинг элчилиги ҳам натижасиз туғади.

Эйди қурол ишлатиндан ўзга чора қолмади. Улугбек 817 (1414) йили амир Муса ака, Муҳаммад Тобон ва амир Али бошчилигида катта қушин билан Фарғонага юриш қилди. Амирак Аҳмаднинг бу катта кучга бас келишга кўзи етмади, шунинг учун Андижон билан Аҳсини мустаҳкамлаб, садоқатли амирларининг қўлига топнирди, ўзи эса ўш билан Олой тарафларга қараб қочди. Шаҳзода Олой орқали Кошгарга ўтиб кетмоқчи бўлди. Ўшандай Улугбек Аҳси билан Андижонни эгаллади. Бир оз фурсатдан кейин Аҳсида Поянда бакавулни, Андижонда амир Мусо ака билан Муҳаммад Тобонни қолдириб, ўзи Самарқандга қайтди.

Орадан кўп вақт ўтмади. Амирак Аҳмад Кошгар ҳокимидан мадад олиб Фарғонани қайтариб олишга муваффақ бўлди. Ўш ёнида бўлган ҳал қилувчи урушда Амирак Аҳмад Улугбекнинг амирларини мағлубиятга учратди. Амир Мусо ака, Муҳаммад Тобон, амир Али ва бошқа баҳодирлар ўша урушда ҳалок бўлдилар.

Шоҳруҳ Фарғонада юз берган воқеалардан Исфаҳонни қамал қилиб турган иайт (1414 йил июл ойи) хабар тонди. Даҳшатомуз бу хабарни Улугбекнинг навқари Шайхуй қораunos олиб келган эди. Шоҳруҳ чопарнинг олдида бир нима демади-ю, лекин уни ташқарига кузатиб қўйғанларидан кейин ёнида турган Алайка қўкалтошга Улугбекнинг бебошлигидан шикоят қилди, Мусо ака, Муҳаммад Тобон ва Али баҳодирлек номдор амирларнинг шаҳид бўлганидан кўп ачинди. Шундан кейин чопарни чақиртириб унга қисқагина жавоб қилди:

«Ушбу дақиқаларда олийҳимматимиз олдида тургон бирдин-бир мақсад Ироқдаги юмушлардур. Ўшал ишлардин фориг бўлғонимиздин сўнгра Фарғона хусусида доруссалтанатга қойтиб борилгоч иншоолло ўйлаб кўрурмиз».

Отасининг жавобидан Улугбек ўзича хулоса чиқарди, демак ҳозирча хоқони саид унга аскар билан ёрдам беролмайди. У Ироқдаги ишлар билан банд. «Иншоолло» деганида ҳам бир ган бор -- у қачон Самарқандга келади-ю... Мирзо Улугбек шунча талофатга қарамай Амирак Аҳмадни бартараф қилиш ва Фарғонани узилкесил бўйсундириш фикридан қайтмади, лекин бу сафар ўзбошимчалик билан иш тутишдан чўчиди ва отаси билан шахсан учрашишга қарор қилди. Шу мақсад билан

у 817 йил рамазон ойининг 12-куни (1414 йил 25 ноябр) Хиротга келди. Кўн уринди, лекин Фаргона хусусида отасини кўндиrolмади, бунинг устига қайтишига ҳам рухсат ололмади. Шоҳруҳ ўғлини Ҳуробсида қарийб тўрт ой тутиб қолди. Уни «бир оз ҳовурдан тунисин», деб шундай қилди, чамаси. Зулҳижжанинг ўрталарида (1415 йил 26 феврал) ота-бала Сарахега ов маросими учун бордилар. Бу ерда ҳам Улугбек Фаргона ва Амирак Аҳмад хусусида отасига кўн бор ган очди, лекин подиоҳдан садо чиқмади. Нихоят, овдан қайтгаилари (1415 йил 12 март) дан кейин хоҳон сайд ўғлига Мовароунихаҳрга қайтишига ижозат берди, лекин Фаргона хусусида на «ҳа» ва на «йўқ» деди. Улугбек буни ўзича «сукут – аломати ризо»га йўйди.

Мирзо Улугбек Самарқандга қайтиши билан яна Фаргонага юриш ҳозирлигига тутинди. Амирак Аҳмад эса Улугбекдан чўчиб яна Конгарга қараб қочди. Улугбек катта қўнини билан унга қарши юриши бошлиди. Улугбек бу сафар адашмаган экан. Кейинги воқеалар Шоҳруҳининг бу ишларининг ҳаммасидан хабари бор эканлигини таедиқлади. Унинг 818 йил раби ул-аввал ойининг ўн олтичиеси (1415 йил 26 май) да Амирак Аҳмадга йўллаган ишончномасига бир пазар ташлайлик-а. Унда, хусусан мана буларини ўқиймиз: «Қулоқца етган гаплардин маълум бўлинича, шаҳзода бирлан фарзанди арикуманд Улугбекининг ороларида, фисқу-фасодчиларининг помақбул сўзлари оқибатида, шаҳару раиятнинг ташвишини ортиратургон помақбул воқеа содир бўлибдур. Биз уни похуш хабарни Йироқ мамлакатида турғонимизда эшитдук, бироқ масофа йироқлиги важҳидин анинг тадорикини кўролмадук, доруссалатана Хирига қойтғонимиздин сўнгра эрса эшитдукким, ул фарзанд (Амирак Аҳмад) Мўгулистон тарафларга кетиб қолган эрмишлар. Бу иш биз учун багоят маслаҳатдин йироқ ва ажиб туюлди, чунки бизнинг фарзандлар ва биродарлар хусусидаги гамхўрлигимиз ўзларига аёидур. Ота-болалик биноси мустаҳкам бўлмоги учун ул фарзанд ҳузуримизга паноҳ излаб келишига ишончимиз комил, эътиқодимиз кучлидур. Эҳтимолдин йироқ эрмасдурким, мулоғимликда юргон бир гуруҳ одамлар мазкур поўрин ҳаракатлар хоҳ ихтиёрий, хоҳ мажбурий тарзда алар тарафдин содир бўлғонлиги важҳидин ваҳимага тушуб, ул фарзанднинг (Амирак Аҳмаднинг) бизнинг ҳузуримизга келишиагига монелик қиссалар эҳтимол.

Мирзо (Амирак Аҳмад) Мажмуъ ал-аномни ишончтиргайким, биз уларнинг жарималарини афв суви бирлан ювдик... Ҳақ устига ҳақдурким, аларнинг ҳаммаларига

рахму-шафқат қилурмиз, (аларга ҳам) давлатимиз налоҳидин бошиана берурмиз...»

Иненчнома ўз таъсирини қўрсатди. Амирак Аҳмад охири Фарғонани Улугбекка ташлаб чиқди. Абдураззоқ Самарқандий 819 (1416) йилда Хурсон, Ироқ ва Мовароуниҳрда содир бўлган муҳим воқеалар баёни орасида ўша йили Амирак Аҳмаднинг Ҳиротга келганилиги, хоқон сайд эса уни Маккаю-Мадина зиёратига жўнатиб юборганилигини айтади. Ўша замонларда олий мартабали зотлардан, улардан бирон жиддий айб. содир бўлган тақдирда, қутулиш чораларидан бири шунаقا бўларди. Ул зот кўпинча ана шу муқаддас мамлакатга етиб боролмай йўлда тасодифан бирон дардга чалиниб ўлиб кетарди. Ўша замонларнинг таомили шунаقا эди.

Шундан кейин Фарғона ҳам, унга тобеъ бўлган Конигар ҳам Улугбекнинг тасарруфига ўтди. Улугбек Конигарга ҳоким қилиб нуфузли амирлардан Сиддиқ Али тақритни тайинлади. Амирак Аҳмаднинг поиби Шайх Али Тогойи эса унга Конигарни тошириб ўзи Самарқандга келди. Фасиҳ Аҳмад Ҳавофий Улугбек уни зўр ҳурмат ва эҳтиром билан қарши олгани ва иқтидорли амирлар сафидан жой кўреатганилигини айтади. Абдураззоқ Самарқандий воқеани бундай ҳикоя қиласди: «... Мирзо Амирак Аҳмад... Хурсонга жўнаб кетатуруб амир Шайх Али Тогойини поиб қилуб Конигарда қолдиртон эрди. Амир Шайх Али ўғлини Самарқандга юборди ва улуг амирнинг (Амир Темурнинг) руҳини шафиъ қилуб Мирзо Улугбекдин гуноҳларини авф этишини сўроттириди ва «Конигарга ўз одамини юборсанки, анго ушибул мамлакатни тобшуруб Самарқандга борсан», деб илтижо қиласди. Мирзо Улугбек Конигарга Сиддиқ Али тақритни жўнатди. Шайх Али Тогойи Конигарни анго тобшуруб, Самарқандга келди. Шахзода (Улугбек) уни яхши қарши олдилар».

820 (1417) йили Улугбек яна Ҳиротга борди. «Махд улё Гавҳаринод ога, Гиёсиддин мирзо Бойсунғур, мирзо Мухаммад Жаҳонгир, мирзо Мухаммад Жўқий ва бошиша шаҳзодалар, нўёнлар ва улуг амирлар,— деб ҳикоя қиласди Абдураззоқ Самарқандий,— Ҳиротдин бир печа фарсах йўлга чиқуб шаҳзодани кутуб олдилар ва иззату-икром ва улуглаш маросимларини бажо келтирдилар». Улугбек бу сафар доруссалтанат Ҳиротда қирқ кун (1417 йил 6 майдан 16 июлгача) турди. Улугбек ўшанда отасининг кўнгина давлат кениганиларида, турли-туман қабул маросимларида қатнашди. Ана шундай маросимлардан энг каттаси раби ул-аввал ойининг сўнгги куни (1417 йил 17 май) бўлди.

Ўиға куни хоқони сайд Ҳитой императори Чэн-Цзунинг (1403—1425) әлчилари Би-Бочин, Ту-Бочин, Жот-Бочин ва Татқ-Бочинларни қабул қылган эди. Әлчилар Шоҳруҳ, унинг хотинлари ва фарзандлари учун олиб келган Ҳитой императорининг жуда катта совға-саломини тошириди. Совға-саломлар (атлас, кимхоб, тарғу, чинни буюмлар ва бошқалар) уч юз отга ортиб олиб келингган эди. Әлчилар хоқон сайдга императорининг дүстлик ва хайриҳохлик руҳида битилган мактубини ҳам тоширидилар. Абдураззок Самарқандий бу мактубининг қисқача мазмунини көлтирган: «Ҳар икки томондин ҳам гайрлиқ ва бегоналик нардаси олуб ташланмоги, мувофиқлик, яқдиллик эниги очилмоги лозим, токи раият ва савдогарлар истак-ихтиёрлари бирлан бориб-келатурғон бұлсунлар, йұллар эрса бехавотир бўлсан». Ўша қунларің Улуғбекининг үзи ҳам отаси шарафига, иниси Бойсунтур мирзо шарафига, шунингдек Хоразмдан Ҳиротга келган мирзо Мұҳаммад Жаҳонгир ва эски қадрдони амир Шоҳмалик шарафига катта зиёфат берди.

Ҳўш, бу гал Улугбек не мақсад билан Ҳиротга борди? Ота-бала нималар ҳақида сўзланидилар? Бу саволларга тарихий китоблардан тўғридан-тўғри жавоб тошилмади. Лекин, кейинги йилларда содир бўлган воқеалардан қўринишича, бу сафар Улугбек отаси билан Оқ ўрда хонлигига юз берган воқеалар, аниқроғи Оқ ўрдага юриши бошлини хусусида маслаҳатлашини учун борганилиги турган гап. Биринчидан, Улугбек Хуросондан қайтишида Шоҳруҳ унга Мұҳаммад Жўқийни ҳам қўшиб жўнатди. Улар бирон мансизда узоқ тўхтамадилар, шитоб билан йўл босдилар ва бир ҳафта деганда Самарқанди фирмавсмонандга кириб бордилар. Иккинчидан, улар амалда бўлган тартиб-қоидага хилоф равишда (Улугбек аслида кўпроқ Бухорода қишилашини одат қылган эди) бу сафар Оби турк буйида қишилашга қарор бердилар ва рамазон ойининг 21-куни (1417 йил 3 ноябр) Шоҳруҳия ёнига келиб тушдилар. Шу ерга теварак-атрофдан кўн лашкар тўпланди. Улугбек билан Мұҳаммад Жўқий 1418 йилнинг 8 февралига қадар шу ерда турдилар. Фақат Оқ ўрда тахтини Тўхтамишхонининг ўғиларидан Жабборберди эгаллаганлиги ҳақида хабар олишгандан кейингина оға-ини Самарқандга қайтишга қарор қылдилар. Қайтиш олдидан, замондош тарихчининг сўзлари билан айтганда, Мирзо Улугбек «бандда тутиб турилган бир неча ўзбек ўглонларини бўшнатиб вилоятларига қайтаруб юборди».

— Майли, борсунлар, Жабборберди бирлан ёқолаш-

сунлар, шу тариқа уз-ўзлари бирлан овора буласунлар, шунда биз тинч бўлурмиз,— деди Улугбек ишисига.

Шу пайт Мовароуннахр билан қўини бўлган яна бир мамлакат — Мўгулистон ҳам яна потинич бўлиб қолди. Ўша ўлкада яна тўс-тўполонлар бошланди. Ана шу урийицитларнинг бирида Увайс ўглон Мўгулистон хони Нақши Жаҳонни ўлдириб қўйди. Бу — теварак-атрофдан Самарқандга тез-тез келиб турадиган хабарларнинг энг даҳнатлиси эди. Хабарни Улугбекининг Конигардаги поиби Сиддиқ баҳодирининг чонари олиб келди. Бу хабар Мирзо Улугбекининг кайфиятини бузди, албатта. Чунки Нақши Жаҳон унинг Мўгулистондаги ишонган одами эди. У тахтда ўтирган пайтларда Улугбек Туркистон билан Андикон хусусида хотиржам эди. Энди-чи? Энди шима бўлади? Балким хабар потўғридир? Улугбек уни тафтиш қилинга қарор қилди. Мўгулистон тарафларига қўини кўрган ишончли одамларни юборди. Хиротдан эса яна мирзо Мухаммад Йўқийни чақиртирди. У шитоб билан йўлага чиқди ва 821 йил раЖаб ойининг 20-чиси (1418 йил 23 август) да ўз қўинин билан Самарқанд атрофига келиб тушиби. Мирзоининг ўзи Боги дилакушнога яойланди. Лекин бу сафар ҳам Мўгулистон устига юршига эҳтиёж бўлмади. Ана шу кунлари Самарқандга Увайсхоннинг (1418—1428) эачиси келди ва унинг бўйсунини, садоқат ва яқдиялик руҳида ёзилган мактубини Узлугбекка топширди. Элачининг кетидан илгари Мўгулистонга юборилган Улугбекининг одами ҳам етиб келди. Улугбек уни хилватхонага олиб кирди.

— Хўш, тақсирим, сиз қандоқ тоза хабар келтурдингиз?

— Увайсхон, ҳазрати олийлари, мамлакатнинг ички ишлари бирлан шу даражада бандким, андин ортиқча хавотирламаса ҳам бўладур.

Хунхабардан Улугбекининг кўнгли бир қадар таскин тоғандай бўлди ва Кўксаройда бандда бўлган мўгул бошлиқларини озод қилиб, Увайсхоннинг элчисига қўниб юртига қайтариб юборди. Улар орасида дуглот амирларидан Сайд Али ҳам бор эди. Бу билан Улугбек кундан бери Мўгулистонда ҳокимият учун куран олиб бораётган яна бир феодал турууди — амир Сайд Али бошлиқ дуглотлар турухини кучайтириб, Увайсхоннинг қўл-обёқларини боғлаб қўймоқчи бўлди.

Улутбекининг одами олиб келган хабар түгри бўлиб чиқди. Орадан кўни ваңт ўтмай 822 (1419) йилда Мўгулистонда ўзаро феодал куран олови қайтадан

яңгиланди. Бу ҳақда Самарқандга узлуксиз хабар келиб турди. Хабарлар бир-биридан тапивиши ва даҳнатли эди. Масалан, Анижон ҳокимининг чопари Абуллайс келиб амир Шербахромнинг ўғли Жетедан Кошгарга қочиб кетганлиги, унинг кетидан эса бир гуруҳ мўгул амирлари ҳам эргашиб кетганлиги ҳақида хабар олиб келди. Ўша йили август ойида амир Худайдоднинг қизи эри Шамъи Жаҳонни заҳар бериб ўлдиргани эшитилди. Улуғбек қулай келган бу фурсатдан фойдаланиб, Мўгулистанга юрин қилмоқчи бўлди, лекин кутилмаган тасодифий бир аҳвол бунга халақит берди. Бу — Хитой элчиларининг Фаргона сарҳадига яқинлашиб қолганлиги эди. Бу ҳақдаги хабарни Анижон бегининг чопари олиб келди.

1419 йил 22 август. Самарқанд ҳар қачонгидан гавжум, саранжом ва саришта. Чорраҳаларга, айниқса Регистон ва бозор атрофидаги кўчаларга кунда икки мартадан сув сепилиб сидириб-супурилар, қасрлар ва шаҳар бозорларининг деворлари аввойи матолар билан безатилган, дўконлар ва расталар турли-туман мато ва буюмлар билан лиммо-лим.

Император Чэн-Цзунинг элчилари Ли-да ва Жонг-ку келишган. Улар билан бирга Шоҳрухнинг аввалги йили Хитойга юборган элчиси Ардашер тавочи (Хитой маибаларида Бек-Буқо) ҳам улар билан бирга келган. Боги дилкушода элчилар шарафига катта зиёфат берилди. Элчилар Мирзо Улугбекка Хитой императорининг дўстлик ҳамда ўзаро муносабатларни ривожлантириш хусусидаги таклифларни ўз ичига олган мақтуби ҳамда катта совга-саломларини тоширидилар. Совгалар орасида кимхоб, атлас, тарғу каби аввойи матолар, товус ва аждаҳо тасвири солингган нафис фарфор кўзачалар; турли-туман чинни идишлар; рангдор хитой қозоги, ов қушлари, шакарқамишдан тайёрланган турли-туман буюмлар бор эди. Эртаси куни элчилар Хуросонга қараб йўлга чиқдилар. Улугбекнинг одамлари уларни Бухорогача узатиб қўйдилар.

Улугбек Хитой элчиларини Хуросонга узатиб қўйганидан кейин, шаъbon ойининг охирида (1419 йил 20 сентябр) Мўгулистан устига қўшиш тортди. Туркистон ҳокими Арслонхўжа тархон, Саброн ҳокими амир Фаттон, шунингдек Сайхун атрофидаги шаҳардарининг доругалари, Ёдгор барлос ва Маҳмуд тархон сингари номдор амирлар унга бу юришда ҳамроҳ бўлдилар. Самарқандни тасарруф қилиб туриш амир Искандар Ҳинду Буқоға тоширилди. Қорабулоққа етганларида Мўгулистанда ўзаро кураш олиб

бораётган амир Худайдод билан Садр Исломнинг навкарлари келиб, улар ҳар бири ўз ҳолича Улугбекни сабртоқатсизлик билан кутаётгандикларини хабар қилдилар. Улугбекнинг қўшини Чинос ёнида Сайхундан ўтиб, Тонкентнинг Бурлоқ деган жойига келиб тушиди. Лекин Улугбек нимагадир юришни давом эттирмади, Туқмоққача бориш ниятидан кечди. Қўшин шу ердан орқага қайтди ва шаввол ойининг 2-сида (1419 йил 22 октябр) Самарқанд атрофига келиб тушиди.

Бурлоқдан қайтиши олдидан Улугбек Арслонхўжа тархон билан амир Фаттонга ўз вилоятларига, яъни Ясси ва Сабронга қайтишларига ижозат берди, бошқа амирларни, Маҳмуд тархон бошчилигида, Кошгар муҳофазасига юборди...

Хитойлик элчилар Хуросондан қайтишда (ўша йилнинг ноябр ойида) яна Самарқандга қўниб ўтдилар. Улугбек элчилар шарафига бу сафар Боги майдонда катта зиёфат берди, уларнинг ҳар бирини муносиб совгалар билан сийлади. Қайтишларида уларга Султоншоҳ ҳамда Муҳаммад бахши бошчилигида ўз элчиларини ҳам қўнди ва катта карвон билан Хитойга жўнатди. Ҳофизи Абру ва Абдураззоқ Самарқандийларнинг маълумотларига қараганда, Шоҳруҳ, Улугбек, Бойсункур ва бошқа Темурийлар ҳам ўз элчиларини мана шу карвонга қўшган эканлар. Аниқ маълумотларга қараганда, Темурийлар карвони катта бўлган. Карвондаги элчилар, хизматкорлар ва савдогарларнинг умумий сони беш юз ўттиз одамдан иборат бўлган. Шоҳруҳнинг карвонига амир Шодихўжа билан амир Кўкча, Бойсунқурнига Султон Аҳмад ва хожа Ғиёсуддин Наққони, Иброҳим Султоннинг карвонига амир Ҳасан, мирзо Рустамнига паҳлавон Жалол бошчилик қилдилар. Буларга Самарқандда Қобул ва Газна ҳокими мирзо Суяргатмишнинг элчиси амир Аргудоқ, Хоразм ҳокими амир Шоҳмаликнинг элчиси Урдувон ҳамда Бадахшон подшосининг элчиси хожа Тоҷиддин ҳам келиб қўшилдилар. Уларнинг тепасида Шоҳруҳнинг элчиси амир Шодихўжа турди. Ғиёсуддин наққон элчиликка поиблик қилди. Унга маҳсус «хотира дафтари тутиши ва онга сафар чоги ўз кўзи бирлан кўргон ва эшитғон нарсаларни орттирмайин ва бурттирмайин ҳаққоний ёзиб бориши» вазифаси топнирилди...

Темурийларнинг элчилари икки йилу икки ой ва беш кундан кейин 1422 йилнинг 2 сентябр куни ватанига қайтиб келдилар.

Ўша замонларда савдо ва элчилик карвонлари Ўрта

Осиёдан Хитойга икки йўл орқали боришган. Биринчи йўл Тошкент, Сайрам, Еттисув ва Шарқий Туркистоннинг Турфон ва Қумул шаҳарлари орқали, иккинчи йўл Фарғона водийси орқали — Хўжанд, Қўқон, Маргилон, Аниджен, Ўш орқали Олой водийси бўйлаб борган ва Шарқий Туркистоннинг Кошгар, Хўтаи ва Ёрканд шаҳарлари орқали ўтган.

Ғиёсуддин Наққош Мўгулистан, Кошгар ва Хитойда кўрган-билигларни ва эшигларни кунма-кун зўр диққат ва эътибор билан ўша кундалик дафтарга қайд этган. Ғиёсуддиннинг кундалик дафтарида Мўгулистаннинг ўша замондаги ижтимоий-сиёсий аҳволи, Шарқий Туркистон шаҳарларидан Қорахожа, Турфон ва Қумул; Хитой шаҳарларидан Сукжоу (Цзюцюань), Камжу (Чжание), Садин-фу ва пойтахт Хонбалиқ (ҳозирги Пекин атрофида) нинг ижтимоий-сиёсий аҳволи ва маданий ҳаёти ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. Бу маълумотларнинг Ўрта Осиё билан Хитой ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкид этиб ўтмоқ лозим.

Таъбир жоиз бўлса яна шуни ҳам айтиш керакки, ҳар иккала қўшни мамлакат ўртасидаги савдо-сотиқ, сиёсий ва маданий алоқалар жуда қадим замонлардан мавжуд. Биз буни ўша вақтлардан қолган араб, форс, туркий ва хитой тилларида битилган китоблардан биламиз. Бу муносабатлар Шоҳруҳ билан Улугбек замонида яна ҳам ривож топди. Деярли ҳар икки-уч йилда Самарқанд билан Хиротга Хитой элчилари, Хонбалиққа эса Ўрта Осиё ва хурросонлик элчилар ва савдогарлар қатнаб туришган.

Шоҳруҳ билан Улугбек замонида Тибет билан ҳам яхши қўшничилик муносабатлари ўриатилган. Масалан, Улугбек 824 йил мухаррам (1421 йил январ) ойида Бухорода қишлиб турганда ўша мамлакатдан элчилар келганини биламиз.

Улугбек Оқ ўрдада ҳам ўзининг сиёсий мавқенини мустаҳкамлашга ҳаракат қилди. Шунинг учун ҳам у ерда бўлиб турган воқеаларни зўр диққат-эътибор билан кузатиб турди. 1419 йил баҳор кунларининг бирида Дашиб қипчоқ тарафдан келган одам Улугбекка ўзбек улусида ур-йиқит бузилишлар юз берганлигини хабар қилди. Унинг ганларини Сигноқда бўлган бухоролик ва самарқандлик савдогарлар ҳам тасдиқлашган. Бу кундан бери мирзо Улугбек қўллаб-қувватлаб келган Бароқ ўғлоннинг навбатдаги маглубияти ҳақидаги хабар эди. Бароқ ўғлонни

Жұчихон наслидан бұлған бошқа бир шахзода — Мұхаммадхон маглуб этганди. Құп үтмай, 822 йил раби ул-охир ойининг сұнгги куни (1419 йил 26 апрел) Бароқ үглоннинг ўзи Самарқандга, Улугбек Мирzonинг олдига қочиб келди. Улугбек уни очық чөхра билан қарши олди, унға подпохона иззат-хурмат курсатди ва бир неча кун давом этгандың мәхмөннавозликдан сұнг уни, етарлы қуроласлаша, пул ва аскар билан таъминлаб, юртига қайтишга ижозат берди. Бароқ үглон Улугбекнинг мана шу ёрдами билан тез орада Мұхаммадхонни енгиди ва Ўзбек улусининг катта қисмими құлға киритиб олди.

823 (1420) йили Мұгулистанда яна ур-ийқит бошланди. Ур-ийқит ўша Увайсхон билан Шермуҳаммад үглон уртасида тоғы таҳт учун тинимсиз курашнинг оқибати эди. Бұ Улугбекка құл келди, албатта. Шу мақсад билан теварак-атрофға жарчилар ва тавочилар юборди. Чамамда бунга Улугбекни Шохрухнинг ўзи ундаған бұлиши ҳам керак. Ҳоқон сайд ўша йили катта күч билан Ироқ ва Озарбайжонға, Қора Юсуфға қарши юриш бошлани олдидан ўғлиға юборған нишонда «Мирзо Улугбек Мовароунахр, Туркистон ва Мұгулистанни идора қилиб турсин», — деб айтилған эди. Авваллар Улугбек Мовароунахр ва Туркистон ҳокими, деб юритилғанди. Бу сафар отаси уларға Мұгулистанни ҳам құшиб қўйибди». Бу — «сенга ижозат, Мұгулистан ҳам сеники», дегани әмасмикан ҳоқони сайднинг. Ўша күнлари (раби ул-охир ойининг ўрталарида (1420 йил 28—29 апрел) Гавҳаршод бегимнинг кутілмаганда Самарқандга келинни ҳам бежиз әмасди. Ўшанда Улугбек бу хусусда онаси билан ҳам гаплашиб олған бұлиши мумкин. Абдураззоқ Самарқандийнинг мана бу гапларига ҳам бир назар ташлайлик-а: «... Боги чинорда подиохона түй ва хұсравона зиёфат берилди. Бир неча куни шод-хұррамлик билан ўтқаздилар, сұнг мирзо Улугбек сақарлотлар, қирмизий қатиғалар ва бошқа нағис матолар ортилған қатор-қатор хачир, туялар ва тилло әгар-жабдуқлик отларни совға қылуб тортди. Сұнг маҳди улё Хуросон сори юзландилар... Шундан кейин мирзо Улугбек Мұгулистанга юриш ҳақидағы қарорини қатыйлаштируди...»

Улугбек жумоди ул-охир ойининг ўрталарида (1420 йил 10—11 июл) катта лашкар билан Самарқанддан чыкди. Қорабулоққа етишгандан кейин, Улугбекнинг ўзи лашкарнинг бир қисми билан ўша ерда қолди. Амирлардан Исқандар, Ҳарий Малик ва Боязидларни эса илгор

тарицида олдинга жұнатди. Лекин бу сафар ҳам Мұғалистонға юрии ярим йүлдә тұхтатиди. Ойнинг охирда, яғни 1420 йил 25 шуоды, Мұғалистондан Малик Нелом келди ва Улугбекка мұгулларнинг давлатхөхник ва тобетълик билдирганликларини маълум қилди. Шундан кейин Улугбек юришин тұхтатин тұғрисидеги фармон билан илгор қисмете чонар юборди. Амир Искандар, Ҳарий Малик ва Боязид рапжаб ойнинде 9-күні (1420 йил 20 шуоды) Қорабулоққа қайтиб келдилар. Үлгілар билан биргә Қорабулоққа мұгулларнинг әзлиқ нафар сардори ҳам келениди. Орадан бир ҳаfta үтгач, рапжаб ойнинде 16-сіда (1420 йил 10 август) Сарық үглон бошлиқ яна бир гурұх мұгул сардорлары ҳам Улугбекнинг үрдүсига келдилар. Булар орасыда тоғу таht дағығарларидан Шермуҳаммад үглон ҳам бор әди. У түнкин бир ахволда Улугбекқа мурожаат қилди:

— Бахту иқболжа ва омад биздин юз үгирди, аълоҳазрат. Осмон қадар остананғизга бош уриб келдик, дарғо-хингиздан құвмассыз, деган умиддамиз.

Шермуҳаммад үглон Мирзо Улугбекнинг оёқларига йиңдилмоқчи бўлди, лекин Улугбек унинг құлтитидан тутиб қолди.

— Йўқ, йўқ, асло бундог құлманғиз, аълоҳазрат! Бу подиҳоҳларга муносиб эрмас.

Улугбек уни етаклаб чодирига олиб кирди ва тўридан жой кўрсатди. Шермуҳаммад кўзига ённ олди:

— Минг-минг раҳмат сизга, Мирзо. Лутфу марҳама-тингизни тирик эканмен, асло унутмасмен.

Улугбек Шермуҳаммад үглон билан бир шайтларгача гаплашиб утирди. Маълум бўлди, Увайсхон узаро курашда бу сафар ҳам ютиб чиқибди. Улугбек Шермуҳаммад үглонга Мұғалистон таҳтини олиб беролмади бу гал. Биринчидан, Увайсхоннинг қўли бир муича баланд әди, тарафдорлари ҳам кам эмаеди. Иккинчидан, Шоҳруҳ имагадир Озарбайжонда кўн ушланиб қолди, Улугбекнинг Хурсондан узоқлашниши Хурсоннинг эмниятини учун хатарли әди, албатта. Учинчидан эса отаси бирдан зудлик билан ёрдам учун ўн минг отлиқ аскар юборишини талаб қилиб қолди. Бундай шароитда яна битта катта юрини бошлиш тұғри бўлмаеди. Шунинг учун ҳам Улугбек бу сафар Мұғалистонға юриш фикридан қайтди ва Шермуҳаммад үглонни ўзи билан биргә олиб Самарқанд сари юзланди.

Шундай бўлса ҳам Улугбек, бари бир, Шермуҳаммад үглонга Мұғалистон таҳтини олиб берини ишитидан қайтмади. Зулханника ойнинде 16-күні (1420 йил 5 шу-

вар) уни етарли от-улов, қурол-аслақа, озиқ-овқат ва керак миқдорда одам қўниб Мўгулистон устига отлантириди. Шермуҳаммад ўғлон тез фурсат ичида Улугбекнинг мана шу ёрдами билан галаба қозонди ва Мўгулистоңда ҳокимиятни қўлга киритиб олди. Лекин у нировардида кўрнамаклик қилди. Мамлакатда ўз мавқенини мустаҳкамлаб олгандан кейин валинеъматидан юз ўғирди. Абдураззоқ Самарқандийнинг сўзлари билан айтгана, у «салтанат таҳтида ўрнашиб олгоч, подпоҳлик гурури ва ўта такаббурлик уни мирзо Улуғбекнинг ҳақ-хуқуқини риоят қилиш интизомидин таниқари чиқаруб, мустақиллик байрогини осмони фалак томига кўтарди ва анинг мактубларидин бўйсуниш йўлидин четга чиққанлиги маълум бўлди». У Мовароунинар ва Кошгардан қочиб борган кишиларга бошпана берди. Ана шундайлардан бири Улугбекнинг Кошгардаги ноиби Пир Али тақритнинг ўғли бўлиб, у 1423 йили жазодан қочиб Мовароунинардан Мўгулистоңга қочиб борган эди. Улугбек уни тутиб беришини талаб қилиб одам юборгана, Шермуҳаммад ўғлон таш тортмасдан рад жавобини берди. Улугбек бу бадбахтга кўн яхшиликлар қилиб, энди ёмонлик қайтганидан кўп ачинди ва ёнида ўлтирган мавлоно Абуллайсийга мурожаат қилди:

— Ажабо, наҳотки кечагина қилинган яхшилик бугун унут бўлса. Бу қандайин бедодлик ўзи?! Бундайларни нечун еру замини кўтариб турибди, мавлоно.

Мавлоно Улугбекни овунтириди ва охири унга мана бу ҳикматни айтиб берди:

«Кунлардан бир куни Бузуржмеҳрдин сўрабдурлар: «Тақсири олам, Сизнингча қандай подпоҳ покизароқ булур?» Бузуржмеҳр жавоб қилибдур: «Шундай подпоҳ покиза бўлурким, ондин покизалар омонлиқ топса-ю, ноноклар жазо тонсалар.

Шоҳ улким, хотири кўн равшану доно эрур,
Яхшига яхши, ёмонга ёмон, бадҳо эрур».

— Ҳа, шундай. Бузуржмеҳр ҳақ тани айтибдур. Шермуҳаммад ноиқўрликни ихтиёр қилғон эркан, жазосини тортгай, албат!

Мавлоно Абуллайсий Улугбекни илгари бундай кайфијатда кўрмаган эди. Унга яна тасалли берди, фойдаси бўлмагач деди:

— Кимки вафо қилса — вафо тонғусидур, хиёнатнинг давоси жазодур, аълоҳазрат. Шермуҳаммад ўғлоннинг қисмати шул эркан, илож қанча, «тақдирдин қочуб бўлмас», деб бежиз айтишмогон эски одамлар, ҳазратим.

Улугбек Мўгулистанга юриш қилиш тараддудига тушди. Тушди-ю, лекин ҳали отасига буни маълум қилмаган эди. Хоқони сайднинг олдидан ўтмай туриб бу ишга қўл уриб бўлмасди. Улугбек Шермуҳаммад ўғлоннинг қилмишлари тўла баён этилган мактуб билан Ҳиротга амир Ҳамзани жўнатди. Шоҳруҳ ўғлининг йўлини тўсмади, Мўгулистанга, Шермуҳаммад ўғлонга қарши юриш бошлишга ижозат берди.

Юришни 1425 йилнинг илк баҳорида бошлиш мўлжалланди ва шу мақсад билан Шоҳруҳия, Саброн ва Андижонда қишилашга ва ўша ерларга қўшин тўпланишта қарор қилинди. Қишиловга кўчин 827 йил зулҳижжа ойининг биринчи куни (1424 йил 25 октябр) бошлианди. Қўшиннинг унг қаноти амир Ҳарий Малиқ ва Шайх Абу Сайд бошлилигида Андижонда, Султон Увайс барлос, хожа Юсуф ва Таваккал барлое бош бўлган сўл қанот Саброн атрофида, Қорасомон деган мавзеъда қишиладиган бўлди. Улугбекнинг узи Гул билан Шоҳруҳияда турадиган бўлди. Улугбек бу ерга зулҳижжанинг 15-куни (1424 йил 10 ноябр) келди. Эртасига «Мовароуннаҳр ҳамда Туркистон мамлакатларида бор лашкар муқаррар булжорда, муайян мавзеъда жамъ бўлсунлар», — деган хумоюп асар фармон содир бўлди...»

Улугбек бир куни кечқурун ёлгиз қолганда батъи фикр-ўйларга бориб хаёл суриб кетди: «Ха, энди яна лаклак одам ҳаракатга келди, эл-юртнинг саронжомлиги бузилди. Расадхонанинг қурилиши энди не кечаркин? Самарқанд, Шаҳрисабз ва Гиждувонга мулжалланғон қурилишлар-чи? Расадхона қурилишининг суръати сусаяди, бошқа қурилишлар бўлса кейинга сурилади, чунки қурилишга ажратилатурғон маблагни бу ялмогуз уруш ютиб юборади энди. Мана, ўша ҳамду-саноларнинг оқибати, «боракалло ота ўғил, рааёй бирлан бароёнининг бошини силасангиз кам бўлмагайсиз», деб мақташларнинг оқибати. Беклар ва амирлар атайлаб рааёни ҳам қўшиб қўярдилар. Аслида-чи? Аслида алар бирламчи навбатда ўз фойдасини қўзлайдурлар. Аларга мўмай ўлжа, ҳадхисобеиз бойлик бўлса бас. Ахир, аларнинг катта-катта ерсуви, бехисоб молу мулки бор-ку?! Ўшал мулқдин келгон даромад етмасму эркан, аларга?! Йўқ, етмас. Камлик қилур. Аларнинг ўзлари тўйсалар қўзлари тўймас. Алар ўзларини дунёга устун фараз қилуб, ўлумни, охиратни ўйламайдурлар...

— Ори, аълоҳазрат, аларга Корун тоги каби бойлик

ҳам қамлик қылур. То күзининг косаси хок бирла тұлмагунча үздары түймайдурлар.

Мавлоно Абуллайсий сұлтони аззам хожа Ахмад Яссавийдан машина бу ҳикматни ҳам көлтириди:

Бешак билинг, бу дүнен борча әддин үзаро,
Ишопматыл молнігга, бир күн құддін кетаро.
Ота она, қарнідің, қаен кетті фикр қыл.
Тұрт өғланың чибін от бир күн сағто старо.
Дүнен үчүн ғам ема, Ҳақдін ғағони дема.
Киши молини ема, сирот үзара тутаро.

Шундог, мавлоно. Лекин илож қанча? Магар аларниң майлігі боқмосақ, сұзға киратурғони тоғиб өзүрлар.

Шундай деди ю, Улугбек бошының қуйи солтанича сукутта кетди. Бир оз вақт үтгач, үзиге келди ва айтилған гаплар ва қыллинган мұлоҳазалардан бир қадар چүчиб тушиди. Хайрніятки, бу гапларни мавлоно Абуллайсайдан бошиқа ҳеч кимса әншитмабди. Улугбек ҳозирғина үзи тушиб қолған кайфиятни илм билан уралашып қолишнин оқибатига йүйди. Бора-бора у үзини үшлаб өзди ва подиохларға хос фикр юрита бошлиди.

— Ахир улуг бобомиз соҳибқириңи мұazzам бир вақтлар күн мамлакатлар қатори Мұгулистанни ҳам заңтамағонму әрді? Шундай бұлғоч, не сабабдин әмди биз бу мамлакатни құлдін чиқиб кетишінде йүл қүюрәрқаимиз.

Йұқ, Улугбек буның йүл құя оамайди. Бу уннің күзларидан күрнисиб турибди. Мұгулистанға юринши бир күнмас-бір күн албатта бошлаб юборади. Уннің күйгілідан шу хәсл үтди-ю, сүңг үз-үзиге тасалды берган бұлды: «Ахир улуг бобомиз урушни ҳам тұхтотмагонлар, қурилиш ҳам бұлаверған-ку. Биз ҳам шундог қылурмиз. Ахир үлжаниң бешден бир қисеми бизге тегадур-ку. Биз оны, хирожнинң бир қисеми бирлан құшууб, қурилишларға ишлатурмиз.

Ха, үлжаниң катта қисеми подиохға тегарди. Бу хусусда ҳам Улугбек ота-бобосинің йүргінін тұтди. Бир мисол: Мұгулистан хони Вайсхон вафот қылғандан (1428) сүңг, иккі сагир үгли Юнесхон билан Эсон Бугахон тоғы таҳтни талашиб, бир-бирларига қылғын күтәрдилар. Лекин галаба Эсон Бугахон тарафида бұлды ва у 1428 йили Мұгулистан таҳтиға мұяссар бұлды. Юнесхон ва уннің тарафдорлари: баҳрии тұмонинің болшығы Эразон ва қарос қабиласи бекларидан Мирак Туркман уч-тұрт минг мұғул хонадони билан юртидан Самарқандға,

Улугбек мирзо хузурига қочиб келдилар. Юнусхон Улугбекдан мадад излаб келди, лекин у амирларининг кўнглига қараб, мўгулларнинг саркардаларини ўлдиртириди, уларнинг бир қисмини турли вилоятларга жўнатди, қолган қисмини эса амирларига ўлжана сифатида тақсимилаб берди. Ўшанда Улугбек ўлжанинг бешдан бир қисмини амалда бўлган тартиб-қоидага биноан, Юнусхон билан қўшиб Ҳиротга, отасига юборди...

Кип кунларининг бирида Улугбек хузурига Сигноқдан Бароқхоннинг элчиси Сўфи ўғлон келди ва унинг отабоболар таҳтига ўлтирганини айтиб, Улугбекка унинг катта совга-саломларини тонширди.

Замондош тарихчининг ибораси билан айтганда «совуқ лашкари баҳор синоҳини кўруб чекимоқга юз тутгон, ҳавонинг жониарвар насими мўътадиллик лутфини қасб этгон ва замона баҳор фасли ташриф буюргонлигидин ҳаёт табиятига киргон бир найтда», яъни 828 йил раби ул-аввал ойининг 27- (1425 йил 17 феврал) куни лашкар ўриидан қўзгалди. Хулласи қалом Мўгулистан устига юриш бошланди. Улугбекнинг аскари мўғулларнинг амир Иброҳим ва Жаҳоншоҳ бош бўлган катта қўшинини Ашпара билан Оқсув буйида, Буам сойи ёқасида тор-мор келтирди. Бу воқеа раби ул-охир ойининг 14-куни (1525 йил 4 март) содир бўлди. Амир Иброҳим билан унинг икки ўғли ўша жангда ҳалок бўлдилар. Жаҳоншоҳ бўлса қолган-қутган одами билан Чўнг кеминга, у ердан Иссиққўл тарафига қараб қочди. Буам дарасида, Иссиққўл атрофида, Чўнг кемин, Обиш, Чорин, Арина ёзи, Тош бўйноқ, Қизилсув, Сангтош, Кетмонтена, Оқ қуёш, Қарши, Қунгес ва Юлдуз номлик мавзеъларда бўлган уруш ҳам Мовароуннаҳр ва туркистонлик қўшинларнинг ғалабаси билан тугади.

Қисқаси, кўпчиликка мисли кўрилмаган кулфат келтирган бу уруш юз кундан ортиқ давом этди, мингминглаб йигитларнинг ёстуғини қуритди, кўн элу юртлар талон-тарож қилинди. Улугбекнинг амирлари ва беклари беҳисоб ўлжа ва кўнлаб асиirlарни Мовароуннаҳрга ҳайдаб қайтилар. Ўлжа орасида Мўгулистан хонининг бош қароргоҳидан (у Қарши аталган: мўгул тилида Қарши деб саройни айтишган) олинган икки бўлак катта кош тоши (нефрит) ҳам бор эди. «Мирзо Улугбек,— деб ҳикоя қиласи Абдураззоқ Самарқандий,— ўшал кош тоши ароба бирлан доруссалтана Самарқандга етказиш учун икки минг чапдаст кишини ўшал мавзеъда қолдирди. Ўшал тоши қадимги подшоҳлар Чин тарафдин ушбу жойга келтурғон

эрканлар ва ҳазрати соҳибқирон ул тошни Мовароуннахрга кўчирмоқчи бўлуб амир Жаҳоншоҳни бир неча минг киши бирлан ўшал ерда қолдиргон, аммо алар тошни қўчириб келтиришдид ожизлиқ қилгон эрканлар». Бир вақтлар Дува Сеценхон Хитой тарафларидан олиб келиб мўгул ҳукмдорлари қароргоҳига қўйилган бу тош аслида уч қисмдан иборат бўлиб, ўз вақтида Амир Темур фақат унинг бир қисминигина Самарқандга олиб келишга муяссар бўлган эди. Тошнинг қолган икки булагини Улугбек маҳсус араваларга юклатиб, Самарқандга олиб келтирди. Улугбекнинг амри билан моҳир сангтарош усталар бу тошларни тарошлиб биттасини Амир Темурнинг қабри устига қўйдилар.

Улугбек Самарқандга шаърон ойининг 10-куни (1425 йил 27 июн) қайтиб келди. «Тарихи жадидайи Тошканд» («Тошкентнинг янги тарихи») китоби муаллифининг сўзларига қараганда, Улугбек Мўгулистан юришиндан қайтишида, Сойбўй қалъаси билан Жizzах оралигига жойлашган Илонути деган тор ердан ўтаётib қоятошга мана бу сўзларни ёздирган экан: «Улуг тангри таолонинг... қўллаб-қувватлари бирлан улуг султон, жамий подшоҳлар ҳукмдори, Оллоҳнинг ердаги сояси, ислом динининг түгдори, ислом ҳомийси Муъинуддин Улугбек кўрагон, оллоҳ аниятини пойдор қилсан, Жете ва Мўгулистанга юриш вақтида ушибу ердин ўтган. Ҳижрий 828 йил».

Мўгулистанга қилинган бу уруш Мирзо Улугбек олиб борган жиддийроқ урушларнинг биринчиси ва сўнггиси эди. Бу кирк йиллик подшоҳлик даврида Улугбек қозонган биринчи зафар эди. Орадан икки йил ўтгач, у яна бир урушга бел боғлади, лекин бу сафар қаттиқ маглубиятга учради.

Аслини олганда Мўгулистанни Амир Темур ҳам узил-кесил бўйсундиролмаганди. Улугбекнинг уриниши ҳам бехуда бўлди. Мўгулистан ўз мустақиллигини сақлаб қола олди.

Кейинча Улугбек яна оғир аҳволга тушиб қолди. Увайсхоннинг иккинчи ҳукмроилиги йилларида, яъни 1425—1428 йилларда, феодал тарқоқлик, қалмоқларнинг кетма-кет қилиб турган хуружи кучайди. Йекин мамлакат ўз мустақиллигини сақлаб қола билди. Увайсхоннинг таҳт вориси Исобугахон даврида (1428—1462) эса у ўзини бирмунча ўнглаб олди ва ҳатто Кошгарни Улугбекнинг ноиби қулидан тортиб олишга ҳам муяссар бўлди. Энди, аксинча, мўгул феодаллари тез-тез Фарғонага бостириб

кириб, Адижоц, Конибодом ва Сайрам теварагидаги қишилоқларни талон-тарож қилиб турдилар.

Улугбек Оқ Ўрдада ҳам ўз мавқенин мустаҳкамлани учун кўп уринди, лекин бу уришинлардан зигирча ҳам фойда чиқмади. Юқорида тилга олганимиз Бароқ ўғлон 1423 йили Улугбекнинг ёрдами билан тамом Оқ Ўрда устидан хукмдор бўлиб олди. «Равзат ус-сафо» муаллифи нинг сузларига қараганда, уша йил атрофида Самарқандга Бароқ хоннинг элчиси Жумодуқ ўғлон келди ва Бароқ хоннинг Оқ Ўрда таҳтига ўлтирганлигини маълум қилиб, унинг бериб юборган катта совға-саломини Улугбекка тошириди. Мирзо Улугбек элчини ҳурмат-эҳтиром билан қарши олди ва унга ўз элчисини ҳам қўшиб, Бароқхоннинг ҳузурига турли-туман тансиқ моллар ва катта маблаг билан юборди. Бароқ ўғлон Улугбекнинг катта моддий-маънавий ва ҳарбий ёрдамига таяниб, бошқа Жӯчийнажод султонларни ҳам енгди. Рус солномаларида келтирилган маълумотларга қараганда, у 1423—1425 йиллар ичида Давлатберди ва Кенак ўғлон сингари бир талай тож-тахт даъвогарлари устидан галаба қозонди, ҳатто Олтин Ўрда пойтахи Сарой Беркани ва Олтин ўрдага қаранили бошқа юртларни ҳам ўзига бўйсундирди. Лекин Бароқхон ҳам Шермуҳаммад ўғлонга ўхшаб, Оқ Ўрдада сиёсий мавқенин мустаҳкамлаб олгандан кейин, босар-тусарини билмай қолди, манмансираб талтайиб кетди. Бир умр ёрдам бериб келган Улугбекдай валиињематнинг юзига ёёқ қўйди. У ҳатто илгари Темурийлар давлати таркибига кирган Сайхун бўйидаги Ўтрор, Саброн ва Сигноқ сингари шаҳарларга ҳам кўз тика бошлади. 1425—26 йиллари Самарқандга тез-тез Туркистон ҳокими Арслонхожа тархоннинг чопарлари шикоят билан кела бошладилар. Чопар олиб келган бир руқъада бундай дейилганди: «Алинг (Бароқхоннинг) павкарлари ушбу тарафларни хароб этмоқдалар, ўзларини ҳокими мутлақ ҳисоблаб, салтанат лофини урмоқдалар». Улугбекнинг сийлашуви-сипоринилари, ваъз-насиҳатлари ва ҳатто дўқ-пўнисалари ҳам кор қилмади. Бароқхон беҳаёлик билан иш тутишда давом этаверди. У ҳатто Сигноқни ҳам босиб олди. Норозилик билдириб унинг ҳузурига келган Арслонхожа тархоннинг элчисига бўлса таъб тортмасдан «Сигноқнинг яйловлари қадимдин менинг ота-боболаримга тегишли булғон, бувам Урусхон Сигноқда иморат солгон», — деб жавоб қўйди. «Табақоти Маҳмудшохий» китоби муаллифи нинг сўзларига қараганда, унанда Бароқхон бени минг уйлик кўчманчиларни ҳам узи билан бирга Сигноқقا

кўчириб олиб келган экан. Қисқаси, аҳвол шу дараикага бориб етдики, ҳар иккала томон қаттиқ ёвлашиб қолдилар.

Улугбек иштоб билан Ҳиротга чонар юборди ва содир бўлган воқеадан отасини хабардор қилди. Шохруҳ сўзда «олам вайронгарчилигининг сабабчиси бўлмиш жангувхусуматдан ўглини манъ қиласа ҳам», амалда ўглини урушга рагбатлантириди. Хоқон сайд маълум миқдордаги лашкарни Мирзо Муҳаммад Жўқий туғи остида Мовароунинаҳр сари боришга таъйин қилди. Мирзо Муҳаммад Жўқий қўнини билан 830 йил рabi ул-охир ойининг 17-куни (1427 йил 15 феврал) Мовароунинаҳр сари отланди.

Лекин Мирзо Улугбек қўшин билан ииниси келмасдан сал аввалроқ Самарқанддан жўнаб кетган эди. Муҳаммад Жўқий огасига Шохруҳияга етиб олди. Бир-икки кун отлар ва одамларга дам бердилар, сўнг оға-ини қўшин билан йўлга чиқдилар. Сайхундан ўтиб Тошкентга, у ердан Сигноқнинг Жумгол қишилоги ёнига келиб тушдилар. Эртаси куни шу ерга Бароқхоннинг элчиси келди ва унинг узроҳлиги ҳамда сулҳга чаңқоқ эканлигини маълум қилди. Улугбек Бароқ ўғлондан қаттиқ рањиган эди, шунинг учун ҳам элчига илтифот қилмади, Бароқнинг узрини эса қабул қилмади ва ўша қуниёқ қўшинни олдинга бошлади. Лекин, баҳтга қарши, эртаси куни кечқурун кутилмаганда мудҳиши воқеа юз берди. Улугбекнинг лашкари Сигноқ атрофидаги тепалик орқасидаги тор бир майдонда ҳотиржам ту nab ётганда, Бароқхоннинг лашкари чор атрофдан уни босди ва қаттиқ зарба берди. Бароқхон қайтиб кетди. Улугбек билан Муҳаммад Жўқий саросимага тушмадилар ва қўшинни жанговар сафга тортдилар. «Матлаъ ус-саъдайн» да ўқийимиз: «Рақиблар фидойилардай баб-баробар жангу-жадолга киришуб, зўрлик ва қудрат қўлини чўздилар. Мирзо Улугбек қўшинининг ўнг ва сўл қанотлари тант аҳволда қолди. Душман гулга ҳам хужум қилди, оқибатда қалб вайрон бўлди. Натижада Мовароунинаҳр лашкарида чекиниш аломатлари ва енгилганлик белгилари намоён бўлди...» Охири Темурий мирзоларининг қўшини бор-йўгини ташлаб тум-тарақай булиб қочдилар. Улугбекни Арслонхожа тархоннинг одамлари, мирзо Муҳаммад Жўқийни эса Шохруҳнинг эски хизматкорларидан паҳлавон Маҳмуд Дандоний дуниман чангалидан бир илож қилиб юлиб олдилар. Ўша пайтда Бароқхоннинг йигирма чоғлик йигити лашкардан ажраб қолган оға-инини адир ён-багрига қараб сиқиб бораётган эдилар. Арслонхожа тархон билан паҳлавон Маҳмуд Дандонийнинг йигитлари

яна бир неча дақиқа кечикишганларида нималар бўлишини тасаввур қилини қийин эмасди. Чекинганларнинг кунчилиги Янги, Саброн ва Тошкент қалъаларига қочиб бориб жон сақладилар. Улугбек билан мирзо Муҳаммад Жӯқий хос одамлари ва маҳсус қўриқчи қисем билан Самарқандга қочиб келишиди ва унинг мустаҳкам қалъасига кириб янириндилар. Ўтанда Бароқ ўғлоннинг лашкари уларни Самарқанд остоналаригача таъқиб қилиб келди; Ясси, Саброн, Тошкент, Шоҳруҳия, Самарқанд ва Бухоронинг теварак-атрофидаги қишлоқлар ва унинг халқини талаб кетдилар.

Улугбекнинг Сигноқ остонасидаги муваффақиятсизлиги ҳақидаги хабар Самарқандга унинг ўзидан аввал етиб келди. Шаҳар аҳлини ваҳима боғди. «Наҳотки, шаҳзодалар катта қўпини бўлатуриб, шу алпозга тушибиган бўлса? Буни қандай англамоқ керак? Хойнликми, ёки ландуврликми бу?! Бундайин подшоҳнинг кимга кераги бор?» — деб вайсовчилар ҳам бўлди. Шаҳар дарвозаларини беркитиб олиб Улугбекни ҳам, мирзо Муҳаммад Жӯқийни ҳам шаҳарга киритмасликни маслаҳат берувчилар ҳам бўлди. Лекин фақат шаҳар ҳокимиининг энчиллиги билан бу ахволнинг олди олиниди...

Улугбекнинг маглубияти ҳақидаги хабар Ҳиротга ҳам унинг чопаридан илгари етиб борди. Улугбекка тескари булиб юрган амирлардан бирининг иавқари бу совуқ хабарни жумоди ул-аввал ойи (1427 йил март) даёқ Шоҳруҳ саройига элтиб ултурганди. Улугбекнинг чопари мавлоно Шамсуддин эса ундан бир ҳафта кейин жумоди ул-охир ойининг 4-си (1427 йил 4 апрел) да Ҳиротга етиб келди. Ўша кунлари Шоҳруҳ оғир бетоб бўлиб ётганди. У 830 йил рабби ул-охир ойининг 23- (1427 йил 22 феврал) куни Ҳиротнинг жума масжидидан чиқиб келаётганди ишоқ еб оғир жароҳатланганди. Абдураззоқ Самарқандий воқеани бундай ҳикоя қиласди: «... У ҳали масжид ичиди бораётгоңда, ногоҳ мавлоно Фазлуллоҳ Астрободийнинг муридларидин Аҳмад Лур исемли нағмаднун шикоятчи қиёфасида илкида қандайдир бир қоғоз тутгон ҳолда подиоҳга яқинлашди. Ои ҳазрат «онинг сўзини маълум қилиб арзга еткуринглар», — деган маънода мулозимларидин бирига ишорат қиласди, бироқ андинасиз Аҳмад Лур онинг қошига чонуб келиб сув қатрасидай (ялтироқ) ишоқин ои ҳазратнинг қориңга санчди» ... Шоҳруҳ Улугбекнинг чопарига бирон нарса демади, лекин унинг кетидан ўқумоди ул-охирининг 17-куни (1427 йил 17 апрел) яна ўша Муҳаммад Жӯқий мирзони Самарқанд

устига отлантириди. Шохруҳ Улугбек учун қурол-аслаҳа ва катта маблаг ҳам бериб юборди. Афтидан у Улугбекдан нима қилиб бўлса ҳам Туркистондаги аҳволни изга солинни қаттиқ талаб қилган.

Ўз вақтида юборилган ёрдам Улугбекнинг жонига ора кирди. У «нақдина, аслаҳа, от-улов ва бошқаларни лашкар аҳлига улошиб, аларни жиҳод йўлиға рагбатлантириди» ва қўшинини қайтадан тузиб, Бароқ ўғлонга қарши юришга қасд қилди. Юришга ҳозирлик қилиб турган бир пайтда мирзо Муҳаммад Жўқий оғир бетоб бўлиб ётиб қолди. Улугбек иинисини Самарқандда қолдиришига мажбур бўлди, унинг тумоноти ҳамда Қандаҳордан келган қўшинларни ўз аскарига қўшиб, Бароқ ўғлонга қарши отланди. Шохруҳия рўбарусида Сайхунга кўрик қуриб дарёдан ўтди ва Тошкентга келиб тупди. Шу пайт Самарқанддан чонар келиб Шохруҳ қўшин билан, Босунгур мирзони ҳам ўзи билан бирга олиб, Мовароуннаҳр йўлиға чиққанлигини маълум қилди. Улугбек отасининг шахсан ёрдамга отланганлигидан хурсанд бўлди, лекин Бойсунгурни ўзи билан бирга олиб келаётганидан бир оз ваҳимага тушди. «Нима, балки отам мендин Мовароуннаҳр бирлан Туркистонни тортуб олуб, ўрнимга мирзо Бойсунгурни тайин этмоқчиму?» — деган андишага ҳам борди. Унда бошқа шаҳзодалар ичидан қандай қилиб бош қўтариб юради, расадхона нима бўлади, мўлжаллаб қўйган илмий ишларнинг тақдирчи? Йўқ, Улугбек бунга йўл қўя олмайди, бориб отасининг оёқларига йиқилади, ялишади, ёлборади. Нима бўлса ҳам ҳокимиятни ўз қулида сақлаб қолади. Улугбек шуларни назаридан ўтказди-ю, ваҳима боеди. Ҳеч нарсага қарамай отасининг истиқболига боришга қарор берди ва лашкарни Тошкентда қолдириб, отасининг хузурига шошилди.

Дарҳақиқат, Шохруҳ ҳали тамом соғайиб кетмаган эди. Лекин соғлиқ билан ҳисоблашиб ўлтирадиган вақт эмас эди. Ўша йил шаъбон ойининг биринчи (1427 йил 28 май) куни у Бойсунгурни ўзи билан бирга олиб Ҳиротдан чиқди. Олий урду эндигина Жайхун қиргогига келиб ҳам тушиган эди, Улугбекнинг чонари подшоҳ олдида тиз чўкди ва унга углиниң мактубини топширди. У отасидан Бойсунгурни ийтахтга қайтариб юборишни зорланиб илтимос қилган экан. Шохруҳ бу шини ўнчаки сиёsat учун қилган эди, углиниң илтимосига дарров «хўп» деб қўя қолди. «Мирзо Бойсунгур,— деб ёзди Абдураззок Самарқандий,— ҳоқон саиднинг фармойиши ҳамда Мирзо Улугбек кўрагон-

нинг илтимоси бирлан Хурросон шойтахтига қайтиб келди».

Икки юз кема Шоҳруҳнинг катта қўшинини бир ой деганда Термизга ўтказиб бўлди. Улугбек билан Моваро-униаҳрнииг кўзга кўринган акобирлари подиоҳни мана шу ерда зўр тантана билан кутиб олдилар. Шоҳруҳ уғли билан совуққина кўриши, кўпчиликнинг олдидага индамади-ю, лекин Султон содотга бориб ўришганиларидан сўнг кечқурун, ҳамма тарқалгандан кейин, уни қаттиқ итобга олди:

— Хўш, Искандари замон, марҳамат қилуб айтсунларчи, қўшун ҳозир қой манзилда эрур? Аниг умумий аҳволи қандоқ?

— Қушиннинг асосий қисми Тошкантда, локин аниг аксарий қисми от-увовидин ажралғон.

— Шундоғ бўлғоч, сиз не учун бу ердасиз, мирзо?

Отасининг аччиқ ва қочириқ ганлари Улугбекнинг ичичидан ўтиб кетди, қалбига напштар бўлиб санчилди. Оғзи қуруқшаб, тили айланмай қолди. Отасининг ўткир нигоҳидан кўзларини олиб қочди ва бошини қуий солди. Лекин бу билан у сўроқ ва итобдан қутулиб қололмади. Тафтиш ва сўроқнинг энг каттаси Самарқандда бўлди. «Матлаъ ус-саъдайн»да мана буларни ўқиймиз: «... У (Шоҳруҳ) Бароқ ўглон бирлан бўлгон уруш хусусида суриштириди ва бўлуб ўтгон воқеанинг тагига етди. Воқеа шарҳини сўраб билгонида Мовароуниаҳр амирлари гуноҳкор бўлуб чиқдилар. Аларни девони олийда чўби ёсоқга еткурдилар. Мирзо Улугбекни эрса хитобу итоб мақомига еткузиб, жуда қаттиқ сўроқ қилди ва шаҳзода бир неча вақт безътибор қолди». Ҳа, ҳақиқатан ҳам Улугбек учун ўша кунлар жуда-жуда оғир бўлди. У бир ойдан ортиқ қули ишга бормай Регистондаги ўзи қурдирган хонақода дарвенилардек кун кечирди. Улугбек ўша кунлари деярли ўз-ўзи билан бўлди, туналарни бедор ўтказди, нималар хәёлидан кечмади, дейсиз унинг ўша кунлари. Наҳотки, ҳокимият тамом қўлдан кетган бўлса? Илож қанча, борди-ю, отаси ҳақиқатан ҳам уни ҳокимиятдан четлаштиrsa... Ҳеч бўлмаса унга расадхона қурилишига бориб ишлashinga халақит бермас. Кеча мавлоно Муҳаммад Ҳавофий унинг хузурида бўлганда, мадрасада риёзиётнинг ўқитилишидан кўнгли тўлмаётганлигини айтган эди. Балким, ўз мадрасасида оддийгина бир мударрис бўлиб қолар. Отаси буни манъ қилмас, балки... Лекин охири хайриятли бўлди. Ҳоқони сайд фарзандига қайтадан

мехру-шафқат қилди – Мовароуниаҳр билан Туркистонни унга қайтариб берди.

Үша йили куз бошида Төшкентта қўнимча куч юборилди. Лекин Бароқ ўғлон бундан хабар тоғган ҳамони Сигноқни ташлаб Дашиби қинчоқнинг ич-ичкарисига қараб қочган эди. Улугбек қўшинининг Сигноққа келган илгор қисми шаҳар ва унинг теварак-атрофии үзга лашкардан ҳоли тоиди...

Шоҳруҳ Самарқандда зулхижжанинг 14-си (1427 йил 6 октябр) га қадар турди...

Маглубият алами, отанинг ҳатто илонин ҳам пуст ташлатадиган аччиқ гаплари Улугбекка қаттиқ ботди. Отасини кузатиб қўйди-ю, бир неча кун давомида ҳеч кимга кўринмай, Боги чинорда кўрина-ёстиқ қилиб ётиб олди. Ҳозики замон мавлоно Нафис уни келиб кўриб: «мирзо бир қадар қабзият бўлибдурлаар, ишиоолло согайиб кетгай», деб унинг яқинларини юпантирди.

Улугбек бир оз үзига келиб саройга қайтгандан кейин ҳам давлат иниларига кўн рагбат қилмай қўйди, кечалари илм билан, кундузлари эса расадхона қурилини билан боғлиқ инилар билан банд бўлди. Лекин, Сотуқхон билан амирлар уни ҳоли-жонига қўймай, янги ҳарбий юришларга гиж-гижлай бошладилар. Бир куни ўна Сотуқхон Улугбек-ка ган қотди:

— Надари бузрукворингиз, мирзом, бетоб бўлишлари-га қарамай, Мовароуниаҳрдин Хирига қойтуб боргон ҳамони, қўшин тўплаб Озарбайжонга, амир туркманлар устига қўни тортидур, онинг зафар қучуб қойтиши муқаррар. Шундог бир пайтда Сиз бирлан бизнинг бекор томониабин бўлуб, кўля қовунтуруб ўтиришимиз тўгри бўлмас, мирзо! Подиоҳи оламнинг қойтишларини биз ҳам бирон мақбул ини бирлан қорни олсоқ кўн яхши бўлмасму эркан, мирзо?

Улугбек лом-мим демади. Сотуқхон ортаси куни Ҳарий Малик билан Шайх Абу Саъидин подиоҳ, одигта бошлаб кирди. Яна уша ган, Шоҳруҳнинг қўнганини бирон ютуқ билан қарин олини бир баҳона эди, холое бу одамга. Аслида у Мўгулистон таҳтига куз тикаётган эди. Амирларнинг эса эртаю-кеч фикру-зинки мумай ўлжа орттириш эди... Охири бўлмади. Улар Улугбекни қилич осиб, от ўйнатинига кўндиридиар. 832 (1429) йили у Мўгулистонга, Увайсхон устига қўшин тортинига қарор қиласди, лекин бу инига Сотуқхоннинг узини мутасадди қилиб қўнди. Үзи шахсан арадаимади бу урунга. Несиқкул атрофида булган урунида Сотуқхон Увайсхонни ўлдириди-ю, лекин, барibir,

Мұгулистон таҳтини әгаллаб қололмади. Құп ўтмай, шаҳид этилған хөннинг тарафдорлари Сотуқхонни мамлакатдан қувиб солдилар. Сотуқхон Кошгар тарафға қараб қочди.

Хұкумат тенасига келған Эсон Бугахон (1428—1462) тез фурсатда Мұгулистоннинг бирлиги ва мустақиллігини тиклашға муваффақ бўлди. У Олабуқа ва Иссиккўл атрофида бир неча мустаҳкам қалъалар қурдириди ва ўша ердан туриб Фарғона, Сайрам ва Туркистоннинг қиншлекларига тез-тез бостириб кириб, халқини ғорат қилиб турди.

Темурийлар шундан кейин Кошгарни ҳам құлда тутиб қололмадилар. Юқорида тилга олғанимиз амир Худайдоддининг нағириаси, Оқсув ҳокими Саъид Али дүглот Улугбекнинг ўша мамлакатдаги ноиби амир Шоястам билан Кошгар учун қаттиқ урунди. 1435 йили Саъид Али етти минг отлиқ йигити билан Шарқий Туркистонга бостириб кирди ва Кошгар шаҳари ёнида бўлган шиддатли урунда амир Шоястамни маглубиятга учратди. «Тарихи Рашидий» китобининг муаллифи мирзо Мұхаммад Ҳайдар амир Шоястам урушга етти минг аскар билан чиққанини айтади. Муаррихнинг фикрича, Шоястамнинг маглубиятига узининг иштегидан тапқари, баъзи бир ҳарбий бошлиқларнинг хоинлиги ҳам сабаб бўлган. Улар жанг айни қизиган ва зафар насими амир Шоястамнинг тугига қараб эса бошлаган бир пайтда жанг майдонини ташлаб қочдилар. Шу боисдан бўлса керак, бу уруш тарихда «солой бегим» («Бегимиң ташлаб кетдилар») деган ном билан шуҳрат тонди. Үшанды амир Саъид Али дүглотнинг аскари Кошгарнинг теварак-атрофини беармон талаб кетди. Худди шундай ахвол кейинги йили ҳам тақрорланди. Бу сафар амир Шоястам талончиларга қарши курашиш у ёқда турсин, қалъанинг мустаҳкам девори орқасида мушукка ўхшаб писиб ётди, босқинчилар бўлса бундан фойдаланиб вилоятнинг кўп қиншлекларини беармон таладилар. Халқнинг ионини еб, отини миниб юрган мансабдорларнинг бу қадар иштегидан бора-бора ҳамманнинг жонига тегди. Кошгарликлар нима бўлса ҳам бунака ҳокимдан қутулиш кўйига тушдилар. Шу мақсад билан улар Самарқандга одам юбориб, Шоястамнинг устидан Улугбекка арз-дод қилдилар. Мирзо Улугбек амир Шоястамни мансабидан бўшатиб, ўрнига амир Нирмуҳаммадни тайин қилди. Лекин у ҳам ландовурликда Шоястамдан қолишмади, балки ортиб тушди. Келаси йили қинш кунларидан бирида мұгулистонлик оломон Кошгар сарҳадига яна бостириб кирганларида амир Нирмуҳаммад икки

қулогига пахта тиқиб, күзларини юмиб олди ва ҳатто горатгарлар сурон солиб Кошгар останаларида пайдо бўлганиларида ҳам пинагини бузмай ётаверди. Шуниси ачинарлики, амир Пирмуҳаммад горатгарлар Кошгар сарҳадига яқинлашиб қолгани ҳақида хабар олиниши билан, шаҳар теварагидаги узоқ-яқин қишлоқларда истиқомат қилиб турган бадавлат ва нуфузли одамларни болачаси ва кўч-кўрони билан қалъя ичига кўчиртириб олиб ўтди. Бу билан уларни ёвнинг талон ва таъқибидан асраб қолди. Қора халқ бўлса ўз холига ташлаб қўйилди. «Бойбойга боқар, сув сойга» деган мақол бежиз эмас экан-да! Горатгарларга бу қўл келди. Улар бу сафар ҳам Кошгар атрофини истаганча таладилар, ҳеч ким қаршилик кўрсатмаганидан кейин шаҳарга кўз тикдилар ва уни қурновга олдилар. Амир Пирмуҳаммад бўлса арк деворидан бош чиқармади, қўлини совуқ сувга ҳам урмади. Охири халқнинг сабр косаси тўлиб-тошди. Яхши еб-ичиш, ҳамён тулдиришдан бошқа парсага қодир бўлмаган ҳокимнинг баҳридан ўтишдан бошиқа илож тоимадилар. Улар бу сафар Самарқандга одам юбориб овора бўлиб ҳам ўтирамадилар. Кошгарликлар хожа Муҳаммад Шариф исемли бообру бир зотни ўртага қўйиб мўгуллар билан сулҳ туздилар, амир Пирмуҳаммадни эса қўл-оёгини boglab мўгуллар бошлигининг қароргоҳига олиб бориб бердилар. Амир Саъид Али уни ўлдирди ва жўнгина Кошгардай бой ва азим шаҳарни қўлга киритиб олди. Шу тариқа 840 (1436—37) йилдан бошлаб Кошгар вилояти яна Мўгулистанга қўниб олинди. Амир Саъид Али бу ўлкани то вафотига (1458 й.) қадар қарийб йигирма бир йил давомида идора қилди.

XV асрнинг 30—40-йилларида Шоҳруҳ билан Улуғбекка икки кучли кўчманчи давлат: Дашиб қишилоғининг шарқий қисимида истиқомат қилувчи халқлар ва элатларни ўзига бўйсундирган Абулхайрхон (1428—1468) ҳамда Озарбайжон ва Йроқда ўз ҳукмронлигини урнатган Қора қўюнлилар сулоласининг кўзга кўринган намояндаларидан Искандар (1420—1438) ҳамда Жаҳонноҳ (1438—1467) билан кураш олиб боришга тугри келди.

Шоҳруҳ Искандарга қарини уч бор (1429, 1430, 1435 йиллари) қушини тортиди. Лекин бирон марта ҳам жиддий тўқишашув бўлмади уларнинг уртасида. Қора қўюнлилар ҳар гал Шоҳруҳ Озарбайжон сарҳадида пайдо бўлганида унинг кўнсонли қўшинига тоб беролмай, мамлакат ичкарисига чекинар, кейин элчи ва катта совга-салом юбориб сулҳ сўрарди, бундан бери «бўйни-

мизни итоат халқасидин чиқармагаймиз», деб қасам ичардилар. Шоҳруҳ Озарбайжондан чиқиб кетиши била-ноқ, кўп ўтмай, ҳали Шоҳруҳ Ҳиротга етиб бормай туриб, яна исён кўтарардилар. Охири бўлмади. Шоҳруҳнинг қора қуюнлиларни итоат доирасида тутишга мадори келмади. Шунинг учун ҳам 1438 йили у эндиғина подшоҳ кўтарилиган Жаҳоншоҳнинг Ҳиротга келган әлчиларига Озарбайжон билан Ироқнинг мустақиллигини таниганигини эътироф қилишга мажбур бўлди.

Абулҳайрхон ва Даشت қинчоқ кўчманчилари билан кураш ҳам Шоҳруҳ билан Улугбек учун осон бўлмади. Кўчманчилар ҳар йили, айниқса қиши фаслида, Моваро-униҳарнинг ички ноҳияларига бостириб кирав ва ўтроқ аҳолини талон-тарож қилиб кетардилар. Бунга, асосан ем-хашак таңқислигидан чорвани боқиши қийин бўлиб қолиши, одамларнинг емиш ва кийим-кечакдан қийналиб қолиши сабаб бўларди. Масалан, 1431 ва 1435 йиллари кўчманчилар икки марта уша Абулҳайрхон етакчилигига Хоразмга бостириб кирдилар ва унинг гарби-шимолий қисмини Урганч билан қўшиб, ўзларига бўйсундирдилар. Йирик тарихшунос олим академик В. В. Бартольд (1869–1930) кўчманчиларнинг бу юришдан кузатган бирдан-бир мақсади ўлкани талон-тарож қилиш ва катта ўлжা ортиришдан иборат эди, деб ёзган. Лекин, уша замонлардан қолган тарихий китобларда бу хусусда сал бошқача гап бор. Масалан, «Тарихи Абулҳайрхоний» номли китобда келтирилиган матълумотларга қараганда, Абулҳайрхоннинг Хоразмга қилган юришдан кузатган асосий мақсади уни бўйсундирин ва кўчманчи ўзбеклар давлати таркибиға қўшиб олишдан иборат эканлиги яққол кўриниб турибди. Уша вақтда Хоразмни юқорида номи кўп марта тилга олинган амир Шоҳмаликнинг ўғли амир Иброҳим идора қилиб туарди. Абулҳайрхон 1431 йили Хоразмга бостириб кирганда, амир Иброҳим нимагадир унга астойдил қаршилик қилмади. «Баҳр ул-асор» китобининг муаллифи Маҳмуд иби Вали бу ҳақда қизиқ матълумот келтирган. Мана унинг айтгани: «Абулҳайрхон ғалъага элчи юборуб, амир Иброҳимдин шаҳарни яхшилик бирлан тобшурини талаб қилди. Амир Иброҳим булса онинг талабини рад этди. Шаҳар аслзодалари ҳамда руҳонийларнинг боплиқлари пировардида они қаршилик кўрсатмай шаҳарни хонга тобшуришга мажбур қилғонлар». Қандай бўлмасин, амир Иброҳим Урганчини ташлаб Кот ва Хива тарафларига қочиб кетди. Шу тариқа Хоразм Абулҳайрхоннинг қўлига ўтиб қолди «Тарихи Абулҳайр-

хоний» китобининг саҳифаларида яна мана буларни ўқијимиз: «Абулҳайрхон Хоразм ишғол этилғондин сўнг аввал ўтган подшоҳлар не-не машаққат бирлан жамгаргон хазинанинг эшикларини очишни буюрди, сўнгра икки мұтабар амирни хазина эшиклари ёнига ўтиргиздилар. Сунгра хоннинг барча умароси, мулозимлари ва лашкарга «иккита-иккитадин бўлуб хазинага кирсунлар ва ундоғи дираим ва зарру-жавоҳирдин хамёнларига сиққонича олсунлар», деб буюрди. Алар хазинадин қонча истасалар шунча олдилар, ҳамма бирдин ганий булюб қолди...»

Қорақүонлилар ва Дашиби қинчоқ кўчманчиларининг Хурросон ва Мовароуннаҳр сарҳадларида жонланиб қолиши ҳам ташвишли эди. Лекин на Шоҳруҳ ва на Улуғбек уларга бас келиш имконига эга эмасдилар. 1427 йили Бароқхон билан бўлган воқеа ҳали Улуғбекнинг эсидан чиқмаганди.

Ҳарҳолда Хоразмда бўлиб ўтган воқеа Шоҳруҳни бирмунча ранжитди. Буни Улуғбекнинг давлат ишларига беътиборлиги ва сусткашлигидан ҳам кўрди. 835 йили жумоди ул-аввал ойининг урталари (1432 йил январ ўртаси) да Сараҳса қинслаб турганида Улуғбекни чақиришиб олди. Аввалида, ҳамманинг олдида, ўглини багрига босиб, дастурхон устида серилтифот бўлди. Лекин, олий ўрдудагилар тарқаб, ота-бала ёлгиз қолганларида бирдан подшоҳнинг қовоқлари осилиб, ўглини итобга олди:

- Хоразмда нелар бўлғонидин огоҳдурсиз, мирзо?
- Ҳа, шундай отажон. Туркистон сарҳадларидин хавотир олуб, амир Иброҳимга кўмак юборолмадук.
- Дашиби қинчоқ тарафлариции осмонда зог-ног кўрунмадиму, ё они Талли расаддин кўриб бўлмасму эркан!?

Улуғбек бошини ҳам қилиб гандан қолишидан бошقا чора тополмади. Нима ҳам дерди? Отаси ҳамма нарсадан хабардор. Ҳақиқатан ҳам илм билан тамоман банд бўлиб кетибди; Хоразм у ёқда турсин, саройга ҳам кам борадиган бўлиб қолгаңди у.

Шоҳруҳ амир Иброҳимга ёрдамга аскар юбормагани учун ўша кечә ўглини кўп койиди, эрталабки нонушта вақтида эса, Улуғбек Сараҳса келмасдан сал илгари Ҳиротдан чақиришиб келтирилган Бойсунгур мирзога ортиқроқ илтифот кўрсатиб, сермулозамат бўлди. Гап орасида ундан сўраган бўлди:

- Амирзода, Самарқандда бўлмагонингизга ҳам анча бўлгоидур?
- Анча бўлди чоги, отажон.— Бойсунгур бир отасига, бир оғасига кўз ташлади.

Бу тадор ташиниң магзиниң маңын қийин әмәди. Улугбек отаси ишмега шама қылаёттанини яхни айтлади. У яна ишариги табирии құллади.

Улугбек Самарқандға матъюе ва туникүп бир ахволда қайтди. Сиқилаверіб тез-тез оғрийдігап бұлды. Шу-шу бұлды-ю, у ҳаммавақт матъюе ва камсұхан бұлғып юрадиган бўлиб қолди. Мирзо Улугбек хафаҳонлик касалига чалиниб қолди.

«Подиоҳдининг уч түрт күнлик дабдабаси шунаңа бўларкан. Шу билан тугаса-ку нур устига аъло нур»,— деди у бир куни ўзига-ўзи. От устида қилич чониб ўтказган умрига ачинди, нега аввалроқ таҳт деб аталмии бу дабдабали курсини Мұҳаммад Жұккійгамп, Бойсунгургами бўшатиб бермаганинга ачинди. Өсөнз бекорга ўтган умр! Илмий ишлари айча ишарилаган бўларди-я.

Учинчи боб

ЖАҲОН ИЧРА ЗЕБ

Хоқони саид Шоҳмаликни бирга олиб Ҳуросонга жунаб кетган куннинг эртаси Мирзо Улугбек вазири аъзам хожа Насируддин Насрулло Ҳавофий, катта амирлардан Аргуншоҳ, Таваккал барлос ва Ҳамза чуҳра оқосини бирга олиб шаҳар айлангани чиқди. Тўғри, Улугбек шаҳарни илгари ҳам кўп бор сайр қилган, унинг катта-кичик кўчаларини яхши биларди. Лекин бугунгиси бошқача. Бугун у шаҳарни подшоҳ сифатида, шаҳарнинг ҳақиқий эгаси бўлиб айланади, негаки ахир у бир умр орзиқиб кутган кун ҳам келди-ку, орзу-умиди рӯёбга чиқди-ку. У энди соҳиби тоҷ, Мовароуниаҳр ва Туркистон ҳукмдори...

Подшоҳнинг навкари қаср дарвозасидан чиққандан офтоб икки найза баландликка қўтарилиб қолган эди. Ўша куни улар шаҳарнинг эътиборга сазовор жойларининг ҳаммасини бориб кўрдилар, Қуссам ибн Аббос, хожа Муҳаммад санграсон, шайх Абу Мансур Мотуридий, хожа Абди дарун ва хожа Абди бирун мозорларини, Гўри Амир, Руҳобод ва бошқа мозорларни зиёрат қилдилар. Шаҳар, айниқса бобосининг улкан Жомеъ масжиди ва Шоҳи Зиндадаги зўр дид ва санъат билан қурилган муҳташам мақбаралар Улугбекда бу сафар бошқача таассурот қолдирди. Бобосига ҳаваси келди. Шунақа ишлар қилиш унга ҳам насиб бўлармикин? Одам-ку топилади, чандаст усталар ҳам йўқ эмас, лекин бунга катта сармоя керак. Уни хозир қаердан олади? Ҳазина бўм-бўш, унда ҳеч вақо йўқ, Ҳалил Султон ўз вақтида кемириб бўлган экан уни. Улугбек ўзига далда берди: «Йўқ, руҳан тушма, бардам бўл, Улугбек! Нима қилиб бўлса ҳам улуғ бобонгнинг қурувчилик ишларини давом эттуурсен. Бу ишни ушбу йил бўлмаса, келаси йил, яна бўлмаса ондин кейинги йил бошлаб юборурсен. Қандай бўлмасун бу катта ишни қилиш даркор. Ахир, ном-нишонсиз ўтган одам одам бўладиму? Тожу тахт, олий мансаб соҳиби бўлгун киши учун эрса

самарасиз дараҳт бўлуб ўтиш уят бўлгай». Шунақа ўй-хаёл билан Чорсу бозорига бориб қолганларини ҳам сезмай қолди у.

Чорсу бозори шаҳарининг энг катта бозори бўлиб, ҳамиша одам билан гавжум. Савдо дўконлари турли-туман матолар: кирбос, парча, кўк туслик баҳмал, фата, атлас, таргу, дибо, қолин, зулуча ва бошқа анвойи моллар, улардан тикилган турли-туман кийим-кечак билан тўла. Расталарда эса Самарқанд боғларида етиштирилган анвойи ноз-неъматлар, тармева ва турли-туман ширинилклар, жаҳонга машхур Самарқанд ионлари: оби, пўлотий, ширмойи, седана пайванд, иони заргарон, иони осиёйи.. Бозорни чор атрофдан ўраб турган қатор-қатор михчагарлик, мистарлик, кулолчилик, сангтарошлиқ, махсидузлик, најжорлик, саххофлик, заргарлик ва бошқа дўконларни айтмайсизми. Бу дўконларда ўй-рўзгор учун зарур бўлган ҳамма нарса, заргарлик буюмлари ва зеб-зийнат моллари, жаҳонга шуҳрати кетган тилларанг, ҳаворанг ва ложувард бўёклар... Оби раҳмат ариги устига қурилган қоғоз жувозларида ишлаб чиқарилаётган турли павъ қоғозлар билан савдо қилувчи дўконлар ҳам бор. Алоҳида дўкон очиб ўлтирган ҳушиавис мушкинцалам хаттотлар, китоб варақларига тилло суви ва турли павъ бўёклар билан жило бериб ўлтирган наққошлар ва лаввоҳларни, китобларни зўр санъат билан муқовалаб ўлтирган саххофларни айтмайсизми. Ошхоналарда пиширилаётган турли-туман таомлар-чи?..

Ҳа, ҳақиқатан ҳам Самарқанд обод ва тўқ шаҳар эди. Маҳмуд Кошгарий уни Семизкент деб бежиз айтмаган экан...

Улугбек пойтахтининг умумий аҳволидан қониқиши ҳосил қилди. Шаҳарининг ободонлигига бир томондан хунармандчилик, савдо-сотик ҳамда зироатчиликнинг бирмунча ривож топганлиги, иккинчи тарафдан эса Амир Темурнинг 1386 йилдан бошлаб Эрон, Озарбайжон, Ироқ, Туркия ва Ҳиндистон заминида олиб борган зафарли уруслари орқасида тўплаган беҳисоб бойлиги, ўша юртлардан ҳайдаб келинган қўли гул иморат усталари ҳам сабабчи бўлишди, албатта. Улар самарқандлик, кешлик, буҳоролик ва хоразмлик меъморлар, сангтарошлар, ёғочсозлар, гилкорлар ва наққошлар билан ёйма-ён туриб, Самарқанд, Бухоро, Фиждувон, Кеп ва Мовароуниҳарнинг бошқа шаҳарларида масжиду-мадрасалар, муҳташам қасрлар, ҳаммоллар, карвонсарайлар бино қилдилар. Лекин барибир, ҳали қилинадиган ишлар кўн эди. Қолаверса,

соҳибцирон бошлаб қўйган баъзи иморатлар охиригача битказилмай қоалганди. Буларни ҳам битказини Улугбекнинг зиммасига тушди.

«Қилинатурғон ишларни бир режалаб олиш зарурга ўхшайдур», — деди у ўз-ўзига.

Рұхободни — Бурхониддин Согаржийнинг мозорини зиёрат қилиб турғанларида Улугбекнинг хаёлидан устози мавлоно Бадриддин кечди. Мавлоно шу яқин атрофда, Ҳон Саид имом маҳалласида истиқомат қиласарди. Бир неча йил бўлдики, фалаж дардига мубтало бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам кўпдан бери кўча-кўйга чиқмай ётиб қолди. Улугбек уни шу бугун, сайдан қайтишида кўриб ўтишини кўнглидан ўтказиб қўйди, чунки Улугбекнинг бирон иш бошлашдан аввал шу одам билан кенгашадиган одати бор эди. Сайдан қайтишида йўлда ҳамроҳларига ижозат бериб, хос мулозими ва қурчилар билан отининг жиловици Ҳон Саид имом маҳалласига бурди. Мавлононинг каталакдек ҳовлиси Ҳон Саид имом мозорининг ёнгинасида, Наводон чанимасининг бўйида эди. Дарвоза одатдагидек очиқ, мавлоно уни ичидан занжирлатмасди, чунки зиёрат қилиб келиб-кетувчилар кўн эди ва, иккинчидан, ўгри зоти оралаб қолгудай бўлса мавлононинг ўйида китобдан бошқа кўлга илингудай нарсаси йўқ эди...

Уй соҳиби ўша куни ёлгиз эмас экан. Подиоҳ шу бугун кечқурун кўрмоқчи бўлган одамларидан баъзилари, масалан, мавлоно Афзалуддин Кеший, шайхулислом хожа Исомиддин ва хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий ҳам шу ерда эканлар. Улар ҳам шу бугун беморни йўқлаб келингган эканлар. Бемордан бошқа ҳамма ўринидан туриб подшоҳни қарши олишиди.

— Қадамларига ҳасонот, мирзом. Сизни қайси шамол учуриб келди каминайи хокисорининг кулбайи вайронасига? — Мавлоно Бадриддин шогирдини кўриб ичига сигмади.

— Йўқ-йўқ, уринмангиз устоз. — Улугбек устозининг қаршиисида тиз чўкди. Устоз билан шогирд бир-бирларини согинишган эканлар, қучоқланиб куринидилар. Шоҳруҳ Самарқандга келгандай бери фурсат мусоидати этмай улар кўришолмаган әдилар. Сўнг Улугбек устозини елкасидан тутиб оҳистагина ўринига ётқизиб, ўринига бориб ўтириди.

Фотиҳадан кейин улар ҳол-аҳвол суранидилар, бир оз омади гаплардан гаплашиб ўтиридилар, сўнг Улугбек айни муддаога кўчиб қўяқолди — кўн ўтириб беморни ҳоритиб кўйини одобдан эмасди.

— Фақир ҳаммаларингизни ушибу кун йўқлаб туриб

эрдим, мана пият холис эркан бахтли соатда учрашдик.
Маслаҳатлик иш чиқиб қолди.

Үтирганлар «Қандай иш эркан», деб бир подиоҳга,
бир мавлоно Бадриддинга тикилдилар.

Улугбек сўзида давом этди:

— Биз ушбу кун доруссалтанани яна бир бор кўздин
кечуриб чиқдик, азиз-авлиёларнинг мозорларини зиёрат
қилдик. Самарқанди фирмавсмонанд улуғ бобомизнинг
саъий ҳаракатлари бирлан күн ободон бўлган эркан.

— Шундоқ, аълоҳазрат.

Шайхулислом Исомиддин қўлларини қўксига қўйиб
подшоҳнинг бу гапларини маъқуллади.

— Локин, қилинадургон юмушлар ҳали борға уҳшай-
дур.— Улугбек бир дафъа сукут сақлади, ултирганларга
бир-бир кўз ташлаб чиқди, сўнг, ҳамманинг юзида
хайриҳоҳлик ва тараддуд аломатларини кўриб, сўзида
давом этди:

— Биз ҳам ўзимиздан бирон ёдгорлик қолдирсанак, деган
ният қилғон эрдик.

— Ҳазратимнинг ниятларига тангри таоло ёр бўлгай!

Мавлоно Афзалуддин Қепший қўлларини дуога очди.
Бошқалар унга эргашдилар.

Мавлоно Бадриддин оҳиста гапга аралашибди:

— Муборак ниятларини билсак бўлурму, мирзо?

— Ори, устоз. Агар муҳтарам жамоа маъқул деб топса,
аркон давлат ҳам қувватласа, Самарқандда расадхона бино
қилсанак, деб эрдим.

— Баракалло, айни муддао эрур бу.

Мавлоно Бадриддиннинг қўзлари ёришиб, юзида
хурсандчилик, миннатдорчилик аломатлари пайдо булди,
овози ҳам бир қадар жонлангандек булди. Бир оз сукутдан
кейин сўзида давом этди:

— Локин, дин пешволари бунга не дер эрканлар?

Мавлоно Бадриддиннинг бу сўzlари унинг бош тарафи-
да ултирган шайхулисломга тегишли эди. Мавлоно
Исомиддин кутдириб қўймади:

— Авваламбор, подшоҳнинг амири барчамиз учун
вожиб эрур. Бу барчага аёндур. Сониян, Самарқанд қиби
шаҳри азим учун расадхона ҳам зарур, локин, аълоҳазрат
бизни айбга буюрмасалар, банда кўнгилга келгон бир гап-
ни айтсан.

Улугбек бир оз тараддудга тушди:

— Сўйланг, қулогим сизда, мавлоно.

Шайхулислом қуллук қилди, сўнг сўзида давом этди:

— Дин пешволари орасида жаноби мухтасиб Сайид

Ониқ бирлан Низомуддин Хомуш жаноблари ва яна хожа Мұхаммад Нурсо каби зотлар ҳам бордурким, алар бирлан ҳисоблашмай бўлмас. Шу важҳдин қурилишлар аввал бирон масжид, ё бўлмаса мадрасадин бошланса деб эрдим. Сирасини олgonда масжид ҳам, мадраса ҳам аҳли мўмин учун илму-маърифат ўчоги-ку, локин...

Шайхулислом шу ерда тўхтади ва «не дейсизлар?» дегандай ултирганиларга бир-бир қараб чиқди.

Лекин бошқалар бир нима демадилар. Мавлоно Бадриддин Шайхулисломнинг фикрини маъқул тоиди. Шундан кейин бир вақтгача орага сукут чукди. Сукутни Улугбекнинг узи бузди.

— Маъқул, тақсир. Қурилишин масжиду мадрасадан бошлагаймиз. Инишоолло бир эрмас, балки икки-уч мадраса бунёд қилурмиз.

Шу билан қурилишин нимадан бошлаш хусусидаги баҳе хатм тоиди, сўнг қадрдоnlар яна бир оз ўёқ-буёқдан гаплашиб ўлтиришиди, кейин соҳиби хонага сиҳат-саломатлик ва эсон-омонлиқ тилаб ўринларидан турдилар.

Ўша куни кечқурун аркон давлат, умаро, вузаро, аъзлам, шайхулислом, қози қалон ва Самарқанднинг бошқа казо-казолари саройга чақиртирилди. Таклиф қилинганилар орасида нақшбандия тариқатининг кўзга кўринган намояндадаридан Низомуддин Хомуш ҳам бор эдилар.

Мажлисга йигилганилар бирин-кетин Мирзо Улугбекни тожу-тахт билан муборакбод қилдилар. Дуо-фотиҳадан сўнг Амир Темур вафотидан кейин узоқ йиллар давом этган уруш туфайли эл-юртнинг тирикчилиги оғирлашгани ва уни тузатиш билан бөглиқ масалалар устида сўзланидилар. Шундан кейин, подшохнинг имо-ишорати билан вазири аъзам сўз бошлиди:

— Мұхтарам ямоага маълумким, Ҳалил Султон баҳодир подиоглиги замонида юртнинг эмпу-омонлиги бузилди, рааёт ва барёенинг боши урушидин чиқмади. Анинг оқибати эрса яхни бўлмади: зироат дуруст битмади, косиблар ва аҳли савдоининг иши ривож тоимади. Бозорда нарх-наво бирмунча кутарилгои. Боз анинг устига мазкур султон солиқларни ҳам ошуруб кетди.

Шу ерда унинг ганига хазинадор араланди:

— Султон Ҳалилдин кейин хазонани омирида бир фулус ҳам оқча қолмоган, ҳозир ҳам анинг чуғи паст.

Вазири аъзам иқтисодий аҳволни тузатини хусусида узи билган баъзи чора-тадбирлар хусусида ганирди. Лекин унинг солиқларни бир оз ошириш йўли билан хазина-

ни тұлдиріш борасыда қылған тақлифии подиоқ қатый ғард этди. Ү бөшқа чоралар қидириб тоныш зарурлыгини айтди.

Иқтисодий ақвол хусусида Муставфий ал-мамолик ҳам күп гапларни айтди. Шупдан кейин бир дағға орага сукунат чүкди. Улугбек мажлис ахлиши бир-бир нигоҳидан ўтқазды — ҳамма бошини қуии солтганича жим ўлтирарди. Улар ёш подиоқ бу борада үзининг охирги фикрини айтишини кутаётган әдилар. Буни Улугбек илғаб олди.

— Айтилатургон гаплар айтиб бұлунди, әмди аниңнан чорасини қидирмоқ лозим. Чора тезроқ тоцилмаса, әл-юрт интизомга келмас, расадхона түгүл таҳоратхона ҳам қуриб бўлмас.

Үртага яна сукут чүкди. Сўнг подиоқ масалага якун ясади.

— Агар жанобларининг бошқа айтилатургон гаплари бўлмаса вазири аъзам бирлан Муставфий ал-мамоликдин илтимос қылсакким, мазкур жаноблар девони молдаги барча масъул кишиларни ва дафтордорларни ёнларига олиб, олиқ-солиқни низомга солини борасыда, бозорда нарх-навони тартибга келтириш хусусида маҳсус мисол ҳозирласалар. Ҳар жаридин олинатургон хирож ёки ушрнинг миқдори аниқ белгиланса, динор ва ҳатто фулуснинг вазни ҳам ўлчанса.

Муставфий ал-мамолик «бошқа солиқлар нима бўлади», деган маънода подиоҳга ер остидан бир қараб қўйди. Улугбек бунақа «ичимдагини тоң!» қабилида иш тутадиган одамларни ёқтирумас эди, шунинг учун уни жеркиб тащлади:

— Муддаонгизни очуқ айтсангиз бўлмасму эрди, жаноби Муставфий, нима, тилингизни кесиб олурмудик?!

Муставфий ал-мамолик қўрқиб кетганиданми, ёки бошқа вайҳданми, жавобига бир нима дей олмади. оғзига талқон солиб олди, чамаси. Улугбек ҳам унга тикилганича нима дейишини билмай жим қолди. Боз, буниң устига ўй сурисиб кетди. Мовароунинаҳрга қатый тайин қилинганинг учинчи куни (1411 йил) ёз бошларида ёнига ана шу ҳозир ер чизиб ўлтирган муставфий ал-мамоликни олиб әртадан кечгача шаҳар айланди. Улар бозорларни ва гузарларни кездилар, қаландархона ва чойхоналарда бўлдилар. Подиоқ билан девони Муставфийнинг бошлиги одмигина либосда бўлғапликлари учун уларни бирон кимса ганимади. Ҳақиқатан ҳам бозорда нарх-наво кутарилган, теварак-атрофдан бозорга мол олиб келган дехқонлар

закотчиларни қаргаб-шилгардилар, харидорлар эса нархнавонинг баландлигидан нолирдилар:

— Ноинсофлар! Эски одатларини тарк этмабдурлар, ҳали кўк нули, ҳали гўза нули деб келавериб тинкамизни қуритдилар.

— Оқчанинг ҳам қадри йўқ. Бу аҳволда яқин орада хонавайрон бўлишимиз турғон гап.

— Хирожнинг миқдори ортиб бораётганини айтмайсиз? Бойлар билан эшопларнинг ерлари серунум, серсув, локин алар фақат даҳик тўлайдурлар, биз бечоралар эрсак ҳосилнинг учдин бир қисмини подиоҳнинг закотчисига тобинуришга мажбурмиз.

— Подиоҳ давлат ишларига кам эътибор бўлғондин кейин аҳвол бундин ўзга бўлурму?

Улугбек билан Муставфий ал-мамолик бозорда ҳам, чойхоналарда ҳам, гузарларда ҳам шунаقا ва шунга ўхшашибапларни эшитишди. Дашиомлар, айниқса, Улугбекнинг жон-жонидан ўтиб кетди. У бир аҳволда саройга қайди, кечки овқатдан кейин китобдорни чақиртири ва давлат ишларини бошқарин масалаларига оид бирон рисола бўлса тониб қелтиришни буюрди. Ҳаял ўтмай китобдор подиоҳнинг олдига учта китоб олиб кирди. Булардан бири Носируддин Тусийнинг Элхонийларнинг молия ишларига тегишли рисоласи, иккинчиси Муҳаммад ибн Ҳиндуюшоҳ Нахичевонийнинг «Дастур ал-котиб фи таъйин ал-маротиб» («Мансабдорларнинг мартабаларини белгилашда котибларга қўлланма») ва, ниҳоят, учинчиси Абдулла ибн Муҳаммад Мозандаронийнинг «Рисолайи фалакия»си эди. Улугбек бу китобларни бир ой деганда ўқиб чиқди. Китоблар унга маъқул бўлди. Амир Темур замонида ҳам девон хизматчилари бу қўлланмаларга таяниб иш тутишган, лекин Ҳалил Султон даврига келиб мансабдорлар қуюшқондан чиқиб кетган эдилар. Улугбек бу иллат ҳозир ҳам давом этаётганини биларди, лекин унга барҳам бериш учун ҳали кўп ишлар қилинга тўғри келарди. Аммо, баҳтга қарни, бундан сал илгари унинг икқала қули ҳам бояланган — мамлакатнинг жилови амир Шоҳмаликнинг қулида эди. Тўғри, Шоҳмалик йўқ, энди давлат жилови унинг қулида. Лекин барибир буни бирдан тузатиб бўлмасди. Шунинг учун ҳам Улугбек ўша йигилишда айни муддаони айтиб қўя қолди;

— Улар бобомиз замонида амалда бўлғон барча олиқсолиқлар ўз ҳолича қолур, локин омиллар ва закотчилар

устидин назоратни кучайтироқ зарур. Ҳа, айтгонча, боиқа солиқ ва икарималар қатори томғо ҳам сақлангай.

Шу ерда амирлардан баъзилари алланечук бўлиб кетдилар, чунки уларнинг ҳам савдо-сотиқ билан алоқалари бор эди-да!

Кенгаш охирида Улугбек Самарқанд билан Моваро-униаҳрининг боиқа шаҳарларини ободонлаштириши хусусидаги режасини ўртага ташлади. Булар ҳам ишин масжид, мадраса ва хонақоҳлар қуришдан, мозорларни обод қилишдан бошлиш кераклигини айтдилар. Улугбек нима ҳам дея оларди. Ўша замонларда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ислом ва мусулмон руҳонийларининг нуфузи катта эди. Бундан ташқари, подшоҳнинг ўзи ҳам мусулмон фарзанди, мўмин-мусулмонларга подшоҳ эди. «Хайр, майли,— деди у ўз ўзига,— расадхона зарурроқ эрди, лекин масжид бирлан мадраса ҳам ҳарҳолда илм-маърифат ўчоги-ку. Доги масжиднинг самтини мунахжим тариқида қурса бўлмасму?»

Хулласи қалом, қурилиш иншларини яқин икки-уч йил ичиди бошлиб юбориши, унга ҳозирликни эса келаси йили наврӯзи оламда бошлишга қарор қилинди...

Орадан бир ой ўтгач, хирож ва ушрининг ҳажми ҳам аниқ белгиланди. Түрт харвор галла етиширишга қодир бўлган бир жарип ердан олипадиган хирожнинг миқдори тўрт доңг фулусий миқдорида белгиланди. Подшоҳнинг бу ҳақдаги фармони барча вилоятларга жўнатилди. Янги нул ҳам зарб қилинди. Бу нул «фулуси адания» номи билан шуҳрат топди...

Улугбек сўзининг устидан чиқди. У ҳақиқатан ҳам бир эмас, уч мадраса қурдирди. Булардан бири Бухоройи шарифда (1417 йили битказилди), иккичи Самарқанди фирдавсемонандда (1417—1420 йиллар орасида қурилди), учинчие эса Гиждувида (1433 йили) бунёд этилди. Булардан энг каттаси Самарқандда қурилган мадраса эди. Бир тарихий китобда мадрасага мана бундай таъриф берилган: «Мадрасанинг тоғ шукуҳи ҳайъати усту-хонбанд мустаҳкамлигидин' фалак биносидин тинчликни олгои, юксаклик иккити бўлмиши азаматнишон пешитоқи оғирлигидин еру замонига виззила солгои, ачинг олий дарайкаларлик қунгираларини қудрат устаси фалак айвонининг муҳарраскорлиги бирлан бир хида ясагои, ложувард коиниларини қазо наққон фалакнинг чароғон юлдузлари бирлан бир тартибда нақни қилиуб, аларга дарҳадор қилгои; қуёш каби жилваси, зарнитор нақнлари гузал фалак тунбази бирла ҳамвази эрди». Мадраса икки қаватлик

булиб, эллик нафар ҳужраси бор эди. Ҳар бир ҳужра уч хонадан: қазиоқ, ётоқхона ва дарсхонадан иборат эди. Тарихий манбаларда сақланган маълумотларга қараганда Улугбекнинг Самарқанддаги мадрасасида юздан ортиқ талаба истиқомат қилган ва таълим олган. Мадрасага ўша замоннинг иқтидорли олимларидан мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Хавофий бош мударрис бўлган. XVI аср бошларида ўтган машҳур адаб Зайнуддин Васифийнинг «Бадои-ул-вақоиъ» деган китобида диққатга сазовор мана бу ҳикоят бор: «Мадраса қурилини итмомига етгач, анинг сахнида катта йигин бўлди. Йигинга Улугбек Мирзо ҳам ташриф буюрдилар. Йигилгонлар андин «мадрасанинг биринчи мударриси ким бўладур», деб сўрагонларида Улугбек Мирзо «барча илмларнинг саромади бўлгон киши ушбу мадрасага мударрис этиб тайинланур», деб жавоб қилдилар. Ушбу йигинда ҳозир бўлгон ва гишт уюми устида жулдир кийимда ўлтургон бир одам ўриидин даст туриб мирзога таъзим қилди ва «ушбу мартабага мен муносибдурмен», деди. Улугбек Мирзо ани имтиҳон қилди, илму камолатига ишонч ҳосил қилгач, ани ҳаммомга олиб бориб ювиб-тараб, кийинтиришиларини буюрдилар. Мадраса очилғон куни мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Хавофий мударрис ўриида биринчи дарсни ўқидилар. Дарсда олимлардин тўқсан нафари ҳозир бўлгон эрдилар, локин дарснинг маънисига Улугбек Мирзо бирлан Қозизода Румийдин бопқа ҳеч ким тушунмади».

Мадрасанинг кун юриш тарафида Улугбек Мирзо хонақоҳ (1424 й.) ва муқаттаъ деб аталмиш ажойиб бир масжид ҳам қурдирди. Мирзо Улугбек қурдирган бинолар хусусида «Бобурнома»да мана бу қимматли маълумотлар бор:

«Хонақоҳнинг гумбази бисёр улуг гумбаздур, оламда онча улуг гумбаз ўйқ деб нишон берурлар... яна бу мадрасанинг жанубида бир масжид солибтур, масжиди муқаттаъ дерлар. Бу жиҳатдин муқаттаъ дерларким, қитъа-қитъа йигочларни тарош қилиб, ислимий ва хитоий нақшлар солибтурлар, тамом деворлари ва сақфи ушбу йўсунлуктур».

Улугбек ният қилган катта қурилишлар 1424 йили бошлианди. Одатдагидек бу ишларга наврузи оламдан киришилди. Ажам ҳалқи орасида қадимдан келган одат шундай. Шарқда қадим-қадим замонлардан кун ишлар, деҳқончилик ҳам, катта-кичик қурилишлар ҳам шу айёmdan бошлианди. Наврӯз одатда фарвардин ойининг биринчисига (ҳамал ойининг биринчи кунига, ҳозирда

расем бўлган тақвим бўйича эса март ойининг 21—22 кунларига) тўгри келади. Самарқандликларнинг кўнчилиги ушбу мұътабар айёмни шаҳарнинг шарқи-шимолий тарафида жойлашган Чўпон Ота манзилида кутиб олишга одатланишган. Чўпон Ота айниқса баҳор фаслида кўнтароватли ва ҳушманзара бўлади. Теварак-атрофи кўм-кўк бўлиб, арпаҳон, майса гуркираб ўсан, лолақизгалдоқ ва бошқа анвойи гуллар билан ястанган, ҳавоси дилга ором багишларди. Бу манзилгоҳ ўша пайтларда узоқдан қараганда худди гилам тўшалгандай туюларди. Чўпон Ота ҳар қачонгидан кўра Наврўз айёmlарида одам билан гавжум эди. Самарқанд ва музофотларнинг кўзга кўринган оқинлари, баҳшилари, шоирлари, мутрибу-ҳофизлари шу ерга тўпланишарди. Бугун ҳам шундай бўлди. Бир ерга дор тикилган, яна бир ерда кураш, сал қуироқдаги текислиқда улоқ... Хулласи қалом, катта сайлу тамошо авжига минганди.

Наврўзининг биринчи куни Мирзо Улугбек ҳам ўзига яқин одамлар: шайхулислом мавлоно Исомиддин, хожа Жалолиддин Фазлуллоҳ Абуллайсий, мавлоно Муъиниддин Кошифий, Гиёсиддин Жамшид Кошоний, Қозизода Румий, шуародан мавлоно Саккокий, хожа Абдулмўмин, мавлоно Бадахший ва бошқалар билан Чўпон Отага чиқишиди. Улар дастлаб тўшса-тўгри чўққига кўтарилдилар ва ўша ердаги Чўпон ота мозорини зиёрат қилдилар, сўнг Оби раҳмат ариги бўйига келиб тушдилар. Нақши жаҳон деб аталувчи бу манзил ер сатҳидан 20—21 метр баланд бўлиб, ундан чор атроф манзарасини бемалол томошаша қиласа бўларди. Баковуллар, фарронилар, хонсолорлар ва ўзга хизматкорлар кечадан бери шу ерда туриб базм анжомларини ҳозирлаб турган эканлар. Ариғ бўйига қаторасига тўртта катта-кичик сўри қўйилиб, шоҳона жой тўшалганди. Мирзо Улугбек билан унинг ҳамроҳлари катта сўридан жой олдилар. Хонсолорлар дастурхонни тўкин қилиб тўшашиди. Дастурхонда яхши асрарсанган қовун, тарвуз, олма, узум ва анордан тортиб, то ўриқ, шафтоли, гилос ва анжир мурабосигача, сумалакдан тортиб, то полуда, ҳолва ва пашмаккача ҳамма ноз-неъмат тортилган; каклик, бедана ва барра гўштидан тайёрланган турли-туман емишлар... Дастурхон устида маҳсус идишда ўстирилган, кўки бир яrim-икки қарич бўлиб қолган бугдой, арна, ловия, нўхат, маккажӯхори...

Хуллас, зиёфат ҳаддан зиёд қуюқ бўлди ва ярим кечага қадар давом этди. Сўриларнинг биридан ўрин олган мутриб ва ҳофизларнинг зўр маҳорат ва санъат билан ижро қилган

куй ва құниншары дізини симб бұлғып әрітді. Айниңса
хөфізлар ынқо қнаган мавлоно Әутфийинің мана бу
газали барчашынға сазовор бўлди:

Шамолу ҳусиншага сұз бүгін шафо керак булса.
Менин худ үлтирадурсен, раво керак булса.
Құнитай чу булмайни ўз ҳадшин сени севди.
Бало-у тусса бирда мубтало керак булса.
Шафони жонима оз қызын, ногахон бир күн.
Шафо тутапса иетарсан, жафо керак будса?
Құнгужини үлтага бергил десанын, мункүлдур.
Шаҳонда еңа киби бир дилрабо керак булса.
Кининшам үз жонига, қаед этар, сени севсун.
Даги эшникшага келсун, бало керак булса.
Шамолу жоҳ әлидии юз фарогатим бордур.
Ұрамунг ити мана ошию, керак булса.
Әкү бу Әутфийн мунглук ишәз помасини.
Савобу алқынны юз минг дую керак булса.

Мавлоно Ғадаҳиний, хожа Абдуламумин ва мавлоно Саккокийларининг Наврӯзи олам мавзуда қылған мушонраси ҳам мароқлан бўлди. Мушонрадан сўнг Мирзо Үзбек қаринеңда үлтирган ва фазлу камоязати билан эл-юрт орасида шуҳрат тоғтан хожа Фазлиддин Кенийтга мурожаат қизди:

— Абу Райҳон Ҳоразмийининг «Осор ул-боқия»сінда навруз тарихидин ҳам баҳе юритилип деб айтадурлар. Ул китобга кўзушғиз тунғони бордур, мавлоно?

— Ори, аълоҳазрат. Үлуг мутафаккир унбул айёми муборак хусусида «Осор ул-боқия»дин таниқари яна «Ахлоқ ул-мулук» отлиқ китобида ҳам күн эътиборлиқ фикр айтгои эрканлар.

— Қани, эннитоли бўлмаса, тақсир, агар малоя бўлмаса?

Үлугбек буни ўзи ўқиганди, лекин мавлонони имтиҳон қизди, чамаси.

— Бажонидиц, аълоҳазрат.

Хожа Фазлиддин Берунийининг китобларини ўқиган эди, ўқиганди ва билгайларини ганириб берди: «Наврӯз Орензаминда ҳам, Туронда ҳам қадим-қадим замонлардин, хусусан, Таҳмурос, йәмашид ва Афросиёб замонидин ийди байрам қилинур эркан. Наврӯз тамом мавикудот ва маҳлукот тирилғонини билдирур эркантур. Шу куни дараҳтлар уйғонур, гуллар очилур, ўсимлик унуб чиқур эркан. Шу сабабдин наврӯз ҳайтининг боизланиншага ишорат деб эътироф қилур эрканлар. Хулласи қадом, еру

заминдаги борлиқ нарсалар, осмону фалак ҳам ҳаракатга келур эркан. Ўшал айёмда поднохлар табааларига инъомлар улашур, одамлар ариқ қазиб сув чиқарур, дараҳт экур, дәхқонлар эрса зироатчиликә тутинур эрканлар.

Ганга шайхулислом мавлоно Исомиддин аралашди:

— Абу Райхон Беруний «Осор ул-боқия»да қизиқ бир ривоят келтирублурлар: «Ушбу айёмнинг наврӯз аталишининг сабаби шулким, сабийлар Таҳмурос даврида юзага чиққонлар. Жамшид подшоҳ бўлгач, ўшал мажусийлар динини янгилади ва ўша кун наврӯз, яъни янги кун деб иомланди. Ушбу кун Жамшиддин аввал ҳам ҳурмат қилинғон бўлса ҳам, Жамшиддин боилаб ҳайитга айлантирулди».

Хожа Фазлиддин сўзида давом этди:

— Бошқа бир ривоятда айтилғонким, наврӯз бошланмасдин бир ой аввал борча пойтахт шаҳарларда хиштдин уича баланд бўлмаган ўн икки стун кўтарилир эркан. Бу йилнинг ўн икки ойига ишорат бўлса керак. Стунлар анвойи матолар билан жиҳозлануб, устига бир турлук экинлар: буғдой, арпа, маккажӯхори, тариқ, кунжут, шоли, лубиё, ноҳут экилур эркан. Ушбулар наврӯзи оламгacha униб-үсиб қолар эркан, сўнг аларни ўшал стунлар устига қўяр эрканлар. Ва яна наврӯздин қирқ кун аввал идишларга буғдой экилиб ундирилар, анга ун, мой қўшиб дошиқозонларда сумалак пиширур эрканлар. Фарвардининг биринчи куни тамом ҳалқ ўша стунлар атрофига йигилуб байрам қилур эркан...

Шундан кейин Умар Хайёмнинг «Наврӯзнома»си, Жалолий табиб ва мавлоно Лутфийларнинг «Гул ва Наврӯз» достонларидан парчалар ўқишиди. Хожа Фазлиддин Лутфийнинг бу достонини ёд билар экан, ундан Наврӯзning тушида Гулни кўргани ҳақидаги бобни зур маҳорат билан ўқиб берди:

Киё боқти табассум бирла ул ҳур,
Дедиким «Эй ўзи ўзина магрур,
мен ул сарфитнайи охир замонимен,
Ки хусн иқлимида соҳибқиронмен.

Кўзум жодусидин Кашмир пуршур,
Сочимдин Чии ичида горати шур.
Лабим нуқли шаъкартек оташ ангез,
Солур юз минг кўнгулда оташи тез.

Қадимнинг сарвидин тоғмас киши бор,
Мени кўрмас паритеқ одамилар.

Отим Булдур, vale Фарҳоридинмен,
Не ул гулким, дегайсен хоридинмен».

Чу сўзлади бу сўзни у гуландом,
Шаҳаншоҳнинг элидин олди ул жом.

Кената сескануб уйгонди Наврӯз,
Ланингtek урди бир оҳи жигарсуз.
Ким ўртайёди оламии саросар,
Тилади, кўрмади Гулни баробар.

Яқосин чок этиб, фарёд қилди,
Қуюнлуқ навҳалар бунёд қилди.
Ўзин ерга уруб кўп йиглади зор.
Йигидин ўзга худ не чораси бор?

Туганди сабру орому қарори,
Йиги кўн бўлди, ҳаддин ошиди зори.
Чу найдо бўлди минг турлук аломат,
Этиб лоҳавл ўзин қилди маломат.

Шу ерга келганда хожа Фазлиддин, аҳли мажлиса достоннинг давомини эшитишга иштиёқ борми, ёки йўқми эканлигини билмоқчи бўлди шекилли, ўқишдан тўхтаб, ўлтирганиларнинг кузига тикилди.

— Аҳсан, мавлоно. Наврӯзи олам меҳнат байрамигина бўлмайин, балким севишгошлар байрами ҳам эркан.

Мирзо Улугбекнинг бу сўзларини бошқалар ҳам қувватлади. Хожа Фазлиддин достоннинг бошқа бобларини ҳам, хусусан Наврӯз уйқусидан уйгониб бехуш бўлгани, тушининг таъбирини элдин тилагани бобларини ҳам зур завқ-шавқ билан ўқиб берди.

— Мавлоно Саккокий ушибу қунларда яхни бир газал битибдурлар, деб эшитдик, шу тўгриму?

Мирзо Улугбек нариги сўрида ўлтирган шоирга мурожаат қилди.

— Ори, аълоҳазрат, газалининг битилғонига бир ойча бўлди, чоги, локин ўша аниъор ушибу олий мажлисга маъқул бўлурму эркан?

— Иниоолло маъқул бўлур, мавлоно. Ахир сиз кўпчиликка маъқул бўлмайтургон шеър битмайсиз. Ўқингиз, тақсирим, бутун вужудимиз бирла қулоқ бўлуб эшитурмиз.

Саккокий подшоҳнинг ганини икки қилмади, ишқ-

муҳаббатни тараниум қилган ушбу газалини аҳли мажлис-га ўқиб берди:

Кўруб гултек кўзунг раигини кўздин юз чаман бўлди,
Ақиқ эрнингни кўргали кўзум ҳоли яман бўлди.
Тун оқшом тўлгану сунбул бикин зулфингни оҳ урдум,
Ҳавони голия тутти жаҳон мушки Хўтсан бўлди.
Қилиб раъно қадинг ёдин саҳарда онча йиглади,
Қуазминг жўйбори ичра сарви порвон бўлди.
Менингтек гўиё кўрди юзунгни абри наврузи,
Қўзининг ёшидид ер юзи варди ёсуман бўлди.
Сабо зулфингни тогини магар ҳоли хаёлимда,
Езилди аждаҳо бўлди, уралди аҳраман бўлди.
Кўрадургоч кўзунг кўнглум сенинг зулфингга bogлади,
Кўрунг ул жодудин бу ҳам яна бир ўзга фан бўлди.
Агар Ширин учун Фарҳод ишқи кўхкан бўлса,
Не тонг Саккокий ҳам жоно йўлунгда жонкан бўлди.

— Аҳсан, мавлоно! Газалини хўб айтдилар.

Аҳли мажлис подшоҳга эргапиб шоирни бир оғиздан олқишилади...

Шу тариқа мароқли сухбат бир вақтларгача давом этди. Подиоҳ ва унинг ҳамроҳлари кўп ўтириб ва сухбатдан чарчашган бўлсалар керак, орқаларига қўйилган парёстикларни ёнбошга қўйиб чўзилишиди. Суҳбат баҳор ва ишкумуҳаббат мавзуидан илмга кўчди.

— Ажабо, унбу ернинг кечаси тароватдин ташқари ашвойи хусусиятларга ҳам эга эркан. Осмони шу қадар шаст эрканким, қўл узотсанг еткундай, ёриттичлардан истаганингни тутиб олгундай даражада эркан,— деди осмоннинг мусаффо ва юлдузлар билан чароғон гумбазига тикилиб ётган Улугбек.

— Ҳуанови ситорани онсонгина тутуб олса бўлур,— деди Қозизода бир ёруг юлдузга қараб.

— Бу Шаъри бўлса керак,— деди мавлоно хожа Фазлиддин.

— Йўқ, тақсир, Сурайёдур ул,— деди Улугбек.

Ғиёсуддин Жамишид ҳам унга қўшилди;

— Ори, мирзом, ул дарҳақиқат Сурайё.

Сўнг Қозизода Шимол тарафдаги юлдузларга тикилди ва икки ёруг юлдузни қўли билан кўрсатди: Булар фарқадон.

Олимлар шу тариқа бир вақтларгача юлдуз санашиди: бу Тарозу юлдузи, буниси Суҳо, ҳув ановиси эрса Насри тойир. Юлдуз санашида айниқса Улугбек Мирзо фаоллик ва

билимдонлик күрсатди. Мазкур манзил ва бугунги сұхбат уни тамоман үзига ром қылған эди.

— Ушбу манзилгоҳ хұб хусусиятли қурина дур, расадхонани шул жойга құрасакми әркан, устоз? — Улугбек Қозизодага мурожаат қылды,

— Маңқул, аълоҳазрат. Яхши ниятларига Аллоҳ таоллоҳ ёр бўлгай!

Жой бошқаларга ҳам маңқул бўлди. Аҳли мажлис иттифоқ бўлиб расадхонани шу ерга қуришга қарор қилдилар...

Наврӯз байрами яна беш кун давом этди.

Бир ҳафтадан кейин Улугбек, Қозизода Румий, Фиёсиддин Жамшид ва муҳандислар яна Чўон Отага чиқишиди. Улар бўлажак расадхонанинг тархини шу ерда туриб тузишга тутиндилар.

Ўша йил расадхона билан бир вақтда бир қанча жамоат бинолари: ҳаммомлар ва карвонсаройлар қурилиши ҳам бошлаб юборилди. Карвонсаройлардан энг каттаси Регистонда Сарди атик аталмини жойда, ҳозирда мавжуд Тиллакорий мадрасаси ўрнида қурилди ва Мирзойи карвонсаройи номи билан шуҳрат топди. Унда кўпинча хорижий мамлакатлардан келган савдогарлар тўхташган. Самарқанддаги ҳаммомлар орасида Регистонда, Улугбек мадрасаси ва хонақоҳидан сал нарироқда бино қилинган ҳаммом шаҳардаги бошқа ҳаммомлардан тамоман ажралиб туради. Уни ҳам Улугбек Мирзо қурдирган (1424 й.) ва Мирзойи ҳаммоми деб ном олган. Ҳаммом юксак дид ва санъат билан бунёд этилган эди. Мазкур ҳаммом ҳақида «Бобурнома»да мана бундай дейилган: «(Мирзо Улугбек) яна ушибу мадраса ва хонақоҳга ёвуқ бир яхши ҳаммом солибдур, Мирзойи ҳаммомига машҳурдир, ҳар навъ тошлардин фаршлар қилибтур. Хуросону Самарқандда онча ҳаммом маълум эмаским, бўлғай...»

Расадхонанинг тархини тузиш билан бөглиқ ишлар бир неча кун давом этди. Муҳандислар эрта тонгдан Чўон Отага чиқиб, қоғи қорайганда қайтдилар, кечқурун эса барча мунажжимлар билан Улугбек ҳузурида тўпланишиб таъбири тавсияларини ўртага ташлаб муҳокама қилдилар. Ана шу йигилишларда Улугбек ва унинг сафдошлари илгари Шарқ мамлакатларида қурилған расадхоналар, уларнинг тархи, тузилиши, ўша расадхоналарнинг илмий қашфиётлари билан қизиқишиди.

— Биз қуратурғон расадхона ҳамма жиҳатлари бирлан аш-Шаммосиядағидин ҳам, Қосиондоги расадхонадин ҳам, Марога расадхонасидин ҳам кам бўлмаслиги лозим.

Улугбек бу срда Халифа Мальмун (813—833) замонида Багдод ёнида қурилган Яхё иби Абу Мансур боні булған машхур расадхонасы, Холид иби Абдумалик боні булған Диминүк расадхонасын, Халокухон даврида (1256—1265) Марогада йирик қомусий олым Носируддин Тусий (1201—1274) раҳбарларғы остида қурилған расадхоналарни назарда тутди, албатта.

— Умид-истакларига худо бөр булғай, атлоҳазрат. Ани-Шаммосия расадхонасиг ҳам, Носируддин Тусий жаңобла-риниг расадхонасиг ҳам ушбу қутлуг замонгача Машриқда қурилғон расадхоналарниг машхурларирии ҳисебланып келгенлар. Ишо Мирзо Улугбек кўрагон расадхонаси алардин ортуқ бўлса бўлур, локин кам бўлмагай. — деди Қозизода Румий.

Эртага қурилиш бошланади, деган куни олимлар, саркорлар, шаҳар аслзодалари — ҳаммаси бўлиб бени юз атрофидаги одам подноҳ бошлиқ яна Чўон Отага чиқдилар ва расадхона қурилишинг тайёргарлик ишларини охирги бор кўздан кечирдилар. Расадхона ўрни кафтдек қилиб текисланған, унинг ҳамма тарафи муҳандислар ҳамда ишибилармон усталар томонидан ўлчаниб, хатт иисф ан-наҳор ҳам аниқланған экан. Бу ҳақда мавлоно Гиёсиддин Жамишид билан бош меъмор уста Иемоиддининг ахборотини эшитиб, Улугбекниг кайфи чог булди. Сўнг расадхона учун хозирланған ҳар тарафи тўрт газзик учбўрчаклик бир асбобини кўриб қувончига қувонч қўшилди.

— Мингдин-минг раҳмат, азизлар. Расадхона ўрини обдон текисланибдур, атрофи ҳам тўғри ўлчангон бўлса керак. Локин ҳаво булутлануб турибдур, бундай ҳолда қўёшининг ҳаракат йўлини аниқ билиб бўлмайдур, аниңг оқибатида ўячовда бирон янглиш содир бўлини ҳам мумкин.

Улугбек дикқат билан осмонин кузатиб, яна сўзида давом этди:

— Ҷошгоҳдин кейини булут тарқалуб, ҳаво ёриниб кетатургон қўринадур, ишшоолло. Қўён ҳали иртифо иисф ан-наҳорга кутарилмабдур. Шундан сўнг ерзинг тархини, хусусан аниңг тўғри текисланғон-текисланмагонини яна бир карра текшириш зарур қўринадур.

Қозизода Румий эътиroz билдириб деди:

— Биз бино ўринини ҳам, аниңг борча тарафларини ҳам обдон текириргонмиз, атлоҳазрат, галат бўлмаса керак.

Гиёсуддин Жамишид Улугбекниг ёнини олди:

— Шундоқ-ку, мавлоно, локин ҳаво булут бўлуб, қўёни

ҳали юқорига кўтарилимағон бир шароитда ўлчовда хатолик содир бўлиши турган гап.— У қўлига михга ўхшаш бир темирни олди ва ўша учбурчак асбобнинг шаклини ерга чизиб, ҳар хил ҳисоб-китоб йўллари билан фикрини исботлаб берди.

Хулласи калом, чошгоҳдан кейин расадхона ўрни ва умуман ҳамма ҳисоб-китоб ишларини яна бир бор синчикалаб текшириб чиқишга қарор берилди.

Ўша куни кечқурун Боги майдонда расадхона қурилишини бошлаб юборишга бағишиланиб якуиловчи мажлис бўлди. Бу йигилишда гап кўпроқ расадхона учун зарур бўлган асбоб-ускуналар атрофида борди.

— Мең Мароға расадхонаси ҳақидаги китобларнинг баъзиларидин хабарим бор, локин ул расадхонанинг ўзини кўргон эмасмен, фақат болалигимда анинг харобалариини гина кўргонмен.

Улугбек гапни яна Мароға расадхонасидан очди. Подиоҳнинг асл ниятини найқаш қийин эмасди. У ўзининг расадхонасини Носируддин Тусийнинг расадхонасиага ўхшатиб қурмоқчи эди. Лекин ишлатиладиган ўлчов асбобларини ясашда муаммолар бор эди. Эклиптика оғвалиги ва қўёш ҳаракатини ўлчаш учун уста Иброҳим мисгарга буюриб сарик мисдан диаметри олти газдан бўлган иккита доира ясатилган эди. Бу доира Птолемей тажрибасига асосланганди.

— Мингдин ортиқ собита юлдузнинг ҳолатини ушбу асбоб бирлан ўлчаб бўлмас, у кичиклик қилур. Анинг учун айланаси камида 10 газ келатургон доира зарур.

Гиёсиддин Жамшид бундай асбоб Бувайҳийлар подшоҳи Азуддуddавла (949—983) замонида ясалганлиги, Судси Фахрий деб аталмиш бу асбоб Мароға расадхонасида қўлланилганини айтди. У сўзида давом этди:

— Расадхонага устурлоб, зот ул-халқа, зот ул-суқбатайн, зот аш-шуъбатайн, Шомила ва шунга ўхшаш асбоблар зарур. Аларни юмушиға алоҳида эътибор лозимдир. Аларни ясай олатурғон Али ибн Исо Устурлобий, замонасининг ягонаси Абу Маҳмуд Хўжандий киби моҳир усталарни топуб ишга солмоқ лозим.

— Уста Иброҳимнинг ҳам бу ишда катта салоҳияти бордур,— деди мавлоно Афзалуддин Кеший.

— Уста Иброҳим бу хусусда шубҳадин ҳолидир. Биз ул зот ясағон асбобни тўғри эрмас, деб айтмадик, фақат у қурилатургон расадхона учун кичиклик қилишини айтдик, холос.— Мавлоно Гиёсиддин устанинг ишлари

билан яхши таниш эканлигини сүзлаб берди, унинг чапдаст шогирдлари борлигини ҳам айтди.

— Ушбу муҳим юмушнинг мутасаддийлигини Сизга тобширурмиз, мавлоно. Салоҳиятлиқ шогирдимиз Олониддин Мухаммад сизга қўмакчи бўлгай.— Улугбек Гиёсиддин Жамшиднинг ўзи ҳам расадхона учун керак асбобларни ясашда моҳир усталигини яхши биларди.

Шу кечада расадхона қурилиши билан боғлиқ бўлган ҳамма масала икир-чикиригача муҳокама қилинди...

Расадхона цилиндр шаклида, уч ошёналик (қаватлик) қилиб қуриладиган бўлди. Айланаси 47, баландлиги эса 31 метр атрофида бўлиши мўлжалланди...

Расадхона қурилишига қарийб беш йил вақт кетди. Қурилишга Мовароуннаҳрдаги усталарнинг катта қисми сафарбар қилинди. Шаҳар халқи ҳам четда қолмади, ер қазиш, гишт, тош ва бошқа қурилиш материалларини ташинида усталарга қўмаклашди. Қурилишга Улугбекнинг ўзи, у шаҳарда бўлмаган кезларда Қозизода Румий, Гиёсиддин Жамшид ва Али Қушчилар бошчилик қилинди. Тарихчи Абдураззоқ Самарқандий расадхона битгандан сўнг уни келиб кўрган экан, унинг ҳақиқатан ҳам уч ошёналик эканлигини тасдиқлайди, юксак дид ва зўр санъят билан қурилганлигини айтади. Олим ундаги зал ва хоналар чиройли нақшлар билан безатилганлиги, масалан, залнинг деворига ер курраси, етти иқлим, тоғу сахролар, денгиз ва дарёлар, шипига бўлса тўққиз осмон, градуслари ва сонияларигача, ҳисобланган ҳолда, етти сайёра ҳамда событа юлдузлар тасвири чизилганлигини айтади. У хусусан бундай дейди:

«Расадхонанинг биноси давлат асосидек пойдор, деворларни эрса салтанат низомидек устивор қилиб мустаҳкамланди; иморатини тиклаш ва устунларини кутариш (оятдаги) «албатта ўша куни (қиёмат куни) тоғлар сайд этади» дейилган кунгача барқарор турувчи тоғлар киби йиқилиш ва нурашлардин омон қолатургон қилиб бажарилди. Ва яна (оятдаги) «етти мустаҳкам қуббадор қасрдин» намуна бўлгон ул олий бино ва улуг сифатлик иморатининг хоналари ичиға тўққиз фалакнинг ҳайъати ва тўққиз осмон доиралари шаклларини дараҷалар, дақиқалар, сониялардин тортиб то ошираларигача чизилди. Айланувчи фалаклар, етти сайёра юлдузлари, событа юлдузлар қуриниши, ер куррасининг ҳайъати ва етти иқлим сурати тоғлар, биёбонлар ва ер куррасига нимаики тегиншли бўлса барчаси бирлан дилпазир нақшлар ва беназир рақамлар бирлан чизилди». Бинонинг сирти эса

коини ва сирли нарчинлар билан безатилган эди. Олимлар ва хизматчилар учун деб расадхонанинг теварагида катта-кичик хужралар қурилди. Шу ҳам диққатга сазоворки, Улугбек расадхонасининг бой кутубхонаси ҳам бўлиб, унда қарийб 150 минг китоб сақланар экан.

Расадхона этағида Мирзо Улугбек ўзи учун иккита катта-кичик чорбоғ ҳам қурдирди. Бири Боги майдон, иккинчиси эса Чиннихона поми билан шуҳрат тоиди. Боги майдон ўртасида қурилган улкан бино икки қаватли бўлиб, девор ва устунлари мармар тошдан қурилди, иккичи боддаги иморатларнинг бири тошдан, яна бошقا бири рангли чиннидан қурилди. Чиннини 1422 йили Хитойдан олиб келтирилар. Расадхона ёнидаги боғлар ва уларниң иморатлари ҳақидаги маълумотлар «Бобурнома»да сақланган экан: «(Улугбек Мирзо) яна Пуштои кӯҳакнинг доманисида гарб сори бое солибдур. Боги майдонга мансуб. Бу богининг ўртасида бир олий иморат қилибтур. Чилстун дерлар, ду онёна, стунлари тамом тошдин. Бу имораттин тўрт бурчагида тўрт манордек буржлар кўтарибдурларким юқорига чиқар йўллар бу турт буржандур. Ўзга тамом ерларда тошдин стунлардир. Баъзини мориҷ хиёра қилибдурлар. Юқори ошёнанинг тўрт тарафи айвондур, стунлари тошдин. Ўртаси чордара уйдур. Иморат курсисини тамом тошдин фарш қилибдурлар. Бу имораттин Пуштайи кӯҳак сари доманада яна бир боғча солибдур, анда бир улуг иморат қилибтур, айвонининг ичида бир улуг тош таҳт қўюбтур, тули таҳминан ўн тўрт-ўн беш қари бўлгай, арзи етти-саккиз қари, умқи бир қари. Мундоғ улуг тошни хили йироқ йўлдин келтирубтурлар. Ўртасида дарз бўлубтур. Дерларким, ушбу ерда келтургондин сунг бу дарз бўлгондур. Ушбу боғчада яна бир чордара солибдур, изораси тамом чиний, Чиннихона дерлар. Хитойдин киши йибориб келтирубтур».

Улугбек кўнинча расадхонага яқин бўлган шу богда истиқомат қиласди...

Ҳа, Улугбек Мирзо Самарқандни обод қилишга катта ҳисса кўшиди. У Амир Темур даврида бошланниб та-момланмай қолган бирталай иморатларни қуриб битказди. Гўри Амир мақбараси, Шоҳи Зинда мозороти, шунингдек Шаҳрисабздаги Кўк гумбаз масжиди шулар жумласидандир.

Улугбек 1424 йили Гўри Амирда, унинг кун чиқини тарафидан энник очтириди ва ундан то мақбара гумбазли ёниқ айвон (галерея) қурдирди. Мақбара эннитининг тенаси, ёниқ тарафлари, шунингдек, ёниқ айвон нақшини

бүёклар билан безатилди. Қабр тошлари теварагидаги мармар панжаралар ҳам Мирзо Улугбекнинг саъий ҳаракати билан самарқандлик мөхир чилангларлар қўли билан ясалган ва ўрнатилган бўлиб, бинонинг ички манзарасига ҳусн қўшиб турибди. Мақбара теварагида, хусусан унинг жанубий тарафида яна баъзи қурилишлар ҳам қилинди.

Афросиёбнинг жануб тарафидаги улкан қабристонда жойлашган ва Шоҳи зинда номи билан машҳур бўлган мақбаралар сираси Самарқанднинг ажойиб меъморчилик ёдгорликларидан ҳисобланади. Шоҳи Зинда XI асрда қурила бошланиб, Амир Темур ва Улугбек Мирзо даврида ноёнига етказилди. Мақбараларнинг баъзиларининг девори ёки пештоқида уларни бунёд этган усталарнинг исмлари ёайлган: Бадриддин Самарқандий, Зайниддин Бухорий, Али Насафий, Юсуф Шерозий... Айниқса Улугбек даврида Шоҳи Зинданда улкан архитектура-планлаштириш ишлари олиб борилди. Ранг-баранг гишталар билан ишланган нештоқли алоҳида дарвоза (1434—1435 йиллар орасида қурилган) ана шу улкан ишлар жумласидандир. Улугбек Шоҳи Зинданнинг Гарб тарафида устози ва сафдоши Қозизода Румий (1437 йили вафот этган) қабри устига барпо эттирган мақбара бу ердаги мақбараларнинг энг каттаси ва чиройлиси ҳисобланади. У икки хоналиқ, ҳар иккаласи ҳам гумбазлик. Улардан бирининг сатҳи 70, иккинчисиники 35 квадрат метр. Биринчи хона зиёратчилар учун мўлжалланган, иккинчисида эса Қозизоданинг қабри жойлашган.

Мирзо Улугбек даврида унинг саъий ҳаракати билан қурилган ёки қайта тикланган бинолар кўп. Юқорида қайд этилган Шаҳрисабздаги Кўк гумбаз масжиди ва машҳур Гумбази Саййидон (1435 й. қурилган), Самарқанднинг Сўзангаронида, хожа Абди Дарун мозори ёнида қурилган хонақоҳ...

Кўриб турибсизки, Улугбек ҳам буюк бобосига ўхшаб бунёдкор чиқди. У ҳам жамоат эҳтиёжи учун зарур бўлган кўплаб бинолар: ҳаммоллар, карвонсаройлар, сардобалар қурдиртириди. Лекин масжиду мадрасалар қуриш, мозорот ва зиёратгоҳларни обод қилишга ҳам зўр эътибор берди. Ислом дини ва мусулмон руҳонийларининг куч-қудрати билан ҳисоблашмасликка иложи ҳам йўқ эди-да ўзи. Чунки ислом давлатнинг тўрт рукнидан бири ҳисобланади.

Тұрттычи бөб

САМАРҚАНД АКАДЕМИЯСИ

Самарқанд академияси. Яна XV асрда-я? Худди афсонавий әртакка үштайды бу гап. Ҳа, әртакнинг узгинаси: бир бор экан, бир йүқ экан, қадим замонларда Самарқанди фирмавсмонанд отлиқ шахри азим бўлган экан. Унда ҳамма нарса, хусусан опера театруси, цирки, академияси ҳам бор экан. Ўша академиянинг президенти, бирмас учта вице-президенти, 100 атрофида академиги билан мухбир аъзоси, кўйлаб фан докторлари ҳам бўлган экан... Қаранг-а, дунёда мана шунақа гаплар ҳам бўларкан. Нима, афсонами, бу? Йўқ, ундей эмас, ҳақ гап бу. Фақат кўпмас, озгина ошириб юборилган, холос. Бу илмий муассаса балким ўша замонларда айнаи академия деб аталмагандир? Балки номи бошқачароқ бўлгандир унинг? Лекин қандай бўлмасин, «Самарқанд академияси» деган гап беҳуда эмас, унинг тагида асос бор. Индаллосини айтганди, бу гапнинг келиб чиққанига жуда кўп вақт бўлган. «Академия» деган ном милоддан аввали IV асрдан маълум ва унга жаҳонга машҳур файласуф Афлотун асос солган. Ўшанда у очган фалсафа мактаби шу ном билан аталганди. Халифа Хорун ар-Рашид (786—809) ва унинг таҳт вориси ал-Маъмун (813—833) даврида Багдодда ташкил топган ва «Байт ул-хикма» (Хикмат уйи) номи билан шуҳрат қозонган илмий муассаса ҳам ўз замонасининг академияси ҳисобланган. Ҳ асрнинг биринчи ярмида Мусуз шахрида таъсис этилган «Дор ул-илм» (Илм уйи), 1010 йили Хоразмнинг қадимий пойтахти Гурганийда ташкил топган «Донишмандлар уйи» ҳам ўзига хос академия бўлган. Бу илмий муассасаса кўпинча Маъмун Академияси номи билан шуҳрат тонди. Худди шуидай Академия XV асрнинг ўзида бизнинг Самарқандимизда ҳам бўлган экан. Буёгини сўрасангиз, «Самарқанд академияси» деган гапнинг қаердан ва қачон чиққанлиги ҳам

маълум. Бу ганин айтган одамнинг исми шарафини ҳам биламиз. Бу ган, азиз китобхон, узоқ Францияда, бундан 200 йил муқаддам чиққан. Уни машҳур ёзувчи, файласуф ва тарихчи олим Ф. М. Вольтер (1694 – 1778) айтган экан. Мана унинг сўзлари: «Трансоксианада унинг (Амир Темурнинг ўрнига таҳтга чиққан машҳур Улугбек Самарқандда биринчи академияга асос солди, ер куррасини ўлчашни буюрди ва астрономик жадвалларни тузишда иштирок этди» (Вольтер. Таиланди асарлар, Женева, 1769, т. IX, 199-саҳифа). Ҳа, Вольтер ҳақ ганин айтган. Ӯша вақтларда Самарқандда ҳам ўзига хос академия бўлган. Мирзо Улугбек теварагига уюнгани юздан ортиқ олимни уз бағрида кўкартирган номи жаҳонга машҳур Самарқанд расадхонаси шу ном билан аталити бу ерда. Бундан ташқари, Улугбекнинг Самарқанд ва Бухородаги мадрасалари, айниқса ийотахтдаги мадраса замонасининг дорилғунии эдилар. Мадрасаларнииг дарҳоналарида илоҳиёт илмларидаи (Қуръон, Ҳадис, Тафсир) ташқари, риёсиёт (математика), ҳандаса (геометрия), илми ҳайъат (астрономия), тиббиёт (медицина), тарих, жуғрофия, илми аруз (поэтика) сингари дунёвий илмлар ҳам ўқитилган. Бундай дейишга далил-ашёмиз ҳам бор. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ҳузуридаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида Улугбекнинг Самарқанддаги мадрасасида таҳсил кўрган балхлик Шамсиддин Муҳаммад исмли бир йигит номига берилган санад (шаҳодатнома) сақланади. Мадрасада ўқитилган китоблар шу санадда қайд этилган. Унда хусусан бундай дейилган: «...Шамсиддин Муҳаммад ал-Балхий илм таҳсил қилини учун ватанидии узоқ ерларга сафар қилишини ихтиёр қилди. Муеофириқнинг оғир заҳматларига бардош берди... У Самарқандда ўн олти йил чамаси истиқомат қилди. Унинг талаб водийсида илмнинг зилод сувига ташнилиги кун сори ортуб турди. Идрокли ва зийрак булгони учун дарсларни тез укуб олар эрди. Ўқини пайтларида Абубакр Армавийнинг «Лавом ул-асрор мин матолеъ ун-анвор» («Яширии сирларнииг нур чиқини билан равшанланшиши») китобининг яширии сирларини уқиб олди, «Бадоеъ ул-ибкор мин таволеъ ул-афкор» («Фикрларнииг түгулишидан ёш гуичалариниг бадийлануви») асарининг шардали нуқталариши очди. Шунингдек, «Таавиҳот ут-тавзиқ» («Равшанликии ойдинлаштириши ва изоҳланши») – нинг дарсига диққат қилди, «Тақвим ул-мезон фи-т-тальдил ва таржих» («Тарози палласини тенглаштириши ва оғирлигини турғилани») китоби унинг диққат-эътиборини

тортди, «Минҳож ул-вусул ило илм ал-усул» («Имонинг асллариға етишиш йўллари»)ни тинмайин мутолаа қилди. Ниҳоят, тиришуб ва ҳаракат қилуб, «Иҳком ул аҳком мунтахаби мунтаҳиҳ амали ваос-суюл» («Танлаб олинган охирги умид ва тилак ҳукмларини мустаҳкамлаш») китоблариға ҳам етишди, «Мафотиҳ абвоб ул-адаб» («Адаб илми эшикларининг калитлари»)ни таҳсил қилди, «Кашшоғ» ва унинг ишончли шарҳларидағи чиройли ибораларнинг юзларидан парда очди, «Қуръон» оятлари денгизидин дурлар олуб чиқди. Андан ташқари, «Мавоқий ул-калом» («Диний эътиқод фалсафаси») саҳифаларидағи латиф сўзлар ҳамда мақсадларидан воқиф бўлди, «Ҳидоя» далиллариға эрунди. Шаръий масалаларни билиш учун «Ниҳоя» («Ҳидоя шарҳи»)га тўғри йўл тонди.

Ушбу даражага етгач, юртдошлиарини ўз илмидин нафлантириши учун ватанига қайтмоқчи бўлди. Мендин олий санад билан ижозат беришими илтимос қилди. Мен анинг илтимосини қабул қилдим...

Қозизода Румий номи бирлан машҳур бўлғон фақир ул-ҳақиқиР Мусо ибн Муҳаммад иби Маҳмуд. 838 йил ражаб ойининг ўрталари (1435 йил феврал ойининг ўрталари)».

Мадраса билан расадхона орасида мустаҳкам алоҳа бор эди. Масадан, расадхонада ишлаб турган илмий ходимларнинг бир қисми мадрасада мударрислик ҳам қилишарди. Улар орасида Фиёсиддин Жамшид Кошоний ва Мирзо Улугбекнинг ўзи ҳам бор эди.

Яна бир гап. Расадхона битказилиб ишга туширилганга қадар осмон ёритгичларининг ҳолатини кузатиш ишлари маълум даражада мана шу мадрасада ва юқорида қайд этганимиз муқатташ масжида олиб борилди, «...масжидининг қибласи бирлан мадраса қибласининг орасида,— деб ёзади Заҳириддин Муҳаммад Бобур,— бисёр тафовуттир. Ғолибо, бу масжид қибласининг самти мунажжим тариқи била амал қилибтурлар». Қуриниб турибдик, масжиди муқатташ ўша вақтда, ўзининг асосий вазифаларидан ташқари, осмон ёритгичларини кузатиш ишига ҳам хизмат қилган. Мадраса ҳам шундай вазифани ўтаган. «Мадрасанинг кираверишидаги пештоқидаги токчаларда юлдузли осмон тасвири солинганлиги бунинг исботидир»,— деб ёзган эди машҳур Ўрта Осиё тарихчиси А. Ю. Якубовский.

...Расадхона қурилиб ишга туширилганининг иккинчи иили, наврӯзи оламга бир ҳафта қолганда, Фиёсиддин Жамшид Кошоний оламдан утди. Уни, кейинги уч йил ичида, баданига канадек ёнишиб олган безгак касали адуютамом қилди. У айни кузатиш ишлари самарали бўладиган

ёз ойларидан тиши-тишига тегмай икки қават кўришага ўранганича ётиб-ёстаниб олди. Бирмунча қартайиб қолган Қозизода Румий бўлса «қўзим хиралашон, оёқда эрса кувват йўқ», — деб туиги кузатишларга чиқмай қўйди. Шу сабабдан расадхонадаги асосий ишлар Улугбек билан унинг салоҳиятли шигирди Алоуддин Али Қушчига қолди. Бундан ташқари, Улугбекнинг мадрасада ҳам деярли ҳар куни дарси бор эди. Мадрасанинг юқори курс талабаларини риёзиётдан унинг ўзи ўқитарди. Подшоҳлик ишлари-чи? Уни пима қиласди? Уни тамоман ташлашнинг иложи йўқ, тўғриси буни унинг ўзи истамайди. Тожу тахт деб озмунча курашмадими у?! Нега энди уни ташласин. Тожу тахтдан кечиб фақат илм билан шугулланмоқни иштят қилганини отасига сал шиншитиб қўйса кифоя. Шоҳруҳ унга насиҳат қилиб ўтирмайди, ўрига Бойсунгурними, Муҳаммад Жўқийними, борди-ю Гавҳаршодбегим аралашиб қолгудай бўлса, Алоуддавланими тайинлайди қўяди. Унда расадхонанинг катта ҳаражатлари учун сармояни қаердан олади? Шуларни ўйлади-ю, Улугбекнинг юраги орқасига тортди. Давлат юмушлари билан ҳам озми-кўими шугулланиб туришга, отасини ранжитадиган инн қилмаслиқка аҳд қилди. Бунинг учун хирожнинг учдан бир қисмини Ҳиротга, отасининг хазинасига тўхтатмай юбориб турса, зарурият туғилгаunda унга аскар билан ёрдам бериб турса кифоя. Хуллас, Улугбек илми ҳам, салтанатини ҳам бир қўлда тутишга қарор қилди. Шунинг учун эрталабки қабул маросимларини анил-танил ўтиказар, вазири аъзаманинг қогоzlари билан танишиб муҳрлаб берар, шундан кейин мадрасага отланарди. Кунининг иккичи ярмида эса у расадхонада бўлар, Али Қушчи ва бошига мунажжимларни ёнига олиб туида ўтиказиган кузатишларни таҳлил қилас, баъзида эса олимларни йигиб кенгаш ўтиказарди. Кенгашларда одатдагидек илмий масалалар кўпроқ муҳокама қилишарди. Туида бўлса мунажжимларнинг ёнида туриб осмону фалакни кузатар, ёки Чининхонага бориб китоб мутолаа қилас ва кўниича ўша ерда тунаб қоларди...

Шу бугун Улугбек саройдан барвақт чиқди. Вазири аъзам хоја Носируддин Хавофий баъзи хорижий мамлакатларга юбориладиган мактублар, вилоятларга жўнатилиши лозим бўлган қогоzlар, муҳр босини керак бўлган ёриккларни тутганича қолаверди. Подшоҳ отга минаётиб вазири аъзамга тасалли берган бўлди:

— Қогоzlарнингизни қўриб берининг бу куни вақт мусон таётмайдур, мавлоно. Аларни, иннондо, эртанд қўрурмиз.

— Ихтиёрлари, аълоҳазрат. — Вазири аъзам икки буки-

либ таъзим қилди, лекин ичида иодшоҳдан бир қадар раңжиди. Подшоҳнинг нигоҳидан ўтказадиган қозголарни эртани кутиб ўлтирмай, кеч билан расадхонага, бордии подшоҳ у ерда бўлмаса Кўҳак бўйидаги боғчасига олиб бормоқчи бўлди. Чунки бу муҳим қозголарнинг мухлати ўтиб бораётган эди.

Ўша куни Мирзо Улугбек талабаларни риёзиёт билан тақвимдан имтиҳон қилмоқчи бўлди. У ўртага мана бу саволни ташлади: — «Қани, толиби илм, айтинг-чи, ҳижрий 818 йил ражаб ойининг ўнинчиси бирлан ўн бешинчи си орасида қойси айёмларга тўғри келадур?» Ҳў-уш, буни қандай ҳисоблаб бўлади? Бунинг учун жуда кўп рақамларни ёдда тутабилиш керак. Талабалардан биронтаси ҳам масалани ечомлади. Улугбек буни уйга вазифа қилиб берди. Сўнг Абу Райҳон Берунийнинг «Қонуни Маъсъудий» китобини очиб унинг олтинчи мақоласининг еттинчи бобидан нарча ўқиди: «Битлумус қуёшининг афижиюни ўрчини, яъни қуёшининг ердин энг йироқ бўлғондаги ўрчини аниқлагон. Ул ўз амалини қуёш фалак ал-бурж чоракларини ўтгон муддатидоги афижиюнининг ўринларига биноан асослагон. Сўнгра анинг фалак ал-буржда тоғон афижиюн ўрши анингча Хишшархнинг тоғонига мувофиқ келгон... аларга тақлид қилиш ушбул фанда дуруст эрмаслиги туфайлидин лоақал анинг баҳор муддатини түқсан икки ярим кун тоғони хусусинда айтгонининг тўғрилигини имтиҳон қилиш зарур, чунки бунда иккиланиш бор». Сўнг китобни ёпиб, талабаларга мурожаат қилди: «Ҳўш, Абу Райҳон Беруний бу хусусда қандай йўл тутгон, вақт тенгламаси ҳақида неларни ёзғон?» Улугбек буни ҳам уйга вазифа қилиб берди. Сўнг қуёшининг ўртача ҳаракат тезлиги, вақт тенгламаси, ер хатти, мунтақит ал-бурж ва бошқа тушунчаларнинг моҳиятини тушунтириди. Талабалар устознинг сўзларини ҳар қачонгидай зўр диққат-эътибор билан тингладилар, хужраларига қайтгач, бутун тунбўйи у тошиширган вазифа устида бош қотирдилар. Улар ўша куни туннинг ярмигача «Қонуни Маъсъудий»ни мутолаа қилдилар ва устознинг саволларига жавоб қидирдилар. Хужралардан бирида тоғ отгунча чироқ ўчмади. Соҳиби хужра исчижоблик Миршўлат иби Мирзо Содиқ ва унинг дўстлари мударрис берган вазифани тун яримлаб қолганда очиб бўлдилар. Талабалар орасида хотираси ва қуввайи илми яхши бўлган Миршўлат шировард дўстларига ўзи гувоҳ бўлган бир воқеани ҳам ҳикоя қилиб берди. «Бундин бир ҳафта муқаддам,— деди у дўстларига,— расадхона олдида устоз букун бизга бергон

биринчи вазифаны они құзатиб чиққон мунажжимларға ҳам ҳавола қылғон, локин ушбу ернинг ўзида ҳеч кимса ани ечиб беролмағон. Шунда устоз от устида үлтиреғони ҳолда, қоғозсиз ва қаламсиз, они ечиб бердилар.

— Машоолло, бунинг учун минг-минг рақамни ёдда тутиш керак-ку! Устоднинг хотирасига тасанино, — деди тошкандлик Хуриидбек.

Ганга аидижонлик муллавачча Отабек Шодмонбек ўғли аралашыді:

— Бундоқ буюк зот минг йилда бир дүнёға келгай!

Муллаваччалар ҳужрада тоңг оттириши, жой солмай түшак устида құзилиб бир оз мизгиган бўлишиди...

Мунажжимлар ўша кечаси Мирзо Улугбекнинг Кўҳак бўйидаги Боги майдон отлиқ bogчасига, Чиннихона қасрига тўпландилар ва хўроздинг биринчи қичқиригигата осмон ёритгичларини турларга ажратиш, турғун ёритгичлар ва уларнинг ҳаракатларини аниқлаш, сайёralардан Уторуд, Зуҳро, Миррих, Муштарий ва Зуҳалнинг умумий ҳолати ҳақида баҳслашдилар, құзатишларнинг дастлабки натижаларини ҳам муҳокама қилдилар...

Қисқаси, қолган йиллар ҳам шу тариқа құзатишлар, изланишилар, мубоҳисалар билан кечди. Шу билан бир қаторда ташвишилар ва изтироблардан ҳам ҳоли бўлмади, Улугбекнинг ўша йиллари. Хурсандлик кетидан ташвиш, кўнгилсизликлар кетидан ёруглик деганларидаи Мирзо Улугбекнинг ҳам қолган умри шу тариқа кечди, балки ташвишу-изтироблари кўпроқ бўлди. Сирасини олганда ҳаётнинг ўзи аслида шунаقا экан.

1432 йили, қирчиллама қиңида Улугбекнинг бошига мусибат тушди. 15 январ куни ўн иккى яшар фарзанди Мирзо Абдураҳмон тўсатдан ўлиб қолди. Улугбек бу ўглини жуда севар, не-не умидлар билан ўстираётган эди. Мирзо кўп жиҳатлари билан отасига ўхшаб кетарди. Унинг сурати ва сийрати девонхонада бўлганда ҳам, расадхона ва мадрасада ҳам Улугбекнинг кўз ўнгидан нари кетмади. Айниқса ўғли билан бўлган бир учрашув бир умр унинг ёдидан кўтарилимаса керак. Бу учрашув 1425 йили Сайхун бўйида Чинос қасабасида содир бўлганди. Ўшанда тўрт яшарлик Мирзо Абдураҳмон Мўгулистон юришидан қайтиб келаётган отасини онаси билан бирга шу ерда кутиб олганди. Узоқдан суворийлар қораси кўринини билан мирзо онаси Ҳусн Нигор хонимнинг қўлидан чиқиб суворийлар сари чопди. Бола йиқилиб тушмасин, деб «ҳай-ҳайлаганича» кетидан онаизор ва шаҳзоданинг оталиги Шайх Муҳаммад барлос ҳам чониб кетдилар. Суворийлар

бодани узоқдан нағадилар ва иңи көнапаларида ўзлариниң нұлдынінг иккі жетига олиб подиоңдінінг мавқаби ва үндега тағаниншы келәттән одамларта пүл бүшатдилар. Подиоң ва мавқабдагилар ҳаллоелаб өниб келәттән одамлар икіншінин білән отараптасып әкіловидан тортдилар. Ориңдан мұру малах бұзаб келәттән аскар ҳам қаратауда тұхтади. Рикобдор отдан туиди ва еніб-югурб етиб көйтән миразон даст күтариб подиоңға узатди. Бола отасыннан бүйіншаридан құчиб оади. Подиоң ўғлини қаттық бағриға бөеди ва иккі өзідан үиди.

— Ҳормағиз отақон, әсеп-омоимусиз?

— Бор бүлингиз миразом, сизни күй согиңдик.— Ұлағбек ўғлини қайта-қайта құчди, сүңг рикобдорға узатди. Рикобдор уни отаси ўғлаға атаб олиб келәттән оланакки атамаш тойға міндерди. Ҳусн Нигор хоним билән отаңқ ҳам бириң-кетінг көлишиб подиоңнан шенниң күзларига суртиб уни зиёрат күлдилар. Ұларға ҳам ет берілди.

Құнин яңа қаратауда келди. Амирлар, вазирлар ва Самарқандыннан асазоддалари зафар қучиб келәттән подиоң ва уннан құнинин зұр тантана билән күтиб олиниди. Кариайларниң наъраси, суряйларниң нағоси, кatta погораларниң гүмбүр-гүмбүрі, күш погораларниң бакабапги еру-фалакиң зилзилеге келтирди. Ұна күни мусиқачилар Мирзо Ұлағбек яңинда ўзи ихтиро қылған усуулдардан подиоңнан бириңчи марта иккөнші қылдылар...

Аллоға шукркім, ұна йили ёзда Ұлағбек ўғаннан тұлаб оади. Хотини Баҳтигул унга дүмбокцина ўғла түгіб берди. Үнга Абдулазиз деб от қўйдилар. Келаси йили ёз бошида Ұлутбек ўғлаға түй ҳам қылғыб берди. Түй Конигида бүзді. Ұна күни тароватли бу маңзилге ақди Самарқандыннан барчаси қучиб чықди, деса муболага бүлмес. Машойих, уламо, фузало, айбылар, қўйинтки, вилоятларниң ҳокимлари, мұльтабар кишиларниң барчаси түйга қақирилған. Құнин мамлакатлардан келған әлчилар ҳам шу ерда. Хуросондан маҳд улә Гавхаридегі бегим ҳам түйга ташриф буюрганлар. Самарқандан чиқсан ахли ҳунар, уннан теварак-атроғидаги қишлоқтардан келған деҳқонлар, кичик маңсағатдаги одамлар Конигидаңнан кейг майдонинн тұлдиріб үринлаштылар; амирлар, вазирлар, асазоддалар ва үзға мамлакатлардан келған мемлекеттік әсса Боги дилқуноға тақлиф этилдилар. Лекин дастурхан ҳамма ерда бир хил мұл-құл қылғыб болинди. Тұрғы-тұман ичимликлар ҳам ҳад-хисобесиз тортылди. Құнинқ, рақслар билән асқия және масхарабозлық үйнілләр билән уланди. Бу

хол ҳамманинг кайфиятини кутарди, амирлар ким кўн ичиш мусобақасини бошлаб бердилар. Бунга Улугбекнинг ўзи йўл очиб берди. У тез-тез ўридан туриб «олинглар, тортинимай еб-ичиб ўлтиринглар, дунё бебақо, фурсат ганимат. Олинглар, жаҳондоги борча ноз-неъмат инсон учун яратилгон, тириклика ондин фойдаланиб қолинглар!», — деб меҳмонларни дастурхонга қистаб турарди. Қози қалон билан ёнма-ён ўлтирган муҳтасиб Сайд Ошиқнинг бора-бора кайфияти бузила бошлади, ранг-рўйи бўзариб, қовоқ-тумшуғи осилди, қўл-оёқларини титроқ босди. Рубаруда ўлтирган вазири аъзам хожа Носируддин Хавофий муҳтасиби кузатиб ўлтирган экан, унга ган қотди:

— Муҳтасиб жанобларининг кайфияти хуш эрмасга ўхшайдур, нима бало, яна безгак хуруж қилиб қолдиму, дейман.

Ҳамма гурр этиб қулиб юборди.

Муҳтасиб унга бир ўқрайиб қаради, лекин индамади. Ганга қози қалон Шамсуддин Муҳаммад Мискин аралашди:

— Йўқ, ҳазрат, тақсириддин безгак ҳам қўрқадур. Бозор-ӯчарда кўп юрганларидин қейинги пайтларда қўл-оёқлари шунақа титрайтурган бўлуб қолғон.

Яна қулги бўлди. Айни шу пайт ўртада тановарни эшаштган раққосаларга йигитлар қўшилиб, ўйин оммавий тус олди. Бу хол муҳтасибининг қалбида ёниб турган олов устига сенилган мой бўлди-қўйди. Бу сафар муҳтасиб ўзини тутиб туролмади. У тўй эгасига ёниши:

— Сен мусулмон подшоси бўлатуриб, дини Муҳаммадни оёқ ости қилдинг, ғайри динлар удумини жорий қилдинг. Осмону-фалакнинг ишига аралашиб, даҳрийлик сулукини тутгонинг етмасму эрди?!

Муҳтасибининг сассиқ гапидан Улугбекнинг аъзойи баданини титроқ босди, жаҳлга ҳай берди-ю, лекин жавоби кескин бўлди.

— Сиз, тақсири, хожаман ва саййидман деб эл аро обру орттирдингиз. Эмди, кексайиб қолғонда охират тадорикини яхшилик бирлан куриш ўрнига ҳаммага дагдага қила-дурсиз, ноўрин маломат қиласурсиз. Наҳотки, шаҳидликни ихтиёр қилган бўлсангиз? Локин биз сизнинг унбул мақсадингизни ижобатга еткурмайдурмиз.

Муҳтасиб даст ўридан туриб мажлисдан чиқиб кетди-ю, лекин бирмунча вакт Улугбек ҳам, унинг атрофидагилар ҳам ўзига келолмадилар. «Разил одам эркан, муҳтасиб, онимга заҳар солуб кетди. Сайид

бўлмагонида кунини курсатур эрдим», — деди Улугбек ёнида ўлтирган шайхулисломнинг қулоғига...

Ҳа, кейинги йилларда Улугбекнинг руҳонийларнинг баъзи табакалари билан, хусусан дарвешлар билан муносабати бирмунича ёмонлашди. Улугбек Шоҳруҳга ўхшаб бошига қозондай салла ўраган ҳар қанақа одамии кургандা отдан тушиб икки букилиб қўл қовуптириб турадиганлардан эмас эди. Авваламбор у кўпроқ дунёвий одам эди, илмдан хурофотни; олимдан омийни ажратади биладиганлардан эди. Одатда илм-маърифат қилиб юрганлар орасида илмдан бехабар, тирногининг учигача бидъатчи бўлганлар ҳам учраб турарди. Улугбек бундайларни ёқтирасди. Тўгри, Сайд Ошиқ илмли кипни эди, лекин хурофотга муккасидан кетиб қолганлар жумласидан эди. Улугбекнинг мусулмон руҳонийлари орасида ҳам ҳамфир дўстлари кўп эди. Ҳожа Исомиддин, Абулфатҳ Дайлар, Шамсуддин Муҳаммад Мискин шулар жумласидан. Улар кичкина одам эмасдилар. Ҳожа Исомиддин тамом мамлакатнинг шайхулисломи, демак мусулмон жамоасига бошлиқ ҳисобланарди, аммо Улугбек у билан дўстлана олди. Ҳожа Исомиддин «дахрий» подшоҳнинг бутун илмий ва ижтимоий-сиёсий фаолиятини қўллаб-қувватлади, ҳамиша унинг ёнида турди, бора-бора у билан ҳамфир булиб қолди. Абулфатҳ Дайлар ҳам чакана одам эмасди. У зўр нуғузга эга бўлган руҳонийлардан ҳисобланарди. У подшоҳнинг ҳузурига бемалол, истаган шайтида кира оларди. Улугбек эса унинг тўгри маслаҳатларига муштоқ эди. Тарихий китобларда шу уламо билан боғлиқ мана бундай гап бор: кунлардан бир куни Улугбекнинг ҳузурига бир синоҳий арз қилиб келди. Подшоҳнинг оёғига йиқилиб деди: «Огойим вафот тонуб, хотини бева қолди. Андин икки сагир ва ўртамиён бир ҳовли-жой ҳам қолгон. Урф-одатга кўра, мен ўнал бевани хотинлиқга қабул қилишим, сагирларга эрса ота булишим лозим. Локин, билаке, заифа бунга қўнмай турадур, бир баззозни ихтиёр қилгон эрмини. Ҳузурингизга қўмак излаб келдим, аълоҳазраг. Қулингиздин мурувватингизни оямансангиз, олампаноҳ».

Улугбек ясовулбошини чақириди:

— Шу синоҳий бирлан боруб, ўнал заифани унга никоҳлатиб бер!

Абулфатҳ Дайлар шу шайт подшоҳнинг ҳузурида ўлтирган эди. Подшоҳнинг ҳукмига аралашди:

— Аълоҳазрат хиял фурсат қилсунлар, бу хусусда маслаҳатлик гап бор.

Улугбек бош иргитиб розилик билдири ва ясовулбошига «сан тошқарига чиқуб тур!», деб имо-ишорат қилди. Ясовулбоши чиқиб кетгач, икки қулини құксига құйиб Дайларга мурожаат қилди:

— Құлогим сизда тақсир!

Абулфатх Дайлар вазминлик билан деди:

— Сипоҳийнинг хотун хусусидоги талаби шариатга хилофдур. Аввалан, эр ўлғач бевасини ини олиши урфий бир одат, күчманчиларнинг одати. Соңиян, никоҳ ҳар икки тарафнинг ризолиги бирлан үқилур.

— Узр қылсынлар, тақсир. Биз бу тарафдин иштиоҳ қилубмиз.— Улугбек дархол қоровулбегини чақыртириб бошиқа бир юмушыга юборди.

Қози калон мавлоно Шамсуддин Мұхаммад Мискин ҳам күп үқимишли, шариат ва тариқатдан хабардор одам эди. Шунга қарамай, умри бүйи одиллик билан иш олиб борди. У «қопун олдида барча баробар» деган ақидадан четта чиқмади.

Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр» ида диққатга сазовор мана бу хикоят бор: Мирзо Улугбек комрон ва бахтиёр бүлғон йиллари аниңг топшириги бирлан байт ул-молдин ишлатсун, үзиге ҳам самара келтурсек, хазинаға ҳам нағи бұлсун, деб бир савдогарга катта маблаг қарзға берилди. Құн вакт үтмай, үша савдогар оламдин үтди. Вазир Сайд Имомуддин аниңг авлодидин лаъл даъво қилди. Қози Мискин үшал савдогарнинг авлодини қозихонаға чақыртурди, тағтиш қилди. Лекин подшоҳнинг фойдасига ҳукм чиқармади, балки үша савдогарнинг авлоди фойда-сига ҳукм чиқарди...

Лекин, барибир, Улугбекнинг Сайд Ошиқ билан муросаси тұғри келмади. Бир куни ular шайхулислом-никида яна түқнашиб қолиши. Шайхулислом Улугбекка әргашиб, үзидан ном-нишон қолдириш мақсадида жамоат учун бирон иморат қурған сармоядортар қатори үша йиллари үзи истиқомат қилиб турған хожа Абуллайсий махалласида ҳаммом курдирди. Ииги ҳаммомга үт қаланған куни эса шаҳар четидаги чорбогида катта-кичикни түпнаб катта зиёфат берди. Зиёфатта подшоҳ ҳам үзининг арқон давлати билан ташриф буюрган эди. Самарқанднинг мен-мен деган хонаңдаю созандаси ҳам шу ерда эди. Уларнинг орасида Шарофатхон исмлик бир хүшрүй, хүшбичим, ҳұшловоз аёл ҳам бор эди. Бадавлат одамлар зиёфат берганды ана шу гүзәл ва ҳұшловоз аёлни чақыртирақканлар, у бұлса маросимга йигит қиёфасида көлиб базмии гуллараткан. Хожа Исомуддин ҳам уни

подшоҳ ва юртнинг казо-казолари жам бўлган уша мажлисига айтиб келган эди. Шарофатхон шайхулисломнинг ҳам йигинини гуллатди. Мен-мен деган хонандалардан навбат унга тез келди-ю, лекин бошқаларга ундан навбат ўтиши бирмунча мушкул бўлди. Базм аҳлининг талаби билан Шарофатхон қаторасига тўрт қўшиқ айтди. Юсуф Амирийнинг «Тамошо» деган газалига басталайган қўшиқни икки бор айтишига тўғри келди:

Эй кўзда юзунг ҳайрати осори тамошо,
Наззорай ҳуснинг гули бехори тамошо.
Кўнглум ташиши айлади савдо элини хуш,
Девона эрур равиаки бозори тамошо.
Муфт ўлди ҳавас аҳлина савдойи висолинг,
Бемоя тошар суд харидори тамошо.
Кўнглум қушини зогларинг қилди музайян,
Шавқ этти бу товусни гулзори тамошо.
Моҳияти хурӯпидни хуффош на билсун,
Ҳар дила эмас маҳрами асрори тамошо.
Дил дийдаси бирла қўрайил ёр юзини,
То ўлмая агёр хабардори тамошо.
Кўнглумни қилиб қасри вафо ишқ, Амирий
Куз манзарасини айлади аввори тамошо.

Шарофатхонни яна қўшиқ айтишга мажбур қилишди:
У эндиғина Лутфийнинг:

Ез булди, керак ул бути айёр тошилса,
Барча тошилур бизга керак ёр топилса,

деб бошланадиган шеърига тўқилган қўшиқقا тутинган ҳам эдики, дарвозада Сайд Ошиқ пайдо бўлди. Хизматкорлардан бири чопиб бориб қозон бошида ошиаз билан нималарнидир сўзлашиб турган соҳиби хонага буни хабар қилди. Ҳожи Исомуддин шошганича муҳтасибнинг қаршисига чиқди ва икки қўлини кўксига қўйиб уни дастурхонга таклиф қилди:

— Пойи қадамларига хасанот, жаноби муҳтасиб. Қани, дастурхонға марҳамат!

Муҳтасиб пинагини ҳам бузмай турган жойида қоқкан қозикдай кеккайиб тураверди. Саломга алик олиш ўрнига шайхулисломга ўшқира кетди:

— Шайхулисломи беислом! Хотинлар бирлан эрқаклар бирга ўлтурсун, бирга қўшиқ айтсун, ўюн тушсин, деб қайси маҳабда айтилғон?!

Шайхулислом унга эътироуз билдириди, Саид Ошиқ бўлса бундан ҳам баланд келди. Хулласи қалом, шайхулислом билан мухтасиб дарвоза олдида ади-бадига бориб, айтишиб қолишиди.

Можарони кўриб, Шарофатхон ҳам, аҳли мажлис ҳам жимиб қолди. Хуллас, «беислом» деган маломатдан шайхулисломнинггина эмас, балки унинг дастурхони атрофида ўлтирганларнинг ҳаммасининг ҳам дили сиёҳ бўлди. Мухтасибининг бу қадар беҳаёлигидан Улуғбек ҳам ранжиди.

— Инсоннинг бурчи фақат тоат-ибодатдин иборат, деб юргувчи бундоқ одам қандоқ қилиб ўзини зиёли деб ҳисоблагай? Жамоа, дастурхоннинг қадр-қимматини англамагон одамни қандоғ қилиб ахлоқлик, хулқлик одам деб айтса бўлур? — деди ўзига-ўзи Мирзо Улуғбек.

«Бир бечора яхши иият билан дастурхон ёса-ю, бошқа бирор унга заҳар сочиб кетса. Бу инсофданми? Шундай қилиш мумкин, деб қайси мазҳабда айтилғон?» Ҳамманинг кўнглидан мана шу гаплар кечди. Аҳли мажлис анча вақтгача ўзига келолмади. Лекин, шайхулислом хафхонликни ўртадан кўтаришга ҳаракат қилди:

— Азиз меҳмонлар! Инсоннинг тирикчилиги анинг ҳоҳиши бирлан бўлмаса, ундоқ одам қандоқ қилиб ўзини тирик ҳисоблагай? Бу гапларни Ануширвони одил айтилонлар. Кишининг билими бўлса-ю, локин анга ярашурлиқ ақли бўлмаса. Келинглар, бундоғ қасдин хафа бўлиб ўлтурмайлик, дастурхон мунтазир бўлмасун.

Базм давом этди-ю, лекин аввалги аслига қайтмади. Шундай бўлса ҳам, бора-бора яна қизиб кетди. «Самарқанд биноларига яна бир бино қўшилибди-ю, ани шарафламай бўлурму? Қани эмди ўзга гузарларда ҳам шундай катта ҳаммомлар қурилса», — деган фикр Улуғбекнинг кўнглидан ўтди.

Хожа Исомуддиннинг базми бир вақтларгача давом этди ва ярим кечада тарқалди.

Улуғбек тўгри Боғи майдонга борди, лекин мутлақо уйқуси келмади. Шундай пайтларда у кўпроқ дунёнинг ажойибу-гаройиботларидан ҳикоя қилувчи китобларни мутолаа қиласди. Бугун котиблар куни кеча настаълиқ хати билан кўчириб олиб келишган ўзи битган «Тарихи арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи») китобини қўлига олиб у ер-бу еридан варақлаган бўлди, сўнг уни яна токчага олиб қўйиб, мусиқа тарихидан баҳс юритувчи «Рисола дар илми мусиқа» («Мусиқа илмига бағишланган рисола») деган китобни қўлга олди ва «дар баёни давоздаҳ мақом» («Ўн

икки мақом зикрида») деган бобини очиб, унинг мана бу жойини ўқиди: «...хожа Абдулқодир иби Абдураҳмон Марогайй, хожа Сайфиддин Абдулмўмин ва Султон Увайс Жалоирийнинг сўзларига қараганда, аввалда мақомлар еттига бўлғон: мақоми рост, мақоми ушишоқ, мақоми наво, мақоми Ҳижоз, мақоми Ироқ, мақоми Ҳусайнӣ, мақоми Раҳоъ...» Сўнг китобни ёниб жойига олиб қўйди ва танбурни олиб рост мақомидан ушишоқни чалди. Кейин ўзи ихтиро қилган булужий, шодийона, ахлоқий, табризий, усули равон ҳамда улусий отлиг кўйларни ногора билан чалиб кўрди.

... Эрталаб турганда Улугбек ўзини қушдай енгил ҳис қилди. Шайхулисломнинг мажлисида қалбга ўтирган губордан асар ҳам қолмаганди. Битган асарларидан мамнун бўлиб, бир қадар овунди. Ўша куни мадрасада дарси йўқ эди, тушиликкача даргоҳга бориб девон ишлари билан машгул бўлди, арз-дод билан келган одамларни ҳам қабул қилди. Тушга яқин эшик оқо кўрипинидан бадавлат, лекин қаттиқ изтироб чекиб турган бир одамни етаклаб кирди. У ўзини подшоҳнинг оёқларига отди ва унга ёлиниб-ёлборди.

— Шоҳим, бошимга мушкул савдо тушиди, пажот тилаб ҳузурингга келдим.

— Бошингга не савдо тушиди? Сўзла!

— Маккайи мукаррама, Мадинайи мунавварадин келаётгон эрдим. Хуросондин Самарқанд сори келаётгон савдо карвонига қўшуладим. Аму ёқасига келуб тушдик. Ҳамёнимда бир парча лаълим бор эрди, шу сабабдин сувга тушиш олдидин аҳли карвондин хадик олуб бир четга чиқдим ва бутазор ичига кириб ечиндим, лаълни бўлса чарм ҳалтачаға яшурдим, сўнг ани кўйлагимнинг енгига маҳкам қилуб чигуб олдим. Сувдин мешига минуб утдук. Қиргоққа чиққач, яна аҳли карвондин пинҳона четга чиқуб кийиниб олай деб кўйлагимни олесам бояги тутун ечилиғон, лаъл солингон ҳалта эрса йўқ бўлубтур. Ечинғонимни ҳам, кийингонимни ҳам шерикларимдан пинҳон тутгон эрдим, шу сабабдин бирон кишидан гумон қилолмадим. Бошимга тушгон савдо мана шу, подшоҳим.

— Багоят ажойиб воқеа содир бўлубдур, тақсир. Қичик бир ҳалтани Жайхундек дарёйи азимнинг қаъридин қандай қилиб топса бўлур! Уни эмди дарёning қайси бурчагидин қидириб топса бўлур? — Мирзо Улугбек буни ўйлаб кўриб боши қотди. «Йўқ», дегани кунгли бўлмади ва бечора арзига ёрдам берсаммикин, деган фикрга борди. Бир

Кадар чарчаганда эрмак булар, деб уни қидириб күривига вайда берди.

«Бирон йил сабр қил, тужкор... лаълинг тоңулса нур устига аъло нур, тоңилмаса аниңг қийматини биздин олурсен», — деди.

Дейининг деб қўйди-ю, фуреат ўтмай уни там босди. Бўкириб оқаётган, қирғоқлариши кўз илғамас бу асов дарёнинг қаъридан кичик бир халтани қандай қилиб тоңиб беради? Кўнгилчаклиги қурсин, ақлни нешлаш учун нағи тегиб қолар, деб «хўн» деб қўйди. Жайхуннинг қай бир кавагидан қидириб тонади энди ўша лаънати халтани?! Жайхун уни аллақачонлар оқизиб дарёйи Ҳазарга олиб бориб ташлаган бўлса чи? Ёки унинг фақат ўнг қирғогида-гина эмас, балки сўл қирғогида ҳам, масалан Ҳазрати имом, Калиф, Замм яқинида чиқарилган бир талай нахрларни айтмайсизми? Айтишларича, Хоразмда ҳам ундан жуда кун нахрлар чиқарилибди. Хўш, уларнинг қайси бирини қидиртиради, эмди? «Қани энди бир кунга бўлса ҳам бу асов дарё қуриб қолса-ю, шул бечоранинг халтаси ялт этиб унинг бирон кавагидан тошилиб қолса», — деган фикр ҳам Улугбекнинг хаёлидан кечди. Лекин буни мулоҳаза қилиб юраги орқасига тортди. «Йўг-е, — деди у ўз-ўзига, — мен нималар деб ётибмен, ўзи? Бир халта дурин деб-а!» Сўнг бошини кўтариб арз-дод билан келган одамга қаради:

— Майли, боравер, бўлар иш бўлди.

Сўнг қулини силтаб кетишга ижозат берди.

Арзчи подшоҳга икки букилиб таъзим қилди ва орқаси билан юриб кўринишонадан чиқди.

Подшоҳ ўша вақтнинг ўзидаёқ муставфий ул-мамоликни чақиртириб, ўша йили солиқ тўланини керак бўлган рааёнинг умумий рўйхатини тузиб келишни буюрди. Рўйхат тузиб келингач, уни диққат билан қўздан кечирди ва бир четга олиб қўйди...

Шундан кейин ариқдан қанчадан-қанча сувлар оқди, янги йил ҳам келди. Улугбек муставфий ул-мамоликдан бу сафар ўтган йили солиқ тўлаганларнинг рўйхатини тилади. Дафтар келтирилгач, ҳар иккала рўйхатни бир-бирига солиштириб кўрганда, қизиқ бир нарса аниқланди: ўтган йили қоракўллик бир одам нимагадир хирож учун 5 танга ўрнига 500 танга тўлаб юборибди. Улугбек ясовулбошини чақиртириб шитоб билан Қоракўлга жўнатди ва ўша одамни Самарқандга олиб келишини буюрди. Тез орада ўша одамни тошиб саройга олиб келдилар. Мирзо Улугбек уни хилватхонага олиб кирди ва не сабабдан 5 танга ўрнига 500 танга хирож тўлаб юборганини тафтиш қилди:

— Не важхдин хирожни юз баробар ортиқ тұладинг. Нима, бирон бойлиқ тонуб олдингму? Е бұлмаса бирон кимсаниңг үйини үгирладингму? Еки отанғдин арзигудек мерос қолибмиди, эрди? Ехуд, сүйгон бирон сармоядор орқасидин ганий бұлуб олдингму?

— Шоҳим, оддий бир наддофмен. Бир куни пахта титиб үлтириб эрдим, тасодифан дүконим олдидағи дараҳт шохига бир ҳакқа келиб құнди. Оның түмшүгіда бир парча гүштә үхшаш нарса бор эрди. Җараҳтга яна бир ҳакқа келиб құнди. Наригиси гагиллай кетди ва шу пайт түмшүгидоги нарсасини түшириб юборди. Уни олмоқ ниятида үзини ерга отди, лекин мен киш-кишлаб қувиб юбордим. Бориб үша нарсаны олдим, очиб қарасам лойға қопланиб кетған чарм халтача эркан. Қизиққанимдин ани дархол үша ернинг үзида очдим, аммо мороолло, не құз билан қарайким, ичидин құзни қамаптиrottурғон, ҳатто офтобни ҳам нурсизлаштуратурғон дурағион бир тош чиқди. Ани тангри таолонинг менга күргузгон шафқат ва марҳамати деб түшүндім. Эртаси куни тонг бирлан «зар қадрини — заргар, жавохир қадрини жавҳаршунос билур», деган нақлга амал қилиб Бухоройи шарифға қараб йүлга түшдім. Шаҳарга келгөндін сұнг сұраб-сурештириб бир жавҳаршуноснинг дүконига бордим. Жавҳаршунос тошни құлға олғон ҳамоно безовта бұла бошлади, юзи худди лаъли руммоний бұлуб кетди. Англадумким, мен олуб келғон нарса оддий бир тош эрмас, балким қимматлироқ немарса эркан. Жавҳаршунос күзларимға қараб титраб-қақшаб деди:

— Келтирғон нарсангнинг баҳоси бир минг танга.

— Йүқ, тақсир, яна пича құшсунлар,— дедим анга.

Күп савдолашуб, охири ани бир мингу беш юз танғаға сотдим. Сұнгра бозордин үзимга бир от, хотинимға тақиңчоқ, болаларимға эрса кийим-кечак, даги үйимға бир гилам ва бопқа нарсаларни сотуб олиб, юртимға қайтдим. Бирдан бойиб кетғонимизға таажжубланғонлар ҳам бұлды. Мен аларға Бухоройи шарифда бадавлат бир қариндошим бор эрди, ул бечора вафот тошибдур, жойи жаннатда бұлсун. Мендин бошқа меросхүри йүқ эрди, молу-мулки менга қолди,— деб жавоб қилдім.

Мирао Үлгебек үша жавҳаршуносни саройға чақиришиб тафтиш қилди:

— Жаноблари яқинда қимматбақо бир лаълни арзимас оқчага сотиб олибдур, деб эшитдук, муборак бұлсун!

Жавҳаршунос тонди:

— Үлгимдин хабарим бор, подшоҳим, локин бундоқ ганин сира эшитмагонмени.

Улугбек унинг жовдираб турган кўзларига тикилди, яка ҳарпуннос эса ўнгайсизланиб подшоҳдан кўзларини олиб қочди. Улугбек сўроқда давом этди:

— Ганингиз галат, тақсири, шундоқ лаъл олғотингизни кўзларингиз айтиб турибдур.

— Подшоҳим, қаломулло урсин агар ёлғон сўзлаган бўлсан.

Улугбек мунажжим билан ясовулбошини чақиртириди ва мунажжимга амр қилди:

— Қани, мана бу қасамхўрга ром очингиз-чи, ани ичган қасами ўзиға қачон қайтур эркан.

Ясовулбошига эса зудлик билан жавҳаршуноснинг дўконини ва уйини тинтув қилинни тошириди. Жавҳаршуносни қаттиқ саросима чулғаб олди, ранги рўйи бўзариб, бутун вужудини титроқ босди. Подшоҳнинг одамлари сандуққа яширинган ўша лаълни топиб келтиргундай бўлсалар ҳоли не кечишини мулоҳаза қилиб кўриб, ўзини Улугбекнинг оёқларига отди.

— Тавба қилдим, аълоҳазрат. Мен осий банданинг бир қошиқ қонидин ўтинг, ўша лаъл менда,— деди у кўзларини жовдиратиб.

Ясовуллар уни уйига олиб бордилар. Жавҳаршунос лаълни ясовулбошига олиб чиқиб берди. Улугбек бўлса ўша лаълни эгасига тошириди.

Шунақа. Бирорнинг ҳожатини чиқарган пайтлари Улугбек анча енгил тортар, дили равшанлашарди. Лаъли тошилган савдогарнинг қувончи қандайлиги аниқ-ку, лекин Улугбек ҳам бир кимсанинг ҳожатини чиқаргани учун кўп вақт суюниб юрди...

1437 йил. Ниҳоят, Улугбек бир умр кутган «Зижки жадиди кўрагоний» («(Улугбек) кўрагонийнинг янги астрономик жадвали») ҳам ёзиб тамомлади. Шу муносабат билан асарнинг қораламаси тайёр бўлган куни Бого майдонда, Чиннихонада катта аижуман, тўю-томошалар бўлди. Бого майдон ўша куни бамисоли сайилгоҳга айланди. Расадхонанадагиларнинг барчаси, Улугбек мадрасасининг мударриси-ю, талабалари, аркон давлат, юртниш барча уламо-ю фузалоси, Самарқанди фирдавсмонанднинг қолган барча казо-казолари шу ерга йиғилган. Улугбек, шайхулислом мавлоно хожа Исомуддин, Али Қушчи, ифтихор ул-вузаро хожа Носируддин Насрулло Хавоғий ва Сайд Имомиддин Жунободийлар билан кун бўйи, то қопи қорайгунгача Чиннихонада бўлиб, табрик

қилиб келувчилар билан банд бўлди. Кечқурун, зиёфатдан сунғ, расадхонада куну туи осмон ёритгичларини кузатган, «Зиж»ни тузинга ҳиссадор бўлган олимларга заррин чононлар кийдирилди, уларнинг барчаси турли-туман суюролатлар билан сийландилар. Сўнг ҳамма тарқалгандан кўрин муншийи хос Абулкарим Хоразмийни чақириб қораламани унинг қўлига тутқазди.

— Мавлоно, ишнинг бўёги сизнинг мұъжазанизом илгингизга ҳавола, андин пусха қўчиргайсиз.

— Бош устига аълоҳазрат.

Мунший икки қўлини кўксига қўйиб таъзим қилди, сўнг қораламани Улугбекнинг қўлидан олиб қўзларига суртди ва подшоҳнинг меҳмонхонасидан чиқди.

Мунший Абулкарим Хоразмийнинг эрталабгача сабри чидамади, уйига қайтиб келини биланоқ ўртаҳолгина меҳмонхонасига кириб шамдонини ёқди ва Улугбек берган қораламани варақлай кетди. Асар муқаддимасини диққат билан ўқишига тутиди. Биринчи варақда унинг нигоҳи мана бу сатрларга тушди: «Тангрининг қули... Улугбек иби Шоҳруҳ иби Амир Темур курагонга, (яъни) бандай фақир ва ҳақирига шундайин (зўр) ихтинос ва имтиёз баҳшида бўлдиким, гаройиб нигор китоб битиш ва анда юлдузлар харакатини ифтихор ва иштихор этиши ишини айланувчи фалак қуббасига еткуруб расад bogлашдек муҳаббати азим ва мукаррамати кабир насиб бўлди ва ҳазрати устоз алломайи жаҳон... Қозизода деб шуҳрат тоңгон мавлоно Салоҳиддин Мусо, ани таңгри таоло раҳмат қилсан ва жаноби мавлонои аъзам, олам ҳакимлариниёт ифтихори... мавлоно Гиёсиддин Жамшиднинг кўмагига маадади бирлан унбу юмунига киришулди. Локин иш бошидаёқ мавлоно Гиёсиддин Жамшид тангрининг раҳматига етушди, иш жараённида эрса, расад боллануб тартибга келтурилмасдин аввал ҳазрати устоз (мавлоно Салоҳиддин Мусо Қозизодайи Румий) ҳам вафот тоңдилар. Иш фарзанди аржуманд Али иби Мухаммад Қўнчи... иттифоқлигига поёнига еткизилди».

«Зижжи жадиди кўрагоний» аввалимбор Мирзо Улугбек бош-қош бўлган Самарқанд расадхонасининг кўп йиллик меҳнати самараси, Шарқ классик астрономиясининг назарий ва амалий масалаларини ўзида мужассамлаштирган, уни янги далилу-исботлар билан бойитган шоҳ, асар. Иккинчидан, самарқандлик астрономлар қозониган бу оламшумул муваффақиятда Мирзо Улугбекнинг ҳиссаси бениҳоя. У шахсан кузатини ишларининг тепасида турди. «Зиж»нинг асосий қисмларини Улугбекнинг ўзи ёзди.

Бонқалар тузган жадваллар ҳам аввал Улугбекнинг текширишларидан утиб, кейинги «Зиж»га қушилди.

Улугбекнинг илм-фан тараққиётидаги катта ўрни Гиёсиддин Жамишид, Мирим Чалабий, Давлатшоҳ Самарқандий сингари олимлар тарафида эътироф қилинди. Масалан, Гиёсиддин Жамишид Улугбекни Қуръон, Ҳадис, араб тили ва унинг грамматикасини, фикҳни, мантиқ, адабиёт, мусиқа, риёзиёт, фалакиёт илмларини чуқур билган олим, деб таърифлаган.

Абдулкарим мунший эртаси куни уйқудан ҳар қачонгидан барвақт турди, ионуштадан кейин қораламани бир четидан диққат билан уқишига киришиди. Оқقا кучиришдан аввал матнин яхшилаб таҳлил қилиш, унвон ва сарлавҳа уринларини белгилаб олиш, жадвалларнинг ҳажми ва ўрнини чамалаб олиши керак эди-да...

«Зижки жадиди кўрагоний» асосан икки қисмдан — катта муқаддима ва 1018 собита юлдузнинг ўрни ва ҳолати аниқлаб берилган жадваллардан иборат экан.

Муқаддиманинг ўзи тўрт мустақил қисмга булинган: етти бобдан иборат биринчи қисмда («Таърих, яъни хронологиянинг маърифати» деб аталади) астрономиянинг мухим пойдеворларидан ҳисобланган сана ёки йил ҳисоби, бопиқа сўз билан айтганда, юнонлар, араблар, эронликлар ҳамда уйғурлар қабул қилган йил ҳисоблаш усувлари, уларнинг миллий байрамлари, шунингдек, бу саналарнинг келиб чиқиш масалалари баён этилган экан. «Бусиз тақвимни такомиллантириш мумкин бўлмас», — деди ўз-ўзига мунший.

«Вақтлар ва унга тааллуқли немарсалар», деб номланган иккинчи қисмда (22 бобдан иборат) осмон буржларининг муаддил ан-наҳордан оғиши, хатти устивонинг чиқиц ўрни; юлдузларнинг чиқиш ва ботиш жойлари; нисф ан-наҳор соатининг расад ўрни бўлмиш Самарқанд кенглигига ишбати; Шуша, Кайравон, Урмия, Нахичевон, Булғор, Мадоин, Багдод, Басра, Козерун, Истаҳр, Ҳамадон, Қум, Рай, Домгон, Бадхиз, Сарахс, Марв, Балх, Андароб, Бадахшон, Гурганж, Ҳазораси, Кот, Бухоро, Ўш, Кошгар, Чин, Олмалиқ, Бешбалиқ, Қорақўрум, Самарқанд, Тароз, Үсрушана, Ҳўжанд, Ахсикат, Ўзганд, Шоп, Бапорас, Сарандиб, Тибат, Кашимир каби шаҳарларнинг (ҳаммаси булиб 683 жой) координатлари, етти иқлим ва унинг маърифати сингари масалалар ҳақида гап борарди.

Ўн уч бобни ўз ичига олган учинчи қисмда («Юлдузларнинг равшанилиги ва ўрни» деб аталади) юлдуз ва

сайёralарнинг қүёп атрофидаги ҳаракати зўр билим ва маҳорат билан шарҳланган экан.

«Юлдузларнинг доимий ҳаракати», деб атамиш туртинчи қисем эса астрология масалаларига, яъни юлдузларнинг ҳолати ҳамда ҳаракатига қараб тақдирни белгилаш масалаларига багишланган.

Олим сайёralарнинг турли-туман мослашувлари ва уларнинг инсон тақдирига таъсири масалаларига тұхтаган экан бу қисмда. Инсон ёки бирон бұлажак воқеанинг тақдирини олдиндан белгиләш учун зоижка тузиш йұллари ҳам күрсатиб берилебди. Буни күриб, Улугбек үз китобида диний әтъиқодға ҳам алоҳида ўрин берибди, деган холосага келиш күн ҳам тұгри бұлмас. Ислом дини мамлакатининг ижтимоий-сийесий ҳаётіда катта ўрин тутган олий ҳукмдорнинг саройда мунажжимлар уйнинг түрисида үлтирган бир пайтда, кенг халқ оммаси ўртасыда дин ва унинг ақидаларига ишонч кучли бұлған бир замонда буни ҳисобға олмай бўладими?!

«Зижки жадиди кўраганий»нинг иккинчи булаги астрономия ва тригонометриянынг амалий масалаларига багишланган. Унда 118 событа юлдузнинг ҳолати аниқ күрсатиб берилган.

Айниқса, Улугбек зижидаги учинчи даражали алгебраик тенгламага олиб келган тригонометрик жадваллар катта илмий аҳамиятта эга. «Бундай тенгламани ҳал қилиш, — деб ёзган эди үз вақтида машхур үзбек олими Т. Н. Қориниёндій. — Улугбек замонида катта муаммо саналар оди. Бу тенглама мұваффақиятли равиша янги оригинал метод билан ҳал қилиниб, натижада аниқлиги миллиарддан бир бўлган тұққиз хоналик тригонометрик жадваллар тузылган». Шак-шубҳасиз, бундай жадвалларни тузиш бениҳоят оғир юмуш эди. Улугбек ва унинг астрономик мактабида туэйлган «жадваллардан фақат синус мөхиятининг тұгрилигини текширишга, — деб ёзган эди самарқандлик олим мархум Раҳматулло Ибодов, — бир йилдан ортиқ вақт сарфладим. Бу ўринда шуни ҳам айтиш керакки, олим бу ҳисоб-китобни шунчаки қўлда эмас, балки маҳсус электрон-ҳисоблаш машинаси ёрдамида амалга оширган. Шунга қараб у Улугбек расадхонасида маълум ҳисоблаш маркази бўлган, яъни астрономик қузатишлар натижасида тұпландыратын материалларни ишлаб турган 100 дан ортиқ мутахассис бўлган, деган фикрга келган.

Яна бир гап. Фалак ал-бурж текислиги билан Хаттиустиво текислиги орасидаги бурчак, бошқа сұз билан

айтганда, фалак ал-бурж текислигининг хатти устивоға оғмалиги Самарқанд расадхонаси олиб борган кузатини натижасида $23^{\circ} 30' 17''$ деб белгиланди. Бу ҳозирги ҳисоб бўйича $23^{\circ} 30' 49''$ ни ташкил этади. Кўриб турибсизки, уртадаги тафовут жуда кам — $0'32''$ га тенг, холос. Бу XV аср учун гоят юксак аниқликдир. Яна бир мисол. Турли замонларда ўтган астрономларнинг ҳисоб-китоби билан Улугбек расадхонасининг бу борадаги ҳисоб-китобини олиб кўрайлик.

Фалак ал-бурж оғмалиги:

Эротесфен бўйича —	$23^{\circ}51'20''$	хатоси $+7'35''$
Гиппарх — » —	$23^{\circ}51'20''$	— » — $+8'23''$
Птолемей — » —	$23^{\circ}51'20''$	— » — $+10'10''$
Ал-Баттоний — » —	$23^{\circ}35'$	— » — $-0'17''$
Ас-Суфий — » —	$23^{\circ}33'45''$	— » — $-0'50''$
Абуулвафо — » —	$23^{\circ}35'$	— » — $+0'35''$
Ал-Кўҳий — » —	$23^{\circ}51'01''$	— » — $+16'36''$
Ибн Юнус — » —	$23^{\circ}34'52''$	— » — $+0'33''$
Носируддин Тусий — » —	$23^{\circ}30'$	— » — $-2'9''$
Улугбек — » —	$23^{\circ}30'17''$	— » — $-0'32''$

Қаранг, Улугбек мактаби ўтмишдошларидан қанча илгарилаб кетиби!

Мирзо Улугбек ва унинг ёрдамчиларининг сана ва сайёralарнинг йиллик ҳаракати хусусидаги ҳисоб-китоби ҳам ҳозирги ҳисоб-китобларга жуда яқин. Масалан, Юлдуз йилининг турли халқлар орасида мавжуд бўлган узунлигини ҳозирги замонда белгиланган узунлиги билан солинитириб кўрайлик. Бу:

Хиндаларда 365 кун, 6 соат, 12 минут, 30 секунд
 Халдейларда 365 кун, 6 соат, 11 минут, 00 секунд
 Аристархда 365 кун, 6 соат, 10 минут, 49 секунд
 Собит ибн Қуррада 365 кун, 6 соат, 9 минут, 12 секунд
 Улугбекда 365 кун, 6 соат, 10 минут, 8 секунд.

Ҳозирда 365 кун, 6 соат, 9 минут, 6 секундни ташкил этган. Кўриб турибсизки, Улугбек ҳозирги ҳисоб-китоб бўйича бор-йўги 1 минуту 2 секундга янгиштан экан.

Сайёralарнинг йиллик ҳаракатини олиб кўрайлик. Бу ерда ҳам Улугбек билан ҳозирги ҳисоб-китоб орасидаги тафовут жуда кам:

Сайфалар	Улугбек хисоб-китобига кўра	Ҳозирги хисоб-китоб бўйича	Тағовут
Зуҳал (Сатури)	12°13'39"	12°13'36"	3"
Мунтарий (Юнитер)	30°20'39"	30°20'34"	8"
Мирриҳ (Марс)	191°17'39"	191°17'10"	+ 5
Зуҳро (Венера)	224°17'32"	224°17'30"	- 2
Ўторуд (Меркурий)	53°43'13"	53°43'3"	- 10

Хулласи қалом, Улугбек ва Самарқанд астрономия мактабининг энг зўр қашфиёти нировард учинчи даражали алгебраик тенгламага олиб келган бир градусга тенг синус ёйини аниқлашдан иборат бўлди.

Муншийи хос «Зиж»нинг қораламасини бир қатор кўздан кечириб бўлгандга туи яримдан оғиб қолган эди. Шундай бўлса ҳам чарчоқ сезмади, кўзларида уйқудан асар ҳам йўқ эди. Ётгиси келмай қораламани у ер-бу ерини яна бир бор кўздан кечирди, китобга ҳам, уни битган одамга ҳам қойил қолди.

— Мондошли, қандай ажойибу гаройиб китоб булубтур. Бундайин китобини башарият яратилғондин бери ҳеч кимса кўрмагон ва энитмагон. Абдад үл-абд қолгай ушбу шоҳ асар.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам шоҳ асар яратилғанди. Бу ерда Абдулкарим мунший тамоман ҳақ эди...

Олимнинг яна бир асари тарихга тегинли. У «Тарихи арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи») деб аталади. Лекин баҳтга қарши, бу асар тула ҳолида бизнинг замонамизгача етиб келмади. Унинг бир неча муҳтасар нусхалари сақланган, холос. Ундан икки нусха Англияning Лондон ва Бодлеян кутубхоналарида, учинчи нусха Ҳиндистоннинг Банкипур шаҳрида ва ниҳоят, тўртингчиси АҚШда, Харвард университетининг кутубхонасида сақланмоқда. Асарнинг сўнгги варагида мана бу сўзлар ёзилган: «Ушбу асар «Улуси арбаъи Чингизий»дур, унда қайдга олингон Туркхон иби Ефас иби Нуҳ... наслидин бўлғон подшоҳлар ҳамда Туркистонзамин ҳоқонларининг номлари шаҳид бўлғон султон Улугбек Мирзоининг, тангри таоло онинг қабрини ҳамиша ёруг қилсун, тўрт улус хонлари зикрида битғон китобидин қисқортуруб олинди».

Асарнинг қисқача мазмуни бундай: сўзбошисида исломиятдан аввал ўтган пайгамбарлар, туркларнинг аждоди Ефас уғлон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилинади. Сўнгра туркларнинг афсонавий подшоси Ўғизхон ва унинг авлоди тарихи баён этилади. Айнан шу қисмда турк-мўғул қабилалари ҳақида ҳам эътиборга

молик маълумотлар бор. «Тарихи арбатъ улус»нинг қолган қисмлари Чингизхон тасарруфига тушиб қолган мамлакатларнинг XIII — XIV асрнинг биринчи ярмидаги тарихидан баҳс юритади, бошқа сўз билан айтганда, Чингизхоннинг вафоти (1227 й.) арафасида ташкил тонганд тўрт улус: 1) Улуг юрт (Мўгулистон ва Шимолий Хитой), 2) Жўчи улуси (Балхаш денигизидан то Волганинг ўрта ва қўйи оқимиғача бўлган ерлар ва Гарбий Сибир), 3) Чигатой улуси (Еттисув, Кошгар, Мовароунаҳр ва ҳозирги Афғонистоннинг шимолий қисми), ва ниҳоят, 4) Элхонийлар улуси (Эрон, Ироқ, Озарбайжон)нинг қисқача тарихидир...

Улугбек расадхонаси жуда кўн олимлар учун катта малака ошириш мактаби бўлди. Гиёсиддин Жамшид Кошоний, Қозизода Румий, Али Қушчи, Абдулали Биржандий (тахм. 1525 й. вафот этган) шу мактабининг кўзга кўринган намоянидалари жумласидандир. Уларнинг математика ва астрономияга оид асарларининг батъзиларига мана шу улкан илмий даргоҳ бешик бўлди.

Мирзо Улугбек даврида Самарқандда астрономия ва математика илмидан бошқа ҳуқук, тиљшунослик, адабиёт ва илм-фаннинг бошқа соҳалари ҳам ривож тонди. Улугбек мадрасасининг кўзга кўринган мударрислари: қомусий олимлар мавлоно Мухаммад Ҳавофий, Сайд Имодиддин, машҳур тибб олими хожа Бурхониддин Нафис, ийрик адабиётшунос ва тиљшунос олим хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий ҳамда Абулқосим Самарқандий замонасининг ишқадам олимлари сифатида донг таратдилар. Саккокий, Бисотий Самарқандий, хожа Исматулло Бухорий, Хиёлий Бухорий, мавлоно Бадаҳшӣ, Жавҳарий, Вафоий, Риёзий сингари забардаст шоирлар етишди.

Ха, илм-фан ва маданий ҳаётда эришилган бу ва бошқа муваффақиятлардан магурланмасдан, қувонмасдан бўлмас. Мирзо Улугбек ҳафтада бир марта, күпинча жумъя кунлари, кечқурун Чиннихонада ўтказиб туриладиган умаро билан шуаронинг мажлисларида расадхонада эришилаётган ютуқлардан ич-ичидан қувониб сўзлар, янги ёзиб мусаввадаси эндиғина оқца кўчирилган илмнинг турли соҳаларига оид асарларни аҳли мажлисга кўз-кўз қиласди. Бугунги мажлисда подшоҳ олдидаги хонтахтада мана шунақа китоблардан йигирма чоги даста-даста қилиб кўйилган эди. Шулардан мавлоно Гиёсиддиннинг «Талхис ал-мифтоҳ», Қозизодайи Румийнинг «Шарҳи мулаҳҳис Фи-л-ҳайъа», Алоиддин Али Қушчининг «Рисола дар илми фалакиёт»ини кўироқ мақтади. Олимларни эса турли-

туман сийлапилар билан сарфароз қилди. Сунг хон устидан яна бир-икки китобни қулига олиб, уларнинг муаллифлариға таҳсиллар ўқиди.

Ушбу сийлапилар билан сарфароз қилди. Сунг хон устидан яна бир-икки китобни қулига олиб, мавлоно Шотибийнинг Қуръони мажидни қироат бирлан ўқуш санъатига бағишиланган таълифининг туркий-часидур. — Улугбек китобни ўнг қулида ўлтирган садр аъзам Жамолиддин Фатхулло Табризийга узатди. У бир-икки жойини варақлаб кўрган бўлди-ю, «хуб ажойиб китоб булибдур», таълиф қилғоннинг ҳам, туркийга ўғирғоннинг ҳам, котибининг ҳам у дунёи — бу дунё қули дард кўрмасун», — деб дуо қилди-ю, шайхулислом хожа Бурхонпуддинга узатди. Шу тариқа китоб қўлма-қўл айланиб, яна Улугбекка қайтди.

Мана бунисини эрса Туркистондин Арслонхожа тархоннинг тұнғич фарзанди ва иоibi Абулқаримхожа тархон юборибдур. Аҳмад Юғнақийнинг «Хибат ул-хақойиқ» и эрур. — Улугбек зангори муқовалик яна бир нодир асарни дўстларига кўрсатди. Бу китоб ҳам қўлдан-қўлга ўтиб, тахсину-оғаринларга сазовор бўлди.

Бугун аҳли мажлис шу тариқа бир вақтларгача хон устидаги янги асарларни қўздан кечирди.

Мажлис охирроғида расадхонада қилиниши керак бўлган янги ишлар ва янги қурилишлар режаси мухокама қилинди.

Ҳа, Улугбек ҳақиқатан ҳам Самарқандда бутун жаҳонга шуҳрати кетган Академия таъсис этди. Таъбир жоиз бўлса айтиш мумкинки, Улугбек ушбу Академиянинг президенти, Гиёсиддин Жамшид, Қозизода Румий ва Али Қушчи унинг вице-президентлари эдилар. Ҳаял ўтмай Самарқанд Академиясининг довруги бутун жаҳонга ёйилди. Унинг таъсири остида Эрон, Ҳиндистон, Туркия ва бошқа мамлакатларга ҳам ўтди, XVII асрдан бошлаб уни Европа олимлари ҳам тан олдилар...

40- йилларнинг бошларида Мирзо Улугбек яна ўша муҳтасиб Сайд Ошиқ билан тўқнашиб қолди. Бунга муҳтасибнинг дагаллиги, қўрслиги, мутакабирлиги ҳам сабаб бўлди. Воқеа мана бундай содир бўлганди. Қунлардан бир қуни шайхулислом хожа Исомуддин чорбогидан шаҳар ҳовлисига қайтиб келаётib, Чорсу бозорида ажойибу гаройиб бир тамошонинг устидан чиқиб қолди. «Тамошо»нинг тепасида муҳтасиб Сайд Ошиқ турган экан. Унинг буйруги билан миршабнинг иккита норгил йигити бозорга қозоз харид қилгани келган бир мулла-ваччани «не сабабдин бемоврут кўча-кўйда юрибсен», деб

камчи билан савалаб ётган эканлар. Мухтасибнинг узи бўлса бир четда томошачи бўлиб турарди. Шайхулислом яқинлашиши билан давра қуриб турганлар уни қуриб ўзларини четга олдилар-да тавозеъ ва тавонолик билан саломлашдилар. «Ассалому алайкум!», «Ва алайкум ассалом» деган сўзларни эшитиб мишибининг йигитлари муллаваччани калтаклашдан қўл тортдилар ва қамчини икки буклаган ҳолда қўлини кўксига қўйиб, шайхулисломга икки букилиб таъзим қилдилар. Муллавачча бўлса кўйлагининг этаги елкасига қайрилган ва бўз лозими хиёл настга туширилганча ерда чалиғанчасига инграб ётарди. Бадани бўлса қамчи зарбидан тилим-тилим бўлиб кетган, думбаси момоталоқ эди. Шайхулислом муллаваччанинг ҳолига ачиди, Сайд Ошиқдан бир қадар ранжиди. Истеҳзо билан унга мурожаат қилди:

— Жаноби мухтасиб, қайси айби учун бу бечорани кунна-кундузи рааё ва барабанинг кўзи ўнгида шу алфозга солдингиз?!

Сайд Ошиқ бўши келмади:

— Ҳа, кунна-кундузи... дарслар итномиги етмагон бир пайтда мадрасадин қочуб чиқиб бозорда тентираб юргони сабабдии они чўби ёсоқга тортдук.

— Қочмогонмен, мударрис жанобларининг ўзлари буюргонлар, ўзлари,— деди муллавачча йиги аралаш.

— Андоқ бўлса мударрис иега икки энлик хат қилуб бермабтур? — Сайд Ошиқ қўлини шоп қилиб муллаваччага сиёsat қилди.

Шайхулисломнинг жаҳли чиқди:

— Икки энлик битиги йўқ деб, арзимас гуноҳи учун бир мўмин мусулмон фарзандини чуби ёсоқдайин оғир бир жазога тортиш инсофдинму, жаноб?!

Мухтасиб ундан баланд келди:

— Шариат йўруқларига биноан кимни қойси жазога тортиш бизнинг вазифамиз, они тафтиш қилиш шайхулисломнинг ихтиёрида эрмасдур. Даҳлдор бўлмагон ишга бурун суқманг, жаноб.

Шайхулисломнинг бир жаҳли чандон булди, лекин халойиқ олдида у билан адидади айтишиб ултиришни ўзига эп кўрмади, «буни кейинроқ бафуржা сўзлашурмиз албат», деди-ю, отига қамчи босди. Кечқурун эса Мирзо Улугбек билан учрашганда уни бошқалардан ҳоли тониб мухтасиб Сайд Ошиқнинг устидан астойдил шикоят қилди.

Улугбек кундан бери мухтасибдан порози булиб, унинг таъзирини бериб қўймоқчи бўлиб юрган эди, шайху-

лисломнинг шикояти бунга бир баҳона бўлди. Эртаси куни мухтасибни саройга чақиртириб қози калон, мударрислар ва бошига аҳли уламо хузурида итобга олди.

Кейинги вақтларда баъзи мұтабар зотларнинг оёқ олиши үзгача булиб кетаётгандыр. Ушбу аҳвол сизга ўян кўринмайдиму, жаноби мухтасиб?

Сайд Ошиқ аввал қози калонга, кейин шайхулисломга ўқрайиб қаради: — «Шулар чаққонга үхшайдур, хусусан анови маразнинг ишидир бу», — мухтасиб буни шайхулислом хожа Исомиддиндан кўрди. Сўнгра подиоҳга жавоб қилди:

Мен ҳам шунақа фикрдамен, мирзо. Ўйлашимча, оёқ ул ёқда турсин, тилу забон воситаси ила юргувчилар кўнайиб бораётгандыр. У шайхулисломга писанда қилди.

Хожа Исомиддин мухтасибни узиди олди:

Жаноби мухтасиб ҳақ гапни айтдилар, аълоҳазрат. Бундайлар оёги бирлан ҳам, тилу забони бирлан ҳам бир таврда юриб билурлар.

Гапга қози калон Шамсуддин Муҳаммад Мискин аралашди:

Оёқ бирлан ҳам, тил-забон бирлан ҳам бир таврда юра олатурғонларнинг наслу насаби айгоқчи ва мишиблардин эрмас-ку эркан?

Сайд Ошиқ жаҳлга ҳай беролмай тувақинди:

Шариату тариқат йўсунида устувор турғон бир мусулмонни маломат қилмоқ инсофдин эрмас. Фақир шаклу шамоилига кўра мусулмон бўлуб, аслида даҳрий бўлғон каслар орасида ултиргонимдин пушаймонмен.

Энди Улугбекнинг жаҳли чиқди. Мухтасибни астойдил сўроққа тутди.

Э, сайдид! Мен ёмонроқму, ё фиръави?

Фиръави.

Сиз яхшироқму эрсиз, ё Мусо алайҳиссаломму?

Мусо алайҳиссалом.

Қодири мухтор Мусога яратилмишларнинг энг ёмони бўлғон фирмавини тўғри йўлга солғил деб ундағонда «Қаттиқлик бирлан аччиқ сўзламагил, балки юмшоқ ва чучук тил бирлан ганир», деб буюргон. Сиз эрсангиз Мусодин ортуқ бўлмайин туруб менга, фирмавидин ёмоироқ бўлмагоним ҳолда не сабабдин қаттиқ ганирасиз?!

Сайд Ошиқ бошини ҳам қилиб сукут сақлади. Подиоҳнинг мухтасиб хусусида қаттиқ ҳукмга келганини пайқаш қийин эмасди. Ваҳоланки, ана шу аижуманда иштирок қилаётган Абулфазл Дайёр ҳам бир нима демади.

Подшоҳ ҳукмини эълон қилди:

— Наслу насабингизни инобатга олуб бу сафар ҳам шахидлик жомидин нўш қилишингизга йўл бермайдурмиз. Локин бундин буён дахрийлар орасинда бўлинилек сиздайин шариатпаноҳ кимса учун дуруст бўлмас. Биз сизни шу кундин эътиборан муҳтасиблиқ мансабидин озод этдук.

Сайд Ошикнинг бошидан бир чеълак совуқ сув қўйилгандаи бўлди. У бундай булишини кутмаган, подшоҳ одатдагицек шунчаки дўқ-пўписа қилиб қўяди, деб уйлаган эди. Илож қанча, подшоҳнинг амри вожиб. Бир вақтлар подшоҳнинг ўзи сийлаб уни шу мансабга таъйин қилган эди. Энди бўлса яна ўзи уни мансабидан ихроjк этиб, даргоҳидан қувиб юборяпти. Муҳтасибни гам босди, энди пима қиласди? Бозор-ӯчарда энди қандай қилиб бош кутариб юради? Одамларнинг юзига қандай қарайди? Ахир, у шу мансабда турган йиллари бирон айб тошиб озмунча одамни тўғри келган ерда тўқмоқламаганмиди. Ўшалардан бири билан фавқулодда учрапиб-нетиб қолгундай бўлса кўзларига қандай қарайди? Аксига олиб, улар «ҳолинг шу эркан-ку, муҳтасиб!», — деб устидан кулинишмайдими? Нима, унинг оёқларига йиқилиб ёлиниб-ёлвориб кечирим сўрасинимикан? «Йўқ,—деди у ўз-ўзига,— дахрий олдида эгилган бошнинг кесилгани афзал». Сайд Ошик қўрс ва ориятлик одам эди. Даст ўринидан турди-ю, у ёқ-буёғига қарамай, чаён чақсан одамдай, ўзини ташқарига отди. Саройдан чиқибоқ тўшина-тўғри Қамонгаронга, Низомиддин Хомушникига борди.

Сайд Ошик ҳазратнинг яқин муридларидан бири бўлиб, бу даргоҳга тез-тез келиб турарди. Шу сабабдан бу ер унинг ўз уйидай бўлиб қолганди. Шунинг учун ҳам у дарвозани тақиллатиб ўтирмади, уни оҳистагина очди-ю ичкарига кирди. Ҳазрат ҳар қачонгидаи ҳовлининг қоқ ўртасида ариқ бўйидаги улкан мажнунтолнинг паҳмоқ шоҳлари чор атрофидан ўраб олган супада бошини қўйи согланича тасбех ўгириб ўтирарди. У дарвозанинг очилганини пайқаса ҳам парво қилмади. Сунага яқинлашиб қолган одам шарнасини эшитган бўлса ҳам эшитмаганга солди. Муҳтасиб сунага беш-олти қадам қолганда бир тухтаб олди, оёқ учida юриб сунага олдида тўхтади ва ҳазратни чўчитиб юборишдан ҳадиксираб бир-икки марта калта-калта йўталаб ҳам қўйди. Шундан кейингина ҳазрат бошини кўтарди.

— Ассалому алайкум, ҳазратим.

Ҳазрат сезилар-сезилмас бош иргитиб алик олди. Ҳазрат содик муридининг юзида безовталиқ ва наришонлик аломатларини кўрса ҳам, ўзини сезмаганга солди. Қўли билан «ўлтириинг» деб ишорат қилди-ю, яна бошини қўйи согланича пинакка кетди.

— Э... э, ниримнинг хомуши аталиши ҳам бежиз эмас экан-да,— деди Сайид Ошиқ супанинг бир четига ўлтираётib ўз-ўзига,— дунёни сув босиб кетса ҳам тўпифига келмайди, нарвойи фалак бу эшоннинг. Нима бало, хожа бузургни, ёки хожа Алоуддинни туш кўраётганими эркан?

Ҳазратнинг ўзлари ҳол-аҳвол суриштирас, шундан кейин юз берган воқеани унга арз қиласман, деб ўйлаганди, умиди нучга чиқди. Бир ош қайнар вақт ҳам ўтди, лекин ҳазрат ҳамон бош кутармай ва бир нима демасдан тасбех ўгириб ўлтираверди. Сайид Ошиқнинг тоқати тоқ бўлди, охири ўзи ган очди.

Омонмусиз, ҳазратим. Шу кечада тушимга кирабсиз, ҳол-аҳвол сўрай, деб келиб эрдим.

Ҳазрат бу сафар ҳам бир нима демади. Яна ўша ҳунар — оҳистагина бош иргитиб миннатдорчилик билдириди.

Бу муҳтасибга оғир ботди. Даст ўрнидан туриб кетмоқчи ҳам бўлди-ю, лекин бир оз мулоҳаза қилиб кўриб, шаштидан қайтди. Ахир бу даргоҳга зўр умид билан келмадими?! Илож қанча? Сайид Ошиқ муддаога кўча қўйди:

— Пирим, қулингиз бир ташвииш бирлан келдим.

Сайид Ошиқ Низомиддин Ҳомушининг шайхулислом хожа Исомиддин билан оралари созлигини яхни биларди. Шундан умид қилди — ахир ҳазрат дўстига икки оғиз сўзини аямас, шайхулислом ҳам кўнгли юмшаб, подшоҳдин жаримасини сўраб берсалар ажаб эрмас.

Ҳазрат эринибгина бошини кутарди. Сайид унинг Ошиқ катта қўй қўзларида ачиниш ва мойиллик аломатларини сезди. Шундан кейин қўлларини кўксига қўйиб тавозеъ билан сўзида давом этди.

— Подшоҳ ҳазратлари бирлан оромиз ича бузилиб қолди, пирим. Мадад беринг!

Низомуддин Ҳомуш муҳтасибининг ганларини яхши эшитмадими, ёки бошқа сабабдами, уни бир оз ваҳима боғди: нима, Минхажиддин билан бирон кор-ҳол бўлдими?

Ҳазрат анчадан бери подшоҳнинг даргоҳида, девони ишқида хизмат қилиб турган кенжак ўғлини кўнглидан ўтказди, бир қадар сергак тортиб, сўз қотди:

— Бошиңизга қандай ташвиш түшмиси, жаноби мухтасиб, очиқ сүйлайверинг.

— Шу кундин бошлаб қулингиз әмди мухтасиб эрмасмуз, ҳазратим. Үшбу мансабдин ихрөж этулдик. Буёги ҳолимиз не кечур әркан, бу танқо яратган әгамнинг ўзига маълум.— Сайд Ошиқ куни кеча Чорсуда, бундан бир неча соат бурун саройда бўлган воқеани қисқа қилиб ганириб берди.

Хайрият, Минхокиддин омон әркан, деди ҳазрат ичида. Сўнг анчадан бери унинг фармойишини кутиб ўтоқ бошида тимирскилаб юрган хизматкорни чақирди. Мұхаммад Карим хожасининг феълини яхши биларди. Агар ун чиқармаса майдада-чуйда юмушларини қилиб юравсарди, борди-ю, унинг исмини таъкидлаб чақириб қолгудай бўлса, меҳмоннинг олдига апил-тапил дастурхон ёзарди...

Сайд Ошиқ гап орасида эҳтиётлик билан шайхулислом билан подшоҳни маломат қилди. Уларни дини ислом ва шариат чизигидан чиқаёзган дахрийлар деб маломат қилди. Лекин бу гаплар нишонга тегдими-тегмадими буни англолмади. Ҳазрат унга бу хусусда бирон сўз қотмади. «Подшоҳга нега тил текизасен»,— деб муридини койимади ҳам. Бундан Сайд Ошиқ ўзича хулоса чиқарди — «сукут аломати ризо»,— деди у ичида. У шу кундан бошлаб ҳазратнинг даргоҳидан оёқ узмай қўйди.

Бир-икки ой шу тариқа кечди. Бўзчининг мокисидай ҳадеб бир ерга қатнайверса ҳам бўлмас экан. Бора-бора уни кўрганда ҳазратнинг гаши келадиган бўлиб қолди. Масалан, кеча борганида яна имо-ишора билан супанинг бир четидан жой кўрсатди-ю, лекин Мұхаммад Каримни чақирмади. Ҳазрат муридининг гапларига қулоқ осмай қўйди. У азалдан фисқ-фасод гаплардан ўзини олиб қочар, умуман кўча-кўйга ҳам кам чиқарди. Энди-чи? Авваллари қилмаган ишни энди, тўқсонни қоралаб қолганда қилсинми. Қисқаси, ҳазрат Сайд Ошиқ ҳазратдан умидини узди. Шу даргоҳга ҳам этак қоқиб кетмоқчи бўлди-ю, лекин илож қанча — қўл бериб эътиқд қўйган одам, буни Самарқанднинг жумла мўмини яхши билади. Энди эътиқоддан ҳам кечса... Қолаверса, энди қаёққа ҳам борарди. Тўгри, унинг бу шаҳри азимда яна бир илинжи бор — хожа Ҳизр масжидининг имоми мулла Шарафуддин. Сайд Ошиқ билан дўст. Балким дахрий подшоҳ билан курашида у жонига оро кириб қолар. Шу умид билан кеча ўша Шарафуддин тарашанинг (ута озгинлигидан қўпчилик уни шундай атарди) олдига борган эди, кўнгли тўлмай қайтди.

Шарафуддин тарааша уни самимият билан кутиб олди, хужранинг тўрига ўтқазди-ю, лекин олдида бир ион ҳам ушатмади. Сайид Ошиқ ҳам қимир этмай утираверди. Алланайт бўлганда у рўпарасида қозиққа осилган тутунчани олиб дўстининг олдига ёди.

Маъзур тутадилар, жаноби мухтасиб, э... э..., жаноби Сайид Ошиқ,— унинг мухтасиблик лавозимидан бушатилганини биларди да,— кеча худойига боруб эрдик, насиба туғиб беришгон эрдилар. Ушибуга сизнинг ҳам насибангиз қўшилғон эркан. Нега аввалроқ әсимга келмабдур. Узр, тақсир, кейинги пайтларда фаромушотир бўлуб қолубмен.— Сўнг рўмолчага туғилган тўрт дона ион, ниширилган икки бўлак гўшит, бир сиқим ҳалво, бир сиқим печак ҳанд, икки бўлак наввот, саккиз дона самбусани рўмолчага тарқатиб қўйди. Пичоқласини камзулининг киссасидан олиб гўштини тўғраб ҳам қўйди.

Қани дастурхонга қарасинлар, тақсири олам. Бир майизни қирққа бўлуб есунлар, деган эркан азиз-авлиёлар. Боримизни баҳам кўрасиз.

Имом домла узр сўраб ташқарига чой қўйгани чиқди.

— Ҳа, қалангур-қасатқи. Ўлгунча хасис бу тарааша. Шунча молу дунёни гўрингга олиб кетасанму.— Имом чой дамлаб келгунча Сайид Ошиқ уни ичида сўкиб ўлтириди...

Энди бир пиёладан чой ичишган ҳам эдиларки, хужрага ўлгунча фисқу фужурлиги сабабли аҳли мўмин орасида ҳам, аҳлисарай ўртасида ҳам Абулфосиқ номи билан машҳур бўлган муаззин мулла Неъматулла кириб келди.

Имом домла ҳам уни ўлгунча ёмон кўрарди. Шунинг учун ҳам бир ижиргацди-ю, лекин сирни бой бермади.

— Қадамларига ҳасанот, ҳожим. Қани, дастурхонга марҳамат!— Мулла Неъматулла ҳужра тўрига ўтди. Анилтапил дуо қилган бўлди-ю, қўлини дастурхонга чузди ва бир бурда ион олиб, юмшоқроқ еридан бир нарчани ушатиб олди, сўнг дастурхондан мўлжаллаб туриб икки кесим гўшит олди ва ион билан қушиб ҳаммасини лунжига тиқди. Гўшит-ку майда эди. Тараашси қурмагур уни чумчук тили қилиб кессан эди. Лекин қаттиқлик қилдими, ёки тиши қурмагур наид бердими, ишқилиб қалқиб кетди, луқмани анил-тапил чап лунжига ўтказиб эплантириб олмоқчи бўлди-ю, лекин бўлмади. Қаттиқ йўтал тутиб егани оғзи-бурнидан чиқди. Имомнинг жаҳали чиқди:

— Тақсир, биттадан олиб чайнаб есангиз-у бундог бўлмас эрди.

Имом муаззинга нафратомуз қаради. «Ахир кунмас — куни бу очкўз ёрилиб ўлади»,— демоқчи бўлди чамаси,—

уцлаңг мана буни, ичиб юборинг. Шоцилмай, ҳўплаб-хўплаб ичинг, йўқса яна қолқиб кетасиз.

И мом муаззинга бир ниёла илиқ чой узатди...

Чойдан кейин учовлари бир пайтларгача у ёқ-буёқдан гапланиб ўтирилар. Сайд Ошиқ даҳрий подпоҳдан гап очган эди, имом настки лабини тишилаб, эгилиб чойга катта бир бўлак новвотни синдириш билан овора бўлиб ўтирган муаззинга қўзининг қири билан ишора қилди.

— Тақсир, қўйинг, подпоҳлиқча даҳлдор гаплардин сўйлашмайлик. Яхиси, хожим Маккаю мукаррама ва Мадинайи муаззамага қилғон саргузаштларидин сўзлаб берсанулар.

— Маъқул, тақсир.— Сайд Ошиқ «қани, сиздин эшитайлик», дегандай муаззинга тикилди.

Муаззин бир бўлак новвотни секингина лунжига уриб олган экан, уни лўқ этиб ютиб юборинга ҳаракат қилди. Лекин, новвоти қурмагур кекиртагига тиқилиб қолиб ўлишига бир баҳя қолди. У бир вақт, уч-тўрт ниёла чой ичиб юборгандан кейин ўзига келди, ўлмай қолганига тангри таолога шукр келтирди, кейин бир икки марта тамоқ қирди-ю, сўнг гашни саргузашти ҳарамайидан олди. Муаззин бир ростга икки ёлгонни қўшиб роса гапирди. И мом билан муҳтасиб унинг «гаройиб» ҳикоясини тишнитишига қўйиб эшитиши. Илож қанча? Унинг аслида кимлигини Сайд Ошиқ ҳам, имом ҳам яхши билишарди. Бир умр фисқу фасод билан, одамларни бир-бирига гижгижлаб ораларини бузиб юрган бу қитмир одам бир қарабсизки, бир юмалаб хожи бўлиб олди. «Қариб-қартайгонда гуноҳларим камаюр, ўлгонимда Нули сиротдин оғонаб тўғиз қабилида кетмайин» деб, бор бисотини пуллаб, дўпни бир айлангунча фалончи хожи деган ном ортириб ҳам олди бу зангар деган гап муҳтасибнинг ҳам, имомнинг ҳам қўнглидан ўтди. Лекин ҳарна бўлса ҳам муросаю-мадора қилишига мажбур эдилар. Бугун ҳам шу қабилда иш тутдилар. Лекин Сайд Ошиқнинг хаёлига «ҳарна бўлса ҳам ушбул касдин фойдаланса бўлур»,—деган фикр ҳам кечди. Бунинг учун бир ҳамён кепакийдан кечса кифоя қилур...

Учовлон эртаги ионунштадан кейин биргаликда ҳазратни зиёрат қилишига бориш ҳақида маслаҳатни бир ерга қўйиб, тун яримлаб қолганда ҳужрадан бирин-кетин чиқдилар.

И мом билан Сайд Ошиқ эрталаб гузарда муаззинни кўп кутишиди, лекин у келавермади. Охири ўзлари Камонгаронга қараб йўлга тушдилар. Лекин... Сайд Ошиқ

билан мулла Шарафиддин дарвозадаи кирдилар-у, йулакда ҳанг-манг булиб қолдилар. Қўзлари супада ҳазратнинг қаршиисида чўк тушиб ўтирган Абулфосиққа тушди. Муazzин улардан олдинроқ отни қамчилаб қолган экан. Шунда ҳам бир ўзи эмас, балки яна бир касни ҳам етаклаб келган эди. Унинг ёнида ўлтирган девсийрат, ҳўқиз баппера йигитни улар биринчи курит туриши. Ҳазрат муҳтасиб билан имомга ҳам супадан жой кўрсатди. Фотихадан кейин ҳазрат ўша нотаниш йигитни меҳмонларга танишитирди.

— Қуриб турғонингиз ушбу баҳодир йигит Кошгар ҳокими Сиддиқ баҳодирнинг павкари эрди. Охири ҳар иккалаларининг оралари бузилиб, кўп йил бўлди, баҳодир бу юртларга келиб қолдилар. Бошда Ҳирида мирзо Абдуллатифнинг узангисида бўлдилар. Мирзо катта оналари билан аразалашиб қолгон йили мирзо бирлан Самарқандга келгон. Бир йилдан сўнг бегим келиб мирзони олиб кетиниларида ота-онасини баҳона қилиб, бизнинг қўмагимиз бирлан Самарқандда қолди. Поздноҳ ҳазратлари кейин ани тўқсабонинг ёнига қўйдилар. Бизни ҳам зиёрат қилишни фаромуш қилмай қулбамизга келиб турадилар. Асли бизнинг Косондин бўладур. Бағоят садоқатлиқ йигит.— Эҳсон Буқо барлос саншиб ўриндан турди, икки қулини кўксига қўйиб, ҳазрат ва унинг меҳмонларига икки букилиб таъзим қилди. Сайид Ошиқ уни дикқат билан назардан ўтказиб қўйди.

Меҳмонлар, Сайид Ошиқ ҳам, муazzин ҳам, имом ҳам бошда ҳазратдан истиҳола қилиб сукут сақлаб ўтирилар ва унинг аҳён-аҳёнда айтган сўзларини жон қулоги билан тингладилар. Кейин, унинг бугун нимагадир кўнгли чоғ бўлиб, сухбатга мойиллиги борлигини сезиб, бири қўйиб-бири гапира кетдилар. Айниқса, муazzин тан тортмай ганга кўп аралапди. Сайид Ошиқ яна ўша дини исломни оёқ ости қилаётган дахрийлардан нолиб кетди. Ҳамма унинг фикрига қўшилиб, ганларини тасдиқладилар-у, лекин бу хусусда ҳазрат қандай фикрда эканлигини билиб бўлмади. Унинг бугунги хурсандчилигини ҳаял ўтиб уни йигирмадан сал ошган кенжатои ичкаридан бир лаган опи қўтариб чиққанда англашиди.

— Минхожиддин букун бош муншийлиқ лавозимиға таъйин этулуитур,— деди ҳазрат меҳмонларга мурожаат қилиб,— биз подинойи оламнинг лутфу-карамидин бағоят мамнун бўлдик, Тангри таоло аниг умрини узун, салтанатини пойдор қиласун!

Сайид Ошиқ ҳамма қатори ҳазратнинг сўзларини

маъқуллаб, құлларини дуога очди, сүнг ҳазратнинг қадұ-
комати келишган үглини «муборак бұлсун!» қылди-ю,
ицида «ха, айёр тулки, энди билдім не сабабдин буқун
кайфиятнинг чөг әрканини,— деди унга хиёл күз тагидан
қараб,— шошмайни тур, хурсандчилиқнинг зўрини бундин
бүёғи кұрасен».

Меҳмонлар хожазоданинг бемонанд ҳусни, ақлу закова-
тини күп мақтадилар, «марtabаси бундин ҳам зиёд
бұлгай», деб узуңдан-узоқ дуо қылдилар.

Сайд Ошиқ ҳазратнинг уйидан чиқаётіб, уннинг сарой
хизматчиси бұлған үглини ҳам бир күннің яраб қолишиға
умид болғаб, меҳмонларни дарвозагача кузатиб чиққан
сармуншійни гаңга солди:

— Минхожиддин дейман, оламшаноқ саройда кам
булар, күироқ расадхонада, ёхуд Чиннихонада тунаб қолар
әркан, шу гаңлар ростму?

— Рост, жаңоб. Ҳазрати олийлари күп вактими илм
бирлан кечириуб, күндии бери салтанат ишларига күп
рагбат күргизмайни қўйғонлар. Шу боиседин он-ҳазрат
саройда камдан-кам бўладурлар.

Сайд Ошиқ сармуншій айтган гаңлардан тегишли
хулоса чиқарди: «Саройга камдин-кам борғондии кейин
ҳарамни ҳам зедин чиқарғон бұлса ажаб эрмас»,— деди
у ўз-ўзига — ишни айлан шу ердин бошлаш мақсадга
мувофиқ.

Сайд Ошиқ ўша куни ҳазратникидан аллақандай
кайфиятда қайтиб келди, ўзини ҳеч ерга сүгдирмай
қолди. Ҳали ичкарига кириб хотинларига ұдагайлар, ҳали
меҳмонхонаға чиқиб ёнбошлаб хизматкорни ҳали чой, ҳали
чилимга буюрарди. Ҳадеб айтган-деганини қайтараверга-
нидан жаҳли чиқиб қафасдаги тұтими қафас-мафаси
билан ташқарига улоқтирди... Ишиқилиб у ўша куни ит
азобида ўтказди. Қоронгу тушиши билан эса хожа Ҳизр
масжидига қараб йўл олди. Лекин имом домла ёлғиз эмас
экан. Ҳалиги девсийрат йигит — Эҳсон Буқо барлос ҳам
ӯша ерда экан. Мухтасиб холи қолиб дүсти билан бор
ганин сұзлашиб олмоқчи эди, Эҳсон Буқони куриб эпесаси
қотди. Үлтираётіб «энди бүёғи неча шулдин тушди»,
дегандай имомга маънодор қараб қўйди. Имом дүстининг
саросимага тушганини пайқаб, эшитилар-эшитилмас
«Ташвеш намекашед, ин кас марди хушсавдо аст»,— деди.
Эҳсон Буқо барлос тоғикча билмас эди, лекин иккаласи
уннинг ҳақида гаилашганин пайқади, лекин ўзини
билимасликка солди. Қимдир мухтасиб келмасдан сал бурун
масжидга деб катта соноз қузада чучвара келтирған экан.

имом дастурхон ёзиб ундан меҳмонларга ва үзига ярим косадан сузиб келди. Овқатдан сўнг хуфтонни ўқиб, яна дастурхон атрофига эди чўққайишган ҳам эдиларки, томоқ қоқиб муаззин кириб келди. Уни кўриб Сайд Ошиқнинг жаҳли чиқди. «Нима, бу одам менинг изимдин тушғон айгоқчimu үзи?» — деган шубҳага ҳам борди. Имом домла «тапивинланмасунлар, ул ҳам үзимизга қаралилиқ одам» деган маънода муҳтасибга қараб, чап кўзини салгина қисиб қўйди, сўнг муаззинни дастурхонга таклиф қилди:

— Ҳум келибтилар, жаноб. Қани, дастурхонга марҳамат.

Муаззин шундайгина дастурхон ёнига чўк тушиб, қўлларини дуога очди, кузлари бўлса токчада турган кўзада эди. Имом домла унинг кайфиятини англади, лекин, барибир, муаззиннинг ҳафсаласини нир қўлмоқчи бўлди:

— Афсус, бахтга қарши, қайнопангиз сизни сўймас эрканлар, таомдин андак кеч қолдингиз, тақсир.

Муаззин токчада турган кўзага яна бир бор тикилиб қаради ва оғир тин олди. Бунинг устига хонани тутиб турган чучвара ҳиди уни аллақандай аҳволга солди, сўлак безлари жунишишга келиб кунгли беҳузур бўлди. Муаззин чучварадан анчаси ҳали кўзада эканлигини пайқади, лекин сирни бой бермади:

— Нима ҳам қилдик домла, хуб мазали таом бўлғонга ухшайдур, локин бизнинг ризқимиз қўшилмагон эркан.

Муаззин анил-танил дастурхондан бир тўғрам қотиброқ қолган ион олди ва унинг қоқ ярмини қарсиллатиб синдириб олиб, бир бўлагини оғзига солди.

Имом «яна тикилиб ўлмасун», деб сопол косачага тулдириб чой қуйиб берди. Сўнг даст үрнидан турди, «оббо, сиздин ҳеч нимарсани пинҳон тутуб бўлмас эркан» деди-ю, секин бориб кўзани олди ва уни дастурхон устига қўйиб чучварадан муаззинга ҳам ярим коса сузиб берди.

Уларнинг суҳбати ярим кечагача давом этди. Аввалда сал қовушмади, кейин майдай юришиб кетди. Бу сафар гап фақат дахрий подшоҳ ва сармунишӣ устида борди. Пировард муаззин Эҳсон Буқоға мурожаат қилди:

— Янглишмасам, хожа саро Сизга жигар бўлса керак, бек?

Эҳсон Буқо бош силкитиб унинг ганини тасдиқлади.

— Үндог бўлса бўёғидин хотиржам эрканмиз-да?

— Ори, тақсир.— Эҳсон Буқо қўлини кўксига қўйиб бош эгди.

Шу кеча учовлон ганини бир ерга қўйиб олишиди...

Орадан күн вақт үтмай аҳли сарой орасида күз күриб, қулоқ өшитмаган гаплар тарқалди. Эмишки, подшох ҳарамидаги канизаклардан Салима иемлик бир соҳибжамол билан сармуниий бир-бирига күнгүл қўйишганмиш, улар аҳён-аҳёнда фурсат топиб овлақ жойларда учрашиб ҳам туришпармиш. Бунақа гап найдо бўлдими, бас. Кўз очиб юмгунча қанот боғлаб парвоз қиласди. Узунқулоқлар қўниб-чатиб уни достонга айлантириши. Бу гап подшоҳнинг қулогига ҳам бориб етди, сармуниий қўрқанидан бир кечада гойиб бўлди. Ясовуллар уни қидириб ердан ҳам, кўкдан ҳам тонолмадилар. Аҳли саройдан батъилари «ҳамма бало ҳазратимнинг ўзларида, эркатойини талтайтириб юборгон,— деб Низомуддин Хомушини маломат қиласдилар. Билиб-бilmай, «бола отога тортур»,— деганлар ҳам бўлди.

Ҳар ҳолда ҳарам билан боғлиқ гапни тушиовлаб бўлмас экан. Бу мин-мин кўп үтмай кўча-кўйда, бозор-учарда ҳам шуҳрат тоғди ва мирзо Улугбек учун жуда-жуда оғир бўлди. «Даҳрий подшо» деган тақви лаънат ҳам супрага урвоқ бўлмай қолди. Кунлардан бир куни Улугбек иштайдонда хаёл уммонига гарқ бўлиб ултирган эди, нигоҳи шундайгина йулакда икки букилиб турган Эҳсон Буқо барлосга тушди. У ниманидир айтмоқчи бўлиб оғзини ростлаб турган экан, подшоҳ қарапи билан қўлларини қукеига қўйиб таъзим қиласди. Улугбек маъюс оҳангда унга мурожаат қиласди:

- Ҳўш, бек, сиз ҳам бир нима демоқчиму эрдингиз?
- Агар ижозат берсангиз, олампаноҳ.
- Ижозат.

— Мухтарам зотларининг гайларида жон бордур. Ҳазрат эркатойини ҳар юмунига рагбатлантиргонини ўз кўзум бирлан кўрганимен. У яқинда муаззин ва имом билан ҳазратни зиёрат қилтани боргандарида бўлган гапларни оёгини осмондан қилиб ва яна қўшиб-чатиб айтиб берди: Подшоҳ «тушундим» дегандай бош иргитиб, унинг сўзларини тасдиқлади. Эҳсон Буқо барлос уқ нишонга теккалигини англаб, сўзида давом этди:

— Бизнинг Минхажиддин етти иқлим гўзаллари ошиқ бўлса арзийтурғон, хусну малоҳатда ягона, зукко йигит. Ани подшоҳ ҳазратлари сармунишийлиқга кутарибдур. Мартабаси бундии ҳам баланд бўлур, албат. Локин тангри таоло они ёмон кўздин соқласун, подшоҳнинг ҳарамида нима кўп паринайкарлар кўн. Алар ҳозирда данитда адашуб, сувсираб қолгон сайёҳларга ўхшайдурлар. Тангри таоло иницилиб кенжатойимни ўшаларининг ёмон кузлари-

дин асрасун», — деб айтгон сўзларини мана шу қулоқларим бирлан эшитгонмен.— Эҳсон Буқо барлос аввал ўнг қулогини, кейин чап қулогини оҳиста чўзиб қўйди.

Подшоҳнинг бир газаби минг чандон бўлди, ясовулбонини чақиртириб ҳазратни Боги майдонга олиб келишини буюрди.

Ясовул деган халқ ўзи шунаقا бўларкан. Тўпписини олиб кел, дейилса бир йўла бошини ҳам кесиб бирга олиб келаркан. Ўсафар ҳам шундай бўлди. Ясовуллар тўқсан ёшлик бу муҳтарам зотни яланг оёқ, юпун кийимида белбогсиз ва бопи кийимсиз отининг сағрига миндириб Боги майдонга олиб келдилар. Олиб келганда ҳам «қўпчилик кўрсинг», деб шаҳарнинг катта гузарлари орқали олиб келдилар. Подшоҳ жаҳл устида бетовфиқ ўглидан ҳам, ҳазратнинг ўзидан ҳам кўп койинди. Низомуддин Хомуш бошини қўйи солиб ўлтирганча аввалда бир нима демади, охири подноҳга қараб деди:

— Менинг айтатургон гапим битта: мен иншоолло мусулмонмен. Ишонсанг кўн яхни, ишонмасант билганингни қил!

Улугбек ҳазратнинг аҳволига қараб туриб, қилиб қўйган ишидан пушаймон бўлди. Нима, у ясовулларга шундай улуғ зотни шу алпозда сазойи қилиб олиб кел, деб буюрганими?! Рӯпарасида унинг янги амру-фармонларига мунтазир бўлиб турган ясовулбошига қараб ўшқирди:

— Йўқол қўзимдин, бадбахт!

Сўнг хос мулоzимларидан бирини чақиртириб «Ҳазратни уйларига элтиб қўйингиз», деб буюрди.

Ҳазрат ҳам уйига элтиб қўйилди, канизак ҳам даргоҳдан бадарга қилинди-ю, лекин миш-миншларни босиб бўлмади. Чиққан кўз ўрнига тушмас экан. Бунинг устига Низомуддин Хомуш билан бўлган ноҳуашлик дард устига чинқон бўлди. Улугбекни дахрийликда айблаб юрган баъзи бир руҳонийлар ҳам, кўпдан ўлжака йиголмай, қиличи қонсираб, занглаб ётган амирлар ҳам гимилланиб қолишди. Улугбек бўлса барибир расадхонада қўлга киритилган ва киритилаётган ютуқлардан ўзига сигмай юради. Яна ўша кунлари математикага оид янги бир рисоласини ҳам тутатиб, хаттотнинг қўлига тоширигган эди. Илмга тамом берилиб кетиб, боши устида борган сари қуюқлашиб бораётган қора булатлардан бехабар эди у.

Бешинчи боб

ХИЕНАТ

Шохруҳ 850 йил зулхијжка ойининг 25-кунин (1447 йил 12 март) набирааси Султон Муҳаммад исёнини бостириин вақтида Рай вилоятига қараварий қишлоғида 72 ёнида оламдан ўтди. Ўша пайт унинг ёнида зукко ва шуғузли хотини Гавҳаринод оғо, вазири аъзам Гиёсиддин Аҳмад Ҳавофий ва бегимнинг эркатои амир Пир Луқмон барлосдан бошقا кипи йўқ эди. Қўшин эса Абдуллатиф, Абулқосим Бобур, Мирзо Ҳалил ва стук амирлар бошчилигига мирзо Султон Муҳаммадни таъқиб қилиб гарб сари силжиб борарди...

Пир Луқмон барлос ҳаммадан аввал йиги солмоқчи бўлди, лекин бегим уни босиб қўйди:

— Азиз-авлиёлар «майит тепасида йиги-зор қилуб бўлмас, магфиратланғоннинг гуноҳи ортур», — деган эрканлар. Хоқон сайдининг ўzlари ҳам тириклигига шундай васият қилғонлар.

— Э, яратган эгам! Аълоҳазратдин кўра мен қулингнинг жонини олсанг бўлмасму эрди?! Қайси гуноҳимиз учун ул табаррук зотни, надари бузрукворимизни, валинесъматимизни биз бандаларингга кўн курдунг?! Бунга қандоқ чидағ бўлади, ҳолимиз энди не кечадур, э қодири эгам?!

Пир Луқмон барлос барibir чидағ туролмади, барibir ўзини-ўзи уриб йиги солди. Ҳа, у йигламай ким йигласин. Пир Луқмон барлос хоқони сайддан ўз вақтида кўн яхшиликлар кўрган. Марҳум подшоҳ унга катта-катта ерсув ва оқча берди, мартабасини улуглади, ҳамиша ёнида бирга олиб юрди, зафарли ҳарбий юришлардан кейин эса уни суюрголлар билан сийлади. Масалан, Ҳалил Султонни дафъ қилиб, Мовароуннаҳри олганларидан кейин подшоҳ унга Карруҳ вилоятини суюргол қилиб берганди. Бир учи Ҳирот, иккинчи учи Бодҳиз билан туташ бўлган бу вилоятга ўша вақтларда саксонта қишлоқ қарабди. Пир

Луқмон барлоснинг бундан бошқа ҳам мол-мулки: серуунум ерлари, бугу роглари кун эди. Ва яна унинг мўмай даромад келтириб турган тегирмон, обжувоз, корхона ва дўконлари ҳам бўлган. Мана шуларнинг ҳаммасига бундан бир неча дақиқа аввал тирик бўлган ўша улуг зотининг орқасидан эришмаганими? Энди у йўқ, бундан кейин ҳоли не кечаркин? Шундай олижаноб одамдан, валинечъматидан бир умрга ажралиб турибди-ю, у йигламай ким йигласин. Осмони фалакни бошига кўтариб, ёқо йиртиб дод солгиси бор эди-ю, бегимдан чўчиди, аттанг-аттанглаб йигидан тўхтаб бошини қўйи солғанча жимиб қолди. Лекин, елкаси тинимсиз учиб турарди. Нир Луқмон барлос энди ич-ичидан йиглаётган эди.

Бегим бўлса шу пайт ёруг дунёдан тамом кўз юмган ёстиқдошини эмас, тожу тахти кимга топшириш устида кўпроқ ўлади. Ким бунга муносиб? Улугбекми, Алоуддавлами, Абдуллатифми? Тугри, валиаҳд масаласи Шоҳруҳ тириклигигидаёқ ҳал қилиб қўйилганди. Тоҷу тахти тўнгич ўғил Мирзо Улугбек эгаллаши керак эди. Лекин туққан она бўлатуриб Гавҳаринод бегим бу уғлини кун ҳам хун кўрмасди. «Бу ўғилдин ҳеч қачон подноҳ ҳам, саркарда ҳам чиқмас, мударрис, ё бўлмаса масжиди жомийга имом чиқса ажаб эрмас», — деганди у эрига бир куни эр-хотин ҳоли қолганларида. Шоҳруҳ эътиroz билдирган эди, бегим бу гапни аслида соҳибқироннинг ўзлари айтганлигига нисанди қилди. Шоҳруҳ хотинлар билан ади-бади айтишиб ўтиришни ўзига эн кўрмасди. Шунинг учун ҳам одатдагидай бу сафар ҳам индамай қўя қолди. Нима, ўшанде «хўп» демаган бегим, энди «майли» дермиди. Йўқ, Улугбекнинг тоҷу тахти эгаллашига йўл қўймайди у. «Абдуллатиф-чи? — деди ўз-ўзига бегим, — Абдуллатифнинг хонлиги ҳам бор, беклиги ҳам. Локин, ҳали отаси тирик тургонда они қандай қилуб тахтга ўтқазиб бўлур?» Демак, Шоҳруҳнинг бўш қолган тахтини Абдуллатиф ҳам эгаллолмайди. Тахт вориси ким бўлишилигини бетим аллақачонлар ўзи ҳал қилиб қўйганди. «Хоқон сайднинг тахт вориси фақат Алоуддавла бўлгай», — деди у ўз-ўзига. Лекин, баҳтга қарши, у шу пайт Ҳиротда эди. Пойтахти қандай ташлаб кетади? Қўшин бўлса анча олисда. Уни охири ким бошқаради? Қўшинисиз, амирлар ва казо-казоларсиз юртни қандай бошқарип бўлади? Бу ерда бирон тадбир ишлатиш керак. Гавҳаринод бегим бу тадбирни ҳам топди, лекин хонадагиларга эшитдириб «Ҳа, буёги тангри таолоннинг ўзига омонат», —

деди у ва ўрнидан даст туриб шитоб билан ташқарига чиқди. Эшик оқо уч-тўрт қадам нарида гилюсга йўлаб қўйилган парвонга омонат ўлтирган экан, бегимни қўриб санчиб ўрнидан турди. Бегим уни имо-ишора билан ёнига чорлади.

— Хоқони сайд қаттиқ бетоб бўлуб қолдилар, хонага бирон зот кирмасун. Анивларинги ҳам нишитиб қўй, ортиқча тарқатиб юришмасун.— «Анивлар» деганда Гавҳаршод бегим Ўрда хизматчилари ва соқчиларни назарда тутди.

— Бош устига, ҳазрати олиялари.— Эшик оқо икки букилиб таъзим қилди.

Эшик оқо кетгач, бегим хос шатурнарисини чақириб, уни қўшинининг баронгорига бош бўлиб турган мирзо Абдуллатифнинг ҳузурига юборди. Унга қайта-қайта таъкид қилди:

— Шамол бирлан бирга учуб бор, мирзо Абдуллатифни бошқалардин холи тошиб, «хоқон сайд ўсаллаб қолибdir», деб айт. Зудлик бирлан ўрдуйи олийга етуб келсун ва лашкар бирлан элу улус ишини илгиға олсун.

Шатурнарини жўнатиб қўйиб, бегим ичкарига қайтиб кирди ва хонани ичидан занжирлаб олди. Абдуллатиф келгунча бу ердан ҳеч ким ташқарига чиқмади.

Абдуллатиф чонарнинг сўзларидан оғир фожиа юз берганини фаҳмлади, лекин буни бопиқалардан иншон тутди. Шаҳзодалар билан амирларга фақат олий ўрдуга чақирилиганини айтди ва қўшинини амир Саъид Али тархонга тошириб, Пашоварий қинлогига етиб келди. Гавҳаршод оғонинг қистови билан ахли ўрду бир бўлиб Абдуллатифга қасамёд қилди. Абдуллатиф қўндан шу кунни интизорлик билан кутарди. Тангри таолонинг инояти билан у ҳам келди. Шунинг учун ҳам Улугбекнинг мутакаббир ва шухратнараст ўғли ич-ичидан қувонди. Парвардигорга ҳам, Гавҳаршод бегимга ҳам шукрлар қилди, енг шимариб ишга тушди ва бир-икки кун ичida теварак-атрофда турган бор лашкарни ўзининг туғи остига тўйлашга муяссар бўлди.

Лекин, Гавҳаршод оғонинг тутган бу иши, яъни ҳокимиятни Абдуллатифнинг қўлига тошириб қўйиши, бошқаларга, айниқса мирзоларга, ҳуш келмади. Абдуллатифнинг иззат-нафсига тегди. Мирзо Абулқосим Бобур билан Мирзо Ҳалил қўшини ва хос мулозимларини олиб 13 март куни тунда олий ўрдуни тарқ этдилар ва Ҳирот сари юзландилар.

Орадан икки кун ўтгач, 15 март куни тонгда Гавҳаршод оғо, Абдуллатиф ва олий ўрдудагилар ҳам подшоҳнинг тобутини тахтиравонга юклаб йўлга чиқдилар. Икки манзил йўл босиб ўтилгач, хордиқ чиқариш учун Симононга қарашлик Сурхча қишилогига келиб тушдилар. Бахтга қарши шу ерда кутилмагандга фитна юз берди. Кечқурун бир гурӯҳ амирлар Абдуллатифнинг хузурига кириб Гавҳаршод бегимни маломат қилдилар. «Маҳд улёнинг ниятлари бузукдур, тархоний амирлар бирлан тил бирикти руб сизни тузоққа илинтироқ тараддудига тушмислар», — деб шивирладилар улар шаҳзоданинг қулогига. Абдуллатиф бошда нима қиласини билмай довдираб қолди. Унинг кўнглидан «ахир бундин уч кун бурун зоти олияларининг сўзлари бошқача эрди-ку, энди не бало бўлди», — деган фикр кечди. Сунг чуқур мулоҳаза қилиб кўриб масаланинг туб моҳиятига етгандай бўлди. — «Ҳа, бу ерда бошқа ган бор. Ахир бегим бирлан бизнинг оромизда Алоуддавла турибди-ку. Нега буни аввалда ўйламадум?», — деди у ўз-узига. Ахир бувиси Алоуддавлани кўпроқ суюшини яхши биларди-ку! Бегимнинг тили остида тили борлиги ҳам барчага аёи эди-ку! Абдуллатиф энди ҳушёр тортабошлиди. Ўзига кўрсатилган ҳозирги ишонч ва илтифотни вақтлик бир нарса, одатда дўпни тор келиб қолганда кўрсатиладиган мулозамат деб тушунди. Абдуллатиф теварак-атрофдан ўраб келаётган хавф-хатарни аниқ тафаккур қила бошлиди. Турган ган, Алоуддавланинг қули униқидан узун. Бегим ва тархоний амирлардан бошқа пойтахт ахир унинг ихтиёрида. Марҳум подшоҳнинг дуру жавоҳир, кумушу олтинлар билан тўлиб-тоғиган хазинаси ҳам унинг қулида. Ҳиротга етиб боргандаридан кейин нима бўлиши аниқ эди. Шу ерда Абдуллатиф кейинги йиллари саройда булиб ўтган икки воқеани ҳам эсига олди. 1441 йили. Қунлардан бир куни неваралар саломга киришгандарида Гавҳаршод бегим Алоуддавлага бошқалардан кунроқ илтифот курсатди, мўйлаби шондай булиб қолса-да уни қучоқлаб, икки юзи ва нешонасидан чўниллатиб ўнди. Абдуллатифга эса «ҳа мирзо, зерикмайин юрибсанму, Самарқандни қўмсаётгандурсан?», деб қўйди, холос. Ўшандада Абдуллатиф аразлаб Самарқандга кетиб қолди. Лекин келаси йили бегимнинг узи бориб ёлиниб ёлвориб уни яна Ҳиротга олиб келди. Абдуллатиф буидан уч-тўрт йил муқаддам Ҳиротда, Шоҳруҳнинг саломатлиги бир қадар оғирлашиб қолган қунлари содир бўлган яна бир воқеани ҳам эслади. Ўшандада хоқон сайд тожу тахтии Мұхаммад Жўқийга васият қилмоқчи

бүлганды Гавхаршод бегим осмону фалакни бошига күтәрди. Бегим ворисликка фақат Алоуддавла муносиб эканлигини айтганда эса подшоҳ на «ҳа» ва на «йўқ» демади. У кўзларини юмиб олди, хотини ва ёнидаги угиллари ва невараларига қули билан «чиқинглар бу ердан!», — деб ишора қилди. Барibir бегим бўш келмади. Ҷиқиб кетаётib зарда билан: «майли, омон бўлсак кўурмиз!», — деди. Шоҳруҳ тез орада согайиб кетди-ю, лекин Муҳаммад Жўқий тұсатдан вафот этди. Абдуллатиф мана шуларни ўйлади-ю, бир сесканиб тушди, аъзойи баданини титроқ босди. Наҳотки чор атрофида гир айланиб, энди елкасига қунаман деб турган баҳт қуши бирдан учиб кетса. Бу ҳам етмагандай, боши узра калхат айланиниб қолди. Абдуллатиф янада ҳушёр тортди. Йўқ, бундай бўлишига йўл қўймайди, жони борича олишади ўша кучлар билан. Тожу тахт ва салтанатга унинг, фақат унинг ўзи мушарраф бўлмоги зарур. Туғри, бобоси бир вақтлар Улугбекни, сўнг, ундан бироз ранжиб қолиб, Муҳаммад Жўқийни валиахд қилган. Муҳаммад Жўқий энди йўқ — у аллақачонлар ўлиб кетган. Кўп вақтини расадхонада, кутубхонада ва мадрасада утказиб, илмга муккасидан кетган отаси бўлса тожу тахтни эплолмайди. Айни шу пайтда мамлакатни чулгаб олган бекарорлик ҳам Абдуллатифга қўл келиб туриди. Масалан, Мозандарон билан Жўржонда Абулқосим Бобур, Хиротда Алоуддавла, Райда Султон Муҳаммад ўзларини ҳокими мутлақ фараз қилиб талтайиб юришибди. Газни ва Кобулда мирзо Суюргатмишнинг фарзаандлари, Хутталонда эса мирзо Муҳаммад Жўқийнинг ўгли мирзо Абубакир ўзи билан ўзи овора. Бундай шароитда ташаббусни қўлга олмаса, қачон олади. Бунақа фурсат бошиқа келмаслиги мумкин. Абдуллатиф темирии қизигида босиб қолишга қарор қилди. У зулҳижжа ойининг сўнгги куни (1447 йил 18 март) олий ўрду яна бир манзилга қўнган кунининг эртаси илк саҳарда юзга яқин чандаст йигити билан Гавхаршод бегим хизматкорлари ва тобут билан тушган ҳовлига бостириб кирди, ўрдани қўриқлаб турган амир Низомиддин Аҳмад бошлиқ соқчиларни ўлдириб, бегим ва тобутни олиб келаётган тархоний амирларни ҳисбага олди.

Нопуштадан кейин Абдуллатиф қўшин ва тобутни олиб шитоб билан Ҳирот сари юзланди. Симонда уни Шоҳруҳ вафот қилмасдан аввал шу ерга келган вазири аъзам хожа Гиёсуддин Аҳмад Ҳавоий билан соҳиби икром хожа Шамсуддин Али Симоний кутиб олишди ва итоат камарини белга bogлаб, Абдуллатифнинг хизматига утиш-

ди. Шаҳзода ҳам уларга хизматларига яраша иззат-икром кўрсатдай, сўнг ҳар иккалаларини вазирлик мансабига тайин қилди. Шундан кейин Абдуллатиф мирзо Домғон ва Бистом орқали Нишонурга келиб тушиди. Олий ўрду Нишонур ҳокимишинг қасрига ўринлашди, маҳбуслар билан тобутни эса омборхонага қамаб қўйдилар. Омборининг атрофига, ҳатто том тенасига ҳам соқчилар қўйилди.

Маҳд улё Гавҳаринод ого олий ўрду Симонда турган пайтда Алоуддавла билан алоқа болжашга мусассар бўлди. Бегим эртаси куни ҳибедагиларга тушлик олиб кирган соқчини танигаңдай бўлди. Қорачадан келган норгул бараваста бу йигитни қаерда кўрганди у? Бегимнинг хотираси яхши эди. Бир зумда эсига тушиди. Бундан рошса-роса ўн икки йил бурун хоқон сайд билан Машҳади муқаддасининг муборак мозорларини зиёрат қилгани борганиларида бу йигитни соқчилар орасида кўрганди. Соқчи эса оғир мусибат, йўл азоби ва суюкли невараси кўрсатиб турган кароматдан анча уриниб қолган, ҳоргин ва қўллари кинианланган бу олий насаб аёлни бир куришда таниди. Бонда бир қадар ўнғайсизланди, таъзим бажо келтириш у ёқда турсин, оддийгина салом-аликлашолмади ҳам, чунки эшик олдида яна бир соқчи уларни диққат билан кузатиб турган эди. Бегим соқчининг юзида ачиниш ва хайриҳоҳлик аломуатларини сезди. Ўша соқчи овқатдан сунг дастурхонни йигиштириб олиш учун кирганди бегим икки қўлини кўтариб «Э, нарвардигори олам! Алоуддавла-нинг умрини узун, давлатини пойдор қил!», – деб дуо қилди. Бегим қўлларини туширганда ўнг қўлининг ўрта бармогидаги ёқут қўзлик тилло узук дастурхонга оҳиста юмалаб тушиди. Соқчи ашил-танил дастурхонни йигиб қўйнига урди, чойнак-шиёла ва шўрвадан бўшаган чинни косаларни олиб ташқарига чиқди.

... Орадан бир ҳафта ўтгандан кейин Симонда юз берган мудҳиши воқеадан Алоуддавла ҳам хабар тонди. Аввал Самарқандга, амакиси Улугбек мирзо ҳузурига чопар юбориб, Шоҳруҳнинг вафот этганилигини хабар қиммоқчи ва тоҷу таҳтини унга тоннирмоқчи булиб турганди. Лекин Абдуллатифининг кўз куриб, қулоқ эшитмаган бу ишларидан рањиб, фикридан қайтди. Ихтиёриддин қалъасига бориб хазинанинг эшигини очдириди, унинг катта қисмини лашқар билан ҳарбий бошлиқларга тақсимлаб берди. Сунг Абдуллатифни дафъ қилиш ва Гавҳаринод ого билан тархоний амирларни ҳибедан озод қилиш учун Нишонурга мирзо Эрмуҳаммад Шерозийнинг ўғли шаҳзода Мухаммад Солих, Увайс тархон ва Аҳмад

тархон бошчилигида қўшин юборди. Алоуддавланинг қўшини Сарахс йўли билан Манҳадга келди. Шаҳар хотинч, халқ орасида Абдуллатиф ҳақида, унинг Домгои, Бистом ва Нишонурда барчага утказган таъди ва зулми ҳақида бири биридан даҳшатли миши-минилар тарқалган эди. Қипининг табиатига, феъл-авторига кўни нарса боғлиқ буларкан. Оғир-босиқ одам мулоҳазали, етти ўйлаб бир кесадиган бўларкан, зулм-бедодлик эса ҳамма вақт енгил таъб ва дагал одамга соя бўлиб юаркан. Абдуллатиф шунақа одам бўлиб чиқди. Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъ ус-саъдай»ида унинг ҳақида мана буларни ўқиймиз: «Мирзо Абдуллатиф эҳтиёткорлик бирлан иш тутмайдур, серзарда ва дагал йигит. Элу юртни одамларига талон-тарож этдурди, тамом халқ онинг жабр-зулмиға қолди». Ҳиротлик амирлар Машҳаддан чиққанларидан сўнг эҳтиёт учун фақат кечалаб йул боғдилар ва сафар ойининг 13-си шанба куни (1447 йил 25 апрел) Нишонурга яқин манзилга келиб қўндилар. Шаҳарга зиёратчи либосида Увайс тархоннинг чиқи йигити бориб аҳволни суринтириб келинди. Улар билан мирзо Муҳаммад Солиҳнинг ўзи гаплашди. Йигитлардан бири, ёши улугроби, мирзога мана буларни хабар қилди: «Мирзо Абдуллатиф ҳам, маҳбуслар ҳам ҳокимнинг қасрида уринлашғонлар, қўшини эрса шаҳар четида йул ёқасида чодир тикиб турадур. Алар кундузлари теварак-атрофии горат қилиш бирлан машғул бўлуб, кечалари эрса маишат қилуб, сурункасига ичкилик ичиб ётадурлар».

Шаҳзода амирларни кенгашга чақирди. Улар амалга опирилини лозим бўлган ишни режалаб олдилар.

— Икки қўшун тун яримлашғонда Абдуллатифнинг лашкаргоҳини бостурса, бир қўшуни эрса қасрга мирзо Абдуллатиф устига юборсак.

Аҳмад тархон Увайс тархоннинг бу режасини умуман маъқуллади, лекин кичик бир қўшимча киритди:

— Қасрга бир қўшун кўплик қилгай, жаноби амир. Бу ёгийни чўчитиб юбориши мумкин. Бундин тошқари, қоронгу тун, ур-ийқитда ўзимизникилардин ёгийни ажратолмаслик хавфи ҳам бордур. Қаминанинг фикри ожизи шулким, юз-юз эллик нафар чабдаст йигит ушбу юмушга кифоя қилур.

Шаҳзодага Аҳмад тархоннинг фикри маъқул тушди. Бошқалар ҳам шу фикрга қўшилдилар.

Тун ярмидан сал оғганда Увайс тархон ва Аҳмад тархон бош бўлган икки қўнин Абдуллатифнинг Манҳад йўли ёқасида турган лашкаргоҳига, бир юз эллик нафар сара

Йигит эса мирзо Мұхаммад Солих раҳбарлигидә бир вақтнинг ўзида қасрға ташландылар. Қасри олиш унча қийин бўлмади. Чунки ўша кеча дарвоза ёнида мудраб ўлтирган соқчилардан бошқа ҳамма гафлат уйқусида эди. Мұхаммад Солихнинг йигитлари кўз очиб юмгунча қоровулларни ва қаср ичидаги соқчиларни бирёзлик қилиб, иккиси чаватдаги Абдуллатиф ётган хонага бостириб кирдилар. Абдуллатиф ҳарам соҳибаларидан бирининг иссиқ қўйнида дунё ташвишиларидан тамом фориг бўлиб қаттиқ ухлаб ётган экан. Мұхаммад Солихнинг имо-ишораси билан йигитлардан бири оҳистагина Абдуллатифнинг оёқларини қитиқлаб, уни уйготди. Абдуллатиф кўзларипи уқалай-уқалай аранг очди. Нигоҳи теварак-атрофии ўраб турган қуролланган нотанинг йигитларга тушди. Бор овози билан уларга сиёсат қилди:

— Кимсанлар ўзи? Бу ерга киришига ким ижозат берди?

Абдуллатиф ўрнидан турмоқчи бўлди, лекин кимдир унинг кўкеига қилич тақади:

— Ун чиқармангиз мирзо, акс ҳолда шаҳидлик мартабасига етурсиз.

Абдуллатиф қилич тақадан бу йигитни ниқоб кийиб олган бўлса-да, овозидан таниди. Мирзо Мұхаммад Солих эди у...

Шундан кейин Мұхаммад Солихнинг йигитлари омборни бузиб кирдилар ва маҳд улё Гавҳаршод бегим, тархоний амирлар ҳамда тобутни ҳибедан озод қилдилар.

Хулласи калом, қасри олиш иши ҳамирдан қил суғургандай осон кўчди-ю, лекин лашкаргоҳда кўп қоп тўкилди. Шовқин-сурондан чодирда ётганлар ўйгониб кетишиди, ким нима қўлига кирса олиб ташқарига отилди. «Ҳов ановинисини ушла!», «Ҳа, ур!», «Бос» деган ҳайқариқлар, қилич ва найзаларнинг чақир-чуқури лашкаргоҳни бошига кўтарди. Узоққа чузилмаган қаттиқ олишувдан кейин Ҳиротдан келган синоҳийлар мирзо Абдуллатифнинг асосий кучини бир ёқлик қилди.

Мирзо Мұхаммад Солих ва унинг одамлари туннинг қолган қисмини шу ернинг ўзида ўтказдилар ва тонг билан подциоҳпинг тобутини тахтиравонга солиб Ҳирот ўйлига чиқдилар. Алоуддавла уларни Жом вилоятининг Саъдобод қишлоғида кутиб олди. Мирзо Абдуллатиф билан унинг асир олинган йигитлари шу ернинг ўзида сўроқ қилинди-лар.

Абдуллатифни Алоуддавланинг ўзи сўроқ қилди:

— Не важҳдин ўз онангга, мағфиратнишон бобонгга бу тавр ёмонлиқ қилдунг?

Абдуллатиф сирни бой бермасдан ўзини магур тутишга ҳаракат қилди. Алоуддавлага дағал жавоб қайтармоқчи бўлди-ю, лекин қизиққонлик қилиб шу ернинг ўзидаёқ бир ёқлиқ қилиб қўйишидан чўчиdi. Буёгини олганда унинг тақдирি ҳал бўлганди. Чунки, Гавҳаршод оғо уни энди асло кечирмайди. Алоуддавла эса рақибини барибир омон қўймаса керак. Голиб келган рақибиға бош эгмади, «бир умрга уятға қолуб юргондин кўра тик туриб ўлғон яхши», деди у ўэ-ўзига. Лекин, дунёйи умид. Отаси хабар топғунча бир илож қилиб ўзини омон сақлашга ҳаракат қилди. Шунинг учун ҳам Алоуддавланинг саволига юмшоқроқ жавоб қилди:

— Қилмишимга яраша жазо топуб турибмен-ку, мирзо!

Абдуллатиф Алоуддавлага бирон бошқа гап айтмади.

Алоуддавла Абдуллатифни ҳар нима қилмоқчи бўлди-ю, лекин отасидан чўчиdi. Шунинг учун ҳам уни ўлдирмади. Лекин банддан ҳам бўшатиб юбормади. Аксинча, кишанлатиб қамаб қўйди, Ҳиротга борганларидан кейин эса уни Ихтиёриддин қалъасидаги қамоқхонага ташлади...

Ҳиротга қайтиб келингган куни кечқурун Гавҳаршод оғо Боги зоғонда хавф-хатардан эсон-омон қутулганининг садақаси деб кичиккина мушқулкүшод ўқиттирди. Эртаси куни пешинда Шоҳруҳпинг жасадини маҳд улё Гавҳаршод оғо мадрасасига, Бойсунғур мирзо ёнига дағи этдилар...

Отасининг вафотидан Улугбек ҳам хабар топганди. Хабарни Самарқандга Абдуллатиф Рай атрофидан юборган чошар олиб келганди. Юз берган бу мудҳиш воқеани муҳокама қилиш ва мамлакатда фитна-фасод ўти аланга олмасдан бурун бирон чора-тадбир куриш учун Улугбек ўша кунинг ўзидаёқ машойих, умаро, фузало ва юртнинг барча улуғларини кенгашиб туилади. Йигилганлар аввал подшоҳга, унинг бошига тушган оғир мусибат туфайли, чуқур таъзия изҳор қилдилар. Сунг ҳамма бир оғиздан давлат жилови қулдан чиқиб кетмасдан туриб қўшин жамлаш ва шитоб билан Хурросон сари отланиш ва хоқони саиднинг таҳтини эгаллаш зарурлигини айтдилар. Кенгашиб охирлаб қолганда шайхулислом мавлоно Исомуддин унга яқун ясади:

— Мўғисуддин Улугбек кўрагон жаноби олийлари жаннат макон хоқон саиднинг тўнгич фарзанди эрурлар. Ўзбоқдик тоҷу таҳт зоти олийларига тегишлидур. Үшбу вожҳиди жаноби олийларининг Хурросонда инқилоб чиқмасдин бурун лашкар бирла ул мамлакат устиға шитоб

иля боруб давлат тизгинини илгиге олиштиң зарурлыгини замон тақозо этадур.

Хулласи калом, бу юришин пайсалга солмай узоти билан бир ҳафта орасыда боңылаб юборишиң қарор қилинди. Үч күн фотиҳаонык бўлди, юртга катта ош берилди. Шу фурсат ичида илгари теварак-атрофга юборилган жарчилар ва тавочилар лашкар тўплани билан машгул бўлдилар. Туртичи куни эрта билан Улугбек хос кишилари, черик ва Самарқанд тумонларидан йигилган лашкар билан шойтахтдан кўчди ва Насағга қараб йўл олди. Қўшинининг асосий қисми Термизга тўпланаадиган бўлди.

Ўна вактда Жайхуннинг ҳар иккала қиргогидаги вилоятлардаги аҳвол ҳам яхши эмасди. Бу вилоятлар Муҳаммад Жӯқий вафот этгандан кейин унинг икки ўглига суюргол қилиб берилганди. Хусусан, Муҳаммад Қосимга (1422 йили туғилган) Балх, Шибиргон, Қўпдуз ва Баглон вилоятлари, мирзо Абубакрга (1427 йили туғилган) бўлса Бадахшонга тутани Ҳутталон, Арханг ва Соли сарой вилоятлари берилганди. Шоҳруҳ вафотидан кейин оға-ини ўртасида низо чиқиб, Абубакр мирзо оғасига қарши қурол кутарди ва вилоятларини ундан тортиб олди. Сунг Балхга кучиб бориб унинг қалья ва истеҳкомларини мустаҳкамлашгага тутинди. Бундай шароитда, мирзо Абубакрни бир ёқлиқ қилмай туриб, Хурросон ва Ҳиротни эгаллаб турган Алоуддавла, Жўржон ва Ластрободда мустақиллик байрогини баланд кўтариб ўлтирган Абулқосим Бобур, Гарбий Эрон билан Форени ўзиники қилиб олган Султон Муҳаммад ва, ниҳоят, Озарбайжонни Темурийлар қўлидан тортиб олган Жаҳонињох туркман (1438—1467) билан курашиб бўлмасди Нима қилиш керак? Ишни нимадан бошлани дурустроқ? Улугбекнинг боши қотди. Жайхуннинг нариги тарафига шинҳона юборган айгоқчилари Балхнинг қальласи мустаҳкам эканилиги, Андхуд билан Шибиргонда ҳам катта ҳарбий куч тўплантганлигини аниқлаб келинди. Улугбек күн уйлади, яқин одамлари билан кенгашди, маслаҳатланди. Борди-ю, Абубакрга қарши очиқдан-очик уруш очса, унда нима бўлади? Балхни олиши мумкин-у, лекин күн одамидан ажралиб қолини мумкин. Унда Ҳиротга юриш учун янги қўшин тўплашгага тўғри келади. Бу ўз-ўзидан бўлмайди, күн вақтни талааб қиласди, албатта. Қолаверса, бунга катта маблаг ҳам керак бўлади. Уни қаёқдан олади? Ўна раиятга қўшимча солиқ соладими? Ҳазинадан олаверса, мўлжаллаб қўйган қурилишларни нима билан қиласди? Нима қиласди, юриниш кечиктирадими? Улугбек уйлаб-уйлаб, охири қилич яланочламаслиқ

ка, нима қилса ҳам жиянини ўз тарафига оғдириб олишга қарор қилди. Шу мақсад билан Балхга, мирзо Абубакр хузурига катта совға-салом билан шайхулислом мавлоно Исомиддин билан Таваккал барлосни элчи қилиб юборди. Абубакр мирзо амакисининг элчиларини иззат-икром билан кутиб олди. Мавлоно Исомиддин мирзога подшоҳнинг меҳру муҳаббат, яқдиллик ва садоқат туйгулари билан битилган мактубини ҳам тошириди. Абубакр мирзо ўша куни кечқурун Навбаҳор дарвозаси ёнидаги Боги хуррамсарода амакисининг элчилари шарафига катта зиёфат берди. Эртаси куни нонуштадан кейин эса элчилар Дарагез қўриқхонасида уюштирилган овга таклиф этилдилар. Дарагезга қоп қорайганда етиб бордилар ва Ҳижданаҳр тўғони ёнидаги Оқбулоқ қишлоғида тунаб қолдилар. Хожа Исомиддин кечки овқатдан кейин шаҳзодани ҳоли тониб Улуғбекнинг алоҳида таъкидларини унга етказди:

— Улуғбек мирзо жаноби олийлари магфират нишон подшоҳнинг тўнгич фарзанди эрурлар. Еш жиҳатдин ҳам ул зоти олийлари тирик бўлғон Темурийлар орасида энг улугидур. Шундай бўлғач, тожу тахт шак-шубҳасиз аларга тегишилдур. Сизни бўлса фарзанди аржуманд ўринда кўруб, ул жаноб эртаю кеч дуоингиздурлар.— Абубакр мирзонинг насиҳатга мойиллигини пайқаб, шайхулислом отни қамчилаб қолди:

— Шу боисдин ҳам сизнинг огойингиз борасида тутгон ишинингизни қораламадилар.

Абубакр мирзо бош силкитиб бу гаига ҳам мойиллик билдириди.

Шайхулислом сўзида давом этди:

— Қувончлиси шулким, мирзо, подшойи олам сизни ўзлариға қуёв қилиш ва иффат пардасида ўлтиргон суюкли фарзанди Билқизи замон Робия Султон бегимни сизнинг никоҳингизга тобшуришни ихтиёр қилиб турибдирлар.

Шаҳзоданинг кўзларида хурсандлик ва миннатдорчилик чўги ёнгандай булди. У икки қўлини кўксига қўйиб, элчига қуллуқ қилди. Мавлоно Исомиддин сoddадил шаҳзоданинг юзида тўла ишонч ва миннатдорчилик аломатларини қўриб асл муддаога ўтди. Сўз очишдан олдин уёқ-буёқча бир назар ташлаб олди ва яқин-атрофда ҳеч кимнинг қораси йўқлигини пайқагач, яна сўзида давом этди:

— Аъло ҳазрат сизни муборак оғизларидин асло туширмайдурлар. Банданинг фикири ожизига маълумки, зоти олийлари шаҳзодайи олий нажодни кўп согингон қуринадур. Марҳум падари бузрукворингиз бирлан

Улугбек мирзо ораларидағи оға-инилик мөхру муҳаббат ва мұвоғиқтікни биз бандалар яхши билурмиз. Улугбек жаноблари мирзо Мұхаммад Жұқийни Бойсунгур мирзодин ортиқ күрүр эрдилар, аларсиз туролмас эрдилар, тез-тез күришүб турур эрдилар. Бир сафар Мұхаммад Жұқий жаноблари Самарқандға борсалар, әндиги сафар мирзо Улугбек аларни йўқлаб Хуросонға борур эрдилар. Ағсусу надоматлар бўлсунким, мирзо Мұхаммад Жұқий жаноби олийлари ҳозир орамизда йўқдурлар. Тангри таолонинг иродаси шундай эркан, мирзом. Эмди мирзо Улугбекнинг инисига бўлғон мөхр-муҳаббати апинг фарзандларига, хусусан сизга қўчгон, мирзом. Шу боисдан йўқ демай биз бирлан улуг амакингиз зиёратига борсангиз, деган умидда келдик, мирзом.

Эртаси қош қорайгунча овда булдилар. Ов яхни, баракали бўлди-ю, лекин Абубакр мирзо нимагадир бу сафар кўпам ўзини кўрсатмади, бирон жониворнинг кетидан қувмади ҳам. У кечгача ўй суриб юрди, мавлоно Исимиддин айтган гацларнинг магизини чақинига ҳаракат қилди. Кечки овқатдан кейин оталигини ҳузурига чақиртириб ундан маслаҳат суради. Лекин анчайин қартайиб қолған Турдигек бирон аниқ фикр айтмади.

— Биз не ҳам дердик, мирзом. Ўзлари биладилар.

Оталиқ масаланинг ечимини шаҳзоданинг ўзига ҳавола қилди-қўйди.

Мирзо Абубакр кечаси бир вақтларгача мижжак қоқмай шинга термулиб ётди. Анчадан бери ёнида ҳали у ёнбош, ҳали бу ёнбошга ағдарилиб тўлганиб ётган кўхлик хотинига ҳам қиё боқмади. Гузал Робия Султон бегимнинг қиёфаси яна унинг кўз ўигида намоён булди. Абубакр мирзо бир вақтлар отаси билан Самарқандға борганида бу гузал қизни бир неча бор кўришга муяссар бўлган эди... Абубакр мирзо шу тариқа тун бир ерга боргандан ширин хаёллар огушида қаттиқ ухлаб қолганини ўзи билмай қолди. Эрталаб ионушта ва саломдан кейин эса эшик оқосини чақиртириб қайтиш ҳозирлигини кўринши буюрди. Абубакр мирзо Балхга қайтилган куни барча хос кишиларини ҳузурйга чорлади, лекин Улугбек элчисининг таклифини ўртага қўйиб маслаҳат солиб ўтирмади. Азму қарорини ўзи эълон қилиб қуяқолди.

— Биз улуг амакимизнинг мулозаматига боришга қатъий қарор қилдик, тоңгла йўлга чиқурмиз, куббат ул-ислом Балхнинг ион-ихтиёри биз қайтгунча Турдигек жанобларининг иқтидорли илгидаги бўлгай.

— Қуллук, мирзом, жаноби олийларининг бу қадар

юқеак сийланғанда сипоришларини ўла ўлтунча унұтмас-
муыз. Оталиқ үрнидан туриб иккі букилдіб мишиатдорчи-
лик бидарди.

Ха, йигілгандар Абубакр миңзөнинг амакиси ҳузурита
бориши бормасағы ҳусусида лом-мим демадиаар. Шахзо-
данинг үзи үлардан сұрамади-ку! Шундай бұлғач, илоқ
қаңчы? Ҳар ким үзіча татыр қызды. Балыздар бу
сағарнинг оқибатидан шубхаландылар-у, лекин ҳукмдорға
очиқ-ошкора айтынға ботынолмадылар, шаҳзодашынг ута
қайсарлыгини яхши билгандар бұлса «барибир ганимизни
иностатта олмайдур, шундай бұлғоч ганириб не қылду?»,
дедилар. «Менға нима, миңзо бопини үзи қиличға тутгоқ»,
деб фикр юритгандар ҳам бор әди. Шундан пайтларда
ҳукмдорлар «сұкут-аломати ризо» деган нақылаға таяниб инн
тутадылар. Абубакр миңзо ҳам шундай йүл тутди.

Улугбекнинг элчилари кеаганининг учинчи күни
Абубакр миңзо Термизга отланды. Орол пайтамбарда уни
Нирмухаммад Тогой Буқо. Саодат Темиртоғы бопшилдік
Улугбекнинг яқын одамлари күтиб олишди. Термиз кечуві
ёнида эса зұр подиёна ва тантана билан Улугбекнинг үзи
қарши олды. Тора-жиян күчөк очиб қуришишди, сұнгра
шавқарлар ва мұлозымлар қуриловида Султон Садатта
бордилар, Али Ҳаким Термизийнинг муқаддас мақбара-
сипши зиёрет қылдылар. Зиёретдан сұнг шаҳарнинг күн чиқиши
тарафида жойлашып Термиз бегининг чорбогига бориб
туыштылар. Тога-жиян бир-нече күн бир-биридан асло
ајқарламадылар, худди ёма-ён турған иккі ёргұ юлдуздай
доим бирға бұлдылар. Хос мажлисларида Улугбек уни
хаммадаң юқори, ҳатто угли Абдулазиздан ҳам юқори
үтқизди. Лекин баҳтта қарши, орадан бир ҳафта утар-утмас
ораларига совуқлик түпнди. Буның асосан миңзо Абубакр
биттаң бир шеър бақонайы сабаб бұлды. Шеърни подиохда
фитна-фасод үюнтириңда устаси фаранг бұлғын танилған
айгоқчилар сардори Эхсон Буқо барлос тоңиб келтириб
берганды. У фисқу фасод ва қақимчилиги билан не-не
қариндоң-уруги бир-биридан жудо қылмади, не-не яхши
қишиларнинг ёстигини құритмади! Бир күни Улугбек
хонаи хосда чуқур хаёлға чумиб, бир-бири билан қориниб
кеттеган давлат ишлары билан илм-фаи ҳусусида үйға чұмиды
үлтирган пайтда айгоқчилар сардори қоровули хосни
чалгитиб дабдурустдан хонаға кириб келди, останада тиз
чуқди, сұнг подиох үлтирган ергача әмаклаб бориб унинг
оекларини үчиншінде қаракат қылды. Улугбек құл-оеклари,
хатто бутун бадани, қулоқларининг учигача құтирил бұлғын
кеттеган бу одам билан құл беріб сұрашишыдан ҳазар

қиласы. Шунинг учун ҳатто оёқларини ҳам тортиб олди.
Шундай бұлса-да, у билан мурасаи мадорага борди.

— Ҳүш, жаңоби бек, яна не хабар келтурдилар?
— Мудхини хабар, аълоҳазрат.
— Сұзланғиз!

Әхсан Буқо барлос мушукдай сапчыб үрнидан турди, қүйнидан тұрт буқланған қозозни олиб подиоқта узатди. Улугбек юқоридаги сабабга құра, қозозни ўзи олмади, айғоқчининг кетидан кирған эшик оқоға имо-ишора қилди. У ҳам ҳазар қилди ва енг учи билан қозозни Эхсан Буқодан олди ва «німа қылай», деган мағнода подиоқта тикилди.

— Үқингиз, тақсир.

Эшик оқо қозозни ёзды ва «ие, шеър экандур бу», — деди.

— Шеър бұлса бордир, үқингиз!

Улугбекнинг юзларида сабрасиазлик алматлари сезилиб турарди. У Хурсондаги ахвол, айниңе үглиниң тақдирідан хавотирда эди.

Эшик оқо үқишиңа тутиңди:

Әр керак уртанса ёна ёлина,
Ерга еб ётса отининг ёлина.
Ит үлуми бирла үлса яхшироқ,
Әр отониб душманыңа ёлина.

Улугбек шеърдан бирон үян тоғмади.

— Ҳүш, не бұлубдур? Баһодирлиг таврида битилғон нозик туюқ әркан бу.

Хамон тиз чүкиб таъзиму тавозеъда турған айғоқчи бүш келмади:

— Сүнгги мисраъларига эътибор қилинг, аълоҳазрат, «ит үлими», «душман» деган сұзларға диққат қилинг, олампана!

«Дардақиқат «душман» деганда мирзо Абубакр кимни назарда тутяпты?» Бу савол Улугбекни бир оз үйлантириб қўйди. «Наҳотки, у мени назарда тутаётгон бұлса?» Шу ерда Улугбек иккиланиб шеърдан қандай холоса чиқаришни билмай ҳайрон бўлиб қолди. Подиоҳнинг кайфияти Эхсан Буқодан сир қолмади, «ҳа, ўқ нишонга тегди чамаси», деди айғоқчи ўзича ва подиоҳнинг нигоҳини тутиб қўлларини қўксига қўйиб яна ҳам пастроқ әгилди. «Мен чиндан аълоҳазратларининг содиқ итидурмен», демоқчи эди у бу билан. Мирзо Улугбек «яна не далил-исботинг бор», дегандай Эхсан Буқога шиддат билан тикилди.

— Оламнаноҳ, қулбаччангизнинг бир қошиқ қопидин кечсангиз...

— Сўзлангиз!

— Кечак шаҳзода Абубакр амир Ҳарий малик ҳамда Абуқа баҳодир бирлан дарё бўйида бир вақтгоча нималарнидир сўзлашуб ўтирилар.

— Неларни сўзлашдилар алар?

— Үқолмадум, оламнаноҳ.

Улуғбек ҳайрон бўлди, сал аччиғи чиқди ҳам. «Нима, учраиса-учраишондир ўшал амирлар бирлан. Ахир одам бўлғондии кейин бири бириси ила учрашадур, сухбатлашадур. Балки биргаликда сайд қилушиб юришгондурлар» деди у. Кейин фурсат ўтиб яна ўй-хаёлга ботди. «Лекин шеъридин исён ҳиди ҳам келиб турибдур. Ушбу узунқулоқ шавкарнинг шубҳаси бечис эмасқа ўхшайдур». Улугбекнинг хаёлидан шу фикр ҳам кечди. Охири «ган тамом» дегандай имо-ишора қилди ва айгоқчига буюрди:

— Шаҳзода Абубакрга кўз-қулоқ бўлуб юрингиз, анинг босғон ҳар қадами, оғзидин чиққон ҳар бир сўздин воқиф бўлингиз!

Эҳсон Буқо барлосга буйруқ бўлса бас, бүёгини эзлаптиради. Ҳу-ҳӯ, бунақа ишлардан қанчадан-қанчасини қойиллатмаган у. Орадан бир неча кун ўтгач, Эҳсон Буқо барлос подноҳ хузурига муаззин мулла Неъматуллани өргаштириб кириб келди ва шаҳзоданинг думогини кина-кудурат ва мустақиллик ислари чулгаб олганлигини айтди, бунга озми-кўпми далил-исбот ҳам келтирди. Мулла Неъматулла айгоқчилар сардорининг сўзларини оғиз кўпиртириб тасдиқ қилди. Шундан кейин Улуғбекнинг бир газаби минг чандон бўлди, жияини гуноҳкорга йўйди... Ўша куни кечасиёқ Абубакр мирзони ҳибсга олдилар, тоングла уни қўриқчилар қуршовида Самарқандга жўнатдилар. Шаҳар ҳокими амир Аргунюҳ шаҳзодани Кўксаройга қамаб қўйди. Орадан уч кун кечгач, Абубакр мирзо ўша ерда қатл этилди.

Термизга келганиларининг эртаси куни Улуғбек хузурига мирзо Абдуллатифнинг Нишонур йўли устидаги Пули абришимдан юборган чопари келди. Чопар шаҳзоданинг Шоҳруҳ тобутини Нисо орқали Мовароуннаҳрга олиб келаётганилигини хабар қилди. Шу сабабдан Улуғбек ўглини кутиб Термизда икки ҳафта чамаси туриб қолди. Лекин Абдуллатиф Нишонурга келгандан кейин аввалги режасини ўзгартириди, чунки атрофига анча-мунча куч тўпланди. Илгари Султон Муҳаммадга қарши юборилган Султон Боязид барлос, Султоншоҳ барлос ва бошқа амирлар

ланкари билан келиб у билан қушилинигандилар. Шундан кейин Абдуллатиф туридан түгри Ҳирот устига юринга қарор қылди. Бу ҳаңда хабар олиниңдан кейин, Улугбек қүннинг сафар эгар жабдугини ҳозирланы ҳақида буйруқ берди. Құннилар уч күп деганда даредан кечиб утди ва Балхга қараб йүз олди. Мирзо Абубакрининг Балхдаги амирлари шаҳарининг йирик мансиондары, уламоси ва фузалоси билан Улугбекни Хонободга келиб күтиб олдилар ва унга шаҳар дарвозаларининг калидини тошириди. Шу тарнда Ҳуресоннинг тұрт устуңидан биттаси ҳисебланған бу азим шаҳар осонгина Улугбекнинг қулиға утди. Қүн утмай Балхга тобеъ бұлған боңқа вилюятлар ҳам бирин-кетин таслим бўлдилар.

Улугбек вақтни бекор ўтказмай Ҳиротга юрин тарадду-дига түшди. Лекин, баҳтга қарини, тарадду дарадду дағынча қоғади. Шу пайт мирзо Абдуллатифнинг Низомурда Алоуддавла қүнинидан енгилиб қолғанлығи ва асир олиниңдағы ҳақида мұдхин хабар олиниди. Улугбек қаттық ташвиш ва изтиробга түшди, ўғланинг аянында ахволига күн ачиңди. Алоуддавла Абдуллатифни қатта эттириши ҳам мүмкін. Эди нима қилини керак? Бу ахвода катта уруш хусусидаған бўлинши асло мүмкін эмес. Нима қилиб бўлса ҳам Абдуллатифни Алоуддавланың чанталыдан күтқариб олиш керак. Буни қуролни восита қилиб ҳал қилиб бўлмас. Айни шу пайтда дард устига чинқон бўлиб мирзо Алоуддавла күп сонли қүшин билан Мурғоб дарёсидан кечиб ўтғанлығи ҳақида ҳам хабар келди. Улугбек улуг амирлардан Идику Темир, Боён Темир, амир Боязид ҳамда боңқа хос кишиларини хузурига чақыртириб юз берган ахвол борасида кенгаш ўтказди. Тортишув ва фикр алманинувлардан кейин Алоуддавла билан ҳозирча, мирзо Абдуллатиф озод қилингунга қадар, урушмай туриш, балки у билан музокара очиш ва можарони тинч йул билан ҳал қилинға қарор қилинди. Шу мақсадда мавлюно Низомуддин Мирак Мұхаммад садр боңчилигига Алоуддавла хузурига элчи юборилди. Улугбекнинг Алоуддавлага йўллаган мактубида хусусан бундай дейилган эди: «Олий осто налик шаҳзоданинг соғ кўнгилларига маъзум ва равшан бўлсанниким, ҷархи гардуннинг тескарилиги, балким абадий тақдир тақозоси бирлан фарзанди аржуманд Абулмузаффар Абдуллатиф баҳодир бандга тушуб қолғони хусусида даҳшатомуз хабар олиниди. Аниң бизга фарзандлаги, доруссалтана Ҳери эрса улуг отамининг мулки эрқанилиги ҳам барчага аён. Биз ҳам жаҳонни ёндургувчи, чўл қумларидин ҳам кўн, арслон

ҳамлалиғ лашқар бирлан қуббат ул-ислем Балхда муқим туурмиз. Борди-ю, шайтон васвасаси бирлан икки ўртада уруш чиқғудай бұлса, әлу-юрт ҳароб бўлиши эҳтимолдин йироқ әрмасдур. Раиятнинг рифоҳияти, эл-юртнинг эмиу омонлиги Сиз бирлан бизнинг сулҳ тузмогимизни тақозо этадур. Шу буқундин қолдирмайин мирзо Абдуллатифни банддин озод этуб, ҳузуримизга юборсалар нифоқ йули тусилуб, сулҳга йўл очилур эрди...» Алоуддавла мактубни бир неча бор бошдан-оёқ ўқуб чиқди, лекин пинагини ҳам бузмади. Эртаси куни элчига керагича иззат-икром курсатиб, қайтишинга ижозат берди, лекин улуғ амакисига бирон аниқ жавоб қайтармади. Элчи жўнаб кетгандан кейин эса амирлар ва хос одамларини ҳузурига чорлаб уруш тарафдудини кўришини буюрди.

Балх устига юриши тарафдуди асносида Ҳиротдан Мурғобга чопар келди ва Абулқосим Бобурнинг Жўржон ва Мозандарондан катта қўшин билан чиқиб, Тусга келиб тушгани ҳақида хабар олиниди. Бу ҳол Алоуддавла тузган режанинг белига тенди. Қўшишининг катта қисмини, Ҳиротда қолган аскарларга қўшиб, Абулқосим Бобурнинг йулини тусиш ва уни Хуросонга ўтказмаслик вазифасини юклаб Машҳад тарафга жўнатанинга мажбур бўлди. Лекин улар тоинириқни уддалолмадилар. Чунки Абулқосим Бобур аллақачон Жом теварагига келиб қолган эди. Шу ерда уруш бўлди, Абулқосим Бобур Алоуддавланинг қўшинини тор-мор келтирди ва Ҳирот устига юришини давом эттирди. Бу ҳол Алоуддавлани таҳликаға солиб қўйди, бу гал у икки ўт орасида қолганди. Энди унинг аввалги дабдабасидан асар ҳам қолмаганди. Алоуддавла нима бўлса ҳам амакиси билан сулҳ тузиб Ҳиротни қулида сақлаб қолиш пайига тушди. Бу сафар энди у ўзи сулҳ сўраб Улугбек ҳузурига элчи юборди. Ҳар икки томоннинг вакиллари Балхда сулҳга имзо чекдилар. Сулҳ шартларига биноан, Хуросон Алоуддавланинг мұлки, деб эътироф қилинди, илгари унга қарашлик бўлган Балх музофоти, яъни бир вақтлар мирзо Мухаммад Жўқий ва унинг ўғилларига тегинли бўлган вилоятлар энди Улугбек мирzonining давлати таркибига кирадиган бўлди. Чечакту ҳар икки давлатнинг сарҳади деб белгиланди. Бундан ташқари, Алоуддавла Абдуллатиф ва унинг хос кишиларини банддан озод қилиб Балхга, Улугбек курагон ҳузурига юборишига ваъда берди.

Шундай қилиб, элчи Балхдан қувончли хабар олиб келди. Алоуддавла Мурғоб буйидан кўчиб, шитоб билан Ҳирот сари юзланди ва уч кундан кейин Дарвозайи хуш

ортиб ётибди. Урушга кетиб қолгуңдай бұлса бу ишларни қаочын қиласы? Алоудавла билан балким музокара очиб, яна сулх тузган маңқулмикан? Ҳа, шу йүл түгри, бир карра уриниб құриш керак. Шу фикр унинг қүнглидан үтди-ю, можарони тинч йүл билан бартараф қилишга қарор қилди ва Ҳиротга, Алоудавла ҳузырига насиҳатомуз мактуб билан әлчи юборди. Мактубда хусусан мана бу гаплар битилған эди: «... Сулх асослари мустаҳкамланиб бораётгандай үшбү айёмда ани бузишдин не мурод? Агар мирзо Абдуллатиф тарафидин бирон номақбуллиқ содир бұлғон бұлса, они бизге маңлум қилиши зарур ерди. Эмди үтген ишга салавот, мирзо Абдуллатифни үтнін қилишларига имонимиз комил. Аччиққа ҳай берилмаса лашкар ҳам, раият ҳам, элу юрт ҳам хароб булиши мумкин». Лекин Алоудавла амакисининг панд-насиҳатларига қулоқ осмади, совуқнинг шиддатига қарамай, Чечакту атрофида янги қалъа бино қилишга тутинді. Қаерда нишиқ гиштдан қурилған иморат: тош ҳовузми, лангарми, үзиге түқ одамнинг иморатими, хуллас нимаики бұлса буздириб гиштими олиб келтиртириб янги қалъага ишлатди. Үша қишида Алоудавланинг аскари Боломургоб, Гурзуфон, Чечакту ва Маймана атрофларини аёвсиз таладилар, күп қишлоқлар хароб бұлды.

Алоудавла Боломургоб ва Чечакту қалъаларига күп лашкар, қурол-аслаха ва озиқ-овқат жамгариб қўйиб узи Ҳиротга қайтди.

Улугбек курагон Алоудавла инсофга келиб қолар, деган умидда яна бир оз кутди. Ахир үтгандай йили битим тузгандарыда уин қасам билан мустаҳкамламаганмидилар? Кутди, лекин умиди пучга чиқди. Күн кутди, лекин Алоудавладан дом-дарап булмади. Демак, яна урун. Абдуллатиф тарафидан эса чонарлар узлуксиз ташвишли хабарлар олиб келиб турардилар. Абдуллатиф отасини тинимсиз ёлиниб-ёлвориб ёрдамга чақираради. Улугбек охири ноилож қолиб юришни давом эттиришга мажбур бұлды. Унинг қүшини 1448 йилнинг баҳорида Жайхундан кечиб үтди. Абдуллатиф Балх ва Бадахшондан түпланған қүшин билан дарёнинг сұл қиргогида отасининг олий ўрдусига келиб құшилди. Ота-бола жамий түқсан минг аскар жамлаган эдилар.

Үша күнлари тамом Ҳирот зүр тантаналарга -- Алоудавланинг ўғлы мирзо Маҳмуднинг хатна түйиге ҳозирлик қураётгандай әди. Улугбек билан Абдуллатифнинг Хуросон устига қүшин тортгани хабари келиб, түй тұхтатилди; Алоудавла ҳам тараддуға тушиди. У амирлар

ва черикинрагбатлантириш учун хазинанинг эшигини уларга катта қилиб очиб қўйди. Шоҳруҳ қарийб эллик йил тўплаган зару жавоҳирдан бир қисемни уларга тақсим қилиб берди. Шундан кейин пойтахтга ҳамда баъзи муҳим қалъаларга одам тайинлади. Ҳиротга ҳоким ва доруга қилиб амир Мұхаммад Суфи тархон билан амир Султон Абу Саъидин, Алоуддавланинг хусусий хазинаси сақланаётган. Имод қалъасига Аҳмад ясовуани, Ихтиёридин қалъасига (бу ерда давлатнинг 4.000 туман, яъни 20 милялон сўмга яқин нақд оқчаси сақланарди) хос амирларидан Оқо хожини тайин қилди. Шундан кейин Алоуддавла ҳам урушга отланди. У Ҳирот билан Тарноб (Ҳиротнинг куничиқиш тарафида, ундан 14 фарсах масофада жойланған манзилгоҳ) оралигидаги Санжоб довонидан ўтгандан кейин қўшинни шу ерда тўхтатди. Намози дигарда довонига чиқаверишида бир манзилда тўхтанига мажбур бўлди. Мургобдан чопар олиб келган хабар бунга сабаб бўлди. Чопар Улугбек билан Абдуллатифининг юз минг атрофидаги катта қўшини аллақачон Мургоб дарёсидан ўтиб Токкон деган ерга келиб тунганилиги ҳақида хабар келтирган эди.

— Бундин чиқди, ёгийни шул манзилда қорни олмоқ маъқул кўринадур.— Алоуддавла қарисида қўл қовуштириб турган нақибга тикилди.

— Цуруст, ҳазрати олийлари. Бонса амирларининг фикру мулоҳазалари ҳам шундай.

Алоуддавла нақибга қўшинни кўрикга ҳозирлани ва ҳар бир қисемнинг турар ўринини аниқ болгиланиши буюрди. Лекин, нақибининг ҳам, улуг амирларининг ҳам юзида саросима ва ташвиши аломатларини сезди, ўзи ҳам аллақандай булиб, бир қадар юраги уюнди. Шу ерда қўингидан Улугбек кўрагон балки аввалгидай фитна олови юзига таскин сувини сенар ва жияни билан яна ярашиб, Туронзаминга қайтиб кетар, деган фикр ҳам кечди. У амакисининг мулоҳазали одамлиги, урундан кура тинчликка кўироқ майли борлигини яхши биларди. Шунинг учун Ҳиротга, шайхулислом Баҳоуддин Үмарининг хузурига одам юбориб, ундан ўртада туриб амакиси билан ярасhtiриб қўйинин илтимос қилди. Шайхулислом Алоуддавланинг илтимосига йўқ демади. Лекин у Тарнобга етиб келганда иккала қўшин ҳам ясол тузиб бўлганди. «Йўл азоби — гўр азоби», деганларидай анча қартайиб Қолган шайхулислом Алоуддавланинг ўрдусига бар алфозда етиб келди. Ҳазратни шу аҳволда ракиб ўрдусига юбориб бўлмасди. У шу қадар ҳориган эдики, ўрдуга етмасдан

йўлда ухлаб қоладиган эди, отда узоқ йўл босгандан уст-
бони гижимланиб, чанг босиб кетган эди. Шайхулислом
Алоуддавланинг чодирига кириб эндиғина кимхоб тўшак-
чага ўтириб қўлларини дуо-фотихага очган ҳам эди,
тапиқаридан отларнинг душур-дупури эшитилди. Шу онда
чодирга эшик оқо кириб келди. Алоуддавла унга «ўтири»,
деб ишора қилди. Эшик оқо турган жойида остоида чўк
туши. Ўзундан-узоқ фотиҳа ўқиб бўлингач, Алоуддавла
шайхулисломдан узр сўраб ўринидан турди ва эшик оқони
эрғаштириб тапиқарига чиқди. Чодирдан бепп-олти қадам
нарида отини жиловидан тутиб турган ясовулга қузи
туши. Ясовул шаҳзодани қуриши билан юганини анил-
танил эгарнинг қошига bogлаб унинг олдига чониб келди ва
қўлини қўксига қўйиб эгилиб салом берди ва боини
қутармасдан бўгиқ овоз билан «ёгий босди, қоровул тамом
бўлди», деди. Олисдан келаётган «ҳа, ур!», «бос!» деган
овозлар ҳиял қулоққа эшитиларди. Алоуддавла бўлар иш
бўлиб бўлганини, яъни уруш бошланиб кетганини англади.
Энди уни чинакамига ваҳима босди. Мирзо шошиб чодирга
қайтиб кирди, шайхулисломга «тақсир, узр!», деди ю,
орқасига қайтди. зинбардор унинг эгарланган саман отини
шай қилиб чодир олдида тутиб турарди. Шаҳзода даст
иргиб отга минди ва чухралар ва қоровуллар қуршовида
тўғридаги, ўрдудан тахминан бир йигоч келадиган тепа-
ликка қараб от сурди. Теналикнинг нариги тарафидағи
катта майдонда бўлса жанг жадал авжига чиқсан эди. Хар
икки томон жон олиб-жон бериб олишиб ётганди...

Бу сафар ҳам Алоуддавланинг омади келмади. Охири
Улугбек билан Абдуллатифининг қули баланд келди.
Хурсон лашикари қаттиқ маглубиятга учради. Голиб тараф
катта улжали булди. Алоуддавланинг күп аскари асир
олинди. Фожиага ҳали жанг бошланмасдан туриб мирзо
Абдулланинг қўшин-пушини билан амакиси тарафга ўтиб
кетиши ҳам маълум даражада сабаб бўлди. Алоуддавла
ҳамма нарса қулдан кетганини тушунди, Хурсон тахтидан
ҳам умидини узди ва жанг майдонини ташлаб қочди.
У бирон ерда тўхтамай, Ҳиротга ҳам кирмасдан Машҳади
муқаддасгача борди, лекин у ерда ҳам туролмай ўзининг
Имод қалъасига қочиб борди. Сунг шошиб-нишиб қалъада
сақланаётган хазинасининг бир қисмини олдию Астробод
сари от сурди. Огаси Абулқосим Бобур уни совуқ қарши
олмади, лекин ортиқча илтифот, дилжўйлик ҳам қилмади.

Гавҳаршод оға ҳам Тарнобда содир бўлган мудҳиши
воқеадан хабар тоғач, биродари Муҳаммад Суфи тархон ва
хос амирларидан Фиёсуддин Пир Аҳмад билан шаҳар

доругаси амир Султон Абу Саъидни ўзи билан бирга олиб, Ҳиротни тарқ этди ва улар ҳам Астрободга қараб йўл олдилар. Улугбек билан Абдуллатиф қўшинисиз ва ҳокимсиз қолган пойтахтга зўр дабдаба билан кириб бордилар. Лекин, қўнга тўхтамадилар. Нири Ҳирот номи билан машҳур бўлган хожа Абдуллоҳ Анесорий мозорини зиёрат қилиб, эртаси куни тонгла яна йўлга тушдилар...

Улугбек қисқа қамал жангларидан сунг Нерату қалъасини, Абдуллатиф эса Ихтиёридинни забт этдилар. Машҳад жангез таслим бўлди-ю, лекин Улугбек Имод қалъасини ололмади, кўп талафот бериб чекининга мажбур бўлди. Шуига қарамай, ота-бola юришни давом эттирилар. Кепифруд воҳасида Тус билан Кучан йўлида жойлашган Родгон қасабасига етганда Улугбекнинг хузурига катта совга-салом билан Абулқосим Бобурнинг элчиси келди. Элчи Абулқосим Бобурнинг зўр тақаллуф ва тавозеъ билан ёзган мактубини ҳам Улугбекка тошириди. Мактубда Абулқосим Бобур Улугбекни олий ҳукмд 1 деб тан олибди, номини хутбага қўшиб ўқитиб, унинг отидан янги пул зарб қилишга ваъда берибди. Шундай бўлса ҳам Улугбек элчига озми-қўими илтифот кургазди-ю, сулҳ хусусида аниқ бир гап айтмади. Элчи кетгандан кейин эса юришни давом эттириди ва Исфароинни ҳам ишғол қилди. Абдуллатиф эса Абулқосим Бобур лашқарини таъқиб қилиб Бистом ва Астрободгача борди. Абулқосим Бобур энди Домгонга қараб қочди. Тўла ғалабага яна бир қадам ташланса, отга яна бир қамчи босилса кифоя эди. Лекин, Улугбек нимагадир бундай қилмади ва Исфароинда муқим туриб қолди. Юришни давом эттириш ва Абулқосим Бобурни бирёзлик қилиш ишини эса Абдуллатифнинг зиммасига юклиди...

Ўшандай Улугбек Исфароинда йигирма кун турди. Ўша замонлардан қолган ва биз билган тарих китобларида бунинг аниқ сабаблари хусусида бир нима дейилмаган, ҳар ҳолда бу бесабаб бўлмагандир, албатта. Балки биринчи устози йирик олим ва сайёҳ Шайх Ориф Озарий билан учрашиб қолиши бунга сабаб бўлгандир? Қўндан бир-бири билан учрашмаган икки қадрдан ва икки йирик олимнинг сўзлашадиган гаплари бўлгандир, албатта. Шайх Озарий бу қадрдан шаҳарга Улугбекдан бир ой илгари келиб тушган эди. Шайх кўп йиллик Арабистон ва Ҳиндистон саёҳатидан қайтгач, ота шаҳри Байҳақда турғун бўлиб, тоат-ибодат билан кун кечирди, илм билан машғул бўлди, «Жавоҳир ул-асрор» «Саъий ус-сафо», «Тугройи хумоюн», «Ажойиб ул-гаройиб» каби китоблар ёзди. Улугбек

Исфароинга келгач, шайх шу куниёқ шогирдининг истиқболига шошиди. «Кўн вақт кечди, балки мирзо мени энди танимаса керак», — деб хаёл қилди. Лекин Улугбек устози билан қирқ йил учранимаган бўлса ҳам бир кўришда таниди. Келинг, бу ҳақда Шайх Озарийнинг ўз оғзидан эпнитиб қўяқолайлик. «Мен, — дея ҳикоя қиласди у, — ҳижрий 800 (1398) йили Қорабоғда улуг Амир Темур кўрагонниң қиссаҳони бўлмиш тогоим бирлан бирга эрдим. Ўшал йили Улугбек мирзонинг хизматига тайинландим. Ўша пайтда ҳали ёни бола эрдим ва бир неча йил ёшлик хурсандчилигини шаҳзода бирлан бирга кечирдим. Анинг бирлан бирга ўйнар, анга матлуб ривоятлардан сўзлаб берур эрдим. Зоти олийлари (ҳатто) мен бирлан яқин дуст ва ўртоқ бўлиб қолгои эрдилар. Ҳижрий 852 (1448) йили мазкур подноҳ Хурносони забт этди ва Исфароинга келиб туниди. Ёшлик ўтиб қартайиб қолган эрдим. Ўрнимдан туриб подшоҳининг ҳузурига бордим. Мени узоқдин фақиру тақводор либосида курдилар, лекин танидилар. Салом-алиқдин сўнг сўрадилар: «О, дарвени! Сен бизнинг эски суҳбатдонимиз кўринасан, уна қиссаҳонимизнинг жияни Ҳамза эрмасмусен?» Подшоҳининг уткир зеҳни, фаҳм-фаросати ва пок идрокидин ҳанг-манг булиб қолдим, сўнг жавоб қилдим: «Ҳа, жаноби олийлари, ўшамен», Мирзо Улугбек бундин қирқ йил муқаддам Қорабоғда айтилгои ҳикоятлар, Гуржистои газовати ва Озарбайжоннинг ажойибу гаройиботларини эслаг солдилар». Суҳбат асносида Улугбек шайхдан Ҳиндистон сафарининг тафсилотларини, сафардан кейинги туринтурмушини суринтириди. Шайх Озарий Арабистон ва Ҳиндистонда кўрган-билганиларини мирзога айтиб берди. Нировардида Улугбекка мана бу ҳикоятни сўзлади: «Гулбарга подшоҳлари жумласидин бўлмиш ҳинҷ малики Султон Аҳмад бир куни менги эллик минг дирҳам ҳадя этдиким, бу ҳинҷларниң ҳисобида бир лакга баробардур. Бунинг шукронаси учун мендип подноҳ ҳузурига бориб, бошимни анинг оёгига қўйиншимни талаб этдилар. Мен ўшал инъомни олмадим, подноҳга сажда қилишга кўнмадим ва мана бу байтии айтдим:

Тарқ этуб Ҳиндуни мен қари Жайиол дегаймен,
Жуна кибру ҳавосин арпага оймагаймен.

Устозининг бу ҳикояти Улугбекда катта таассурот қолдирди. Фикримча, ул зот менга «кўндин бери подшоҳларниң, шунингдек сенинг ҳам хизматингга зор эрмасмен», демоқчими? Ахир, мен уни хизматга олмоқ муддаом

борлигини анга айтғонумча йўқ эрди-ку?», деган гап Улугбекнинг кўнглидан ўтди.

Қария Улугбекнинг кайфияти бироз бузилганини сезиб, уни овунтиришга шоиди:

— Бу бирлан Сизни назарда тутаётғоним йўқ, мирзом. Жонимни тикиб Сизга мулозим бўлур эрдиму, локин, белда қувват, кўзда нур, оёқда мадор қолмагон. Умуман уттиз йилдирки соҳиби тоҷларнинг хизматига бормай қўйго-мен.

Шайх Озарий мирзодан кўзини олиб қочди ва ерга қараганича кўп вақт индамай ўлтириди. Улар ўша куни ярим кечагача ҳар тўғрида сўзлашиб ўтиридилар... Шайх эртаси ўтиб индинига яна келди. Устоз ва шогирд бир вақтларгача сұхбатлашиб ўтиридилар. Мирзо Улугбекнинг ҳамёнида сариқ чақа бўлмаса ҳам подшоҳларнинг мўмай садақа ва эҳсонларига қиё боқмайдиган бу одамга бўлган ҳурмати минг чандон ошиди. Устозга қайтаётганда бир қатор саруно инъом қилди, лекин нул бергани чучиди.

Шайх Озарий Улугбекнинг олдига яна кўп марта келди.

Хулласи калом, Шайх Озарий билан бўлган сұхбатлар таъсиридами, ёки бунинг бошқа сабаблари борми билмадим, Улугбек рақибларини бошқа қувмади, Пули абришимдан орқага қайтди ва тўғри Машҳадга келиб тушиди. Шу ерда Абулқосим Бобур Домғондан қўшин тортгани, Абдуллатиф бўлса уни тўхтатиш у ёқда турсин, Бистомни ҳам ташлаб қочиб Нишопурга келгани ҳақида хабар тоиди.

Бир куни эрта билан Улугбек Нишопур ҳокимининг чорбогида, ҳашамлик қилиб қурилган тошховуз буйида чуқур хаёлга чўмиб ўлтирган эди, бօғ дарвозаси гийиллаб очилгандай туюлди. Подшоҳдан икки-уч қадам нарида дараҳт тагида омонатгина ўлтирган эшик оқо шошиб-нишиб дарвозага қаради, лекин у ёниқ эди, ёнида эса коровулдан бошқа ҳеч ким кўринмади. Ҳиёл ўтмай «гий-гий» яна тақрорланди. Эшик оқо ўрнидан турди ва сал нарироқда турган яна бир ясовулни имо билан чақириб дарвозага юборди. Ясовул суриштириб қайтди. Соқчилар жой-жойида, дарвоза ёнида ҳеч ким йўқ экан. Қўн ўтмай эшик оқо орқа тарафдан оёқ шарпасини эшитди, угирилиб чорбогнинг кун чиқиши тарафидаги даручаси томонидан ҳаллослаб келаётган Эҳсон буқо барлосни кўрди-ю, «бирон воқеа бўлдимикан» деган фикрга келди ва оёқ учидаги юриб, подшоҳнинг ёнига борди ва оҳиста воқеани унга матъум қилди. Улугбек сувдаги тиллоранг ва ложувард тусли балиқларни зўр иштиёқ билан томона қилиб ўлтирган экан, ноилож кўзини ҳовуздан узди ва ҳамина ўғри

мушукка ўхшаб тұстадан пайдо бұладиган бу одамга жаҳл аралаш назар ташлади. Эҳсон Бұқо барлос подшоҳ қаршиисида тиз чүкди. У шу қадар эңчил одам әдіки, унинг семиз бесүнақай хұқызысыфат гавдаси икки букилиб тиз чүккапда мушукдай бұлып қоларды. Улугбек бу попок айгоқчини аслида еқтірмасди, лекин нима ҳам қылсын, давлат юмуналари шунақа одамларнинг ҳам бўлишини тақозо қиласкан. Аввалда бемаврут келган бу одамга жаҳли чиқди, сўнг ўзини босди ва истеҳзо билан суради:

— Хўш, тақсирим, бу сафар қандог тоза хабар келтурдилар? Подшоликда нелар кечачётгои эркан?

Эҳсон Бұқо эмаклаб келиб подшоҳнинг оёқларига узини отди, сўнг бошини кутариб «бир қошиқ хунимдин кечсалар айтурмен», дегандай қилиб унинг кўзларига термулди. Улугбек унинг кўаларига биринчи марта астойдил разм солди. Ҳақиқатан ҳам Эҳсон Бұқо барлоснинг кўзлари мушук кўзига ўхшаркан.

— Ганираверингиз, сизга бу ерда бирон тирик жон халақит бермайдур.

Айгоқчи шона-пинча гапира кетди:

— Букун саҳар чоги Нишонурдин бир кас келиб эрди. Ул киши содик қулбаччанғизнинг яқин қариндошлиаридин бўлур. Ул зот мирзо Абдуллатифнинг хожа сароси эркан, бу ерга қочуб келибдур.

Улугбек таажжубланди, бадани уюшиб бир сескапиб ҳам олди, хиёл саросимага туниди. Айгоқчи буни сезди ва ичида «хайрият, гап өгасини тоңди», деб қўйди ва бир оз жим қолди. Ҳақиқатан ҳам мирзо Улугбек саросимага туша бошлади. «Нима, мирзо Абдуллатифга бирон кор-ҳол бўлдими? Қанизакларидин биронтаси заҳарлаб қўймадиму эркан? Йўқ, улиш менинг павбатим, ишқилиб болаларим орқамда қолишсун». Бир оздан кейин подшоҳ ўзига келди ва Эҳсон Бұқоға қараб «давом этаверингиз», деб имо-ишора қилди.

Эҳсон Бұқо подшоҳга хиёл таъзим қилди ва гапида давом этди:

— Хожа саробир куни мирзо Абдуллатифнинг Зулайҳо отлиғ суюкли қанизагидан сирлик бир гапни эшитуб қолибдур. Ул масалан дебдурки, мирзо бир кеча қаттиқ маст бўлуб қолуб, падари бузруквори хусусида күп ножӯя гапларни айтибдур.

Улугбек хиёл ўнгайсизланди, сўнг Эҳсон Бұқоға сўз қотди:

— Хўш, фарзанди аржумандимиз падари бузруквори хусусида не сўзларни айтибдурлар?

— Жапоби мирзо айтибдурларки, жангы жадалларда қон кечгон бизмизу, локин не сабабдиндур фатҳомаларда мирзо Абдулазизнинг оти аввал тилға олинадур. Ва яна риёзиёт, илми нужумда отомиздин кам эмасмуз, баён, маони, нахву сарфда ҳам ортиқлигимиз бордуру, локин зоти олийларидин кам эрмасмуз. Подшоҳлиқ сулукини, илми ҳарбни эрса отомиздин ортиқ биладурмиз,— дебдурлар.

Улугбекнинг қаттиқ жаҳли чиқди, қон бошга уриб, күзлари тинди, йиқилишига бир баҳя қолди. Айгоқчи эса сўзида давом этди.

— Шаҳзодайи гардун қадар яна дебдурларки, отамиз барибир Хурсонни бизга тобшуруб Мовароуннаҳриға қайтуб кетадурлар. Аввал Шоҳруҳ мирзонинг тахтига миниб олайлук, буёгини, иншоollo, кўурмиз.

— Шуми? — Улугбек айгоқчининг кўзларига қаттиқ тикилди, лаблари учиб, тамом вужудини титроқ босди.

— Ҳозирча бори шу, олампаноҳ.

Мирзо Улугбек эшик оқони чақирди ва имо-ишора билан унга буйруқ қилди. Эшик оқо ичкаридан бир чопон олиб чиқиб айгоқчининг елкасига ташлади, қўлига эса бир халта олтин тутқазди.

Эҳсон Буқо барлос Улугбекнинг кўнглини гаш қилиб кетди. У олиб келган хабар подшоҳга қаттиқ ботди. Наҳотки, фарзанди шу даражага бориб етган бўлса... Улугбек ўша кечаси миҷжа қоқмай тонг отdirди. Эрталаб эса Нишопурга чопар юбориб, Абдуллатифни Машҳадга чақиртириди. Лекин чопар қуруқ қайтиб келди — Абдуллатифни ўзи кўрмаган, лекин вазири уни «қаттиқ бетоблиги сабабдин Машҳадга боролмайдур», — деб айтган эмиш. Улугбек ўглининг касаллигига ишонмади ва уни мугомбирликка йўиди ва «мирзони қандай аҳволдалигидин қатъи назар, ушбу ерға олуб келинисун!» деган буйруқ билан Нишопурга чопар юборди. Абдуллатиф ҳақиқатан ҳам бетоб бўлиб, қаттиқ истималаб ётган экан. Уни шу аҳволда тахтиравонга солиб Машҳадга олиб келдилар. «Йўл азоби — гўр азоби» деганлариdek, йўлда азият чекиб шаҳзоданинг аҳволи илгаригидан ҳам оғирлашганди. Унинг ҳарорати яна ҳам кўтарилган, қўз очишга ҳоли келмай кўйиб-ёниб ётарди. Улугбек фарзандини шу аҳволда кўриб, қилиб қўйган ишидан пушаймон бўлди, лекин алданганини сезди. Эҳсон Буқо барлосдек фитначи қўлида ўйинчоқ бўлганига ачинди. Ясовулбошини чақиртириб, Эҳсон Буқо билан Нишопурга аввал борган чопарни тутиб келишни буюрди. Ясовулбошининг одамла-

ри қидириб Эҳсон Буқони ердан ҳам, қўқдан ҳам тополмадилар, лекин чошарни тутиб келтирдилар. Улугбек уни ўзи сўроқ қилди. Чопар Эҳсон Буқонинг гани билан ва ундан 250 динор пора олиб Нишонцурга бормаган ва бир ҳафта аблак бир жойда яшириниб ётган экан. Абдуллатиф ҳақидаги ривоятни ҳам ўша бадбахт Эҳсон Буқо тўқиган экан. Чопар ясоққа етказилди, Эҳсон Буқо бўлса бу сафар ҳам сувдан куруқ чиқди. У аллақачон Машҳадни тарк этган ва Домғон йўлига тушиб олгап эди. Кейин маълум булишича, у бу сафар Абулқосим Бобур хузурига қочиб борибди.

Айнап ўша кунлари Улугбек Ҳиротни олдириб қўйишига оз қолди. Нерату қалъасида ҳибсда ётган қора қуюнлу туркман сулоласига мансуб бўлмиш шаҳзода Ёраги билан Ҳиротнинг Алоуддавла давридаги доругаси Султон Абу Саъид қамоқдан қочишга муяссар бўлдилар. Бунга ўша Султон Абу Саъиднинг Нератудаги тарафдорлари ёрдам беридилар. Улар ион ичига этгов тикиб киритибдилар ва маҳбуслар ана шу этгов ёрдамида кишанин синдирибдилар ва соқчиларни ўлдириб, тутқунликдан халос булибдилар. Сўнг хазинанинг эшикларини синдириб кириб, у ердаги зару жавоҳирларни қўлга киритишига муяссар булибдилар. Ёраги ва Султон Абу Саъид бу бойлик ёрдамида бир-икки кун ичида дурустгина қўшини ёллаб ҳам олдилар ва Ҳирот устига бостириб бордилар. Шаҳар ҳокими Боязид парвоначи исёйчиларга қарши аскар юборди, лекин исёйчилар уни Каррух булукида тор-мор келтирдилар. Шундан кейин исёйчилар Ҳиротни қамал остига олдилар. Исёй ҳақидаги хабар Машҳадга етгач, Улугбек бу ерда Абдуллатифни қолдириб, ўзи Ҳирот сари жўнади. Улугбек Ҳиротга қамалининг 17-куни етиб келди. Буни куриб исёйчилар Нерату қалъасига чекиндилар.

Улугбек рамазон ойининг ўрталариғача (1448 йил ноябр ойигача) Ҳиротда турди. Сўнг отасига тегинли барча молу мулкни тuya, хачир ва отларга юклатиб Самарқандга жўнатди.

Бахтга қарши Абдуллатиф ҳам Машҳадда қололмади. Абулқосим Бобур қўшинларининг яқинлашиб қолганидан хабар топиб, шаҳарни ташлаб чиқди ва отасининг олдига, Ҳиротга қочиб келди. Бир-икки кундан кейин Улугбек Ҳиротни Абдуллатифга топнириди ва отасининг хокини тобутга солиб, Калиф кечувига қараб йўл олди. Айнан шу пайтда Абулқосим Бобур Сарахсда эди. У усталик билан иш кўрди -- Улугбекнинг кетидан қўнин билан амир Ҳиндукани юборди. Амир Ҳиндука ярим кечада йўл буйида

тунаб ётган Улугбек кўраганинг ўрдусини босди, кун гашни уадириб, катта узизани кўлга тунирди. Лекин, Улугбекнинг ўзи, яқинлари ва Қўшинининг асосий қисми омон қолдилар. Улугбек илк саҳарда Жайхун соҳилига қараб йўл олди. Амир Хиндука уни узоқдан татъиб қилиб борди, лекин яқинлашинга журъат қилолмади. Иккичи куни унинг одамлари угруқдаги бир-икки аравани талаб кетдилар.

Мирзо Улугбек Казиф рӯбарасида Жайхун устига кўприк қурдириди. Лекин, баҳтга қарши, кечув беташвиш утмади. Қўшинининг кичик бир қисми эндиғина нариги соҳилга келиб туниган ҳам эдики, кўчмаичи ўзбек қўшинининг ҳуружига дучор булди. Ӯшанда кўчманчилар Улугбекнинг қўшинига қаттиқ ишқаст етказди. Бир қисм аскар олишувда улди, бир қисми асир тушиб қолди. Қолғаплари тум-тарақай булиб қочди. Хайриятлиги шу булдики, Улугбек билан қўшинининг асосий қисми ҳали дарёнинг сўл соҳилида турган эди, улар омон қолди. Кўчманчилар кўприк устига боришга журъат этолмадилар ва асиirlар ҳамда ўлжани олиб жўнаб қолдилар. Ӯшанда улар Абулхайрхонининг ўзи бошчилигига Тошкент, Шоҳруҳия, Самарқанд ва Бухоро теварагидаги барча қишлоқларни талаб кетдилар. Ӯшанда подноҳ ва бошقا йирик мансабдорларнинг шаҳар атрофидаги чорбоглари ва қўниклари ҳам вайрон булди. Булар орасида Улугбекнинг Боги майдон аталмиш чорбоги ва подшоҳнинг Чўпон ота этагидаги яна бир кичик боги ва унинг ўртасига қурилган икки қаватлик Чилсугун отлиг қўниги, Кўҳак бўйида қурдирилган яна бир бошقا бое ва унинг ичидағи Чиннихона аталмиш чиройлик қўшик ҳам бор эди.

Улугбек қўшинининг асосий қисми, хазина ва Шоҳруҳнинг тобути билан Жайхуннинг сўл қиргогида бир ҳафта чамаси қолиб кетди. Бу кунлар ҳам худди 1405 йил сингари унинг учун энг оғир, заҳматли ва танивишлар билан тўлиб-тошган кунлар булди, Улугбек икки ўт орасида қолган эди: бир тарафдан амир Хиндука уни худди пистирмада ўлжақа кутиб ётган овчидаёт яқин-атрофда пойлаб ётарди. Яна бир томонда кўчманчилар. Тўгри, уларниң қораси кўринмасди, лекин ким билеин, балки улар ҳам яқин орада пистирма қуриб, унинг кўприкдан ўтишини пойлаб ётишгандир. Нима қилиш керак? Олдинда ҳам хавф-хатар, орқада ҳам. Лекин шима булгандা ҳам бу ерда ортиқча қолиб бўлмасди. Бир куни кечаси Улугбек дарёнинг ўнг соҳилига гажарчи юборди. Гажарчи яrim кечада зўр эҳтиёткорлик билан кўприкдан ўтди, теварак-

атрофии синчиклаб тафтин қилди, яғин қишлоқларда бўлиб, сўраб-суринитирди, лекин кўчманчилардан помониноп топмади. Шундан кейин Улугбек аскари, хазина ҳамда Шоҳруҳнинг тобутиши олиб эсон-омон кўниридан ўтди, шиддат билан йўл босиб, Қоракўлга етиб олди. Шуерда Улугбек кўчманчиларнинг аллақачон Самарқанд атрофидан ҳам чекинганликларини эшилди...

Шаҳзода Абдулазиз ва шаҳар аслзодалари Улугбекни Карманада қутиб олдилар. Подшоҳ аввал Абдулазиз билан, сўнгра шайхулислом Исомуддин, мавлоно Абуллай-сий аълам домла, қози қалон, мавлоно Али Қушчи, амир Мироншоҳ қавчин билан сўрашди. Улугбек ўғлини аввалгидек огушига олиб, у билан илиқ муомалада бўлди. Ота-бала озгина оби дийда ҳам қилиб олишиб. Тўнланганлар Шоҳруҳ мирзо вафоти муносабати билан подшоҳга ҳамдардлик изҳор қилдилар...

Самарқандга қош қорайганда кириб бордилар. Ўша кечга мирзо Улугбек ёнига Али Қушчини олиб Султон Муҳаммад хонақосида тунаб қолди. Эртаси куни пешин намозидан кейин Шоҳруҳ мирзонинг жасадини Гўри амир гумбази остига дафи қилдилар. Кечқурун марҳумнинг хотираси учун юртга ош берилди. Ондан кейин Улугбек Али Қушчи, марҳум Муъиниддин Кошонийнинг угли Мансур ва бошқалар билан бирга расадхонага кучиб ўтди. Ўша кечга устоз ва шогирд у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтириб, тонг оттирдилар. Улар кейинги йил ичидага расадхонада олиб борилган ишлар хусусида, расадхонанинг истиқболи ва кейинги режалар ҳақида, Шоҳруҳнинг ўлимидан кейин мамлакатда юз берган воқеалар тўғрисида кўп гаплашидилар.

Намози бомдоддан кейин Улугбек билан Али Қушчи расадхона билан туташган янги богни сайр қилдилар, чиннихонани кириб кўрдилар. Баъзи хоналарнинг деворларига ишланган суратлар, турли-туман нақшлар ва бе-закларнинг кўплари таниб бўлмас аҳволга келган, деразаларнинг рангдор ойналари чил-парчин бўлган, ер қандилларнинг парчалари билан тўлиб-тошиб ётибди. Булар Улугбек йўқлигига бостириб келган кўчманчи ғоратгарларнинг иши эди.

Улугбек Али Қушчига мурожаат қилди:

— Янги иморатлар қурмоқ тараддуудида тургонимизда бу не кўргулик бўлди, мавлоно?

Али Қушчи қуюниб жавоб қилди:

— Ҳа, кўргулик бу, аълоҳазрат, катта кўргулик. Ғоратгарлар мўру малаҳ бўлуб, ёвурилиб келдилар, ҳеч

нимарсан: аямадилар, амир Мироншоҳ жаноблари ҳам бир қадар сусткашлиқ қилдилар. Қўчманчиларнинг бу қадар ҳаддан ошишига зиммасига раият осойиштилигини қуриқлаш вазифаси юклатилғон бошқа амирлар ҳам айбдордурлар. Алар ҳалқнинг шарофати бирлан емоғи олдида, ичмоги ортида эрди; киссалари оқча, сандиқлари қимматбаҳо матолар, турли жавоҳир ила тула эрди. Элу юрт бошига муинкузлиқ тушгонда эрса кўпроқ ўзларининг эмну омонлигини ўйладилар, сичқоннинг ишини минг таигага сотуб олдилар.

Али Қўпчи ўша оғир кунлар ҳақида яна кўп нарсаларни подшоҳга сўзлаб берди. Ўша талон-тароидга кўп немдор жойлар, шулар қатори мирзо Улугбекнинг мана шу чорбоги ҳам талонга гирифтор бўлди. Лекин Мироншоҳ қавчининг Шероз қасабасидаги катта чорбоги нимагадир омон қолибди. Бу ҳақда Али Қўпчи подшоҳга индамай қўяқолди. Шундай бўлса ҳам, амирларнинг кирдиқорини Улугбекнинг узи ҳам яхни биларди. У оғир тин олди, сўнг яна ҳамроҳига мурожаат қилди:

-- Илож қанча, мавлоно. Алар ўзларини раиятшарвар қи клуб кўрсатадурлар, локин ёв босгонда орқа-олдига қарамай қочадурлар, чунки жону моллари шириналлик қиладур. Бу азалдин бор, мавлоно. Сиз мавлоно Турнизийнинг «Сирож ул-мулук» отлиқ китобини ўқигондирсанз. Анда бундог ривоят бор: Нуширвони Одил кунлардин бир куни бош коҳиндин сўрабдурлар: «Салтанатнинг ицизорици не сабабдин зоҳир бўладур?» Бони коҳин исавоб қилубдурлар: «Бу уч сабабга кўра зоҳир бўлур. Бирламчи, мансабдорлар эл-юрт аҳволини подшоҳдин пинҳон тутсалар; сониян, раият ва тамом ҳалқ подшоҳга нафрат руҳида тарбияланғон бўлса; ва, ниҳоят, учламчидин, закотчи ва барча солиг тўплагувчиларнинг зулми ҳаддидан ошса. Афсуски, бундог аҳвол бизнинг салтанатимизга ҳам тегишилига ўхшайдур, мавлоно.

Шу пайт «Вотвот мунахжим», Эҳсон Буқо барлос, Абдулфосиҳ муazzинга ўхшаш мунофиқлар Улугбекнинг хаёлидан бир-бир ўтди. Ҳа, у ҳали кўн нарсаларни билмайди. Қуп вақти бехуда уруши-талошларда ўтди. Кейин ҳақиқатан ҳам, илмга берилиб кетиб, эл-юрт ишини Мироншоҳ қавчинга ўхшаш амирларга ташлаб қўйди. «Ҳа, мирзо Абдуллатиф ҳақфа ўхшайдур, биз подшоҳлиққа муносиб эрмасға ўхшайдурмиз, эссиз умр,bekorga ўтди», — деди Улугбек пировардида.

Нонуштани Али Қушчининг ҳужрасида қилишди. Шу бугун Улугбек чой қуйиб бериб ўтирган шогирдининг

небарасига астайды разм солди. Ҳа, унинг бўйи ҳам анча чузилиб қолибди... Бода подшоҳининг тикилиб кузатиб турганини сезиб уялиб кетди, оғсариқ юзининг кулласи қизарди, бошини ҳам қилди.

— Аҳмад ҳам катта йигит булюб қолубдур, мавлоно. Тангири таоло умрини берсун. Ишшоолло, яхши одам бўлиб етишадур. Кўзларидин билиниб турибдур.

— Қуллуқ, аълоҳазрат, айтғонлари келсун — Али Қунчи қулини кўксига қўйиб, подшоҳга қуллуқ қилди, кейин набирасига мурожаат қилди:

— Аҳмаджон, кутубхонаага ўтуб кечириб таомланғон маҳтутни олуб чиқинг, они аълоҳазратга кўзкўз қиласайлик.

Аҳмад даст ўридан турди ва қуллиқ қилиб ташқарига чиқди ва ҳужранинг нариги тарафидаги ҳужрага утди; токчада турган пистараңг чарм муқовали китобни олиб ҳужрага қайтди ва бобосининг қўлига берди, у эса ўридан туриб китобни икки қўллаб подшоҳга тутди.

— «Зижи жадиди қурагоний»дин кўчирилғон янги нусха бу, аълоҳазрат. Сизга бизнинг арзимас тухфамиз, устоз.

Улуғбек китобни олиб қузларига суртди, сўнг саргич қалин қоғозга чиройлик настаълиқ хати билан, сарлавҳала ри эса қизил ва ҳаворанг сиёҳ билан битилган, тилло увонлик китобни ҳафсала билан варақлаб чиқди.

— Маҳтутот, беҳад бадитъалиқ булюбдур, мавлоно. Котиб ким эркан?

— Абдураҳмон Хоразмий, аълоҳазрат.

— Ул жанобга бизнинг мамнунлигимизни айтуб қўйсунлар, сизга ҳам ташаккур, мавлоно. Сизга ҳам раҳмат, ҳамкасаба.

Улуғбек икки қулини кўксига қўйиб, Али Қунчи билан унинг набирасига қуллуқ қилди. Сўнг китобни қўйнига солди.

— Биз ани фурсат тошиб ўқуб чиқурмиз.

Шундай деди-ю, лекин унинг бу китобни ўқинига фурсати бўлмади. Шундай бўлса ҳам кутубхонаага тошишимай, Улуғбек уни сўнгги кунларигача ўзи билан бирга олиб юрди.

Нонуштадан кейин Улуғбек дастлаб бобоси билан отасининг қабрини зиёрат қилди, чошгоҳгача ўша ерда бўлди, сўнг саройга кўчиб ўтди. Сарой олдида уни мирзо Абдулазиз бошлиқ аркони давлат ва ўзга хизматкорлар кутиб олишиди. Рикоббоши билан рикобдор подшоҳ ҳузурига шенваз чиқдилар. Рикобдор подшоҳ отининг

жиловини тутди, рикоббоши эса уни құлтигидан олиб, отдан тушишига құмаклашыді... Қабул маросими қисқа, сөвүқсіна, ўта расмий бир тарзда ўтди. Авваллари Улугбек вазирлар, улуг амирлар билан илиқ сұрашар, юмушлари, саломатниклари, ахлу-әйлени сурештиради, йүқлаб келгандарга навозинш ва илтифотлар күргузарди. Бу сафар бунақа бұлмади. Бу ерга түпланғанларнинг күңчилигі подиоҳнинг кайфи яхни әмаслиги, рухи аңча насталигини ва айниқса қовогидан қор ёғиб турии сабабини яхни билишарди. Ахир, бир бутун ҳарбий юриши барбод бұлды, уннинг орзу-умидлари пучга чиқыді, күп құрбонлар берілді, беҳисоб молу-маблагдан ажралды. Лекин Хуресонни құлға кирита олмади. Үстіга устак кейінгі ғайларда Улугбек үз мамлакатида аңча-мунича дүниман ҳам орттириб олды. Түгри, Балх, Ҳутталон ва уларға қарағылк ерларии олды, лекин ундан нарига утолмади. Сираесини айтғанда, бүйсүндірилған юртларға ҳам ҳұкми утармикан уннинг? Мовароунинарни құлда тутиб қола олармикан? Подиоҳнинг кайфияти бузуклигі мана шундан зди. Буни ахли сарой ҳам сезіб турғанди. Амирлар Улугбекнинг бу ва бошқа муваффакиятесізликларнинг сабабларини уннит ҳарб ишини билмаслигидан, давлат ишларига кам рағбат-лигидан күрсә, Сайд Ошиққа ухшаш тескаричи рұхонийлар буни Улугбекнинг дахрийлігидан күрардилар. Сайд Ошиқнинг гапида матьум дарақкада жоң бор. Ахир Улугбек мадрасаларда диний илмдардан күра дүнёвий фанларни ұқитишиңға күпроқ рағбат берәётібди-ку. Самарқанд, Бухоро ва Гиждуондаги мадрасаларға, регистондаги масжиди ва хонақоғыза, шунингдек, Султон Мұхаммад хонақосига катта-катта мұлжаларни вақф қилиб бергапи ҳолда хожа Хизр масжидига ва регистондаги машхур датоилхонаға бир мисқол ҳам бермади..

Улугбек миrzо Абдулазиз билан амир Мирониоқ қавчиндан бошқа ҳаммага ижозат берди. Яна нима ган? Подиоҳнинг бундан не муддаоси бор? Абдулазизни ҳам, Мирониоқ қавчинини ҳам вақима боеди. Үлар Қарманадан учрашув пайтидаең подиоҳнинг кайфияти бузук эканан гини пайқаңған здилар. Иккаласининг күngлидан ҳам «әнди ҳаммаси тамом», деген фикр кечди. Улугбек бошни күйи солғанча бирмунча вақт индамай үтирди. Шу қисқа вақт ичиде иккаласининг ҳам, миrzо Абдулазизнинг ҳам, Мирониоқ қавчинининг ҳам, бұлары бўлди. Нихоят, подиоҳ бошни кўтарди ва ҳамон эшик олдида тарарападек қотиб турған Абдулазиз билан амир Мирониоқ қавчинга қўли билан ёнидан жой кўрсатди, сўнг ган бошлади:

— Мирзомнинг сиҳат-саломатликлари қандай? Аҳлу аёллари омонмулар?

— Шукр, аълоҳазрат, борчамиз эсон-омонмиз, кечаю-кундуз сизнинг дуоингиздадурмиз.

— Қуллук, мирзо. Имоним комилким, элу юрт ҳам тинч-омон, аҳли тужжорнинг аҳволи ҳам күнгилдагидек, шундай эмасму, мирзо?

Абдулазиз подшохнинг киноясини уқди. «Ҳа, у ҳамма нарсадан хабардор», деди у ичида. Лекин ўзини мугомбираликка солди:

— Элу юрт эсон-омонку-я, лекин аҳли тужжор, жаноби олийларига яхши аёндур, еб тўймас бир тоифа эркан. Ҳар куни аларнинг ҳамёнига муносаб самара тушиб турмагундай бўлса, уйқулари келмай тунлари бедор ўтур эркан, оламиноҳ.

Абдулазиз шундай деди-ю, лекин сал мулоҳаза қилиб кўриб, айтганидан пушаймон еди. Ахир у отасининг аҳли тужжор билан яқин муносабатда эканлиги ва уларга, фойдаси билан қайтариш шарти билан, улгуржи қарз бериб турадиган одати борлигини яхши биларди-ку.

— Ахир бирваракайига икки йиллик тагор ундириб олингоч, аларнинг қасбу кори қандог ҳам ривож тошсун, мирзо. Ва яна мамлакатнинг шимолий сарҳадларини кўчманчиларга очуб қўйилғондин кейин элу юрт қандог қилуб ҳам омон бўлсун.

Улугбек амир Мироншоҳ қавчинга шундай тикилдики, баданига ўқ санчилгандай бўлди. Унинг авзойи баданини титроқ босди, тили танглайига ёшишди. Подшоҳ яна Абдулазизга кўз ташлади ва сузида давом этди:

— Хурсоңдин юборгон фатҳномаларимизни олуб ўқуб хурсанд бўлғондурсиз, мирзо?

— Қуллук, ўқудик, отажон. Олий ҳимматингиз билан бошимизни етти осмонга еткурдингиз.

— Биз банданинг фикри ожизича, мирzonинг муборак бошлари ундин ҳам юқорироқга кўтарилиғонга ўхшайдур.

Истехゾ билан айтилган бу гаплардан шаҳзодани чинакамига қўрқув босди, кимдир уни оёқларидан тутиб, чуқур жар ёқасига судраб бораётгандай туюлди. Подшоҳ итобда давом этди:

— Ҳа, эсим қурсин, унутаёзибмен. Қаригонға ўхшайдурмен чамаси, мирзо. Марҳамат қилуб айтингизчи, амир Ҳарий Маликнинг канизаги ҳам эсон-омонму эркан?

Мирзо Абдулазизнинг қўлу оёқларини титроқ босди. Ажабо, отаси бундан ҳам хабардор экан. Тарнобда қозонилган галабадан кейин юборилган фатҳнома олинган

куни Боги дилкүшінде үтгай катта зиёфат ва ўша кечаси юз берган воңеа шаҳзода Абдулазизнинг эсига тушиди. У ўша кечаси қаттиқ кайф таъсирида ана шу амирнинг ҳуснда теңги йўқ канизагини мажбураш харамга олиб келтиртирган эди...

Хулласи қалом, тафтин-сўроқ ярим крчагача давом этиди. Сўнг Улугбек Абдулазиз билан амир Мироншоҳ қавчининг кетишиларига ижозат берди, сўнг хонайи хосга кириб ёниблари, лекин бир вақтларгача ухлолмай шинига термулиб ётди. Ўю-хаёл деңгизи уни яна ўз гирдобига тортди: мамлакатнинг оғир аҳволи, сотқин амирлар, ноқобил ўғиллар, расадхона ва у ерда қилинадиган янги ишлар... Улугбек қачон ва қандай ухлаб қолганини ҳам билмади, лекин бугун ҳам ҳар қачонгидай барвакт уйғонди, шамоздан кейин дераза ёнига бориб ташқарига разм солди. Ташқаридан пага-пага қор ёғаётган эди. Ҳа, ҳақиқий қиши бошланганини ҳам сезмабди у ташвишлар билан бўлиб. Нече бўлса ҳам ҳориган таңга дам бермоқ керак, худо билади янги йил яна не савдоларни унинг бошига соларкин. Улугбек ойна ёнида туриб фақат шуларни ўйлади. Ноңуштадан кейин эшик оқо билан қунибегини чақиритириб сафар эгар-жабдуқларини ҳозирланиши буюрди. Улугбек бу йилги қиши янга Бухорода үтказишга қарор берди...

Абдуллатиф отасидан кейин Ҳиротда бор-йўғи ўн беш кун ҳукмронлик қилди. Абулқосим Бобурнинг амир Ҳалил ва амир Бобохужа бошчиллигига юборган қўшини шаҳарга яқинлашими билан пойтахтни ташлаб чиқди ва бирон кини билан кенгайимасдан тўғридан-тўғри Мовароунахрга кетишга қарор қилди. Шу мақсад билан у Андхудга борди, сўнг Калиф кечуви орқали дарёдан үтди ва дарё қиргогидаги қалъада тўхтади, Самарқандга, отаси хузурига чопар юбориб, уни булиб үтгай воңеалардан огоҳ қилди ва Самарқандга борининг ижозат сўради. Мирзо Улугбек рад жавобини берди ва ўғлига Балх вилоятини суюргол қилиб бергани ва вақтни бекорга үтказмай шитоб билан ўша тарафга жўнаб кетишими талаб қилди.

Абулқосим Бобурнинг амирлари бўш қолган пойтахтни наиззанинг бошнини оғритмай осонгина қўлга киритиб олдилар-у, лекин уч кундан кейин унинг устига юқорида номи тилга олингани Ёраги туркман бостириб келди. У шаҳарни бирдан ололмади, лекин уни қаттиқ қамал остига олди. Ёрагининг шаҳар ичида ҳам тарафдорлари бор экан, улар тұртнинчи куни тонгда унга Ироқ дарвозасини очиб бердилар. Абулқосим Бобурнинг амирлари аскари билан Ихтиёридин қалъасининг мустаҳкам деворлари

орқасига яшириндилар. Ёраги туркман Ихтиёриддинга хужум қилмади — ололмаслигига кўзи етди ва амирлар билан музокара очди. Тарафлар битимга келишдилар ва уни аҳду паймон билан мустаҳкамладилар. Битимга биноан Абулқосим Бобурнинг амирлари қалъани бўшатиб чиқиб кетдилар. Лекин ўшандаги улар подшоҳ хазинасининг катта қисмини ўғирлаб кетдилар.

Амирзода Ёрагининг ҳукмронлиги ҳам узоққа бормади. У бор-йўги йигирма куни «подшоҳлик» қилди ва охири Абулқосим Бобур қўлидан шаҳидлик жомини ичди. Воқеанинг тафсилотини замондош муаррихлар бундай ҳикоя қиладилар: Абулқосим Бобурнинг Абу Али исмлик рикобдори булиб, подшоҳ Сарахса турган кезлари Нерату қалъасига қочиб келиб шаҳзода Ёрагининг хизматига кирди. Лекин Абу Али унга ҳам вафо қилмади. Кунлардан бир куни у Абулқосим Бобурнинг айгоқчиси билан алоқа боғлади. Келинувга биноан фурсат тониб Абулқосим Бобурга Дарвозайи маликни очиб берадиган бўлди. Абулқосим Бобур шу дарвоза орқали шаҳарга яқинлашган кечаси шаҳзода Ёраги Боги шаҳарда эди. Ўша Абу Али шаҳзодага ухлатадиган дори қушилган шароб ичкизибди. Ўша куни Абулқосим Бобур Дарвозайи маликдан кириб шаҳарни эгаллади. Ёрагини эса қўл-объектарини боғлаб, Абулқосим Бобурнинг ҳузурига олиб келдилар. Ёраги туркман 852 йил зулҳижжа ойининг сўнгги куни (1449 йил 25 феврал куни) Хиротнинг Чорсусида қатл этилди.

Шу тариқа Шоҳруҳнинг тоҷу таҳтига 1449 йилнинг бонида Абулқосим Бобур эга бўлди. Лекин, орадан бир ой ҳам ўтмай, унинг Алоуддавла билан оралари бузилиб қолди. Бунга яна ўша алайҳиллаъна Эҳсон Буқо барлос сабаб бўлди. Унинг ўтган йили Машҳаддан Улугбек ҳузуридан қочгани ва Домгонга бориб, Абулқосим Бобурнинг хизматига ёлланганни маълум эди. Ўшандаги Улугбек қўйинининг умумий аҳволи, подшоҳ билан унинг ўғиллари ва амирлари ўртасидаги муносабат, қисқаси, Улугбекнинг бутун кирдикорини Абулқосим Бобурга оқизмай-томизмай бирма-бир айтиб берди. Абулқосим Бобур унинг ўта синчковлигига қойил қолди-ю, лекин «эгасини қонган ит ўзганинг овига ярамас», деганларидай уни шунчаки сийлаган бўлди, аммо ўрдада олиб қолмади. Уни ўша кезларда оғаси помидан Туни идора қилиб турган мирзо Алоуддавланинг ҳузурига жўнатиб юборди. Қўй вақт ҳам ўтмади. Эҳсон Буқо барлос Алоуддавлага ҳам хиёнат қилди. У «мирзо Алоуддавланинг юзида фитна ва

саркашлик аломатлари зохир бўлмоқда», деган мазмунда Машҳадга, Абулқосим Бобурга яширинча хат ёзиб юборди. Абулқосим Бобур бўлса суриштирмай-нетмай Алоуддавла-ни ҳибека олди. Лекин оқибатда унга Эҳсон Буқо қўйган айб тасдиқлаимади. Ога-инининг эса ойнаги хира бўлгани қолди, холос. Абулқосим Бобур айгоқчини жазолашни амр қилди, лекин уни ердан ҳам, кўкдан ҳам қидиртириб тополмади. У Алоуддавла ҳибека олиниб Машҳадга олиб кетилган кечасиёқ Тундан гойиб булганди. Баъзилар уни Нисо билан Абивард тарафларида кўрдик, десалар, бошқа бирорвлар уни Гузор, Кеш ва Китоб тарафларида кўрганла-рини айтгандар. Мовароунинаҳр тарафдан Машҳадга келган бир савдогар бир кун карвонсаройда уни ҳазрат Баширда фарром бўлиб хизмат қилаётганини эшитган экан. Яна бир тоифа Эҳсон Буқо барлосни Хўжандинг молбозорида даллоллик қилиб юрганини кўрган...

Улугбек Хурсондаги воқеалардан қисман хабари бор, лекин у тарафдан хавф-хатар кутмасди, чунки таҳт даъвогарлари: Абулқосим Бобур ҳам, Алоуддавла ҳам, Абдуллатиф ҳам ўзи билан ўзи овора эдилар. Шунинг учун ҳам у ўтган йилги катта ташвишлар орқасида бирмунча заифлашиб қолгаи саломатлигини шу қиши пайти бир оз бўлса ҳам тиклаб олмоқчи бўлди. Шунинг учун ҳам кўн вақтини овда ва сайру саёҳат билан ўтказди. Ўша қишида айниқса ўрдак ови яхши бўлди. Бухоро атрофида кўллар ва қамишзорлар бўларди. Қунлардан бир куни қушбеги ана шу кўллар атрофида, қамишзор орасида бир неча жойда газалар қурдирди.

Одатда ўрдак ови саҳар пайтида яхши бўлади. Улугбек бир куни илк саҳарда бир-икки овчи билан газалардан бирига ўринилапди. Қолган ғазаларга бошқа овчилар ўринилашдилар. Оёги ҳалқаланган «ўргатма»лар қўлнинг бир четига ташлаб қўйилди. Кўп фурсат ўтмай ўша «ўргатма»лар гагиллай кетдилар. Осмонда гағ-гағлаб келаётган ёввойи ўрдак тўдалари кўринди. Улар бирин-кетин «ўргатма»лар атрофига учиб туша бошладилар. Лекин «ўргатма»лар гагиллаб уларни ўз тўдасига яқин-ланштирмадилар, шунда ёввойи ўрдаклар ҳам бир ерга тўн бўлишди. Шу пайт чор атрофдан тўдага ўқ узилди...

Улугбек ва унинг овчи шериклари ўша куни юздан ортиқ ўрдак овладилар, овдан кейин эса теварак-атрофни сайру тамоша қилдилар. Кечқурун қули гул пазандалар ўлжадан анвойи таомлар пиширдилар. Улугбек яқинлари билан бир вақтларгача базм қурди. Зиёфатдан кейин ўзицинг одатдаги иши билан машгул бўлди. Маълумки,

Улугбек ҳар сафар ов қаерда ва қандай ўтганилиги, жониворлардан қай бири овлангани, уларнинг умумий сонини маҳсус дафтарга қайд эттириб қўирди. Бу вазифа воқеаниавислардан бирининг зиммасига юкланди. Подшоҳнинг бу иш билан ҳам машгул бўлинининг сабабларини ҳеч ким аниқ билмас эди. Балким илмий ишлар ёки давлат юмушларида чарчаган кезларида шунчаки әрмак учун шундай қиласар, ёки бу унинг учун ақлни нешлаш воситаси бўлгандир, ё булмаса овчилик ва ов ҳақида ҳам бирон рисола ёзмоқчиидир. Ўша кеча зиёфат қиёмига боргандা Улугбек воқеаниависни чақириди.

— Қани, тақсир, дафтари олсунлар, букун бўлғон овни қайд қиуб қўйилик.

Воқеаниавис одатда дафтари ўзи билан олиб юргич эди, лекин бутун қўлида дафтар йўқ, лом-мим демай саросимада турарди. Улугбек дафтарнинг гойиб бўлганини англади, лекин кайфиятини бузмади, воқеаниависни эса юлантириди.

Асло, ташвиши тортмангиз, тақсирим, менинг ўнал дафтарга қайд этилгандарни бошдин-оёқ ёд билурмен.

Улугбек тутилмаган дафтар келтиришларини буюрди. Дафтари олиб келдилар. Подшоҳ айтиб турди, воқеаниавис ёзиг борди. Янги дафтар тўлган ҳам эдик, йўқолган дафтари тошиб келтирдилар. Муҳосиблар ҳар иккала дафтари бир-бирига солиштирдилар, лекин таажжубки, тўрт-беш ихтилофдан бошқа тафовут тонолмадилар. Шунда базмга йигилганинг барчаси Улугбекнинг кучли хотираси ва ўткир зеҳнига таҳсин уқидилар.

Улугбекнинг Бухородаги кунлари шу тариқа ўтди. У ҳамма нарсадан хабардор эди-ю, лекин Абдуллатиф ва унинг атрофидагилар ашкабут бўлиб тўқиётган тўрдан, улар уюнтирабошлигарни фитнадан, ўғлининг хонилик кучасига кириб бораётганидан бехабар эди. Абдуллатиф 1449 йил феврал ойининг бошларида Абулқосим Бобур билан алоқа ўриатди ва уни биргалашиб Улугбекка қарни курангга ундей бошлади. Абдуллатифининг элчиси Ҳиротга, Абулқосим Бобурга олиб келган мактублардан бирида мана булар ёзилганди: «Мирзо Улугбек катта қўшун жамлаб Ҳурросон устига юриш тараффудидадур. Биз холо анинг йўлини тўсуб турurmiz, худо хоҳласа они ушбу тараффларга ўтказмасмуз. Жаноби олийларига эрса муҳаббат, эътиқод ва дўстлик мақомида турмоқдамиз». Ҳа, энди Абдуллатиф ўз отасига қарши очиқдан-очиқ муҳолифлик йўлига ўтди. У бундан бир неча ой муқаддам Абулқосим Бобурга Ҳиротни топшириб Мовароунахрга қочиб келаётгандада отаси унга Балҳи суюргол қилиб бериб қайтариб

юборгандан ич-ичидан суюнган эди, чунки унинг Нишонур билан Хиротни ҳеч қаршилик курсатмасдан ана шу подшохга тоширганининг сабабларини отаси тафтиш қилиб қолишидан қурқан эди. Абдуллатиф Балхга қайтиб боргандан кейин отасига қарши душманлик байробини кўнгил лавҳига тикди, Улугбекдан норози бўлган кишиларни атрофига йига бошлади. У ҳатто аҳли тужжорни ҳам ўз тарафига ағдариб олди. Бунинг учун Балх музофотида томғо солигини бекор қилиш ҳақида фармон чиқарди. Абдуллатиф ўзини оқлаш мақсадида отаси билан оралари бузилиб қолишига гўёки Улугбекнинг унга нисбатан номеҳрибонлик ва адолатсизлик мақомида туришини баҳонайи сабаб қилиб курсатди. У сўраганларга «Камина Хирот, Машҳад, Бистом теварагида бўлгон жангу жаддларда жонумни аямадум, ўлимга тик боқдум ва ёгий бирлан қаттиқ олинидум, отам эрса вилоят ва мамлакатларга юборғон фатҳномаларида иним Абдулазизнинг номини мендин аввалга қайд эттурди. Ва яна Ихтиёриддиндоги хазинамни ҳам олуб қўйдилар.»

853 йилнинг муҳаррами (1449 йил март ойи)да Мирзо Улугбек қишлоқдан Самарқандга қайтди. Бирдан-бир мақсади ўртадаги низони тинч йўл билан бартараф қилиш эди. Фақат шуни ўйлади, шунинг кетидан тушди. Бу хусусда амирлар ва аркон давлат билан кенгашди. Улар билан бир эмас, бир неча кенгаш ўтказди. Лекин бунинг чора-тадбирини тополмади, чунки гишт аллақачонлар қолиндан қушиб бўлганди. Самарқандда ҳам Абдуллатифни ёқлаб юрувчилар йўқ эмасди. Ҳарий Малик, Шоҳ Вали баҳодир ва Таваккал барлосга ўхшаш ота-болани уринтириб қўйиб томошасини кўрмоқчи бўлганлар гимиллаб қолишган эдилар. Улар ким зўр чиқса, ўшани ёқлагувчилар тоифасидан эдилар.

— Туққон отага қўл кўтарғон фарзанд — фарзанд бўлурму? Үндок фарзанднинг баҳридин ўтгон яхши, боридин-йуғи дуруст...

Таваккал барлоснинг бу сузлари Улугбекнинг қулоқларини ўқдай ялаб ўтди. Кимdir яна бир илмоқли гап билан юрагининг бир учини чим этиб юлиб олди. Қисқаси Улугбек ўйлаб ўйига етолмайдиган бир аҳволга тушиб қолди. Нима, ҳамма ҳам шу фикрдами? Энди туққан фарзандига қурол кутариши қолдиму! Улугбек йигилгандарга бир-бир назар ташлади. Уларнинг фикрини билиб олмоқчи бўлди. Лекин ҳамма ер чизиб ўтиради. Сукутни амир Шоҳ Вали бузди.

— Эъвозу икром, сийлашларнинг ҳам чеки бор, подшоҳим. Мирзо Абдуллатиф ҳаддидан ошди чамаси, қулингизининг фикри ожизича ани Балхдин ихроj қилмоқ даркор.

Улуғбекнинг ўғилларидан, хусусан Абдуллатифдан аламзада бўлиб юрган Ҳарий Малик Таваккал барлосининг гапларини бош иргитиб тасдиқ қилди.

Абдуллатифнинг тарафдорлари ўзларини фош қилдилар-у, лекин бошқалардан асло садо чиқмади.

Жайхуннинг нариги тарафидан бўлса ҳар куни бири биридан ташвишли хабарлар келиб турарди. Шу бўлди-ю, охири ота билан ўғил ўртасида уруп чиқди. Улуғбек ҳам Насафга лашкар йига бошлади.

Раби ул-аввалининг бошларида (1449 йил апрел ойининг охири) Улуғбек қўшинин Балхга қараб етаклади. Лекин вақт ўтган, ташаббус аллақачон қўлдан кетган эди. Дарёнинг Мовароуннаҳр соҳилида бўлса биронта кема ёки қайиқ кўринмасди. Уларни аллақачон Абдуллатифнинг одамлари нариги қирғоққа олиб кетиб бўлишган. Кечувлардаги қоровуллар ва сувчилар ҳам қаёққадир ғойиб бўлишган. Дарёнинг нариги қирғогида эса ахвол тамоман бошқача: дарёга яқин жойлашган қишлоқлар, шаҳарлар ва истеҳкомлар лашкар билан лиммо-лим. Абдуллатиф отасига нисбатан икки баробар кўп лашкар тўплаган...

Абдуллатифнинг ўрдусида ҳам мулоҳазали одамлар бор эди. Улар мирзонинг ҳузурига кириб уни ҳарчанд насиҳат қилиб ёмон йўлдан қайтармоқчи бўлдилар, лекин Абдуллатиф уларга қулоқ осмади, отаси билан ярашиш тўгрисидаги таклифни рад қилди.

Иккала қушин ҳам кечувга биринчи бўлиб ташланишга ботинолмай, турган жойида туриб қолди. Ота билан ўғил шу тариқа уч ой — ота дарёнинг ўнг соҳилида, ўғил бўлса унинг сўл қирғогида тиш-тириғига қуролланган ҳолда турдилар. Ҳар икки тарафдан кичик-кичик гуруҳлар аҳён-аҳёнда, кўпинча тонг отмасдан бурун, дарёдан кечиб ўтар ва қисқа жанг қилиб яна орқасига қайтиб кетардилар. Бир сафар Улуғбек рақибини додга қолдирмоқчи бўлди. Қунлардан бир куни у сара йигитлардан бир гуруҳини куёви мирзо Абдулла бошчилигида дарёнинг нариги тарафига жўнатди. Мирзо Абдулла бир илож қилиб Абдуллатифнинг қоровулларидан ўтиб олди-ю, лекин ишнинг ўёги юришмади. Абдуллатиф қўйган пистирмага дуч келиб, мағлуб бўлди. Мирзо Абдулланинг ўзи бўлса асирга тушиб қолди. Абдуллатиф уни тўрт йигити билан

ярим ялангоч қилиб қўйиб юборди. Асиirlарнинг қолганлари эса тигдан ўтказилди.

Абдуллатиф яна бир неча бор Абулқосим Бобур хузурига одам юбориб, уни Улугбекка қарши урунга тортмоқчи бўлди. Лекин Абулқосим Бобур унинг йўлига юрмади. У ўта эҳтиёткор ва тадбиркор одам эди. Борди-ю, Абдуллатиф унинг ёрдамида отасини бирёқлиқ қилгундай бўлса, оқибати нима булишини яхшилаб мулоҳаза қилиб кўрди. Шунинг учун ҳам Бодҳисда турган амир Ҳиндукага қўшимча аскар юборди ва унга «мирзо Абдуллатифнинг хатти-ҳаракатларидин боҳбар бўлуб турулсин», деб буюрди. Абдуллатиф кейин ҳам бир неча бор уни ўз тарафига тортишга ҳаракат қилди, лекин бундан ҳам фойда чиқмади.

Сирасини олганда, Улугбекнинг омади келмади. Тўнгич ўғил бевафолик қилиб қилич ўқталиб турган ана ўну кезлари кенжә ўғил ақл-фаросат билан иш тутмади. У яна раият ва амирларни ранжитди, яна ўша кайфу сафоларга берилди. Қўшиндаги амирлар Самарқандда қолган аҳлу оиласининг тақдиридан чучий бошладилар, уларнинг ўртасида шу боисдан норозилик кучайди. Бу қанақаси, ахир! Улар бу ерларда жонни жабборга бериб юрган бўлсалар-у, подшоҳнинг эркатои кўнглига келган ишни қилса, уларнинг иззат-нафсига хуруж этса! Амирлар ўртасида кўпдан бери давом этиб келаётган шивир-шивирлар бора-бора подшоҳга қарши фитнага айланди. Улугбек фитнани бошда сезиб қолди ва турли йуллар билан унинг олдини олди. Амирларнинг баъзиларига юрт инъом қилди, бошқаларини қимматбаҳо матолар, зару олтинлар билан сийлаб кўнглини олди. Эндиғина ўрдудаги гала-ғовур босилган ҳам эдики, кун йиллардан бери Улугбекнинг тузини ичиб хизматини қилиб юрган темурий Султон Абу Саид мирзо исён кўтарди. У бир куни илк саҳарда қўл остидаги аргин қабиласи йигитларидан тузилган отлик қўшини билан ўз истеҳкомини ташлаб кетди ва Самарқандга қараб йул олди. Султон Абу Саид тез орада Самарқанд остоналарида пайдо бўлди ва уни қуршовга олди. Мирзо Абдулазизнинг ихтиёридаги аскар Абу Саиднинг отлиқларидан икки баробар кўп эди. Шунга қарамай, қалъадан чиқиб душман билан беллашишга журъат қилмади. Абдулазиз билан Мироншоҳ қавчин қалъа дарвозалари ҳамда унинг буржу бораларига одам тайинлаб, мудофаа жангини ихтиёр қилдилар. Бу ҳақдаги хабар Термизга жуда тез фурсатда этиб келди. Улугбекни ваҳима босди, энди нима бўлса ҳам Самарқандни сақлаб

қолини зарурроқ булиб қолди, чунки пойтахтнинг құлдан кетиши — тоғу таҳтиниң құлдан кетиши билан баробар әди. Шунинг учун ҳам у Жайхүн бүйідан күчиб, шитоб билан Самарқандға қараб юрди. Улугбек йұл-йұлакай ташвиш отушида борди. Мирзо Абу Саидни бартараФ қила олармикин? Еки у боргунча Самарқанд құлдан кетиб қолармикин? Абдуллатиф отасининг йұқлигидан фойдаланаib дарёнинг бериги қыргогига үтиб олмасмикин? Ақвол шунға боргудай бұлса, унда Улугбек шубҳасиз иккүтінде орасида қолади. Шу үтларнинг алансақида күйиб кетмасмикин? Бу ҳам етмагандай, амирларнинг кайфияти ҳам бузук. Ахир улар кече уни бандға олиб Абдуллатифға тоғиширмоқчи бұлмадиларми? Мана шу үйлар Улугбекнинг юрак багриши уртади. Йұлда, Қаршиға иккүтінде қолганда, құшинида яна бузилиш юз берди. Бир гурух амирлар одамлари билан тұнда қаёққадир гойиб бұлиниди. «Лапикар шу қадар наришон булдиким, — деб ҳикоя қилади тарихчы Абдураззок Самарқандий, — күнчилік чодир ва бошқа буюм ва ашёларини ташлаб қоңдилар. Улугбек зұр қийинчилик бирлан құшинининг озгина бир қисмени сақладақтади.»

Султоң Абу Саид Улугбек билан беллашғани ботинмади. Уннинг құшинини билан шаҳарға яқынлашиб қолганини әспитиб қамални бұшатди ва Туркистан тарағға қараб қоңди...

Улугбек Самарқандда бир-икки күн қолиб, асосан йұқлигіда сөдир бұлған ақвони тағтиш қылыш билан банд бұлди. Аниқланишича, Абдулазиздан нафақат амирлар, балқи косиблар ва савдогарлар ҳам норози эканлар. Шаҳзода күн оша бозор айланиб, заргарлық ҳамда ҳарир моллар ва кимәлдік атласдан тикилған зардұзий либослар сотадиган дүкенларда, бозор ва расталарда құзига қайси мато ёки буюм яхни күринса, оқчасини тұламайин олиб кетаңерадиган одат чиқарып олған экан. Отасининг қайду таңбехларига қарамай, сулув қызлар ва биревларнинг канизакларини тортиб олиш хүнәрини ҳам тарқ этмабди. Бунинг устига Низомуддин Хомушнинг одамлари ҳам гимиллаб қолишибиди. Улугбек үглини қаттық итобға олди. Мироншоқ қавчинни аямаған дүниеслади...

Шаҳар ташвишларидан форғ бұлғач Улугбек құшини тұлатиб яна Жайхүн ёқасига, мирзо Абдуллатифға қарши отланди. Бу сафар у мирзо Абдулазизни ҳам үзи билан бирға олиб кетди. Пойтахтни муҳофаза этиш ишинин яна үнина Мироншоқ қавчинининг зиммасига юқлади. Лекин әнди ташаббус тамом құлдан кетген әди. Абдуллатиф отаси

Лбу Саид мирзо исёни сабабли Термиздан кўчган ҳамоно дарёдан ўтиб шаҳарни эгаллади ва Нули сангин орқали Самарқандга қараб юрди. Хузор билан Кеш осоигина қўлга киритилди. Мирзо Абдуллатиф шу ерда бир неча кун тўхтаб, теварак-атрофдан озиқ-овқат жамгарди, сўнг Кеш, Хузор ва бошқа ерларнинг лашкарини ҳам қўшиб Самарқанд устига отланди. Абдуллатиф тез орада Самарқанднинг шарқи-жанубий тарафида жойлашган Шероз туманига кириб борди. Улугбекнинг асосий қучлари ҳам шу ерга йигилган эди.

Самарқанднинг шарқи-жанубий тарафидаги Диминик қурғонининг куничиқарида жойлашган кенг текисликда ҳар иккала тарафининг қўшинлари саф тортилар. Улугбек нимагадир ўз қароргоҳини баланд теналикнинг кунботар тарафидаги ёнбагирликка уринлаштириди. Бу ердан эса булажак жанггоҳ яхни кўринмасди. Қўёш чиқини билан ёвлашувчи томонлар жунбушга келиб қолдилар. Улугбек қўйнидан дастрўмолини олиб ёзди ва юқори кутариб, биринки марта силкитини билан унинг ёнгинасида, беш-олти қадам парироқда, теналикда турган карнайчи, сурнайчи ва ногорачилар ишга тушиб кетишиди. Карнайнинг наъраси, сурнай садоси; қўшногоранинг гумбир-гумбири осмону фалакни бошига кутарди. Шундан кейин баронгор, жавонгор ва гулда турган амирлар қўлларини дуога очдилар ва қиличини гилофдан сугуриб аскарни жанг жадалга бошлидилар. Абдуллатифнинг қўшини ҳам паъра тортиб ўзини жангта отди. Аскарлар жон олиб, жон бердилар. Ўша куни эрталабдан то чонгоҳгача тиним билмай жанг қилдилар. Даастлаб Улугбек қўшинининг қўли баланд келди. Душман баронгори кўп талофат кўрди. Жавонгор бўлса бирин-кетин берилаётган зарбага зўрга дош бериб турарди. Абдуллатиф чекиниш тараддуудида амирлари билан от устида кенгаш қуриб турган бир пайтда Улугбекнинг баъзи амирлари, Пирмуҳаммад Тогой Буқонинг игвосига учиб, Абдуллатифнинг тарафига ўтиб кетишиди. Бу қўли баланд келиб турган қўшинининг шашгини қайтарди, албатта. Қоз бергани шу хоиплик оқибатида лашкарда нароказалик ва бузилиш рўй берди. Бу воқеа тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, ҳижрий 853 йил шаъбон ойининг бошида (1449 йил 19 сентябр) содир бўлди. Улугбек поилож қўшинига чекинишни буюрди ва ҳамма нарса қўлдан кетмай туриб Самарқандга етиб олиш ва унинг мустаҳкам қалъасига жойлашиб олиш тараддуудига тунди. Ўша жангда Абдуллатиф билан бирга бўлган ҳожи Муҳаммад

Хусрав кейинча тарихчи Мирхондга мана буларни ҳикоя қилиб берган экан: «Агарда подшойи олам Улугбек мирзо Димишқ ёнида булғон урунда чодирни ўнал теналикнинг бизга қорагон тарафига тикканларида эрди, мирзо Абдуллатифнинг тамом қўшуни жаңгу жадал майдонини тарк этуб қочгон бўлур эрди.» Ҳа, балким шундайдир. Лекин маглубият сабаби бошқа тарафда — атрофида хони қўнайганида, давлатига нутур етганида эди. Буни Улугбек аллақачон пайқаган, шунинг учун ҳам чекинишини афзал кўрган эди. Ҳа, тожу давлатнинг не сабабдан инқирозга келишини сабабларини яхши биларди у. Ахир бир вақтлар Нуширвони Одил билан қоҳни ҳикоясини кимгадир ўзи сўзлаб бермаганими?»

Улугбек зўр умид билан Самарқанд остоналарига стиб келди. «Бордю бир илож қилиб қалъага кириб олиш муссар бўлса, бас. Мирзо Абдуллатиф исёни бостирилгусидир албат», — деб айтди у ўшанда яқинларидан бирига. Афсуски, бу Мирзо Улугбек ва унинг ҳамроҳларига муссар бўлмади. Мироншоҳ қавчин кўринақлик тариқини тутди ва шаҳар дарвозаларини Улугбекнинг юзига ёпди, уни она шаҳрига, ўз қароргоҳига киритмади. Бу қандай адолатсизлик ўзи? Кечагина қаршингда тиз чўкиб лутфу эҳсонингга умидвор бўлиб турган кимса бугун юзингга оёқ қўйса! Улугбек бу мунофиқни ўшанда йўқ қилиб юбормаганига нушаймон бўлди. Энди нима ҳам қила оларди. Бўлар иш бўлди. Бу ерда ортиқча қолишнинг фойдаси йўқ энди...

Абдуллатиф отасини таъқиб қилмади — уч кун Шерозда қолиб кетди. Амирлардан бири мирзонинг қўнгли хуши пайтини тониб ишни пайсалга солишининг оқибати яхшиликка олиб келмаслигини ётиги билан айтган эди, Абдуллатиф «қўяверинг, қария ўёқ-буёқни бир айланаб кўрсун, кўрамиз нимага эришур эрканлар», — деб қўя қолди. Ҳа, у буёғидан хотиржам эди. У аллақачон Мироншоҳ қавчин билан тил бириткириб қўйган эди.

Мирзо Улугбек ўғли Абдулазиз, яқин ҳамроҳлари ва содиқ қолган кичик қўшини билан Сайхун бўйларига, Шоҳрухия қалъаси сари йул олди. Бир вақтлар Банокат деб аталган ва Сугддан Шошга, ундан Хитойга борадиган карвои йўли устида жойлашган бу шаҳар Чингизхон истилоси даврида тамом вайрон бўлган эди. Амир Темур 1382 йили шаҳарни қайтадан тиклади ва кенжা ўғли Шоҳруҳ мирзо шарафига унга Шоҳрухия деб от қўйди. Шоҳрухия эски аслидан ҳам зиёда ва мустаҳкам қилиб қурилди. Унинг бу тарафида Сайхун, иккинчи тарафи эса

нукур ҳандак билан ўралган эди. Унда жамланган озиқ-овқат ва ем-хашак кам деганда ярим йилга бемалол аттарди. Иулда Улугбек Абдулазизнинг қулогига шивирлади:

— Ўшал қалъада уч-тўрт кун жон сақлайлик, кўрамиз, замон ўз ойнасида яна не ҳол суратини кўргузур эркан.

Улугбек Абдуллатифнинг сулҳга қунишига ҳамон умидвор эди. «Майли, огоингиз тожу таҳт иштиёқида экан, садқаи сар, ани олаверсун, фақат урушни тўхтатса бас», — деди у Абдулазизга Шоҳруҳияга яқинлашиб қолганларида.

Шоҳруҳия кутволи Иброҳим ибн Фўлод Мироншоҳ қавчин қабилида иш тутмади. У шаҳарнинг эътиборли зотлари билан Улугбекнинг йўлига пешвоз чиқиб, зўр ҳурмат ва эътибор билан уни ва ҳамроҳларини қарши олди ва қалъа ичкарисига олиб кирди. Кечқурун кутвол муътабар меҳмонлар шарафига қуюқ зиёфат берди, яна бир-икки кун уларга мулозамат курсатди, кейин у ҳам валеънематининг юзига оёқ қўйди. Воқеа бундай содир бўлди. Шоҳруҳияга келганларининг учинчи куни Улугбек билан Абдулазиз сайру саёҳат илинжида қалъадан ташқарига чиқдилар ва эртадан кечгача Сайхун бўйларини кездилар, тўқайзорда қора кийик овладилар, бирмунча вақт Сайхун бўйида уёқ-буёқдан сўзлашиб ўтирилар. Ҳа, Улугбек бу дарёдан кўп бор ўтган, унинг сувини ичган. Лекин шу азим дарёнинг бу қадар ўзига хос тароватини ушанда нимагадир пайқамаган экан. Бирмунча вақт унинг мавж уриб тўлганиб оқишини тамошо қилиб ўтириди. Ўшанда унинг кўнглидан «Э, афсус, одамнинг умри ҳам сув каби тез оқиб ўтиб кетаркан» деган фикр ҳам кечди. Бу билан ўзининг умрини шу азим дарёнинг сувига қиёс қилди, «сув-ку узлуксиз оқиб тураркан-у, лекин менинг умрим оқишдан тўхтаб бораётиди, шекилли», — деб бир қадар афсус чекди. Унинг фикр-хаёлини бирдан гаг-ғаглаб учиб келиб, буталар шоҳига қўнган қарғалар бўлиб юборди. «Ҳа, дарҳақиқат, қарғалар — қиши даракчисидурлар, бу йилги қиши ҳам яқинлашиб қолгонга ўхшайдур», деди у ўз-ўзига. Энди тожу тахтидан ажralиб, ўз юртига сигмай турган подшоҳнинг хаёлини қарғалар олиб кетди. Улугбек ҳамон дарё мавжини тамошо қилиб ўлтирган ўғлининг хаёлини бўлди:

— Қаранг-а, мирзо, аслида қарға ҳам маҳлукот жумласидандур, инсонга қараганда ушиюқ бир маҳлук-дир. Лекин анга Парвардигори олам уч юз йил умр ато

қилибдур, одамизодга бўлса онинг тўртдан бирини ҳам бермабдур.

Мирзо Улугбек оғир тин олди. Сувдан ҳам тез оқиб кетган умрига ачинди. Шундан кейин яна бирмунича вақтгача сувга термилиб ўлтирди. Дўсту душманин фарқ қилмай, тилёгламачи одамларининг таъсирига тушиб, қилган баъзи ишларини ўйлаб ич-ичидан ачинди. Шу пайт Самарқандда бўлиб ўтган бир воқеа унинг эсига тушиди. Воқеа яна ўша Саид Ошиқ билан боғлиқ эди. Бир вақт мухтасиб тариқат намоёндаларидан баъзиларига ҳам тил текиза бошлади, ҳаттоқи халқ орасида машҳур бўлган жаҳр тариқини, яъни овоз чиқариб зикрга тушиш одатини бидъатга йўйиб, йигинларда жаҳр билан зикр-санога тушувчиларни таъқиб остига олди. Мухтасиб ҳақиқатан ҳам ҳаддидан ошиб кетаётган эди. Ундан норозилик кучайди, бу гаи подшоҳнинг қулогига ҳам етди. Шундан кейин Самарқанд уламоси жам бўлиб, бу масалани муҳокама қилингига қарор берди. Йигинга нафақат самарқандликлар, балки Бухоро, Ічиш, Шон ва Фаргонага уламоси ҳам интирок этди. Улар орасида Жаҳрия тариқатининг кўзга кўринган намояндаларидан бири Салоҳиддин Дизақий ҳам бор эдилар. Мунозара ва мубоҳаса қизгин бўлди. Пировардида Салоҳиддин Дизақий «Қуръон» ва «Ҳадис» китобларига асосланган ҳолда жаҳр ҳимоясида ўн уч далил келтирдилар. Шундан кейин Саид Ошиқпинг шапти бир қадар қайтди. Аҳли мажлис Салоҳиддин Дизақийнинг далилу исботларига қўшилдилар. Лекин шундан кейин ҳам Мирзо Улугбек мухтасибга тегмади. Саид Ошиқ яна кун йиллар мухтасиблигича қолди. Кейин, инсофу адолатга чақиришдан наф булмагач, подшоҳ уни мухтасибликдан бўшатди, лекин унга бирон заарар етказмади. Мухтасиб бўшагандан кейин ҳам тинибтичимади, яхни одамларни маломат қилиб юрди. Шунда ҳам Улугбек унинг мушугини «шинш» демади. Лекин ҳозир, Улугбек шунаقا оғир кунларга тушиб, ҳеч кимга керак бўлмай қолганда, ўша пайтларда подшоҳларга хос қаттиқўл бўлмаганига пушаймон еди. Ҳозир ҳам Туркистоннинг азим дарёларидан бирининг қирғогида хаёл уммонига чумиб, ер чизиб ўлтирганда мана шулар унинг кўнглидан ўтди.

Ота-бала, хизматкорлари билан қалъага қоронгу тушганда қайтдилар, лекин бу гал қалъанинг дарвозалари берк эди. Дарвозани тақиллатдилар, овоз бериб узларини танитдилар, лекин фойдаси бўлмади. Ичкаридан дарвозабоннинг тўйгиллаган овози эшитилди:

— Кутвол жапоблари «дарвоза ҳеч кимга очилмасун», — деб буюргонлар, кетинглар бу ердин, йулларингни берсин.

Шундан кейин Улугбекнинг хотирига олий мақом хон Абулхайрхон хузурига илтижо қилиб бориш фикри келди. Лекин мулоҳаза қилиб куриб, фикридан қайтди. Нима булса ҳам ота-бала ўртасида меҳру шафқат ва муруват бўлишини андиша қилиб Самарқандга қайтиб боришга қарор қилди. Маъюс бир кайфиятда мулозимларига деди:

— Салтанатни Абдуллатиф мирзога тобшиурмиз, чунки бундин ўзга чора йуқдур. Ўзимиз эрсак мадрасайи хосда толиби илмға дарс бериш ва расадхонада илм бирлан машгул бўлурмиз...

Улуғбек ва унинг ҳамроҳлари яна Самарқандга қайтишди. Бу сафар ҳеч қандай ган-сўзсиз Шайхзода дарвозасини очиб бердилар. Абдуллатифнинг хизматкорлари уларни Боги майдонга олиб келдилар. Боққа кираверишда, азamat бир терак тагида уларни мирзо Абдуллатифнинг ўзи қарши олди. Ота-бала қучоқ очиб куришдилар. Шундан кейин хизматкорлар Улугбек билан Абдулазизни дарвозадан кўп ҳам олис бўлмаган, боян ўртасида жойлашган икки қаватлик, деворлари мармар ва рангдор кошиилар билан қопланган, чор атрофи айвонлик ихчамгина қаерга олиб бориб ўринлаштирилар. Ўша куни кечқурун меҳмонхонада Улугбек ва унинг ҳамроҳлари шарафига қуюқнича бир зиёфат берилиди. Абдуллатиф подпоҳларга хос ғуурур билан, хонага ҳамма йигилгандан кейин кириб келди. Уни бу йигилгандарнинг ҳаммаси, шулар қатори Улугбек билан Абдулазиз ҳам, тик турган ҳолда қўл қовунитириб қарни олдилар. Абдуллатиф тўрга, отасидан юқорироққа ўтиб ўтириди. Зиёфат совуққина ўтди. Ҳамма тарқалгандан кейин Улугбек, Абдуллатиф ва Абдулазиз ҳоли қолишиди. Лекин бирданига гаплари қовушиб кетмади. Ҳеч ким биринчи бўлиб сўз бошланига ботинмади. Ўртага чўккан сукунти Улугбек кўтарди:

— Сиҳат-саломатлигинги нечук, мирзом? Аҳлу аёлингиз омониму эрурлар?

— Қуллуқ, худоға шукур, ёмон эрмас.— Абдуллатиф отасига эмас, хонанинг шинига қараб шундай жавоб қилди.

Улугбек у ҳам ҳол-аҳвол сўрар, деб бир неча дақиқа ўғлининг кўзларига тикилиб турди, лекин ундан бошқа садо ҳам чиқмади. Ота шўрлик аллақандай бўлиб кетди. Энди ҳамма нарсага тушунди, фарзанднинг муруватидан умидини узди ва айни муддаога кучиб қўя қолди.

— Биз эмди ўшимизни ёшаб, ошимизни ошаб бўлдик,

миро. Бундин бүёгига қолғон умрни илм-маърифат йўлига сарфламоқ маъқул кўринадур. Бунга сиз не дерсиз, мирзо? — Улугбек яна ўглиниң кўзларига тикилди.

Абдуллатиф кутилмаганда ўртага ташланган маслаҳатдан бир оз ўнгайсизланди, лекин ўзини ўнглаб олди ва отасига яна тик боқиб иккюзламачилик қилди:

— Подшоҳи олам зинда эрканлар, бизнинг онҳазратнинг ўринига ўлтиришимиз шариатга тўғри келарму эркан?

Дилдан айтилмаган бу ганг Улугбек ишонмади, албатта. Абдуллатиф шунчаки кўнгил овлаётган эди.

Улугбек ўглини имтиҳон қилипда давом этди.

— Қартайиб қолғон заиф бир кишининг тожу тахт, раият ва элу юрт ташвиши деб атамни оғир бир юкни елкасида кўтариб юриши эмди маҳолдур, мирзо. Бундин ташқари, биз мусулмонлик ҳажини ўташ ва ҳазрати пайгамбаримизнинг муқаддас қабрини зиёрат қилиш саодатига етишғонимизча йўқ. Бу ҳар бир мусулмон учун ҳам фарз, ҳам суннат эрур. Бундин тошқари, расадхонада ҳам қилатургон юмушларимиз кўп, мадрасада илми толиб бизга мунтазирдур.

— Парвардиғори оламнинг иродаси ва надари бузрукворнинг хоҳиш-истаклари шундог бўлғач, бизда не ихтиёр.— Ноқобил фарзанд таб тортмай шундай деди-я! Сирасини олганда нима ҳам дерди у. Кўн йиллардан бери орзиқиб кутган кун келди-ку. Энди у Амир Темур кўрагоннинг тожу тахтига эга булиб турибди. Ота тирик бўлса нима қилибди. Бугун тирик бўлса, эртага балки фоний дунёдан боқий оламга равона булиб қолса ажаб эрмас. Улугбек ўглиниң кўзларига боқди. Абдуллатифнинг дилидаги фикрни англаш қийин эмасди. Бу унинг муғомбир кўзларидан шундайгина кўриниб турарди.

Ота-боланинг сұхбати шу билан тугади. Уларниң балким кўп нарсалар тўгрисида гапланишга майллари булгандир-у, лекин бошқа гаплари қовунмади. Охири фотиха ўқиб ўрипларидан қўзгалдилар. Мулозимлар Улугбек билан Абдулазизни хоналарига кузатиб қўйишиди.

Улугбек ўша кечаки мижжак қоқмай тонг оттирди. Туққан фарзанднинг кўрсатиб турган каромати, бу етишмагандай аҳли сарой олдида отага қилган ҳурматсизлиги унинг юрак-багрини ўртади. Кечагина тиз чўкиб оғзини пойлаб турган амирларни айтмайсизми?! Бугун улар ҳам бир умр бопини силаб келган валенеъматдан юз ўгиришиди. Қисқаси, тузини ичиб, туздонига туришиди. Наҳотки энди у ҳеч кимга керак бўлмаса?! Ахир у бирёзлардан довдираб

көлиб қолган мусофири эмас-ку! У шу юртнинг фарзанди-ку, ахир! Шу ерда тугилди, улгайди, қирқ йил унга хукмфармо бўлди. Бугун бўлса ютига сигмай турибди. Нахотки дунё шундай қурилган.

Улугбек ҳеч қачон ўзини шу тарзда бечора ва танҳо сезмаган эди...

Эртаси куни кечқурун ҳамма яна ўша меҳмонхонада тўпланди ва Мирзо Улугбек тариқат машойхлари, уламо, фузало ва умаро олдида ўзининг сўнгги иродасини -- тожу таҳти Абдуллатифга тоғнириб, қолган умрни тоат-ибодат ва илм-матърифат билан кечиришга қарор берганлигини эълон қилди. Табрик овозлари хонани бошига кўтарди:

— Боракалло, Мугисуддин Улугбек кўрагон ва фарзандларининг умри узун бўлгай!

— Қутлуг бўлсин, мирзом! Тахту салтанат муборак!

— Абдуллатиф олий ҳазратларининг тахту салтанати у дунёю-бу дунё бокий бўлгай!

— «Бокий бўлгай»! Бу гашни Улугбек илгари қаердадир эшитган эди. Лекин бирдан эслолмади. Улугбек мажлисда ҳозир бўлганларни бирма-бир кўздан кечириб чиқди ва нигоҳи Абдуллатифнинг ўнг тарафида туртинчи бўлиб ўлтирган «Вотвот мунахжим»га тушди. Ҳа, энди эсига келди. Бу нидо ана шу одамдан чиқсан. Бундан 44 йил муқаддам Амир Темур ўлим билан олишиб ётганда у худди шундай хитоб қилган эди. Қизиқ, бу зот энди Абдуллатифга «мунахжим»лик қилаётган экан-да. Ёши тўқсонлардан ортиб мункайиб қолган бўлса ҳам унинг ола кўзлари илгариgidай чақнаб турибди. Улугбек уни бир қарашда таниди. «Йўқ, у ҳали кўп умр кўради, ҳали кўп бор мансабдорларга лаганбардорлик қилуб кун кечиради бу айтиқчи», — деди Улугбек ўз-ўзига.

Аълам домла Улугбек ва унинг фарзандлари ҳақига узундан-узоқ дуо қилди. Шундан кейин ҳамма биринкетин меҳмонхонадан чиқди. Улугбек Абдуллатиф ва Абдулазиз билан қучоқлапиб хайрлашиди.

— Тангри таоло сизларни ҳамиши ўз паноҳида асрасун. Яхши кунларда дийдор кўришайлик. — Улугбек ҳаж зиёратини нисанди қилиб шундай деди.

— Инишоолло! — Абдуллатиф отасига тик боқолмади. У ерга қараб шу жавобни қилди.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам Улугбек ҳаж зиёратини ўйлаб ўғилларига омонлик тилади, «яхши кунларда кўришайлик» деб яхши кунларга умид билдириди. Лекин бу уларнинг сўнгги кўришинлари эканлигини на Улугбек ва на Абдулазиз билишмасди. Буни фақат биргина Абдулла-

тиф биларди, холос. Боги майдондан чиқинігач, Улугбек отига миниб мұлозимлари билан Чүпон ота тарағыға, расадхонага қараб йүл олди, Абдулазиз бұлса Боги беҳиштга, үзининг доимий қароргоҳига қараб жүнади.

Бирок, Абдулазиз күзлаган мәнзилига етиб боролмади. У Боги беҳиштга яқинлашғанда сал олдириқта, йұл четида, терак тагида турған бир гурух отлиқ йигитларға күзи тушиді. Шаҳзода үгерилиб орқасида келаётган навкардан «булар ким бұлды әрқан?», деган мағынода имо-ищора билан сұради. Навкар елкасииң қиседи, чунки у ҳам уларни танимасди. Отлиқлар билан рұбарұ булишганды үлардан бири «чу», деб отига қамчи босди ва йўл устига чиқди, сұнг отдан тушиб икки букилиб мирзо Абдулазизга салом берди.

— Олий ҳазратлари сизга бошқа қароргоҳ таъйин этгандар, биз бирлан юринг, шаҳзода.

Абдулазиз навкарға диққат билан разм солди. У чопон ичидан совут кийиб, қилич осиб олған экан. Четда турған йигитларға қаради. Улар ҳам шу алфозда эдишар. Абдулазиз ҳаммасини аңглади. Булар Абдуллатифнинг йигитлари бўлиб, унинг буйруги билан иш тутаётган эканлар. Улар шубҳасиз унинг жонига қасд қилинган. Лекин, энди нима ҳам қила оларди — улар күпчилик. Абдуллатифнинг йигитлари Абдулазиз билан унинг навкарини чор атрофдан ўраб олдилар ва Кўксаройга олиб бориб тўқсабонинг одамларига тоширилар. Тўқсабоининг одамлари бўлса Абдулазизни тўртиччи қаватдаги хоналардан бирига қамаб қўйдилар.

Улугбек шу кечани Али Қушчи билан бирга расадхонада үтказди. Улар бир вақтларгача уёқ-бүёқдан сўзлашиб ўтирилар. Пировардида Улугбек шогирдига шу куни тожу тахни мирзо Абдуллатифга тоширгани, узи эса ҳаж сафарини ихтиёр қилганини айтди. Бу гапдан Али Қушчининг кайфияти бузилди, кўнглини гашлик босди, лекин буни устозига сездирмасликка ҳаракат қилди. Кўнглига келган гапни айтмоқчи бўлди, лекин Улугбек қаттиқ ҳориганиданми, ёки энди ҳаммасига этак силтадими, кўзларини юміб олди. Али Қушчи бирмунча вақт кутди, лекин бўлмади. Улар ўтирган ерида шундайгина тўшакка ёнбошлаб қўяқолишди. Улугбек хаял ўтмай ухлаб қолди. У Абдулазиз мирзо билан содир бўлған воқеадан тамом бехабар эди.

Хижрий 853 йил рамазон ойининг еттинчиси (1449 йил 25 октябр). Эрталаб ионушта вақтида расадхонага Абдуллатифнинг навкари кириб келди ва Улугбекнинг

Маккаю Мадина зиёратига борин түгрисидаги истаги иибатта олинганилигини хабар қилди. Улугбек бундан бехад хурсанд бўлди-ю, лекин Али Қуинчини ваҳима боғди. Улугбек буни сезиб шогирдига тасалли берди:

— Ташвиш тортмангиз, мавлоно, ҳамма нарса тангри таолонинг илон-ихтиёрида. Мирзо бизга бир умрга унтиб бўлмас мурувват кўргузибдурлар.

— Йўқ, ҳазратим, бу ерда бир ган борга үхшайдур, хар ҳолда эҳтиётлик тадорикини ҳам кўруб қўйгон яхши. Модомики жаноблари ўшал муқаддас жойларга боришга аҳд қилғон эрканлар, унда жанобларининг бир ўзини ёлгиз жунатиб бўлмайдур. Яқин ва содиқ кишиларимизни Сизга қўшгаймиз. Йўқ демасангиз, устоз, сизни ўзум кузатуб борсан.

— Ташаккур, мавлоно. Сиз кўпроқ бу ерда кераксиз. Сиз ҳам бўлмасангиз расадхонани ким тасарруф қиласадур? Мирзо Абдуллатиф бизни ёлгиз қўймас. Ишончли, яхши одамларни ҳамроҳ қилиб берур, инноолло.

Ҳа, дарҳақиқат Абдуллатиф отасига ўзининг содиқ қули ҳожи Муҳаммад Ҳусравни қўниди, жунаш олдидан уни хилватхонага чақириб буладиган ганини уқтиради. Чиқиб кетаётганида эса унга таъкид қилди: «зинҳор ба зинҳор бу гашлардин узгаляр огоҳ бўлмасун».

Хуллас, бу хусусда Улугбек билан Али Қушчи қўн баҳсланидилар, таланиб-тортишдилар, лекин Мирзо Улугбек сўзида туриб олди. Охири деди:

— Ҳар иш тангри таолонинг иродаси билан бўлғай. Бонга не тушса кўрурмиз. Бу унинг «ган тамом, тортишиб утиришга эди ўрин йўқ», дегани эди.

Дастурхонга фотиҳа ўқидилар ва Улугбек хос хизматкорини чақириб сафар эгар-жабдуқини ҳозирланини буюрди. У шу куниёқ йўлга чиқишга қарор қилди.

Ўша куни непин намозидан кейин Улугбек хос наўкари, хизматкорлари ва ҳожи Муҳаммад Ҳусрав билан бирга Самарқандни тарқ этди. Улар Боги шамолни этаклаб қолган ҳам эдиларки, орқадан отларнинг дунур-дунури эшитилди. Охири булар мирзо Абдуллатифининг йигитлари бўлиб чиқди. Отлиқлар йўлни тўсиб Улугбек билан унинг ҳамроҳларини шу ерда тұхтатдилар...

Улугбек сафар ҳозирлигини кўриб турган бир пайтда Абдуллатиф отасини улдириш тадорики билан банд бўлди. У Улугбекдан порози бўлиб юрган барча одамларни ҳузурига тўплаб уларга ган уқдирди.

— Кимда ким ўтмишда Улугбек мирзодин жабр курғон бўлса хонининг (Абдуллатиф Муглуқ исмлик бир мӯғулни

шунчаки номига хон деб эълон қилган эди) ҳузурига борсун ва айтсунким, мирзо Улугбек фалон вақтда фалов касимни қонуинг хилоф равишда ўлдиртургон, мен аниш хунини талаб қиласен. «Хон,— деб ҳикоя қиласи Абдураззоқ Самарқандий,— «шаръян нима лозим бўлса шуни қилинглар», деб буюрди». Хоннинг ҳузурига арз-дод қилиб келғанлар орасида Аббос исмлик девсийрат бир йигит ҳам бор эди. У бир вақтлар золимлиги учун Улугбек тарафидан улимга ҳукм қилинган сулдус қабиласи бошлиқларидан бирининг ўғли эди. Аббос хоннинг ижозатини олиши билан Абдуллатифнинг олдига чопиб борди...

Отлиқлар Улугбек билан унинг ҳамроҳларини айни йулда тўхтатган пайтда Абдуллатиф шаҳар уламосини туплаб Улугбекни ана шу Аббоснинг қўлига топшириш хусусида мажлис қуриб турган эди. Мажлисга фақат аълам, қози калон ва шаҳар масжидларининг имомлари тўпланди. Турда Низомуддин Хомушининг ҳалфалиридан бири, остоида бўлса малъун Аббос чўк тушиб ўлтиришардилар. Мажлис аҳли бир неча вақт бошларини қўйи солиб сукут сақлаб ўлтиридилар. Тинчликни аълам домла бузди.

— Мухтарам жамоаға маълум ва равшандурким, қаршингизда тиз чўкуб ўлтиргон мўмин-мусулмоннинг отаси бундин ўнму-үн бешму йил, аниги валлоҳу аълам хотирдин фаромуш бўлибдур, бурун бизу сизга маълум бўлмагон сабаб ила Улугбек мирзонинг амри бирлан қатл этилғон эркан. Эмди ушбу йигит надари бузрукворининг хунини сўраб келибтур. Бу хусусда жамоанинг фикри не булгай?

Низомуддин Хомушининг ҳалфаси, имомларининг кўпчилиги Аббоснинг даъвосини қувватлаб сўзладилар. Фақат қози калон Шамсаддин Муҳаммад Мискин уларга қарини чиқди.

— Хунталаблик жоҳилиятдан қолғон бир расм-одат. Бу хусусда муқаддас китобларда, шунинг киби «Қуръони карим»да айтилғони барчамизга аъён. Ҳалқ орасида одам ўлдирғанлик ёки ноҳақ қон тўкканлик учун жуда бўлмагонда дийага тортурлар. Ахир аҳли мажлиснинг кўпчилиги мавлоно Бурхонуддин Марғононийнинг тамом мусулмон оламига машҳур бўлғон «ал-Ҳидоя»сини, хеч бўлмагонда «Муҳтасари виқоя»ни ўқигон кишилардур. Абу Ҳанифа жанобларининг «ал-Фиқҳ ал-акбар»ичи? Они ҳам ўқигонмуз. Инсоф ва истиҳсон ила иш тутиш зарур. Ахир подшоҳ кимнидир ўлимга маҳкум этгон бўлса эл-

юрт эмниятти ва рифоҳияти деб қылғон. Модомики шүпдай әркан, у шариат олдида жавобгар әрмас.

Имомлар билан халфа фикрида қаттиқ туриб олдилар. Пировардиде можаро күтарили. Қимдир чой қуйилған ииёлани қозикалонга қараб отди. Мансаб ва мартабаей ҳаммадан юқори бұлған аълам домла овози борича бақырди:

— Хой, жамоа! Қойси ерда үлтиргонингизни унутманг, ахир, бу ер Чорсу бозори әрмас!

Гала-ғовур аста-секин босилди. Аълам ҳаммани бир-бир күздан кечириб чиқди. Қўнчиликнинг кўзларида тобеълик ва бўйсуниш аломатларини кўргач, тўшак қатидан тўрт буқланган қозозни олди ва уни ёзиб биринчи булиб ўзи муҳр босди, сунг ўнг қўлида үлтирган хожа Ҳизр масжидининг имомига узатди. Имом қозозга шунчаки бир куз ташлаган бўлди, сунг у ҳам унга муҳрини босди. Бошқалар уни ўқиб ҳам үтирумадилар, муҳрларини босдилар-у, қўйдилар. Фақат қозикалон Шамсуддин Муҳаммад Мискин қозозга муҳр босмади. У ҳатто ўша хатни қўлига олмади ҳам... Улугбекни қатл этиши тўгрисидаги фатво шу тариқа имзоланди. Аълам уни ҳамон остоноада тиз чўкиб үлтирган Аббосга узатди.

— Мана, бўтам, ол! Худобиз бандаларини кечирсун!

Аббос ўрнидан сапчиб турди, бориб аъламдан қозозни олди, икки букилиб жамоага таъзим қилди, сунг фатвони тўрт буқлаб қўйнига солди-ю қўллари кўксида орқаси билан юриб хонадан чиқди...

Қози Шамсуддин Муҳаммад Мискин уйига бир аҳволда аранг етиб борди ва меҳмонхонага кириб ўзини кўрнача устига отди. Тамадди ҳам қилмади. Туни билан мижжа қоқмай тўлгониб чиқди, эрталабга бориб эса чинакамига бетоб булиб қолди. Шу тариқа у бир ҳафта чамаси ўсалланиб ётди. Ўша кунлари кўш валийлар ва фақиҳларнинг ҳаёти унинг куз ўнгидан кечди. Не-не соғдил кишилар тўғрилик орқасидан азоб чекишимаган, қувғинга учрашмаган, қурбон бўлишимаган! Абу Ҳанифа, Ибн Ҳанбал, Нажмуддин Қубро ҳам эътиқод йўлида қурбон бўлғанлардан эмасми?! Ибн Ҳанбал муътазаллийларга қарши тургани учун халифа Маъмун (813—833) ва ал-Муътасим (833—842) томонидан бир неча бор қамалган ва жазога тортилган, Абу Ҳанифа булса қози калонлик лавозимини қабул қилишга розилик бермагани учун халифа Мансур (754—775) уни зинданга ташлади ва у ўша ерда калтак зарбидан ўлиб кетди. «Мухтасари Виқоя»га шарҳ ёзган бир олим ҳукмдор талаб қилған масала бўйича фатво беришдан бош товлагани учун уни қўл-оёгини бояглаб ётқизиб қоқ белидан ғўла

каби арралаб ташланиган экан. Қози калон ўзининг тақдирини ҳам ўшаларниги қиёс қилди. «Эгилиб кун кўргандин кўра тик туриб ўлгон яхши», — деди у охири... Орадан икки ҳафта ўтар-ўтмас, мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Мискин ҳам оламдан кўз юмди. Айтишларича, кимдир унинг овқатига заҳар қўшиб берган эмиш...

Ха, юқорида таъкид бўлгапидек, Абдуллатифнинг йигитлари Улугбек ва унинг ҳамроҳларини Боги шамол этакларида тутиб қолдилар. Шундан кейин содир бўлган воқеани ўша фожеа тепасида бўлган ҳожи Муҳаммад Ҳусрав тарихчи Мирҳондга батағсил ҳикоя қилиб берган, олим эса уни ўзининг «Равзат ус-сафо» номлик китобига битиб қўйган экан. Келинг, биз ҳам китобдаги ана шу ҳикояни келтириб қўя қолайлик:

«Шом пайтида мирзо Улуғбекнинг узангисида Самарқанддин чиқдик. Ул жаноб ўзида йўқ хурсанд ва баҳтиёр эрдилар, муборак кўнгулларига нимарса келса тортинмай сўйлардилар. Бир оз масофа ўтилғондин сўнг қутимаганда кимдир орқамиздин от қўюб бизга стишди. Отлиқ йигит сўнгра менинг илгимдин тутиб четга тортди. Анга тикилиб қарадим, кўрсам сулдус қавмиға мансуб мирзо Абдуллатифга тегишли йигитлардин эркан. Мен ондин «хўш, нима гап ўзи», деб сўрадим. У қулогимга шивирлади: «мирзо Улуғбекни бирон ободон ерга олуб боруб туринг ва ўшал жойда кутинг. Мирзо Улугбек подшоҳ эрур, шу сабабдин зоти олийларининг ҳаж сафари ҳам турку тоҷикни ҳайрон қиласургон тарзда, зўр дабдаба бирлан кечмоғи лозим, бунга тайёргарлик эрса ҳали поёнига стишмагон!» Қутимаган бу ҳодисадин таажжубланиб онинг юзига тикулдим. Ул менинг шубҳаларимни сезди чоги, баланд овоз бирлан деди: — Аълоҳазратларининг амру фармонлари шу.

— Фармонга бош эгурмуз, — дедим мен унга.

Ўша отлиқ йигит қайтиб кетгандан кейин мирзо Улуғбек мендин «не гап», деб сўрадилар. Мен анга бўлғон гапни айтдум. Ҳулласи калом, яқин орада кичик бир қурғон бор эркан, ўшал ерга боруб тушдик. Ҳаво бироз совуқ эрди. Аълоҳазрат ўчоққа ўт қалаб юборишни буюрдилар. Навкарлардин баъзилари ушбу юмушға ту́тундилар ва ўтни катта қилиб ёқдилар. Тасодифан ўчоқдин учғон учқун мирзо пустунининг пешига учеб тушди ва онинг бир четини куйдира бошлади. Мирзо Улуғбек они енг бирлан уриб ўчирди ва «аҳвол не эканин сен ҳам билдинг-а?!» — деб ўчоқдаги оловға хитоб қилдилар. Шундин кейин унинг кайфияти тамом бузилди, оғир-оғир

тии олиб, изтироб чека бошладилар. Бир оз фурсатдин кейин мирзо Абдулазизнинг ҳол-аҳволини суриштирдилар:

— Мирзо Абдулазиз омонму эркан? Балким қатлга еткурмадиларму эркан они?

Мен анга тасалли бериб, юнатишга ҳаракат қилдум...

Бир вақт эшик очилуб Аббос исмлик кимса шериги бирлан кириб келди. Аълоҳазратнинг кўзлари онга тушиши бирлан ранги учди, саичиб ўрнидин турдилар ва ташланиб Аббоснинг кўкрагига бир мицт тушурдилар. Аббос орқасига тисарулди, шериги орқадин келиб мирзо Улугбекка ёнишди, илгини қайиrub пўстинини ечиб олди. Шу пайт Аббос тошқарига арқон олиб келиш учун чиқиб кетди. Мен подшоҳ таҳорат қилиб олсан учун эшикни ичдан занжирлаб турдим. Сўнг Аббос кириб Улугбек жанобларининг қўлларини бояглаб тошқарига судраб олиб чиқди ва машъала ўрнатилган дараҳт остига олуб боруб тиз чўқтириди ва ул бесаодат қиличини гилоғидин сугурди ва ул одил ва олим иодшоҳнинг бонини танидин жудо қилди. Биз эрсак аввал уйнинг теварак-атрофига беркиниб ётдик, сўнг барчамиз Самарқандга қайтдик».

Ҳа, Улугбекнинг ҳамроҳлари оғир пайтда унга ёрдамга келмадилар, аксинча, барчаси бурчак-бурчакка яшириниб, томошабин булиб ётдилар, кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган ёвузликни амалга оширганларидан кейин Самарқандга қайтиб бордилар. Оби Суж аригининг бўйгинасида жойлашган кичик бир қалъада эса боши кесилган Улугбек билан олишув чоги унинг қўйнидан тушиб тупроққа қорилиб ётган китоб қолди, холос...

Олтинчи боб

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

«Қилмиш-қидирмийш». Қадим замонлардан бери оғиздан-оғизга күчіб юрган бу мақол заминида зұр ва аччиқ ҳақиқат ётади. Дегінен ахли «нұма эксанг шуни үрасан», дейди. Бу мақол ҳам ҳаётдан олинган, аччиқ ҳақиқаттің менаси. Еки Бобур мірзонинг мана бу гапларини олиб күрайлик. У ёжади:

Хар нимки ввфо қылса вафо топғусидур,
Хар кимки жафо қылса жафо топғусидур.
Яхши киши әмонлық күрмагай ҳаргиз,
Хар кимки ёмон бұлса жазо топғусидур.

Мақолларни ҳам, Бобурнинг ҳаётдан олиб айтган мана шу ибратомуя үтітли гапларини ҳам ҳамма яхши билади. Лекин бунга амал қылғанлар ҳам бор, қылмаганлар ҳам.

Сирасини олганда, инсон дунёга бир марта келади, иккі марта әмас. Шу сабабдан яхши одам үзидан яхши ном қолдиришни орзу қилади, шуни истайди, шунга интилади. Лекин бунга етишғанлар ҳам бор, етишмаганлар ҳам. Бу күп жиҳатдан инсонқыннан үзиге болғылған. Бир умрга ёмон отлиг булиб қолищ ҳам мумкин. Бу — инсон табиатида бұладиган таңғазарлық, хасадгүйлик ва очқұзлик сингари ёмон хислат оқибати. Мана шундай хислатта мубтало бұлған одамдан яхшилик чиқмайды, бундайлардан ёмонлиқтің ҳар қанақасини — пасткашлық, тубанлық, хоинликни күтса бұлади. Шунинг учун ҳам бунақалардан яхши ном қолмайды. Мана, мирзо Абдуллатифни олиб күрайлик. У үқимишли, салохиятли йигит зәді, лекин уннинг мезожида ёмон унсурлар голиб зәді. Шунинг учун ҳам ундан мана шүйәқа пасткашлық, тубанлық, хоинлик содир бұлды. У туғдирған, унга ҳаёт ато қылған инсоннинг ҳаётига чанг солди, уни үлдирди. Шунинг учун ҳам бир умрга у ёмон отлиқ булиб қолди, надаркуш деган

ном орттириди, абад ул-абад шу ном билан тарихда қолади, энди...

Баъзилар «хотиранинг умри қисқа булади», дейиншади. Балким бу маълум даражада инсонга нисбатан тўғридир, чунки кўпинча яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам вақт ўтиши билан инсон хотирасида унут бўлиб кетиши мумкин. Лекин тарихнинг хотираси кучли. У ҳеч нарсани унутмайди. Мана, масалан, падаркушлар Абдуллатифдан аввал ҳам бўлган. Ундейларни ва уларнинг қилмишларини тарих ўз саҳифаларида сақлаб қолди. Мана бундан ўн тўрт аср муқаддам Сосонийлар сулоласига мансуб шаҳзодалардан Шеруя тожу тахт иштиёқида отаси Қубод биринчини (498—531) ўлдириб, унинг тахтини эгаллади. Лекин ҳукмронлиги олти ойдан ошмади, вабо касали уни отаси ёнига судраб кетди. Ундан фақат падаркун деган пом қолди, холос. Аббосийлардан Мунтасир ҳам 861 йили отаси Мутаваккилга қўл кўтарди ва уни ўлдириб халифалик тахтини эгаллади. Лекин у ҳам олти ойдан ортиқ тахтда ўтиромади — ўлиб кетди. У ҳам ота ўлдирган деб ёмон отлиғ бўлиб тарихда қолди. Мана энди бунақа тавқи лаънатга мирзо Абдуллатиф учради.

Ҳижрий 853 йил рамазон ойининг тўққизинчиси (1449'йил 26 октябр). Бугун ҳам Самарқанд одатдагидай уйқудан турди. Эрта саҳардан Регистон теварагидаги кучалар, бозор ва расталар ҳар кунгидай гавжум. Аввалгидай ҳар ким ўз юмуши билан овора... Лекин нимагадир шу бугун кўчада сипоҳийлар кун. Суворийлар кучаларда тинимсиз у ёқ-буёққа қараб от чопиб ўтиб туришибди; чорраҳаларда ва бозорларда, чойхона ва гузарларда миришабнинг одамлари ҳар қачонгидан кўпроқ. Нима бало, яна урушми? Ё булмаса саройда бирон кор-ҳол юз бердими? Лекин нима бўлганини ҳеч ким билмасди. Боги шамолнинг этагида, Суж ариги бўйида содир бўлган қотилликдан ҳеч кимнинг хабари йўқ эди. «Қор ёғди — излар босилди» бўлиб кетгандан кейин қанақасига ҳам хабари бўлсин, ахир авом халқнинг шаҳид кетган подшоҳнинг жасади ўша кечасиёқ яширин тарзда шаҳарга олиб келиниб, эски қабристоннинг бир четига кумиб қўйилди, қабр ўрни эса тен-текис қилиб ташланди. Бу ишини қилганилар ҳам тигдан ўтказилган эди...

Чопар Боги майдон дарвозасидан ўтганда тун яримлаб қолганди. Абдуллатиф ҳали ётмаган. Хобхонанинг бир бурчагида боя тарафга қараган даруча ёнида ташқарига тикилганича кўнгли гаш, чироқ ёқса ҳам ёришмайдиган

бир алфозда ўтирибди. Аббос ишнинг уҳдасидан чиқолди-микан, ёки Улугбек ва унинг мулозим ҳамда хизматкорла-ри унинг ўзини даф қилдимикан? Ҳамма гаш хожи Муҳаммад Ҳусравда. Борди-ю у хониник қилиб сирни Улугбекка очиб қўйган бўлса-чи? Мана шу ўйлар унинг қалбини мушук бўлиб тириарди, ҳаловатини бузган эди. Шу найт оҳистагина эшик очилиб, хос мулозим кирди ва чопар борлигини хабар қилди.

— Кирсун!

Мулозим девсийрат бир йигитни бошлиб кирди. Йигит тиз чўкиб Абдуллатифга таъзим қилди. Абдуллатиф уни бир кўришда таниди. У Аббос билан бирга Улугбекнинг кетидан борган ўзининг хос йигитларидан бири эди. У чўк тушибди ва хожасининг қўзларига жовдираб тикилди. Абдуллатиф даст ўридан турди ва оҳиста-оҳиста босиб бориб унинг қаршиисида тўхтади.

— Ганир, не хабар келтурдинг?!

Подноҳи олам, Улугбек мирзо қурагон жаноби олийлари фоний дунёни тарқ ётуб охират сафарини ихтиёр қилдилар. Чуқур ҳамдардлигимизни қабул этинг, аъло-ҳазрат. — Чопар қўзига ён олди. Ҳар ҳолда хожаси отадан ажраб турибди, бошига оғир мусибат тушган. Балким Улугбекнинг ўлимидаги қўли йўқдир, уни қозондек салла ўраганларнинг фатвоси билан ўша абраҳ Аббос ўлдирди, деган хаёлга ҳам борди у. Лекин Абдуллатифнинг юзида ачинишдан аломат ҳам йўқ, қўзлари эса қуциа-қуруқ эди. У шунчаки қўлларини юзига тортиб «аллоҳу акбар, худо раҳмат қилсан» деди қўйди. Кейин чопардан сўради:

— Анави бадбаҳт қойда қолди? — У Аббосини сўради.

— У ўйлда отдин йиқилуб тил тортмай ўлди, аълоҳазрат.

Абдуллатиф «хайрият», дегандай чуқур тин олди, юзида хотиржамлик аломатлари найдо бўлди, сўнг удайчини чақиртириди.

— Шул мард йигитга муносиб чопон кийдирулсан, яна минг динор кенакий инъом ҳам берулсан, мартабаси ўибонишиликга кутарилсан.

Навкарга совга-салом ва ўибонишилик ёрлиги тоширилди. Йигит совгани олиб Абдуллатифга чуқур таъзим қилди ва орқаси билан юриб хонадан чиқди. Абдуллатиф остоида турган хос мулозимга «кузатиб қўй!» деб ишора қилди. Ўибонини боғ дарвозасига етганида шартта чопиб ташладилар.

Ота энди йўқ. Амир Темурнинг тожу тахти, мамла-

катнинг ишон-ихтиёри эди унинг қулида. Түгри, тож даъвогарлари ҳали йўқ эмас, аксинча, улар аллағанча: Абдулазиз, Султон Абу Саид, мирзо Абдулла, Абулқосим Бобур, Султон Муҳаммад... Лекин улар энидилкда унинг учун хавф-хатарли эмас. Абдулазиз Кўксаройда қамоқда ётибди. Мирзо Абдулла ҳам уша ерда. Султон Абу Саидни яқинда Бухоро доругаси тутиб зинданбанд қилди. У ҳозир Бухоро арки ичидаги зинданда суварақ билан чайнга ем бўлиб ётибди. Алоуддавла, Абулқосим Бобур ва Султон Муҳаммад бўлса бу ердин йироқда, Хурросонда. Буёгини олганда, уларнинг Абдуллатиф билан ишлари йўқ. Улар Шоҳруҳнинг тоҷу таҳтини талашиб бир бири билан ёқалашиб ётишибди. Хулласи қалом, Абдуллатиф эди Мовароунаҳрининг яққаю-ягона хожаси, Хурросон билан Ироқ бўлса қочмас. Таңгри «ол, қулим», деса бас, кумас-куни бу мамлакатлар ҳам унинг иқтидорли қўлига кириб қолар. Мана шу фикр-хаёл билан Абдуллатиф бирмунча вакт тик турганича қолди, лекин барибир пимагадир кунгли гашлигича қолди...

Эртаси куни Абдуллатиф ҳеч кимни қабул қилмади, ҳатто «зарур юмушим бор», деб ёлиниб-ёлворганига қарамай, айгоқчилар бошлиги «Вотвот мунажжим»ни ҳам унинг олдига киритишмади. У эшик оқога хира пашшадек ёнишиб кўп ялиниди:

— Аълоҳазратга айтатургон мұҳим ганим бор, жаноби эшик оқо. Жуда зарур, подиоҳлиқнинг эмну омонлигига оид хабар келтурғонмен, жаноби эшик оқо.

Эшик оқо пинагини ҳам бузмади:

— Аъло ҳазрат букуп ҳеч кимни қабул қилмайдурлар. Ясовул келмасдин бурун жўнаб қолинг, тақсири олам. Сизда нима кўп — тоза хабар кўп, давлат аҳамиятига молик хабар кўп. Эртага эрта менен келинг, унгача яна бошқа янгилари ҳам тоғилуб қолур, қўшиб айтурсиз.

«Вотвот мунажжим» бўши келмади: дўқ-иўниса ҳам қилиб қўрди:

— Кейин хижолат бўлуб қолурсиз, жаноби эшик оқо. Яна пушаймон бўлиб юрмангиз, «кейинги пушаймон — ўзингга душман» деган нақлни эшиитмагонмусиз?

— Эшиитганмен, жаноб! Лекин барибир бугун сизни подшоҳ, ҳазрати олийларининг ҳузурига киритмайдурмен, ахир эртага эрта менен келинг, деб айтдим-ку!

«Вотвот мунажжим» эди ҳақорат сўзларга ўтди. Шундан кейин эшик оқонинг жаҳли чиқди ва ясовулни чақиритирди. Ясовул еркиндикни икки буклаб даст кўтариб айвондан улоқтирди.

Эртаси куни хуфтоң намозидан кейин Абдуллатиф Күксаройга борди. Ҳеч тарафға қайрилмай түгри тұрткынчы қаватға күтарилди ва Абдулазиз ётған хона олдига келиб тұхтади. Соңғы белбогидан қалитни ечиб олиб құлғни очди. Абдуллатиф әшиқдан кирған ҳамоно уни ичидаң занжирлаб олди. Мирзә Абдулазиз Убайд Зоконийнинг «Уинноқнома»сини үқиб үлтирган экан, шарнан әшиитиб, құзини қитобдан узды, оғасини күриб суюпчи ичига сігмай кетди, даст үридан турди ва унға құл қовуштириб салом берди. Абдуллатиф ишиси билан құчоқлашиб құришди, сұнг оға-ини үлтиришиб бирмунча вакт уёқ-бүекдан сұзланиб үлтирилар. Лекин гаплари күп ҳам қовушавермади. Нировардиде Абдулазиз оғасининг сұзларыда самимият сезмади. Шунчайки қараганда у үзини подиохларға хос тавоноликда тутарди-ю, лекин ичдан қандайdir изтироб чекаётгаплиги, нимадандыр ҳадикесира-ётгани құзларидан сезилиб турарди. «Бир гап борға үхшайдур», деди үзіча Абдулазиз. Абдулазиз ҳайрон бўлди, үйлади, лекин барибир үйлаб үйига етолмади. Абдуллатиф охири фотиҳа үқуб үридан турди. Оға-ини яна құчоқлашиб илиқ хайрлашдилар. Абдуллатиф тилёгламалик қилди:

— Хуб, хайр бўлмасам, шаҳзодам. Сизни, аҳли оиласиз бирлан парвардигори оламнинг паноҳига тобшурдим, омон бўлингиз.

— Қуллуқ, оғажон. Бахтимизга Сиз ҳам омон бўлингиз. Сизни ҳам тангри таоло үз налоҳида асрасун.

Абдуллатиф әшиқка яқинлашиб қолганда Абдулазиз унға мурожаат қилди:

— Падари бузрукворимиздин хабарингиз йўқму? Алар омонмулар?

— Хабарим йўқ, типч бўлсалар керак. Яна ўша расадхонасида осмону фалакни остин-устун қилуб тинти-ётгандурлар-да.

Абдулазиз үрина үлтириб қитобни келгап жойидан очиб әнди үқишига тутиңган ҳам әдикі, әшиқ яна очилди. Абдулазиз дардол қитобдан құзини олди. Қаршиисида иккі ясовул билан таниш жаллод турарди. Абдулазиз санчиб үридан турди ва уларға ташланди. Лекин кучлар тенг эмасди. Бунинг устига Абдулазизнинг қуроли ҳам йўқ. Шундай бўлса ҳам у анча олишиди. охири қоровуллар унинг құлларини қайриб йиқитдилар, арқонлаб устига қоп ташладилар ва ташқарига судраб олиб чиқдилар. Ўша кече Абдулазизнинг ҳам боши кесилди.

Абдуллатиф шу тариқа яна бир рақибини бартараф

қилди. Энди миран Абдулла қолди. Ҳўш, учи нима қиласди? Улугбек миран ақлли, зийрак ва ўқимишили бу жиянини жондан яхши кўриб қолгаанди. Шаҳзоданинг айниқса тарих илмига рагбати зўр эди. У манзур муаррих Шарафуддин Али Яздийдан таълим олган, Балазурӣ, Табарӣ, Диноварӣ, Гардизӣ, Вассоғ, Жувайнӣ, Ҳамдуллоҳ Казвинӣ сингари катта олимларнинг китобларини ўқиган, ўргангап эди. Илми нужум, риёзиёт ва щеър илмидан ҳам хабари бор эди унинг. Отаси Иброҳим Султон вафот этгандан (1435 йил 4 май) кейин ҳоқон сайд икки ёшлик набирасини Форсга, отасининг ўрнига ҳоким қилиб тайинлади. Лекин у ҳали балогат ёнида бўлмаганлигидан давлат ишлари онаси Руқия бегим билан оталиги Шамсуддин Шерозийнинг қулида қолди. 1447 йили Форс вилоятини миран Султон Муҳаммад босиб олгацдан кейин миран Абдулла Ҳиротга қочиб келди ва маълум вақт Алоуддавла билан бирга бўлди. 1448 йили Улугбек Хуресон устига қўшин тортиб келганда миран Абдулла Тарноб ёнида бўлган ўрушда Алоуддавладан қочиб Улугбекка келиб қўшилди. Улугбек уни кейинча куёв қилиб олди, доимо, қаерда бўлмасин, уни ўзи билан бирга олиб юрди. Ўлемидан уч ой илгари, Жайҳун бўйида Абдуллатифга муқобил бўлиб турган кезлари Улугбек уни валиаҳд ҳам унинг қулида. Миран Абдулла ҳам Кўксаройда маҳбус бўлиб ётибди. Улугбек миранга валиаҳд бўлса бўлар-у, лекин Самарқанд таҳтига эга бўлоғмайди у энди. Лекин Абдуллатиф уни ўлдирмайди, тириклайн зиндоңда чиритиб юборади. Абу Сайд-чи? У ҳам ҳозир унинг қулида. Ҳўш, уни нима қилиш керак? Миран Мироншоҳининг бу набираси миран Абдулладан тўққиз ёш катта, ҳаётнинг аччиқ-чучугини озми-кўими тотган йигит. У ҳозир йигирма бешга тўлиб, йигирма олтига қадам қўйган. Айни тўлишган ва ҳар тарафлама этишган вақти. Ақли хуши ҳам жойида, ҳарб ва сиёsat сулуқларини Абдуллатифдан кам билмайди. Қайсаrlик, мутакаббирлик ва мансабнарастликда ҳам ундан қолишмайди. Шу боисдан Улугбек уни кўп ҳам ёқтирмас, лекин ҳарбий салоҳиятини қадрлаб, уни доимо ўзи билан бирга олиб юрди, ўзидан узоқлантирмади. Абдуллатиф унга ҳам қўл теккизмасликка қарор қилди. У ҳам зиндоңда чириб кетаверсан, майли. Абдуллатиф арқонни бу қадар узун ташлаб қўйиши бејиз эмасди, бунинг сабаби бор эди. Миран Абдулланинг улами Алоуддавла билан Султон Муҳаммади қаттиқ ранжитини мумкин, Султон Абу Сайднинг дена Бухорда ҳам, Самарқандда ҳам

иуфузли тарафдорлари бор. Абдуллатиф буни ҳисобга олмасдан иложи йўқ эди, албатта.

Кўксаройга бориб келган кечаси Абдуллатиф яхши ухлолмади. Энди кўзи илинди дегунича тушига алланарсалар киради: гоҳ жарликдан қулаб кетади, гоҳ қутурган ит болдиридан бир шарча гўптини узид олади. У шу тариқа гур азобида тоңг оттирди. Таҳорат олиш учун ўтаетганда айвонда устинга ўйланиб ўлтирган «Вотвот мунажжим»га кўзи тушди. Айгоқчи подшоҳни кўриши билан ўриидан сапчиб турди ва икки букилиб салом берди. Абдуллатиф аввал уни кўриб нафрати келди. «Яна бирон касофат ишининг бошини қўзиб келди бу иблис», деб ўйлади. Таҳорат олиб ўтириб мулоҳаза қилди: «Балким муҳим бир гап топиб келгандур, ахир уни биз салтанатнинг кўз-қулоги қилиб қўйтганимиз-ку!», деб ўзига тасалли берди. Шунинг учун ҳам таҳоратхонадан қайтишида бу сафар унинг саломига бош иргитиб алик олди. Нонушта вақтида эса уни хонайи хосга чақирирди.

— Ассалому алайкум аълоҳазрат, ширин ухлаб турдингизму? Янигай айёмингиз муборак бўлгай.— «Вотвот мунажжим» ўзини ерга отди ва эмаклаб бориб Абдуллатифнинг оёқларини ўиди. Сўнг дастурхонанинг четгинасига чўққайиб, подшоҳни узундан-узоқ дуо қилди.

Абдуллатиф косадаги узидан қолган ширгуручни унга узатди. «Вотвот мунажжим» бу зур илтифот учун ширзога қуллуқ қилди, сўнг, косада қолган овқатни бир тумда чан-чап қилиб еди ва косани хафсала билан ялаб буйди.

— Хўш, еркиндик, яна қандог гап тоуб келтурдинг?

— Баъзи амирларингиз, аълоҳазрат, тескарилик тарикини тутгон кўринадур, оламнаноҳ.

— Кимлар эркан алар?

«Вотвот мунажжим» сайраб кетди:

— Идику барлос, Рустам барлос, Сиддик барлос, Султонноҳ барлос ва бир-икки тархоний.— «Вотвот мунажжим» уларнинг ному-лақабларини ҳам бирма-бир айтди.

— Хўш, алардин не помуносиблиқ содир булибдур?

— Алар кеча Шоҳи зиндада ҳазрати Қусам ибн Аббос мақбарасининг зиёратхонасида қандайдир маҳфий мажлисада қатианибдурлар. Ўша ерлик шайхларнинг биридан сўраб билдим. Мажлисни Бобо Ҳусайн Туркистоний отлиг бир амир уюштиргон эрмини.

— Бу, Бобо Ҳусайн дегани ким эркан ўзи?

— Шаҳид бүлгөн подшохнинг содик қуллари жумла-
сидин эрмини.

Ха, Бобо Ҳусайн Туркистоний Абдуллатифнинг эсига
тунди. «Ажабо, ахир у астойдил бел боғлаб ва садоқат
бирлан бизга хизмат қилуб туруб эрди-ку? Нега шундай
бўлди?» Абдуллатифнинг боши қотди. Лекин англади. «Ха,
масала равишан. Ул бадкирдор, ёмон мақсад бирлан
иҷимиизга илон бўлуб кирғон эркан-да!» деди Абдуллатиф
уз-ӯзига. Сўнг удайчини чақириди. Айгоқчига адрес
чопон билан бир халта оқча инъом қилиниди. Шундан кейин
туқсебони чақиририб, фитнанинг олдини олиш чоралари-
ни кўришини буюрди. «Ул бадкирдорни тириклайин тутуб
келтурулсун», деб буюрди тұқсебога. Абдуллатиф бу ерда
Бобо Ҳусайнни назарда тутди.

Улугбек улдирилган күннинг учинчи сида Абдуллатиф
Боги чинорда катта зиёфат берди. Дастурхон олтин
табақларга тузалган турли-туман мевалар, ширинликлар
ва бошиқа ноз-неъматлар билан тұла, тилла күзаларда
подшохлар учун деб маҳсус тайёрланган мусаллас ва
гулоб. Ҳар тараффда наргис чехралы, пари юз машиноқлар
дизини эритадиган нагмалар чалмоқдалар, масиҳо дам
хонадалар дилни ӯзига ром этиб турли мақомлардан
хониш қиласидар; пари юз, фаришта манзар дилбарлар, ой
тан, жавзо камарлик маҳбубалар рақеидан етии осмон
фаришталарининг оғзи очилиб, бармоқтарини тишлаб
қолған эдилар. Лекин шундай базму сафо ҳам Абдулла-
тифнинг гаш қўинглини ёзолмади. У базм охиригача тунд
бўлиб ўтиреди, бугун одатдагидан кўп ичди ва охири қаттиқ
маст бўлиб қолди. Базм ибнилаб қолғач, у имо қилиб ёнига
вазири аъзам Камолуддин Абдулвосеъни чақириди ва
унинг қулогига нималарни дир шивирлади. Вазири аъзам
охиста ўридан туриб ташқарига чиқиб келди ва ўз ўринига
қайтиб ўтираётib Абдуллатифга ер тагидан қаради ва
«айтганингиз бўлди», дегандай маъниоли қараб қўйди...

Базм тарқалди, лекин бир умр ота-боланинг қиличини
чошиб келган Идику барлос, Рустам барлос, Сиддиқ барлос,
Султониҳо барлос ва яна бир неча тархоний амирларни
Абдуллатиф тутиб қолди. Амирлар бунинг сабабини
билилмай, ҳанг-манг бўлиб туриб қолдилар. Абдуллатиф
унг қулига йўланиб аранг ўридан турди, хиёл довдираб
кетди, сунг үзини тутиб олди. Ҳеч нарсадан-ҳеч нарса
йўқ үзи амирларга заҳарини соғди. Ўнг қулининг боши
бармогини наиза қилиб, ҳар бирининг кўкрагига бир-бир
туртиб чиқди, сунг итобда давом этди:

— Биламен сенларни, ҳар бирининг биламен, обдон

яхши биламен. Юзларингда табассум-у, лекин қўйнила-
рингга тош солуб олгонсанлар! Сенларға ишонмайдурмен,
чунки отамизга хиёнат қилдинглар, куни келиб бизни ҳам
ташлаб кетасенлар. Балким эди Абулқосим Бобур
хизматига бел боғлаб турғондурсенлар, ё Султон Абу
Саидни банддин бўшатиб, тахтга ўтқизмоқ мақсадин
кўзлаб, найт пойлаб турғондурсенлар?!

Рустам барлос вазминлик билан сўз қотди:

— Аълоҳазрат, бизлар неча вақтдин бери сизнинг
қиличингизни чопуб келаётурмиз, гуноҳимиз не? Таънаю
дашномларингиз ўрунсиз, мирзом! — У яна бир нима
демоқчи булиб оғиз очган эди, Абдуллатиф шартта кесиб
огзига урди:

— Бас қил, абллаҳ! Йўқса тилингни суғуриб олурмен!

Султониҳоҳ барлос қаттиқ жаҳли чиққанидан бурни-
нинг учигача қизариб кетди:

— Ҳақоратингиз ўрунсиз, мирзом, бизни беҳуда
маломат қўлманг, биз бунга муносиб иш қилгонимиз йўқ.

Мирзо Абдуллатиф унинг ҳам оғзига урди.

— Бу маломатларга чидомайдурмиз. Керагимиз
бўлмаса жавобимизни беринг, мирзо.— Рустам барлоснинг
тоқати тоқ бўлганди, гапнинг пўсткалласини айтди қўйди.

Абдуллатиф ўзини тутолмади, чониб бориб Рустам
барлоснинг юзига бир тарсаки туширди, бошқаларини
огзига келган ибора билан ҳақорат қилди. Подшоҳга
қўл кўтариш гуноҳи азим ҳисобланарди, шунинг учун
амирлар жаҳлга ҳай бердилар ва Абдуллатифга қўл силта-
дилар-у, бирин-кетин хонадан чиқиб кетдилар. Лекин
ташқарида уларни пойлаб туришган эканлар. Амирлар
қилич ялангочлаб турган ясовулларнинг қулига тушдилар.
Ясовуллар қуролсиз ва кайфи ошиб қолган амирларни
бирма-бир шартта-шартта чопиб ташладилар...

Боги чинорда базми жамишид бўлган ўша куни
Улугбекка садоқат сақлаб, теварак-атрофда яшириниб
ётган амирлар, шунингдек Улугбек мадрасасининг му-
даррислари ва талабалари, марҳум подшоҳга ҳурмат
сақлаган косиблар ва олимлар пинҳона расадхона билан
мадрасага йигилдилар. Шаҳид бўлган подшоҳга атаб
фотиҳа ўқилди, ош берилди. Расадхонадаги фотиҳа-
хонликка Али Қушчи бошлилик қилди, мадрасага йигил-
ганиларни шайхулислом мавлоно Бурхонуддин кузатди...

Абдуллатиф давлат ишларидан ташқари ўзини олимум-
фозил қилиб курсатиш учун ҳам озмунча ҳаракат қилмади.
Туркистон ёки Фарғона сафарларидан бўш вақтларида
шаҳар уламосини тўплаб, бирор масала хусусида мубоҳаса-

дар утказиб турарди. Бу билан у «илмда отамдин кам промасмен», демоқчи бўларди. Абдуллатиф батъзида жумъя кунлари масжиди жомеъда ўқиладиган хутбани ҳам ўзи скийдиган одат чиқариб олди. Бунига тартиб Халифаи рошидин замонида жорий этилганди. Бу билан Абдуллатиф ўзини биринчи халифаларга: Абубакри Сидик, Умари Хаттоб, Усмони Аффон ва Али Муртазога тенглантиримоқчи, ҳар қандай подноҳ ёки хондан зеса ўзини юқори кўймоқчи. Батъзида у мадрасаларга бориб дареларда иштирок қиласади. Бу билан у ўзини яна отасига тенглантиримоқчи булади. Тарихчи Мирхонд унинг бир куни Улугбек мадрасасида илми нахв ва сарф дарсизда иштирок этганилигини ҳикоя қиласади. Бу ҳикояни унга Шамсуддин Муҳаммад Жоғижмий помли мударрис сўзлаб берган экан. Ўшандай дарсда араб тыйлида феъл мавзути утилаётган экан. «Феъл,— деб сўз бошлади ўшандай мударрис,— араб лафзида айрим ҳолларда «дахаб» («кетмоқ») сузи бирлан ҳам ифодаланур». Абдуллатиф даст уридиан туриб, мударрисининг сўзини бўлди. «Форе лафзида ҳам айнан шундоқ ҳол учрайдур, масалаи, «рафтан» («кетмоқ»), деди у ва мисол ҳам келтирди: «Фалон кас рафт» («Фалон кипни кетди»).

— Офарин, мирзом, ақлу-заковатларига ҳасанот! —
Мударрис икки букилиб унга қуллуқ қилди.

Талабалар қарсак чалиб, Абдуллатифни олқинлайдилар. Шундан кейин Абдуллатиф ўзини еттинчи осмонда фараз қилди. У ўзига-ўзи деди: «Мен отамдин ҳам маълумотлидурмени, ул зот илми сарф бирлан илми нахвни бизчалик яхши билмайдур».

Ва яна Абдуллатиф сарой эшикларини машойиху дин уламоларига кенг очиб қўйди. Бу билан у «мен отамга муқобил улароқ дини исломга равнақ берурмени», демоқчи...

Шу тариқа олти ой вақт утди. Абдуллатиф мамлакатни бошқарицда ўта қаттиққўллик билан иш тутди. Бирон киши, хоҳ у вазир бўлсин, хоҳ амир ёки оддий сарой хизматчиси бўлсин, унинг бир ганини икки қилолмас, йигинларда унинг ижозатисиз мамлакат аҳволидан сўз очолмас, қисқаси, очиқ фикр айтишига ботинолмас эди. Бунга журъат қилган кишининг ҳоли не кечини ҳаммага аен эди. Абдуллатифнинг хос мулозимларидан бири тарихчи Абдуразаоқ Самарқандийга, Абдуллатиф ўлдирилгандан кейин, мана бундай деган экан: «Самарқанднинг Ҳамъий умароси ва акобирлари аниг дагал гаплари ва Зитти-ҳаракатидин мажруҳу-абгор бўлдилар. У на кексани

хурмат қылар ва на кичикка мурувват кургизар эди. Рааё-ю бароё кимга арз-доң қилинни билмасди... Мен аниң яқин маҳрами эрдим. Уни ўлдириш ҳақида бүлгөн мажлисдин ҳам хабарим бор эрди, лекин Абдуллатифнинг қаҳридан құрқонимдин онға бу ҳақда бир нима демадим».

Қараңғ, Абдуллатифнинг зулми унинг хизматида бүлганиларнинг ҳам жонига тегибди. Қолаверса, ҳамманиң сабр косаси тұлыб тоңди. Абдуллатифдан порози бүлмаган одаминнің үзи кам қолибди. Уннің номига хутба үқиятқан куни қасида битған бир кекса шоир ҳам бир күн китобфуруншылар растасида бу қылған ишидан пунаймон бүлганини очиқ-соңкора айтибдур. Ұша шоир күн яхни қасида битған экан. Мана ұша қасидадан бир парчаси:

Бобонг зулмни замон юздиди ювиб үтди,
Одил отанғ адолат отини қувиб үтди.
Муборак эттингтаким салтанат түнін битди,
Харна қодирсең күреат, ей, павбат куни етди.

— Садқайи анго салтанат чоюни, ул маңлуқ олти қары бұзға мунисиб әркан, — деди йигинлардан бирида уша Бобо Ҳусайн Туркистоний.

Хулласи қалом, Үлугбек билан Абдулазизнинг Абдуллатиф үтказған қирғиңдан бир илоҗ қилиб жон сақлаб қолған амирлари ана шу Бобо Ҳусайн Туркистоний деган кекса амир теварагига уюшдилар. Үларга, умуман Абдуллатифдан безор бүлған бошқа амирлар ва хизматкорлар ҳам қүшилдилар. Шайхулислом Бурхонуддин ҳам Бобо Ҳусайн Туркистоний тарафыға үтди. Фитиачилар 854 йил раби ул-аввал ойиннің 25-нчи куни (1450 йил 8 май) қоңи қорайғанда Үлугбек мирзонинг Құхак ариғи бүйіда, расадхонаға туташ бүлған бөгчесиге түпландилар. Абдуллатифні орадан күтариб ташлаш режасини мана шу ерда инишилб олдилар. Мажлис қисқа бүлди. Аесөй гапни Бобо Ҳусайн Туркистоний билан шайхулислом Бурхонуддин айтишиди. Гапни Бобо Ҳусайн бошлади.

— Мұхтарам жамоа! Маълумнинг, мирзо Абдуллатиф туққан отаны ўлдириди, туғищон ининиң боинин кесди, бир умр жонини жабборға бериб темурийлар хонадонининг қиличини чонғонларни ҳам аямайин бириң-кетин ғосаққа еткүрмөқда. Эл-жарт аро зулму бедодлигни кучайтирди. Бизнинг жонимизни ҳовувлаб ушбу манзилға йиғилғонимизнинг боиси шулким, онинг тадбирида не иш қылмоқ дарқорлыгини маслаҳатлашиб олмоқдур. Қаминаниң фиқри ожизига күра, ул золимни ўртадан күтариб ташлаши

фурсати етди, бу бадкирдорнинг золим иягини мазлумларнинг этагидин юлуб ташлан вақти келди. Хуни, онинг тадбири қандог булур? Ушбу хусусда кимнинг қандай фикр-мулоҳазаси бор? Жамоа йўқ демайтургон бўлса, мавлоно Бурхонуддин жанобларининг фикр-мулоҳазалари эшитсан, бас.

Жамоа Бобо Ҳусайнинг таклифини маъқуллади:

— Тўгри, борчамиз шайхулислом жанобларининг маслаҳатларига мунтазирдурмиз. Айтинг, жаноб, қулогимиз сизда,— дейишдилар йигилганлар бир оғиздан.

Шайхулислом шонилмай, руҳонийларга, умуман зиёдиларга хос салобат ва вазмишлик билан сўз бошлади:

— Мирзо Абдуллатиф Шоҳруҳ мирзо бирлан маҳд улё Гавҳаршод бегимнинг арзандаси. Алар мирзонинг таълимтарбияси борасинда ҳеч немарсани аямагонлар. Шу боисдин ҳам ул жаноб зукко, фаҳм-фаросатлик, кўн илмлардин боҳабар булуб этишдилар. Дунёвий илмларни, хусусан, тарих, шеър, нахву-сарф ҳамда риёзиёт ва нужум илмларида тенгқўрларицин сарфароз бўлди. Ва яна шаҳзода диний илмларни ҳам дуруст биладурлар. Диний масоил ва илмларнинг далоилини мушкүлотсиз ечиб бера олиш мақомига етгандурлар. Лекин, афеус-надоматлар бўлгайким, ҳасадгўйлик, тангназарлик ва мутакабирлик киби иллатларнинг губори мирзо Абдуллатифнинг дил ойнасини занглатган куринадур. Шаҳзодага ёнишгои хунук сифатлар, валлоҳу аъзам, бегим жаноби олиялари саъий ҳаракатининг самарасига ўхшайдур. Магар онинг мезожи ушбу иллатлардин ҳоли булғонда эрди, надари бузрукворидек одил подиоҳ ва забардаст олим булишлари мумкин эрди. Минг афеус, минг афеус жаноблар!

Шайхулислом бошқа бир нима демади. Бошқа ганирувчилар ҳам бўлмади. Лекин ҳамманинг кўзида Абдуллатифга қарши қўзгалган нафрат, уни маҳв этишига булган қатъият ўтлари алангаланиб турарди. Ўтирганлардан кимдир (қоронгу бўлганидин унинг юзини қўриб булмайди) баланд овоз билан: «Ул баҳти қаро эмди тоҷу-таҳт ва салтанатга муносиб эрмас!» деди. Қолганлар: «Ори, эмди онга тириклар орасида ўрин йўқ!», деб унинг сўзларини қувватладилар.

Бобо Ҳусайн Туркистоний кенгашига қисқа қилиб якун ясади:

— Биз ўликлар ва тириклар отидин надаркуш Абдуллатифни ўлимга ҳукм қилурмиз, омин!

Йигилганларнинг барчаси Бобо Ҳусайнга эрганиб, қулларини фотиҳага очдилар:

— Аллоҳу акбар!..

Раби ул-аввалининг 25-дан 26-сига утар кечасини мирзо Абдуллатиф Боги майдонда утказди. Шу кунги мажлисга амирлар ва бошқа олий мартабали зотлардан биронтаси ҳам таклиф этилмади. Боққа эшик оқо, хожа саро, хизматкорлар, қоровуллар ва Абдуллатифнинг хос чухраларидан бошқа ҳеч ким киргизилмади. Абдуллатиф бу кечани фақат пари-шайкар ва малаксиймолар даврасида утказишини ихтиёр қылған эди.

Хожа саро харамдагиларни кундузиёқ, Абдуллатифдан базм хусусида кўрсатма олгандан кейин, қаттиқ огохлантириди:

— Валинеъматимизнинг қайфияти букун ҳам дуруст эрмас, балким илгаригидин бир баҳра хунукроқ кўринадур. Не қилсақ ҳам ул жанобининг муборак кўнгилларига қувонч ва шодлик багишламогимиз зарур. Лекин ниҳоятда хушёр бўлмоқ керак.

Хожа саро шу пайт қаршисида минг нозу-карашма билан «мени ҳам олинг» деб турган Дорияга қараб ушқирди:

— Кўни жишиллама, Дория! Аълоҳазратининг бугун рақсга майллари йўқ куринадур. — Сўнг хожа саро «бугун подиоҳнинг хилват базмига сен, сен, сен ва сен борурсен», деб созанда ва хонанда қизлардан Робия, Зулфия, Маҳбуба ва Матлубаларни тайин қилди. Чоғирчилик ҳам, дастурхончилик ҳам ўша тўрт канизакнинг зиммасига юқлатилди.

Базм мажлиси хуфтон намозидан кейин бошланди. Мажлис бу сафар одатдагидай қасрнинг катта меҳмонхонасида эмас, балки bog ўртасида, ислимий ва хитойи услубида қурилган ва Миён сарой деб аталувчи олти хонали шинамгина бинонинг меҳмонхонасида ўтди. Бу бино бир вақтлар мирзо Улуғбекнинг дарсхонаси эди, подшоҳ давлат инсларидан фориг бўлган пайтларда, кўниинча кечалари, шу ерда китоб мутолаа қилас, илмий иш билан банд бўларди. Муравасса дастурхон яқинда Абдуллатифнинг буюртмаси билан оёқлари шер наижасига уҳнатиб ясатилган катта хитойи хон устига ёзилди. Дастурхонда маҳсус асрangan узум, олма, анор, тармева ва полудадан тортиб то писта, бодом ва асалгача; каклик ва бедана гўштидан тортиб, барра кабоб ва самбусагача зўр дид билан терилганди. Тилло кўзачаларда сара мусаллас ва гулоб; ёнида биллур қадаҳлар. Ўаковулбони таомлардан бир-бир тортиб курди, тилло кўзачалардаги мусаллас билан

гүлобдан ҳам бир қултум-бир қултум тановул қилди, сұнг базм ахлига қуллуқ қилиб чиқиб кетди.

Одат бүйича бир-икки шиёла чой ичилди, сұнг Робия биллур қадаҳларни тұлатиб, аввал шаҳзодага, сұнгра дугоналарига бир-бир узатди. Маишат бошланиб кетди. Бироз фурсат үтгач, мирзо Абдуллатифнинг имо-ишораси билан қизлар мусиқа асблоларини: Робия дуторни, Зулфия конунни, Маҳбуба гижжакни, Матлуба эса добни құлга олишди. Бог узра дилни ўртовчи құшиқ янгради:

Невчун газабда жонон, не муддаоси, айтгил?
Үткінчиму ахд-паймон ё субҳ сабоси, айтгил?

Вұлмас сабабсиз асло бу шұхлигу-дилбарлик,
Бу шұхлигу саркашлиқ, қайда адоси, айтгил?

Юзида бор малоҳат, қаддидә бор зарофат,
Бу күн замона ичра борму қиёси, айтгил?

Ишқ ичра кимки бемор бұлса йүқдур давоси,
Бир дам маҳбұт жамоли — ошиқ давоси, айтгил?

Дилсизлара лутф этмак айб әмасдур, эй жонон,
Ошиқларға раҳм этур ҳатто худоси, айтгил?

Хар кеч димогимға ел зулфи исин келтурур,
Хамроуз ҳамдам анго боди сабоси, айтгил.

Фахр Банокатийни невчун арzon сотурсен,
Хожа, ақлинг олган ул рақиб ошноси, айтгил.

Қизлар құшиқни зұр маҳорат билан ижро этдилар. Ҳар қанақа дардга чалинганга шифо ато этувчи, ошиқларнинг ярасига малҳам бұладиган құшиқ бұлди, бу. Абдуллатиф миңзөннинг ҳам дили бир мунча ёришгандай бұлди. Икки құлини хиёл күтариб қарсак чалди, сұнг майқұзага қараб ишора қилди. Бу сафар қадаҳларни Зулфия тұлатди. Мирзога қадаҳ тутгана олмай, унинг белларидан қучди. Зулфия унинг тиззасига хиёл үтириб майни үзи ичирди. Мирзо «хурушиға бу», деб унинг юzlаридан түйиб-түйиб үпди. Шу кече Абдуллатиф хурсандчиликни маромига етказди, күп ичди, қизларни навбатма-навбат қучогига олиб хузур қилди. «Яраланған дилга туз сепувчи мажлис бұлди-да»,— деди у үз-үзига. Сұнг қарсак чалиб хизмат-корни чақирди.

— Бориб хожа сарога айт, кече бизга атаб келтурилган тортицни олиб чиқсун.

Хаял утмай хожа саро ўн беш — ун олти ёнга борган урта бўйли, қадди-қомати келингган чиройли бир қизин етаклаб кирди. Нистараңги дибо кўйлаги ва бекасам камзул унинг нозик ошпоқ баданига жуда ярашган, бошидаги товус сурати солингган хитойи ишак рўмол унинг кулчадай чиройли юзини ҳиёл ёниб турарди, қошиқдай оёқларида бети, усти ва рангига зар бериб тикилган чиройли амиркоң кафи...

Бу нозик-ниҳоя паринайкар Ургут беги Тоймасбекнинг қизи бўлиб чиқди. Уни куни-кече «Вотвот мұнақжим» хотини харам бекаси Биби Таманно билан бирга бориб, бекин у деб, бу деб кўндириб Самарқандга олиб келингган эканлар. Аслини олганда қизалоқ Биби Таманинга ҳам бегона эмади. Тоймасбек бўлеа Биби Таманининг кўз очиб курган ори эди. Тоймасбек бир вақтлар Улугбекнинг қушбегиларидан булиб, сағбонлик мансабида турган вақтда уни Биби Таманинга уйланганди. Биби Таманининг шинхона ўзига ёққан эрқаклар билан дон олишиб турадиган одати бор экан. Тоймасбек уни бир куни қуша-кундузи ясовулбони билан тутиб олди; шу заҳотиёқ учталоқ қилиб этак қоқиб уйдан чиқиб кетди. Улугбек қушбегини яхни куради. Воеадан воқиф булгач, ган-суз қуниймасин, деб қушбегини Самарқанддан ийроқлантириб, Ургутга ҳоким қилиб юборди. «Тешик мунҷоқ ерда қоямайди», деган ган бор. Биби Таманинни «Вотвот мұнақжим» хотин қилиб олди. Орадан икки ой ўтар-утмас Биби Таманин қиз курди, лекин, угай ота «қулдан тарізлган қурбонликка ярамас», деб уни қулига ҳам олмади. Чақалоқини Ургутга олиб бориб бердилар ва уни Тоймасбекнинг саҳоватли онаси Ризвон биби бокиб катта қилиди...

Абдуллатиф остоида ийманибгини турган бу қизга бир наради-ю, тамом вужудига ўт кетди:

— Ёқирмантиз, яқинроқ көсингиз, бибича.— Абдуллатиф қули билан имо қилиб, уни ёнига чорлади. Лекин қизча, бор ганини Биби Таманно бондан яхшилаб уқдириб қўйганига карамай, нима қизарини билмай турган ўрида тураверди. Сал орқароқда турғон хожа саро ҳиёл эгилиб унинг қудоқларига шивирлади:

— Нима бало, хода-мода ютғонмусен, эгил, мирзога қуалук қил!

Қиз эгилиб Абдуллатифга салом берди, лекин турган

жойидан қимирлолмади. Қимдир оёқларини ерга михлаб күйгандай сезарди у ўзини.

— Баракалло, отангизга раҳмат сизнинг, бибича. Сизни биздек содик қулига еткүзғон әгамга шуқр. Абдуллатиф ёнида виқор билан ўлтирган Зулфияга маънодор қараб қўйди. У мирzonинг жуда кун хилват базмларида бўлгай, унинг нима демоқчилитгини кўзидан биларди. Зулфия даст ўрнидан турди ва бориб қизалоқни етаклаб мирzonинг ёнига олиб келиб ўтқазди, сўнг икки қулини кўксига қўйиб таъзим қилди-ю, эски жойига бориб ўтириди.

— Май келтурулсун!

Махбуба учиб ўрнидан турди ва икки биллур қадаҳга шароб тулатиб мирзо Абдуллатиф билан унинг янги маҳбубасининг олдига келтириб қўйди.

— Сизнинг сиҳат-саломатлигингиз, қулиб боқгувчи баҳту-тахтингиз учун, бибича! — Абдуллатиф қадаҳни тагигача сиңқорди. қизалоқ бўлса бир-икки хўялаган бўлди-ю, қадаҳни оҳистагина хоннинг четига қўйди. Абдуллатиф унга хиёл ўғирилиб сўради:

— Малол келмаса, номингизни айтингиз, бибича.

Бу ердаги оддийгина ҳолат, мирzonинг ҳушмуомалалиги қизалоққа таъсир қилди шекилли, аввалги ҳаяжони бир оз босилди, аста-секин ўзига кела бошлади. Ийманибгина жавоб қилди:

— Баҳринисо.

Абдуллатифининг қистови билан шайдар-най май келтира бошладилар. Мирзо таңгри таоло етказган бу кутилмаган баҳтдан айма-мунича ичиб қўйди, кайфи ошиб, қўлларига эрк бера кетди. У тез-тез қўлини Баҳринисонинг елкасига ташлар, аҳён-аҳёнда уни тўшига тортар, хитойи рўмолини хиёл кўтариб Баҳринисонинг ширмондай юзларидан бўса узарди...

Канизаклар шаҳзоданинг гойибдан келган муҳаббатини янги-янги қўшиқ айтиб рағбатлантириб турдилар. Бу гал улар мирзо Абдуллатифининг суюклисига атаб қўшиқ айтдилар.

Лол этуб ширин лабинг ҳатто шакарни қолдиур,
Тинсларинг маржони, бас, дурру гухарни қолдиур.

Қанд аларнинг баридин қиласа латофатни даъно,
Тинглаб сўзунг, устинг ючгои, шахарни келтиур.

Гар кириб бўстоига сен этсанг хиром, хандон отиб,
Гул кулур, хандонлари оҳангда зарни қолдиур.

Зулфи занжирингга банд өл ҳам ўтолмас, водариг,
Чинки ул бемор ўлуб сендин үзарни қолдирур.

Бу оламдин одамларга агар ёдгор бўлуб ўтса,
Бурундуқ сузу сухан, фазлу ҳунарни қолдирур.

Шу тариқа базму-сафро ярим кечагача давом этди.
Мирзо Абдуллатифнинг ҳам, бошқаларнинг ҳам кайфи
аинча ошиб қолди. Бу хонада фақат Баҳринисо ҳушёр эди,
холос. Абдуллатиф учун ҳам, бошқалар учун ҳам бир умрга
эсдан чиқмайдиган бу ўлтириш, бу базми жамшид тонг
отгунча давом этиши ҳам мумкин эди-ю, лекин канизакла-
ри қурмагур мирзонинг кўнглига ёқмайдиган қўшиқ айтиб
қўйишиди.

Кимки бул водига келса, бошига давлат келур,
Юрса ким омад йўлидин омаду ҳиммат келур.
Шоҳлар ногорасидин етгой қулоққа бу нидо:
Ки, сарой подшолара навбатма-навбат келур.

Шу ерга келганда Абдуллатиф ҳөнга шундай қаттиқ
зарб билан мушт урдики, бўшаган ёки ярим-ёрти бўшаган
таксинчалар учиб тушиб чил-парчин бўлди.

— Яна қандог навбат?! Бу нидо сенларнинг узун
қулоқларнинг қойдин келди? Йўқол кўзимдин, мо-
чагарлар, ҳамманг йўқол!

Абдуллатиф қулидаги қадаҳин канизакларга қараб
отди. Канизаклар зог қувлаган мусичадай узларини
эшникка отдилар. Бир зумда меҳмонхона бўм-бўни бўлиб
қолди. Бир вақт Абдуллатиф Баҳринисони ўйлаб ёнига
қаради. Хайриятки, у ҳам учиб кетмабди, шу ерда экан.
Абдуллатиф унга илтижо билан боқди:

Мана кўрдингму, жоним, мени бу даргоҳда ҳамма
ёмон кўрадур, ёлгузмен бу оламда. Ҳеч бўлмаса сен ташлаб
кетма, мени.

Абдуллатиф узини Баҳринисонинг қучогига отди ва шу
зайдада учиб қолди...

Шу кечада Абдуллатиф ёмон ухлади, тун бўйи алаҳсираб
чиқди, ёмон тушилар кўрди. Энди кузи нацингандам эдикни,
хонанинг эшиги «гийт» этиб очилди ва остоидан бошидан
оёғигача оқ кийинган, новчадан келган нуроний бир чоҳ
найдо бўлди. Абдуллатиф шиддат билан бошини ёстиқдан
кўтарди. Турмокчи бўлиб чунон ҳаракат қиласа ҳам
бўлмади. Ўридан туролмади. Кимдир оёгини ҳарсанг

тошга бостириб қўйгандай эди. Икки қўлини ёнбошга тираб, аранг ўтириб олди. Чол «ҳа» йўқ, «бе» йўқ, тўгри бориб қозиққа осиб қўйилган нақшин гилофли қиличини олди, уни неши билан артиб, қўзига суртди. Тоза Дамашқ пўлотида ясалган, дастаси фил суюгидан, қимматбаҳо жавоҳирлар қадаб ишланган бу қиличини ҳазрат соҳибқи-рон Амир Темур кўрагон Дамашқни олганда шу ерлик моҳир қуролсоз усталар ясад берган эдилар. Лекин у бу тенги йўқ қиличини ўзи тақмади, суюкли набираси Мирзо Улугбекка, яъни шу ерда ўридан туролмай, даг-дағ титраб ўлтирган Абдуллатифнинг отасига совга қилди. Совгани тошириш олдидан Темурбек унинг дастасига мана бу сузларни ўйдириб ёздирганди: «Шу қилич менини эди, энди уни суюкли набирам Улугбек баҳодирга инъом қилдим, чунки у салтапатимнинг куч-кудрати ва шавкати эрур. Мен бу дунёда нимаики мақсад қилган бўлсан унга эришдим. У ҳам мурод-мақсадига етсин». Абдуллатиф қария қиличини яна жойига олиб бориб қўяр, деб кутди, лекин ундан қилмади. Аксинча, у қиличини гилофидан сугуриб олди, евги билан унинг сиртларини артди, бармоқлари билан унинг дамини текширди, у ёқ бу ёққа чонди, сўнг уни ерга тираганича Абдуллатифга тикиади:

— Қани, айтчи, қотил, бу қиличини ҳазрати соҳибқиран сенга қачон инъом қилган? Қиличини қаердан олдинг?

Қани энди Абдуллатифда бирон нарса дейшига маъжол бўлса, журъат бўлса. Унга нуроний чолга ер остидан оҳиста боқди-ю, яна кузларини яширди. Қариянинг уткир кузларига тик қарашга иложи бўлмади. «Ҳозироқ, сени кулга айлантираман», деб олов сочиб турарди унинг кузлари. Юзида эса шижоат ва қатъният. Бунача вакоҳатдаги одам ҳеч нарсадан тоймайди. Бу одам ким бўлди, ўзи? Бобокалони Амир Темурми? Абдуллатиф уни кўрмаган, лекин унинг ҳақида кўн эшитган. Аслида адолатиарвар, меҳр-шафқатли, лекин хоинлик ва хиёнаткорликни улгудай ёмон курадиган одам бўлган. У агар Амир Темур бўлса, унда урди худо. Бундан чиқди уни шаҳид отамнинг руҳи чақириб келган. Наҳотки сўрамай-нетмай шу ерининг ўзида шартта чопиб ташласа. Шу қиличини пимага ҳам олдим? Уни мирзо Улугбек ҳеч қачон тақмаган, Чилестининг хоналаридан бирида осиглиқ турарди. Мирзо Улугбек шу қаерда бўлган кезлари қиличини қозиқдан олиб, гилофни ҳам, қиличининг ўзини ҳам артиб-тозалаб кузларига суртар, ўнг жойига яна илиб қўярди. Ҳар сафар унга қиличини кулига олганда худди азиз бобосини кургандай бўларди. Смарқандни кўлга киритган куни Абдуллатифга «Вот-вот

мунахжим» олиб чиқиб берди. Қилич Абдуллатифга жуда-жуда ёқди. Шундан бери уни доим тақиб юрадиган булди.

— Сендан сўраётибман, қиличини сенга ким берди?

Абдуллатифда жавоб қилишига куч ҳам йўқ, забон ҳам йўқ, ҳамон тиши-тишига тегмай дир-дир титраб ўлтирибди.

Қария яна итобга зўр берди:

— Падари бузрукворингнинг муборак бошни шу қилич билан кесганиму эрдинг?!

Абдуллатиф бош чайқади. Юзини қўз ёшлари ювмоқда эди.

— Ме...и Ме...и эма...с Аб...бо...с.с.

Нуроний чол шиддат билан қиличини кўтарди. Абдуллатиф қўзларини юмиб олди. Шунча дод соламан, деса ҳам булмади. Овози бўғилиб, томогига бир нарча латта тиқилиб қолгандай туюлди. Шу найт қиличининг «шувв» этган овози қулогига чалинди, бўйни чирт этди. Боши ерга юмалаб тушди. Чўчиб уйгонди. «Ҳайрият, тирик эканман», деди кўксига туфлаб. Абдуллатиф қора терга ботиб, она сути оғизга келган эди.

АЗонга яқин қаттиқ ухлаб қолган экан, яна туш кўрди: ёши олтминилардан ошган барваста, серсоқол бир одам мис табоққа солиниб, устига рўмол ташланган кесилган бошни унинг олдига келтириб қўйди. Абдуллатиф ёкичини олиб қараса мис табоқда ётган кесик бош упинг боши экан. Қўрққанидан «дод» деб юборди ва ўз овозига ўзи уйгониб кетди. «Ҳайрият-ей, туш экан бу», — деди у ўзи-ўзига, сўнг токчада Низомий Ганжавийнинг «Хамса»си турган эди, олиб тўғри келган жойини очди. Очилган вароқда мана бу байт битилган экан:

Надаркуш подишохиро нашояд,
Агар шояд ба-жуз шеш моҳ напояд.

Яъни:

Шоҳ булмас отасин улдиргон одам,
Ошмас олти ойдин магар бўлса ҳам.

— Е, парвардигор, бу қандай қургулик? Бонимни не сабабдин кесдилар? Шайх Низомий ушбу байтда кимни назарда тутгои эрканлар?

Абдуллатиф титраб-қақшаганича бир вақтларгача тоҳ хуши, тоҳиб бўлиб ўлтириди, хаёл деңгизи уни қаърига тортиди, бутун умри куз олдига келди. Ҳа, энди эсига келди — бу шеърнинг не боисдан ва кимга аталгани

матдүм. Фахрицдин Розийнинг «Хадоиқ ул-анвор» («Нурлар боги») китобини зелади. Абдуллатиф бу китобни илгари Ҳиротда, Бойсунгур мирзоиниг кутубхонасида кўрган, ўқиган ва ёқтириб қолиб ундан нусха ҳам кучиртириб олган эди. Лекин ҳозир бу китоб унинг ёнида эмас, Самарқандда ҳам йўқ. Китоб Ихтиёриддин қалъасида катта китоб сандугида ҳазинаси билан бирга қолиб кетган. Тарихда ўтган надаркушлар ҳақида мана шу «Хадоиқ ал-анвор» да ёзилган. Надаркушларниң номлари ҳам эсига тушибди. Булардан бири Шеруя. Сосонийлар сулоласидан Қубод I пинг уғли. Надаркушларниң яна биттаси Мунтасирдир.

— Ҳа, қандай даҳшат бу! Наҳотки биз Шеруя бирлан Мунтасирнинг ишини тутдиқ? Йўқ, бундай булиши асло мумкин эрмас. Шеруя бирлан Мунтасир отоларини ўз қўллари бирлан ўлдиргонлар, биз эрсақ отамизга қўл текизгонимиз йўқ. Ул жанобни малъун Аббос ўлдиргон, биз бу қотилини ёсоқга еткуздиқ.— Абдуллатиф нима бўлса ҳам ўзини оқлашга уриниди. Лекин шу пайт қаёқдандир нидо келди:

— Йўқ, тақсирам, сиз ҳам надаркушлар сирасига тиркалғонсан, шайх Низомийнинг ушбу шеъри сизга ҳам тааллуқли.

— Э, парвардигори олам! Наҳотки, мен ҳам надаркуш бўлсан. Мени бу маломатдин ўзуинг сақла!

— Йўқ, шаҳзодам. Сизни эмди хеч ким ўз ҳимоясига ололмайдур, ўз қўли бирлан ўлдирдиму, одам ёллаб ўлдирдиму, онинг нима фарқи бор?! Ҳимоячи қидириб овора бўлманг, далил-дастак ҳам ахтарманг, шаҳзода, сиз ҳам надаркушсиз. Отангизнинг поҳақ тўкилғон қонига аввал бошда сиз сабабчисиз, отангизнинг арвоҳи сизни чорлаб турибдур, охират сафарига ҳозирлигингизни кўраверингиз, ҳазратим.

Абдуллатиф санчиб ўрнидан туриб ташқарига чиқди. Кузлари тиниб, боши айланиб, йиқилишиига бир баҳя қолди. Қечқурунги кайф-сафодан бўлса асар ҳам қолмаган. Қул-оёғи дир-дир титрарди. Наҳотки, ҳаёти битган бўлса?!

— Йўғ-е, бу туш-ку, ахир! Тушда нималар бўлмайди, ўзи? Йўқ, ўлмайди у. Ҳали олдида не-не юмушлар турибди, ҳали кўп давру-даврон суриши керак.

Абдуллатиф ўзини бир оз юнатгандай бўлди, сўнг таҳорат олиб бомдод намозини ўқиди. Жойнамоз устида кўп ўтирди, қўл очиб тангри таолога илтижо қилди, йиглади, ёлинди, ёлворди, ундан марҳамат ва ёрдам сўради. Сўнг ионуаштага ҳам қолмай бу даҳшатли манзилдан тезроқ

кетишига қарор қилди ва юртчини чақиририб күчиш ҳозирлигини күриши буюрди.

Абдуллатиф жұнаш олдидан хобхонага кирди ва останада турғанича бир фурсат ҳеч нарасдан хабари йүқ ширии уйқуда ётғаш Баҳринисога тикилиб турди. У хитойи зангори чойшабға маңкам ұранганича ҳеч нима билмай қаттық ухлаб ётарди. Тимқора узун соchlары эса нар ёстигдан тушиб түзіб ётарди...

Мирзо Абдуллатиф отта минди, мулозимлари ва хизматкорлари билан Боги майдон дарвозасидан чиқиб шаҳарнинг гарбий-жанубий тарафида жойланған Боги чинорға қараб йўл олди. Лекин бу унинг охирги сафари эди. Йўлда Бобо Ҳусайн ва унинг ҳамроҳлари қўйғаш тузоққа илинди. Мирхонд ва «Тарихи Абулхайрхоний» китобининг муаллифи воқеани бундай ҳикоя қиласидар: «Жаңгу жадалларда Рустами достон ва Исламидерек бўлғон ва Абдулазиз мирзо тарафидин мартабаси юқори-латтирилган Бобо Ҳусайн баҳодир икки номдор подшоҳ; Улугбек кўрагон бирлан мирзо Абдулазиз шаҳид этилғонларидин сўнгра қасд қилуб бадкирдор Абдуллатиф миrzонинг хизматига кирдилар ва кеча демайин, кундуз демайин унга астойдил хизмат қиласидар, қалбида эса унга кина сақлаб, ул бадкирдорни маҳв этиши фикри бирлан юрдилар. Бобо Ҳусайн баҳодир ўша куни камонни елкага осуб, жонни шу ишга тикди, содиқ павқари бирлан Абдуллатифнинг йўлини пойлади. Шу пайт Абдуллатифнинг мавқаби Чорроҳа дарвозасидин ташқарига чиқди ва тор кўча бўйлаб йўлга тушди. Кўчанинг бир тарафи жаралик бўлуб, иккинчи тарафи Боги павнинг баланд девори эрди. Бобо Ҳусайн баҳодир ва унинг павқари от устида йўл четидаги катта қайрагоч орқасида пистирма қуриб турдилар. Абдуллатиф аларнинг ёнгинасидин утиб кетди, локин беш-олти қадам утиб-утмай, Бобо Ҳусайн камонни елкасидин олди ва уни ўқлаб шаҳзодани аниқ нишонга олди. Абдуллатиф фақат «Олло, ўқ тегди!» деб айтишина улгурди, холос. У отдин қулоб тушди ва шу тондаёқ жон берди. Ўқ унинг чап курагини тешиб утиб юрагида қадалгон эркан. Мирzonинг мулозимлари олди-орқасига қарамайин тум-тарақай бўлуб қочдилар. Бобо Ҳусайн баҳодирнинг павқари чопуб боруб Абдуллатифнинг бошини кесиб олиб хуржунига солди. Надаркуш Абдуллатифнинг бошини шу пайтнинг ўзидаёқ Регистонга олуб бориб мирзо Улугбек мадрасасининг нештоқига осиб қўйдилар».

Бу воқеа 854 йил раби ул-аввал ойининг 26-сида (1450 йил 8 май куни) содир бўлди.

Шу куни эрталабдан то қоронгу тушгунча Регистон одам билан гавжум бўлди. Бамисоли бутун шаҳар уйжойини тарк этиб шу ерга кучиб келгандай эди. Ҳамманинг ишоҳи мадраса нештоқида осилиб ётган одам калласида. Қора қонга белангани бу бош ҳали ун гулидан бир гули ҳам очилмаган ёнц, навқирон йигитининг калласи эди.

Якtagининг енгидан то ёқасигача қоп-қора бўлиб кетган чилангар ёнида турган муллаваччага қараб сўз қотди:

— Ие, бу Абдуллатиф мирзо жаноби олийларининг боши-ку?

Муллавачча лом мим демади. У нештоқица тикилганича қаққайиб турарди.

— Ўйгинанг куйгур золимлар, жаллодлар! Инсон боласини шу алпозга солинини шариат буюргонму?! — Бола кутарган аёл хуни-бийрони чиқди, ҳаммани қарғабшилаб кетди.

— Шариат отани ўлдиришини буюргонму, йўгаса?! — Аёлининг ёнгинасида турган чол унга чекчайиб бир қараб кўйди.

Қаторда турган яна бир одам, куринишидан косиб булса керак, деди:

Кылмиш-қидирмини дейдилар буни, азизлар.

Шу тариқа уч кунгача Регистондан одамининг кети узилмади...

Уламо, акобир ва умаро уша куниёқ мирзо Абдуллаши Кўксаройдан олиб чиқдилар ва уни подиҳоҳ кутардилар. Янги подиҳоҳ номига хутбани Улугбек мадрасасида уқиди. Хутбани шайхулислом хожа Бурхонуддиннинг узи уқиди.

Еттиңчи боб

АБАДИЯТ

Бемурувват фарзаандыннинг туққан отага қылған шафқатсизлиги ҳаммага, айниңса Мирзо Улугбекнинг яқин кишиларига қаттық таъсир қилди. Фаму-андуҳ ҳалигача күйларнинг қалбини ўртаб ётган эди. 1449 йил 25 октябрдағи фожиадан кейин расадхонадаги мұхосиб ва мунажжимларнинг күнчилеги «Абдуллатиф әмди мирзо Мироншохнинг ишини тутмасму әркан», деган шубҳага бориб, түгри келган тарафға қараб қочиб қолдилар. Ҳа, Мироншоҳ ҳам бир пайтлар сохиқирип отасига каромат күрсатған эди. У бир вактлар ов наитида отдан ийқилиб боши лат еб қолғандан кейин түгри келган ерда, учраган одамга «Биз отамиз құргон иморатларни, иишлоollo, бузиб ташлагаймиз», деб очиқ-ошкора айтған гапи ҳамманинг эсида. Табризда шу қабилда тутған батьзи номақбул ишларини ҳозиргача бозор-ұчарда одамлар гапириб юради.

Күнчилек Самарқанддан күчиб кетди-ю, лекин Али Құшчи кетмади.

— Тангри таолонинг иноятисиз ҳеч немарса бұлмагай,— деди у бир куни невараси Аҳмадга.— Биз оламналоқ устознинг хоки поїларини ташлаб ҳеч ерга кетмайдурмиз.

— Буважон, мен сиз бирлан қолурмен.— Аҳмад бувасининг бүйнігә осилиб шиқыллаб йиглай кетди,— мени дадам бирлан онамга бермангиз, буважон! Сизни ташлаб ҳеч қаерга бормайдурмен.

Фожиага олти ой кечгап, надаркүш жазосини тортган. Шундан бери күн воқеалар кечди. Лекин барибир Али Құшчи үзига келолмади. Үша мудхиш дамлар уннинг хотиридан күтарилемади. Тез-тез оғриб уйда ётадиган бұлиб қолди. Хотиши Буойша эрининде үйгланиб кетолмаганидан ташвишланиб тез-тез Аҳмадни мавлоно Бурхонуддин Нағисининг уйига юборарди.

Табиб келиб беморни күриб кетған куни кечқурун Али

Құшчининг күёви билан қизи улар билан хайрлашғани Ҷарби Сұзаңгаронға келинди. Мавлононинг уйи шундай-гина гузар ёнида әди. Улар шу куни тун яримдан оққанды Рұмга жұнаб кетишни мұлжаллаптап әдилар. Бу хусусда улар уттаи ҳафта келиніб олиштаппидар. Шунинг учун қам Ойша билан Мұхаммад отасиниқида күн үтирипмади. Бир шиёладан чой ичиши-ю, отадан фотиңа сұрадилар. Али Құшчи аллақаңдай бұлыб кетди. Валинесъматининг дөги ҳали юракни үртаб турған бир пайтда яна бу жудолик ҳам бормиди?! Энди уни фарзандлари бир умрга ташлаб кетиңді. Дийдор күриш үларға насиб булармикан, әнди? Али Құшчи бопини қүйи солиб үй хайлға чұмди. Бир оздан сүнг бопини күтариб болаларининг күзига термулди. Қүёви сағар ташвишлари билан нина устида үлтиргандай безовта әди. Ойша бұлса ниқиллаб йиглаб үлтирарди. Ахмаднинг күзлари ҳам нам.

— Қани, Үглем, кетайлик әмди.— Мұхаммад үгли-нинг күзларига тикилди.

Ахмад аввал опасига, сүнг бувасига қаради-ю, уннинг маңыс үлтирганидан хұрлиги келиб йиглаб юборди, үзини уннинг құчогига отиб, буйнига чирмашиб олди.

— Буважон, сизни ташлаб ҳеч ерга бормайдурмен. Мени олиб қолинг, буважон,— деди зорланиб.

— Болам, күнам қуюнма — бувиси уннинг күнглини күтарған бұлыб,— биз сени ҳеч кимга бермайдурмиз.

Али Құшчи бұлса нима ҳам дейишини билмай жовдирағ қүёвииң күзларига тикилди. Икки мұштинарнинг ғамған кайфиети, боланиң йиги-зори Ойша билан Мұхаммадға ҳам таъсир қылды. Эр-хотин бир-бiri билан күз уринтириб олдилар. Бармоқнинг унисини тишиласаң ҳам оғрийди, боңқасини тишиласаң ҳам. Эр-хотин бирдан нима қилишини ҳам билмай қолиши. Ота билан онапи олиб кетай десалар, улар күнишмай туришибди. Жигарбанларини қолдириб кетишиңде эса күзлари қиймай турибы. Нима, уни ташлаб кетишиңми? Мұхаммад-ку күн үтмай құникоғиб кетар-у, лекин Ойша бу жудоликка чидай олармикан?! Ахир у онайи зор-ку. Яна отаси билан онасини ҳам үйлайди.

— Қани әмди, не қылсак әркан, Ойша? — Мұхаммад хотинининг күзларига тикилди.

Ойша билмадим, деган маңында сүл елқасини қисди. Қейин чидолмай ҳұнғраб йиглаб юборди ва үзини отасининг оёқларига отди.

— Дада, сиз ҳам, онамлар ҳам биз бирлан бирга кета қолинглар. Хұп дея қолингиз, дадажон;

Мұхаммаднинг ҳам күнгли бузулиб, құзларидан дувуллаб ёш оқиб кетди.

— Ташаккур, болаларим. Лекин азиз устознинг хоки покларини ташлаб кетолмайдурмен.— Шундай деди-ю, Ахмад хусусида мұлоҳазага борди, унинг құлларини елкасидан охиста олиб қўйиб, юзи ва пешонасидан үиди, сўнг ёнига ўтқазиб мурожаат қилди:

— Қани, ўглим, ўринигиздан турингиз. Надарингиз бирлан онайи зорингизни кутдириб қўймайлик. Аларнинг ҳали қиласатурғон юмушилари бор, йўл эрса оғир ва олис.

— Йўқ, буважон! Сизни ташлаб ҳеч ерга бормайдурмен.

Ахмад бувасига осилиб, яна бўйнидан маҳкам қучоқлаб олди.

Али Қўшичи изтироб исканжасида қолди, қалбини яна бир неча дақиқалардан кейин бошланадиган қандайдир оғир ҳис-туйгу эза бошилади. Лекин қариб-қартайиб қолганиданми, ё бўлмаса азалдан ўзи сийнаси қаттиқми, қўзлари қуша-қуруқ эди унинг. Энди Ойша қайрилиб ёрининг қўзларига термулди. Мұхаммадга ҳам осон эмасди. У кўёвлигидан ташқари қўп йил расадхонада шу кекса одам билан ёнма-ён туриб ишлаб, ундан қўп парсаларни ўрганди. Шунинг учун ҳам қайнотасини кўп хурмат қиласарди. Бир хўрсениб олди-ю, сўнг унга мурожаат қилди:

— Майли дада, Ахмад сизлар бирлан қола қолеун. Ани сизларга, сизларни эрса таңгри таолонинг ҳимоясига тобшурдик. Эмди бизга оқ фотиҳа беринглар...

Бир куни әрталаб Али Қўшичи расадхонага борди, лекин ичкарига киришга юраги дов бермай, остоңадан қайтди. Худди тўгрисидан Улугбек чиқиб «Қани, ичкарига марҳамат, мавлоно! Нега бу ерларга қадам босмай қўйдингиз? Не сабабдин расадхона ҳувиллаб қолибдур?» дегандай туюлди. Сесканиб орқасига тисарилди, юраги ўюниб, аллақандай бўлиб кетди. Шу-шу булди, у кўп вақтларгача расадхонага оёқ босмади.

Бир куни Али Қўшичини мирзо Абдулла саройга чақирилди, ҳол-аҳвол сураб кўнглини олди. Сийлашу навозишлар кўрсатди. Кейин, гапни чўзмай муддаога ўтиб қўяқолди:

— Дунё дегани ўзи бевафо эркан, мавлоно. Бевақт улим ҳазрати амакимизни орамиздин олиб кетди. Эмди сиздин ўзга суннитичимиз йўқ, мавлоно. Сизни йўқла-тишдин мурод, бундин буёги каминанинг ёнида бўлсангиз. Сизнинг кенгашу маслаҳатларинигизга мунитоқмиз. — Шаҳзода «йўқ демант», дегандек унинг қўзларига термулди.

Али Құшчи «расадхона нима бұлади?» дегандай күз остидаң унға нигоҳ таплади. «Нега расадхонаның оғзига олмай, саройдан ган очди», деб хайрон бұлды. Мирзо зүкко йигит әди, олимниң асл муддаосини дарров пайқади.

— Расадхона ишини йұлға солиш ушбу айемда мушкулға ұхшайдур, мавлоно. Мунажжим ва муҳосибларниң күнчилігі ҳар тарафға тарқалиб кетгенни жарапларига аئндер. Ва яна, билъакс, хазинада ақча ҳам йук.

Али Құшчи мирзо Абдулланиң яқин орада расадхона ишини йұлға қўйиншига ақли етмади. Шунинг учун бетоблигини баҳона қилди-ю, мирзога миннатдорчилік билдириб, қабулхонадан чиқди.

Сирасини олганда, мирзо Абдулланиң үзи ҳам расадхона ишларини интизомга солиб, шу одам тирик эканлигиде амакисининг битмай қолған ишларини ноёнига етказиши ниятида әди. Лекин бұлмади. Бунға сармоядан ташқари, әл-юртниң ҳамон алғов-далғов бұлғын турғани ҳам сабаб бұлды, албатта.

Үша күнлари эшик оқо мирзо Абдулланиң олдига ҳожи Мұхаммад Ҳусравни топиб олиб келди. Мирзо амакисининг жасади қаерға дағи этилганини билолмай хуноб бұлғында үрган әди. Ясовуллар ҳожини Кеш вилюятидан Ҳазрат Башир мазоридан топиб келишибди. Уни итобға олишга ҳожат ҳам бұлмади. Ҳожи Мұхаммад Ҳусрав воқеани оқизмай-томизмай үзи айтиб берди. Эртаси куни Мирзо Улугбекниң жасадини илғарі күмілған жойидан олиб Гури амирға олиб келиб дағи қылдилар. Қабр устига хотира лавҳаси ҳам үрнатылды. Мирзо Абдулланиң бирдан-бир яхши иши шу бұлды, чамаси.

Мирзо Абдулла бор-йүги бир йилдан сал күнроқ (1450 йилниң 9 майидан — 1451 йилниң 21 июнигача) Темурбекниң таҳтида ултирди. Лекин бутун вақти урушталош билан үтди. Қүнроқ Султон Абу Саид билан, Алоуддавла билан кураш олиб боришінде мажбур бұлды. Шу сабабдан амакисининг илмий ишларини бопілаб юборип хусусидаги нияти үшіншідей қолди.

Лекин Мирзо Абдулла учун ҳамма иш ҳам бир бұлди-ю, Султон Абу Саид билан кураш ҳам. Шуны ҳам алоҳида таъқид этиш керакки, бу тадбиркор одамниң тарафдорлары оз әмасди. Бундайлар айниқса Бухорода күп әди. Абдуллатиф үлдирилғанлиги ҳақида хабар олининши биланоқ Бухорий шарифининг казо-казолари ифтихор ул-уламо Шамсуддин Мұхаммад Арқуқийниң теварагига үюшиб Абу Саидни зиндендан халос қылдилар ва уни.

подиоҳ қилиб күттардилар. Орадан кўп вақт ҳам ўтмади. Султон Абу Саид қўшин тўплаб Самарқанд устига от сурди. Лекин мурод-мақсадига эришолмади. Пойтахт ёнида бўлган жангда мирзо Абдулланинг қўли баланд келди. Султон Абу Саид бўлса қолган-қутган одами билан Ясси ва Саброн тарафларга қараб қочди.

Орадан кўп ҳам ўтмади. Хисори шодмондан «Алоуддавла катта қўшин бирлан келуб, Шобурқон, Балх ҳамда Хисор вилоятининг бир қисмини босиб олди ва Самарқанд фатҳига қўл уриш тараддутида турибдур», — деган ташвишли хабар олиниди. Мирзо Абдулла шошилинч равишда Кеніга катта куч тўплади ва Алоуддавлага қарши отланди. Лекин, хайриятки, уруш бўлмади. Тарафлар сулҳ тузиб орқага қайтишди.

Шу билан мирзо Абдулла мамлакатининг жанубий сарҳадларидан ҳотиржамлангандай бўлди, лекин Сирдарё тараф ҳамон иотинч эди. Бунга яна ўша Султон Абу Саид бош сабабчи эди. У бир илож қилиб Сабронда ўрнашиб олди. Лекин барибир, тиниб-тинчимади. Амир Темурнинг тоғу-тахтини эгаллашдай иштиёқ унга тинчлик бермади. Жонини жабборга бериб, мирзо Абдуллага қарши куч йига бошлади. Бунақа шароитда қўл қовунириб ўлтириб бўлмасди, албатта. Мирзо Абдулла 1451 йилнинг қирчилла-ма қиши кунлари Саброн ва Ясси устига қўшин юборди. Самарқандликлар Сабронни чор атрофдан сиқиб қуршовга олдилар. Қалъя бирмуича мустаҳкам эди-ю, лекин барибир, узоқ муддатлик қамалга дош беролмасди. Абу Саид шу боисдан умаро, вузаро ва бошқа аркон давлатини кенгаш учун тўплади. Султоннинг ўзи аввал сўз бошлади.

— Қалъанинг буржу боралари ҳали пишиқ, локин заҳиранинг чўги наст. Бу етишмагондай қирчиллама қиши. Бундай шароитда қандай йўл тутғонимиз маъқул? Муҳтарам жамоа бандага не қил дейдур?

Даврага сукут чўкди. Анча вақтгача амирлар ҳам, вазирлар ҳам оғиз очолмадилар. Охири амир Абу Саид аргин сукунатни бузди:

— Саброн қалъасининг буржу боралари бошқа шаҳар қалъаларига муқояса қилингонда кўп ҳам нишиқ эрмас. Сиз айтгондай, заҳиранинг камлиги ҳам ҳақ гап. Ло-кин аълоҳазрат нени раво кўрсалар, ўшанга бўйин эгурмиз.

— Бу ерда бирон тадбир ишлатмоқ зарурга ўхшайдур,— деди Жоибек дуллой.

Даврада ўлтирганларининг барчаси фикр-ўйга ботишиди. Шу тариқа узоқ ўлтирдилар. Охири дашт ҳалқининг шаклу

шамойили ва урф-одатини яхши билган Шамсуддин Мұхаммад Арқуқий аҳли мажлисга мурожаат қылды:

— Бандай мүминнинг фикри ожизига кўра ҳам бу ерда бирон ҳийла ишлатмоқ зарур.— Ҳамма унинг оғзига қараб қолди.— Чабдаст ва поргил йигитлардин тахминан юз-юз эллик нафарини ўзбек қўчманчиларининг либосига буркаб, тунда ёгийдин шинҳон тарзда қалъадин ташқарига ихроқ қиласак. Алар эрса сездирмайни ёғининг орса тарафига утуб олиб, илк саҳарда отларига шоҳу-шабба боғлаб, узоқдин сурон кўтаруб қалъя устига от солсалар. Шу бирлан бир пайтда қалъя томига карнайчи, сурнайчи ва нагорачиларни чиқоруб буюрисаким, шодиёнани етти осмонга, балким сидрат ул-мунтаҳога еткуриб чалсалар. Ёгий от суриб, сурон солаётгон йигитларни кўриб ва қалъя дарунидин чиқаётгон шодиёнани эшитуб, қамалдагиларга Абулхайрхон кўмак юборибтур, дебанглайдурлар, албат.

Султон Абу Саид бу ҳарбий найрангнинг сирру-асорини яхши биларди. Буни соҳибқирон ҳокимият тепасига келмасдан бурун Кенши олишда қўллаган эдилар. Шундай бўлса ҳам ифтихор ул уламони мақтаб қўйди:

— Аҳсан, мавлоно. Ақлу-заковатларига тасани. Сиз ҳукмфармоларнинг нонини жўнга емайдурсиз, — «мана, кўриб қўй», дегандай ҳаммага бир-бир тикилди-ю, яна сўзида давом этди.— Биз ҳарбий одамларнинг ақли этишимагон фикрини сиз айтдингиз. Офарин, мавлоно Арқуқий, офарин!

Султон Абу Саид, «хўш, сизларда қандай гап бор», — дегандай яна аҳли мажлисга тикилди.

Юқорида тиљга олийган Абу Саид аргин аҳли кенгаш номидан арз қылди:

— Ҳазрати олийларининг ҳукму-фармонларига бош эгурмиз. Аълоҳазрат нени раво кўрсалар, биз бандалар минг жонимиз бўлгонда ҳам ҳазратимнинг ниятлари йўлида қурбон қилишга аҳд қилғонмиз.

— Ушбу тадбирнинг жилови сизнинг иқтидорли илгинингзга тошириладур, амир ҳазратлари, — деди султон зўр қаттият билан.

Абу Саид аргин даст ўридан турди ва қўлини кўксига қўйиб икки букилиб султонга таъзим қылди

Абу Саид аргин эртаси куни бўйи шу тадбир билан машгул бўлди, юз нафар сара йигитни ўзбек қўчманлари қиёфасига киргизиб, ярим кечада қалъанинг кунботар тарафидағи дарвозасидан ташқарига олиб чиқди. Сунг кечаги кенгашда нима дейилган бўлса, шуну қылди. Ҳужум келаси куни илк саҳарда бошланди. Самарқандликларнинг

қоровули йироқдан от солиб, чўлни бошига кўтариб келаетган «узбек куманчилари»ни кўриб тум-тарақай булиб қочди. Ҳайқириқ ва сурондан мурчилдагилар ҳам бедор бўлдилар. Отларнинг туёги ва шох-шаббалар кутарган чанг-тўзон осмони фалакни қоплаб, қариб бир фарсах масофани тутиб кетган зди. Бу ҳолни узоқдан кўрган самарқандликлар буни тумонот аскар чоглаб, мурчилларини ташлаб чиқдилар, қамални бўшатиб ҷодир, эҳтиётдаги от-улови, уғруқ ва бошига анжомларини ташлаб қочдилар.

Лекин, барибир, Султон Абу Саид Саброн билан Яссиини қўлда тутиб қололмади. Мирзо Абдулла катта лашкар билан Шоҳруҳияга келиб тушди, деган хабар энитилиши билан, унга тоб бериниг ақли етмай, Сабронни ташлаб қочди. Султон Абу Саид бирмунча вақт қаёққа боришини билмай, Сайхун бўйларида тентираб юрди. Лекин кун ўтмай унинг иши яна юришиб кетди. Кунлардан бир куни Яссида ҳазрат султоннинг хонақосида тунаб қолганда бирдан хожа Убайдуллоҳ Ахрор ўтган йили Паркатда айтган ган эсига тушди: «Хоқони муazzзам Абулхайрхон ҳузурига бор ва ондин мадад тила», — деган эди унга уннанда эшон. Тонг билан Султон Абу Саид Сигноққа қараб йўл олди, «Тарихи Абулхайрхоний» муаллифининг ибораси билан айтганда, Султон Абу Саид охирни хон ҳузурига борди ва «чук туниб, тилини дуога ва давлатхоҳлиқга очди ҳамда тожу таҳт иштиёқида қозоқлик қилиб юрган подшоҳларга хос хизматкорлик ва итоаткорлик қондаларини бажо келтирди».

Ўннанда Абулхайрхон Султон Абу Саиднинг илтимосини қабул қиради. Хоннинг узи катта қуанини билан Тонкент, Чинос ва Жizzах орқали Самарқандга қараб йўл олди. Буни энитиб мирзо Абдулла ҳам қуанини билан келиб Шероз шаҳарчаси ёнида, Булуңгур аригининг буйида ясол тузди. Шу ерда икки уртада қисқа, лекин қаттиқ уруш булди. Нировардида иттифоқчилар голиб келдилар. Мирзо Абдулланинг узи жангда ҳалок булди. Хондамир кеатирган маълумотларини инобатга оладирган бўлсақ, бу даҳшатомуз воқеа 855 йил жумоди ал-аввал ойининг 22-куни (1451 йил 21 июн куни) содир булди.

Ўндан кейин Султон Абу Саид Самарқандни эгаллади, Абулхайрхон булса султон битишув шартларини ба-жарунга қадар Конигилда турди. Орадан бир неча кун утгач, хон катта улони олиб юртига қайтди. Ўнданда Абулхайрхон мирзо Улугбекнинг кизи Робия султон бегимини хотинликка олиб, узи билан бирга Сигноққа олиб кетди. Робия султон бегимдан хон икки угиллик булди.

Улар тарихда Суюнчхожаон ва Күчкүнчиҳои номи билан машхур бўлдилар.

Султон Абу Сайд тожу-тахти эгаллади-ю, лекин бир неча йил қийинчилик тортди. Биринчидан, хазина худди мирзо Абдулла давридагидай, бўм-бўш эди. Бунинг устига элу-юрт иотинч эди. Масалан, 1454 йили Мовароуниҳрга Абулқосим Бобур бостириб кирди ва Самарқандни қамал остига олди. Бу етишимагандай, батъзи йиллар қуруқ келиб, турли касалликлар тарқалди. Бу ҳол ҳалқнинг тинкасини қуритди. Кечагина «шундай обод ва аҳолиси зич бўлган мамлакат,— деб ёзган эди Абдураззоқ Самарқандий,— букуп ҳаробазор ва чўлу-биёбонга айланди.» Бундай шароитда расадхонага маблаг ажратиш ўёқда турсин, давлатнинг зарур эҳтиёжларига ҳам сармоя тониш мушкул булиб қолди.

Орадан етти йил ўтгач, Султон Абу Сайд Мовароуниҳри балоғатга стмаган етти янар ўғли Султон Аҳмадга қолдириб, узи Ҳиротга кўчib кетди. Хайрлапув муносабати билан тўпланишга йигилишда илгари эшик оқоси мансабида турган Жонибек дулдойни шаҳзодага оталиқ этиб тайинлади.

Шаҳзодани сизларнинг инон-иҳтиёрингизга тобшурдик. Сизларни эрса, таңгри таолога,— деди султон Абу Сайд Жонибек дулдой билан хожа Убайдулло Аҳрорга мурожаат қилиб. Лекин, «ғариб аҳлоқ ва атворлиқ» оталиқнинг илм-маърифатга кўн ҳам ҳуши йўқ эди, хожа эса кўпинча бисотидаги жамгармага янги ер-сув ва молмулк сотиб олиб қўниши билан овора эди. Мана, келганига кўн ҳам ўтмай. Ҷарби сўзангарондан Ҳасанхожа деганинг катта ҳовлисини. Нигор биби деганинг Мачоқ маваеъидаги уч қитъя ерини. Солиҳа султондан ўн нафар дўконни сотиб олди.

Хожа Убайдулло Аҳрор Самарқандга Султон Абу Сайд ҳокимият тенасига чиққандан (1451 й.) кейин кучириб олиб келингган. Унинг Самарқанддаги ижтимонӣ-сиёсий фаолияти, тарихий маиналарда келтирилган маълумотларга танигудек бўлсан, 1454 йилдан бошланади. Унга қадар ота юрти Тошкентда истиқомат қилиди. Тугри, унинг таржимаи ҳоли битилғап китоблаарда 1454 йилгача эпоннинг Самарқандга икки бор келиб-кетганини қайд қилингган. Биринчи марта у Самарқандга тахминан йигирма икки ёнда эканалигига (хижрий 828 й.) мадраса таълимими олими мақсадида хожа Исмоил деган шахсга қўшиб юборилган, маълум вақт уша шаҳарда турган, лекин ӯқинига майли бўлмай, қолаверса, тез-тез касалга чалиниб

(бир марта ҳасба касалига, сунгра күз оғригига дучор бўлиб қолиб кетиб қолган). Эшоннинг котиби Али ибн Хусайн Ваиз ал-Кошифийнинг «Рашахоту айн ул-ҳаят» («Ҳаёт булоқларида қатралар») деган китобида унинг бу хусусда айтган мана бу сўзлари келтирилган: «Шу маслаҳат бирлан мени Тошкентдин Самарқандга олиб келдилар ва кўп ҳурмат-эҳтиром кўргуздилар. Лекин ҳар сафар тоңг отиб ўқишига боратургон вақт келганида касалим зўрайиб таҳсилга боришимга монелик қилур эрди. Охири ҳасба билан оғриб қолдим ва ўз-ӯзумга дедимким, мен таҳсил қиласургон ахволда эрмасдурмен, сизлар эрса қанчалик тиришсангиз ҳам мени ўқишига олиб боролмайдурсиз. Шундай қиласургон бўлсангиз ўлиб қолурмен. (Хожа Исломил) гапидан қаттиқ таъсириландилар ва «ахволингни яхши билмайдурмен, локин шу гаплардин сўнг не қиссанг ихтиёринг ўзингда, сени мажбур қилмайдурмен», — дедилар. (Яна) бир сафар таҳсилга боришига қасд қилдим, локин кўзум оғриб қолди. Касаллик қирқ беш кун давом этди. Охири ўқишини тарқ қилдим. Дебдурларки, нахву сарфдин бор-йўги икки саҳифа ўқибдурмен».

Шу тариқа хожа Аҳрор ўқишини тарқ этди. Бир-икки бор хожа Низомуддин Ҳомуш ва Самарқанднинг катта уламоларидаи Қосим Табризий билан учрашган бўлди-ю, сўнг Бухоройи шарифга қараб жўнади. Бухорода анча вақт туриб, мавлоно Ҳисомиддин билан хожа Алоуддин Гиждувонийларнинг сұхбатларида бўлди. Сўнг Марв орқали Ҳиротга борди. Бу ерда Саййид Қосим Табризий, шайх Баҳоуддин Умар ва мавлоно Зайнуддин сингари машҳур шайхларнинг сұхбатида бўлди ва охири Шонуркон ва Балх орқали Ҳисорга борди. Балхда мавлоно Ҳисомиддин Порсо билан учрашди, Чагониёнга бориб, ҳазрат Алоуддин Атторининг қабрини зиёрат қилди, сўнг Ҳулгатуга нақшбандия тариқатининг кўзга кўринган намояндадаридан мавлоно Яқуб Чархийнинг ҳузурига борди. Мавлоно Яқуб Чархий билан хожа Убайдулло Аҳрор бир-бирларига маъқул бўлиб қолишиди. Шундан кейин бу одам бир умрга хожа Аҳрорга пир бўлиб қолди. «Йигирма тўқизга тўлғунумизгача, деб ҳикоя қиласади хожа Аҳрорнинг ўзи, — турли шаҳарларда бўлдик, вабо тарқалишидин беш йил бурун Тошкендга кеддик. Вабо тарқалиши воқеаси ҳисқрий 840 йили содир бўлди».

Хожа Аҳрорнинг Улугбек билан учрашгани-учрашмагани ҳақида маъқибларда ҳам, тарихий китобларда ҳам бошқа маълумот учратмадик.

Хожа Ахрор иккинчи марта Самарқандга мирзо Абдулла таҳтга ўлтирган йили келди. «Рашаҳот»да бу ҳақда мана бу ҳикоятни ўқиймиз: «Мавлоно Носируддин Ўтрорийдин бундай нақл қиласидилар: ҳазрат эшон шариат унинг мадади бирлан қувватланишини тушларида куриб-дурлар. Шундин кейин муборак хотирлариға келибдурким, бу маъни подшоҳларнинг воситасисиз амалга ошмас. Бинобарин, Самарқандга бориб султони замон бирлан учрашмоқчи бўлибдурлар. Мирзо Абдулла иби мирзо Иброҳим иби мирзо Шоҳруҳ ўша пайтда Самарқандпинг ҳокими эрканурлар. Мен (мавлоно Носируддин Ўтрорий — Б. А.) ўша вақтда ҳазрат эшон бирлан бирга эрдим. Самарқандга борғонимиздин кейин миран Абдулланинг амирларидин бири ҳазрат эшоннинг ҳузурига келди. (Ҳазрат эшон) унга дедиларки, бизнинг ушбу вилоятга келишимиздин мақсад мирзоингиз бирлан учрашишдур. Агарда сиз ушбу ғоянинг амалга ошишига боис бўлсангиз қўй яхши бўлур эрди. Ўша амир одобсиалиқ билан жавоб қилди: мирзоимиз ўта бешарво йигитдур. Сизнинг у билан учрашишингиз ташвишдин ҳоли эрмасдур. Дарвешлар ўзларини бунақа ташвишга солишларининг не ҳожати бор? Ҳазрат эшоннинг жаҳли чиқуб дедиларки, бизга подшоҳлар бирлан мулоқотда булиш (тангри таолодин) буюрилган, ўзимизча келган эрмасмуз. Агар мирзоингиз парво қилмаса, парво қилатурғони топилиб қолур...»

Хожа Ахрор эл-юрт бошига катта ташвишлар тушган пайтларда, яъни мамлакат уруши хавфи остида қолган вақтларда қўл қонуштириб четда турмади. Масалан, 1454 йили Мовароуннаҳрга Абулқосим Бобур бостириб кириб Самарқандни қамал остига олганда, 1463 йили уч ҳукмдор: Самарқанд подшоси Султон Аҳмад мирзо бир тарафдан, Андижон ва Фарғона ҳокими Умаршайх мирзо билан Тошкент ҳокими Султон Маҳмудхон иккинчи тарафдан Ховос ёнида лак-лак қўшин билан саф тортиб, бир-бирига қилич ўқталиб турганда, тахминан ўша йиллари Абдуллатифнинг ўғли Муҳаммад Жуқий билан амир Нураидбек Нурота ва Шоҳруҳия теварагида Султон Абу Сайдга қарши қўзғолон кўтарганда хожа Убайдулло Ахрор можарога қатъян аралашди ва тарафгузарларни ярастириб қўйди. Буни у қора халқнинг манфаатинигина кузлаб шундай қилмади, балки, биринчи наинбатда ўз манфаатини, ҳукмрон феодал синфининг мақсад ва манфаатларини ҳам кузлаб қилди. Чунки уруши боплангундай бўлса сармоядорлар ҳам катта зарар кўрадилар да. Бундан ташқари, бу билан хожа Ахрор кенг халқ оммаси олдида

ўзини халқарвар қилиб күрөатиб, уйнің тұла ишончими қозонмоқчи, мамлакатнинг ижтимоий-сийесий ҳәётидаги мавқеини мустаҳкамламоқчи, қодаверса, қора халқни ҳам, ҳукмдорларни ҳам үзига мүтеъ қияиб олмоқчи. Ҳа, у бунга әришди ҳам. Суст, тақводор ва бесавод Султон Аҳмад мирзо (1458—1494) мамлакат ва давлатнинг жиловини амирлар ва хожа Ахрорнинг құлиға бериб қўйди. Захириддин Муҳаммад Бобур (1483—1530) Султон Аҳмадни бундай таърифлайди: «... бені вақт намозни бешак ўтар эрди... Ҳазрати хожа Убайдуллоға ирбати бор эрди. Ҳазрат хожа (анга) мураббий ва муқаввий эрдилар... Ҳеч нимарса ўқигон эрмас эрди, оми эрди. Бовожудким, шаҳарда улгайиб эрди, (локин) турк ва содда эрди. Табъидин баҳраси йўқ эрди... ихтиёри беклари илгига эрди». Ҳа, умрида бир нима ўқимаган, фақат беш вақт намозни тарк этмай тоат-ибодат билан кун кечирган, салтанат тизгинини беклари қўлиға тутқазиб қўйган одам қандай қилиб ҳукмдор бўлсин, қандай қилиб илмнинг қадрига етсин, яна бу илм дунёвий бўлса! Лекин нима бўлғандан ҳам хожа Убайдулло Ахрор 1454 ва 1463 йиллари мамлакат ва халқнинг бошида катта қонли уруш тугилгандан уни бартараф қилди, элу-юртни хонавайронликдан сақлаб қолди. Бу — унинг жуда катта халқарварлиги эди.

Қисқаси, Султон Аҳмад даврида ҳам расадхона эътибордан четда қолди.

40—50-йилларда ва ҳатто ундан кейин ҳам ёзилган баъзи китобларда расадхона Улугбек фожиасидан кейиноқ бузиб ташланган, деган фикр айтилган. Шу фикр тұгрими? Ҳўш, шундай булғач, расадхонани уша вақтдаёқ, яъни Улугбек ўлдирилгандан кейиноқ бузиб юборганларми? Йўқ, албатта. Улугбек расадхонаси XVI асрнинг бошида ҳам бус-бутун бўлган. Бобур Самарқандга бу мудхини воқеадан, яъни Улугбек ўлдирилгандан қарийб эллик йил ўтиб келган эди. У Улугбек қурдирган имаратлар, боғлар, шулар қатори расадхонани ҳам үз қўзи билан кўрган. Мана унинг сўзлари: «Улугбек Мирзонинг имаратларидин Самарқанд қалъасининг ичидаги мадрасаса ва хонақоҳдур. Хонақоҳнинг гумбази бисёр улуг гумбаздур... Яна ушбу мадрасаса ва хонақоҳга ёвуқ бир яхши ҳаммом солибтур, мирзо ҳаммомига машҳурдур... Яна бир олий иморати Пуштайи Қуҳак доманасида расаддурким, зич битмакининг олатидур. Уч ошёналиқдур...» Ҳа, Бобур расадхонанинг уч ошёналиқ (қаватлик) эканини ҳам кўрган ушандা.

Расадхона ҳам, Самарқанднинг бошқа имаратлари ҳам бирмунча кейинроқ вайрон бўлган ва унинг сабаблари ҳам

тамоман бошқа, хожа Ахрор эмас. Бу ҳақда ўша вакътлардан қолган эски китобларда, хусусан «Дастур ул-мулук» (тах. 1696 й. ёзилган), «Тарихи Абулфайзхоний» (1747 йилдан кейиндоқ ёзилган), «Тухфат ул-хоний» (1780 йил атрофида ёзилган). «Зикр таъдоди подиоҳони ўзбек» ҳамда «Самария» (ўтган асрда битилганды) каби асарларда қимматли маълумотлар бор. Шу маълумотларга кўра, расадхона, мадраса ва Самарқанддаги бошқа бинолар XV асрда эмас, балки ундан 200—250 йил кейин — XVII асрдан вайронагарчиликка юз тутдилар. Бунга, биринчи навбатда, XVII — XVIII асрларда ўзаро феодал кураш ва ур-йиқитларнинг бениҳоят кучайиб кетиши сабаб бўлди, албатта. Маълумки, Темурийлар давлати таркибига кирган Мовароунинар XVI — XVII асрларга келиб икки мустақил давлатга: Бухоро ва Хива хонликларига ажralиб кетди. 1709 йили Бухоро хонлигидан Фаргонада Тошкент ҳам ажralиб чиқиб Қўқон хонлиги таъсис этилди. Орадан кўп вақт ўтмай, 1722 йили Самарқанд ҳам Бухоро хонлигидан ажralиб чиқди. Бу ерда ҳокимият Ражабхон исемлик нодон ва жоҳил хон қулига утди. Бу хонликлар орасида урущ-талаш тинмади. Масалан, 1681, 1685 ва 1686 йиллари Хива хони Анушахон Бухоро хонлигига уч бор бостириб кирди. Ўшанда Қоракўл, Бухоро, Самарқанд, Насаф ва Кеш шаҳарлари катта талон-тарожга мубтало бўлдилар. XVII асрда, шунингдек 1722—1728 йиллари қозоқ хонлари Мовароунинарнинг ички районларига кўп бор бостириб кирдилар ва Тошкент, Шоҳруҳия, Бухоро ҳамда Самарқанд атрофини беаёв талаб кетдилар. 1740 йили улкамизга Эрон подшоси Нодиршоҳ бостириб кирди. Яна қон тўкилди, юрт талон-торож қилинди. Ўшанда босқинчилар Самарқанднинг осору атиқаларига ҳам зарар етказдилар, кўзларига яхши кўринган нарсаларни, масалан, қўли гул усталар ишлаган ўймакор гулдор эшикларни қўнориб олиб кетдилар. Бу ва бошқа ур-йиқит ва можаролар юртга оғир кулфатлар келтирди. Халқ катта жабр курди, шаҳарлар вайрон бўлди. Ундан ташқари, тез-тез бўлиб турадиган қурғоқчилик, қаҳатчилик, сув тошишлар, зилзилалар ва бошқа табиий оғатлар ҳам эл-юртнинг тинкасини қурилди. Бир муътабар қулёзма асарда айтилишича, XVIII асрнинг биринчи ярмида шундайин азим шаҳар Самарқандда бир маҳалладан ортиқ халқ қолмаган экан. XVIII асрнинг биринчи чорагида бўлган ур-йиқитлар оқибатида қози Соқий, Саид Аҳмадхўжа, хожа Ахрор, қози Гафур. Ҷари занжир ва Шайбонихон мадрасалари тамоман вайрон бўлди. Ўшанда қайси бир

хукмдорнинг амри билан, мұхолиф кузатиш учун фойдаланмасин деб, Улугбек мадрасасининг иккинчи қавати тамом бузиб ташланди. Горатгарларнинг дастидан расадхона ҳам омон қолмади. Домла Садриддин Айний Абу Тоҳирхожанинг «Самария» китобига ёзган изоҳотида бу хусусда бундай деганлар: «расадхона қайси бир хон даврида «остида олтин кўмулғон» ҳаёли бирлан буздирулғон эрди. Бирон нима топулмағач шу ҳолатда қолдирилди. Замонанинг кечиши бирлан у тупроққа кўмулиб кўздин йўқолди», Кейинча мутаассиб руҳонийларнинг иғвоси билан унинг қолган-қутган қисми ҳам бузиб ташланди. Улар «бу муқаддас жой, у ерга азиз-авлиёлардан Чўшон Ота дафи этилган» деган мишишиларни тарқатишганди.

1897 йилнинг куз палласида бўлган кучли зилзила ҳам Самарқанднинг осори атиқаларига катта зиён етказди.

Улугбек расадхонасининг тақдирни ҳақида фақат айрим, ўзимизга маълум бўлган фактларнигина келтирдик. Ҳали қидириб тонилмаган, ўқиб ўрганилмаган қўлёзма китоблар, васиқалар ва бошқа манбалар борлиги шубҳадан ҳолидир. Ҳар ҳолда Улугбек расадхонасининг XV асрда бузилмаганлигига аминиз.

Али Қушчи кейинги вақтларда аҳён-аҳёнда расадхонага бориб турди. Бир гал ичкарига ҳам кирди, айланди, ҳужрасига кириб бир оз ўтирган ҳам бўлди. Лекин, барибир ингга қули бормади. Бундан ўн-ўн беш йил илгариги воқеалар куз ўнгидан ўтаверди. Ўша пайтлар бирга ишлашган дўстларини эслаб, айниқса валинеъмати Мирзо Улугбекнинг сиймоси кўз ўнгидан ўтиб, кўнгли бузилди. Кутубхонага кирди-ю, лекин у ерда ҳам ортиқча қололмади, апил-тапил Хоразмий (тахм. 783—850) нинг «Китоб ал-жабр ва-лмуқобала». Хабаш ал-Марвозийнинг (864 йили вафот этган) «Зиж ас-сагир», Аҳмад ал-Фаргонийнинг (IX аср) «Китоб фи жавомиъ илм ан-нужум ва усул ал-ҳаракат ас-самовия», Абулқосим Абдуллоҳ иби Аҳмаджўр ат-Туркий ал-Ҳеравийнинг (IX аср охири X аср бошлари) «Зиж ал-бадиъ», Абулқасан Абдураҳмон иби Умар ас-Сўфийнинг (903—986) «Сувар ас-самовия», Абульвағо Бузжандийнинг (940—998) «Китоб ал-комил», Ибн Синонинг (980—1037) «Китоб аш-шифо», Абу Райҳон Берунийнинг (973—1048) «Қонуни Маъсүдий», Умар Хайёмнинг «Зиджи Маликшохий», Носируддин Тусийнинг «Зиджи Элхоний», Чагминийнинг «Ал-мулаҳҳас фи-л-ҳайъа» китобларини белбогига чигиб уйига олиб кетди-ю, кейин

у ерга бошқа бормади. 1460 йилдан бошлаб эса тез-тез Ҳиротга бориб турди. Бир гал ёнилигиде маълум вақт таҳсил курған Қирмонга ҳам борди. Ҳиротда бўлган кезлари у мадрасадош дусти мавлоно Абдураҳмон Жомий-никига ҳам бориб турди.

1470 йилнинг кузи эди. Мавлавий (Абдураҳмон Жомий) шогирдларидан Қамолиддин Абдулвосеъ ан-Низомий билан суҳбатлашиб ўтирганди. Шу пайт Али Қушчи кириб келди. Қўлтигида бир нарса ўралган тугунча. Мавлавий унга кўзи тушиши билан даст ўрнидан турди ва дўстини очиқ чехра билан қарни олди.

— Марҳабо, мавлоно, марҳабо! Муборак қадамларига хасанот! Қайси шамоллар учирди?

— Қуллук, мавлоно.

Дўстлар қучоқ очиб куришдилар. Жомий мўътабар меҳмонга тўрдан жой кўрсатди.

Фотиҳа ўқилиб, ҳол-аҳвол суринтиришганларидан кейин Али Қушчи тугунни очиб, ундан куни кеча сахҳофнинг қўлидан чиқсан пистаранг муқовалик китобни олиб дўстига узатди:

— Каминайи камтариннинг арзимас тухфасини қабул қилгайсиз, мавлоно.

Жомий ташаккур билдириб ундан китобни олди; аввал зўр ҳавсала ва санъат билан ишланган муқованинг ўёқ-буёгини кўздан кечирди, сўнг очиб бир-икки еридан ўқиган бўлди. Биринчи варагидан унинг номини тониб қувониб кетди.

— «Шарҳи «Тажрид ул-калом» эркан ушбул маҳтуттнинг номи. Аҳсан дўсти азиз, хўб қимматли китоб ёзубсиз.— Жомий китобдан бошини кўтариб Али Қушчига қаради.— Янглишмагон бўлсан ушбул шарҳ Исфаҳонийга тегишли бўлса керак?

— Йўқ, устоз. Банданинг ушбу китоби Носируддин Абу Жаъфар Муҳаммад ат-Тусийнинг «Тажрид ул-калом»ига битилмиш шарҳдор.

— Ха, эмди хотиримга келди. Мен айтғон Исфаҳонийнинг китоби ҳам ушал «ат-Тусий»га ёзилгон шарҳ эрди.

— Ори, устоз. Локин ушал ал-Исфаҳоний «Тажрид ул-калом»нинг фақат бир жузъинигина шарҳлагон эркан. Биз они тўлиқ шарҳладик, ечилмагон, парда остида қолиб кетгон ўринларини тўлатдик.

Жомий китобни яна бир фурсат варақлаган бўлди, сўнг «куни мўътабар китоб бўлубтур, вақт мусоида қисса они албатта бафуржга ўқуб чиқурмиз»,— деб уни токчага олиб қўйди.

Али Қүшчи китоб мавлавийнинг манзур назарига маъқул тушганидан руҳланиб кетди.

— Афсуским, мавлоно, фақири ҳақирниңг унбу замонда Улугбек мирзодек мураббийси йўқдур. Яқинда сultonнинг (Абу Сайднинг) кетидин Кирмонга боруб, мазкур рисоланиңг бир нусхасини ул жанобга ҳам тортуқ қилдик. Тухфа он ҳазратниңг қабул шарафига манзур бўлди шекилли, бандани эллик минг динор бирлан мукофотладилар, локин подпоҳнинг юзидин раҳнамо-лиқа мойиллик аломатларини сезмадим. Мойиллиги бўлғонда эрди, албатта расадхонага қайтур эрдим. «Мифтоҳ» нинг учинчи жузъини ва яна илми ҳайъатдин кўн китоблар битиб берур эрдим.

Жомий анча кексайиб қолган бу одамдаги жуаш уриб турган гайратни қўриб қойил қолди, лекин ёши етмишга бориб қолганини сезмай зиммасига шунича катта мажбурият олаётганидан таажжубланди. Сўнг гапни бошқа тарафга буриб юборди:

— Муқарраб ас-сultonнинг ҳузурларида бўлғондурсиз, мавлоно?

— Ҳа, эсим қурсин, сал бўлмаса унутаёзибмен. Бўлдим, устоз — Али Қўшчининг кайфияти яна ҳам кўтарилидди, — фақирниңг ариз сизининг илтимосингиз туфайли ижобатга олинди. Сиздин ҳам миннатдормен, устоз.

Али Қўшчи утган ҳафта, қистаб қўймаганидан кейин, Жомий ҳазратлари амири кабир Низомиддин Алишернинг номига ёзиб берган руқъани назарда тутди. Руқъада мана бу сўзлар ёзилган эди: «Фақир Абдураҳмон Жомийдин. Арзу ниёздин сўнг сўз шулким, мавлоно Алоуддин Али Қўшчи ҳозирда аввалги сафардаги киби (Румга кетиш хусусида) ижозат сурани ҳақида қатъийлик қўрсатмоқдалар ва кўп хафа бўлмоқдалар. (Жанобларидин) илтимос шулким, иноят юзасидин шундоқ қилсаларки, ижозат тезроқ берилса...»

Лекин Жомийнинг юзидан унинг хурсандлиги, ёки хурсанд эмаслигини англаб бўлмади. Шундан Али Қўшчи бир оз тараддудга тушди, сўнг жиддий тусда унга мурожаат қилди:

— Нима, хурсанд эмасмусиз каминанинг бу қилғон ишидин, мавлоно?

— Арзингиз олий даргоҳда итобатга олинганидин хурсандмен, мавлоно Али. Локин, фақирниңг бу хусусда муболагаси ҳам йўқ эрмас. Еш етмишга боруб қолғонда ватанин тарқ этмайин охират тадорикини кўрмоқ зарур

эрди. Яна ким билади дейсия? Ахир йўл олис, ундин ташқари хавфу-хатардин ҳам ҳоли эрмас.

Али Қушчи дустига мана бу икки мисраш шеър билан жавоб қилди:

Кун ўзлар Самарқанду Ҳирот фазлимдин
баҳраманд улди.
Давлатдин кеч, букун нағбат ул кинварга етди.

...Бир ҳафтадан кейин Али Қушчи юқ-тақи ва хос хизматкорлари билан Ҳиротни тарқ этиб, Рум сари йўлга тушибди. Орадан бир ой утиб, унинг аҳлу оиласи, яқин қариндошлари ва хизматкорлари ҳам Самарқанддан Ҳиротга келиб тушдилар. Мавлавий амир Низомиддин Алишер орқали Султон Ҳусайн мизодан (1469—1506) уларга ҳам раҳнома олиб берди...

Али Қушчи ва аҳлу оиласининг карвонида икки юз атрофида одам, жуда кўп китоб бор эди...

Али Қушчи бир мунча вақт Табризда турди, сўнг 1472 йили Истамбулга келди. Туркия султони Муҳаммад Фотих II (биринчи ҳукмронлиги 1444—1446, иккинчи ҳукмронлиги 1451—1481) уни катта иззат-ҳурмат билан қарши олди ва Айя сўфия мадрасасига бош мударрис қилиб тайинлади. Олимнинг ойлик маоши икки юз танга, деб белгиланди. Али Қушчи ҳижрий 879 йил шаъбон ойининг еттиламчисида шаиба куни (1474 й. 17 декабр) оламдан утди. Жасадини Айюб Султон қабристонига олиб бориб дафи өтдилар. Аҳмад битган ушбу тарих унинг қабр тошига ёзиб қўйилди:

Раҳнамойи илм мавлоно Али Қушчи,
Чун ба-суйи равзай ризвон бирафт.
Буд зи ҳижрат ҳаштсаду хафтоду нўх.
Рузи шанбе ҳафтуми шаъбон бирафт.

Яъни:

Илм-фани раҳнамоси мавлоно Али Қушчи,
Жаннат гулзори сари юзланган вақт:
Ҳижратдин саккиз юз етмиш тўққизинчи йил,
Шаиба куни шаъбонинци еттинчи куни.

Али Қушчининг хайру-худойилари утиб бўлган куннинг эртаси Муслим Аҳмад бобосининг кутубхонасини тафтиш қилиб ўлтириб, қогоzlари орасидан муҳим бир

хатининг мусаввадасини топиб олди. У марҳум Гиёсиддин Жамшииднинг Кошонга отаси номига юборган катта мактубининг кўчирмаси экан. Мактубда мана бу гаплар бор:

«Падари бузрукворимизнинг илгини ўниш саодатига етишин иштиёқи бениҳоят каттадур. Таңгри таоло (фақирдин) марҳаматини дариг тутмай шундайин саодатга еткузгай.

Фақирнинг ушбу мактуби муқаддас зулқаъда ойининг 7-куни битилгон...

Маълумким, Конон ва олинг теварак-атрофига ҳар бир фанинг бир ёҳуд икки намоёндаси бордур. Аларга, гарчи билимдон бўлмасалар ҳам, баъзилар ишонурлар, бошқа бирорлар ишонмайдурлар.

Самарқандда эрса, тангри таоло ани оғатлардин асрасун, бундоқ эрмасдур, чунки ислом подноси (Мирзо Улугбек), тангри таоло анинг давлатини абадий қилсун, ўзи олим кишидур. Мен ушбу гапларни ҳурмат-эҳтиром юзасидин айтиётгоним йўқ.

Бор гап шулким, бирламчидин, ул киши муқаддас «Қуръон»нинг катта қисемини ёддин биладурлар, ани шарҳлаб бера оладурлар; муҳаддисларни ҳам номма-ном айтуб бера оладурлар. Ҳар куни халқ олдида андин икки сурани ўқийдурлар, локин биронта хато қилмайин тўгри ўқийдурлар. Сарф ила наҳвни (ҳам) яхши биладурлар, арабчани кўп яхши ёзадурлар. Шу бирлан бирга, фикҳни, мантиқни, илми адабни, мусиқанинг назарий асосларини яхши биладурлар.

Риёзиёт илмининг барча соҳасида кенг маълумотга эгадурлар. Бу бобда шу даражага етишгонларким, бир куни от устида ўлтиргонлари ҳолда 818 йил ражаб ойининг унинчиси бирлан ўн бешинчиси уртаси, душанба куни, йил фаслларининг қойси айёмига тўгри келишини суриштириб қолдилар. (Ҳеч ким айтиб беролмагач) олинг ўзи, отдин тушмагон ҳолда, қуёшининг узунилигини даража ва дақиқаларигача ҳисоблаш йўли бирлан они очиб берди. Ҳақиқатан ҳам ёддин ҳисоб-китоб қилгона рақамларни эсда тутаби-лиш лозим. (Ўшал пайтда) бир одам ёддин ҳисоб-китоб қилишга ҳаракат қилиб кўрди, локин хотираси дуруст эрмас экан, у они даража ва дақиқаларигача ҳисоблаб беролмади. Ёддин ҳисоб-китоб қилиб бериш замондошлиардин (бошқа) ҳеч кимнинг илгидин келмайдур.

Унбуни ҳам қайдга келтирмоқчикурменки, Улугбек Мирзо унбул илмда тенги йўқдур. Осмон ҳаюдислари хусусида асосли далиллар келтира оладурлар, сахих

хulosалар чиқоришга қодирдурлар. Зоти олийлари Носируддин Тусийнинг «Тазкира»си ҳамда Қутбиддин Маҳмуд иби Масъуд Шерозийнинг «ат-Тухфа аш-шоҳий» асарлари бўйича шу даражада зур дарс ўқийдурларким, ортиқча изоҳлашга муҳтоҷлиги йўқтурур.

Сонини, ҳозирги вактда Самарқандда энг машхур олимлар йигилгон, тамом илмлардин дарс берувчи мударрислар ҳам кундуру. Аларнинг аксарияти риёзиёт илми бирлан бандурлар...

Хулласи қалом, (унибу шаҳарга) илмининг ҳар соҳасидин мутахассис кишилар тўплангон эркан...

Аълоҳазрат, давлатианоҳ (Улугбек мирзо) кун аро дарс ва машгулотларда иштирок этадурлар, иштирок этгонларида ҳам риёзиётдин дарс беришни хуш қурадурлар. Унибу машғулотларга банда ҳам қатношатургон бўлуб қолдим...

Қадимги подиоҳлар, осмон ёритгичларини кузатини ишини бошиқаларга буюар эдилар-у, лекин ўзлари (хатто) ҳар бир ойна олдида қанича одам туришлигини билмас эдилар. Олам подшоси Мирзо Улугбек бўлса, тангри таоло унинг давлати ва ҳокимиятини улугласин, расадхонадаги ишиларга ўзлари раҳбарлик қиласидилар ва шу ерда меҳнат қиласидилар...

Ҳозирги пайтда Самарқандда, тангри они оғатлардин арасасун, бундай одамлар сони 60—70 га этадур. Аларнинг барчаси риёзиётга даҳлдордурлар. Мана ҳозир 10—15 йилдин бери самарқандликлар ушбул фан бирлан машгулдурлар, машгул бўлганда ҳам жиддий шугууланадурлар, чунки оламианоҳ ҳазратларининг ўзлари ҳам шул илм бирлан машгулдурлар...

Одамлар маони ҳамда касбу-хунари ўзгалардин ортуқ бўлсун, деб йиллаб заҳмат чекадурлар. Локин... бундай кишилар озчиликни ташкил этадур. Аллоҳга цукрким, банда она юртида қўп вақт истиқомат қиласидин сўнг шундай кўркам шаҳарда, олим, донишманд, билимга ҳавасмандларнинг нушту наноҳи бўлмиш аълоҳазрат, оламианоҳ теварагига уюнион олимлар орасига тушуб қолдум...

Аълоҳазрат одамларнинг тақдирни бирлан қизиқмай қўйғон тақдирда эзгулик — ёвузлик, ёвузлик эрса эзгуликдай туюлар эрди. Аммо, ... тобеъларидин бирон шахс йўқким, ани аълоҳазрат яхши билмасун...

Аълоҳазрат аслида беҳад олийҳиммат, мулойим, меҳрибон одам.

Баъзида мадрасада аълоҳазрат бирлан талабалар ўртасида айрим илмий масалалар устида шунаقا ҳам

тортишувлар бўлур эрдики, анинг тафсилотини ушбул ерда келтуриб бўлмас. Онҳазрат «баҳсга сазовор бўлгои масала тўла ечилимогунча ва исбот қилинмогунча баҳслапшилсун, кур-кўрона ҳамма нарса тушунурли, деб айтиши ўйл қўйилмасун», — деган мазмунда хукм чиқаргон эрдилар. Баъзида кимдир, онҳазратга ҳурмат юзасидин, у келтиргон далиллар бирлан келушгундай бўлса, қаттиқ норози бўлур эрдилар ва аларниңт юзига қараб «мени ҳеч немарсан билмайдур, деб овора бўлмангиз», — дер эрди. Баъзида мудҳолифини имтиҳон қилиш учун атайлаб бирон иотүгри ечимиň ўртага ташлagon ечими тўғри деб топатурғон бўлса, масалани қайтадин ўртага қўюб ўшал одамии уялтирад эрдилар.

Сойангиз нойдор бўлгай.

Фақир хизматкорларингиздин бири Гиёс».

1908 йили самарқандлик археолог олим Василий Лаврентьевич Вяткин ўзи учун ҳам, бошқалар учун ҳам кутилмаганда зўр бир илмий кашфиёт қилиб қўйди. У Самаркандинг шарқий-шимолий тарафида жойланиган Кўҳак ёки Чўпон Ота деб аталган бир теналиқдан Мирзо Улугбек расадхонасининг қолдиқларини тоиди. Ҳа, В. Л. Вяткиннинг кашфиёти анойи кашфиёт эмасди. Бу бундан 500 йил муқаддам одил подшоҳ ва буюк олим Мирзо Улугбекнинг ҳиммати, саъти ҳаракати ва иштироки билан қурилган, оламшумул илмий кашфиётлари билан жумлайи жаҳоннинг таҳсинаига сазовор бўлган расадхона устидаги кашфиёт эди. Аслида айланаси 46.40; баландлиги 30 метрга яқин уч қаватлик, пишиқ гиштдан ишланиб, ганч билан шувалган, сирги мармар тошлилар ва конинклар билан қопланган улкан илм маскани устидаги кашфиёт эди.

Тез орада бу кашфиёт ҳақидаги хабар Тошкент билан Петербургга ҳам етиб борди, В. В. Бартольд, В. П. Наливкин, А. Л. Қун сингари олимларнинг диққат-эътиборини ўзига тортди. Маҳаллий газеталар расадхона ва унинг кашфиётлари билан боғлиқ бўлган мақолаларни тез-тез ўзлон қила бошладилар.

Ўша кунлари илгор Фикрли рус олимлари расадхона асосчиси, буюк ўзбек астрономи Мирзо Улугбекнинг хотирасини агадийлаштириш ҳақидаги таклифларни ўртага қўйиб, генерал-губернаторга, оқ подшоҳга илтимосномалар юбордилар. Лекин ўшандан генерал-губернатор ҳам, оқ подшоҳ ҳазратлари ҳам бунга бир сўм оқча бермадилар, ваҳдоланки, подшоҳнинг хазинасига биргина Самарқанд вилоятидаги вақф ерлардан йилига 40.000 сўм оқча

жаранглаб тушиб турарди. 1910 йил З ноябрда оқ подшоҳдан «биз унбу ишга қарши эрмасмуз, ёдгорликни халқдин садақа ва эҳсон түплаб қиласинлар», — деган мазмунда ижозати олий олини. Шу йўл билан маблаг түплаш Рус астрономлари жамиятининг зиммасига юкланди. Жамият ҳам йўлинни қилиб сувдан қуруқ чиқди. Ёдгорлик учун халқдан садақа ва эҳсон түилаш ишини Тошкент думаҳонасиининг бошлиги Николай Гурьевич Маллицкийнинг зиммасига юклади.

Ўшанда Улугбекка қўйиладиган ёдгорликнинг учта лойиҳаси тузилди. Кимdir буюк олимга ҳайкал ўринатишни тасаввур қилиди. Лекин бу лойиҳа, ёдгорликнинг тарҳи тузилмай туриб рад қилинди, чунки Улугбекнинг биронта тасвири сақланмаган, шаклу шамоилини ўшанда ҳеч ким тасаввур ҳам қилолмасди. Ҳар қандай одамнинг боп суюигига қараб суратини чизиб берадиган Герасимовлар ўшанда йўқ эди. Иккинчи лойиҳа муаллифлари Самарқанд Регистонида буюк олим шарафига катта фаввора қуришни тасаввур этдилар. Лойиҳанинг учинчиси кўп қизиқарли эди. Бу лойиҳа бўйича расадхонани қайта тиклаш мўлжалланганди. Буни уddeланаш мумкин эди, чунки расадхона аслида қандай бўлғанилиги ҳақида ўшанда ҳам етарли далиллар бор эди. «Туркестанские ведомости» газетаси (1911 йил, № 231) хусусан бундай деб ёзганди: «Ҳақиқатга яқин бўлган учинчи лойиҳа қабул қилинса керак. Балким бир вақтнинг ўзида Регистонда фаввора ҳам қурилса керак». Лекин, лойиҳаларнинг биронтаси ҳам амалга оинмади. Ҳайкал ҳам қурилмади, фаввора ҳам. Расадхона ҳам қайта тикланмади.

Аммо, Улугбек тириклигидаёқ ўзига абадий ҳайкал уринатиб кетди. Бу — унинг саъий ҳаракати билан Самарқандда, Бухорода, Кенда ва Гиждувонда қурилган муҳташам бинолар ва айниқса олимнинг авлодлар учун ёзид қолдирган асарлари; унинг ҳомийлиги остида етингиз олимлар, шоирлар ва бопка аҳли ҳунар. Ҳайкалнинг бу тури ҳатто тамал тошидан ясалган ҳайкалдан ҳам мустаҳкамроқ, абадийдир.

Улугбекнинг асарлари, у раҳнамо булган Самарқанд астрономия мактабининг шон-шуҳрати XV асрдаёқ Эрон, Афғонистон, Хиндистон, Туркия ва Мисргача бориб етди. Кўп утмай Англия, Польша, Франция ва Америкада ҳам Улугбек мактабини тан олдилар. Улугбек ва Самарқанд астрономия мактаби мана шу мамлакатларда ҳам илм-фан тараққиётига катта таъсир кўрсатди. Жуда кўп олимлар Улугбек, Гиёсиддин Кошоний, Қозизодай Румий ва Али

Қүшчи асарларига таяниб катта илмий аҳамиятга молик бўлган бир талай китоблар битдилар.

Эронлик олимлардан Абдулали Биржандий (1525 й. вафот этган), Ғиёсиддин Мансур Шерозий (вафоти 1542 й.), Муслиҳуддин Мухаммад Ансорий (1571 й. улган), Баҳоуддин Муҳаммад Омулий (1547—1622), Али Қушчининг шогирди рӯёнлик (Табаристон) мунажжим Абдулқодир иби Ҳасан Рӯёний (1519 й. вафот этган); Туркиядан Синон ионаша (1486 й. улган) Муҳаммад иби Иброҳим ан-Никуроний (1495 й. вафот этган), юқорида тилга олганимиз Қозизода Румийнинг авлоди Мирим Чалабий (вафоти 1525 й.), Мустафо иби Аҳмад Булавий (1679 й. улган), Тақиуддин Муҳаммад ар-Росий (1521—1585 й.); мисрлик Шамсиддин Муҳаммад иби Абулфатҳ ас-Сүфий ал-Мисрий (тахм. 1495 й. вафот этган), Шамсуддин Муҳаммад ас-Суютий (вафоти 1533 й.); Алишер Навоийга илми ҳайъатдан дарс берган ҳиротлик олим Фасиҳуддин Муҳаммад Кўҳистоний (1513 й. вафот тоғган); Ҳиндистондан Фариидуддин Масъул ад-Деҳлавий (1629 й. вафот этган), машҳур муҳандис Лутфулла Ҷоҳурий (XVII аср), Муҳаммад Замон Деҳлавий (XVII аср охири—XVIII асрнинг биринчи ярми), Савой Жанг Сингх (1686—1743) шу́лар жумласидандир.

XVII аср бошларида Улугбек ва самарқандлик олимларнинг асарлари Европага ҳам кириб борди.

«Зики Улугбек»нинг Европадаги биринчи тадқиқотчиси Оксфорд (Англия) университетининг профессори Жон Гревс (1602—1652) дир. У чуқур маълумотли киши эди. Ҳорижий тилларни, хусусан грек, лотин, араб ва форс тилларини яхши биларди. Шарқ мунажжимларининг асарларини ҳам мутолаа қилган одам эди. Жон Гревс кўн шарқ мамлакатларига саёҳат қилди. У 1638 йили Истанбулда ҳам бўлди. Бу улкан шаҳарда бирмунча вақт турди. Ўшанда олим Византия императорларининг сulton саройида сақланётган бой кутубхонасини ҳам кўришга муниссан бўлди. Европаликнинг шарқ тилларида bemalol сўзлашганини кўриб китобдорининг ҳаваси келди ва қайтишида Битлимуснинг «ал-Мажастий»ини унга совга қилди. Жон Гревс деярли ҳар куни Истанбул бозорларини сайд қилди, китобфурушлар растасини айланиб ўзига керакли китобларни суриштирди. Ниҳоят, жумъа кунларининг бирида таниш китобфурууш унинг димогини чоғ қилди.

— Ассалому алайкум, илиз мистер, бефармойед!¹

¹ Ассалому алайкум жаноб, марҳамат қилиб ўлтирсинглар!

Китобфуруш ўрнидан құзғалиб сүл құлини құксига қўйди, ўнг қўли билан инглизни дўконга таклиф қилди, сўнг хон атрофидан жой кўрсатди. Ихчамгина хоннинг бир тарафида муллалардек кийинган, ўрта бўйлик, оқ-сариқдан келган ўрта ёш бир киши ўлтиради. У ҳам қўлларини қўксига қўйиб, инглизга қаршисидан жой кўрсатди. Китобфуруш тавозеъ ва ҳурмат билан уни инглизга танишитирди:

— Ин кас авлоди алломайи бузург Али Қушчи? Дар ин замон мударриси мадраса хастанд.¹

Жон Гривс Али Қушчиши биринчи эшитиши, лекин унинг номдор неварасини асарлари орқали озми-қўними биларди. Шунинг учун ҳам унинг номини эшитиши билан ичига сигмай хурсанд бўлиб кетди. Ўрнидан даст туриб қўлини чўзди.

— О, йесь, вери-вери гут, мамнунам!²

Мударрис ҳам ўрнидан турди ва инглизнинг қўлини олди. Жон Гривс инглизларга хос тақаллуфни унудими ёки шошиб қолганиданми айни муддаони айтиб қўя қолди.

— Ҳеч як аз таълифотҳои жадди шўмо намонд?³

Мударрис оғзини очгунча китобфуруш гапни илиб кетди:

— О, йесь, монд-монд. Чанд китоб монд⁴. — Сунг пастдан бир нечта қўллўзма китобни олиб хон устига териб қўйди.

Жон Гривс китобларни битта-биттадан олиб, шошилмай, диққат-эътибор билан қўздан кечирди, бироқ, тўртинчи китобни олиб, биринчи саҳифасига куз югуртириди-ю, бирдан қўллари титрай бошлади, юзларида ҳаяжон билан хурсандчилик аралаш аллақандай кайфият пайдо бўлди.

— Ит из «Зиж?» Султон кист?⁵ — Инглиз бир китобфурушга, бир мударрисга тикилди.

¹ Бу кини буюк аллома Али Қушчининг авлоди. Ҳозир мадрасада мударрислик қиласидилар.

² Ҳа, кўп яхши, мамнунман.

³ Аждодингизнинг китобларидан биронтаси сақланмаганими?

⁴ Ҳа, албатта, қолган-қолган. Бир нечта китоб қолган.

⁵ Бу китоб «Зиж» бўлсамикан? Султон дегани ким?

— Ип асар аз таълифотхойи султон ас-саъид Улугбек Мирзойи шаҳид аст¹, — деб жавоб қилди мударрис.

Инглиз кўп савдолашиб ўша китобни сотиб олди. Китоб ҳақиқатан ҳам Мирзо Улугбекнинг «Зижи жадиди султоний»си бўлиб чиқди. Жон Гривс шу китобфурӯшдан яна уч-тўртта «Зиж» сотиб олди. Китобфурӯши қурмағур уларни бирдан сотиб қўяқолмади, битталаб сотди. Аввал инглизни кўп қатнатди, ўзини ҳўб бозорга солиб, сўнг у сураган китобни хон тагидан олиб берди. Улар орасида «Таъриб зиж» ҳам бўлиб, «Зижи жадиди султоний»нинг бир вақтлар Гиёсуддин Жамшид араб тилига қилган таржимаси эди.

Жон Гривс 1643 йили Улугбекнинг «Зижи жадиди» асари асосида юлдузларнинг ҳолати (узунлиги ва кенглиги) кўрсатилган маҳсус юлдузлар каталогини тузди. Лекин, нима сабабдан дур, бу муҳим тадқиқот ўшанда чоп бўлмай қолди. 1648 йили у Улугбек зижининг бир қисмини (юлдузлар каталоги ва жуғрофияга тегишли қисмини) нашр этди. Орадан икки йил утиб, 1650 йили Лондонда «Зижи жадиди курагоний»нинг хронологияга оид биринчи қисми ҳам напрдан чиқди.

Шундан ун етти йил утиб, 1665 йили яна ўша Оксфордда машҳур инглиз шарқшуноси Томас Ҳайд (1636—1703) «Зижи Улугбек»нинг матни ва лотинча таржимасини зарур изоҳлар билан чоп этди. Томас Ҳайднинг мазкур нашри «Зиж»нинг учта нусхасига асосланган бўлиб, «Зижи жадиди курагоний» устида келажакда олиб борилган илмий изланишларга асос бўлди. Масалан, 1690 йили Ян Гевелий нашр этган «Астрономия даракчиси» ҳам маълум даражада шу нашрга асосланган.

«Зижи жадиди курагоний» Европада бундан кейин ҳам кўп марта нашр этилди. Уни Гринвич (Англия) обсерваториясининг астрономи Д. Флемстид (1646—1715) ҳам нашрга тайёрлади. Китоб олимнинг вафотидан кейин 1725 йили чоп қилинди.

1767 йили Г. Ҳайднинг юкорида тилга олинган напри иккинчи марта, 1843 йили Ф. Бейли (1774—1844) тарафидан учинчи марта нашр қилинди.

1839 йили йирик француз шарқшуноси Л. А. Седийо (1808—1876) «Зижи Улугбек»нинг бир қисмини, 1847—53 йиллари унинг муқаддимасини французча таржимаси билан бирга босмадан чиқарди.

¹ Ушбу китоб султон ас-саъид, шаҳид булган Улутбек Мирзонинг асарлари жумласидандур.

«Зижки жадиди кўрагоний» 1917 йили Э. Б. Нобл тарафидан Вашингтонда (АҚШ) ҳам чон қилинди.

«Улугбек зижки»нинг грузинча таржимаси ҳам бор. Таржима машҳур Грузия подшоси, машҳур адаб ва олим Вахтанг VI (1675—1737) нинг қаламига мансуб. У ҳам кенг маълумотли ва маърифатпарвар тоҷдорлардан эди, Улугбекка ўхшаб атрофига етук олимларни тўплаб катта илмий ишларга қўл урган. 1707—1708 йили унинг раҳбарлигида «Ҳонунлар мажмуаси» деган катта асар ёзилди. Унинг шахсан ўзи Шота Руставелининг «Йулбарс терисини ёпинган паҳлавон» номли машҳур достонини, зарур изоҳлар билан, нашрга тайёрлади. Вахтанг VIning энг катта хизмати шу бўлдики, у грек, арман, форс ва араб тилларида ёзилган қимматли асарларни тўплатиб грузин тилига таржима қилдириб чоп эттириш ишига бош-қош бўлди. Шу мақсадда у 1707 йили Тифлисда босмахона ташкил этди...

«Улугбек зижки»нинг узоқ Грузияга бориб қолиш тарихи жуда қизиқ. Фалакнинг гардиши билан Вахтанг VI 1713—1714 йиллари Исфаҳонга бориб қолди. Ўшандан у китобфуруушдан бир неча форсча китоб сотиб олди. Шулар орасида «Улугбек зижки» ҳам бор экан. Бу ноёб нусха қалин қоғозга насх хати билан кўчирилган, унвон билан жадваллари эса тилло суви берилиб, қизил ва зангори сиёҳлар билан чизилган экан. Вахтанг VI бу китобга қизиқиб қолди, ўша шаҳарнинг ўзидаёқ таниши Абу Ризо Табризийнинг ёрдами билан уни грузин тилига таржима қиласбошлиди. Эрондан қайтгандан кейин эса бу инни ноёнига етказди ва зарур изоҳлар билан напротив тайёрлади. Унга грузин ойлари ҳақидаги маълумотларни ҳам қўйди. Лекин бу муҳим асарни чоп этдиришига улгурмади — 1724 йили содир бўлган воқеалар (Туркия тазъиқининг кучайиб кетиши, мамлакат ичидаги ҳам вазиятшининг оғирлашиб қолиши) сабаб булиб, оиласи ва хизматкорлари билан Россияга кўчиб кетди. Ўшандан Вахтанг VI бор китобларини, шунингдек «Улугбек зижки»нинг таржимасини ҳам ўзи билан бирга олиб кетди. Таржимасини қўлёзмаси ҳозирги кунда собиқ СССР Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлимида сақланади. Унинг бир қисми, форсийча матни билан 1926 йили Ю. Н. Марр тарафидан чон қилинди.

Ҳа, Мирзо Улугбек ва унинг илмига эрганинлар қўп бўлди. Сайёralар ва бошқа осмон ритгичларининг сирру асрори билан қизиқсанлар Амир Темурининг бошқа авлоди орасида ҳам бўлди. Бир замонлар Ҳиндистон таҳтида

ўлтирган Шихобуддин Шоҳжаҳон (1628—1657) ва Носируддин Муҳаммадшоҳ (1719—1748) ана шундайлардан эдилар. Тӯгри, иккалалари ҳам илми нујум ва риёзиёт олими эмас эдилар, лекин уламо, фузало ва аҳли хунарнинг қадр-қимматига стадиган одам эдилар. Улар ҳам соҳибқиронининг кунчилик фарзаандларига үхшаб илм-фанга, хусусан илми нујум ва риёзиётга хомийлик қилдилар, олимларнинг бошини силадилар. Мирзо Улугбек ва унинг илмий меросининг шу кунларга етиб келишида ўша олимлар ва уларга тўла шарт-шароит яратиб берган подшоҳларнинг саъий-ҳаракати ва улкан ҳиммати ҳам катта роль ўйнади, албатта. Масалан, XVII асрда ана шу Шоҳжаҳоннинг тошириги билан мулла Фарид форс тилида битган Зиж — бу асар «Зижи Шоҳжаҳоний» номи билан манҳур — Мирзо Улугбекнинг «Зижи жадиди курагоний» асари таъсирида ёзилгандир. Муҳаммадшоҳнинг тошириги билан Савой Жанг Сингҳ тарафида битилган «Зижи Муҳаммадшоҳий» ҳам шундай асар.

Савой Жанг Сингҳ (1686—1743) ҳиндистонлик улуг рожалардан бўлиб, Рожистон вилоятининг ҳокими эди. У ҳам Улугбекга үхшаб атрофига олимларни жамлади. Ўзи ҳам етук мунажжим ва риёзиёт олими эди. Шоҳжаҳонобод (Деҳли), Банорас, Жайпур, Матхур ва Ужайндаги расадхоналар ўша Савой Жанг Сингхнинг раҳбарлигида бунёд этилди, Шоҳжаҳонободдаги катта расадхона мунажжимларининг илмий-кузатини ишларига унинг ўзи раҳбарлик қилди. «Бу иш,— деб ёзган эди Савой Жанг Сингҳ,— катта зарурат ва зур аҳамиятга эга бўлишига қарамай, қудратли роҳжалардан биронтаси унинг (Улугбекнинг — Б. А.) ишни давом этдиргунча жуда кун вақт ўтди. Шаҳид бўлган марҳум сulton Улугбекдан кейин, 200 йил мобайнида ислом оламида биронта машҳур сulton, олий мақом ва номдор шахс бунига ишга диққат-эътибор қилган эмас». Ҳа, Савой Жанг Сингҳ ҳақ ганий айтган. Расадхона қуриш ҳам, унга соҳиби истеъодии туплаб илмий-кузатув ишларини олиб борини ҳам осон иш эмас, албатта. Бунинг учун биринчи нағбатда жуда катта маблаг керак булади. Шунинг учун ҳар қандай ҳукмдорнинг ҳам бунга юраги чопавермайди. Ҳа, шундай. Нафақат ўтмишида, балки ҳозирда ҳам шунаقا. Бунинг учун ҳукмфармо бўлишининг бир ўзи кифоя қилмайди. Тождорнинг илм-маърифат соҳиби бўлиши ҳам талаб қилинади. Шоҳжаҳон ҳам, Муҳаммадшоҳ ҳам, Савой Жанг Сингҳ ҳам ана шундай одамлар бўлиб чиқишиди. Савой Жанг Сингҳ, Жавоҳарлал Нерунинг сузлари билан айтганда, «жасур

жангчи ва моҳир дипломат булини билан бир қаторда математика ва астрономия олимни, забардаст қурувчи ҳам эди. Шунинг билан бир қаторда, тарихни ўрганишга ҳам қизиқар эди».

XVII – XVIII асрларда Ҳиндистонда қурилган расадхоналар Самарқанд расадхонасига ўхшатиб бунёд этилганди. Улар ҳам Улуғбек астрономия мактабининг таъсирида ривож топдилар. Ҳатто Ҳиндистон расадхоналарида ишлатилган турли ўлчаш ва қузатиш асбоблари ҳам Самарқандники билан бир хил эди. Савой Жанг Сингхнинг ўзи бу хусусда мана бундай деб ёзган эди: «Белни маҳкам боғлаб, мусулмонларнинг китобларига таинган ҳолда бу ерда ҳам қачонлардир Самарқандда ишлатилган асбобларга, масалан, бронздан ясалган ва ҳар томони З газга тенг бўлган зот ул-ҳалқа, хот ул-сұхбаътайн ва зот ул-шубаътайнга ухшаш бир қанча астрономия асбобларини ясад олдик».

Шу тариқа буюк олимнинг илмий қашфиётлари ҳам, китоблари ҳам, ўлимидан кейин теварак-атрофга тарқалиб кетди. Нафақат илмий мероси, балки бой ҳазинаси ҳам сочилиб кетди. Яқинда Заҳириддин Муҳаммад Бобур авлоди Жаҳонгир подшоҳ (1605–1627) нинг қаламига мансуб «Тузуки Жаҳонгирий» («Жаҳонгир подшоҳнинг тузуклари») номли китобда қизиқ бир маълумот учратиб қолдим. Ўша китобда Улуғбек Мирзога қарашли қийматбахо бир қитъя лаъл хусусида гап боради. Асарнинг ҳижрий 1029 (милодий 1620) йил воқеалари ҳикоя қилинган II- базми (боби)да мана буларни ўқиймиз: «Ушибу санада (1029 йил рabi ул-охир ойининг сұнгги куни – милодий 1620 йилнинг 3 апрел куни) Әрон подиосининг элчилари Оқобек билан Муҳиб Али (олий) останани тавоғ этиш шарафига мушарраф бўлдилар ва ул олий қадар биродаримиз (шоҳ Аббос I – Б. А.) нинг меҳрмуҳаббат туйгулари билан битган мактуби ва тухфалари наааримиздан ўтказилди. (Тухфалар орасида) жавҳаршунослар қийматини 50 минг руния деб белгилаган вазни 12 доник бўлган ва Шоҳруҳ мирзонинг угли Мирзо Улуғбекнинг жавоҳирхонасидан олинган ва замоннинг зайили билан Сафавия подшоҳларининг қўлига тушиб қолган бир қитъя лаъл ҳам бор эди. Лаълга насх хати билан: «Улуғбек иби Мирзо Шоҳруҳ баҳодир иби Амир Темур кўрагон» ва биродаримиз шоҳ Аббоснинг амри билан четига настълиқ хати билан «вилоят подшоҳи банда Аббос» сўзлари зарб қилинган экан. Бу лаъл тоғга қадалмайди, балки ёдгорлик сифатида сақланади. Латъла

аждодларйининг номи зарб этилгани сабабли, ёдгор бўлар ва бахт-саодат келтирас деган умидда, заргархонанинг другаси Саъидога унинг бир четига «Жаҳонгир подшоҳ иби Ақбар подшоҳ» деган сўзларни ҳамда унинг (ёзувнинг) тарихини зарб этиб қўйиши буюрдим. Бир неча кундан кейин Деканинг фатҳ этилгани ҳақида хабар олини ва уша лаълни Хуррамшоҳга иноят қилиб юборди.»

Ҳа, замоннинг зайди билан. Шу замоннинг зайди билан буюк олимнинг ўзи қурбон бўлди, бой кутубхонаси ва шахсий ҳазинаси таъ ion-тарож қилинди. Таажжуби шундаки, бу қимматли лаъл қандай қилиб Сафавия подшоҳларининг кўлига тушиб қолди. 1511 йили шоҳ Исмоил I (1501—1524) қўшини Заҳириддин Муҳаммад Бобур билан бирга, Аҳмадбек Сўфи ўғли ва Шоҳруҳбек Ағзор бошчилигида Мовароуннаҳрга бостириб кириб Самарқандни ишғол қилганда олиб кетилганми ёки Шайбоний Абдулмўъминхон ўлдирилгандан (1598 йил июл ойида) сўнг Бухоро хонлигига кучайиб кетган ўзаро феодал курашлар оқибатида Эронга қочиб борган Муҳаммад Салим, Жаҳонгир Султон, Араб оталиқ ва Шоҳхўжа нақиблар уни олиб бориб совға қилишганми — бу ҳақда ҳозирча бир нима дейиш қийин.

Шу тариқа Мирзо Улугбекнинг подшоҳлиги барбод бўлди, молу дунёси талон-тарож қилинди. Лекин унинг улуг номини, беқиёс илмий меросини ҳеч ким, ҳеч нима талон-тарож қилолмади. Улугбекнинг номи ҳам, қилган хайрли ишлари ва ёзган китоблари ҳам сақланиб қолди.

СҮНГГИ СҰЗ ҮРНИДА

* * *

«Улугбек» эссеесининг биринчи нашри эълон қилинганига тахминан тўрт йил вақт кечди. Шу давр ичида мазкур асар ҳақида оғзаки тарзда ҳам, матбуот саҳифаларида ҳам озми-кўпми фикр билдирилди. Авваламбор «Улугбек» эссоси ҳақида матбуот саҳифаларида тақриз билан чиқсан қаламкаш дўстларга: Маҳкам Маҳмудов ва Бобохон Шариповга («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1989 й. 22 декабр), А. Ҳакимжонов ва Ш. Зокировга («Тошкент ҳақиқати», 1990 й. 3 январ), Сайфуддин Жалиловга («Коммунист», 1990 й. 13 май) ва Ҳабибулло Зайнiddиновга («Шарқ ўлдузи», 1990 й, № 5) самимий миннатдорчилик изхор қиласиз.

Китоб ёзиш қийин. Уни ёзган билади, ўқиган бўлса маълум даражада завқ олади, ё бўлмаса ранжиди. Шу боисдан ёзувчи ҳаммавақт ўқувчининг фикрини интизорлик билан кутади. Ўзингиз ўйлаб кўринг-а, китобни ёзib қўйсангиз-у, лекин бирон тирик жон лом-мим демаса. Тушунган одамга бундан оғири бўлмаса керак. Чунки вақтида айтилган гап, холислик билан билдирилган фикр китоб муаллифига ўзига ишонч, янги гайрат ато этар экан.

Хулласи қалом, «Улугбек» эссеесига билдирилган фикрлар, умуман олганда, ижобий бўлди. Шу билан бир қаторда, асарнинг айрим хато-камчиликлари ҳам маълум бўлди. Нима ҳам дердик, «беайб — парвардигор». Китобнинг рӯёбга чиқиши, унинг катта-кичилгидан қатъи пазар, фақат биргина муаллифга боғлиқ эмас экан. Қўлёзма китоб шаклига келгуича, муҳаррирдан тортиб то ҳарф терувчигача кўп қўлдан ўтаркан. Шунинг учун ҳам баъзида айрим рақамлар, ҳарфлар ва ҳатто бус-бутун жумлаларнинг алмашиниб ёки тушиб қолиши ҳоллари ҳам учраб туради. «Улугбек» эссеесида ҳам шундай аҳволни куриш мумкин. Биз мазкур китобнинг иккинчи нашрини тайёрлашда унинг биринчи наприда ўтиб кетган хато-камчиликларни бартараф этишга ҳаракат қилдик.

Одам боласи, у олимми, шоирми, олий наасаб мансабдорми, бундан қатъи назар, қусрсиз ва нуқсонсиз бўлмас экан, ўзи. Барибир унинг қандайдир, ўзига сезилмас қусури, нуқсони буларкан. Ҳа, одамзод шунаقا яратилган, аслида. «Беайб — парвардигор», деб бекорга айтишмаган эканлар-да салафлар. Ва яна яхши одамлар бошқаларга, уларнинг мезожида бирон нуқсон сезгудай бўлсалар, ётигида, ё бўлмаса тўғридан-тўгри бетига айтиб, уни огоҳлантирар эканлар-у, аммо ўзидағи нуқсонни кўпинча сезмас эканлар. Бошқаларнинг устига ёпирилиб келаётган чигирткани кўрар эканлар-у, лекин ўзининг тенасига балою қазо булиб келаётган хавф-хатарга эътиборсиз буларкан, киши. Мирзо Улугбек ҳам шунаقا одам булиб чиқди. Мен бу гапларни шунчаки айтиётганим йўқ. Улугбекда ҳам шунаقا, яхши инсонга хос хислатларни кўрганим сабабдан айтиётбман. Ҳа, билганимдан айтиётбман. Даилил-исбот дейсизми? Бор даилил-исботимиз. Бундан бирнечча йил муқаддам, бир гуруҳ тарихчи олимлар билан ҳамкор булиб «Самарқанд тарихи» устида иш олиб бораётганимизда, бир эски китобни варақлаб ўлтириб Мирзо Улугбекнинг қаламига мансуб бир мисраъ шеърга кўзим тушиб қолди. Ажойиб насиҳатомуз шеър экан у. Мана ўша шеър:

Эй он-ки мулки ҳусн ба зери нигини туст,
Шухи макун-ки чашми бадон дар камини туст.

Таржимаси:

Эй ҳусн мулки сенинг муҳринг остда бўлган,
Шухлик қилма, чунки ёмонларнинг кўзи йўлингга тузок
кўйимиш.

Қўриб турибсиз, бу шеърида Мирзо Улугбек одамларни хушёрикга чақирияти. Қаранг-а бошқаларни ёмонларнинг кўзидан эҳтиёт бўлишига чақирияти. Огоҳлантиряпти уларни. Лекин таигназар ва ҳасадгўйлар ўзига тузок қўйиб, чор атроффдан уни ўраб келаётганликларини пайқамай қолди. Пайқаган бўлса ҳам эътибор бермаган. Подшоҳ-да у. Қулида мириаблар, қўриқчилар, қўшини бор. Шундай булгач, у кимдан қўрқади? Бир-икки кўнгли қора ҳасадчиданми? Қолаверса халқ орасида ҳам обру-эътибори катта. Чунки у бошқа подшоҳларга ўҳшаб юрт кезиб, қилич чопиб, жангу жадаллар билан умр кечирмади. Аксинча бир умр урушга қарши сиёsat юргизди, эл-юртга тинчлик ва осойиниталикни барқарор қилди, раиятнинг ҳол-аҳволини бир оз бўлса-да енгиллаштириди, Самарқанд,

Бухоро, Шаҳрисабз, Гиждувон каби шаҳарларни, олий иморатлар ва янги бөғ-рөглар қуриб обод қилди, мухтожларга қўлидан келганча ёрдам берди. Ва, ниҳоят, пўналааб фарзанд ўстирди. Ахир одамзоддан пима қолади? Қурдирган бинолари-ю, ўстирган дараҳт ва қобил фарзанд қолади, холос. Агар инсон умрида шулардан биронтасини қилган бўлса, ўзидан яхши от қолдиради, номи ўчмайди. Ахир Улугбек шундай иш қилди-ку. Қулидан келганча эл-юрга хизмат қилди, уни обод қилди ва ниҳоят яхши фарзанд ўстирди. Шунинг учун ҳам хотиржам эди у. Биринкита тангназар, игвогар бўлса бордир. Улардан чўчимади. Лекин тилда дўсту, дилда ганимлар теварак-атрофида кўнайиб кетганини пайқамай қолди. Инсондаги ёмон ҳислатлардан энг даҳшатлиси — бу тангназарлик. Бу айниқса яқин, ишонган одамингдан содир бўлгудай бўлса — бундан ёмони йўқ. Тангназарлар орасида яқин кишилари бўлиши, айниқса бу дардга суюкли фарзандларидан бири мубтало бўлиб қолганлиги Улугбекнинг хаёлига ҳам келмаган эди.

Улугбек чақалоқлигидан улуғ бобоси ҳазрат Амир Темур ва унинг саховатли оқила хотини маҳд улё Сарой Мулкхонимнинг қаноти остида улгайди, тарбия тоиди. Албатта, ҳазрат Соҳибқироннинг олижаноб ҳислатлари ва яхши ўғитларидан баҳраманд бўлди. Лекин, уларнинг ҳаммасини ҳам жон қулоғи билан эшитиб, қалбига жо қилолмаган, шекилли. Ҳазрат Соҳибқирон ўғиллари ва набираларига жангу жадал ва ҳарбий юришларидан фориг бўлиб, қисқа бўлса-да, нафасини ростлаб олиш учун бирон манзилга қўнганда кўп маслаҳатлар берарди, айниқса дўсту душмании ажрата билиш ҳаётда ўта зарурлигини такрор-такрор айтарди уларга. «Кенгаш,— дер эди у яқинларига,— икки турли бўлур. Бири — тил учида айтилгани, иккинчиси — дилдан айтилгани. Тил учида айтилганини шунчаки эшитардим. Дилдан айтилган маслаҳатни эрса қалбим қулоғига қуярдим ва дилимга жойлардим». Ва яна дер эди: «Подшоҳ мажлис аҳлидин огоҳ ва хушёр бўлсинким, улар кўпинча айб ахтариб, уни ташқарига ташийдурлар. Подшоҳнинг сўзидан, ишидин вазирларга, амирларга хабар бериб турадурлар. Масалан, шунга ухшаш бир воқеа менинг ўзим бирлан рўй берган эрди. Ўзимнинг хос мажлисимидағи бирқанча сухбатдошларим вазирлар ва амирларимнинг жосуслари эркан».

Ҳа, ҳаммани ҳам соҳиби асрор билиб, унга сир айтиб бўлмас экан. Мирзо Улугбек улуғ бобосининг бу ўғитини ҳам яхшилаб уқиб олмаган чоги. Бўлмаса сulton Абу

Саъид, Мирониоқ қавчин, Иброҳим иби Фулод ва Ҳожи Мұхаммад Ҳусравға үхшаш ҳиёнаткорларни үзига яқин-лантиралиди?!

Амир Темурнинг мамлакат ва салтанатни идора қилиш хусусида яна қанчадан-қанча яхши ўгитлари бор.

Масалан, давлат ва салтанатнинг барқарорлиги күн жиҳатдан вазирлар ва давлат махкамаларига бош булиб турған олий мақом мансабдорларнинг ҳалол ва сидқидилдан хизмат қилишига bogлиқ. Ҳазрат Соҳибқирон вазирлар ва олий мартабали мансабдорларни ташлаш хусусида ганириб, улар күн мақбул сифатларга эга бўлишини алоҳида уқдирган эдилар: «Вазирлар,— деган эди у,— ушбу тўрт сифатга эга кишилардин бўлишилари лозим: биринчиси — асллик ва тоза насллик; иккинчиси — ақл-фаросатлилик; учинчиси — сипоҳу раият аҳволидин хабардорлиқ, уларга нисбатан ҳушмуомалада бўлишилик; тўртинчиси — сабр-матонатлилик ва тинчлик-севарлик. Кимки шу тўрт сифатга эга бўлса, ундай одамни вазирлик мартабасига лойиқ киши деб билсингилар. Уни вазир ёки маслаҳатчи этиб тайинласинлар. Мамлакат инпларини, синоҳ ва раият ихтиёрини унга тоинирсанлар. Бундай вазирга тўрт имтиёз: ишонч, эътибор, ихтиёр ва иқтидор берилсин». Шу билан бирга, Амир Темур қора кўнгил, гийбатчи ва раиятга жабру ситам етказувчи кимсаларни зинҳор ҳокимиятга яқинлаштирамасликини маслаҳат берардилар. «Қайсики вазир,— деган эди у,— гийбат гапларни айтса (ёки) уйдирма гапларга қулоқ солса, жабр-зулм қиласа, үзига ёқмаган кишиларни йўқотиш пайига туписа, уни вазирликдан тушириши лозим. Населию зоти ёмои, ҳасадчи, кина-кеқ сақловчи, қора кўнгилли кишиларга зинҳор вазирлик лавозими берилмаеди. Бузуқи, қора кўнгилли, зоти паст одам вазирлик қиласа давлат ва салтанат тез орада инқирозга юз тутади, Шу муносабат билан у тарихдан бир мисол келтиради: «Аббосийлардан халифа Мустаъсим биллоҳ (1242—1258) ҳасадчи, кина-қудуратчи иби ал-Альомийни үзига вазир қилиб тайинлади. У кўнглида халифага нисбатан кина-қудурат, душманлиги бор бўлганлиги учун халифани мунофиқона гаплар билан алдаб, ўзи Ҳалокухон (мугул хоти; 1256—1265) билан тил биректириб, уни халифалик тепасига олиб кефди. Ҳалокухон эса халифа Мустаъсимни қўлга олиб ўлимга маҳкум қилди».

Шундан келиб чиқиб, Амир Темур баҳтиёр авлодига мана бу васиятни қилган: «Шундай бўлгач, асли тоза, наслли пок, улуг зотлардан бўлган, яхши ҳулқли кишилардин

топиб вазир қилинглар, чўйки асли тоза киши хатоликга йўл қўймайди, бадасл эса соҳибига вафо қилмайди».

Мирзо Улугбекнинг вазирлари орасида қора кўнгил, кина-қудуратли, бузуқлари бўлганлигини билмайман. Лекин, меҳру вафо масаласи ҳам бор. Шундай бўлмаганда эл-юрт ва Улугбекнинг бошига оғир кунлар, тушган пайтда вазирлари ва амирлар уни ташлаб теварак-атрофга тирқираб кетармиди?! Уларнинг кўпчилиги падаркуш Абдулла-тифнинг тарафига ўтиб кетишармиди?!

Донолар давлатнинг асосий устуnlари туртта деб айтадилар. Булар: 1) раият, яъни меҳнаткаш ҳалқ; 2) хазина; 3) қўшин; 4) салтанат, яъни пухта қилиб тузилган давлат апиарати.

Раият билан салтанат хусусида Улугбекка бирон эътиroz билдириб бўлмайди. Давлат тузими бобоси даврида қандай бўлса Улугбек даврида ҳам шундайлигича қолади. Лекин ҳамма нарса бу лавозимларни кимлар эгаллаганига ҳам боғлиқ. Ҳаётда одам ташлаш қийин. «Ҳайвоннинг оласи -- тошида, одамнинг оласи -- ичидা», дейдилар донолар. Раият хусусида Мирзо Улугбек қўлидан келган барча яхшиликни қилди. Олиқ-солиқ йигишини тартибга солди, хирожнинг миқдорини камайтирди; пул ислоҳоти ўтказиб, яқинлашиб келаётган қаҳатчиликнинг олдини олди. Қисқаси, адолат ва инсоф билан сиёsat юргизиб, раиятни, яъни меҳнаткаш ҳалқни узидан рози қилди.

Давлатнинг яна бир муҳим устини -- бу хазинадир. Ҳамма яхши биладики, ҳарқандай давлат хазинасиа кун кечиролмайди. Авваллари ҳам шундай булган, ҳозирда ҳам шундай. Ва яна шу ҳам маълумки, хазинага оқча осмондан тушмайди, ёки Хизр алайҳиссаломонинг кароматларидан келмайди. Хазина ҳалқдан тўпланадиган олиқ-солиқ, бўйсундирилган мамлакатлардан ундириладиган ўлпон (моли омон) ҳамда давлатга қаранили ер-сув ва бошқа молмулкдан, масалан эгасиз қолган ерларни ўзлаштиришдан, келадиган даромад ҳисобига тўлатиб турилган. Шу сабабдан подшоҳлар хазина ва унинг ҳамма вақт тўкин-сочин булиб туриши хусусида мунтазам қайгуриб келгандар. «Хазинанинг ғариблashiб қолишига, -- дейилади «Тузукларда, -- синоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб булади Синоҳнинг тарқалиб кетиши эса, уз навбатида салтнатнинг кучсизланишига олиб келади».

Улугбекнинг муставийлари (молия маҳкамасининг бошлиқлари) хазинани мунтазам тўлин-сочин булиб туришининг уддасидан чиқолмади, чамаси. Ахир олиқ-солиқдан тушим камайган, урушлар тўхтаб қолгани

сабабли ўлпоп келмай қолган бир шароитда иложи қанча? Афтидан савдо-сотиқ устидан назорат ҳам камайиб кетгандир, балки?

Давлатнинг яна бир муҳим устуни булмиш синоҳ масаласига келсан, унинг умумий аҳволи, жанговарлиги Улуғбек замонида аввалгидай эмас эди. Синоҳининг ҳукмрон тоифага садоқат билан хизмат қилиши кун жиҳатдан унинг қорни туқ, уст-боши бус-бутун булишига боғлиқ. Маълумки, Амир Темур шу масалага алоҳида эътибор берган. У биринчи галда синоҳиига маоши уз вақтида ва белгиланган миқдорда бериб борилишини таъминлаган. Масалан, оддий синоҳийга, зиммасига юқланган вазифани бажариш шарти билан, мингани отининг баҳоси миқдорида, баҳодирларга -- икки-турт от баҳоси миқдорида; унбошиларга -- ун от баҳоси миқдорида, юзбошиларга -- унбошиларникига қараганда икки баробар ортиқ; мингбошилар юзбошилардан уч баробар ортиқ миқдорда белгиланган. Ҳарбий юриплар олдида эса унга олти ойлик маоши бир йула туланиган. Ва яна ҳарбир синоҳийга жанг олдида махсус инъомлар (бу уқулка деб аталган) улаштирилган. Синоҳийлар урушда қулга тушган улжадан ҳам, тутган мавқеъи ва хизматига яраша баҳраманд қилинганлар. Тарихий маибалаарда келтирилган маълумотларга диққат билан эътибор берадиган булсан. Амир Темур қушинида ҳар борада қаттиқ интиҳиб ўринатилганлигига гувоҳ буламиз. Масалан, синоҳий, у оддий аскарми, мингбони ёки туманбошими, бундан қатъи пазар, агар урунида хатога йул қўйгундай булса, маоши ундан бирга камайтирилган. Аксинча, қилич чонишида ўзини курсатган баҳодирларниң мартабаси кутарилган. Синоҳ хусусида, айниқса кенсайиб синоҳий-тириллик ярамай қолганлар хусусида, катта ғамхурлик қилинган. «Қайси бир синоҳий хизматда юриб қартайган булса - дейлади, масалан, «Тузуклар»да - уни улуфа дан (яъни маоидан) маҳрум этмаслик ва мартабасидан туширмаслик дозим. Ҳеч бир синоҳийнинг хизмати пазардан четда қолмасун, чунки у давлат хизматида булиб, бокий ҳаётини фоний дунё нақди учун аямаслигининг узи инъэм ба моддин таъминотда булишига ҳақли ва лойиҳидир».

Синоҳ, учун ҳам, амирлар ва беклар учун ҳам, уруштирикчилик ва бойлик ортириш воситаси ҳисобланади. Бойлик ҳам уруни орқасидан ортирилади. Амирлар ва беклар шунинг учун ҳам тез-тез уруш булиб туришига тарафдордирлар. Улар урунисиз туролмайдилар. Шу

сабабдан фақат тез-тез уруш қилиб ўлжак билан мунтазам таъминлаб туришга қодир бўлган подшоҳларнигиша қўллаб-қувватлаганлар. Улугбекка ухшашилмади муккасидан кетган подшоҳларни эмас. Купинча бундай подшоҳларнинг баҳридан ўтишган.

Эл-юрт ва давлатнинг яна бир устини — бу салтанат, яъни төк-тахт ва подшоҳ. Кўп нарса салтанат қуриб ўлтирган улуғ зотининг ақлу законати ва тадбиркорлигига боғлик. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсан, подшоҳ подшоҳлик қиласамап деса ўз фоалиятида ўн икки тузукка амал қилиши шарт: 1) бир сұзлик булиши ва айтган сұзига амал қилиши лозим, айтилган ишини билиб қилиши керак; 2) ҳар ишда адолатнеша булиши, атрофида ҳам шунақа одамларни тутиши талаб қилинади; 3) не ишни қилар бўлса, узганинг майлига қараб эмас, ўзи ҳукм чиқариши лозим; 4) бирор ишга азму қарор қилган бўлса, ўша қарорида қаттиқ туриши зарур; 5) ҳукм-фармони ҳамма учун мажбурий; 6) ўзи қилиши керак булган ишни бошқага ишониб топшириб қўймаслиги шарт; 7) не иш қилмоқчи бўлса кенгаш билан қилиши, лекин кенгашнинг фойдалисини олиши лозим; 8) салтанат, раият ва синоҳийлар хусусида яхши-ёмон ган эшитганда шошимасдан, мулоҳаза билан ҳукм чиқариши керак; 9) синоҳ ва раият олдида узини жиддий ва ҳайбатли тутмоги шарт; 10) раият, хазина ва лашкарни ҳамиша уз ҳукмидан деб билиши керак; 11) салтанатни идора қилишда боиқани ўзига шерик қилмаслиги зарур; 12) ахли кенгашдан ҳушёр ва унинг хатти-ҳаракатидан доимо огоҳ булиб туриши керак.

Бахта қарци Мирзо Улугбек төк-тахт соҳиби амал қилиши зарур булган бу тузукларнинг айримларига амал қилмади, чоғи.

Ҳа, соҳиби салтанат булиши қийин. У эл-юртнинг тақдирига биринчи жавобгар шахс. Шу сабабдан у мамлакат ва раият аҳволидан ҳамма вақт воқиф булиши, мамлакатнинг яқин-истиқболини идрок этабилишини керак. У кеча-кундуз доимо ҳушёр туриши зарур.

Бобосининг олижаноб хислатлари (ақл-идроклиқ, синчковлик, ҳушёрлик, ҳаққонийлик ва ҳ. к.) набираш Мирзо Улугбекда ҳам мавжуд эди. У ҳам донишманд подшоҳ эди. Агар удуғ бобосидаги олижаноб хислатларга эга булмаганде Мовароуниҳар ва Туркестондай улкан мамлакатни киради, идора қила олармиди. Лекин, ундинг уртасида битта ҳужум тафовут мавжуд. Амир Темур, том матьюси билан, ҳарбий ва сисватдан одам эди.

Унинг бутун диққат-эътибори ҳарб ва давлат ишлари билан банд эди. Мен ҳазрат Соҳибқироннинг ҳаёти ва фаолиятини синчилаб ўрганиш одамман. Лекин унинг бирон марта Самарқанд ёки Шаҳрисабзда, ё бўлмаса бирон обод манзилгоҳда бир йил — ярим йил муқим туриб ҳордик чиқарганини эслолмайман. У бутун умрини от устида кечирди, ўттизга яқин мамлакат ва ўлкаларни кезиб чиқди. Кезганд ҳам шунчаки сабҳат юзасидан эмас, урушталашлар билан кезди. Лекин, Мовароунахрдан узоқ юртларда бўлганида ҳам, ота юртини бир лаҳза назардан қочирмади. Вазирлар, поиблар ва ҳокимларнинг фаолиятини мунтазам кузатиб турди. Қисқаси, қушишининг ҳам, салтанатнинг ҳам жиловини қўлида маҳкам тутди. Мирзо Улугбекка келсақ, у бобоси сингари йирик ҳарбий ва сиёсий арбоб эмас эди. У умри ва фаолиятининг асосий қисмини илм-фан ва маърифат йўлида сарфлади. Уни сарой ва лашкар тенасида эмас, қўироқ расадхона ва мадрасада қўрин мумкин эди. Қўппин билан салтанатнинг жилови эса вазирлар ва амирларга ишониб тошириб қўйилганди. Улугбекнинг фожиаси ҳам шунда эди. Тўгри, подиоҳ адолатшеша ва маърифатшарвар одам булгани яхши, акс ҳолда ёруғлик ўриши зулмат эгаллайди. Аммо, подиоҳ бўлгандан кейин унинг подиоҳлик сиёсати ҳам бўлиши керак. У бир қўлида қалам, иккинчи қўлида шамшир тутгани маъқул. Акс ҳолда эл-юртни бошқариб ҳам бўлмайди, уни чор атрофдан куз тикиб турган ганимлардан ҳимоя қилини ҳам қийин.

УЛУГБЕК, УНИНГ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ БИЛАН БОГЛИҚ БҮЛГАН АСОСИЙ ВОҚЕАЛАР ХРОНОЛОГИЯСИ

- 1394 й. 22 март — Мирзо Улугбек тугилди (Султония; Эрон Озарбайжони).
- 1394 й. май — 1395 й. 28 феврал — Улугбек Амир Темур қушинининг угруқида Озарбайжон ва Арманистонда бўлди.
- 1395 й.— 1398 й. — Улугбек катта онаси Сароймулк хоним билан бирга Самарқандда истиқомат қилиди.
- 1398 й. баҳор ва ёз ойлари — Улугбек бобоси Амир Темурни Ҳиндистон юришига кузатаётib Балх, Хулем, Саманғон, Андароб ва Кобуда бўлди.
- 1398 й. — Улугбеки Сароймулк хонимга қўниб Кобулдан Самарқандга қайтариб юборилди (24 август).
- 1399 й. 29 март — Улугбек Термизда Ҳиндистон юришидан қайтиб келадиган бобосини кутиб олди.
- 1399 й.— 1402 й. — Улугбек бобосини Ғарбий Эрон, Озарбайжон ва Туркияга қилган ҳарбий юринида кузатиб борди.
- 1402 й. — 1405 й. — Улугбек кунинча Мовароунақрда турди.
- 1404 й. 16 октябр — Улугбекни амакиси Мұхаммад Султоннинг қизи Ҳтай бегимга уйшаптириб қўйдилар.
- 1405 й. 18 феврал, Утрор — Амир Темур вафот этиди. Мирзо Улугбек Сароймулк хоним ва бошқа оғолар билан Самарқанддиниг Алиобод қишилогида видолапшиб, Иброҳим Султон ва амирлардан Шоҳмалик ҳамда Шайх Нуриддин билан бирга Бухоро сари жўнади (5 март).
- 1405 — 1409 й. — Улугбек Хуросонда Ҳирот, Шибиргоц, Андхуд, Машҳад, Тус, Астробод ва бошқа вилоятларда турди.
- 1406 й. — Мирзо Улугбекка Тус, Ҳабуноц, Каюлот, Нисо, Обивард, Язир, Сабавор ва Нишонур суюргол тараида иғъъом қилинди; Улугбек билан Шоҳмалик Ҳарши ёнида бўлған урушда Ҳалил Султондан маглуб бўлдилар.
- 1407 й. 4 май — Улугбекка, юкоридаги вилоятларга қўшимчам тарзда, Мозандарон ҳам иғъъом этилди.

- 1408 й. 22 апрел
- Табризнинг Шанби Гозоний деган мавзеъида мирзо Мироншоҳ Қора Юсуф (1389—1402) билан бўлган урушда ҳалок булди.
- 1409 й.
- Шоҳруҳ билан Улугбекнинг Мовароуннахр устига, Ҳалил Султонга қарши юриши ва Самарқанднинг ишғол қилиниши (13 май); Мирзо Улугбекка Мовароуннахр инъом этилди.
- 1410 й.
- Улугбек ва Шоҳмалик Қизил работда Шайх Нуриддин, Чингиз ўғлон ва мирзо Муҳаммад Жаҳонгирнинг бирлашган қўшинидан енгилдилар (21 апрел); Шоҳруҳнинг катта қўшин билан Амударёдан кечиб ўтиши (21 июн); Қизил работда бўлган уруш ва Шоҳруҳнинг гала-баси (12 июл); Самарқанднинг Шоҳруҳ томонидан олиниши (14 июл); Шоҳруҳ Самарқанддан жунаб кетди (30 июл).
- 1411 й.
- Амир Шоҳмалик Улугбек тарафидан қўшин билан Шайх Нуриддинга қарши жўнатилди (10 январ); Шайх Нуриддин исёни бартараф этилди; Туркистон ҳам Улугбекка бўйсундирилди; амир Шоҳмалик Улугбекнинг талаби билан Самарқанддан чақиритириб олинди.
- 1414 й.
- Мирзо Улугбек амирлардан Муса ака, Муҳаммад Тобон ва амир Алилар билан бирга Андижон устига қўшин тортди. Амирак Аҳмад Кошгарга қочиб кетди. Улугбек қўшини Аҳси билан Андижонни ишғол қилди. Улугбек Амирак Аҳмад хусусида маслаҳатлашиб олиш учун Ҳиротга келди (25 ноябр).
- 1415 й.
- Улугбекка Мовароуннахрга қайтишга ижозат берилди (12 март); Улугбек Фарғонага янгидан қўшин юборди; Амирак Аҳмад яна Кошгарга қочиб кетди; Шоҳруҳ Амирак Аҳмадга ишончнома юбориб уни Ҳиротга чақиритирди (26 июл); Хитойга Самарқанд элчилари юборилди.
- 1416 й.
- Улугбек Оқ ўрда ҳукмдорларига қарши Сирдарё соҳилларига қўшин тортди (март — апрель); Кошгар Улугбек давлати таркибига қўшиб олинди; Самарқандга Мўгулистандан элчилар келди.
- 1417 й.
- Мирзо Улугбек Ҳиротга келди (6 май); Хитойдан келган элчилар шарифга уюштирилган қабул маросими

1418 й.

да иштирок этди (17 май); Улугбек
Оби турк (Чирчик бүйларида) қиши-
лади; Бухорода Улугбек мадрасаси
куриб битирилди.

1419 й.

— Мирзо Улугбек қишлоудан Самар-
қандга кайтди (феврал); Мұгу-
листанда давлат тұнташи; Са-
марқандга Мұгулистандан элчилар
келди.
— Самарқандга Оқ үрдалик тахт да-
вогарларидан Барок үглон қочиб кел-
ди (25 май); Улугбекнинг турмуш
үртоги Ұгай бегим вафот этди; Са-
марқандга Хитой элчилари келди
(август); Мұгулистанда нотинчлик
ва Улугбек Сирдарә бүйларига қа-
раб қүшин тортди (август — ок-
тябр); Улугбек Бухорога борди
(ноябр); Самарқанддан Хитойга
элчилар жүннатилди (декабр).

1420 й.

— Самарқанддан Мұгулистанга құ-
шин юборилди (25 июн); Самарқанд-
га Гавҳаршод бегим келди (29 апре-
л); Улугбек ҳуазурига Мұгулис-
тандан давлатхөхлик ва тобелик
бидириб Малик Ислом келди (11
июл); Самарқандга Мұгулистандан
Сарик үглон билан Шермуҳаммад
үглон бошлигига 50 нафар сардор
келди (20 июл); Улугбек от-улов,
қурол-аслаха ва одам беріб
Шермуҳаммад үглонни Мұгулистан-
га юборди (23 декабр); Самарқанд-
дагы Улугбек мадрасасининг қури-
лиши тамомланды.

1421 й.

— Мирао Улугбек үгил құрди (13 ян-
вар). Үнга Абдурахмон деб исем
қойилди. Шермуҳаммад үглон ғала-
ба қозонди, деган хабар олинди
(май — июн).

1421 й. — 1422 й.

— Улугбек қиши Бухорода үтказди;
Тибетдан элчилар келди.

1422 й.

— Мирзо Улугбек Ҳиротга борди; Хи-
тайдан Темурий элчиларининг қай-
тиши (сентябр боши).

1423 й.

— Бароқхоннинг Даши қипчокдагы
муваффакиятлари ҳақида хабар
олинди.

1424 й.

— Мұгулистан устига юришга тайёр-
гарлик; Улугбек қишлаш учун
Шохрухияга келди (10 ноябр); Са-
марқанд мадрасасининг жануб тара-
фида хонақох, муқаттағ масжиди,
Регистонда оса Мирзойи ҳаммомы
курилди; Самарқандда расадхона
курилиши бошланды.

- 1425 й. Улугбек Мұгулистан устига қүшин торди (17 феврал); Самарқандға қайтиб келди (27 июн); Улугбек Ҳиротда бұлды (октябр – ноябр).
- 1426 й. Бароқхоннинг кучайиб кетиши ва Оқ урда билан Темурийлар давлати уртасидаги муносабатлар ёмонлашды.
- 1427 й. Ҳироттинг Жомий масжидиде Шоҳрухға сүиқасд қилинди (21 январь); Улугбекка ёрдам учун Ҳиротдан Мұхаммад Жұқий бошчилигига қүшин юборилди (15 феврал); Сигноқ ёнида Улугбек билан Қароқхон уртасида бұлған уруш ва Улугбек қүшинининг мағлубиятта учраши (феврал охири); Шоҳрух үглига (Улугбекка) ёрдам учун аскар, күрол-аслаға ва маблаг юборди (16 март); Шоҳрухнинг үзи катта қүшин билан Мовароуннахр устига отланды (28 май); Шоҳрух Самарқанддан Ҳиротта қараб жұнаб кетди (7 октябр).
- 1429 й. Мұгулистанда нотинчлик; Улугбек Мұгулистанга Сотукхон бошчилигіда аскар юборди.
- 1430 й. Ирик олим ва Улугбекнинг сафдоши Ғиёсiddин Жамшид Кошоний вафот этди.
- 1432 й. Улугбекнинг үгли мираз Абдурахман вафот этди (15 январь); Ҳиротдан Улугбекнинг ихтиёрита фитначи туркман шаҳзодаси Ерали юборилди.
- 1433 й. Улугбек мираннинг Ғиждувондаги мадрасаси қуриб битказилди.
- 1435 й. Мираз Улугбек Сарахсга, Шоҳрухнинг одий ўрдусига чақирилди (январь – урталари); Шаҳрисабзда Құқ гумбаз масжиди ва Гумбази Сайидан бино қилинди.
- 1437 й. Ирик олим ва Улугбекнинг устози Қозизода Румий вафот этди. Мираз Улугбекнинг «Зижи жадиди курагоний» асари ёзіб тамомланды; Мұгулистан амирларидан Сайд Али дүглөт тарафидан Қошғар босиб олинди.
- 1441 й. Мираз Абдуллатиф бувиси Гавҳаршод бегимдан аразлаб Самарқандға келди; вазири аъзам Носируддин Хавофий вафот этди.

- 1442 и. Самарқандга Гавхаршод бегим келди (инвар) ва Абдуллатифни олиб Ҳиротга қайти (феврал).
- 1444 и. Шоҳруҳнинг ўсаллаб қолиши ва тоҷу таҳт ҳусусидаги мөжаролар.
- 1445 и. Самарқандга Хитой элчиларининг келиши.
- 1446 и. Шоҳруҳнинг набираси Султон Мұхаммад исёнини бостириш учун Ғарбий Эронга қиласан юриши; Ясси, Саброн ва Сигноқнинг Абулхайрхон тарафидан босиб олиниши.
- 1447 и. Шоҳруҳнинг вафоти (12 март); Абдуллатиф билан Алоуддавла ўртасида тоҷу таҳт учун кураши бошланди; Абдуллатиф маглубиятга учраб асир олини (29 апрел); Алоуддавланинг Мурғобга қўшин тўплаши, Улугбек билан Алоуддавла ўртасидаги музокаралар ва Абдуллатифнинг асирликдан бўшатилиши.
- 1448 и. Алоуддавланинг босқинчилик ҳаракатлари; Улугбек қўшин билан Амударёни кечиб утди (баҳор); Тарноб ёнида бўлган уруш ва Алоуддавланинг маглубиятга учраши; Ҳирот, Машҳад, Тус, Нинопур, Қучан ва Исфарон Улугбек аскарлари тарафидан ишғол этилди; Улугбек Ҳиротни Абдуллатифга топшириб Мовароуниаҳр сари йўлга тушиби (ноябр); Даشت қипчок кўчманчилари Абулхайрхон бошлилигига Мовароуниаҳрга бостириб кириди ва Тошкент, Шоҳруҳия, Самарқанд ва Бухоро атрофини, то Амударё буйларигача, горат қилди; Абдуллатиф Балх вилоятига ҳоким этиб тайинланди.
- 1449 и. Ҳурсон таҳтини Абулқосим Бобур эгалади; Мирзо Улугбек Бухоро қишловидан Самарқандга қайти (март); Балҳда Абдуллатиф отасига қарши исён кўтарди; Улугбек унга қарши қўшин торти (апрел ойининг охири); ота билан ўғилнинг Їайхун буйиди бир бирига қарши уруш ҳолатнда туриши (май, июн); Султон Абу Сайд Мирзо исёни (июл); Улугбек қўшинининг Диимиш ёнида Абдуллағифдан маглуб булиши (17 октябр); Улугбекнинг Маккага жўнаб кетиши ва Самарқанд ёнида хоинопе ўлдирилиши (25 октябр).
- 1450 и. Абдуллатифнинг қатл этилиши (9 май).

ҚИСҚАЧА ИЗОХЛАР

А бақаҳон — Ҳалокуийлар (Чингизийлар) сулоласидан чиққан Эрон ҳукмдори (1265—1282).

А булхайрхон — XV асрда Дашиби қинчоқнинг шарқий қисми устидан ҳукм юргизган кўчманчи ўзбеклар давлатининг асосчиси (1428—1468).

Абу Маъшар — Хурсонлик машҳур астроном Абу Маъшар Жаъфар ибн Мұхаммад ибн Умар ал-Балхий (786—886).

Абу Саъидхон — Эронда ҳукмронлик қилган Ҳалокуийлар (Элхонийлар) сулоласининг сунгги ҳукмдорларидан (1317—1335).

Абу Ҳанифа — Ҳанафия маҳабининг асосчиси Нуъмон ибн Собит (699—767). Кўпроқ Имоми Атъзам номи билан машҳур бўлган.

Азуд ад-давла — Азуд ад-давла Фано Ҳусрав (949—983); Бувайхийлардан.

Аламут — Қазвиннинг (Эрон Озарбайжони) шимоли-гарбий тарафида, Эльбурс тогига жойлашган мустаҳкам қалъа. Исмоилийлар давлатининг (1090—1256) қароргоҳларидан.

Али ибн Исо Устурлобий — аш-Шаммосия (Бағдод) расадхонасининг астрономик кузатиш асбобларини (устурлоб ва б.к.) ясаган олим (IX асрнинг биринчи ярми).

Али Сино — Бухоролик машҳур қомусий олим Абу Али ибн Сино (980—1037).

Алоиддин Мұхаммад — Улугбекнинг шогирди, машҳур олим Али Қушчи (1403—1474).

«Ал-ҳидоя» — Бурхонуддин Марғононий (1197 й. вафот этган) ёзган мусулмон конунчилиги (фиқх)га оид асар.

Амиррак Аҳмад — Темурий Умаршайх мирлонинг ўғли (1409—1416 й. Фарғона ва Кошғар ҳокими).

Арасту — Аристотель (милод. авв. 384—322 й.)

Аржуманд — азиз, иззатли, қадрли, мұтtabар.

Арз — эн, көңгілік.

Аристолис — қадымги юон файласуфи Аристотель.

Арқан давлат — давлат таянчлари; давлатнинг нуғузли киши лари.

Ағижиюн — ашогей.

Афлотун — қадымги юон файласуфи Платон (мил. ав. 427—347).

Афросиёб — Туркларнинг афсонавий подшоси.

Ахтабеги — Подшоҳ отхонасининг мутассадийси.

Ашкол ат-таъсис — сайиид Шамсиддин Мұхаммад Самарқандийнинг (XIII — аср) геометрияга тегишли асари.

Ашпара — Ашпара (Аспара) сойи буйнда жойлашган (Чу дарёсига яқин, Қозогистон, Жамбул облост Мерки районига яқин) ўрта аср шаҳари.

Ағёр — душман, ёв.

Ахмад ибн Абдулла Марвозий — күнрөк Ҳабаш ал-Хосиб Марвозий номи билан машхур бўлган йирик астроном олим; Маъмун академиясининг кўзга кўринган намёёндаларидан. (тахм. 770—870).

Ахмад Фарғоний — IX асрда утган йирик астроном олим; Багдод академиясининг кўзга кўринган намёёндаларидан (861 й. вафот этган).

Аҳраман — зардуштийлар эътиқодига кўра энг даҳнатли дев.

Бадиъи — янги, нодир, ажойиб асар; янги ижод этилган асар.

Баён (илми баён) — нозик маъноларни баён қилишини ўргатувчи илм.

Байт ул-мол — мол-дунё сақланадиган уй; хазина.

Баковул — подноҳ, ошиази.

Баргуствои — от устига ташланадиган ўқ утмас маҳсус ёниқ.

Бароё — барча маҳлуқот.

Баронгор — қушиининг унг қаноти.

Бароқ уғлон — Оқ урда хони (1422—1428).

Бекори — тиконсиз. Бу ерда кирикка шора.

Бир мисқол кенакий — Чигатой авлодидан бўлган Кепакхон (1309—1325) даврида зарб этилган кумуш (олтин) танга; тахминан 4,8 г. вазнда бўлган.

Битлимус — қадимги юнон астрономи Клавдий Птолемей (тахм. 90—160 й.)

Бобак — Озарбайжон ва Ғарбий Эронда 8°6'—837 йиллари бўлиб утган ҳалқ ҳаракатининг етакчиси (тахм. 800—838).

Бойсункур Мирзо — Шоҳруҳининг ўғли ва вазири, кейинча Ғарбий Хуросон ҳокими (1433 й. вафот этган). Илм-фан ва маданият араббларига ҳомийлик қилган.

Ботмон — оғирлик улчови; бир ботмон тахминан 24—25 кг. га тенг бўлган.

Буам сойи — Буам дараси (Шимолий Қиргизистонда, ҳозирги Тон ва Кемин районлари оралигига жойланган) бўйлаб окувчи сой; асл номи Чу.

Бузжорий — X асрда утган хуросонлик йирик математика олими Абулафа ал-Бузжоний.

Бузуржемехр — Сосонийлардан Ҳусрав Парвез (531—579) нинг вазири.

Булжор — қўшин тўпланадиган жой.

Булук — пойттаҳт атрофидаги район, туман.

Буржу бора — қалъа девори ва унинг чор атрофига қурилган мустаҳкам минора.

Бурхонуддин Согаржий — Самарқандлик йирик олим Умар иби Мұхаммад ан-Насафиий ас-Самарқандийининг (1143 й. вафот этган) «Китоб ал-қанд фи маърифати уламоий Самарқанд» («Самарқанд уламоларининг маърифати ҳақида ширин китоб») асарида тилга олинган авлии; «ал-Хидоя» муаллифиининг авлоди. Хитойда вафот этган. Ўғли Абу Саъид ҳокими Самарқандга олиб келиб дафи этган. Қабри Рӯҳобода.

Вард — атиргул.

Газ — тахминан 62—64 см. га тенг бўлғон узуунлик улчови.

Гази ҳошимия — 66,5 см. га тенг узуунлик улчови.

Газа — окон.

Гардун қадар — осмон қадар; подноҳлар ва сultonларга бериладиган цисбат.

Гилкор — иморат қурувчи уста.

Гулбарга — Марказий Ҳиндистонда лашкарбоши Ҳасан Гангү. Гангү асос солған Баҳмонийлар давлати (1347—1527) нинг дастлабки пойттаҳти. Кейин Аҳсанобод аталган.

Давлатшоҳ самарқандий — Машхур тазкирианавис олим ва шоир (тахм. 1436—1495).

Далоилхона — йирик шаҳарларда ташкил этилган диний мактаб. Унда «Қуръон»нинг айрим суралари ва «Далоил ул-хайрат» деган китоб ўқитилган.

Дарагез — Балхдан тахминан түрт фарсах жапубда жойлашган дара.

Дарёйи хазар — Каспий деңгизининг ўрта асрлардаги номларидан.

Дафтардор — ўрта асрларда ҳукумат молия маҳкамасининг хизматчиси.

Даҳяқ — солиқ тури, ўндан бир.

Девони муставфий — бош молия идораси.

Девони мол — молия бош идораларидан; солиқ түплайдиган идора.

Дибо — изоик ва нағис нақшлар солиб түқилган ипак мато.

Дийа — хун ҳақи.

Димишқ — Самарқанд атрофида Амир Темур барни этдиран катта қишлоқлардан.

Диний илмлар — Қуръон, Ҳадис. Тафсир каби диний китобларни ўргатувчи илм; диний ақидалар, маросим ва урф-одатларни ўргатувчи илмлар.

Динор — шул бирлиги; 4,235 г. вазидаги олтин (кумуш) танга.

Дирам — шул бирлиги; 3,36 г. га тенг кумуш танга.

Доник — 0,8—0, 76 г. вазидаги оғирлик ўлчови.

Домана — чет, этак, қирғоқ; Қоф тогининг этаги. Бу ерда — дарё этаги.

Донг — динор ёки дирҳамишиг¹ 6 га тенг бўлган оғирлик ўлчови; шу вазидаги оқча.

Доруссалтана — салтанат эшиги; пойттаҳт.

Доруга — ўрта асрларда шаҳар ҳокими; корхона бошлиги.

Дунёвий фанлар — диний илмларга зид улароқ, табиат ва жамийт ҳақида аниқ тушунча бериладиган фан (математика, астрономия, тарих, география ва б.к.)

Евук — яқин.

Есоқ — жазо.

Еғин — ёв, дуниман.

Ёғоч — масофа ўлчови; тахминан 6 км. га тенг.

Жавзо — Классик астрономияда осмон буржларидан бири; уни ёнма-ён турган икки қиз шаклида тасаввур қилганилар. Қуёш йили ҳисобига кўра 22 май — 2 июн ораси.

Жавзо — Классик астрономияда осмон буржларидан бири; уни ёнма-ён турган икки қиз шаклида тасаввур қилганилар. Қуёш йили ҳисобига кўра 22 май — 2 июн ораси.

Жавонгор — Қушининг сул қаноти.

Жади буржи — Классик астрономияда осмондаги 12 буржалардан бири; йил ҳисобида 22 декабрдан — 21 январ ўртасидаги вақт.

Жавди юлдузи — Кийик тусида кўринадиган ва хатти истиво (экватор) да жойлашган юлдуз (орион).

Жайпол — Ҳинд роjalаридан (Х аср).

Жамшид — Қадимги Әронда ҳукмронлик қилган Нешодийлар сулоласидан учинчи ҳукмдор.

Жариф — Тахминан 3600 кв. газга тенг сатҳ ўлчови; тахм. бир таноб.

Жаҳоншоҳ — Муғалистон ҳукмдорларидан Қамариддининг угли (1428 й. ўзаро феодал курашида ҳалок бўлган).

Ж е т е — Чигатой улусининг Ғарбий қисми (Еттисув ва Кошгар); тарихда Мұғалистон номи билан ҳам машхур.

Ж и б а — нұлат симдан тұқылган уруш анжоми; совут.

Ж и р г а — Доира булиб үлтириш; олий кенгаш. Бу ерда ов вактида ов қилинған ерии доира шаклида үраб олиш.

Ж о л и н у с — Римлик машхур врач Гален (тахм. 130—200).

Ж у на — буддизм таълимотининг давомчиси ва ислоҳчиси Жуна Махавира.

Ж ұ ч и х о н — Чингизхоннинг тұнғич ўғлы; Жұчи улусининг асосчысы; 1227 й. вафот эттән.

З а м м — Балхга қарашибик вилоят; Амударё бүйіда жойлишган вая гарбдан бир чети Марвга тулашган.

З и н ба ғ д о р — Подшоҳнинг отига эгар-жабдуқ урувчи хизматкор.

З а р б о ф — зар ии билан тұқылған мато ва ўша матодан тикилған кийим.

З а х и р а — ҳар әхтимолға қарши асраб құйилған озиқ-овқат, кийим-кечак, қурол-аслаха, ем-хашак.

«З и ж и м а ли к ш о ҳ и й» — Умар Ҳайёмнинг Салжукийлардан. Султоны Маликшохга (1072—1092) атаб ёзған тақвим (календар) га оид асари.

З и р и х — ўқ ва тиғ үтмайдыған ҳарбий кийим; совут.

З о и ж а — ром очиш учун тузиладыған махсус жадвал.

З от у л — Самт — астрономик күзатыш асбоби; азимутал қалқа.

З от у л-сү қ б а т а й н — иккита тешиги бұлған ўлчаш асбоби; дионатр..

З от у л-х а л қ а — астрономик асбоб; дионатр.

З от у л-ш у ғ б а т а й н — ҳар тарафи уч газга тенг бұлған астрономик ўлчов асбоби; армиялар сфера.

З от у л-ш у ғ б а т а й н — қадимий астрономик асбоб; треквер.

З у б а и д а — Халифа Хорун ар-Рашидининг (786—809) иқтидорли вая сүюклө хотини.

З у л я ч а — астрономик күзатыш асбоби.

З у қ а л — Сатури сайёраси.

З у х р о — Венера сайёраси.

И б н Ҳ а н б а л — Ҳанбалин мазҳабининг асосчиси Ахмад ибн Абдуллах аш-Шайбоний (780—855).

И з о р а — уйдеворининг берилген токча орасидаги қисми; шу қисмга қошланадыған тош қоплама.

И к к и м а н а и л — отлиқ киши бир кундузда босиб үтиши мумкин бұлған масофаса.

И л и г — құл.

И л м и ба ё н — маъноларни нозик баён қилишни үргатувчи илм; риторика.

И л м и М а ъ о н и й — истилоҳлар мөхиятини ечиб беруучи илм.

И л м и н у ж у м — астрономия.

И н о н ч н о м а — ишонч ёрлиги.

И р т и ф о н и с ф а н -н а х о р — қүёшнинг чошгоҳдаги (тахминан соғат 12 лардаги) баландлиги.

И с л и м и й — классик нақш түри; олтин, кумуш, мис, ганч ёки ёғочга үйіб ёки қабартыб ишланади; кийимларга эса зар билан тикилади.

И с т и х с о н — яхшилик билан эслаш!

И т о б — қаҳр, гаъаб; қаҳр — газаб билан сүрок қилиш.

«И х т и ё р и д д и н д и о г и х а з и н а м и» — Абдуллатифнинг Ихтиёриддин қалъасыда (Хирот)даги хазинаси; қарийб 2 миллион көпалий атрофида бұлған.

Ихтисос — бирон илм, қасб-хунарға хос булиш; мутахассис.

Иштихор — шұхрат тониши.

Иклидус — қадимги юнон астрономи Евклид (мил. ав. III аср.).

Игоч — к., әғоч.

Кайхусрав — Хутталон ҳукмдори (XIV а. II ярми).

Калонтар — мұлк, музофот ёки қасаба бошқаруучиси.

Кас — одам, киши.

Катурва сиёхпұшлар — ҳозирги Афғонистоннинг шимоли шарқий тарафида, Бадахшондан жапубда жойлашган төгли вилоят (Қоғиристон ёки Нурестон деб ҳам аталады) ҳалқы.

Кашшоф — Абулқосим Маҳмуд иби Умар Замахшарийнинг (1074—1144) «Қуръон»га ёзған машҳур тафсири.

Кената — бирдан.

Кина-кудурат — ёвлышшы, адоват; кек сақлаш.

Кирбос — жайдары нахта инидан туқылған мато; буз.

Кичик Осиё — Гарбий Осиёға жойлашған ярим орол; ҳозирги Турция.

Ктвол — қалъа бөнлиги; комендант.

Күкалтош — аслида ёт-бегона, лекин бир онани эмиб улғайған биродар.

Күкпүли — фавқулодда шароитларда экин шишмай туриб, унинг күкига қараб ундириладиган солиқ; хирожнинг тури.

Курагон — хоннинг құёви. Чингизхон авладига уйланған одам.

Күшк — подшох ва хонларға тегишли чорбоглар уртасыда қурилған ҳашаматли бино; қаср.

Күхитанг — Помир-Олой тог системасининг жануби-гарбий тарафидаги тизма; Бойсунтогнинг давоми. Амударё водийсидан Шербобдacha қарыйб 100 км. га چұзилған. Ҳозирғи Ўзбекистон билан Туркманистан территориясыда.

Лаввоҳ — хошия қоғозини матнға (текст) ёпиширувчи.

Лак — юз минг.

Лангар — катта йұл устида йұловчилар қўниб үтадиган жой; камбагал ва етим-есирға оқиғат бериладиган жой. Ғарифхона.

Лашкарнавис — құшин ва унга тегишли нарасаларни ҳисоб-китоб қилиб қоруучи мансабдор, ҳарбий котиб.

Лохавл — құрққан пайтда үқиладиган дуо.

Мавқаб — улуг аот (юнош, хон, эшоп ва ҳ.к.) нинг ёнида дабдаба билан бирға қоруучи отлиқлар ёки ниёдалар гурухи.

Мавлоно Фазлиддин Астрободий — Эронда XIV аср охирида тарқалған диний маслак асосчысы (1340—1394).

Майит — улик, мурда.

Мажмуъ ал-аном — жамий одамлар.

Манглай — құшиннинг илгор қисми.

Малик ушшуаро — шоирлар подиоси. Сарой шоирларининг етакчысы.

Ман — оғирлик үлчови; таҳминан 3 кг. га тенг булған.

Манжайик — тош отадиган махсус ҳарбий қурилма.

Манзил — тұхтайдиган жой.

Машур — ёрлық, фармон.

Маоний — маңындар. Илми маңынай — бирон нараса ёки ҳодиса-нинг туб мөдияттіни, мазмунини ечиб беруучи илм.

Муаддал ан-нахор — осмон экватори.

Мұхтасиб — мусулмонлар тарафидан шариат йуриқдарининг бажарилишини назорат қилиб туруучи мансабдор.

Марога — Табриздан (Эрон Озарбайжони) 80 км. жапубда жойлашган шаҳар; Халокухон даврида (XIII а.) мамлакат пойтахти.

Махтутот — қўлёма асар.

Маҳди улё — энг олий бешик; подшоҳнинг катта хотинига берилган фахрий унвон.

Мизон — классик астрономияда кўкдаги 12 буржнинг бири (еттингчиси), сентябр ойига тўғри келади.

Мир Абдул — Шайхулислом; мутассавиуф олим; Ҳожа Убайдулло Аҳорнинг кўёви (1500 й. вафот этган).

Мирим чала бий — машҳур олим; Улугбек мактабининг кўзга кўринган намоёндаларидан. Ҳақиқий исми Маҳмуд иби Муҳаммад иби Қозизода Румий (1525 й. вафот этган).

Мирриҳ — Марс сайёраси.

Мисол — фармон, бўйруқ.

Мордин — Месопотамияning шимолидаги шаҳар ва мустаҳкам қалъя.

Морпеч — илонни эслатувчи нақш тури.

Муаззин — аzon айтuvчи, сўфи.

Мубоҳаса — баҳслашув.

Музайин — китобни безовчи.

Мунаҷжим — юлдузлар илми билан шугулланувчи олим; астроном.

Мунаҷжими хос — подшоҳнинг хос мунажжими.

Минтақат ул-бурж — буржлар минтақаси; қўёшнинг осмон сферасидаги бир йиллик ҳаракати.

Мурадсаъ — қимматли тошлар билан безатилган нарса (ханжар, парча, дастурхон, хон ва б.к.)

Мурчил — қамал қилувчилар тарафидан қалъанинг дарвозаларга қараб қазиладиган ҳандак.

Мувассада — асарнинг қораламаси.

Мусаввир — тасвирловчи; рассом.

Мусалло — шаҳар четида жамоа ҳайит кунлари намозга тўплана-диган майдон.

Муставфий ал-ламолик — подшоҳликнинг молия ишларини бошқарувчи олий мансабдор.

Муфт — текин.

«Мұхтасари викоя» — Убайдулла ал-Маҳбубийнинг (1346 й. фавот этган) мусулмон қонунчилиги (фиқх)га оид китоби.

Мұштарий — Юпитер сайёраси.

Мұхаддис — ҳадис олими.

Мұхандис — Ҳандаса (геометрия) илмини яхши билган олим; бинокор инженер.

Мұхосиб — ҳисобчи.

Мұхофазат — сақлаш, қўриқлаш.

Мұҳрдор — подшоҳлик мұхрини (печатини) сақловчи олий мансабдор.

Мұғулистан — XIV — XV асрда ўтган феодал давлат. Унга Еттисув ва Кошгар қараган.

Наввоб — ноиб, ўринбосар; тожу таҳт вориси.

Навҳа — товуш чиқарби йиғлаш; мунгли йиги; нола.

Наддоф — пахта титувчи.

Найсон — савр (апрел) ойи.

Насри тойир — қийғир; қийғир шаклида тасаввур қилинадиган бир юлдуз номи.

Настаълиқ — арабча ҳат тури.

Насх — арабча ҳат тури.

Нафтандоз — нефтга чилаиган «түнни» ёндириб отувчи бир хил ҳарбий қурилма.

Нақиб — жамоа бошлиги, бирон жамоа ёки қабиланинг энг эзтиборли кишиси.

Нақшбандия тариқати — исломда йирик сүфийлик тарікательидан бири. Унга бухоролик шайх Баҳоуддин Нақшбанд (1318—1389) асос солған.

Наққош — нақн босувчи; рассом.

Нахъя сарф — араб тили грамматикаси.

Нисор — сочитқи. Махсус маросимларда ҳурматли зотлар ва көзининг бошидан таша-чақа сочиши.

Нисф а-нахор — меридиан.

Носириддин Тусий — XIII асрда үтган йирик қомуй олим (тахм. 1201—1274).

Нүён — шаҳзода (мұгулча); 10.000 ва ундан ортиқ құшинша құмандонник қылған саркарда.

Оби түрк — Ҙирчиқ дарёсінинг урта асрлардати номларидан.

Ол-томго — қизили тамға, подшоқнинг имтиёзли ҳужжатларига босиладиган хусусий мұхри.

Олтин үрда — 1227—1502 үйлари үтган йирик феодал давлат. Унга Гарбий Сибирь ва Дастан қынчоқнинг Шарқий қисемі (хозирғи Қозогистан) ва Волга бүйір ерләри қараган.

Орлот — XIII—XV асрларда үтган йириктүрк-мұгул қабиласи.

Орол найгамбар — Амударё уртасида, күхнә Термиз рұбарусиң жойлашған орол. Ривоятларға қараганда бундай аталинига сабаб исломиятдан изләри үтган найгамбарлардан Зулкифл шу ерга құмилған әмиш.

Осору атиқалар — үтмишдан қолған ниншоналар; диққатға сазовор жойлар; маданият ёдгорлеклери.

Отака — шаҳзодаларнинг тарбиячеси.

Оталиқ — қ. отака.

Оқсув — Иссикқұлнинг шарқи-жанубий тарафида оқувчи дарё.

Оқ үрда — Жучи улусининг бир қисеми. Оролдан Балхашгача бүлған территория.

Пешкаш — тортиқ, совға, инъом.

Полуда — тиник, соғ, суғындан үтказылған. Бу ерда урта асрларда мевадан тайёрланған ширин овқат.

Работи ём — Самарқанд вилоятига қарашлик маңзил. Ҳозирғи Ломакино темир йүл станциясы атрофида бўлған.

«Равзат ус-сафо» муаллифи — машхур тарихчи олим Мирходид (1498 й. 23 июн куни вафот этган).

Райят — бироп ҳукмдорга қарашлик ҳалиқ; тобеъ ҳалиқ.

Риёзиёт — математика.

Рикобдор — подшоқ в алзодаларнинг отига эгар урувчи; доимо уннинг узағисига юрувчи хизматкер.

Рикоббоши — рикобдорлар бошлиги.

Рифохият — фаровонлик.

Рубъи маскун — дүнёнинг ахоли яшайдиган түртдан бир қисеми.

Рукъя — парча қоғоздаги ёзув; мактуб.

Саброн — Сирдарё бўйига жойлашған урта аср шаҳари.

Садажот — 100 қишилик ҳарбий булинма; юз хонадан атрофида ахолиси бўлған төг багридаги қинилоқ.

Садоқ — чармдан тикилған ўқ ҳалта; үқдон.

Садри аззам — биш садр.

Самт — ёнбони, тарафи.

Сандал дараҳти — қора-сариқ тусли хүшбүй бир дараҳт.

Са но и ъ — касб-хунар; бирон ҳунарни мұкаммал әгаллап.

Сар бад ор ла р — 1337—1381 й. орасыда Хуросонда ва 1365—1366 йиллари Самарқандда ҳокимият устида турған бир жамоа.

Сар доб а — сув сақланадиган усти ёпік чүкүр ховуз.

Сар хад — чегара.

Са қар лот — жұндан тұқылған кийімлік.

Сах хоф — мұқвасоз.

Сидрат ул ми на хо — ривоятта кура еттінчи осмонда үсадиган бир дарахт.

Синар — қалқон; елигіч, табоқ.

Сир от — күпірік, йўл; мусулмонлар эътиқодига күра, дүзохда утиладиган йўл, күпірік.

Соби йла р — матъжусийлар, бутнарастлар. Абу Райхон Беруний-нинг сўзларига қараганда. Вавилонга асир тушиб қолған иҳудийларниң авлоди.

Совут — ўқ ўтmas ҳарбий кийим.

Сорбон — туяқаш.

Сотуқ хон — Улугбек даврида ўтган қўғирчоқ хон (1434 йили Мўгулистонда ўзаро феодал курашда ҳаюк бўлган).

Сохиб ихтиёр — тўлиқ ихтиёрлик, тўла ҳуқуқли одам; сарой министри.

Суд — фойда, наф.

Суде и фахрий — Бувайхийлар сулоласига мансуб Фаҳруддавла Али (983—997) замонида ал-Хужандий тарафидан ихтиро қилинган астрономик асбоб. Жойнинг географик координатларини, юлдузларниң чиқиши ва ботиш вақтларини улчашда исплатилган.

Сул дус — нуфузли мугул қабилаларидан бирининг иоми.

Султон Аҳмад — Баҳмонийлар сулоласига мансуб ҳукмдор; асл исми Малик Аҳмад Вали I (1422—1436).

Султон абу Сайд Мирзо — Темурийлар хонадонидан чиққан ҳуқидор (1451—1469); Мироншохинг авлоди.

Султон Сайдхон — қ. Абу Сайдхон.

Султон Содат — Гермизлик сайдидлар дағи этилган мақбара-лар комплекси (X—XVII асрлар). Термизга яқин ерда. ҳозирги аэропорт атрофидаги қинжал.

Суя то ния — Ҳалокуийлар сулоласидан Улжойтухонининг (1304—1317) амри билан 1307 йили Қазвинга яқин ерда бино қилинган шаҳар; Ҳалокуийлар давлатининг янги пойтахти.

Сурон — жангла кириш олдидан қилинадиган ҳайқирик; ура!

Суюргол — подшоҳлик олдида куреатилган катта хизмат эвазига бериладиган мажеус инъом.

Сухо — катта Айик юлдуз түркүмига кирған кичик юлдуз; Алькор.

Та ар руз — тегищ, қаршилик курсатиш.

Табарзин — гураңига үхшаш уруш қуороли.

Тавочи — құшин түплаш ва подшоҳнинг бошқа масъул юмуштарини басқарувчи олий мансабдорлар.

Таж рид ул-калом — Абу Жаъфар Мұхаммад ибн Мұхаммад ат-Тусийнинг (1373—74 йили вафот этгаси) асари.

Та ниж им — тақдирни юлдузларга қараб олдиндан айтиб берин. Бу ерда умуман астрономия асбоблари.

Таңис қ — аслздоларга тортиқ қилинадиган камёб нарса.

Табоқоти Маҳмуд шоҳий — Абдулкарим ибн Мұхаммад Намидихий (XV асрнинг иккінчи ярми — XVI аср бошлары) қаламига мансуб тарихий асар; Хурмуз подшоси Маҳмудшоҳга (1459—1551) бағылланған.

ТАРХ — қурилажак имаратнинг режаси; лойиҳа.

Таргу -- аигирпоядан түқілтап мато.

Тахта қорача -- Самарқандан таҳминан 43- 445 км. жаңу би-шарқда жойлашған довои.

Гаштхона -- идии төвөк саңланадиган хона.

Таквим -- сайдераларниң ҳолати ве ҳаракатиниң күрсатуви маҳсус жадвал; календарь.

Тахмуроc -- Қадымги Эрон Пензодийлар сулоласидан чиқкан иккінчи құмандар.

Тагор -- уруш вақтида құпиян учун ахолидан туыланадиган фавқулодда солиқ.

Тибб -- медицина

Тиллакорий мадрасаси -- Самарқанд регистопида 1647- 1659 ийларда бадавлат ва нуфузли амир Ялантушибий тарафидан құрдырылған бино.

Толеъ -- бағт, иқбол.

Томро -- урта асрларда құнармандлар ва савдогарлардан олинады ган солиқ.

Тош -- таҳминан бир км. га тенг масофа үлчови.

Трайсоксиана -- Оксининг (Амударё) наригитарафидаги ерлар: Мовароуннахрийн грекча аталиши.

Тул -- үауынник.

Тумон -- 10.000 атрофида аскари бұлған ҳарбий қисм; пойтахт тевариядаги район.

Тура -- түрк-мұғұл ҳалқлари орасыда құм сурған үрф-одат асосида ыратылған қоюн; құйшинда четаптусын.

Туюк -- түркій ҳалқлар поэзиясыда лирик жаңр.

Түг -- байроқ.

Түкесобо -- мәхсес байроқдор ҳарбин қисм болынғи.

Убайд ақоний -- XIV асрда үтгап манихур сатирик шоир.

Ұбулистәр -- Ирек, вилюйтларидан; маркази Ұбулла шаҳари Барабан түрт фарғас нарида Даҗла (Тигр) дарбесининг асосий үзілшілік орасыда жойланған.

Ұвайс үкөн -- Мұтуалистон ҳони (1428 ж. үлдирилған).

Ұдайчи -- ғана қоныларниң расмий тантаналарини үюншілік мұтаевідді үтгап мансабдор.

Ұламо -- бидімдөнлар, олимлар.

Ұлутфа -- айтарға от-улов учун ажратылған ем-хашак ва маблаг; шу мәкәнде учун ҳалықдан туыланадиган солиқ поми.

Умар хәзім -- (1048- 1122) урта асрда үтгап иирик математик ва астрономиялық шоир.

Үлман деңгизи -- Арабистон ярим оролининг жаңубидаги деңгиз. Бу ерда көтте деңгиз, океан маңында.

Үмк -- чукурлук, туб.

Үстүрәләб -- осмон әртитгичларини құзатып асбобларидан бири; астрогабит

Үзгрүк -- ҳарбий юргыштар вақтида хол ва подтохцинг хотинлари ва балогаттың етмаган болалари түштеган, шүшнеңдек ҳарбий аңжомлар ва оның откалар ортилған карвон.

Файлакус -- Искандар Зулқарнайининг отаси Македония под шою Филипп II (мис. ав. 382- 336).

Фалак ал бурж -- буржлар доираси; эклиптика.

Фарор -- кочиши, чекиниш.

Фаррош -- налож түшнөвчи; сарой, мозор, мачит ва мадраса сипары жойларин сидириб-сүнириб қорувчи хизматкер.

Фарсах -- 6-7 км. масофата тенг үлчов бирлігі

Фаръадон -- Шимолий құтб яқинидеги чиқы ўрғут юлдуз.

Фархор — қадимги Тоҳаристон (Амударёниг сүл сохилида) шаҳарларидан бирининг номи.

Фатта — эшилмаган ипакдан түқилган, бўялмаган ялтироқ мато; шойи рўмол.

Фатхозома — эришилган галаба ҳакида ёзилган ва турли улка ҳамди мамлакатларга юбориладиган махсус мактуб.

Фаҳриддин Розий — Ўрта Осиёлик машҳур файласуф, астроном, табиб ва илоҳиёт олими (1209—1210 й. вафот этган).

Файз — конун, юриспрудиция; мусулмон қонунчилиги.

Фазил — фозиллар, олимлар.

Фатийи омира — бош ҳазина.

Фатта — Суриядаги Алевко шаҳарининг ўрта асрлардаги номи.

Фаттака рошидин — Найғамбардан кейин утган турткварифи: 1) Абубакр (632—634), 2) Умар (634—644), 3) Үсмон (644—654), 4) Али (656—661).

Фаттака — қалъа агрономига қазилиб, сув тулатилган зовур; махсус муассиса.

Фаттака — бир эшак кутариши мумкин булган юк.

Фаттака вазор — меридиан чизиги.

Фаттака хушхат қинни, хусният устаси.

Фаттака — асосий даромад соили; кунича даромаднинг учдан бир кесумони ташкил этган.

Фаттаки — архитектурада қўлланилган хитоячча услуб.

Хаттаки хон — оёқлари шернинг оёқларига ухиатиб ишланган ходжати.

Хаттаки — подшоҳнинг махсус ётохона.

Хожа абди Бирун — ривоятларга кура, халифа Үсмонининг авлоди эмили. Самарқандга араб истилочилари билан бирга келсан. Мозори шаҳардан таҳминан иккى километр масофада, унинг жануб тарафида.

Хожа абди дарун — ислиси Муънз; әли ибн хожа Муҳаммад Яъқуб. Ривоятларга караганда араблар ҳукмронлиги даврида Самарқанд қозиси бўлган. Мозори шаҳариниг шарқи-жанубий тарафида, Мулиен маҳалласида, қадимги Некандар қальъасининг ичиди.

Хожа Абдулла Аисорий — Хиротлий машҳур шайъ ва илоҳиёт олими (1006—1088).

Хожа Алоуддин нақшбандия тариқатининг кузга кўришга намоёндадаридан Хожа Алоуддин Аттор (1400 й. вафот этган).

Хожа Аҳмад Яссавий — Туркистонлик йирик шоир ва мутасаввуф (тажм. 1105—1166).

Хожа бузург — нақшбандия тариқатининг йирик намоёндадаридан хожа Баҳоуддин Нақшбанд.

Хожа Мухаммад порсо — нақшбандия тариқатининг нақшбандаларидан йирик мутасаввуф олими (1419 й. вафот этган).

Хожа Муҳаммад Санграсон — Аод исми хожа Муҳаммад. Ҳомийи. Куссам ибн Аббоснинг сафдошлиаридан Ривоятларга кура, араблар Самарқандни қамал қилган вактда аскарларга гош ташиб келтириб тургани учун шундай (тош етказиб берувчи) ном билан аталган.

Хожа саро — подшоҳнинг ҳарамига қараб турувчи хизматчи, бичирилган қул.

Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий — машҳур факих (фикҳ олими) хожа Абуллайс Наср ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Иброҳим Самарқандийининг (Х аср) авлоди Хожа Фазлуллоҳ ҳам фикҳ ва тил илмларидан көнт маълумотга эга бўлган.

Хонсолор — дастурхончи.

Хоразмий — хоразмлик буюк математик олим Абу Абдуллох Мұхаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (тахм. 783—850).

Хумс (құмис) — Рай ва Жүржон билан құшни вилоят; бир вактлар Бувайхийлар давлати (932—1062) таркибида бұлған вилоят.

Хуррамшоҳ — булажак подшоҳ Шоҳжоҳов (1628—1657).

Хут — осмон буржларининг ўн иккинчиси; феврал — март ойларига тұғри келади.

Хутба — жұмъя ва хайит намозларида; шунингдек, хон ва подшоҳ таҳтта үлтирган куни жомың масжиди минбаридаң үқиладиган пандасиҳат.

Хуффот — күршаналак.

Черик — құшин, армия.

Чавгон — үрта асрларда от устида туриб үйнәладиган ва ҳозирі и хоккейга үшшаш бир ўйин номи.

Чагминий — хоразмлик машҳур олим Маҳмуд ибн Үмар ал-Чагминий (1220 й. вафот этган).

Чордара — чорбот уртасида иккى тирафдан дарчалар қўйиб солинган бино.

Чохий камон — үрта асрларда Тонкентда ясалған үқ-ёй. Ниншиклиги, хусусал нам тортмаслиги билан шұхрат қозонған.

Чухра — подшоҳ ва амирларининг хос қўриқчилари.

Чуби ёсок — калтак билан савалаб жазолаш.

Чүнг кемин — Шимолий Қирғизистонда жойлашган водий.

Шайхабу Мансур Мотуриди — машҳур илохият олимі (944 йили вафот этган). Қабри Чокардиза (Самарқанд) нинг маҳалласида.

Шамъи жаҳон — Муғалистон ҳукмдорларидан. 1419 йили заҳар беріб үлдирилган.

Шаҳри дарун — шаҳарнинг мустаҳкам девор билан уралған ички қисми.

Шаъри — иккى ёруг юлдуз: номи Процион ва Сириус.

Шероз — Самарқанд теварагида Амир Темур қурдиртирган қишлоқ, шу номлик тұман маркази.

Шиба — учар үк.

Шиговул — әлчилиар ва хориждан келған мұтабар кишиларни хон, подшоҳ ҳузурига етаклаб кируди мансабдор.

Шомила — астролябия ва квадрат үрницаша ишлатиш мүмкін бұлған универсал астрономик асбоб.

Шоҳ Абу Исҳоқ — XIV асрнинг биринчи ярмида үтган Форс ҳукмдори; күпроқ Абу Исҳоқ инжү номи билан машхур.

Шоҳизинда — Самарқанднинг шарқи-шымолий тарафида жойлашған мақбаралар комплекси.

«**Шоҳиома**» — Абулқосим Фирдавсийнинг (тахм. 940—1030 й.) жағонга машхур асари.

Шоҳроҳ — катта йул. Самарқанд билан Бухоро уртасидаги катта йул.

Шоҳрухия — Оқангарон сойининг Сирдарёға қўйилиш жойида бұлған үрта аср шаҳари. Илгари Бапокат деб аталған.

Штурпари — подшоҳнинг маҳсус чопари.

Элхонийлар — Эронда 1256—1353 йиллари ҳукмронлик қылған сулола.

Юртчи — сафар вактида подшоҳ мавқаби құнадиган жойни ҳозирлаш учун жавобғар бұлған мансабдор.

Яни — ҳозирғи Жамбул шаҳрининг урта асрлардаги номи.

Ясовулбоши — подшоҳнинг маҳсус хизматкорлари (ясовуллар) бошлиғи.

Я сол — қўшинини уруш олдидан кўрик учун сафлаш, қўшин сафи.

Я сок — жазолаш.

Я сси — ҳозирги Туркистон шаҳрининг ўрта асрлардаги номи.

Я тимча — ота-онасиз; умидсиз; бу ерда алдамчи, товламачий, маъносида.

Ўзбек улуси — Олтии Ўрданинг шарқий қисмида (XV аср) жойлашган улус; Шайбон улусининг XIV асрдан кейинги номи.

Ў рду — подшоҳ ва хонларнинг ҳарбий юриш вақтидаги вақтлик қароргоҳи.

Ў торуд — Меркурий сайёраси.

Ўктои кооп — Чингизхонининг ўғли ва тахт вориси (1227—1241).

Ўғлон — турқ мўғул халқлари орасида шахзодалар ва саркадалардан батъзилари шу ном билан аталган.

Қавл (гул) — қўшиннинг қўпинча подшоҳ ва хоннинг ўзи бош булиб турадиган марказ қисми.

Қавс — классик астрономияда осмон буржларидан тўққизинчиси; ноябр ойига тўғри келади.

Қалб — марказ; қўшиннинг марказий қисми.

Қалъа буржи — қалъанинг баланд мустаҳкам минараси.

Қари — улчов бирлиги, тахминан бир метр атрофида буяган.

Қарийа — қишлоқ.

Қасаба — катта қишлоқ, шаҳар типидаги қишлоқ.

Қатийфа — духоба.

Қатли омм — бирон тирик жонни омон қўймаслик, оммавий қирғин.

Қитъа — бирон нарсанинг бир бўлаги.

Қодири мухтор — худо.

Қози Аскар — ҳарбий судья.

Қозизода Румий — машҳур мунажжим, назариячи олим;

Улугбек мактабининг йирик намоёндаларидан (1360—1437).

Қорабог — Озарбайжонда Аракс билан Кура дарёлари орасида жойлашган катта вилоят.

Қора Юсуф — Озарбайжон билан Ироқда 1380—1468 йиллари ҳукмронлик қилган Қора қўюнлу сулоласига мансуб ҳукмдорлардан (1389—1420)

Қорасамон — Арис дарёсининг сўл қиргогида жойлашган манзилгоҳ; ҳозир Қора аспан деб аталади.

Қораунас — дуррагай. Чигатой улусининг шарқий қисмидаги мўгуллар Мовароуннаҳрга келиб утроқлацӣ қолган мўгулларни шу ном билан аташган.

Қора қуюпли туркманлар — Ван ва Урмия кўллари атрофида истиқомат қилган, ўғузларга тегишили туркман қабилалари иттифоқи.

Қорун тоги — Табаристон (Эрон)даги Дамованд тогининг ўрта асрлардаги номи. Араблар орасида бойлиги ва баҳиллиги билан машҳур бўлган одам Қорун аталган.

Қоҳин — мажусийлар руҳонини.

Қуббат ул-ислом — ислом қуббаси; Балхнинг сифати.

Қурхона — қурол-аслаҳа омбори; арсенал.

Қуссам ибн Аббос — пайгамбар Мұхаммаднинг амакиваччаси.

677 й. Самарқандни истило қилиш пайтида ўлдирилган.

Қутири — хажм.

Қутабеги — подшоҳ ва хоннинг боми ўрдусига мутасаддий бўлган олий мансабдор.

Қутабеги — подшоҳ ва хоннинг боми ўрдусига мутасаддийлик қилувчи олий мансабдор.

Құшунот — құшинлар.

Ражарчи — йұл күрсатувчи, йұлни тафтши қилувчи.

Фозонхон — Халокуийлар сулоласига мансуб Эрон ва Ироқ хукмдори (1295—1304).

Фолия — қош ва сочға суртиладиган ҳушбұй қора модда.

Ғул — қ. қавл.

Ғұза пули — нахта әкінідан олинадиган солиқ.

Хабиса — қабиҳ, ифлос; жинойи ішларға құл урган одам.

Хазоражот — тахм. минг уйлик ахолиси бұлған тоғыз қысплоқ; минг атрофида аскари бұлған ҳарбий қысм; Афғонистоннинг марказий қисміда жойлашған вилоят маркази.

Хазрат башир — ҳозирги Қашқадарё вилояты Китоб районда жойлашған муқаддас манзилгоҳ.

Хазрат имом — Тохаристон вилойтларидан. Балхдан Тибет ва Кошгарға олиб борадиган карвон йұли устида жойлашған жой. Илгари Арханг сарой аталаған.

Хазрати сұлтон — Хожа Аҳмад Яссавий.

Халокуон — Чингизхоннинг набираси. Тарихда Элхонийлар давлати номи билан машхұр бұлған феодал давлатта (Эрон, Озарбайжон, Ироқ) асос солған ҳукмдор (1256—1265).

Хамдуллоҳ Қазвиний — эронлик машхұр тарихчи ва жуғро-фия олими (1281—1349).

Харамайн — Арабистондаги икки муқаддас шаҳар — Макка ва Мадина.

Хафтон — Совет остидан кийиладиган нахталик камзул.

Хери — Ҳирот.

Хиндуон — Балхнинг ички қалъаси.

Хозин — хазиначи.

Хофизи Абрұ — XIV-XV асрда үтган машхұр тарихчи олим (1430 й. вафот этган).

МУНДАРИЖА

<i>Сүз боши: Биринчи оғиз сұз</i>	3
<i>Биринчи боб: Ташвишларга тұла болалик</i>	7
<i>Иккінчи боб: Тахт ұаваси ва илм зиёси</i>	63
<i>Учинчи боб: Жақон ичра зеб</i>	100
<i>Төртінчи боб: Самарқанд академияси</i>	120
<i>Бешінчи боб: Хиёнат</i>	155
<i>Олтинчи боб: Қылмыш-қидирмиш</i>	210
<i>Еттінчи боб: Абадиятта дахлдор</i>	232
<i>Сүнгги сұз үрнида</i>	259
<i>Улугбек, үнің әдебиеті ва фаолияті билан бөглиқ бұлған асосий воқеалар хронологияси</i>	267
<i>Қисқача изохтар</i>	272

БҮРИБОЙ АҲМЕДОВ

МИРЗО УЛУҒБЕК

Кичик мухаррир *M. Набиева*

Техник мухаррир *Ж. Нодирова*

Мусаххих *M. Ҳошимова* ва *K. Зиёмуҳамедова*

ИБ № 63362

Босмахонага 04.05. 93 да берилди. Босишига 07.02. 94 да рухсат этилди. Бичими 84×108/32. 2-нав босмахона қоғози. Оддий инги гарнитура. Юкори босма. 15,12 шартли босма тобоги. Жами 10 000 нуска. 7655 ракамли буюртма. Бажоси шартнома асосида.

Масъулияти чекланган «Шамс» жаминини. 700097. Халқдар дүстүрли шох күчеси, 28.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот давлат қумитаси Ташкент ижарадаги матбаса ишлаб чықарыш бирлашмасыда босилди. 700 429, Тошкент, Навоий, 30.

Аҳмедов Бўрибой.

Мирзо Улугбек.— 2- бадиа, тузатилган ва тулдирилган нашри.— Т. Фан, 1994—288 б.

Таниқли тарихчи олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Бўрибой Аҳмедовнинг «Улугбек» эссеси чоп этилганига бир неча йил булди. Шундан буен муаллиф китобхонлардан асарни тулдириб қайта нашр этириш илтимос қилинган куплаб мактублар олди. Ушбу нашрии китобхонлар мактубига жавоб ҳамда буюк мунажжим таваллудининг 600 йиллигига түёпа деб билгайсизлар.

Аҳмедов Бурибой. Мирзо Улугбек.

22.6 г + 72.3